
МУХТОР АВЕЗОВ

**АБАЙ
ЙУЛИ**



**ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ - 1957**

**Қозогистон Давлат Бадиий адабиёт нашриётининг
1952 йилдаги қозоқча нашридан Эумрад таржимаси**

Абай оға

1

Куз осмонини булут қоплаган, ҳаво нам. Тонг салқини кузнинг аччиқ изғиринига айланган. Теварак-атрофда эса, қовжирағ қолган қизғиши қўғайлар кўзга ташланади. Барги тўкилган тўбилғи ҳам жигаррангга кирган. Бўйига ўсиб бориб, сарғайган ковил билан явшон, оқиш эрмонларнинг ҳаммаси шамолда тебранади, бошларини чайқаб титрайди. Изғирин учирган қуруқ чўлқовлар кенг саҳрова юмалаб, узоқларга кетади. Тонг отаётир. Сөвуқ кечада тушган қуюқ шудриндан йўловчилар мингани отларнинг туёқлари ялтирайди, тўпиқларигача ҳўл.

Бепоён Эрали водийсида пайдо бўлган йўловчилар — эрта билан кўчган овулнинг азаматлари. Кўчиб келаётган овул эса, Абай овули билан қўшни овуллар эди. Ўша кўчнинг олдига тушиб, анча узоқлаб кетган бир тўл отлиқлар — Абай ва унинг баъзи дўстлари, шоир-ашулачинлар. Олдинги қатордаги Абай, Кўкбой, Шубор бошқалардан ўзиб, алоҳида сұхбатлашиб кетишмоқда. Уларнинг орқасидан Оқилбой, Магаш, Какитой, Дармен келишмоқда. Улардан ҳам кейинроқда Эрбўл билан Боймағамбет кўзга чалинади.

Эрта саҳар йўлга чиқилганига, ҳавонинг авзойи бузилиб, тунт ва кўнгилсиз бўлиб турғанига қарамай, ўртадаги бир гала ёшилар қаттиқ-қаттиқ сўзлашиб, асқия қилишиб келишмоқда. Деярлик ҳаммаси шоир ёшлар бўлғани учун, улар сўнгги пайтларда шеър тўқишида қўлланилиб келган турли-туман вазнларни синаб кўришарди. Уйда ўтирганда аввало ёзиб, кейин ўқиб берадиган шоирлар ҳам кўпчилик ўртасига тушганда, дўмбирага қўшплиб куйлай беришарди. От устида юрган вақтда

йўл-йўлакай ким ўзиш учун ҳозиржавоб шеър тўқишига ҳам киришиб кетишарди.

Сўнгги кунларда Оқилбой ким ўзарга шеър тўқиши учун бир хил вази айтганди. Бу—бир тўртлик шеърни тўрт шоир биридан бири илиб кетиб айтадиган усул эди.

Кейинги тўпнинг йўл узоқлигига, пайт ноқулайлигига парво қилмай, қаҳқаҳлашиб келишининг боиси ҳам ана шу илиб кетиб тўқилаётган шеър эди. Мағаш ўз навбатида от устида сал қунишиб, Какитой билан Оқилбойга қаради-да, тўсатдан яна бир тўртликнинг аввалги сатрини бошлади:

Куз етдими, эй ботир, нега тўнгдим...

Боядан бери галма-гал олишиб, ўзларини ҳозиржавоблика тоблагандек бўлиб келаётган шоир йигитлар бирданига ялт этиб қараб қолишли. Лекин бошқалардан олдин Оқилбой илиб кетди:

Тўнгганинг рост, бўзариб тусинг ўнди.

Буёғини Дармен айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. У мана шу ёшлар ичидаги энг ҳозиржавоби, гапни чертиб, ўриига қўйиб гапирадигани эди. Дармен бу гал ҳам тўртликнинг сўнгги икки сатрини яна ўзи тамомламоқчи эди-ю. Мағаш унинг жиловини ушлаб, кулғанича ҳазил қилди:

— Дармен, шаштингдан туш! Шеър айтишда мана бу Какитойнинг бўйинда ҳали анча қарзи бор. Бу нега қўшилмайди ўзи? Шу айтсан! Айт, қани бўл тезроқ!— деб, кўзларини қисиб, илжайганича жуда ҳазилкаш тенгдоши Қакитойга қаради. Афтидан, у ҳам шу сингари бир ҳужум бўлишини билган экан. Ҳамроҳларини ҳайратда қолдириб, тўсатдан жарангли овозини баралла қўйиб илиб кетди:

Биринг тўнг-у, биринг ўнг, ишим нима,
Хаёлига келмайди Какитой чўнгнинг!—

деди-ю, хахолаб кулиб юборди.

Баёв табиатли Оқилбой ҳайрон бўлиб, қайрилиб Қакитойга қаради ва: «чўнгнинг»...— деб, сўнгги қофияни ўзича қайтарди-да:

— Бу қандай қофия?!— деди.

Нақ шу пайтда Мағаш билан Дармен Қакитойни эрмак қилиб, Оқилбойнинг шубҳасини қувватлаб кула бошлашди.

— Қийналганинг шу-да, Қакитой, «чўнг» деган сўз йўқ. Шеър айтса, Қакитойнинг албатта енгилишини билар эдим. Келиб тўхтаган жойини қара-я,— деб Мағаш кулиб келмоқда эди. Дармен ҳам илжайганича:

— Бу ўхшатиши қаердан топдинг, қозоқ умрида эшитмаган гапни қаердан топиб келдинг, Қакитой тушкур?— деди.

Қакитой уларнинг кулгисига бироз индамай туриб, кўзлари кулимсираб, ўзи ҳам кулди-да, сўнгра баҳслаша бошлади:

— Мағаш билан Дағмен такрорлайверадиган, ҳамманинг қулоғига сингиб кетган сўз шеър бўлаверармиди? Баъзан гўзал, оҳангдор сўз аллақайлардан келиб, шу сингари ҳайратда қолдириб кетиши ҳам керак-да. Менинг билишимча, шу тўртликка шеърлик ҳусни киргизган фақат менинг қофиям,— деди.

Лекин Оқилбой бош бўлиб, йўлдошлари ёпирилиб Қакитойга даъво қила кетишиди. Қаттиқ кулгини эшитган Эрбўл билан Боймағамбет ҳам шу тўпга келиб қўшилди. Мағаш уларга ҳам ўз сўзини маъқуллатмоқчи бўлди. Ҳалиги тўртликни қайтадан айтишиб, ёши улуғ Эрбўлдан холис ҳакам бўлишни илтимос қилишди. Қакитой ўзининг ҳақли эканлигини Эрбўлга қувватлатиш ниятида:

— Эрбўл оға, мана буларнинг ножӯя қулги, беҳуда таңбиҳларини тийиб қўйсангизчи! Узингиз ўртага тушсангизчи! Худо ҳақи, қозоқда «чўнг» деган сўз борлигини айтиб берингчи шуларга!— деди.

Эрбўл ҳакам бўлгани учун, ҳамма ёдлаб олган тўртликни ўзи ҳам бир қайтариб айтиб, бироз ўйланиб қолди-да, кейин бош чайқади. Қакитойнинг йўлдошлари ҳамон ундан кулиб келишаётган эди. Эрбўл, афтидан, унга ачингандек кўринса-да, йигитнинг сўзини қувватлай олмади.

— Айланай Қакитой, чирқирашингдан бегуноҳдан-бегуноҳ ўртаниб бораётганга ўхшайсан-ку! Лекин арз эттанинг билан беҳуда. Қозоқда «чўнг» деган гап йўқ,— деди.

Қакитой энди яна ҳам қаттиқроқ чинқириб, Боймағамбетга ёпишиди-да:

— Вой-вой, булар нима дейишияпти, Бақо! Сен эшитмаган сўз йўқ, қани ўзинг айт-чи—деди ундан умидвор бўлиб. Боймағамбет боядан бери «чўнг» деган сўзни

ичида тақрорлаб, қовоғини солиб келаётган эди. Ҳозир ўзининг чўрт сўзлигига бориб:

— Какитой, сўзинг тўғри эмас! Бирон ҳикоя ёки эртакда «чўнг» деган сўз йўқ. Бундай гапни эшигтан ҳам эмасман!— деди.

Қўпчилик тажанг Какитойнинг яна бир тасодифий сўз айтншини кутиб, баҳлашибишига киришди. Бироқ у ҳали бўйнига олгани ҳам йўқ, тап тортгани ҳам йўқ. Отини ниқтаб юбориб:

— Эй, тангрим, то ерига етмагунча Какитой йиқилмайди. Бориб ана у Абай оғамга арз қиласман. Юр ҳамманг, қани, билагонликларингни ўша ерга боргандада кўрарман!— деб, отини елдириб кетди.

Қолганлари ҳам отларини елдириб, Абай тўпига етиб олишиди.

Бошқалардан олдин етиб келган Какитой, аввалгидаи қизишган ҳолда, баҳс сабабини Абайга айта бошлади. Баҳс «чўнг» деган сўз устида эканлигини эшитиб, Кўкбой кулиб юборди. Афтидан, у бирор нарсани биладигандай кўринди. Какитой умидвор бўлиб, унга қаради. Орқадаги отлиқларнинг ҳаммаси етиб келгандан кейин, Абай қайрилиб, Эрбўл билан Ўймағамбетга:

— Иккевинг Мағашига қўшилиб, Какитойни чиндан ҳам енгиги ташладингларми? Енгиги ташлаш осон-ку. Одил ҳукм айтган бўлсанг, енгашинг маъқул. Борди-ю, Какитойнинг гапи тўғри бўлса нима қиласан?— деган эди, ҳовлиқиб келаётган ҳалиги отлиқларнинг ҳаммаси ҳайрон бўлиб қолишиди. Баъзилар от бошини тортиб, Абайнинг оғзига тикилишиди.

— Қозоқда «чўнг!» деган исм ҳам бор. Чўнг, Тўрай-ғир деган ака-ука бўлиб, иккови ҳам чечан, иккови ҳам Суюндиқ уруғидан, гўё икки чўққи сингари улкан одамлар эди. Улар айтиб кетган топнишмоқ ва нақллар бутун Ўрта юзга¹ маълум. Бироқ, шу «чўнг» деган сўз менинг билишимча, аслида қозоқча сўз эмас. Мана бу Улуғ юз, Ўйсин шоирларининг, чечанларининг қадимги шеър ва достонларида ҳам учраб туради. Аслида бу сўз қирғизлардан олингандими, деб чамалайман. Харқалай, Какитой ҳаммангдан устун келибди. Орангизда ёввошингиз, «мен шоир эмасман» деб, ўзини камтар тутадиган битта шу

¹ Қозоғистон илгари учга бўлинниб, улар Кичик юз, Ўрта юз, Улуғ, яъни Катта юз деб аталарди.— Ред.

эди. Лекин бутун шоирларни йиғиб, дасталаб туриб, дастаси билан улоқтириб урди деган гап шу эмасми? Ростини айтганда «түнгдим», «үнгдим» ларингга шоирона жасорат билан маъни киргизган одам — Какитой. Шеърни шеър қилган шунинг ўқтам сўзи! Ана энди, енгилганингизни ўзингиз билмассангиз, биз айтиб берайлик: Ўмбалоқ ошиб, чалқанчасидан тушди, деган сўз шу бўлади, шоир Мағаш, Оқилбой! — деди Абай эрмак қилиб.

Енгган Какитой ҳам, енгилган шоирлар ҳам, уларнинг сўзини қувватлаганлар ҳам Абайнинг беғараз танбиҳидан завқланиб қулишди.

Йўловчилар қовжираб қолган Эрали ўтлоқларини оралаб ўтишди. Тўпнинг олдида келаётган Абай бир кичикроқ тепаликка қараб йўл олди. Йўловчилар тепаликка чиққанларида сал билиниб турган иккита эски қабрни кўришди.

Абайнинг бу қабр устида тўхташидан ёшларнинг юзида ҳайрат аломати пайдо бўлди. Улар бу икки қабр кимдан қолган нишона эканлигини билишмас эди. Абай бошқалардан олдинроқ етиб, ҳалиги икки қабрга тикилганича анча вақт туриб қолди.

Унинг сийраккина, чиройли соқолига унча-мунча оқ оралаган. Атрофини бироз ажин қуршаган ғамгин кўзларини баъзан қисинқираб қарайди. Баъзан, ҳеч нарсага кўнгли бўлмай, узоқ ўтмишдаги кунларни хотирига олмоқчи бўлаётгандек, кўзларини юмиб, чуқур хаёлга чўмади. Шубор билан Дарменнинг қўлидаги иккита кўк қарчифай ҳам қабр томон хиёл бош эгиб, тўсатдан чанглга илинадиган овни кутуб турешгандек, тикилиб қолишиди. Яхшилаб тобга олинган, ҳа деганда парвоз қилишга тайёр турган қушлар, пайт пойлаётгандек, киприк қоқмай, сап-сариқ тилладек кўзларини ўқдек қадаб туришибди.

Кўпчиликка англашилмайдиган бир ҳолда анча вақт-гача сукут сақлаб турган Абай, ахир қайрилиб қарамай, ўнг қўли билан орқадаги йигитларга ишора қилди. Кўпчилик ҳамон ҳайрат ичидаги ҳалиги кўримсиз қабрлардан кўз узмай, Абай ёнига келди. От туёгининг тўпир-тўпири босилиб, ҳамма жим бўлган пайтдагина Абай синиқ овоз билан гап бошлади.

— Мана шу мунгли қабр шу кимсасиз тепалик устида пайдо бўлгандан буён, юз марта яшнаб ёз, ғамгин тортиб

куз көлибди. Бу қабрлар мана шу бир аср давомида ўтган кўп бўғинлар ҳаётининг тилсиз шоҳиди! Бу қўш қабр гоят оғир сирларни яшириб ётибди. Аҳён-аҳёнда мана шу ердан ўтган чоғимда, ҳамиша кўнглимда қандайдир бир бурч бордек ҳис этаман. Шоирлик бурчимга ўхшайди. Бу ерда бир қиз, бир йигит ётибди. Йигитнинг исми Кебек, қизнинг исми Энглик!..— Абайнинг товуши одатдагидек босиқ, оҳангдор эди. У давом этди:

— Мана шу иккови муҳаббат учун ўз элининг беомон ҳукми, ўз замондошларининг қўли билан ўлдирилган. Бундан юз йиљ бурун ҳам, то мана шу кунга қадар ҳам ўғилга тушов, қизга бўғов бўлиб келаётган эл урф-одатига кўра мана шу иккови отининг думига боғлатиб, судратиб ўлдирилган!

Абай бир нафас жим қолиб, куз изғиринидан нечукдир совуқ бир нафас ҳис этгандек бўлди. Пастаккина тепаликнинг қўға ва ковиллари ўша вақтлардати фожиали воқиага шоҳидлик берәёттандек қалтираб, бош эгарди. Абай оддий сўз билан гўё эски бир балладанинг созини чертар эди:

— Энглик билан Кебек қочқин бўлишиб, мана шу ўрада төғининг бағридан ёввойилардек паноҳ топишиб, озгинна вақт умр суринди. Уларнинг ўша бахтсиз муҳаббат оқибатида дунёга келган боласи, юрасида ўғли, ота-онасидан айрилган куни йўргакда йиглаб ётганича мана бу четдаги Оқчўққининг кимсасиз тепасига элтиб ташланади. Ўша ота-онаси ўлдирилган куни, қоронги тушгунча ичак-бағри узулгудай йиглаб ётади. Совуқ, сирли дунё кучоғида, топбағир инсонлардан йироқда, ёлғизлика... уни ўчади. Мангуга ўчади!

Ёшлар даҳшат ичидаги қовоқларини солишиб, юзларида қўрқув акс этиб қарашарди. Ҳаммадан олдин Дармен сўз қотди:

— Кимнинг буйруғи билан шундай бўлди, Абай оға?
— Ўлдирилган ким?

— Ўлдирилган ким?— деб сўрай кетишиди Мағаш билан Қакитой.

— Ўлдирилган Қенгирбой! Мана шу турганлардан кўпчилигимизнинг отамиз. Ўша замонларда элнинг мана шундай бениҳоят кўчини бошлаб юргувчи киши, ҳозир арвоҳ—Қенгирбой,—Абай шу сўзларни айтар экан, атрофини қуршаб турган ёшларининг юзига синовчан назар билан тикилиб қаради.

Бу тапдан Шубор сесканиб кетгандек бўлди. Бошқа ёшлар оғизлари очилиб туришарди. Фақат Дармен:

— Сигинадиган арвоҳ ҳам ўзи, ёшларнинг жаллоди ҳам ўзими?— деган эди, Абай бу сўзни ёқтириб, унга қаради.

Шубор Дарменни жеркиб:

— Бас, оғзингта қараб гапир!— деб қолди.

Абай Дарменнинг чеҳрасида барқ урган илҳом учқунларини кўриб туарди.

— Уша вақтдан бери зулм занжири қозоқ қизининг бўйнига аввалгидан бадтарроқ ботадиган бўлди!— деб қўйди Абай.

Шу пайтда икки кўзи қўлидаги қарчиғайнинг кўзларидек аланталаб, учқун сочиб турган Дармен, тўсатдан келган бир фикр билан тутоқиб кетгандек бўлиб:

— Абай оға, рухсат этсанги! Юз йиллар давомида-ку қанча-қанча йўловчилар Энгликка қуръон бағишлишгандир. Улар ўз йўлига! Мен бугун ўша Энгликларнинг қалбига атаб, ўзгача бир қуръон ўқисам дейман. Шунга рухсат этасизми?— деди.

Абай тарафдудланмади. Дарменга хуш чирой билан боқди-да: «ўқи»!..— деди.

Шу ишорани кутиб туртан Дармен:

— Ундей бўлса, Энглик—Кебекка ўқиладиган қуръон шу бўлсин,— деди-ю, томогини қириб олиб, жарангдор овоз билан куй бошлади. Кўкбой билан Шубор кутилмаган бу ишдан сиқилиб, шивир-шивир қилиб қолишиди. Абай тинчлик сақланишини талаб қилиб, икки қўлинини бирдан силкиди-да, турганларнинг ҳаммасига Дарменнинг куйига қулоқ солишни буюрди. Ҳамма жим бўлиб, эриб қулоқ солди. Дармен бутун вужуди билан берилиб, зўр ихлос билан айтиётган ғоят мунгли куй бошқа вақтларда, ўтиришларда айтиладиган, ўйин-кулгига ундовчи куйлардан эмас, балки ўлганларнинг руҳига бағишиланган, дардли дилдан тошиб чиқсан ғамгин йўқлаш эди. Юзида сирли тўлқинлар акс этиб турган ашулачи-шоир, бу ердагиларнинг ҳаммасига маълум бир куйни бошлаган бўлса-да, ҳозирги айтишида уни тўё шу дақиқага мос келадиган соз сингари ғамгин-ғамгин тўлқинлантирумокда эди. Бу Абайнинг «Қўзимнинг қораси» деган куйи эди.

Магаш билан Қакитой Абайга қўшилишиб, Дарменнинг бу ҳаяжонини мамнуният билан англар, фаҳрланиб

унга қарап эдилар. Дармен узун ўланни тугал айтмади. Бир-бирларига интизор қалбларнинг кулиб туриб жон беришга ҳозирдек, юрак-бағирлари узилиб айтган армон ва аламларидан териб-танлаб куйлади.

Тўрт бандни айтди-ю, қаттиқ хўрсинганича жим бўлиб қолди.

Абай от бошини астагина бурди. Семиз қашқа жийрон аста-секин юриб, тизгинини силтаб ташлаб, бошини эгиб-эгиб келаётнибди. Бошқалар ҳам қўзғолган эди. Ҳамма қаторлашиб кетди. Ўртадаги икки қарчиғай патларини ҳурпайтиришиб, силкиниб-силкиниб қўйишиди. Иккови ҳам йўловчилар кетаётган томонга қараб, ўтли кўзларидан учқун сочиб, парвозга шай туришибди.

Ҳамон хаёл суриб келаётган Абай ёшларга яна бир сўз қотди:

—Хўш, ўша арқон тугунида димиқиб кетган дард-алам бор-а? Ҳеч бўлмаса, шу кунларда ўша қабрлар билан ўша юрак сирларини элга ошкор қиласидиган пайт келмадими? Энглик овозида — қиз қалби ўз сирларини очса, Кебек тили билан йигитлар армони, йигит ғазаби, ўғлонлар оҳи берилса бўлмасми? Шоирсиз-ку! Мана бу кузнинг ғамгин кунларида ғамгин кўйлар билан мунгли созлар келади. Менинг билишимча, илҳомни фақат шодлиқдан олмай, элнинг алам-армонлари ва ғарибларнинг ҳаётидан ҳам олиш шарт! Шеър агар ҳақиқат билан бирга туғилса, терандан отилган булоқ сувидек олисларга кетади. Шундай бўлгандан кейин, мана шу эшитган-билинларингиздан шеър туғилса, қандай бўлар экан? Қани, қизиқадиганинг борми?

Абайнинг нима демоқчи бўлаётганини яхши билган Дармен бир қарорга келиб, фикрини айта бошлаган ҳам эдики, Шубор унинг оғзидағи гапини илиб кетди.

— Абай оға, буни ўзим ёзаман!

Лекин Дармен жим қолмади.

— Абай оға, Шубор менинг оғзимдаги гапимни олди. Мен ҳам ёзаман!

Бу гап Шуборга маъқул тушмай, энсаси қотиб, бир илжайди-да:

— Гапнингни олганим йўқ. Кўнглимдаги ниятимни айтдим. Сенинг ёзишингни мен қандоқ билардим? Ўзим айтдим, ўзим ёзаман! — деди.

— Йўқ, мен ёзаман!

— Сен эмас, мен!

— Икки йигитнинг талашишига келаётганларнинг ҳаммаси қизиқиб қолишиди. Дармен бир оз ўйлаб, ўз далини кўпчилик ўртасига ташламоқчи бўлди:

— Икковимизнинг тортишувимизга ҳукмни кўпчилик чиқарсин. Лекин мен шуни ёзмоқчи эканлигимни Шубор айтмасдан олдин, ҳали қабр бошидаёқ куй билан айтиб қўйдим-ку, ахир?— Магаш унинг сўзини қувватлаб, бош эгиб қўйди. Шубор ғазах қилиб ҳазилга олди:

— Тўғри, енгаман деган шоир учун бу гапнинг ҳам бир ўрни бордир. Лекин, ўзинг одиллик билан айт-чи, Дармен! Сен ўша ерда ўз дилингдан чиқариб, бирор оғиз сўз айтдингми? Абай орамнинг шеърини айтдинг-ку? Езаман деган гапни бўлса, дастлаб мен айтдим.

— Сен тил билан айтсанг, мен дил билан айтдим! Абай оғамнинг ишқ-муҳаббатни тараннум этган шеърини ўшаларнинг руҳига бағишлаб айтиш билан созим, туйғуларим ўшаларда эканлигини билдирганман! Э тангри, ахир ҳаммамиз ҳам шоирмиз-ку? Ҳамиша сўз билан уқдирнш керакми, ишоранинг ўзи етарлик эмасми?!— деб, Дармен яна салмоқли далил келтира бошлади.

Бу баҳслардан завқланниб, кулиб келаётган Эрбўл икки йигитнинг сўзини бўлди. У рўпарадати бир қирга кўз ташлаб келаётган эди. Ҳозир қўзларини қисинқираб, тикилиб туриб, бир нарсани кўриб олди-да, жаранглаган овоз билан:

— Ҳой, йигитлар! Сенларнинг шеър устида талашишларинг яхши гап, яхши ният! Лекин кимнинг ёзиши кераклиги ҳақида ҳукмни шу ерда мен айтами?!-- деб, отининг бошини хиёл тортди.

— Айт! Айтинг!-- деб қолишиди икки йигит бирданига.

— Айт десангиз, айтай! Анави қирда, ғоз ўтининг қалин ерида, бир тўр тувалоқ ётибди. Қарчигайларинг ҳам кўриб олди. Олис ӯлса-да, икковинг ҳозир қушларингни баравар солчи ўшанга! Кимнинг қарчигайи тобида экан?— деган эди, Абай «баракалла» деб, дарҳол Эрбўлнинг сўзини қувватлади. Эрбўл сўнгги шартни ҳам айтди. Тувалоқ ҳақида гап бошлангандан бўён овчи йигитлар секин ишора билан сўзлашга тушди. Эрбўлнинг ўзи ҳам тувалоқнинг нақадар зийраклигини назарда тутиб, секингина деди:

— Кимнинг қуини тувалоқни олдин олса, Энглик — Кебек достони ўшанини бўлсин!

Ҳамма тўпланиб турган эди. Шубор билан Дармен ҳам шу шартга кўна қолишиди.

— Бўпти!

— Майли!

— Мана, жўнатдик! — дейишди-ю, кўпчилик олди га тушиб, қушларини силкиб-силкиб, учирисиди.

Шубор икки қушнинг шиддат билан кетаётганини кўриб, Абайга қаради:

— Абай оға! Қарор шу-а?

Абай ҳеч ким кутмаган вазминлик билан деди:

— Эрбўлнинг қарори тўғри! Лекин менинг ҳам шартим бор. То қушларинг ўша тувалоқларни олгунча, иккавинг ҳам, чопиб кетаётиб, бир банд-бир банд янги шеър айтасан!

Отлиқлар елиб кетишаётган эди. Шубор билан Дармен эса Абайнинг икки томонида кетишаётганди. Абайнинг шартини Шубор тезгина маъқул кўрди.

— Бўпти, Абай оға, қарчигай ҳақидами?

Ёшларнинг ҳаммаси овчилик завқига берилган пайт бўлса-да, Абайнинг шоирлик важидан қўядиган шартини зўр қизиқиш билан кутишиди.

Абай Шуборга қараб:

— Йўқ, қарчигай эмас! Синов бўлгандан кейин, ҳамиша ҳақиқий синов бўлсин! Мен ҳозиржавоблик талаб қиласман. Топширадиганим бундоқ,— шошилмасдан, аниқ қилиб сўзлади Абай.— Аёз қиши кечасида, гувуллаб эстан бўронга оҳангдош куй қўшиб, кекса эна набирасини қандай сўзлар билан юпатади? Ана ўшани тезлик билан шеър қилиб беринглар. Қани, бошла!

Шубор ноумид бўлиб, Абайга ўпкали назар ташлади.

— Абай оға! Бунинг синов эмас, жазо-ку! — деди. Дармен қаторлашиб, йўртиб келаётган ҳолда, Абайга эшилтириб тўсатдан шеър айта бошлади. Шубор тўё ўз сўзига қулоқ солгувчи, тингловчи топмагандай, жим қолди.

Бу тортишув қарчигайларнинг тортишувидан ҳам қизиқ эди. Кўпчилик қарчигайларни унудиб, бу ердаги илҳом қарчигайларининг қанот қоқишига тикилди. Дармен, ҳамма ихлос билан қулоқ бераётганини пайқаб, елиб йўртиб шеър айтар эди. Абай хурсанд бўлиб, қулимсираб тумоғини қўлига оларкан, Дармен томон оғиб, қулоқ солиб келмоқда. Илҳоми тўлиб тошган шоир от қўйганича куйлаб келмоқда:

Улаларим учқур қарчигай каби,
Янграйди осмонда такрор ва такрор.
Қаҳратон уялаган аёзли тунда
Кекс сана бундай куйлади зор-эор:
Гув-гув эсган қор, бўрон
Чўчитмагин боламии.
Болагнам бағримда,
Келолмайсан сен бунга!
Тинчин бузма, ухласин.
Кезавергия далаңгии.
Ухла қўзим, ухлагин,
Аллалайман боламни.
Аллажоним, алла-ә,—
Шундоқ куйлар, онаси!
Ухлади тез боласи!
Майли, яна куйласин
Юз йил ўша онаси...

Дармен олдинга кўз ташлади, хурсанд бўлиб келаётганинг ҳаммасига эшитарлик қилиб, шеърни шундай тутатди:

Абай оға, бир қаранг,
Овин маҳкам тутибди,
Қарчиғамнинг панжаси...

Дармен энди отига қамчи бостириб, қуюндеқ учиб кетди. Шу гал Абай, Дармендан беҳад хурсанд бўлди:

— Омон бўлгур-ей, киройи шоир бўлсанг шундай бўлда!— деб қўйди у.

Мана шу иниси — Дарменни «Абайга шогирдликка бериб, йўлдош қиласман» деб олиб келиб, буларнинг тўлига қўшган кекса Даркембойга Абай ичидан олқиш айтиб келарди.

Қўпчилик энди от бошини қўйиб, қушларнинг орқасидан кетди. Ҳаммадан олдин Мағаш етиб борди! Ола-сариқ патлари ярқиллаган, улоқдай бир тувалоқни босиб олган қарчиғайнинг устига борди-да, тумоғини силтаб орқадагиларга бақирди. Орқадагилар ҳам етиб қолишган эди.

— Дармен! Дармен! Суюнчи! Энглик достони сеники! — деди Мағаш.

Дармен чолиб келаётганича ўзини отдан ташлаб, қушита интилди. Мағаш билан Оқилбойлар ҳам, чалдаст, эпчил Боймағамбет ҳам уймалашиб шу қушнинг устига

келишди. Шубор бопқа ерда, ёлғиз ўзи қушининг атрофига ивирсиб юрган эди. Афтидан, унинг қуши тувалоқ олмаган кўринади. Дарменнинг тувалоғини Эрбўлнинг қанжуғасига боғлаб, ҳаммаси Шубор ёнига келишди. Шубор чўққайиб, этаги билан қарчиғайнин буркаб олибди. Гап нимада эканлигини ҳаммадан олдин Кўкбой пай-қаган экан. Шуборга қараб, кулганича:

— Шарманда! Шуборнинг қуши тувалоқ олиш ўрнига, ундан дакки ебди-ку!—деди.

Шубор қарчиғайнин чор-ночор кўпчиликка кўрсатиб, қўлига олди. Қироннинг қанотлари ҳўл, патлари ҳурпай-ган эди.

Кўкбой Шуборга қаттиқ ҳазил қилиб:

— Тувалоқ ҳамма ёғини бўяб кетибди-ку! Ёпрай, шундай яхши ният устида, бу ёмон қушнинг бундай ҳолга тушиши қандай ёмон ирим бўлди-а, Шубор!— деб яна кулди. Шубор изза бўлиб, сўз қотмай Кўкбойга совуқ бир назар ташлаб, орқасига қайрилди-да, отира мина бошлиди. Абай Шуборга ачиниб:

— Кўйсангчи, Кўкбой! Қарчиғай ундаи бўлмағур қушлардан эмас, кўзларидан ғазаб ўти сочилиб турганини кўр! Ёмонлик бўлса, ўз бошига!— деб, кўпчиликка қарди.— Лекин, достон Дарменники, Дармен сен ёзасан!— деди.

Ҳали ҳам қалби жўш ураётган Дармен, гўдакдай қувониб, остидаги оқ бедовни ниқтаган эди, от унинг шодлигини маъқуллагандай сәпчиб, олд оёғини тик кўтариб орқа оёқларини ерга санчгандек туриб қолди. Шу зайнилда Дарменнинг шодлик балқиб турган чеҳраси гўзал, унда ёшлик алангаси барқ урап эди. Қўлидаги кўк қарчиғайи бўлса пўлатдек ярқираб, талпиниб, парвоз қилишга интиларди.

Куз қуёши аста кўтарилиб, қизғин шуъла сочди. Қўш оёқда тик турган оқ отнинг устида қўлига қарчиғай кўтарган, юзларидан нур сочилиб турган йигит қуёшнинг қиэғиши шуъласига чўмди.

Ҳам илҳоми жўш уриб, ҳам қуёш нурига чўмилиб, оти тик турган йигит, Абай кўзига ҳозир оқ мармардан йўнилган гўзал ҳайкалдек кўринди.

Орқадан чопиб келаётган от туёғининг дупури эши-тилди. Йўловчилар қайрилиб қарашди. Ҳалигача юзида табассум ярқираган Абай ҳам оти билан қайрилди. Жадалтаб келаётган ёлғиз отлиқ йўловчи, секин юриб; бўлар

ённда тўхтади. Остидаги қол-қора тўсдек ғўнаннинг бўйни, қулоғи, кўзларигача оқ кўпик босган. Ўзига мос бўлмаган катта югани шиқирлаб турибди. Норғул келган, қорача йигитнинг икки оёғи кичкина ғўнаннинг тиззасига тушиб турибди. Қуюқ қора мўйлови сабз урган, ўткир, қийиқ кўзли йўловчи—Абди деган жигитек экан.

У йироқдан тўғри Абайга қараф, бошқаларга назар солмай, фақат унинг ўзига атагандек қилиб:

— Ассалому алайкум, Абай оға!— деди.

Йигитнинг тutoқиб, икки кўзи қон талашиб туришдан Абай унинг ғазаб билан арз қилгани келганини пайқади.

— Ваалайкум ассалом! Хўш, йигит, нега бунча шошқин келаётисан?— деди Абай одати бўйича, келган одамнинг қандай ҳожати борлигини дарров билиш ниятида.

Абди одоб юзасидан ёши улуғ Эрбўлдан бошлаб ҳамма билан қисқагина сўрашиб олди. Сўнгра Абайнинг юзига тикка қараб туриб:

— Абай оға! Зарур иш билан арз билан келяпман. Үзингизга келдим. Мана бу ёмон ғўнаним билан орқала-рингиздан йўртганимга хийла вақт бўлди. Ишим зарур бўлса-да, эндиғина ета олдим!

— Қандай иш эди, айт-чи!— деди Абай ҳам йигитга тикилиб.

— Ишим — фақат ўзимга тегишли иш эмас, еттибирдек овулнинг иши. Овулдагиларнинг ҳаммаси мени сизга юборишиди. Бизлар мана бу Азберген, Шуйгинсуда турадиган етти овул жигитеклармиз.

— Биламан!

— Уша етти овул шу қунларда кўп оғир зулм билан хўрлик кўраётиди. Зўрликни Азимбой қилаётир!— Абай ижирғаниб, қошларини чимириди.

Азимбой деган узуноғриқ шу қунларда ярамас бир дардга айланиб зўрайиб келаётган эди. У Абайга ини ҳисобланади. Азимбой айбли бўлса, Абай азобланади. Ўзини жавобгардек ҳис этади. Шу жиҳатларни ўйлаб туриб, Абай ўзининг хўрсинганини ҳам билмай қолди. Абди бўлса, Абайнинг вазияти, хўрсинишидан дардига қулоқ солғувчини топгандек бўлди. Гапида давом этиб:

— Пичанзоримизнинг қоқ ярмини тортиб олиб, ўрдирмоқчи бўлаётиди, деди.—мана бу йил яна ўроқчиларини бошлаб келди. Ўтган йиллар ҳам жонимиизга теккан эди.

Лекин у йиллар ҳар овулни алоҳида-алоҳида алдаб, авраб өларди. Қишилик озиғимиз — шу озгина пичанимиз. Үзимиэда мол бўлмаса-да, қиши ўртасига борганда, моли-ҳоллик овулларнинг ориқ-тиригини боқиб бериш учун олиб, ҳеч бўлмаса бир оби-ёвғоннинг иложини қилиб тургувчи эдик. Сўраш йўқ, келишин йўқ, йил сайин кела-ди-ю, тапла босиб олади. Бугун шу хўрлик этдан ўтиб, суюкка тақалгач, етти овул бирлашиб, норозилик билдири-дик. Азимбой бизларни ҳайдаб солди! Шундан кейин, бир тарафда унинг ўроқчилари, бир тарафда бизнинг қаш-шоқлар бўлиб, икки ўртада қаттиқ жанжал бўлаётиди.

Абди бўлган воқиани айтиб, ниҳоят уни шунчалар тутоқтирган хўрлик, зўрлик, хиёнат, жабр-зулм устида сўз юрита бошлади:

— Абай оға, мана шу сингари кўзи ёшларнинг арзидоди билан келдим. Овули билан золимга ем бўлаётган элинг юборди. Етти овулнинг оч-яланғочи — элинг эмасми? Кўздек қўшинимизу, йироқдан келиб босган ёвдан баттар. Йил сайин, ой сайин, баъзан ҳатто кун сайин кўрадиганимиз фақат туртки-ю, тепки! Тинимсиз хиёнат! Қутилар кун борми? Бу дарднинг кўз очирав куни борми? — йигит қаттиқ ранжиб сўзлагандা, унинг кўркам юзи пирпираб, номус ва ғазабдан кўзларида ёш кўринди.

Шубор ёнидаги Кўкбойни туртди:

— Маҳмадакалигини қара-я! — деди-ю, буринни жийириб қўйди.

Абай Абдини қалбдан англаб, унинг ўтли, сўзамол, жасурлигига хурсанд бўлиб қараб қолди. Абдининг ғазабини, шу сингари бегуноҳ ҳалқнинг, кўпчилик элнинг ғазаби ва ноласидек ҳис этди. Лекин ичидан: «Кўз очилар кунни сен орзу қилганда, мен ўртаниб изласам-чи!» деб бир нафас ўйланиб қолди.

Кейин бошини кўтариб, ўзини ростлаб олди-да, икки томонида турганиларга қараб, тутақкан ҳолда қаттиқ-қаттиқ сўзлай бошлади:

— Қаранг-а, бу ўтакетган ўзбошимчалик-ку... Тагига босиб, чинқиририб, тепкилаб тўнаш дегани шу эмасми, ёзиқсиз ва қашшоқ ҳалқни-я?

Ҳаммадан олдин Шубор гапга аралашди:

— Булар Такежоннинг қўшилари. Бирда тотув, бирда араз, қўни-қўшничиликда бўлиб турдиган гаплар-да! Такежоннинг ўзига юбора қолсангиз бўлмайдими?

Абай, ўқрайиб Шуборга тикилди:

— Бу нима деганинг? Такежонга боришга кўзлари кўрмиди? Ахир булар Такежон билан довлашиб, бизни холис оғайни деб паноҳ тортиб қелишган-ку?

— Такежон сиздан ранжийди-ку. Унинг оқибати яна ташвиш, яна машмаша... Ўзингизга оғир бўлади-да. Яна шеър, ижод, тинч меҳнат — ҳаммаси бир чекада қолиб кетади. Шунисидан чўчиётирман! — деди Шубор.

— Шу тахлитда халқнинг кўз ёшидан қочиб ярати-ладигаң шеър савил қолсин! Нима дея ётирасан ўзинг! — деди Абай ғазаб билан Шуборга қараб. — Ииртқишлоқ, ёвузлик ва макр-ҳийлани кўрганда, сенларда уйғонадиган ҳис, чиқадиган гап шуми? Бундай бўлса шоир бўлмаганларинг маъқул!

— Ихтиёрингиз! — деб қўя қолди Шубор зарда қилиб. Абай ғазаб билан кескин буйруқ қилди:

— Мағаш, Дармен! Иккаланг бор! Мана бу Абди би-лан бирга ҳозир ўша жанжал бўлаётган жойга етиб бориклар. Азимбойга айт, ўроқчиларни тұлтатсан! Инглат-масин халқни!

Ўша заҳоти Мағаш билан Дармен Абдини өргаштириб, йўртиб кетишиди. Абай ғазаб ичиде ўртаниб, нафаси ичига тушиб кетди-да, қовоғини согланича жўнаб қолди.

Мағашлар етиб боришганда, Азимбойнинг саккиз ўроқчиси етти овулнинг еридати чўпини ўриб, супуриб олиб келишаётган экан. Жуда ҳам кеч чопилаётган пичан қалин, бўйдор ўсгани билан ҳозир куз ҳавоси кор қилиб, оқиш тортиб қолибди. Ўроқчилар ёнига кетаётган Дармен:

— Пичаннинг ўзи ҳам оқишроқ бўлиб қолибди. Нега ўроқни кечикитириб юбордингиз? — деди.

— Кузакда кўп овул бизнинг қишловларимизни ёқа-лаб кўчиб ўтади. Ушаларнинг молидан чўчиб, кунимиз ер қўриқлаш билан ўтди-ку. Ўша кўчиб ўтгувчи сон-саноқ-сиз элни ўтказиб юбориб, энди ўроқقا тушамиз деб турган пайтда, шу ишга дучор бўлганимизни кўрмайсизми? Талаб олаётганини қаранг! «Холис Қардошлар ҳукмини айтсан, ҳеч бўлмаса бироз тура тур» деб сизларга югурган эдим. Ана, пайхонлашибди. Азимбойни тиядиган амри-фармон бормиди? Унинг зўравонлитидан зўрроқ йўл-йўриқ борми? — деб жавоб берди Абди ғижиниб.

Етти овулнинг ўнтача одами ҳам шу ерда тўпланиб туришган экан. Булар орасида мошгуруч соқолли бир

кексадан бошқа Сержон, Асқар сингари новча, барваста, чапдаст азаматлар ҳам кўринарди. Ҳаммасининг юзида ғазаб, норозилик аломати бор. Азимбойнинг ўзи ҳам шу ерда экан. У ёлғиз ўзи, от устида. Семиз тўриқ отнинг сувлиғини олиб ўтлатаркан, ўроқчиларнинг орқасидан ниқтаётгандек юрибди. Эгнида қалин малла гуппи, устидан кийгтан яланг қават тўннинг баридан шамол уриб, икки биқуни орқасигача кепчиб турибди. Орқа томонидан қараганда, Азимбой ғумбоқ бўлиб, йўғон кўринади. Мағашнинг кўзига у, оҳу зор ҳам, кўз ёши ҳам кор этмайдиган йўғон гўла сингари кўринди.

Булар ўроқчилар ёнига етиб келишди. Алоҳида тўплашиб турган бир гала қашшоқлар ҳам келишиб, Мағашлар билан иссиққина саломлашдилар. Уларнинг чеҳрасида хиёл умид уйғонгандек бўлди. Бу йигитларни Абай юборганини фаҳмлашиб, ўзларига суюнчиқ топиб, чин кўпгилдан умид боғлашгандек бўлишди.

Мағаш тап тортмай, тикка Азимбойга қараб сўз қотди:

— Хўш, Азимбой, нима қиляпсан ўзинг? Нега бу қашшоқ қўшниларинг билан юмдалашаяпсан?

— Нима қилибман буларга? Далада қолган кераксиз пичанни ўриб олганимми?

Қашшоқлар бир оғиздан чувиллашакетишиди:

— Нега кераксиз бўлар экан?

— Ким айтди кераксиз деб?

— Биз ўрмаймиз, сен ўра қол деб айтдикми, қачон?— Сержон, Асқар, Абди қаттиқроқ гапиришди.

Азимбой қалин, қизил қовоқлари остидаги совуқ кўзини ўқрайтириб, қашшоқларга бирма-бир, ўқдек қадаб олди-да, Мағашга деди:

— Булар алжийверади. Мен ўра бошлагандан кейин: «ўзимизга керак эди» деган бўлиб, баҳона қилишаятида ҳаммаси. Худди бирор оғиздаги ошини олгандек! Қозоқчилик-да! Ўзлари ўрмайдиган далани менга пуллашмоқчи. Ундан бошқа гап йўқми?! Бўлмаса, шу қорасовуқ тушгунча пичанни ўрмай ташлаб қўядими киши?

Абди чидаёлмай тутоқиб кетди:

— Шундай экан, нега ўрасан? Аста-секин қўзғалиши мизни билиб, гувоҳ бўладиган кўп элларни ўтказиб юбориб, жўрттага шу бугун, худди биз пичанга чиқай деяётганимизда келиб, таппа ташланмадингми? Ўроқчиларнингни тўхтат, мирза. Сўзлашайлик!

— Сўзлашайлик, йўл-йўриққа кўн! Уроқчилар тўхтасин!— деди Сержон ҳам зардаси қайнаб.

Азимбой ўшқириб юборди:

— Тўхтамайди! Буйруқ қилмоқчимисан менга?.. Кўзингни оч!

— Тўхтайди... Тўхта! Ҳай ўроқчилар, тўхта, буёққа тур! — деб, Абди отдан отилиб тушди.

— Тўхтатма ҳеч қайсинг... Үравер! Қўлидан нима келар экан, кўриб қўяй! — деб, Азимбой қамчисини сиқимлаб олди. Шу чоқ Абди, Сержон, Асқар учкови худди гаплашиб қўйишгандек, отилиб боришиб, ўроқчилар йўлипи тўсиб туриб қолишиди.

— Еримизнинг туки — этимизнинг тукидек, буни ўрсанг ўзимни қўшиб ўрганинг бўлади. Бирга қир, мана!— деди Абди, чопонини улоқтириб ташларкан, барваста гавдасини фоз тутди ва олдинги ўроқчининг йўлини тўсиб, туриб олди.

Олдинги ўроқчи Такежон овулидаги бева кампир Ийснинг ёлғиз ўғли Исо бўлиб, йўғон гавдали, истараси иссиқ йигит эди. У ўроғини кўтариб тўхтай қолди.

— Тўхтама, ўр деяпман! — Азимбой от устида депсиниб, буйруқ қилди.

Исо унинг буйруғинга парво қилмади. Буни кўриб, ёнидаги икки ўроқчи ҳам Сержон билан Асқарнинг олдига бориб тўхтаб қолишиди. Азимбой ҳайқирганда ундан хайиқиб, тўхтатмай ўраверган киши — кенг яғринли, қора соқол йилқичигина бўлди. Бошқалар Азимбойнинг буйруғига қулоқ солмай, турган жойларида тураверишиди. Азимбой энди даставвал тўхтаган Исога ўдағайлаб, сўка бошлади:

— Нега гапга қулоқ солмайсан?!

Исо яна парво қилмади.

— Эй мирза, сен айттаётисан деб, энди одам ўлдидрайми? Бу ҳам ўзимга ўхшаган бир камбағал...

Азимбой яна қаттиқроқ сўкиб, қамчи билан савалай кетди.

Исонинг ўткир кўзларидан ўт чақнаб, ялт этиб Азимбойга қаради-да, зардаси қайнаб, ўроқни бир четга улоқтириб юборди.

— Үрмайман. Үлдирмайман, ўлдирсанг, қонхўр, ўзинг ўлдир!— деб туриб олди... Энди Азимбой қаттиқ овоз билан ҳайқирганича қорасоқолни чақириб, уни Абдига рўпара қилди-да:

— Ур, оғанини қирқ! Қарши турнб кўрсинчи! — деди. Қорасоқол бўйин товламай ўроқни Абдининг товонига тақаб қолди. Мағаш билан Дармен от солиб, бараварнига қорасоқолга ҳайқиришди:

— Тўхта!. Ҳой, қандай эси паст одамсан ўзинг? — Шу вақт Абди бир иргиб, қорасоқолнинг ўроғига оёқ босди, бир лаҳзада юлиб ҳам олди. Уша тутоқданчча ўроқни шартта синдириб, сопидан ушлаб қолди. У ҳеч нарсадан тап тортадиган эмас эди. Энди ўроқчиларнинг ҳаммаси тўхтаб қолишиди. Негаки, яна бир марта ўроқ силтанса, ур-йиқит бошланади. Сержон билан Асқар ҳам олдингиларнинг ўроқларини тортиб олиб, Азимбойга қарши даҳшат билан кўтариб туришган эди.

Мағаш билан Дармен товушлари борича ҳайқиришди:

— Тўхта ҳамманг! Қирилмоқчимисанлар? Гапга қулоқ сол, икки тарафинг ҳам тўхта! Азимбой, тий буларингни!. Абди, сен ҳам ташла ўроқни!

Абди билан йўлдошлари буларнинг гапига қулоқ солиб, ўроқларини пастга туширишди. Лекин ташлашмади. Азимбойнинг ранги қув ўчиб, гезарганича турарди...

Мағаш энди шошмасдан, салмоқлаб, доналаб сўзлаб кетди. Унинг шу зайлда сўзлаши ҳалиги ҳайқириқ, бақириқларни сув сепгандек сўндириди.

— Ҳой ҳалойиқ, мени сизнинг олдингизга Абай юборди... Даъволари бўлса, бир-бирини уқишиб, келишиб, бежанжал ҳал қилишсин, деди. Азимбой, у бизларни аввало сенга юборди: «Зўрлик қилмасин, олса сотиб олсин, ҳақини бериб, ҳалоллаб олсин, келишиб иш тутсин, зўрлигига хушимиз йўқ» деди.— Қардошлик гали шу! Элинг билан келиш!..— Мағашнинг салмоқли сўзидан кейин Азимбой ҳам тортиниб қолди. Лекин қинғирлигидан, жоҳиллитидан қайтмади. Ғазабини қўл билан эмас, сўз билан билдириди:

— Абай айттан бўлса, майли айтсин. Ҳолис қардошлик йўли билан ўртага тушишини ножӯя демайман. Лекин Абай менинг оғам бўлса, Такежон отам... Абай бу пичанни «ўрма» деб буюрса, отам «ўр» деб буюриб, мени атайнин шу пичан учун ташлаб, ўзи кўчиб кетди. Такежон менга ота бўлганида, сенга ҳам ота-ку, Мағаш! Абайнинг ҳам оғаси! Буйруқ ўшанини...

— Нотўғри буйруқ! Зўравонлик эмасми ахир бу? Абай бизни сенинг ҳузурингта ўшани тўхтатсин деб юборди·да!

— Ҳали нотўғри деялтими?!? Ундай бўлса, Абай ўша гапини оғасига ўзи айтиб, ўзи тийсин.

— Сен-чи? Сен то у томонни тинчитиб келмагунча ўраверасанми?

— Ўравераман. Мен буйруқни ижро этувчиман, бу — ота буйруғи. Ўзинг ота буйруғидан чиқасанми, **Мағаш?** Чиқмайсан! Мен ҳам шундай-да... Аслида Абайнинг сени менга юбориши ҳам тўғри эмас. Бу ерга юбормай Такежонга юборснин эди. Гап шу, бошқасини билмайман. Мен мана бу пичанни ўрдираман, гап тамом! — Азимбой деп-синди-ю бир четта кетди. **Мағашлар** билан қашшоқларгина қолишиди.

Жигитеклардан мошгуруч соқолли Келдеи дегав чол тўдалашиб нима қилишини билмай турғанларга шундай маслаҳат берди:

— Бўлди, йигитлар, мана гапни ҳам, ишни ҳам билдик-ку. **Мағаш**, чироғим, ҳаммасини ўз кўзинг билаш кўрдинг-а? Фақат шу гапларни Абайга тўлиқ етказ. Шундан бошқа тилагимиз йўқ. Азимбой бўлса, билганини қилсин. Ўрсин, йиғдирсин, ғарам қилиб қўйсин... Эртага биз ўз қўрамизга ташиб оламиз. Ўроқчиларга тўлайдиган ҳақи, пулини тўлаймиз-қўймиз! Шундан яхшиси йўқ-ку?! — Чол атрофидагиларга қараган эди, унинг сўзи ҳаммага маъқул тушиб, бош иргашди:

— Шу-да!..

— Бошқа илож йўқ!

— Гап шу бўлсин!

Фақат Абдининг ғазаби ҳамон қайнаб, бир оғир армонини айтди.

— Аттанг, кўз очар кун йўқ. Билак ҳордигини чиқариб, йиллар давомида кўриб келаётган хўрлик учун эркаклик ғазаби билан аламдан чиқар эдим-ку... Оҳ, Бозорали-я, у кунлар ўтди-да... Сен бўлганингда, ҳеч бўлмаса ҳалол йўлим учун ҳаром қонини бирга тўкишиб қолар эдим-ку! Азаматим, армонда кетдинг-ку! — Абди ўтириди, синиқ ўроқнинг сопига пешонасини тираб, қаттиқ бўғаётган ғазаб ҳамда номусдан бошини **қуян** солди. Унисизгина бир хўрсинди-да, тинкаси қўриб, жимжит бўлиб қолди.

Мағаш бу тўлга ортиқ гапирмади: «Амри-қудрат кор қилмайдиган ёвуз Азимбойни сизлар кўрган бўлсангиз, биз ҳам кўрдик. Кўрганларимизнинг ҳаммасини бориб Абайга айтамиз. Қарорингиз, омонат сўзингизни ҳам ет-

казамиз. Фақат бирор жавоб келгунча ғовға кўтармай турга туринглар!» — деди.

Камбағаллар сўз қотишмади.

Мағаш билан Дармен булар билан хайрлашиб бурилишиди. Азимбойнинг ўроқчилари галалашиб тушликка кетишаётган экан. Дармен Исони яхши билар эди. Энди ўша томонга қайрилиб тўхтади-да, дўстона деди:

— Азамат экансан-ку, Исо! Шунчалик фазилатинг борлигини ҳали билдим. Молбоқари бўлса-да, ювинди-хўри бўлмаган яхши! Одамгарчилик қилдинг-ку!

Исо ҳали жаҳлидан тушмаган эди, қисқагина жавоб қилиб:

— Уша ёвуз ҳайт-ҳайт деяпти деб, ит бўлар әдимми! Қилиб тургани-ку қип-қизил зўрлик. Яна мени айбор қилмоқчи. Абдидек азаматнинг тирноқ учини синдирганча ўлганим яхши эмасми! — деб кетди.

Мағаш билан Дармен ўзлари ҳам Азимбайдан чинакам жирканишиб, норози бўлишиб, кўрганларини Абайга тезроқ етказиш ниятида от қўйиб кетишиди.

II

Бугун ҳам куз осмони хира; кўчманчи ола булутлар қоплаган.

Абай билан Айгеримнинг бу пайтда тикиб ўтирган ўтози «оддий уй» деб аталади. Куз пайтларида тикиладиган, куз мавсумига мос ўтов. Ҳозир ўша кенг «оддий уй»нинг ичиди Абай билан Айгеримдан бошқа Злиҳа ҳам бор. У, уйнинг ўртасига қийдан гулхан ёқиб, катта қозонни осиб, янги сўйилган тойнинг гўштидан тушлик овқат ҳозирламоқда.

Уй ичи совуқ куз кунларига мослаштирилиб саришта қилинган. Баланд кровать, ёзлик анжом ўрнида катта-катта ястиқлар ташланган қалин тўшак ёзилган. Ўтознинг атрофига айлантириб гулдор наматлар, гиламлар тутилган. Уйнинг тўрига архар териси, катта-катта сангсанг пўстаклар ташлаб қўйилган. Паст томонини шамол кирмайдиган қилиб ўраб-чирмаб қўйилган иссиқ уйнинг меҳмонлар ўтирадиган жойлари ҳам заҳ ўтмайдиган қилиб, қалин тўшалган. Ловуллаб ёнаётган қийнинг алангаси ўз иссиғини катта уйга тарқатиб, эшикдаги совуқни бу маконга йўлатмай турарди.

Абай нонуштадан кейин елкасига енгил гупписини ташлаб, бошига улоқ теридан елвагай телпак кийиб қалин жилтли китобларни ўқииди. Одатда унинг олдида Пушкин, Лермонтов китоблари билан бир қаторда Байрон, Гёте томлари ҳам турарди. Бу кунларда Абай китобни кўз ойнак билан ўқиидиган бўлиб қолган.

Кеча қош қорайган пайтда, Мағаш билан Дармен кундузи бўлган можарони кўриб келгандан кейин, узоқ кенгаш бўлганди. Аввало икки йигит Абайнинг ёнига кириб, галма-гал сўзлаб, кўрган-кечирганларини айтиб бўлгандарида, Абай қандоқ қилишнинг иложини тополмай кўп хуноб бўлган эди.

Ҳаммасини ичига ютиб, зардобга тўлиб, хаёл суребетди: «Қандай йўлга, қандай йўриқقا сифдираи? Йўқ, йўли нимаси, бу зўрлик!» Ҳозир ҳам, бундан эллик йил бурун ҳам, юз йил илгари ҳам нақ шундай айнимай, ўзгармай ҳукм суребет келган йиртқиличик-ку ахир... Шу жиҳатларни ўйлаганда, кеча ўзи айтган Энглик — Кебек ҳангомаси ёдига тушди. Уша қайфу билан бу қайфу, ўша зўрлик билан бу зўрлик — икковининг асли бир, бўрилар қонуни... Фақат зулм қилувчиларнинг номларигина ўзгарди. Бирда — Кенгирбой, бирда — Қунанбой, мана бугун — Азимбой. Давр — даврига қараб, зўрликнинг шакли бошқа-бошқа холос. Қандай битмас-туганимас, қорон-ғулик, қора кун!

Яна хаёли бир жўш уриб келганда, Абай: «Шулардан кечиб кетсам-чи, бошқа бир эл-юрт, дуруст муҳит излаб кетсам-чи!» деб ўйлади-ю, кейин ўз фикридан ўзи кулди. «Асли ёшлиқда ихтиёр қилсан бўлар экан» деб рус шаҳри, рус ҳалқини ёдига олди. «Лекин ғайрат жўш урган ёшлиқ давримда кетиш ўёқда турсин, шу элдан ортиқ эл, шундан яхши муҳит бор деган гап хаёлимга ҳам келмабди-да. Хўш энди-чи? Анча умрим, ёшим ўтгандами?! Энди ҳаммасини юлқиб ташлаб, бошқача дунёга киришиб кетаман дейдиган фурсат ўтиби. Лекин, на кетмай, на олишмай ўтира беришнинг яна иложи йўқ... Мутлақо кетиш керак деган фикр — дуруст фикр. Лекин элдан, ҳалқдан кетиш эмас, ўша эл ичидағи яқин кишиларингдан чиққан ёвувлар тўдасидан кетиш керак-да, эл ичидан — кўпчиликдан дўст топиш керак. Бу ишга қалбим, виждоним бошламоги керак. Мен аҳд қилиб боришм керак», деб ўйлади.

Мағаш билан Дармен чурқ этмай ўтирган Абайдан

жавоб кутишарди. Энди у ҳалиги аччиқ ўйларининг бир учини чиқариб, ёшларга жавоб қилди:

— Атрофни қоплаб ётган ёвуздар билан ёвузликни қандоқ қилиб тиясиз. Ёвузнинг учига чиққани ўз қошингда, бағрингда ўтирибди. Ушани, ҳатто ўшани ҳам тиярлик салмоғинг йўқ. Хор-зорликда ўтган сабил қолғур ҳаёт! Йиғлаётган халқ, йиғлатган — у. Икки ўртада ҳасратда ўтаётган мен дейиш кимга мадад бўлади, қандай юпанч бўлади?. «Пичанни ташқиб оламиз» деган қарор дуруст. Шундан бошқа чораси йўқ. Айтганининг устидан чиқса, Азимбойларга шундан бошқа сабоқ ҳам, жавоб ҳам йўқ. Лекин энди мен мана шу куз, эл қишлоғга қайтгунча Такежон билан юзма-юз сўзлашаман. Мана бу элнинг, жасорат кўрсатган элнинг бу ишини оқибатсиз қолдириб бўлмайди!..

Абай шу қарорни айтгач, *Мағашлар* чиқиб кетишиди.

Кечқурун ўз уйида, ўз жўралари ўртасида, *Мағаш* билан Дармен Азимбойнинг қилган ишини «Азимбойнинг итилиги» деб, қаттиқ танқид ва ғазаб билан сўзлашди.

Какитой шу сұхбатда, Шуборнинг кечаги вазиятини хотирлаб нафратланди.

— Шеър ёзишингизга зарар етказади, Такежонга юборинг» деб, қилаётган алқондозлигини қаранг?

— Тўғри айтяпсан, ҳақиқий алқондоз, — деди *Мағаш* ҳам.

Иккови ҳам сохта, бўяма меҳрибонликни кўрганларидан жирканадиган соғдил эканликларини кўрсатди. Оқилбой бўлса Шуборнинг бутун сирини негизигача англаған экан.

— Эҳа, ўз нафси учун Шуборнинг ҳийла ишлатмаган куни борми? Мана бу ишкинг оқибати чалкаш бўлишини ўшанда ҳам фаҳмлаб гапирди-да. «Мен ўша ердаёқ айтган эдим!» деб эртага Абай оғамдан бошини овлоқ қилиб олиш учун айтаётир-ку. Такежон билан Абай орасида низо туғилади. Шундай пайтларда ўртада яна холис қолишининг чорасини кўриш эмасмикин? Ичидан Абай билан Такежоннинг ораси бузилишини истайди-ю, сиртдан ҳийла ишлатиб, олти қир нари туриб кишкишлатади. Шуборнинг кўз тикикан қопқони умрлик қопқон—шу эмасми?—деди.

Оқилбой ёшларга масалани очиқ билдириб, ўйлатиб қўйди. Бу ҳам Абайнинг ички-сиртқи жароҳатларининг биттасига ўхшайди. Бедаво дардлардан бири. Азимбой—

очиқ дард бўлса, мана бу икки юзлама, маккор—ёпишқоқ касал. Ундан қутилиб бўлмаса, бунинг ҳам гирдобидан ҳалос бўлишнинг иложи йўқ. Негаки, номи қариндош, ҳаёт мудом учраштириб, бирлаштиради. Қочиб қутила-ман десанг, қаерга ҳам борасан!? Бунинг устига, Шубор ҳамиша Абайнинг атрофида ўралишиб юришдан ҳам ҳормайди. Ҳайдаб, қувлаб юборишга ҳам тўғри келмайди.

Мағаш шу жиҳатларни ўйлаб, ҳомуш тортиб кетди. Сўнгра Дарменнинг хушчақчақлигига сабаб бўлиб, мажлисдагилар сұхбатни бошқа томонга буришди. Гап ўтган кечада бўлган шоирлик ҳақидаги сұхбат устида кетди.

Кеча Мағашларнинг гапини эшигтандан кейин Абай тонг отгунча хўрсиниб, ағанаб чиқди. Бугун ҳавонинг авзойи ҳам ғаш кўнгилдек хира. Одамни ўксизлантириб, тўнаб, икки елкасидан босиб турганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам Абай ҳеч бўлмаса хаёлан бошқа ҳаётга, ўзи севган ўзга кўнгил маконинг кетишга тиришади. Пушкин билан дардлашиб, ғамгиҳ кўнгилга юпонч излади.

Айгерим оловга яқин ўтиргани учун юзлари гул-гул ёниб, нурланиб қизарган. Эгнидаги қалин қора шойи сирилган поча пўстинининг этаги барларига энлик қундуз ҳошия тутилган; пўстинига тақилган жимжимадор кумуш тұгмаларнинг ёқут кўзлари алоҳида ажралиб турибди. Бошидаги лачаги, оплоқ чорсиси ҳам ажиб бир нафосат билан боғланган.

Тоза нафис энгиллар бу күнларда хиёл тўлишган Айгеримнинг ҳуснига ҳусн қўшган. Айгерим Абайнинг қишилик тулки тумогини тикиб ўтирибди. Абай китоб ўқиб ўтирган бўлса-да, тез-тез тундикка қараб, ҳавонинг авзойини билишга тиришади. Нонуштадан буён кириб чиқиб юрган Злиҳадан икки марта:

— Ҳаво қалай? Булут қалай? Кун очиладиганми? — деб сўради.

Эрталабки чойни ўз уйларida ўтириб ичишган Мағаш, Оқилбой билан меҳмонлар, эндиғина Абайнинг устига кириб кела бошлишди.

Бу овулнинг ўз одами бўлиб кетган меҳмонлар: Эрбўл, Кўкбой, скрипкачи-ашулачи Муқа билан Боймағамбетлар алоҳида бир тўп бўлиб киришди. Булар Абайнинг ўз меҳмонлари.

Дармен, Қакитой яна ёш ашулачи Алмагамбет бўлса — Мағашнинг меҳмонлари. Эрбўл Абайдан юқорироқ-

қа, одатда ўзи ўтирадиган жойга келиб ўтирганда, Абай ундан ҳам:

— Ҳаво қалай? Очиладиганми? — деб яна сўради. Уйдагиларга кўнгил бўлиб, кўзидан кўз ойнагини олдида, китобни ёпиб қўйди.

Айгерим Абайга кулимсираб:

— Абай, ют йили — аёз кунни сўраётгандек, тонг отгандан буён қайта-қайта нега мунча ҳавони сўрай бердингиз? — деб астагина кулиб қўйди.

Абай ялт этиб Айгеримга қаради-ю хурсанд бўлиб, тикилиб қолди.

Шу чоқ Айгеримнинг оқи—оқ, қизили—қизил бўлиб, юзлари барқ уриб, ёниб турганди. Унинг кумуш қўнғироқ товушидек мулойим кулгиси ҳам ҳозирги ҳавонинг авзойидан, кўнгил ғашликларидан бегона. Яшнаган, ярқироқ баҳор тонгига ўхшайди. Абай унга қараб анчагина кўзини ололмай кулимсираб турди-да, ҳазил қотди:

— Дарвоқи, мен кун чиқадими деб сўрай берибманда! Уни сўраганча сенинг юзингга қарай қолсам бўлар экан. Эшик қанчалик кўрксиз бўлса-да, оддий уйнинг ўз қуёши чараклаб турган экан-куй! Эрбўл, шуъла сочиб турганини кўр! Бу чеҳрани қандай куз ҳазон қила олади?

Айгерим ўнғайсизланиб, аввалгидан ҳам қизаринди. Сипоҳ, жозибали кулгиси эшитилди.

Айгерим кулганича Злиҳага қараб, меҳмонларга қимиз келтиришни буюрди. Янги кўк дастурхон ёзилди. Катта чорадан шилдироқлар тақилган кумуш чўмич билан қуйилган сариқ заранг косалардаги қимиз Абайнинг ўзидан бошлаб, меҳмонларга тортила бошлади.

Куз кунининг оқиши тортган қуюқ қимизи бугун бўлакча етилган экан. Салқин кечаларда чала етилиб, сут мазаси келадиган қимизлар бўлар эди. Бугун ундан эмас, даставвалги косаларни кўтариб, тамшанган меҳмонларнинг ҳаммаси: «Бугун қимиз зап яхши етилибди-да!», «Жуда кучли, гуп учирадиган қимиз шу!» — деб мақтاشди. Қозонда пишаётган гўшт, ловиллаб ёнаётган олов, қуюқ қимиз — ҳаммаси ҳам меҳмонларни руҳлантиргандек бўлди. Афтидан, Абайнинг бугунги мажлиси қизгин ўтадиган мажлисга ўхшайди.

Кечаги Энглик билан Кебек масаласи бу мажлис аҳлининг ҳар бирини ҳар йўсинда ҳаяжонга солиб, ўйлатиб қўйганди. Абайнинг уйига келишдан олдин, эрталаб, «капача» деган меҳмонхонада Эрбўл, Кўкбой, Муқа,

Боймағамбетлар шу ҳақдатина суҳбатлашғанди. Буларнинг ичидаги Энглик—Кебек воқиасини Эрбўл яхши билар экан. У Кенгирбойнинг «ишини» Тўбуқти озчилик бўлганидан, кучсиз бўлганидан қилинганди бир чора деб баён қилди. Бу уйдагиларнинг суҳбатида унчалик қизғин баҳс кетмади. Утмишдаги бир хотира сифатида баён этилди.

Бу масала устидаги ҳақиқий қизғин баҳс, кечаке кеч бўйи, бугун нонушта устида ҳам Мағашнинг уйида қўзгалганди. У ерда Оқилбой, Мағаш, Какитой, Дармен — ҳаммаси кечаке Абай қисқача айтган воқиа устида кўп фикрлар юргизиб, турли-туман тахминларга боришганди. Аянч, жирканч ҳислари, ғазаб ва номус ҳислари алангаланиб, қалбларида алвон турли тўлқинлар жўш урганди.

Қизғин баҳс устида, Мағаш билан Дармен бу зўрликни қай йўсинда ифодалаш ҳақида чуқур хаёлларга боришиди. Фақат қанча қийналишмасин, уринишмасин, иккаки ҳам масаланинг бир жойини еча олишмади. Булар учун ечилемай, чигал тутун бўлиб қолган жойи — Абайнинг «Ҳаёт ҳақиқати». «Ҳақиқатни толиб очиб, ўшанн куйла» деган гапи. Дармен ўша жумбоқни ечаман деб, бир тахминга борди:

— Абай оғамнинг «ҳақиқат» деганлари, назаримда, Кенгирбойга ишора қилиб айтилгандек туйилди. «Шу эл арвоҳ деб сигинадиган» Кенгирбойни фақат «азиз эди» деб, босган изидан «садаға» деб куйлама! «Ҳақиқатни айт, қабиҳ сирлари бўлса, уни ҳам қўшиб, очиб айт» дегандек кўринди! — деди.

Ихтиёрига қўйиб берилса, Дармен Кенгирбой ҳақида ўзи эшиштан ҳикоялар бўйича синовга солиб, айблаб кўрсатадиганга ўхшайди. Мағаш шу суҳбатнинг Кенгирбой масаласига келганда, «боши берк кўчага бориб тақалишини» биларди. Бу ҳақда у:

— Аввало ҳақиқат деганинг ўзи нима? Қўпчилик бошларини лиқиллатиб қувватлаб юришларини «ҳақиқат» деб айтамиزمи? Агар ўшандоқ деб билсан, унда Кенгирбойнинг йўлига чироқ ёкиб, мозорида тунашдан бошқа гап йўқ. Лекин «ҳақиқат»ни фақат кўпчилик маъқули топганими? Ундай эмасди! Умуман «ҳақиқат» деган кўпнинг айтганингина қувватлайвермаса керак. Аксинча, ўша кўпнинг адашаётганини фош қилиб, янгиликка бошласа керак. Хўш, бу ерда ўша ҳақиқат нимада? — деб, бир савол ташлади.

Оқилбой салмоқлаб гапирадиган, суст фикр юритадиган бўлгани билан бундай масалаларда бошқалардан кўра чуқурроқ, асосли ўйлар эди. У ўзининг Дилданинг товушига ўхаш дўриллаган, босинқи товуши билан ҳалиги иккита ёш ини — дўстларининг олдига бир савол қўйди:

— Мен Кебек, Кенгирбой масаласида эмас, умуман, бошқача бир фикрдаман. Аввало шу ҳақиқат деганимизнинг ўзи нима? Мангу — боқи, ҳар замон, ҳар аср, ҳар бир қавмга баробар бўлиб, ўзгармай, айнимай турадиган ҳақиқат борми ўзи, ё йўқ? Шу сингариadolat, шафқат, зулмат дейиладиган жиҳатлар ҳамма замонга бир хилда, ўзгармай ҳал қилинганми, йўқми?

Бу гапларга Қакитой жуда хурсанд бўлиб қулоқ солди-да:

— Оқил оға! Шу айтганларингиз, менинг билишимча, қанча-қанча ҳакимлар, мутаффакирларнинг ҳам сон-саноқсиз китобларида шу зайнлда қўйган саволига ўхшайди. Ундан бўлгандаганда адолат ҳам, зулмат деганимиз ҳам ҳар замонда, ҳар турли бўлиб ўзгарса керак эди. Шунинг ҳаммаси чин бўлса, унда ким билади, Кенгирбойнинг замонида Кебекларни ўлдириш ҳатто жабр-зулм ҳам эмасдир. Балки ўша замоннинг ўз ҳақиқати, ўз адолати бўлиб, ўша жазоннинг ўзини шафқатим деб билгандир. Бунга нима дейсиз? — деб Мағашга қаради.

Шу сингари суҳбатларда улар шу йўсин баҳс қилишиб, биридан-бири ўтишга уриишиб, фикр юритишарди. Гоҳида ўзлари муҳокама қилишиб, бир қарорга ҳам келишар, кўпинча баҳс-жавоблар билан Абайнинг ҳузурига келиб, ўша ерда бирга муҳокама қилишиб, ўша ерда бирга ҳал қилишарди. Баъзибир масалаларда буларнинг тортишуви ҳали Оқилбой билан Қакитойлар олиб борган баҳсга ўхшаб, ҳам қизиқ, ҳам қийин бўлиб, чангальзор сингари чалкашиб ҳам кетарди. Айниқса шунда булар, Қакитой айтмоқчи, мусулмончилик, исломнят қоидаларидан четга чиқиб ҳам кетишарди. Мағаш бир нафас жим қолиб хаёл сурис кетди. Энди Қакитойдан миннатдор бўлаб:

— Қакитой! Сенинг русча саводинг ҳаммамиэннидан ортиқ бўлиб кетяпти-я! Оқил оғам бошлаган гапни ойдинлаштиришинг худди рус китобларидағи мутафаккирларнинг гапига ўхшаб кетади. Ҳақиқатнинг ўзи ҳам кўпинча уларда асосли ҳал қилинади-ку! Лекин мен

исломият минбаридан қарасам...—деб кулди·да,— иккөнгиз ҳам купурликка кетдингиз дер эдим! — деди.

Какитой буни тез тушунди·да, кулиб юборди. Бундай гаплардан унча чўчимайдиган кўринади. Ортиқча парво қилмади.

— Нима десанг, де! Лекин фақат ўзимга айт! Кўкбой билан Шубор оғамларнинг олдида айтакўрма! Бундай масалаларни шаръий китобларнинг чизигидан чиқиб гапирадиган бўлсанг, уларнинг жини қўзғаб, жаҳли чиқиб кетади! — деди.

Оқилбой «купурлик» деган гапдан анча чўчиб қолди. У Мағаш, Какитойлардек эмас, ўзининг мусулмонлигини мустаҳкам деб биларди. Энди салмоқлаб битта·битталаб сўзлаб, Мағашга норозилик билдири.

— Мағаш! «Купурлик» деб, менн қаерга олиб бориб ташладинг! Қандай сўзласам ҳам, қиблам бор дер эдим. Нима деётирсан ўзинг ахир! — деди ўйланиб туриб.

Мағаш кулиб юбориб:

— Қиблангида шубҳа қилмайман, Оқил оға! Лекин ҳалиги айтганингиз чин бўлса, қибланомангиз қийшиқ кўрсатаётганга ўхшайди! — деб, эрмак қилди.

Оқилбой ҳамон тушунмай, Мағашнинг фикри охирига етишини кутаётгандек бир вазият олди. Оғасидаги кайфиятни пайқагав Мағаш яна сўзида давом этди:

— Мен сизнинг шубҳангиздан шубҳаландим. Сиз: «Замонларда, қавмларда, ҳар давр·давронларда ҳақиқат ҳар турли бўлмайдими? Адолат ҳар хил тушунилмайдими? Зулмат деган тупгунча бошқа·бошқа бўлмайдими?» дедингиз·ку. Лекин оят·хадисда шундай дейилганими? «Бизлар пайғамбарнинг йўлидамиз» деймиз. Шундай экан, ҳалиги сиз айтган ҳақиқат, зулмат, адолатларнинг ҳаммасини қуръон билан хадисда қандай айтилган бўлса, мусулмонлар шундай тушунмайдими? Агар улар ўзгариб турадиган бўлса, у ҳолда динимиз ҳам ўзгариши керак·ку? Унинг фарз, суннати бор, бир замоннинг қавмига бузилмайдиган, ўзгармайдиган қоида бўлгани билан келаси қавм учун эскириб қолмайдими? Узингизнинг сўзингидан шундай хулоса чиқади·да. Шундай экан, ранжиманг·да, Оқил оға, яна айтсан, унда баъзи қавмлар учун ҳатто Абужоҳил, жоҳил бўлмай қолиши ҳам мумкин эмасми? — деди. Какитой билан Дармен Мағашнинг фикри ботиљаги, кескинлигига қизиқиб қолишибди.

Оқилбой ўз фикранинг бир тутувини эндиғина еча

олди. У ҳам *Мағаш* фикрининг тиғдорлигига қувонгани билан гапдан қолмай:

— Биз мусулмон олами, бу масалаларни бошқача тушунамиз. Замон ўзгаради, шунга мувофиқ бўлиб ҳар давр-ҳар даврнинг ўзида набий келади. Товрат, забур, инжил, калому шарифдек китоблар келади, деймиз. Замон ўзгариб, қоида алмашиб турса-да, оллоҳни таниш, яъни таърифул оллоҳ мангу-боқий ўзгармайди деб биламиз! — деди.

Дармен Оқилбойнинг ҳам усталик билан чап бериб чиқишига зўр қизиқиш билан қулоқ солди-да:

— Мен ҳам айтдим, Оқил оғам гапини бериб қўядими бирорга! Бўлмаса, *Мағаш* билан Қакитой туртқилаб бизларни қаерларга олиб кетишини ҳам билмас эдик,— деди.

Оқилбой энди қаддини ростлаб, инисига ҳазиллашиб:

— Мана, *Мағаш* чироқ, бошлиғинг отанг, ўзларинг қай чўққига чиқсаларинг ихтиёр ўзларингда. Лекин ўзгалирни бўйинтуруғингга ила кетишингни қўй,— деб, сўзи-винг охирини кулги билан тамомлади.

*Мағаш*нинг кўнглида бундан кейин ҳам айтадиган далиллар бор эди. У: «Пайғамбарнинг ўзидан кейин ҳам қанча-қанча даврлар алмашиб, қанча-қанча замон, қавмлар ўзгариб ўтди. Одам боласининг камолатга етиш тарихи чиндан униб-ўсганда, сўнги пайғамбар замонидан буёғига зўр суръат билан ўзгариб, ўсади» — деб ўйлади.

Лекин Кўкбой, Шубор, Оқилбойлар ўз ақидасида қаттиқ туриб сўзлашади. Шунинг учун уларни енгиб, ботиниб айтишни Абай ҳам, *Мағаш* билан Қакитой ҳам кўп машқ қилишмас эди.

Бундан ортиғини улар уч киши ҳоли ўтирганларида ўз арогина сўзлаша олишади. *Мағаш* шу жиҳатларни ўйлади-да, жим бўлиб қолди. Дармен бўлса, ўзи даставвал бошлаган «ҳақиқат», «ҳаёт ҳақиқати» ҳақида ҳамон ўйлаб ўтиради. У мана бу русча, мусулмонча китобларни ўқиб, англаб юрган учта замондошига қараганда, ўзининг ҳозирги билғани, уққани озлигини ўйларди. Шунинг учун ҳалиги дўстларнинг тортишувини зўр қизиқиш билан тинглаб, уларнинг тортишувидан ўз талабига жавоб ҳам кутган эди. Бир томондан, яна шодлантирадиган хаёлга ҳам кетиб ўтирганди. Абайнинг олдида, мана буларнинг сұҳбатида бўлиш унинг учун жуда ноёб, қизиқарли туйилиб, ҳамиша қувонтиради. Ҳозир ҳам ичидা:

«Абайдангина эмас, фақат мана шу ёшларнинг ўзидан эшитиладиган галларни қайси қозоқ тўлидан эшитиб бўлади?» деган хаёлга борди.

Бу кунларда ўзининг шулар орасида ортдирган қадрига, ўзини эрка-эркин ҳис этишига, Абайнинг ўз боласидек, ғоят яқин дўст-жигаридек бўлиб кетганига ҳам кўп шодланарди.

Лекин у Энглик — Кебек ҳақида достон ёзишга аҳд қилгани учун «ҳақиқат», «чинлик» деб аталадиган чуқур маъноли, кўп сирларга молик сўзлар ҳақида ҳамон жавоб кутиб ўтирганди. Уни ўртоқларига ҳам айтиб юборди.

— Бахсларингиз ҳам қизғин, ҳам қизиқ бўлди-ку! Лекин менинг аввалги сўзим мувофиқ жавоб тополмай аро йўлда қолдими, деб ўтирибман. Кебеклар тўғрисида кеча Абай оғам айтган, шарт қилиб қўйган «чинлик» нима эди? Ушани ҳал қиласиз деб, четга чиқиб кетдик. Бира-тўла чап бериб кетдик! — деди.

Какитой яна ўша галга кўчишни ҳозир ўринсиз билиб, ҳазилга олди.

— «Ағдариша-ағдариша ағанаб кетганимизни билмай қолибмиз» дегандек,— биз — Ажекенгнинг бир-икки оғиз эзмалигидан кулгандек бўлдик холос! — деб Мағаш билан кулишиб қўйишиди.

Лекин Дарменнинг авзойини, кўнглини Мағаш бир лаҳзада билар эди. Унинг астойдил ўйлаб ўтирган масаласи жавобсиз қолишини лойиқ кўрмади. Бир-икки оғиз сўз билан Дарменнинг кўнгли таскин топарлик жавоб қилди.

— Сен излаётган «чинлик»ни бирга излаймиз деб қанчалик уринаётганимизни кўрдинг-ку. Энди ўша ўзи айтган «чинликни» оғамнинг ўзинга ҳал қилдирайлик,— деди.

Дармендан тортиб, ўтирганларнинг ҳаммаси шунга қарор қилишиди. Бу чоқ чой ичилиб бўлган, ҳали Мағаш: «бориб билиб келчи, оғам туриб, чойни ичиб бўлдими?» деб юборган ўртоғи, ёш ашулачи Алмагамбет ҳам қайтиб келган эди. У:

— Абай оғам чойни ичиб бўлиб, китоб ўқиб ўтирибди. Меҳмонхонадаги Эрбўллар ҳам чойларини ичиб бўлишибди. Улар ҳам Абай оғамнинг ёнига боришмоқчи. Қозонда кеча сўйилган ола тойнинг қўш қовурғаси бикирлаб қайнаётир. Уй иссиқ, сұхбатнинг қизиги ўша ерда. Аста қўявер! Туринглар, секин-секин бориб, тушлик

овқатни ўша ерда қила қолайлик! — дегандан сўнг бу уйдагилар Абайнинг уйига келишган эди.

Қимиз устидаги суҳбатда ҳали Мағашнинг уйида болипланган фикр юритишлар муҳим мавзуга айланиб кетди. У уйда бўлиб ўтган гапларни Мағаш батафсил айтиб берганди. Абай Мағашнинг юзига тикилганича анча вақт қулоқ солиб ўтириди. Фақат Мағаш гапини тамом қиласай деганда, ташқарида дўпир-дўпир эшитилиб, Абай ўшанга алақсиб эшикка қараб қолди.

Уй ёнига келиб тушган отлиқнинг дўпир-дўпирни билан бирга қаттиқ хураёттган итнинг товуши келди, ўша итларга ўша йўловчи ҳайбат қилаётгани эшитилди. Бирораздан сўнг эшик очилиб, барваста бир кишига йўл бергандек бўлди. Келган одам киргунча уйга совуққина шамол ҳам урди. Қозон остидаги олов лоп этиб, тўрда ўтирганларнинг бурнига гупиллаб аччиқ кўк тутун уриб, беҳузур қилди. Ўтирганларнинг баъзилари йўталиб, баъзиларининг кўзлари ёшланиб, қўллари билан юзларини босиб қолишли. Ҳар ҳолда уйдагилар ширин суҳбатни бўлган кишини хуш кўрмай, совуққина қарши олиши.

Бирораздан сўнг меҳмон кирди. У — ўзи салом бермай, уйдагиларнинг салом беришини кутадиган, бир каттароқ оға, қардошлардан бири экан. Қисиқ кўзли, оқ сариқдан келган, узун пахмоқ соқолли, соч-соқоли анча оқарган бу кекса киши — Жуман эди. Абайдан бошқа ҳамма салом бериб, тўрдан жой кўрсатишди. Қатта қайнаға келгандан кейин, Айгерим ўринидан туриб сиполик билан қарши олди. Жуманнинг ёнида ўзига ўхшамаган, юзи япалоқ, қопқора ўғли — Месқора келган эди. Утиришни бузиб келган бу меҳмонларни Абай хуш кўрмади. Гарчи оғаси бўлса-да, Жуман бўсағадан тўрга чиқиб ўтиргунча, совуқ назар билан кузатиб турди.

Жуман эски эзма, гапининг мазаси йўқ киши; қардошлар ичиди Абай учун энг қадрсиз одам шу. Абайнинг ёқтирамаслигини Жуманнинг ўзи ҳам билади. Лекин унга парво қилмайди. У кеча: «Абайнинг уйида қисир биянинг тойи сўйилди» деган хабарни эшиганди. Шунинг ўзи кифоя! Куз фаслининг ёғин-чочинли, беҳаловат кунида, уйда майшат ҳам унча яхши бўлмайдиган чоқда, бирорнинг уйига бориб, кузлик қимизидан ичиб, семиз тойининг қовурғасини ейиш Жуман учун ғоят муҳим иши Шундай қилиб, эрта саҳар тургандан буён Абайнинг уйидан тушлик овқатнинг тутуни чиқишини кутиб ўтирганди.

Отини эгарлатиб, ўзига ўхшаш эзма ўғлига Абай овули томонга кўз солиб туришини буюриб қўйган эди. Мана, тутун чиқиши билан етиб ҳам келди.

Аслида, таклиф қилинмасалар ҳам қишин-ёзин Абай-нинг тушлик овқати устига тап тортмай эшикдан кириб, унинг гапига қулоқ солаёттани киши бўлиб, лом демай, дамини чиқармай ўтириб, тушлик овқатни бирга еб, сўнгра ўз ҳолича яна кета берадиганлар кўп бўлар эди. Еш толиби илимларнинг истаги бир бўлаг-у, ҳалигидай одамларнинг муроди-мақсади ҳам, излагани ҳам фақат гўшт-у, қимиз бўларди.

Жуман келувчиларнинг худди ўша тоифасидан бўлгани учун, бу хилда келиб-кетадиганларга Абай ҳам кўнгил бўлиб, илтифот қилмасди. Фақат ўзининг дидига маъқул ҳамсуҳбатларнинг фикрини чалғитмаса бўлгани! Ҳозир ҳам Жуманлар қимизхўрликни бошлашлари биланоқ Абай уларни унуди, айттаётган гапининг саркалавасини топиб олиб, яна гапга тушди. Ҳали у, Магағл айтган «ҳаёт чинлиги», «ҳақиқат» тўғрисида фикр юргизаётганди. Бу гап даставвал Дармендан чиққани учун, Абай аввало ўшани қийнаётган фикр устида тўхталди:

— Шонр айтса, ҳаёт чинлигини айтсин дедик-а! Бу нима деган гап? Бу ҳақда рус ҳакимлари, мутафаккирлари очиқ айтишган. Шеър—фақат ҳаётда содир воқиаларни акс этдириш билан чекланмай, ўшанга баҳо ҳам бера билиши керак!. Яъни, танқид қилсин, дейди. Яна одилона ҳукмини чиқарсан, дейди. Агар янглишмасам, бу Чернишевскийнинг фикри. Мабодо, сиз ўтмишнинг Кенгирбой сингари ҳокими ҳақида ривоят қилмоқчи бўлсангиз, бугун кўпчиллик айтиб юрган «азиз», «арвоҳ» сингари беҳуда, бемаъни гапларни такрорламанг, замон авторига танқидий назар билан қараб, ҳақиқатни очиб айтабилинг, деган гап! «Энглик билан Қебек»нинг от думига боғланиб ўлдирилиши бўлса, чорасизликдан туғилган иш эмас, Кенгирбойнинг Сибон, Матайдан пора олиб икки ёшни сотганидан!

Абайнинг қимиз нчиб ўтирганда узоққа чўэйилган сўзи шу ерда ўтирган сезигир, идрокли ёшларнинг ҳаммасини кўп ихлос билан қулоқ беришга мажбур қилди. Бу чоқ қимизга қониб олган Жуман, овқат тезроқ пиншишини кутиб, Абайнинг сўзига қулоқ солмай, Злиҳа билан Айгеримнинг ҳаракатларига тикилиб ўтирганди.

Уй эгасининг тушунилмас гаплари уни неча бор ҳолатдан кетказиб, тинкасими қуритганди. Баъзан тамшаниб қўяр, баъзан узоқ-узоқ мудраб ҳам кетарди. Энди Абай гапни ҳали ёшлар бошлаган «ҳақиқат» сўзига бурди. Гапга киришар экан:

— Бу ҳам ҳазилакам гап эмас! — деб қўйди.

Жуман шу топда боласига ишора қилиб, ястиқ олдирди-да, тўнига ўралиб ёнбошлаганича уйқуга ётди. Абай ҳақиқат тўғрисидаги гапни ҳали ёшлар қўзғаган, динга алоқадор жойидан бошлади:

— «Ҳақиқат» деган гапнинг ҳар хил тушунилиши турган гап. Ислом дини ўз ҳақиқатини барча мусулмонлар айтадиган «имон» ичида келтиради. «Оманту биллоҳи, вамалойикатиҳи, вакитубиҳи, варасулиҳи», дейди. У «чинлик»нинг ҳаммаси каломи шарифда айтилиб қўйилган дегани. Ўзгани қўйиб, яқинда мен қараб чиққан бир файласуфнинг қуръон билан қилган бахсидан сизларга бир икки оғизини айтиб берай...

Кўкбой шу ерда томоғини қаттиқ қириб қўйди. Хавфсираб, Абайнинг юзига қараб, «ҳозир ножӯя гапларни айтади-да!» дегандек тикилиб турди. Ешларнинг ҳаммаси қимизни нари суришиб, зўр мароқ билан Абайнинг юзига телмуришди. Абай сўзида давом этди:

—...Уша файласуф бундай дейди: «Майли, биз бир нафас Қуръон яратганинг фақат сўнгги пайғамбарига ўзи айтиб берган сўзи, деган гапга ишонайлик. Демак, қуръон — одамзод тарихидаги қанча-қанча донишмандлар, олимлар айтиб кетган ва айтган сўзларнинг ҳаммасидан дурустроқ, чуқур маънога эга бўлиши керак. Илмнинг илми, ҳақиқатнинг ҳақиқати, юксак фикрларнинг ҷўққиси шунда бўлиши керак эди. Лекин нима учун шундай эмас?».

«Ҳинд донолари, грек мутафаккирларининг китобларига қараганда қуръон нега саёз? — дейди ўша файласуф.— «Яратгувчи ким? Олам нима ўзи? Жон қандай карса! Инсонлар ҳақиқатни билишида нимага асосланадилар. Шундоқ масалаларни ҳал қилишда энг кучли далилларни қуръондан кутсак керак эди. Хўш, бу масалаларни тўғри ҳал қилишга келганда, қуръон берадиган жавоблар илгариги ва сўнгги мутафаккирларнинг жавобларидан нега кучсиз? Фалсафа, астрономия, космогония ва дунёнинг яралиши, инсон аъзосининг ҳаракат қилиш сирлари ҳақидаги илмлар бор. Булар тўғрисида

куръонда баён этиладиган фикрлар жуда фано. Ҳатто кулгили ҳам бўлиб чиқади»— дейди ўша файласуф.

Кўкбой «астъфурулло» дегандек, қовоғини солиб, қўлини кўксига қўйди.

Дармен билан Мағаш, Какитойлар ўз миннатдорчиликларини дангал айтольмай, Абайга зўр қизиқиш билав тикилишганда, Абай сўзида давом этди:

— Ўша файласуф, қуръонда одам ишониб бўлмайдиган эртаклар ҳам бор, илму фаросатли, идрокли, соғлом фикрли одамлар ҳечам ишонмайдиган «жин, сеҳр» деган гаплар ҳам бор, дейди. Эсга олинглар-чи! «Алам тара кайфа фаоло раббука биасҳаби фил» дегани қандай оят? Яъни: «Тангрини инкор қилганлари учун ажойиб қушлар фил қавмига қарши келиб, ҳар бир одамнинг бошига тангрининг қаҳр тошларини ёғдириб, ўлдиришгани ҳани!» дейилади. Бунга қандай қилиб ишониб бўлади? Еки кундалик беш вақт номозда мана бу Кўкбой ўқиб юрадиган қуръон дуоларини олинг: «Қул аузу бираббил фалак...» Яъни, «раббингдан сақла» деб тилагин, жодугар кампирнинг латтага тушиб, афсун ўқиб, сеҳр қилиб ташлаган фалокатидан сақла деб тилагин!» — дегани.

Бу ҳам, ўша файласуф айтганидек, ўзимиз шу кунларда ишонмайдиган фолбин вайсашига ишонгандарликни кўрсатади-да! Мана «ҳақиқат!» деб юргандаримизнинг баъзилари бора-бора сигир қўйруқ бўлиб, алланималар бўлиб кетиши ҳам бор? — деб кулиб қўйди.

Еш дўстларнинг кўпчилиги Абайга қўшилиб кулишди. Кўкбой бундан ортиғини эшишишга тоқат қилолмай, жўнаб қолди. Какитой билан Дармен хахолашганича қолишиди.

— Кўкбой ўзининг имонини олиб қочдими, деймана! — деди Мағаш эрмак қилиб. Какитой очиқ чехра билан Абайга бурилиб:

— Абай оға, Кўкбой қочса, қочгудек гап экан! Ҳалиги файласуф нақ ҳалқумдан олар экан ўзи! — деди ва ўйланиб давом этди,— ўша файласуфнинг сўзи тўғри экан, динимиздан нима қолади. Нима қилиб юрган бўламиш асти? — деди.

Абай қаҳ-қаҳ уриб кулганидан, Жуман уйғониб кетиб, бошини кўтарди. Энсаси қотиб Абайга қаради. Қон талашган кўзларининг қирини ташлади-ю, юзини уғирди. Ўchoқдаги ўт ҳам ўчиб қолибди. Абай ҳамон

сўзлаётир. Аллақачонлар пишган овқатни ейиш ўрнига, ҳамон сўзлаётган Абайга Жуманнинг ич-иҷидан жини қўзғалмоқда. Абай Қакитой сўзидан ташвишга тушганини дарров тушунган эди, жавобга киришди:

— Кўп файласуфларни ўқисанг бундан ҳам катта, бундан ҳам аччиқ ҳақиқатга ўйлиқасан. Лекин Кўкбойга ўхшаб қочиб қолмай, унинг нима деганини англашга тириш. Тақдос қилиб, текшириб кўр, керак бўлса фойдаланавер!

Абай яна бироз ўйланиб, ёшларниң «ҳақиқат» важидан даставвал бошлаган гаплари устида тўхтади:

— Дарвоқи, ҳали сиз ҳақиқат масаласини шоирлик меҳнатига боғлаб қўзғаган эдингиз. У кўп ўйланадиган, доим эсда туриши керак бўлган масала. Ҳалиги гапларингизнинг ҳам бир елкаси бориб ўшангана суннган эди. Кўрдингиз-ку, ҳақиқат ҳар замон, ҳар қавмда ҳар хил бўлар экан. Йироқ ўтмишдаги динларни, мутафаккирларни бир четга қўйиб, ўзимизнинг кўз олдимиздагига қарайлик-чи! Лоақал кеча мана бу Дармен билан Мажнавий айтиб келган жабр-зулм, зўрлик, ҳалқ оҳи-зорини олинглар-чи,— шу ерда у бир нафас жим қолди.

Қакитой одатдаги хозиржавоблигига бориб:

— Вой, Абай оға! Ўшанда ҳам ҳақиқат бор дейсизми? Азимбайдан ёмонлик билан жабри-зулмдан бошқа нима чиқади,— деб юборди.

Абай бамайлихотир ўтириб, истеҳзо аралаш қулимсиради:

— Шундай қўринаётирми? Үндоқ бўлса, бу нотўғри, юзаки қўриниш, ҳақиқат ҳар замонда эмас, ҳатто бир замоннинг ўзида ҳар кимга ҳар хил англашилади. Азимбой. Такежонлар ўз атрофларидаги мажолосиз, чорасиз, ҳомисиз кўпчиликка ўзлари ўтказаётган зулмни зўрлик деб билишади дейсизми? Йў-ўқ! Улар «Менинг йўлим шу, насабим — Иргизбойлигим» деб билади. «Бобом Усекембой, отам — Қунанбой кўпчилик устидан ҳукмини юргизиб ўтганими? Бўлди! Мен ҳам шундай қилмасам, уларнинг ҳақиқий насли бўлолмайман» деб билади. Зўрлик, ёвузлик менга деса бўрилик бўлсанн... Унинг ақидасида маҳкам ушлаб олган ҳақиқати, қабиҳлиги шу-да. Хўш, жафо чекаётган қашшоқ овулларга нисбатан буни «ҳақиқат» деб ким айта олади! Ўларнинг ҳақиқати — ўзини ҳимоя қилиш! Мана шуларнинг ҳаммаси — шоирнинг «ҳақиқат»ни англашдати фикрига арқоқ, озиқ эмас-

ми? Ўтмишни ёзасанми, ҳозиргини ерга урасанми—барбири, ҳақиқатни ҳаёт билан ўлча, айниқса халқ кўзи билан қараб, халқ армони, халқ таңқиди билан ўлчали Мен ёзадиган бўлсам, салмоқни шунга солар эдим. Қашшоқларнинг оҳу зори менга: «Такежоннинг олдига бир бор» деса, иккинчидан «бизлар учун олиш, кураш! Ёзган шеъринг — кўрсатадиган йўлинг бўлса, ҳаммасини аввало мана шу масалаларга бағишла!» деб ундаиди.

Сўзлаган сайин фикри кескинлашиб бораётган Абай, ҳозир яна бир янги масала устига кўчди. Икки қўлини ёзив, товушини барала қўйиб, давом этди:

— Яна бир мисолга мен мана бу Россияни, рус халқини олай. Шунга ўзимизнинг кўз олдимиздаги: Уразбой, Жиренше, қолаверса бизнинг Такежон қандай назар билан қарайди? Иккинчи томондан қозоқ халқи қандай фикрда? Уразбойларнинг тушунчасида — Россия деган — оқ подшо дейишилик билан баробар. Уразбой унга бош эгади, ундан қўрқади. Унга ёқишига уриниб, ўзимга ёки боламга бўлислик олсан, улуғ бўлсан, бойисам, душманларимнинг ҳаммасини унга жазолатсан,— дейди. Узи бўлса, ичидан ўша Россияга дўст ҳам эмас. Уз манфаати учун айёллик қиласди. Россия улар учун мана шугина! Хўш, агар халқ номидан айтсак-чи? Бугунги қозоқ насли учун Россия нима деган сўз? У — ўзларингизга маълумки, китоблари, ўзгур фикр эгаларини бир чеккага қўйганди, аввало бепоён, бениҳоя санъат, маърифат ва билим ўчоги. У сон-саноқсиз шаҳарлар, беҳисоб билим юртлари шифохона, кутубхоналарга тўла салобатли бинолар. У — ана Сибиргача кетган темир йўл. Иртишда сузиб юрган пароходлар, эгнингга кийим, қўлингга қурол, уйингга анжом на машиналар берадиган фабрика ва заводлар — мана шунинг ҳаммаси Россия! Бу Россия — оқ подшони танисангтина сени танийман, демайди: Бора билсанг, ола билсанг сендан асти ётсирамайдиган, «кела бер, ола бер!» — деб, бағрини очиб қарши оладиган Россия! Ҳалқимизнинг соғ виждонли ўғли бўлсан, биз Россияни халққа киминг бўлади деб тушунтиришимиз керак? Турган гап, дўстинг, деймиз! Ҳақиқат — халқ тилагига мос ҳақиқат бўлсин! Шундай бўлгандан кейин, чин дўстинг — рус маданияти-маърифати, деб уқтиришимиз керак. Албатта, Уразбойлар учун бу ҳам ҳақиқат эмас!

Эрбўл Абайнинг гапини тўғри тушуниб ўтиаркан, қадрдан дўстининг бу қунларда на қадар ноёб фикрлар-

ни жасорат билан айта олиш даражасига етганини фаҳмләди. Абайга ишонгани ҳолда, унинг ҳалиги фикрига қўшилишар, шу билан бирга ҳали ёнида ўтирган Кўкбойдан ичида қаттиқ норози ҳам бўлди. Уразбой, Жиреншепардан гина қилишнинг ҳожати ҳам йўқ. Бир кун холи ўтириб сўзлашганларида, ҳали Абай айтган масалалар тўғрисида Кўкбой ҳам шундай совуқ гапирганди: «Абайнинг бир камчилиги — жуда руслашиб кетгани — фақат ўшаларга қараб ўтирмақчимизми?» деганди. Ҳали Абай сўзлаётганда Эрбўлнинг ёлига Кўкбойнинг ўша тапи тушиб кетди. Шу билан сұхбат тамом бўлди.

Бироздан кейин Жуман кўпдан бери кўз тутиб ўтирган қозондаги овқат сузилиб, ҳамма овқат ейишга ҳозирлана бошлади. Меҳмонлар тўрга чиқишиди. Каттакон ўтириф сариф пичоини қинидан чиқариб ўтирган Жуманнинг энди гапга аралашгиси келди. У боядан бери Абайнинг гапига диққати ошиб ўтирганидан, ёши улуғларга хос ўқтамлик билан барала сўзлай бошлади:

— Шу қозоқнинг нимага жоврашини билмайман. «Жуман эзма», деб менга от қўйиб, лақаб тақиб олди. Қани орқамдан қолишиса. Агар кўп гапирган одам эзма аталса, кечагина гала-гала одамни йигиб олиб, куни бўйи Қунанбой аканинг ёлғиз ўзи сўзларди. Мана бу Абай бўлса, худди бир қозон гўшт пишгунча битта ўзи гапирди. Сергап одам эзма аталса, ҳақиқий эзма шунинг ўзи эмасми? Эзма деб изимдан қолмаганидек, менда нима ҳақлари бор! — Абай қўлинин юмолмай, бор гавдаси билан селкиллаб қаттиқ кулди. Кўзларидан ёш чиққунча кулди. Унинг кулгисига Айгеримнинг ҳам қўнғироқдек кулгиси қўшилди. Абай ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб, тўсатдан Жуманга жавоб қилди:

— Ҳой, оқсоқол! — деди у, — эзма аталиш учун кўп сўзлаб, овора бўлишнинг ҳожати йўқ. «Хотин дейман...га чиқиб келганим зап иш бўлган экдан-да» деган гапнинг ўзи ҳам етади! — уйдагиларнинг ҳаммаси дув кулиб юборишиди.

Қиши кунларидан бирида, Жуман эрта туриб ҳожатга бориб келади. Бироздан кейин ҳаво айнаб, қаттиқ шамол туриб, бўрон кўтарилиб кетади. Шунда Жуман деразага қараб ўтирган жойида хотинини чақириб:

— Хотин, сенинг хабаринг борми? Ҳали ҳожатни чиқариб келганим зап иш бўлган экан-да, а? — дейди. Ҳозир Абай шунга ишора қилган эди.

Дастурхонга қўйилган гўшти ҳам тўғрай олмай, Дармен билан Какитойлар кула беришди. Оқилбой Абайдан пастроқда ўтирган эди. Кулганича салмоқлаб, ёнида ўтирган Айгеримга:

— Янга,— деди.

У, Абайнин ота демас, Айгеримни ҳам она демас эди. Биттасини «Абай оға» деб, биттасини «янга» деб ўрганди. Ёшлигидан Қунанбой билан Нурғонимнинг қўлида ғенгани учун, ўзини кенжада ўғил ҳисобларди. Абайга ини сифатида гапиришга одатланганди.

Айгеримга пичирлаб:

— Янгажон, мана бу қайнағанг қандай ўлимтук нарса эди! Пўрт учганини қўрдингми? Абай оғамнинг эрматига ажали етган учрасин! — деди.

Гарчи Айгеримнинг кулгиси қистаб бораётган бўлсада, қайнағани кулги қилишдан ийманиб, ўнғайсизланди ва қизарганича орқасидаги Злиҳага бир нарса деяётгандек, ўгирилиб олди. Жуман бироздан кейин кулгини унтутиб юборган экан, яхшилаб гўшти уриб олди. Энди катта заранг косадаги шўрвани ҳўплаб ўтириб, бошқа бир янги гапга кўчди:

— Мендан кулиб бўлдинглар-ку, ҳамманг а! Энди ҳаммангнинг кулгингни тиядиган гапни мендан эшиш! Жигитеклар нега қутураётир деган эдим. Анов куни: «Бир овули Қулқайнарнинг устидан кузевга кўчиб келаётган бўлиб, менинг ғарамлаб қўйилган чўпимни йилқисига единиб кетибди» деган эдим-ку, Абай! Иргизбой ерининг четига қадам қўйишга бу Жигитекларнинг нечук ҳадди сиғадиган бўлиб қолди? Ушандан буён алам қилиб юрибди. Ҳақим кетди деган эдим-ку? — Қеча, Азимбой билан Жигитекларнинг қаланги-қасангилари, сану манга боришиб, олишадиган бўлиб қолишибди? деб ҳам ҳайрон бўлган эдим, ўзлари яна бирикишиб олиб, чувиллашиб, бўри кўрган сиғирдек бўкиришади дейишаюти. Азимбой, Иргизбойнинг устуни, улар Жигитекнинг оч-яланғочлари, ким билан ким олишмоқчи бўлаётир ўзи? — деганда, Дармен кулиб юборди.

— Мана, керак бўлса яна бир ҳақиқат, худди ҳали Абай оғам айтганлари! — деб Какитой ҳам бош иргаб қўйди. Жуман Дарменнинг гапига эътибор ҳам қилмади. Абай ҳам унинг гапига қулоқ солмай, тескари қараб ўтирганди. Жуман унга ҳам парво қилмади. Ўзича бир мухим масала устида сўзлаётгандек, чўза берди:

— Ҳар ҳолда бу ишлар бежиз әмас. Жигитекларнинг қутурининг тагида бир гап бор, деган эдим. Чиндан ҳам жони бор экан. Жигитеклар яна ҳаддидан ошиб қолишиди. Бугун уларнинг қўлтиғига сув пуркалишининг сабабини билиб келдим.

Бу гаплардан Абайнинг энсаси қотиб, қовоғини солганича тескари қараб, чор-ночор эшиштаётиди. Жуман дағал товушини барада қўймоқда:

— Мана, эшишт ҳамманг! Эшишиб ол, шаҳардан бир хабар эшиштдим. Ҳали бизнинг овул четидаги уйларга бир чопар тушиб, тоғдаги Жигитекларга қараб кетди. Суюнчи сўраб, қувончи ичига сифмай кетаётир. Тусипнинг Мадиёр деган бурни катта бир тирмизаги бор-ку, «суюнчи» деб юрган ўша! «Оқ түяниң қорни ёрилди, Жигитекларнинг кўз ёши худога етди. Кўз ёшимни тиядиган арслоним қайтди. Бозоралим ҳайдовдан қочиб келибди!» деб, кимсасиз саҳрони бошига кўтариб, от қўйиб кетаётир.

Бу хабар шу ердагиларнинг ҳаммаси учун Жумандан кутилмаган, тўсатдан келган, ўзгача янгилик бўлди. Абайнинг юраги арзиқиб, ялт этиб Жуманга қаради:—«Нима дединг? Бу гапинг рост бўлса, яхшилик хабар-ку!» — бошқа ёшлар унинг гапига қўшилишиб, ҳайрон қолишиди:

- Ёпирим, бор эканда-а!
- Бозекенг,¹ тирик экан-да!
- Қанот қоқиб келганини айт!
- Эсон-омон келса, кўп маъқул бўлибди-да!

Жуман буларнинг қувончига қўшилмади. Бошқа Ирғизбойлар сингари, Бозоралининг қайтиб келганига қаттиқ ғижинган эди. Энди ўз фикридан ўзи хулоса чиқариб, деди:

— Такежон билан Шубор бўлис бўлиб турса, элга келиш ўёқда турсин, тушида ҳам кўрмас эди. Мана бу йил Кунтунинг бўлис бўлганини эшишиб, ҳожи болаларининг қўлидан улуғлик кетганини билиб, ўшаларга орқа қилиб келган-да. Бунча қувонасизлар? Шодлик, хурсандчилик келди, деяпсанларми? Кўзига қон тўлган бир боланинг келганини биларсан ҳали ҳамманг! Мен бир айтдим-қўйдим!

Абай уни жеркиб ташлади:

— Бўлди, бас қил, оқсоқол! Бозоралида олмай қолган ўчивг бор эдими? Келса ҳайрлик бўлсин! Қадами қутлуғ

¹ Бозекенг — Бозорали ака маъносида.

бўлсин!— Кейин у Жумандан юз ўгириб, ёшларга қаради:

— Бераҳмлик, ёвузликин Кунанбойнинг бошқа болаларига бердик. Биз бу хабарни шодланиб қарши оламиз. Бозорали — элимнинг арслони-ку! Мени дейдиганлар эртаёқ отланиб, Семейга жўнанглар! Менинг тилакдошлигимни, жигар деб қувонганимни унга етказинглар! Қарорим, буйругим шу,— деб гапни чўрт кесиб ташлади.

III

Жуман айтган гапларнинг кўпи тўғри чиқарди. Бозоралининг қочиб келгани ҳам рост, яна «илгарироқ эмас, худди шу бу йил қочиб келишига сабаб — Кунтунинг бўлис бўлиб турганлиги» дегани ҳам рост. Бозорали ўзини ҳайдатиб юборган Такежон, Шуборлар бўлис бўлиб турса, бу ишни қилмаган бўларди, ўтган сайловда Кунанбой болаларининг қўлидан улуғлик бира тўла кетиб, Чинғиз элига Бўкенши элидан чиқдан Кунту бўлис бўлиб олди.

Бу воқиа бутун Тўбуқтида кўпларни ҳайратда қолдирган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, фавқулодда бир иш бўлган эди. Кўпдан буён Семей уездининг начальниги бўлиб келаётган Казанцев, бу сайловни ўзи келиб ўтказади. Лекин у, сайловнинг сўнгги соатигача Кунанбой боласидан бошқа одам бўлис бўлар, деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Кунтунинг бўлис бўлиб қолиши — Кунанбой болалари учун нақадар кутилмаган оғир иш бўлса, уездининг ўзига ҳам шу қадар хунук кўринган эди.

Бу ишнинг боши ўтган йили кўқламда Жидебойдаги Успон овулига келган йўғонларнинг бир йигилишида бошланганди. Ўша вақтдаги бўлис Шубор, Чинғиз элининг йирик амалдорларини Кунанбойнинг катта овулига, ҳозир Успон бош бўлиб ўтирган катта даргоҳга таклиф қилди.

Буларни зиёфатга айтишининг тагида алоҳида бир мақсад бор эди. Такежон, Мойбосар, Исҳоқлар билан маслаҳатлашиб олиб, янги сайлов олдида элининг авзойинни билмоқчи бўлади. Қунаибой болаларига зимдан қарши бўлганлар борми? Янги сайловда булар томонидан кўрсатилган номзодга қаршилик бўлмайдими? Кўнгли ғаш бўлиб юрган мансабдор бўлса, ўшаларнинг сирини билиш, қаршилар, норозилар бўлса, эрта кунданоқ ҳаракат қилиш керак эди. Шубор мана шу сингари ички ҳисоблар билан кўк қашқа сўйдириб, юзга яқин амалдорларни зиёфатга айтган эди.

Шубор бу амалдорлар ўртасига яна бир гапни ташлади. Гап шу ҳокимларнинг ҳар доим эл зиммасига соладиган бўлакча бир солиги эди. У подшоликнинг ҳар йил элдан оладиган солиги эмас. Бўлис билан бийларнинг ўзи сладиган «қора солиқ» деган солиқ. «Бўлиснинг мол сўйишига, меҳмонларига, миниб юриши, олди-бердиси учун» деб эл устига сочиб солинадиган солиқ. Унинг на ҳисоби бору, на чегараси. Ҳалқни ийдирмай соғиб, улуғларнинг ўзи оладиган ғанимат пора шу!

Маълум ҳисоби, миқдори бўлмаган бу чиқим, ер тагидан қоронғу йўл билан олинадиган пора бўлгани учун, ҳалқ уни «қора солиқ» деб атайди. Аслида фақат Шубор эмас, ундан олдин бўлис бўлиб, давр сурган қанча-қанча Шуборлар шундай солиқ олиб келган. Қанча-қанча қўй, сон-саноқсиз от, беҳисоб пул, мол-мулк тўплашиб, бўлис билан оғиз-бўрун ўпишган бийлар, элликбошилар, старшиналар, ҳар уруғнинг амалдорлари ўша қора солиқдан ҳисса олишади. Бўлиснинг бу йилги солиги йилдагидан кўп бўлса-да, «Ўспон овулига йиғилган эл оғалари» кўп айтишиб ўтиrmай, тез келишган эди. Ҳар старшинанинг бийлари билан элликбошилари, амалдорлари ўзларининг қўл остидаги хонадоннинг ҳаммасига қўшимча суммаларни ёза беришди.

Чинғиз эли, ўн икки старшинга бўлинарди. Ўша ўн икки старшиннинг бошлиқлари тўда-тўдаси билан, сўнгги йилларда Ўспон солдирган янги қишлоғнинг бир қанча хоналарига, далонларига бўлиниб, маслаҳатлашаётир. Солиқни ўз қўллари билан улаштираётган тўдаларнинг қайси бирига қарасанг, феъли-атворлари бир хил. Солиқни булар ўз уйларига ёки қариндош-уруғларига солмайди. Ўзига тўқ, бардам хонадонларни мудом қўрғаб қолиб, ёлғиз-яrim, ҳомийсиз, фарид хонадонлардан бирортасини колдиришмайди, лекин важ топиб солишади.

Ҳар овулда йиғилиш бўлса, улуғ келса, зиёфат бўлса, элчи келса бутун чиқимни мана шу бадавлат хонадонлар кўтарар эмиш: «камбағал-қашшоқларнинг уйига ким боради? Чурук-чориқ увадасига ким ўтиради? Уларнинг уйига элчи ҳам тушмайди, мол сўйиб, чиқимдор ҳам бўлишмайди. Айронига, овқатига шерик ҳам йўқ. Лекин улар ҳам «эл» эмасми? Шундай экан, ҳеч бўлмаса, шундай пайтларда сал салмоқни сезсин-да. Бўлмаса, кимнинг қўл остида эканлигини, улуғи ким эканлигини ҳам унутиб кетади. Худосини ҳам унутиб юборади. Шундай қилиб,

«қора солиқ»ни ўзлари жўрттага четга қоққан, бири икки бўлмаган, унадаси чиққан кулбаларга солишади.

Халқа ҳарши ишлатилган шу йўсин ишларга келганда, дарҳол топишиб, бир-бирини дарҳол англайдиган бу йўғонларнинг иттифоқи «бўрини кўрганда бирлашиб оладиган итлар»нинг аҳиллигига ўхшарди.

Халқ уларнинг бу сирини биларди. Ўзларига ёзилиб тушаётган турли-туман, узлуксиз «қора солиқ»лар ҳақида ўз аро ҳасратлашиб қўйишарди. Бошқа кимга айтишади! Бийларига, оқсоқолига, старшинга, бўлис билан бегларига айтадими! «Уларга айтдинг нима-ю, айтмадинг нима? Биттасига айтсанг, биттасига солади. Ниҳоят оқтош билан кўктошнинг орасига бориб изи йўқолади. Гап беҳуда кетади. Бири-бирини қўллаб-қувватлаб, догоулилик қилади-ю, кесак тишлатиб кетади. Ниҳоят овул итиининг думи гажак дейсан-у, умидингни узиб қўяқоласан!» дейишарди.

Жидебойга йиғилганлар Шуборнинг «қора солиғи» ҳақида ҳам Қунанбой болаларига тихирлик қилишмади. Лекин солиқни бунчалик кўп хонадонга бўлиш ҳам унча осон бўлмади. Эрталаб чой ичиб, ундан кейин кўк қашқанинг гўштини уриб олганлар, тушга қадар ҳам гапни бир жойга қўйишолмади.

Туш оққан пайтда бу овулга Дармен келди. Узининг катта уйларини амалдорларга бўшатиб берган Успон бурчакдаги уйда ўз ҳолича бир йиғилиш қилиб ўтирганди. Бу ердагилар Успонга ўхшаган бекорчилар, ўйин-кулгига берилиб, тушлик овқат дардида санқиб юрадиганлар эди.

Дарменнинг келганига Успон жуда шодланди. Унга ўз ёнидан жой кўрсатиб, қуюқ қимиэдан қуайиб берди-да, кўлига дўмбира тутқазди:

— Зап келдинг-да! «Солиқ» баҳона бўлиб, жигилдонига тиқин излаётган йўғонларнинг кўр! Овулимни босиб, ҳаловатимни бузишди. Тилагингни бергур, шуларнинг орқа терисини шилиб оладиган шेърлардан борми Абай икковингда? Бўлса бир айтиб, шулардан ҳеч бўлмаса, гўштим билан чойимнинг ҳиссасини олиб бер-чи! — деди ўтирганларни кулдириб.

Дармен иккilanмади. Бу ердагилар ҳали эшитмаган бир ўланни янгратиб, тўлқинлантариб куйлай бошлади.

Чиндан ҳам Успоннинг кўнглидагидек ўлан экан. Элдаги бетовфиқ бўйни йўғонларни, муттаҳам бўлисларни, по-

рахӯр бийларни, тинимсиз тӯда бошлиқларининг чин қиё-фаларини кучли ғазаб, ўткир ҳажв билан халқ қўзига кўрсатадиган, ҳақиқий, Абай шеъри экан.

Успон қаҳ-қаҳ уриб:

— Ҳа... бормисан! Сўй буларни! Тасма тилгандек тил бағрини!— деб қўяди.

Успоннинг хушчақчақлиги бунда ўтирганларнинг деярлик ҳаммасини завқлантириб, кулдираётир. Дармен ҳам шу кайфиятга мослаштириб, яна ҳам янгратиб, ўйноқи оҳангда куйлаётир.

Бироздан кейин бундати қаттиқ кулги катта уйдаги бийлар, казо-казоларнинг ҳам диққатини жалб қилди. Бир-инкитаси эшиқдан қараб, ўланнинг маъносини фаҳмлади-да, бориб у уйдагиларга хабар қилди. Шундай қилиб, Дарменнинг ўлани ярмига келган пайтда, катта уйдаги Ўразбой, Жиренше, Бейсемби, Абралилар ҳам келиб ўлан эшита бошлашди.

Абай шеърининг булар келган пайтда айтилган бандлари зарбли ҳам қаттиқ эди. Худди мана шу ўтирган, мажлисвоз, ғаломус, элни ғажиб егувчи, қасамхӯр, сотқин, алдоқчи, ҳаром томоқ амалдорларнинг ҳаммасига тамға босиб, аён кўрсатган шеър эди.

Ўразбой келгандан буён кулмади. Кулиш ўёқда турсин, жилмайгани ҳам йўқ. Успон билан жўралар ҳамон давъқланниб ўтиришарди.

Ниҳоят Дармен узун, ҳажвий шеърни айтиб бўлди. Бийлар тұдасининг дами ичига тушиб, қовоқларидан қор ёғилганича ўтиришарди. Успон Ўразбойга қаради-да:

— Хўш, бой ака, нега энсанг қотиб қолди? Абайнинг теппангдан уриб тушгани ёқмади дейман, а?— деб яна кулди.

Ўразбой жиддийлашиб, бир чора ўйлаб ўтиргандек:

— Замон...— деди,— гапни узоқдан бошлаб,— бузилаяпти-я! Бузилиш олдида турипти-да! Уша бузадиган ҳам сен бўларсан, ҳожи боласи!— Успоннинг бошидан оша юқорига қаради.

Унинг ёнидаги маккор, еллатак бийлар гўё Ўразбойга сифинаётгандек тикилиб қолишиди.

— Элнинг бор яхшиларини овулингга йиғиб олиб, шу хилда бошига ур! Обрўйини тўк! Юзни сидириб ташла, пардасини йирт! Болаларга ҳам, молбоқар-хизматкорга ҳам сиртмоқ бер!.. Бузавер!..— деб, қўлинни силтаб юборди у.

— Ҳой, Үразбой, нега жикиллаётисан!? Чиндан ҳам яхши экансан, сенга тегадиган тап эмас-ку. Ҳўш, ёмон бўлсанг, ҳалиги гапдан ўзингни-ўзинг таниган бўлсанг, уволинг ўзингта!... Ула!— деди Ӯспон ва яна кулиб юборди.

Кун қиёmdan оғиб кетди. Шу топда эшикка чиққан Ӯспон ўз қишлоғининг атрофидаги қўриққа ёпирилиб, ўтлаб юрган эгарлоғлиқ отларни кўрди. Меҳмонларнинг юзга яқин оти қиши чиқмай, кўклам келмай, ҳавонинг авзойига кунда тикилиб турган пайтда, қўлдаги молга зарур бўлган қўруқни пайхонлаб, сипириб боряпти. Шуборнинг меҳмонлари билан чиқимини кўтарса-да, Ӯспон мана бу юз отнинг қўруқни ейишига чидай олмади. Эшикда юрган бурни катта, норғил хизматкор йигити Сейтқонга ҳайқириб:

— Гўштимни еганидан ҳам, еримни егани жуда ўтиб кетди! Тарқалсин! Тарқалмайдиган бўлса, ҳозир бориб қўлингта сўйил ол, мана бу отларни ҳайдаб келиб, қўрага тиқ! Дастурхонимни боллаб кетгани-кетган, қўриғимгача қуритиб кетадими? Ҳайда ҳозир!— деб қатъий буйруқ берди-да, ўзи меҳмонларнинг ёнига кириб кетди.

Сейтқон қўлига катта қора сўйилни олиб, меҳмонлардан бирининг яқинроқ ерда ўтлаб юрган отининг тушовини бўшатиб минди-ю, учиб кетди. Ҳукмрон овулнинг безори хизматкори, ўжар табиатли, ҳовлиқма ёш йигит, аслида Ӯспон «бўрк ол деса, бош оладиган» иш қиларди. Ҳайқириб, от қўйиб бораркан, ҳар бир меҳмоннинг ота-уронини чақириб, бақириб: «Соқтӯғолоқ! Котибақ! Жыгитек! Бўбенг! Қоработир! Жуонтаёк! Тўпай! Тўрғай!» деб борарди. Узи биладиган уруғ бошлиқларининг тўп-тўпи билан юрган отлари ёнига келиб, тамғаларига қаради-да, уронларини чақириб ҳайқирганича, тушовлаб қўйилган отларга ёвдек ҳужум қилди. Тинмай ҳайқириб, сурон солди, ўшқирганича ўтлоқда тинч юрган отларни ҳуркитиб, узун қора сўйили билан сағри-тиззаси демай қарсиллатиб уриб, қува бошлади.

Тушовланган юзга яқин отни ёғиндан олиб қочгандек тезлатиб, мункитиб, сакратиб, сўйил уриб, гуриллатиб қувлаб келди-да, каттакон от қўра, қўй қўра, тuya қўраларнинг дарвозасига тикиштириди. Сейтқондан ҳуркиб чопаётган семиз, бақувват, асов отлар ўт билан сув тўғри келса ҳам тап тортадиган эмас. Мункиб, отилиб келиб, ҳалиги қўраларнинг дарвозаларига урилишди-да, сиқили-

шиб, сакраб-сакраб ичкарига кириша бошлади. Лекин қўраларнинг дарвозалари паст-паст эди. Секин кирмай, сакраб кираётган тушовлик отлар эгарларининг қошини дарвозанинг тепасига шарт-шарт уриб киришаётир. Сейт-қоннинг ҳам, Успоннинг ҳам хаёлига келмаган фавқулодда бир иш шу ерда содир бўлди. Бақувват отларнинг ҳар сакрашида дарвоза теппасига урилган эгарларнинг қошлари бир бошдан қарс-қарс синиб, учиб-учиб тушиаверди.

«Қора солиқ»ни халққа бўлганда, бир ёқадан бош чиқара олган бўйни йўғонлар ўзларига тегадиган ўлжа ҳисобини ҳам олишди. Қунанбой болалари устун келиб, ўлжанинг кўпини босиб қолишди. Элнинг йирик бойлари Ўразбой, Жиренше, Бейсембилар бу ишдан ҳам норози бўлиб чиқишиди.

Улуғлар кечга яқин гап-сўзни тамомлаб, отга минмоқчи бўлсанларида, кутилмаган бир таъби хиравликка дуч келишди. Бирор жўрттага эрмак қилиб кулгандек, ҳамма эгарларнинг қошларини учирив, расво қилиб қўйибди. Бу йиғилишда Ўразбой, Жиренше, Кунту, Бейсемби, Аброли, Бойғулоқлар бошлиқ не-не бойлар, босар-турарини билмайдиган не-не мирзалар, сўзамол, қилдак қийик топиб чатоқ чиқарадиганлар бор эди. Йўғонларнинг ҳаммаси Успон қўрасининг олдида туриб, шу хилда масхара бўлишганини сўзсиз фаҳмлашди. Овлу эгаси Успондан сўраб ҳам ўтиришмади. Кузатиб чиқиб, отлантираётган Шуборга ҳам рўйхуш беришмади. Кўпчилиги хайрлашмасдан кетиб қолди.

Олдинги тўдада Ўразбой билан Жиренше бор эди. Кунту билан Бейсемби етиб бориши биланоқ иккови гап бошлади. Даставвал сўз қотган Жиренше:

— Бу ҳаддан ошган солиқ билан Шуборни бойитамиз, деб йигилган эканмиз-да! Езиғинг нима, оғайнилар? Айтганини қилдик. Бор-йўқни шуларга бериб, мана бугун улушдан ҳам четда қолдик. Буларга ҳам ўлжа тегсин, деб ҳеч бўлмаса кўнгил учун айтувчи бўлмади.

— У ҳам майли-я, хўш, шу хилда саззойи қилиб юборгани нимаси!— деб ёнида келаётган Кунту қоши синган эгарига қамчи билан бир урди.

— Қунанбой болалари ҳаддидан ошган экан,— деди Ўразбой,— бундай хўрликни ҳатто Қунанбой ҳам кўрсатган эмас. Аслида буларни ўзимиз ёмон ўргатганмизда. Худосини унутган экан бу Қунанбойлар! Шу гал

оёғингни тортмайдиган бўлсанг, мана шу келаётган ҳам-мамизни ҳам ота-бобонинг арвоҳи урсин! Энди ҳаракат қилмасак ит бўлайлик!— Уразбой ягона кўзини чақнатди-да, атрофдагиларга қараб, ранги ўчганича сўзлаб кетди.

Бейсемби салмоқлаб, доим ётиғи билан сўзларди. У гапга аралашмаганларнинг ҳам авзойига қараб, раъйни билиб олди-да:

— Ҳой! Мана шу қайнаб тошган ғазабинг чин ғазаб-ми? Шуни айт-чи! Юзимга айтчи, ёрқиним!— деб, Уразбой билан Жиреншега тикилди.

Уларнинг иккоби ҳам Бейсембининг ғазаби бўғизига тиқилиб келаётганини пайқаб, бир лаҳзада жавоб беришиди:

— Ҳой, бир худо, бир қуръон! Ғазабим — ғазаб! Ке-ким — кек!— деди Уразбой.

— Бир арвоҳ, бир худо, ўлсак ҳам ҳузурингда ўламиш. Қани, нима қилай, айт-чи!— деди Жиренше ҳам унга қўшилиб.

Бейсемби қаттиқ қизишиб, тутоқиб кетган экан, одатдан ташқари тез сўзлай бошлади:

— Аввало шу гапинг рост бўлса, ғазабингни сўз билан сиртга чиқарма, сўзлашгудек ҳеч гап йўқ. Англешилмаган иш йўқ. Гапнинг учини чиқариб, кўпчилик олдида беҳуда ҳовлиқиб, эртага бор сирни Қунанбой болаларига етказувчиларни душманинг каттаси, деб бил. Ҳозир гапни четга чиқариш керак эмас. Ёнимизга кўпчиликни тўплашнинг ҳам ҳожати йўқ! Шу тўпдагилардан етти киши бўлайлик-да, бошқа томонга йўл олайлик. Анови Қенгирбойнинг қабрига борайлик! Қенгирбойни зиёрат қилиб аҳду паймонни ўша ерда қилайик!

Ёнида кетаётган йўғонлар: «Маъқул!», «Бўлди», «Юр!» дейишиди. Жиренше ҳаммадан кейин сўз қотди-да:

— Тангirim, ўзинг мадад бер! Қенгирбойнинг қаброшини тикка кўтариб туриб қасам ичгани кетаётирман! Фақат ёнимга кимни оламан!— деди ва эндики ишни ўзи бошқаришни билдириди.

Шу орада тўрт-беш киши отларнинг бошини тортиб, янги шартга қўшиш мумкин бўлганларни санаиди. Но-ми айтилган кишилар билан бир тўп бўлиб бўлинниб чи-қишиди-да, қош қорайган пайтда бир гала салт отлиқлар Ўспон қўрасидан той чопиб боришга қодир ердаги кўхна Қенгирбой соғонасига етишиб ҳам олишди.

Қор босган дала қош қорайган пайтда қоронғу бўл-

май, кўкимтири товланиб турарди. Оқиши кўк ранга кирган совуқ саҳро. Ўша саҳрода қўнғир-гунгурт, баланд соғона турибди. Юз йил давомида ҳам емирилмай, шу саҳрода қаққайиб қад кўтарган. Нураб тушган жойи йўқ. Кенгирбой арвоҳи бутун Ўлжой, Жигитек элининг омий насллари учун ҳали нақадар қадрли, қудратли бўлгани каби, соғонаси ҳам ўша юз йил давомида емирилмай, қоронғу тилсум кувватидан айрилмай турарди. Соғонага боқсанг, замон ҳам ўтмагандек туйилади. Саҳро урфи-одати ҳам ўша беомонлиги, ўша нодонлиги, истибоди билан шу соғона сингари емирилмасга ўхшайди. Қичик эшикдан боқсанг: соғонанинг ичи — қоронғу, бўш. У ерда уинсиз, мангу тун ҳукмрон. Ефду билан, ҳаёт садоси билан олишиб ётган қайсар қоронғулар. Изиллаб, совуқ изғириқ турди... Атрофдаги қўғайларнинг учлари юмшоқ қорни силкитиб, ерга эгилишди. Паст бўйли, нимжон буталар ҳам ҳузур-ҳаловотидан айрилиб, изғириқдан қалтирайди... Худди шундоқ — куч билан кучсизлик орасидаги қайсар соғона мана шу кимласиз ерларнинг қора кучидек гердайиб, атрофга совуқ назар ташлаб, фамгин-фамгин қорайиб турибди.

Ҳали Ўспоннинг уйида Дарменнинг оғзидан чиққан аччиқ истеҳзоли пичинг ҳамон унинг жонини ўртаб тургани учун, ўша гапларнинг асосий айбордияни эсига олиб, Ўразбой соғона бошида қуръон ўқиш олдидан:

— Пири Абай бўлса, Абай бўлса... менинг сиғинадиганим бир худо-ю, бир ўзингсан, бобом! Озғин билан бузғунни арвоҳинг урсин, улуғ бобо! — деди.

Ўразбойнинг гаплари ҳам бир қасам ёки бир шарт сингари фитналик эди.

— Пири Абай бўлса, сўфиси шаллақилар бўлар!. Кесилгур тилини ҳам, юрар йўлини ҳам кесармиэл— деди Жиренше ҳам соғонага бош эгиб...

Бейсемби пичирлаб қуръон ўқиб, ҳаммаси баравар фотиҳа қилиб бўлгандаридан кейин, етти бой шу ерда яширин қарор қилишди. Бу ерда тўрт старшинга бўлинадиган Соқтўғолоқ элининг каттаси — Аброли, икки старшинга бўлинадиган Жигитек элининг бошлиғи — Бейсемби, Эсбўлат элидан — Ўразбой, Котибақ элидан — Жиренше, Бўкенши элидан — Кунту, Жувонтаёқдан — Бойғулоқ, Тўпай элидан — Байдилдалар бор эди.

Буларнинг Кенгирбой қабри устида ичган қасамлари хуфия. Сиртга овоза қилмай, мана шу завол вақтидан

бошлаб, шу етти киши Қунанбой болаларига қарши зимдан иш олиб бормоқчи. Икки-үч ойдан кейин бўладиган сайловга қадар, бутун Чинғиз элини Қунанбойларга қарши қилиб қўйишмоқчи. Бу тўда бошлатган курашга молидунёни яширин бериб, элликбошиларнинг ҳаммасини шу хилда хуфия қасам билан, қаттиқ шарт билан ўз томонларига тортишмоқчи. Бериладиган молни ҳам, сирни ҳам кўпчиликка билдирамасдан, кўринишда, Қунанбой болалари билан аввалгидан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб, тотувлашиб юришади-ю, уларга «айтганингни оласан» дейишиб, сайлов соатида даст кўтариб елқаларини ерга босишмоқчи.

Уша кечада Жиреншенинг қишлоvigа бориб ётиб қолишиди; яхшилаб режа тузиб, гапни бир жойга қўйишиди. Қундузги кўк қашқа гўштини егаандаги аҳду паймонни бузишиди-да, оқ қўчқор сўйишиб еб, янги аҳду паймон қилишиди. Айтилгандек, уч ойдан кейин, қизғин яйлов фаслида, Қунанбайнинг катта овули жойлашган Пушантойда сайлов купи ҳам келди.

Қунанбой болаларининг кўп йиллар давомида порага мириқтириб юрган ҳийлакор дўсти — уезд бошлиғи Қазанцев, бир талай извошларда, қўнғироқларпи жарантлатиб, ер-кўкни титратиб келган эди. Бу гал Қазанцев, тўладан келган, мовий кўз, нозанин хотини Анна Митрофановлани ҳам бирга олиб келди. Булар уч кун мобайнида Үспон уйида зиёфатда бўлганларида, Анна Митрофановнанинг елкасига қора баҳмал сирилган савсар пўстин ёпилганди. Қазанцевнинг темир сандигига эса тахи бузилмаган қофоз пулдан даста-даста тушганди.

Бу гал Қунанбой болалари бўлисликни Үспонга аташганди. Унинг ўзи бу гал улуғликни талаб қилган эди.

Ҳозирги кунда ёши қирқقا бориб, давлати гуркираб кетган Үспоннинг бир катта армони — фарзанд! Үспоннинг Эркежон, Зейнеп, Тўримбала деган уч хотини бор. Лекин уччовидан ҳам ҳали бола кўрган эмас. Сержамоа Қунанбойлар ичидан ўзининг ёлғизлигига ич-ичидан қаттиқ куярди. Баъзан шу ҳақда ўзининг яқинлари орасинда ҳасрат қилганида, Алломишдек гавдаси билан ўпкасини тутолмай, йиғлаб ҳам юборарди. Шу жиҳати уни бир шохи синган буғидек, қаноти синган шунқордек ўксиниб кўксини кеса берарди. Шунинг учун бу йил оға-иниларига:

— Ҳеч бўлмаса шу билан юпанай. Бу гал улуғликни менга беринглар! — деганида, жамийики Иргизбойлар «майли бу гал бўлис Үспон бўла қолсин» деган эдилар.

Халқ нима дейди? Бу ишга халқнинг хоҳиши қандай? Қунанбой болалари бундай мулоҳазаларга боришни ҳам унутганлар. Улар бўлисликни ўрталарида бўлган хусусий мулкдек билишарди. Бугун биттаси эга чиқиб юргани билан, Қунанбойнинг бошқа бир боласи «эртага мен ҳам бўлисликни қўлимга оламан» деган назар билан қаради. Худоси билан арвоҳи фақат шулар учун бўлиб бериб қўйган «улашилмаган энчиси», «боши боғлиқ баракаси»дек ҳисоблашарди.

Казанцевни Ўспон уйига тупширишаркан, Қунанбойлар: «Бу уй бўлажак бўлиснинг уйи» деб уқтиришганди. Улуғ ҳам Ўспон уйидаги иззат-икромни кўриб, порани олаётганда «бўлисим, сайдайдиганим шу», деб ишонгац эди.

Сайллов ўтказиладиган уйлар бу гал ҳам одатдагидек ўзгача. Улуғларнинг ётоқхонаси — уч ўтов бир-бирига жипс тикилган. Алоҳида-алоҳида бўғин-бўғин уч тегарак залга ўхшайди. Сайллов уйларида тонг отғанданоқ эллик-бошилар алоҳида мажлис қилишди. Одат бўйича, бўлис сайданиш олдидан улуғнинг кўз олдидা, шу йил эл бошига тушадиган солиқ ўртага ташланди. Уезд бошлиғи билан крестьян начальники бугун ёнларида фақат эллик-бошиларни олиб ўтириб, шу бўлиснинг ҳамма старшинларига тушадиган подшолик солиғини тақсим қилдирди. Бир старшиннинг қўл остидаги хонадоннинг сони кўп. Бир хилларнинг қўл остидаги оиласлар ўзига тўқ. Молимулк мўлроқ, старшин шунга қараб тушган солиқни бирорвга кўп, бирорвга озроқ қилиб аралаштириб солади. Чинғизнинг ўн икки старшинида ўттиз элликбоши бор эди.

Уша элликбошиларнинг дастлабки йиғилишида, бутун ишни Семей уездининг учинчи участка крестьян начальники Никифоров бошқарди. Ўяз¹ унинг устидан турган улуғ бўлгани учун, бу ишни унга топширди. Ўзи бўлса йўғон гавдаси, оқ оралаган мўйлови, гезарган юзига жиддийлик бериб, индамай ўтиреди. Кўп йиллардан буён Дуон бошлиғи бўлиб келаётган Казанцев, подшоликнинг бу атрофдаги катта вакили ўзи эканлигини унутмайди. Со вуқ назари, жиддий савлати билан қозоқларга ўзининг салмоғини ҳам, зарбини ҳам кўрсата билади.

Бу саҳрова унинг унча-мунча сўз қотадиган одамлари — ёнидаги ёш қозоқ тилмочу, бўлис миrzаси Захар Иванович. Халқ: «Захар» деб атайдиган паст бўйли миэрза.

¹ Уяз — бу ерда уезд бошлиғи маъносиди,— Ред.

Эл қозогининг ичида Үяз унча-мунча сўзлашиб, хиёл рўйхуш берган кишилари Қунанбой болалари: Такежан, Исҳоқ, Шубор бўлди. Сўнги кунларда мәҳмон бўлиб уйида ётиб, хуфия олганидан бўён Үспонга ҳам бир-икки оғиз гап қотадиган бўлиб қолди.

Үспон рус тилини билмай, тилмоч орқали сўзлашса-да, ўзининг кўриниши билан Казанцевга, айниқса, унинг хотинн Анна Митрофановнага жуда ёқиб қолди. Үспон қаттиқ кулганида кўринадиган оппоқ садафдек тишлари, қипқизил лаблари, қоп-қора мўйловлари ҳам ёқимли. Баъзан қизишиб, баъзан ҳазил қилиб сўзлаётганида порлаб, ярақлаб кетадиган катта-катта кўзлари ҳам ёқимли; шам алангасидек липиллаб ёниб, ўт сочиб турадиган кўзлари! Бошқа писмиқ, қитмир амалдорлар сир тутиб, кўринишдан бир нима сездирмасликка тиришса, Үспон ундей эмас. Унинг кулгиси ҳам, норозилиги ҳам тараффудни билмайди. Чиндан дидига ўтириб қолган одамига ўтдай ёпишиб, борини тўкиб солади. Яхши кўрган мәҳмонни кутаётганда, барваста, паҳлавон гавдаси жуда эпчил ва енгил ҳаракат қиласди. Унинг чаққонлиги худди бола ҳаракатидек кўзга ташланиб туради. Шу жиҳатларнинг ҳаммаси Казанцев билан хотинига, Никифоров, тилмоч, урядник, стражникларга ҳам ёқиб қолди. Үспон қўли очиқ, кўп саҳий мирза бўлгани учун улуғнинг хизматидан келган барча лавозимлари, крестьян начальниги Никифоровдан тортиб, стражник Сергейгача, яна Үяз билан начальник маҳкамасининг чопари, чўтири Акимбетларгача қўйни-қўнжини тортиқлар билан тўлдириб ташлади.

Ўйда солиқ ҳусусида кетаётган гап тамом бўлиб, элликбошиларнинг одатдаги мажлислари тугаб, сон-саноқсиз ҳалқقا энди «сайлов», «бўйлис сайлови», «бий сайлови» деган сўзлар эшитилди. Жони-дили сайлов бўлган, пихини ёрган талай амалдорларга бу хабар гўё «пойгадан от келади» дегандек, жуда тезлик билан етиб борди. Пиёда, галалашиб, тўп-тўп бўлиб, баъзан тарқалиб ҳар ер-ҳар ерда юрганлар, дам ўтмай улуглар уйи олдига етиб келишди. Урядник, старжниклар, чопарлар ҳар ёққа тарқалиб, ҳайқириб, буйруқ қилишмоқда. Икки бувлаб олган сарғиш чипор қамчиларини ўйнатиб, ўдағайлашганича ҳаммадан олдин яёв етиб келганларни кейинроқ сурниб, жойлаштироқдалар: «ўтири, ўтири!» «Қўзғолма!», «Қатор ўтири!», «Тўпалон қилма!», «Бас қил гапни, бас қил!» деган қисқа-қисқа буйруқлар сайловга келган ту-

монат ҳалқни улуғлар уйидан нарироқ жойга ўтиргизмоқда.

Кўпчилик орқага чекиниб, тинчили; катта уйларнинг олдида гўё кўргазмага қўйилгандек, алоҳида-алоҳида бўлиб, улуғлар билан сарғиш-чипор қилич ва жез нишон тақсан урядник, стражникларгина қолиши. Иккни стол қатор қўйилиб, устига чивиқ баҳмал ёпилди. Ез фаслига мувофиқ оқ кителлар кийган Казанцев, Никифоров яна ёшгина қозоқ тилмоч худди чайкага ўхшаб кўринишарди. Сариқ, оқ зарҳал погонлар офтоб шуъласида ялт-юлт ёнади. Ўязнинг ёнида чиройли мовий кўзли, қадди-басти келишган, тўлагина, оппоқ бир аёл бор. У яйловнинг иссиқ ҳавосида бўртиб, қизориниб, юлқа илак рўмоли билан елпиниб ўтирибди. Тумонат одамнинг қий-чуви босилганидан кейин, Казанцев оқ оралаган мўйлови остидан қўпол товуш билан қисқагина буйруқ берди. Крестьян начальники Никифоров ўрнидан турди. Унинг чап томонидаги қатор стулларда қозоқ тилмоч билан бўлис миরзаси Захар ўтирган эди. Начальник ўша икковига ишора қилиб, бўлис сайлови бошланганини билдириди.

Уруғларнинг столига яқин жойда, алоҳида бир тўп бўлиб элликбошилар ўтиришибди. Уларнинг баъзилари чордана куриб, баъзилари чўнка тушиб олишган; баъзилари ёнбошлаб, бошларидаги тумоқларини олиб, улуғларнинг авзойига дикқат билан кўз ташлаб ўтиришибди. Бўлисни сайлайдиган ўттиз элликбоши — шулар.

Такежон, Шубор, Исҳоқ, Успонга ўхашашлар «Бўлис сайлови бошланди» деб айтилиши билан оқ бир гала бўлиб, улуғлар уйи олдига келиши. Улар элликбошилар ўтирган ернинг бир чеккасига бориб ўтиришли. Буларни авзойига зеҳн солиб, синчиклаб кўздан кечириб турган Уразбой билан Жиренше ҳам бир лаҳзада қимирлаб қолиши. Ўринларидан қўзғолиб «юр, юр», «юрсанг-чи», «бўл, тезроқ», деб, ивир-шиаир қилиши. Булар ҳам олти-етти киши бўлиб, ҳалиги маҳсус жойда ўтирган элликбошиларнинг иккинчи томонига, Қунанбойлар ўтирган жойининг рўпарасига келиб ўтиришибди. Бу тўда — шу кунгача сафи билан бирлигини, тўпи билан тўдасини бузмайд келаётган ўша етти бой.

Улуғнинг урядник, стражниклари сайлов чоғида ўринларидан қўзғолган кишиларни жеркиб, қамчи билан савалаб жазолай берар эдилар. Қунанбой болаларига индашмаганларидек, ҳозир буларни ҳам койишмади. Бунинг

ҳам важи бор. Сочини тик кесиб, тўнғизнинг тукидек тик-кайтириб қўйган, қоп-қора лўтпи юзли қозоқ тилмоч, эрталаб Жиреншенинг қўлидан бир даста йирик пул, бир ховуч майда танга олганди. Шунда Жиренше эҳтиётлик билан тилмочга пиҷирлаб, икки нарсани илтимос қилди: «Аввало, тош ташланганда қутлуғ қўлинг билан сана! Мени ҳам атайдиганим йўқ эмас. Агар иқболим баланд келиб, ўша айтганим бўлса, хушхабарни эълон қилишинг учун, олдиdan ният қилиб мана буни олиб келдим...»— деган эди.

Бу — элликбошилар тош ташлаган пайтда, мўйлов қилиб юборадигангина эмас, балки борлиғи билан Устюн томонга оғиб ўтирган улуғ, тошларни аралаштириб юбормасин, шунга эҳтиёт бўл, деб бераётган пораси эди. Кўпдан буён қанча-қанча сайловларни ўтказган Жиренше бир ишни яхши биларди. Аслида, тошни элликбошилар ташлаб бўлгандан кейин, улуғнинг ўзи санамай, мана шу столда ўтирган ижита тилмочнинг биттаси санайди. Шунинг учун у қозоқ тилмочни қўлга олди. Иккинчи түгунчанин урядник, стражник, чопарларга атаб: «мана буни улуғларингни қуршаб юрган қиличи яланғочларга бериб қўй» деб топширди. Улар ҳақида тайинлаб айтган гапи: «Кўпчилик олдида, айниқса улуғ олдида бирон ножӯя ишим, ўзгача гапим бўлиб қолтудек бўлса, қамчин ўхталиб ўдағайлаб турмасин. Бундай пайтда кишига кўтарилиган қуруқ қўлнинг ўзи ҳам одамнинг шаънига яхши бўлмайди. Кишининг баҳти-саодатига нуқсон бўлгудай жеркишлар бўлмасин! Мана буни ўшаларингга ҳам шама қилиб қўй-чи!» деб берган эди.

Ҳозир, мана, ўша бергани кор қилгандек бўлди. Жиренше билан Ўразбойга қўшилиб, Бейсемби, Аброли, Кунтулар ҳам тош ташланадиган ерга яқин ўтиришди. Шунда ҳам улуғлар томонидан жеркилгандек ишора пайқалмади. Ҳар икки томондаги шу сингари унча-мунча ҳаракатлар босилишини кутиб турган Никифоров, қозоқ тилмочга рўйхатни келтиришни буюрди. Ўзи ўрнидан туриб ўша рўйхатдаги одамларнинг исми билан отасининг исмини ўқий бошлади. Ўттиз элликбошини начальник ном-баном чақираётгандаги, қозоқ тилмоч ҳам товушининг борича қичқириб, такрорлаб турди. Элликбошилар: «Мен», «борман!», «шу ердаман!» деб бир-бирдан жавоб беришди.

Шу чоқ крестьян начальнигининг олдига чиройли қилиб сирланган тўрт бурчакли қути келтириб қўйилди.

Энди крестьян начальниги ўша сапдиқчали силаб туриб, ҳалиги элликбошиларга қараб маъноли, қисқа ва муҳим бир савол ташлади:

— Хўш, Чинғиз бўлисининг сайловчилари! Сизлар бу-гунги янги сайловда ўзларингизга бўлис қилиб сайлаш учун кимнинг номзодини кўрсатмоқчисиз? Қани номзодингизни айтинг!

Шу-шу бўлди-ю, Қунанбой болаларига қараб жил-панглаб ўтирган биринчи овулнинг элликбошлиси Эсиргеп ялт этиб Шуборга қаради. Шубор аввалги сайловларда ўрганиб қолган олғирлигини ишлатиб, Эсиргепга дарҳол гал ташлаб:

— Айтиб қол! Тезроқ, олдин айт!— деб юборди. Эсиргеп бўлса:

— Ҳой, тақсир, улуғ бўлисимиз — Успон! Ускембоев Успон! — деди.

Шу чоқ Анна Митрофановнанинг ёниб турган кўзлари ялт этиб Ўспонга тушди; унинг мулоҳим, кулиб турган чехрасини кўрди-да, ўзи ҳам кулиб юборди. Бир нафас жимлик чўяди.

Никифоров Ўспоннинг исмини қоғозга ёзмоқда. Улур ҳам, тўпланишган сайловчилар ҳам энди иккинчи номзод кўрсатилмас деб ўлашганди. Қунанбойлар томони-ку ташадиган одам чиқади, деган гапни хаёлларига ҳам келтиргмаган эдилар. Лекин худди шу пайтда элликбошиларнинг иккинчи томонидан, Жигитеклардан кўсароқ, қораҷадан келган бир йигит — Умарбек деган элликбоши, товушининг борича қичқириб:

— Ҳой, тақсир, улуғ! Бўлисликка номзод қиладиган яна бир кишимиз бор. Унинг ҳам номини хатга тиркашингизни ўтинашимиз! — деб қолди.

Улуғлар чўнтак кавлаб қолишиди. Такежонлар гомонидан чўчиб, ҳайрон бўлиб айтилаётган сўзлар эшишилди:

— У ким экан? Бу нимаси!? Қим айтди бу гапни?

Лекин кейинги товуш, элликбошилар ичida фақат Умарбекнинг товуши эмас эди; қатор ўтирган Жигитек, Бўкеншиларнинг уч-тўрттаси фақат бир кишининг номини аташди:

— Бўлисимиз — Кунту! Шўнқа ўрли Кунту!.. Кунту!

Кунтунинг ҳам номи рўйхатга олинди. Шу икковидан бошқа номзод кўрсатилмади. Қунанбой томонининг ўзига бўлган ишончи кучли эди. Ҳозир уларнинг юзида гоҳ газаб, гоҳ кулги, гоҳ истеҳзо, гоҳ пичинг акс этиб турарди,

Такежон томонда ўтирганларнинг ичидан бир тили тезроғи мазаҳ қилиб: «Шўнқа тушаман деб, ўнқа тушмаса дейман! Қулги бўлган Шўнқа-ку!» деб юборди.

Начальник билан тилмочлар навбат билан элликбошлиарни чақириб қўл қўйдиришди, хат билмайдиганларнинг бармоғини бостириб, улуғ столида турган чироили сандиқдан кантарнинг тухумидек, силлиқланиб кетган ялтироқ тошлардан битта-биттадан олиб беришди. Тошларнинг ҳаммаси улашилди. Сайлов бошланди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Сабри чидамаётгандар ўтирган жойларида типирчилашарди.

Номи айтилиш тартибига кўра «аввало тош Ўскембой ўғли Ўспонга ташланади» деб эълон қилинди. Яна навбати билан ўттиз элликбоши чақирилди. Улар салмоқли одимлар билан яна қайтадан стол бошига боришли. Ҳалиги қути устига сариқ баҳмал ёпилиб, тилмочлар билан начальникнинг ўртасига қўйилганди. Үнинг бир томони қорага, иккинчи томони оққа бўялган. «Ўспонни сайловчилар ўнг томонга, оқ томонига ташласин!» деб, элликбошиларнинг ўзлари ҳам яхши биладиган ишни Иргизбойларнинг кўпчилиги яна таъкидлаб, қақшашаёттир. Баъзи тилмочлар, чопарлар ҳам баланд овоз билан ўшани эслатиб қўйишмоқда.

Элликбошилар индамай, стол ёнига келишади-да, ўз номларини начальниккагина айтишади. Қўлларини яланг қават тўйларининг узун енглари ичига тиқиб, сирни издор қилмай, сариқ баҳмал ёпилган қутининг орқа томонига узатадилар. Қозоқ кўзи мўралашга нақадар моҳир бўлсада, неча йиллардан буён худди шу сайлов чоғида элликбошининг қўли, баҳмал ёпиқ остида, оқ билан қоранинг қайси томонига солинаётганини ҳали ҳам пайқаб кўролган эмас. Ўша номаълум тошнинг сони, то ўттиз элликбоши Ўспонга тош ташлаб чиқмагунча номаълумлигича қолди.

Ҳамма элликбоши бир-бир ўтиб бўлгандан кейин, начальник ўрнидан турди. Үяз иккови тошлар ташланган қутининг бошига келишди.

Қозоқ тилмоч улуғларнинг олдида оқ билан қоранинг тортмасини баравар очмоқчи бўлган эди, Қазанцев «иккенини баравар очма, аввало оқни оч! Ҳалқнинг кўзига кўрсатиб сана!» деди.

Қозоқ тилмоч мийигида жилмайди-да, ўзи кўриб турган оқ тошлар сонини белгилаб, бир сийтаб ўтди. Шун-

дан кейин битта-биттадан олиб, қўлини кўтариб кўрса-тиб, стол устига қўя бошлади.

«Успонни сайловчилар ташлаган тош ўттизта бўлмаса ҳам, ўшангя яқинлаб борар!» деган умидлар пуч бўлиб, кўкка созурилди. Тилмоч: Бир! Икки! Беш! Тўққиз!— де-ди-да, серрайганча жим бўлиб қолди.

«Яна!» «Яна!» дегандек, Қунанбойлар ёпирилиб, уйма-лашиб туришарди.

— Томоғига тошни тиқилдими бу итнинг?— деди бирор. Лекин тилмоч оқ тошнинг сониши айтишни биратула тўх-татди.

Шу пайтда Қазанцев шақ этиб сонига бир урди-да, хотинига қараб: «Провалили!» деди. Бамайлихотир ўтирган Анна Митрофановнанинг ҳам икки юзи ловиллаб кет-дия. Кўзи косасидан ирғиб чиқаёзиб, эрига тикилганча тўсатдан товушини баралла қўйиб: «Как так!» деб юборди. Тутоқиб ўрнидан ирғиб турди. Унинг бу ҳаракатини Жиренше, Үразбойлар ва уларнинг орқа томонини қўр-шаб ўтирганларнинг ҳаммаси кўришган эди. Улар шақил-лаб, ҳаҳолаб, ҳиринглаб, маза қилиб кулишди:

— Нима деди?!

— Нима дейишди?— деб сўраётганларга Жиренше билан Үразбойлар тушунтира бошладилар.

— Уязнинг хотинигача «катак» деди.

— Уязнинг хотини «катак» деди!— дейишиб, давра олиб ўтирган бу тўда, севинчлари ичларига сифмай, завқ-ланиб кулиша бошлади.

Үразбой энди кулгини йиғишириб, салмоқлаб, жид-дийлик билан:

— «Катак» бўлса ўша! Қунанбой болаларини бирдан улоқтириб уриб, «Катак» дедирган шу бўлди. Фақат энди йўлни бўлсин, ё арвоҳ!— деб юборди.

Сайловни тўхтатиб бўлмайди. Қовоқлари солиниб, эсанкираб қолгая улуғлар энди Кунтуга тош ташлаб, овозга қўйишли. Элликбошилар яна сир бой бермай сариқ баҳмал ёпилган сандиққа яширинча қўл чўзишаётир. Лекин Үразбойларнинг бояги қувончлари чин қувонч эди. Тошни қайтадан санаганда, оқ томони тўппа-тўғри йигирма бир тош бўлди. Шундай қилиб, Қунанбой болалари-нинг бошига чарақлаб нур сочиб турган осмон қоқ ёри-либ, қулаб тушгандай бўлди.

Успон сайловда енгилди. Кунту бўлис бўлди.

Бўлис сайлаб олган йигирма бир элликбоши, ўша йи-

тирма бир тошнинг сонини бузмай, шу ернинг ўзидаёқ ўн икки старшиннинг бийларини ҳам сайлаб чиқишиди. Қунанбойлар томонидан номзоди кўрсатилган бийлардан ҳам қаторга илингандан камдан-кам бўлди.

Сайлов тамом бўлиб, халқ тарқалар пайтда Уразбой, Жиреншелар тўдаси янги бўлис бўлган Кунтуни ўртага олиб, ғолиблиқ гаштини суро бошлишиди. Ҳали Қунанбой овулининг останасидан нари силжимай туриб, барада қаҳ-қаҳ ура бошлиди. Жиренше мийигида кулиб, Уразбойни туртиб қўйди-да:

— Энди билдим-ку, отингдан айналай, шу бўлисимнинг оти ўзи қандай яхши экан! Энди билсам, қадимдан «Кунту» аталиб юриб, шу хилда сарғайтира-сарғайтира, ниҳоят бир чарақлаб туғилгани, ўғил бўлиб туғилгани юрган экан-да. Кунту бўлганда менинг куним бўлиб туғилмоқчи бўлиб юрган экансан-кул Мурод-мақсадга етказиб, ғолиб чиқсан куним бўлиб туғилди-ку! — деди.

Жиренше билан Уразбойларнинг бу гапларига қарандан, бундан буён Кунту бўлиснинг муҳри ҳам амри-фармони ҳам уни шу тал сайлаган етти бойнинг инон-ихтиёрида бўлиши очиқ қўриниб турарди. Кейинчалик бирорвнинг устидан бериладиган приговорлар, бебош-безориларни ҳимоя қиласидиган қоғозлар уларнинг ўз қўлларида бўлади. Бирордан ер, яна бирордан гала-гала мол тортиб олмоқчи бўлганларида ҳам зарб билан уриладиган қора чўқмор, мана шу Кунтуниңг қўлидаги муҳри, бўйнидаги нишони бўлиши шубҳасиз.

Илгарилар ҳеч кўрилмаган махфий ҳаракат, яширин тортишув билан Қунанбой болаларини кўнгилдаги идеқ ёнгиг чиқсан мағрур тўда, яйловларга тарқалишаркан, қанча-қанча кулгили, киши завқ қиласидиган мақтанчоқликдан иборат бўлган гапларни олиб кетишиди. Шу сўзлар қаторида оғзига тушиб кетган ҳазил гапларнинг биттаси — ҳали кундузи Ўязнинг хотини айтди деган, янглиш эшитилган гап эди. Азбаройи шошиб қолганидан Ўязнинг хотинигача «катак» деб юборди, дейишиб ҳаҳолаб кулишарди.

Уша куни енгилган Қунанбой болалари ўзларининг қандай қилиб алданганликларини, қандай қилиб бунчалик ср тишлаб қолганликларини англай олмай, жуда саранг бўлишиди. Ўяз билан начальникни жўнатиб юборишилари биланоқ, кечаю-кундуз уйга тиқилиб олиб, йиғилишиб, турли-туман чораларини ишлатиб кўришга жонбозлик қилмоқда эдилар.

Лекип худди шу кунларда ҳеч иш чиқмаслиги ўзларига ҳам, ҳалққа ҳам маълум эди. Шуни буларга бир пайти келганда Абай ҳазил тариқасида шартта айтди. У Ирғизбойларнинг Ўспон уйида ўтирган оқ соқол-қора соқолларининг устига кирди, бир нафас оёқ устида туриб, эрмак қилди-да:

— Ҳа, бўрсиқлар!.. Бирлашиб ин қазимоқчи бўлаётисанларми? Кунту деган бир кунда топилибди. Энди тўданг билан тишлаб, тирнаб тирмашаётганларингнинг сабаби — ўша ёлғиз кунданинг тагини кемириш-ку! Бас, бас! Бўрсиқ бўлгандан кейин бўрсиқлигини қиласди-да, албатта! — деб кулганича чиқиб кетди.

Ўзга Қунанбойларнинг бу соатларда: «шохимиз синди», «бахти саодатимизга қуср етли» деб қилаётган оҳвоҳларини Абай яхши билса ҳам, парво қилмади. «Емирдим», «зап ўтиргизиб кетдим-ку» деган гапларни Уразбой, Жиреншелар қордек ёғилтириб кетишган бўлса-да, ўзининг бу кундаги ишига, меҳнатига ишончи зўр бўлган, ўзини тутиб олган Абайнинг эти жимирилашиб сескангани ҳам йўқ. Аксинча, бирор туки лат емагандек парвосиз юради. Ундаги бу кайфият шу хилдаги ҳазилларидан, бошқаларни истеҳзо аралаш эрмак қилиб, кулишларидан очиқ кўриниб турарди.

IV

Қунанбой боласи эмас, балки Қунанбойга қарши курашганларнинг ҳоким бўлиши Бозоралига чиндан ҳам жасорат бергани шубҳасиз. Кунту бўлис бўлиши биланоқ атрофга тарқалган «севинчли» хабар ва ёру биродарларга, қуда-қудагайга юборилган хуш хабарлар сургунда юрган Бозоралига ҳам етганди. Орадан ўтган ойларнинг бу кунда ҳисоби йўқ. Ҳар қалай «кафан кийган келмайди, капалак кийган келади» деганларидек, Бозорали йўлидаги бор гов, азоб-уқубатларни босиб, янчиб ўтдида, ниҳоят элга етиб келди.

Узоқ йўлдан ҳориб-толиб келган Бозорали Семей шаҳрига етганда, ўз уйига етгандек бўлиб, кўз олди ёришиб кетди. Бу пайтда шаҳарда юнг, намат, тери-терсангини сотгани элдан келган йўловчилар кўп эди. Тўбуқтининг кузовларидан туяда, аравада келган карвонлар Семей шаҳрининг «нариги томон», «бериги томон» деб аталадиган ҳар икки томонидаги қозоқларнинг уйига

тушиб, наматларини бемалол сотишиб юришганди. Бозордан олинадиган ун, чой, газлама ва бошқа буюмларни хам шошмасдан юриб, олишаётган эди. Шунинг билан бирга Жигитек, Бўкенши карвонлари тушадиган уйларнинг ҳаммасига бир кунда: «Бозорали эсон-омон қайтибди» деган хушхабар ёғилиб, бир лаҳзада ҳамманинг қулоғига етди.

Бозоралининг келганига бир ҳафта бўлса-да, уни шаҳарда қарши олган кўнгли яқин қардошлар, кечаю кундуз зиёфат беришмоқда. Атрофини қуршаб, бир нафас холи қўймай, ўйин-кулпи қилишаётир. Йиғлаб кўришган, қучоқ ёзиб қовушган беҳисоб эл-уругнинг орасида қўшиқ айтиб, куйлаб кўришган нотик-дилкашлари ҳам оз эмас. Шу оз кун ичидәёқ Бозорали сургунда изоб-уқубатларнинг ҳаммасини сиқиб чиқариб, бақувват вужудидан бир силкитиб улоқтириб юборгандек кўринарди. Сўлғин юзига ойлар билан йиллар солган ғамгин из ҳам тез кўтарила бошлади. Қонсиз, заҳил чехрасига қайтадан қизғиши қон югурга бошлади. Фақат узун кўнғир соқолига оралаган кумушранг толалар кўзга ташланиб туради. Лекин нурли юзида ҳали қарилик аломати кўринмасди.

Шаҳарда Бозоралини ўртага олиб юрганларнинг алоҳида бир тўпи бугун кечқурун Жиренше тушган уйда, бош ётоқдаги Ўдери деган савдогарнинг уйида бўлишди. Бозоралидан бошқа Жиреншенинг дўстларидан: Ўразбой, Бейсемби, Абролилар бўлди. Яна ўз ўрталаридан сайлаб олишган ҳоким, Чингиз элининг бўлиси — Кунту ҳам ўтирибди. Мажлисни жонлантириб ўтириш учун таклиф қилинган «ўспириналардан» Сибоннинг ёш шоири — Арип ҳам бор. Тилларанг сариқ соқолли, кўркам қизил юзли барваста йигит — Арип бугунги ўтиришда тушдан буён эски ва янги ўланлардан бир қанчасини баланд овоз билан куйлаб берди. Ҳозир тап мавзуи Ўразбой бошлаган масала устига кўчди.

Ўразбой Бозорали томон энгашиб, кўзига-кўзини тикиб, «шу гапларим ёдингда бўлсин» деятгандек, салмоқ билан деди:

— Йироқдан йўқлаб, қанот қоқиб келдинг. Кетганингда қаноти қайрилиб қолган элинг бор эди. У фақат мана шу Жигитеккина, мана бу ўтирган «нотовон» Бейсембигина эмасди. Сен жарга йиқилганингда бор Тўбуқтининг бир қаноти бирга синганди. Олишдик. Оллодан мадад келди. Бу ердаги дўстларингнинг қадимги ёвинг билан

остонаси тенглашиб, бўйи ўсди. Бугун кўз олдингда ҳурматингни қилиб ўтирганлар — шулар! Биламан, остимга тушса-да, «сенгилдим», «йиқилдим» деб, умид узмайди. Йиқилиб ётган ерида ҳам, оёғимни чайнашдан тоймайди. «Яшаш учун — курашмоқ керак, ялиниш билан яшаб бўлмайди» деган гапнинг маъносини ҳаммамиздан олдин англаган сен эдинг. Мана бугун қўлимизга бир кунлик бўлса-да омад келиб кирганда, қуролни-ю, ҳаракатни ҳар биримиз ўз жойимиздан туриб ишга солмасак, ҳали ҳам ер тишлаймиз! «Қунанбойнинг сиртмоғи тангрининг сиртмоғидан қисқа эканми!» деган шубҳага бориб юрганимизга кўп бўлди. Шундай пайт келганда, кучга-куч қўшиб, устма-уст бостириб кетмасак, у эсанкирамайди. Эс-ҳушини йиқкан сайин, битта-биттадан бутаб, ҳаммамизни тутгатади. Мана бу Қунтунинг қўлида муҳр турганинга орқа қилиб, баъзибир элларимиз ўз қоғозларини Чинғиз бўлисидан чиқариб Муқир, Буғали бўлисларининг ихтиёрига топшириб қўймоқчи. Уша бўлисларнинг қўл остига ўтиб кетсак деган ниятимиз ҳам бор... Биттамиз сиртдан сўзлаб, ялпи курашиш учун бир оз четда бўлганимиз дуруст деб юрибмиз. Бу ҳам душманга қарши ўйлаб юрилган чораларнинг биттаси!

Бозоралини сўнгги икки-уч кундан буён қуршаб юрган шу тўдадагилар гапни айлантириб келиб, бир ўтиришда Жиренше, яна бир ўтиришда Бейсемби ёки Кунту орқали, мана бугун Ўразбой орқали шу сингари тахминий гапларни айтишаётган эди. Бозорали Ўразбойга ўхшаганларнинг: «Қунанбой билан олишайлик, бардош берайлик, душманликни унутмайлик» деган гапларни айтиш билан бирга, бир томондан бошқа бўлисга чиқиб кетгилари ҳам келганига тушунолмасди. Тўгриси, шу гап ёқмаган эди. Ҳозир ўзининг шаддодлиги, тўғри сўзлигига бориб, кўнглидаги ўша гапни одатдагидек ҳазилга буриб, айтиб қўя қолди:

— Ҳой, Ўразбой... «курашаман» деганинг яхши гап. Курашганинг ундан ҳам яхши. Лекин ўша олишадиган айфингнинг тиши билан тирноғи бор томонга Жигитек билан Жиреншенигинча юбориб, орқа томонига ўзинг ўтиб тургинг келадими? «Омон қоладиган томонига ўзимни ола турай» десанг керак-да! Бошқа гапларининг маъқул бўлганда, менга ёқмайдигани шу! — деб, кўплар айттолмайдиган ҳақиқатни очиб ташлади. У тўғри сўзлиги билан ҳам, ўткирлиги билак ҳам ҳаммани хурсанд қилди.

Аслида, ўзи бўлис бўлиб юрса-да, «кунлардан бир кунни ўрнимдан тойиб кетадиган бўлсан, йиқиладиган томоним юмшоқ бўлсин» дегандек бошқа бўлис иҳтиёрига чиқиб кетишни кўзлаб юрганларнинг биттаси — Кунтунииг ўзи. Бошқа бўлисга чиқиб кетиш учун Чинғизнинг ўн икки старшинидан приговор керак. Уни Кунту Уразбойга ҳозирлаб бермаса-да, ўз тўдаси учун муҳрини, приговорни ҳозирлатиб, чўнтағига солиб юрганди.

Лекин ҳозир Бозоралининг гапи худди узиб олгандай, Уразбой билан ўзига қаттиқ теккани учун, Кунтунииг жавоб бериши керак бўлиб қолди. У ҳам Уразбойнинг ҳалиги гапини жуда қувватлади. Турган гап, Кунанбойларни уравериб, инидан чиқармай қўйилса, айниқса, енгаверса, бунинг бўлислигининг боғи маҳкам бўлиб тураверади. У жиҳатдан ҳам Уразбойнинг шиорини бундан ортиқ куюниб маъқуллайдиган одам топилмаса керак. Фақат ҳали Бозорали айтган шубҳа кўпининг оғзига тушиб кетса, бунинг шаънига яхши гап бўлмайди. Бу гап чўзилаверса, ҳатто оралари бузилиб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун Кунту ўзининг чиндан ҳам муҳир ҳозирлаб юрганини йироқдан келган Бозоралидан яшириб, гапни бошқа ёқда бурди.

— Бозеке, Уразбойнинг ҳалиги айтганлари қайда дейсиз! Олти қирнинг остида ётган, олислаги бир ҳаракатку! Қези келиб, қил сиртмоқ бўйнига тақалган бир пайдада, баъзи бирорларни ўзимиз жўрттага шундай қилиб, икки четга чиқариб қўямиз, деб юрибмиз. «Ёвликнинг икки қовурғасини икки томондан сиқиб турадигап икки бўсаға ясад қўйсак» деган бир ҳисоб-да! Ўйлаб кўрсанг уни ўзинг ҳам тушунарсан. Кўпчилик бир бўлиб, сирлашиб, бамаслаҳат қилинган ҳисоб-да! — деди.

Жиренше ҳам, Аброли ҳам ушинг гапини қувватлашди. Иккови: «тўғри гап!», «Тўғриси шу!», «Аслида мақсад шу эди!» дейишиб, маъқуллашди.

Энди Жиренше хулоса чиқариб:

— Бозим, нимасини айтай! Эр-азаматнинг кўксидаги «кеқ» деган нарса ўлакса бўлиб чириб кетса бир хўрликку! Туёқ силтагудек куним бўлса, у фақат мана шу куним! Нималарни кўрмадим, нималарни кечирмадим!? Минг шошгандан бир куттаганинг иқболи баланд келиб тургани шу-да! Ургудек ханжар бор бўлса, қай тахлитда урсанг ҳам «ғафлатда қолдим» демайман. Ҳамма гап шунда! — деб сўзини тамом қилди.

Бозоралини бундан кейинги бир ҳаракатта гиж-тижлатиб соладиган сўз шу эди. Гап шунга қелганда, Бозорали совуққина қараб қўйди-да, қўлини силтаб:

— Бўлди-да, Жиренше!— деди-да, жим бўлиб қолди. Қенг пешоқаси, ғайрат барқ уриб турган юзида кучли ғазаб акс этди-ю, қўкимтири товланиб кетди.

Булар кураш ва тортишувда Бозоралини ўз сафларига олмоқчи бўлаётир. Яхшилик учун эмас, халқ ғамхўрлиги, кўпнинг кўз ёши учун эмас. Фақат ўз бошларидаги мансаб билан муҳир, кўпроқ пора ундириш тўғрисидаги тортищувларига шерик қилишмоқчи. Бозоралини, қузғунлар талашига айланиб кетган ҳийла-ю найрангнинг сўйилчўқмори қилишмоқчи.

Узоқ йиллар қувгинда қўлию-хаёли бандда юрган Бозоралининг бошидан қанчалик оғир хаёллар кечганини булар қаёқдан билади? Билиб ҳам нима қиласди! Бозоралининг у кунларда бошидан кечадиган аччиқ-аччиқ хаёллари ҳам шулар билан, шулар сингарилар билан топиштирадиган хаёллар эмасди! У йиғлаганди, эзилганди, оғир ҳаёт кечираётган кўпчилик ҳақида ўйлаш билан умр ўтказганди. Қалбидан оғудек тўкилган аламлар бўлса, шу ўтирганларнинг ҳақидаги дарди-алами эмас. Ҳув ўша элда, бир оғи ерда, бир оғи гўрда бўлган, ғуссага ботиб ётган ҳалқи ҳақида эди. Ҳозир уни буларга айтишнинг фойдаси ҳам йўқ. Шу жиҳатларни ўйлаган Бозорали, бор сирини ичига солди-ю, ёрilmади қўйди.

Бозоралидаги бу кайфият Ўразбойга ёқмади. Энсаси қотиб, гапни тескариликка олди:

— Оббо, шундай қилиб, биз айтган кураш йўли ёқмади. Қани энди,— деб, истеҳзо аралаш илжайиб қўйиб,— ўзинг юрган ерлардан топиб келган бир йўлинг борми, деб умидвор бўлай десам, унга ҳам кўнглим бовор қилмайди! — деди.

— Нега кўнглинг бовор қилмайди?— Бозорали бир оз таажжубланиб, қараб қолди.

— Ҳа, энди у ерда қандай яхшилик бор деб умид қилай. Русларнинг қувгини-сургунида юрганларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий безорилар бўлса керак. Оқ подшонинг ғазабига учраган тентаклар ҳам, уларнинг йўл-йўриғи, ибрати ҳам одамни бузадиган, энг адаштирадиган йўлда! Қозоқ боласи қувфиндаги, каторгадаги руслардан ўрнак олиб, шима барака топарди дейсан. Бугина эмас, дини бошқа бўлгани учун оқ подшонинг ўзидан ҳам ўр-

нак олмаймиз, фақат унинг куч-қудратигагина бўйсунамиз-ку. Ўшани ўйлаб: у томонлардан сен кураш йўлини ўрганиб келганинг йўқ-ку, нега бизларнинг сўзимизни ҳеч қулоққа олмайсан деяётирман-да!— деди.

Бозорали очилиб сўзлагиси келмай, истеҳзо билан кулди:

— Шундай қилиб, ҳайдалиб борганларнинг ҳаммаси одам ўлдириб, карвон талаганлар демоқчисиз-да.

— Русларни айтаётиман!— деб, Уразбой кулиб, чап бериб кетди.

— Ҳа, русларда ўз Қунаңбойи, Такежони, Уразбойлари томонидан қувғунга учраб борган Бозоралилар йўқ дейсанми?

— Барibir, ундайлар бўлса ҳам, уларнинг йўли сенинг йўлинг эмас, қўйсанг-чи!— деб Бозоралининг гапини чўрт кесди Уразбой.

Бозорали ўзи кўриб-билиб келган қанча-қанча маърифатли, ўқимишли, адолат йўлида курашувчи русларни, яна одилона кураш йўлида жазога йўлиқкан қанча-қанча рус қашшоқларини хотирига олган бўлса-да, бу ерда бешуда гап айтгиси келмади. Фақат бир тамшаниб қўйиб, Арипга қаради-да, гапни тўсатдан бошқа томонга бурди:

— Ҳаммадан ҳам ўзингни дуруст. Бир куйлаб юборчи, йигит!

Тўбуқти билан ҳамиша басма-басликка бориб, зидлашиб юрадиган қўшни Сибон эли бор. Унинг ицида Жонғубек, Салпи деган уруғлари, Тўбуқтининг Үлжай, Иргизбой сингари донғи кетган атоқли жойи бор. Ӯшалардән чиққан Арипнинг, Тўбуқтидаги Қунаңбой авлоди билан азалдан адоватлари, қасдликлари, жанжаллари бор. Ёшлик чоғида шаҳарда туриб, русча ўқиган, энди эл миrzаси бўлиб қолган, бастакорлик, шоирликларга унча-мунча уриниб юрган шўх йигит шу. У боядан бери Уразбой, Жиреншенинг мажлисида Тўбуқтининг мана шу одамлари дам-бадам кечираётган турли-туман вазиятни кўздан кечириб ўтирганди.

Бозорали уларнинг Арип учун ғоят қизиқарли, сир тутилиши лозим бўлган гапларини кўп авжига чиқармай, тўсатдан бошқа томонга буриб юборди. Бутун ишни зимдан билиб ўтирган зийрак йигит, энди ўйинқароқлик билан кулди-да, қўлига дўмбирани олиб, жаранглатиб чала бошлади. Четдан қарагандада у гўё мана бу казо-казолар-

яниг мұдым бир маслағатини бузиб юборғандек, түп этиб үртага тушгандек бўлди.

Аммо бошлагая ўлани, куйлаб кела бошлагандеёқ ҳийлакор шоирнинг шу мажлис учун Үразбой сингари кизмат қилаётганини билдириди. Қизориб, ял-ял ёниб турган жозибали юзли йигит тўғри Бозоралига тикилиб ўтирибди. Ярим гавдасини сирли дўмбира билан қўшиб, иззатли меҳмон томон ўгириб олди-да, шеър тўқиб, куйлай бошлади:

Ҳайдлашиб чиққандинг келмас йўлга,
Айлавиб, йўлия топниб қайтдинг элга.
Эл дуоси сени ҳеч жўнатмади,
Айланиб оқкуш каби қўндинг кўлга.

Үразбой, Жиреншелар завқланиб, маъқуллашди. «Ҳа баракалла!», «Шундай куйла!», «Айтавер, қани айт», «Офарин!» дейишиди. Оғзиға келганини қайтармайдиган бачкана шоир сув қўйгандек жим қолган одамлар ўтрасида дўмбирани гоҳ-гоҳда чертиб қўйиб, янгратиб куйдаёттири:

Ешилигинга қамал буздинг ёвдан қочмай,
Ботир бўлиб ўсган эдинг қеч бир қўрқмай,
Болагозу Бозорали билан бирга
Бирниб жанглар қилдинг фўчиб турмай.
Ботир эдинг тулпор кетмас тақимингдан,
Адаштавдинг қайсарланиб ақилингдан;
Симоб каби қўзғолди тек ётган халқ.
Ким вафо кўрар дейсан яқинидам?!
Тез учар қирон эдинг овлар тутган,
Дўстларинг соғиниашда сен-ла юрган.
Ёмонларни ким айқлайди ўлса-да, лекин —
Ботирники қийин экан ҳалқ севган.
Бор эди феъл-авторинг ел эсгандай,
Ҳар ишиннг достон бўлди эл кўчгандай.
Тулпор эдинг майдонда иш кўрсатган
Устига саккиз йигит мингашгандай...
Қўрқмас эдинг учрайман деб киясига,
Қизиқмадинг ёанингниг туясига.
Еш кезингда абжирлаяниг эшиттандим.
Чопибсан зўр айғирнинг биясига!

Жиренше қизарди-да, Үразбойнинг сонини чимчилади ва қиқирлаб, нафаси ичига тушиб кеттунча кулди. Үтирганларнинг ичиди бу гапни тушунмайдиган киши йўқ.

**Нурғанимни биладиган, Қунаибойда ўчи, кеки бўлган-
ларнинг ҳаммаси ҳам, худди бургути тулки олғандек, те-
рисига сифмай кетишиди.**

**Фақат Бозоралининг жаҳли чиқиб, қаттиқ жеркиб
ташлади. Шоирнинг дўмбирасини уриб юбориб:**

— Бас қил! Алжима! Булғама Нурғанимни! У менинг
қаётдаги энг азиз одамим! — деб, уйдагиларнинг ҳамма-
сини жеркандек, совуқ назар ташлади. Бир лаҳзада
ҳамма кулгини тұхтатди. Лекин шилқим, сийқа шоир
мийиғида кулиб қўйди-ю, хижолат ҳам тортмай дарҳом
ўзига келиб, яна куйлаб кетди. Яна аввалгидек маълум
мақсад, маълум ҳисобнинг пайига тушди:

Отанг Қавмен, бобонгдир бий Қенғирбой,
Эсонликда элинг толиб очдинг чирой.
Қашшоқ әдинг олишган төглар билан,
Етти қўю, бир от билан бўлдинг сен бой.

Шу ерга келгандан, ҳали сиқилиб қолғанларнинг ҳам-
маси қайтадан енгил тортишиди. Хурсанд бўлишиб, олқиши-
лай бошлашди.

**Фақат шеърга, ўланга эмас, турли-туман сирля зид-
диятларнинг ғаразли сўзларига ҳам чиниққан маккор
шоир, кейинги айтган ўлани билан ўтирганларнинг ҳам-
масини ҳайратда қолдирғандек бўлди. Айтилган гаплар-
нинг миридан сиригача билиб ўтирган ҳушёр, зийрак Жи-
ренше энди Арипнинг юзига кўз қирини ташлаб, шилқил-
лаб кулди. Ора-сира гап қистириб, гиж-гижлатиб сўз
қотаётир:**

— Кибри-даво баланд-да, сўзларини кўр! Ўткирлиги-
ни қара! Қойил қилиб айтса, шоирона сўз қурғур ҳам
худди тулкига тушган қиронга ўхшар экан! Қуйилиб
келишини кўр!

Аслида, Арипнинг бошлаши билан тамомлашида иккι
турли маъно бор эди. Аввало у Уразбойнинг райига қа-
раб, Бозоралини кўкларга кўтариб мақтади, чўққига
чиқариб: «Боришинг билан ташлан», «Ўчингни ол!»,
«Тап тортмай ур!» деган мазмунда қайраб қўйди. Кейин
ўлан устида, Бозоралидан кўкрагидан итаргандек, туртки
еъишни биланоқ, сийқа шоир бир лаҳзада ўзгарди. Ўзининг
ҳам теглиқ-тахтлик, донгдор отанинг боласи эканлигини
сездириб, заҳарханда қилди.— «Бир вақтлар қўсқи бўл-
санг-да, бу кунларда сенинг хунинг, баҳоси етти қўйга
баравар отта тенг эканлигини яширмайман. Мен сенга

лаганбардорлик қиласынганлардан эмасман, ғашимга тегиб кетсанг, таъзириңгни беришга ҳам қодирман» — деңгән мазмунда, ким эканлигини билдириб қўйди. Лекин бу сўнгги гапни чўзиг ўтирумай, қисқа қилди.

Бозорали ҳам тушунди, албатта. Ичидан шу сингари заҳар қўшилган иззат-икромлардан хурсанд ҳам бўлгани йўқ. Энсаси қотиб, дамиши чиқармай ўтирганича ўтира берди.

Худди шу мажлис устида, кечга яқин, тўсатдан бир гала меҳмонлар келишди. Булар: Үразбой, Жиреншелар ҳушламай қарши олган — Кунанбой овуличининг ёшлари эди. Абай юборган ёшлар. Улар уйга киришлари биланоқ шодланиб, дув ёпирилиб:

— Вой, Бозекем!
— Азиз оғажоним!
— Қимматли арслоним!
— Хуш келибсан элингга!
— Қутлуғ бўлсин!
— Қадаминг қутлуғ бўлсин, Бозеке! — дейишганлари-ча ўпир-тўпир кўриша кетиши.

Бозорали ўрнидан турганида, галма-гал қучоқлашиб, бағрига босиб кўришаётганлар: Қўкбой, Шубор, Оқилбой, Мағаш ва Эрбўл эди. Буларга бошлиқ бўлиб келган Эрбўл Бозоралининг ҳол-аҳволини, соғлигини сўраб бўлгандан кейин, ўзларининг ҳам бу ерга келишларининг боисини айтди.

Гапни ётиғи билан гапира биладиган Эрбўл, яхшилаб гапирди. Абайнинг дўстлик, яхшилик, соғдиллик йўлида-ги нияти билан саломларини етказишида, мудом холисона, покиза тилхат сифатида юриб келган Эрбўл, бу гал ҳам Бозорали билан Абай орасидаги дўстликнинг ҳамон ўша соғ, оташин ҳолича турганини англата билди.

Бозорали Эрбўлнинг сўзига қулоқ солиб ўтиаркан, шу мажлис аҳли олдида биринчи марта кўнгли бўшаб кетганини билдириди. Икки-уч томчи ёш ҳам оқизди. Оғиз очиб жавоб қилмади. Лекин унданаги вазият ўтирганларнинг назаридан четда ҳам қолмади. Бозоралига кисбатан Абайнинг қалбини шу ерда ўтирганларнинг ҳаммасидан ортиқ ҳис этиб, яхши биладиган Мағаш ҳам ҳозир чўнта-гидан рўмолчасини олиб кўзларига босганича йиглаб ўтирганди. Уй ичидаги анча вақт ҳукм сурган сукунатни Қўкбой билан Шубор галма-гал сўз қотишиб, зўрга бузишди. Бир оздан кейин Бозоралининг ўзи ҳам анча

очилиб, Абайнинг соғ-саломатлигини сўради. Ўзи йўқлигда қазо қилган Қунанбойга таъзия билдириди. Яна бироздан кейин катта сариқ чорада қимиз келтирилиб, дастурхон ёзилгач, ўтирганларнинг кайфи чоф бўлди.

Қунанбой болаларининг Бозоралига пешвоз чиқиши бу ердагиларнинг ҳаммаси учун ҳам кутилмаган бир ишдек кўринди. Ичларида харомзодалик билан турли-туман тахминларга бораётган бўлсалар-да, Үразбой, Жиреншелар худди шу ерда Бозоралини қарши олган Абайнин кесатиб-муқатишдан ожиз қолишиди. Бозоралига келганда, Қунанбой авлодига асти ишонишмасди. Ўзлари ҳайдатиб юборган Такежон, Исҳок, Мойбосарлар, Бозорали келиб қолгудек бўлса, «тинч келади» деб ўйлашмас эди. Унинг келишига тилақдош бўлиш уёқда турсин, мана шу Үразбойларга етган ивир-шивир гапларга қараганда «Бозорали келди» деган хабарни эшигандада Такежон билан Мойбосар илондек тўлғаниб тушган эмиш.

Қўлида бўлислик бўлиб, амри-фармсни юриб турган бўлса, улуққа: «Бозорали қочиб келди», «Мана бу қочқин» деб, ушлаб беришдан ҳам тоядиган эмасди. «Ҳали ҳам ким билади, шаҳар улуғлари билан аввалдан тили бир бўлган, кечагина бўлисликдан тушган Қунанбойлар кўрсатиб ҳам берар!» деб Үразбой, Жиреншелар шубҳа қилишганди. Бундай хавфларнинг бир четини Бозоралига ҳам сездиришганди. Шунинг учун келган-кетгандарнинг ҳаммасига бошқача қилиб айтишган: «Бозорали подшоликнинг марҳамати туфайли оқланиб, қутилиб келипти» деган гапни жўрттага тарқатаётишганди.

Қунанбойлар бўлса, «келипти» деган хабарни эшитишганда, чиндан ҳам ёмон ниятни ўйлашди. Такежон, Мойбосар, Исҳоклар маслаҳат қилишиб, «қайтадан кўрсатиш», «қайтадан ҳайдатиб юбориш» ўйларини ўйлашди. Бу ишни амалга оширишини шаҳарга кетаётган Шуборга топшириб ҳам кўришди. Лекин Шубор келиб, қариндошларнинг бу фикрини Абайга айтганида, у қаттиқ ғазабланиб:

— Шу гапни менга олиб келгунча, шу расво гап чиқаётган оғзиларига бир тушириб келсанг бўлар эди-ку! «Шундай қилиб келдим» десанг, нима қилар эди!— деб Шуборнинг ўзини ҳам хўп изза қилганди. Яна шу сирга хиёлгина кўнгил бўлгани учун, берилаётган жазо тариқасида жўрттага Шуборнинг ўзини ҳам Бозоралига пешвоз чиқарғанди.

Шунинг билан бирга, бир гала бўлиб бу ерга келганларнинг ўзга Қунанбойлар билан алоқаси йўқлигини билиш керак. Ҳали Эрбўлнинг ётиғи билан, чин кўнгилдан айтган гаплари — Абайнинг саломи, Мағашнинг кўз ёшлилари шу сирни Бозоралига очик англатди. Қатта косада симирилган қуюқ қимиз танага тарқалди. Ширақайф қилди. Шу чоқ кун бўйи ғамгин ўтирган Бозорали ўзгариб, кўкраги кўтарилиб кетди. Илгариги одати бўйича, баъзан дилкашлик қилиб, баъзан очилдиб-ёзилиб сўзлай бошлади. Кўрган-кечиргандаридан ҳикоя қилиб берди, қаттиқ ҳазил, асқиялар қилиб ўтириди. Бир вақт Арип ушлаб ўтирган дўмбирани ўз қўли билан Кўкбойга узатиб: «Бир куйла-чи» деб буйруқ қилди.

Кўкбой ҳали Эрбўл айтган саломни ўлан билан етказди.

Шундан кейин Абай ўланларини айта бошлади. Бор сўзларини аниқ айтиб, салмоқлаб, Абайнинг «Йигитлар, ўйин арzon, кулги қиммат» деган шеърини бошидан охиригача куйлаб берди.

Бозорали биринчи бандиданоқ Абайнинг шеъри эканлигини фаҳмлаб, берилиб қулоқ солди.

«Бекор-у беваж кулмас рост кулгувчи.
Эр топилса арзигай қилсанг суҳбат!»

деган жойда Бозорали бош иргаб, кўз қири билан Арипга совуқ назар ташлаб қўйди.

Ягона, қадрли меҳмон Бозорали илтифот қилган ўланни бас қил, дейишга Ўразбойлар ботина олишмади.

Лекин Жиренше иккови ястиқларига ёнбошлашиб, ўзаро пичирлаша бошлашди. Ўзлари ўтирган жойда Абай шеърлари айтилишини ёқтиришмади.

Кўкбой ўланни бошдан-оёқ куйлаб чиққанида, Бозорали ўйланиб турди-да:

— Абай бу ҳақда ҳам кўп яхши айтнити! — деди.

— Бунисини нима деб тушунсак бўлади? Насиҳатми? — деб Жиренше ястиқдан бошини кўтарди.

— Абайнинг ҳам ёши бир ерга бориб қолган-ку? Ёшларнинг, йигит-ялангларнинг юриш-туришларига аралашмай қўя қолса нима қиласар экан? — деб Ўразбой ҳам мийигида кулиб қўйди.

Бозорали уларга истеҳзо билан қаради:

— Ҳой, Ўразбой, оғанинг инига йўл кўрсатиб, насиҳат қилиши ҳам айб бўлдими? Билганингни буқлаб, топга-

нингни тахлаб гўрингга олиб кетмоқчимисан? Олдинги яхши, кейинги ёшга таълим бермаса, у эл қандай қилиб эл бўлади!— деди.

Ўразбой мана бу ўтирганларнинг олдида баҳлашгиси келмай, қўл силтади:

— Ҳа-а, бўпти... таълим бўлса майли-я, тантилик бўлиб чиқмаса!..— деб гапни жумбоқ қилиб, шубҳа билан тамомлади. Абайнинг шеърлари билан гўзал куйлари ҳалиги Арипнинг ҳийла-найранг ўланидек бўлмай, мажлисни жонлантириб юборди. Бу пайтда Мағаш, Шубор, Оқилбойлар ҳам Бозоралига анча кўникиб, унча-мунча гапга ҳам аралаша бошлишди. Шундай бир пайтда Бозорали сургунда дуч келган яхши руслар ҳақида гапириб берди. Шу чоқ Шубор тўсатдан савол бериб қолди:

— Бозеке, руслар билан кўп вақт бирга юрдингиз-ку. Рус тилини билиб келдингизми? Йўқми? — деди.

Бозорали ялт этиб унга қаради. Нур сочиб турадиган катта-катта кўзларида одатдагидек истеҳзоли киноя акс этиб порларкан, дарров жавоб берди. Шубор томон бироз ўгирилиб:

— Ҳа, чирофим! Зеҳним пўстак бўлмаганда-ку, рус тилини яхшигина ўрганадиган ерларга юборган эдинг-а!— деди шартта. Ғазаби ҳам, ҳазили ҳам бирга отилиб чиққандек бўлди. Бу жавоб миљтиқ отилгандек портлаб чиққан кесатик эди. Ажалдек таппа босди. Ҳам тез, ҳам теккан жойида пўрт учирадиган оғир калтак бўлди. Ўйдагилар беихтиёр дув этиб кулиб юборишли, фақат кесатиш ниятида эмас, ҳазил қилиб айтганини билдириб. Бозоралининг ўзи ҳам кулди. Силласи қуриганидан Шуборнинг ўзи ҳам беихтиёр кулди.

Кейин меҳмонлар тарқалиб кетишаётганда, Абай юборган инилар ранжиб кетишимасин деб, эшикка Бозоралининг ўзи бирга чиқди-да, миннатдор бўлиб хайрлашаркан, ўз кўзи олдида ҳаммасини отлантириб юборди.

Кек иўлида

1

Бозоралининг элга қайтиб келганига бир ой бўлиб қолди. Бу кунларда уни кўргани келиб, шодлигини изҳор қилган қариндошлар кўп эди. Ота томондан яқин овуллар тўй қилмоқчи ҳам бўлишиди. Лекин ўз оиласи ва яқин қариндошларининг ҳоли хароблигини кўрган Бозорали тўй-томуша қилдирмади. Даставалги ўн-ўн беш кун давомида унинг эсон-омон келганига хурсанд бўлган Жигитекларниң элидаги қариндошлар эртаю кеч овулдан-овулга чақиришиб, зиёфат қилишиди. Ёлғиз Жигитекларгина эмас, уни зиёфат қилиб шодланган Бўкенши, Котибақ, Кўкшелар ҳам оз эмасди.

Бозорали Иргизбойлардан фақат Абайнинг овулига меҳмондорчиликка бориб келди. Аввало Абайнинг ўзи уни кўргали келиб, бир кеча-ю бир кундуз бирга бўлди.

Сўнгра Абай Бозоралини унинг ўнтача яқин қариндошлари билан қўшиб таклиф қилиб, ўз овулига олиб кетди.

Айгеримнинг кенг, иссиқ уйида Бозоралидек азиз меҳмонни жони-дил билан кутилмоқда. Гиламлар, гулдор наматлар солинган. Абайнинг атрофидаги ёш-ёронларнинг ҳаммаси ҳам, Бозоралининг ҳикояларига, асқияларига қулоқ солишиб, қош-қовоғига қарашиб, бошида парвона бўлишаётир. Ўзларини соғинган дўстларча тутишаётир. Қундузи тушлик овқат устида Абайнинг илтимосига кўра, Бозорали кўрган-кечиргандарни ҳақида қисқа-қисқа ҳикоя қилиб берди. Ўзи кўриб келган ерлар, эллар ҳақида сўзлаб берди. Лекин, чеккан азияти, кўрган азобу уку-

батларини мана бу кўпчилик олдида изҳор этмади. «Азоб кўрдим, қийналдим» дейдиган эмас...

Кечки ўтиришда Абай мажлис мавзунини бошқа ёққа бурди. Ичида: «Бозорали учун ўтмишдаги оғир қунларни эслай бериш озор баҳш этса қерак, аксинча, ўшани унутдирадиган бир сабаб бўлса, ўша дуруст бўлар» деган андишага борди-да, ёшлардан ўйин-кулги қилиб ўтириши илтимос этди.

Шундан кейин Бозоралининг ҳам чиройи очилиб, Кўкбойга дўмбирига узатди.

Кўкбой бир оз тортиниб, дўмбирани зўрға олди.

— Бозекежон, бу қунларда мен куйлашдан чиқиб қолганиман. Мана бу ўтирган Муқа, Алмағамбет деган ашулачиларнинг олдида ашулани асти хор қилмай деб юрган эдим! — деди.

— Йўғе! Янги ашулачиларни ҳам ҳали эшита берамиз! — деб, Бозорали қўярда қўймай дўмбирани тутқазди.

Абай ҳам Бозоралига қўшилиб:

— Кўкбой бугун Бозекенгнинг бошидан сочган сочувларингиз куй бўлсин... Елғиз сен эмас, шу уйдаги санъаткорларнинг ҳаммаси айтади. Қани бошлай бер! — деди.

«Санъаткорларнинг ҳаммаси айтади» деганда, ашулачи ёшлар кўпдан буён унинг куйларини эшитмаганлари учун соғиниб қолишгандек ялт этиб, Айгеримга қарашди.

Бир нафасдан кейин Кўкбой ширали овози билан чўзид куйлай бошлади. Ўша бир вақтларда, Биржон айтган ноёб куй... «Товшин чўзар Биржон қўнғир ғоздай» деб, тўлқинлантириб кетди.

Кўкбой куйлаб бўлганда, Бозорали енгил тортиб, қаддини ростлаб олгандек бўлди.

— Яша-а! — деб, бироз хурсанд бўлинб ўтирди. — Хув ўша, бир яхши ёзда... яшнаган қунларда келган... бўлган экан-да! — деб туриб, хўрсинди.

Иироқлаб кетган ўтмиш ҳам соғинтиради. Давр ўтиб, ёш ҳам этиб келаётир. Бугина эмас, Бозорали шу чоқ Уролбойни ҳам ўйлаб қолганди. Бир нафағина бошини қуи солиб, сўниб, синиб қолди.

Шу чоқ дўмбирани Муқа олди-да, мажлис аҳлини сергак тортиргудек қилиб, янратиб куйлаб юборди. Үзгача беғубор, баланд, тиниқ овоз, ашулачининг чин санъаткор эканлигидан дарак берди.

Абайнинг «Салом, сенга, қаламқош»ини авжидан бошлиб чўзиб кетди. Сўзлари Бозоралининг кўнглини ҳалиги ранжалардан холос этадиган, ҳақиқий интиқлик, интизорликни тараннум этувчи оташин нозларга тўла сўзлар. Ашулачи уч бандини айтиб тўхтатмоқчи эди, Бозорали кўнмади.

— Айт, жоним, айт!.. Охиригача айт!— деб, ҳаммасини айтдирди.

Муқадан кейин Алмағамбет ҳам Абай шеърига солинган «Кўзимнинг қораси» куйини айтди. Буларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилни мана бу ғамгин, кўнгилсиз куз куяларидан яшинаган, фараҳбахш баҳор кунларига етакчарди.

Абайнинг ҳушёр, хушфаҳм биродарлари Бозоралига ҳам эм топиб, синифини силаётгандек бўлди.

— Ефдек ёқаёттир!.. Кўнгил жароҳатларига малҳам-ку бу!..— деб Бозорали зўр иштиёқ билан тинглади.

Яна бир навбати келганда, Бозорали ўз қўли билан дўмбира узатиб, Айгеримга қаради-да:

— Қани, шунчалар фифон қилиб, розидил айтдираётган фақат ўзинг бўлсанг керак дейман...— деганда, ўтирганлар кулиб юборишди.— Лекин, бу гапларни айтдираётган ўз жинсингдан-ку... Энди ўзингдан эшитмай илож йўқ! Айт қарогим!— деб, яқин оға, қариндошларча эркалатиб гапирди.

Айгерим қип-қизарив кетди-да, сиполик билан кулиб:

— Мен кўпдан буён куйламайдиган бўлиб кетган эдим-ку, Бозеке!— деди.

— Йўқ, Айкежон! Бозорали айтмаганингни билмайди, айтганингнигина билади. Қани айт,— деб, илтимос қилди.

Бир нафасдан кейин Айгерим «Татьяна» куйини бошлиб юборди.

Ҳали ҳам, ўша бир вақтлардагидек ғоят сирли, нозик қилиб, чуқур ҳаяжонланиб айтар экан, мажлис аҳли жим бўлиб, эриб қулоқ солди. Бозорали Абайнинг бу айтилган ўланларини билмас эди. У кетгандан кейин яратилган шеърлар, куйлар экан. Ёнида ўтирган Кўкбойга ёпишиб, ҳар ўлан, ҳар бир куй тўғрисида сўраб, билиб ўтириди. «Начора, нетай, билдиrmай» куйини ҳам Айгеримга батамом айтдирди. Ҳеч ким буюрмаган бўлса-да, бу кеч Абайнинг дўстлари ўзаро «ҳа» деб олишгандек фақат Абай шеърлари билан куйларини айтишди.

Бу Бозоралига мисли кўрилмаган ҳақиқий катта тортиқ бўлди. Эл янгириб, эл санъати янгидан бунёдга келиб, камол топибди. У энди Абайга қараб:

— Епира-а-й, куй билан сўз қандай ўзгариб кетган! Шу қадар сирли, шу қадар таъсирли, жон томирлари гача лэрзага келтирадиган қандай сўзлар ўзи-а!.. Туу!..— леб, бош иргаб, жимгина томоша қилиб туриб,— шеър билан куй барака топипти-да, лекин, Абай!.. Санъатингдан айналай!— деди. Бир пайти келганда Мағаш, Дармен ёзаётган достон ҳақида гап очиб:

— Дармен, Энглик — Кебекни тугатай деб қолгандир, оға! Ушани бир эшилтсан дейман?— деди.

Кўкбой, Эрбўллар ҳам шу йил кузда ўз кўзлари олдида Абай топширган масалани эслаб. Дарменнинг достонини тинглашга ҳозирланиши.

Абай мароқ билан Дарменга тикилиб туриб:

— Битирмасанг ҳам бошлаганинг дуруст бўлипти, озроқ айтиб кўрасанми?— деди.

Дармен тарафдуд қилмади. Гўзал юз, қийилган қоп-қора мўйловли оппоқ йигит дўмбирани сайратиб ўтириб, бошлаб юборди. Катта-катта қоп-қора кўзлари хиёл қон талашиб, илҳом алансини сочаётир. Жўшқин сергак гайратига ғазабли қалбининг ўти аралашган чин адолат ҳомиси туғилганга ўхшайди. Илҳом барқ урган ёш шоир янти созга берилган. Бу, кўхна дунёга, янги бўғиннинг таңқидини айтадиган, кек сақловчи қирон наслига ўхшайди. Бир томони Абай уясидан, бир томони одил ҳалқдан чиқкан. У, дунёдаги ҳамма кўкси яра кишиларнинг янги йўқловчисига ўхшайди.

У достонини ҳар жиҳатдан гўзал туғилган, ҳалқ қизи — Энгликнинг латофатини мадҳлашдан бошлаган. Қизнинг отаси, кекса Иқон Хон тоғининг бағрида, ҳалол, осойишта меҳнат билан кун кечирган бир азиз жон эди. Икки олижаноб кексанинг ўғли ҳам, қизи ҳам фақат ўзи бўлиб, силолик билан ўсган Энгликни тилга олади.

Чинғизнинг қишиш бошланган пайтдаги кўрки. Овчилар, мергандар, босқинчиликлар — кундалик афсоналарни туғдирадиган ғайратни, санъатни, қасдликлар, адоватларни ҳам баён этади. Мардлик фазилати орқасида ном чиқариб, обрўй топган азаматни ҳам тилга олади. Ёлғиз, идрокли, саботли гўзал Энгликнинг қулогига ҳар кун бир ўзгача нодир одамнинг номи етади. У қизнинг хаёлини қитиқлайди. Тун-кечаларни бедор ўтказа бошлайди. Шун-

дай бир пайтда, тўқсоннинг бошида, буркаб ёғиб турган қор бўрони ичидан бир номаълум одам келади. У кечикиб қолган ёлғиз йўловчи экан. Қўлида бошига қалпоқ кийдирилган қирони, қанжуғасида ҳалигина гира-шира пайтда олдирган қизил тулкиси.

Йигит қор бўронида бегона овулга бемаҳал келган бўлса-да, тунт юзли йўловчикдек эмас, ўйнаб-кулиб, очиқ чеҳра билан дўстларча келди. Фарибона уйга кулги, ов ҳақила қизиқ ҳикоялар, одобли ҳазил билан қувонч олиб кирди. Энглик йигитнинг алангали, нур сочиб турган юзига қувонч билан боқиб, кулимсираганича тикилади. Қайта-қайта қарагиси келади.

Шу чақ йигит, кекса Иқонга ўзини танитиб, исмини айтади. Кебек!.. Кебек шу экан!.. Оловга яқин ўтиргаки учун бу ҳолат пайқалмайди. Лекин қизнинг юзи дув қизариб кетади. Юраги ҳам шув этиб, негадир оташин бир ҳис шарпаси чалпиб ўтгандек бўлади... Юраги бир лаҳзада совиб, қотиб қолиб, қайтадан жўш уриб кетади!..— дедида, куйловчи, эркин шоир дўмбирани аста-аста чертиб келиб, достонни тўхтатди.

— Шу жойигача келдим, Абай оға!

— Оббо, йигитча-ей! Ҳеч бўлмаса, яна бир қадам бостириб тўхтатсанг бўларди-да! Қонимни қиздириб келиб, шу хилда ҳам ноумид қилиб тўхтатасанми!— деб, Бозорали норози бўлиб қолди.

Кулоқ солиб ўтирган Мағашлар ҳам ўкиниб қолишди. Абай анча вақтгача мароқ билан Дарменга қараб турди. Достон чиндан ҳам маъқул бўлган кўринади. Лекин хуносани бошқача чиқарди:

— Фақат, икки масала устида тўхтайман Дармен. Қиз ҳақидаги, ишқ-муҳаббат ҳақидаги гаплар фақат эҳтиросни қўзғатадиган бўлмасин. Соф дилларга қанот битириб, хаёлни йироқларга етаклайдиган бўлсин. Бу бир. Иккинчидан— қадимни ҳозиргидек қилиб айт! Халқнинг бўғзида тиқилиб қолган тош тугунини айт. Халқнинг ҳокимларга чиқарган ҳукмими айт... Халқнинг ўтмишдаги-ю, ҳозирги замондаги хонлар, бекларга нисбатан кўкси тўла нафрат бўлса-да, айтолмай келган сўзларини етказ!.. Йиғловчилар халқнинг ёши билан йиғласин. Порахўрларга, жабр-эзулм эгаларига, хиёнаткорларга ўчмас тамғабос!— деди.

Ешлар унинг гапига ўйланиб ўтириб, диққат билан қилоқ солишиди.

— Абай оға, у жиҳати ҳали Дарменнинг олдида турипти. Албатта ўшани айтади-да!..— деб, Қакитойгина ғапга аралаши.

Дармен бош ирғаб қўйди.

Бозорали ҳам Абай гапининг тагида қандай ғап борлигини дарҳол англади. Ўзи хулоса чиқарди.

— Жабр-зулм эгаларининг, ўқтам ҳокимларнинг қабиҳ ишларини оч деганинг менга жуда ёқди, Абайжон!— деди.

— Бу ерда Кенгирбойнинг қилмиши очиладиган бўлиб турипти-ку!— деди Қакитой, яна ўша масалани ойдинлаштириш мақсадида.

— Эй, йироқдаги Кенгирбой, қошингдаги Қунанбойку. Биттасига теса, биттаси омон қолар дейсанми! Отам Кенгирбой эди деб айтгаи гапидан қайтади дейсанми!— деб, Бозорали жиҳдий, солмоқли бир ғап ғапирди.

— Мен ҳам айтдим, шундай қилмаса, Бозекенг бўладими?— деб, Абай Дарменга қаради-ла,— мана замон овози, эндиғи мустақил бўғиннинг овози шу!. Шоир орқага қараб сажда қилмай, олдиндан қибла топсин! — деди.

Мана шу сўнгги ўтиришларда Бозорали ўзининг сургунда юрган чоқларида бошидан ўтказган воқиалардан баъзи бирларини бир-икки марта хотирлади. Бир хонаси келиб, одамгарчилик, дўстлик, кўмак тўғрисида ғап кетганди, Бозорали ўзига руслар кўрсатган одамгарчилик ва дўстона кўмакни мисол қилиб, айтиб берди.

— Мен қочишига қарор қилганимдан кейин, сиримни икки кекса рус каторжникка айтдим. Бири — Керала деган рус деҳқони — кекса эмандек мустаҳкам одам. Иккинчиси — Сергей деган кўп ўқимишли, жуда ақлли, доно одам эди. Қўл-оёғимга урилган кишан-занжирларни шу иккови кесишиди. «Озодлик қушидек уч, саҳроинингга салом олиб бор» дейишди. Мендан уларга тегадиган игнадек фойда йўқ. Зараар билан хатар бўлса тоғдек эди. Улардан шу сингари буюк дўстликни кўрдим. Буни нима деб аташ мумкин?

Үйдагиларнинг ҳаммаси уларга раҳмат айтиб, жонидили билан қулоқ беришди. Шундан кейин, Бозорали рус халқидан кўрган яхшиликларини батафсил айтиб берди. Абай ундан қочиб келаётган чоғида, йўл-йўлакай учраган рус халқи ҳақида сўраган эди. Бозорали бу тўғрисида ҳам кўп миннатдорлик билан ғапирди.

— Уркитдан¹ бу ёғига фақат руслар ораси билан қочдим, ўшанда ишонганим ҳам, суюнганим ҳам дәжқонлар яшайдиган қишлоқлар бўлди. Мен у қишлоқлардаги уйжойи яхши хонадонларнинг яқинига йўламасликнинг чорасини қилдим. Шўрликнинг ҳолини шўрликлар биладида, кеч кирган пайтда шаҳарнинг четидаги бир ғарибона кулбаннинг деразасини қоқдим, бас. Кунда келиб юрган қадрдан уйидек қабул қилади. Аҳволимни англайди, ти-лақдош бўлади. Ёшу қарисидан фақат одамгарчилик, дўстона кўмак кўрасан киши. Қайси йўл билан боришини кўрсатиб, ўзлари йўллаб юборишади. Баъзи бир, хатарли йўллар бўлса, кундузлар уйларига яшириб, тиниқтириб туриб, қош қорайган пайтда, тун-кечада хатардан ўзлари ўтказиб юборган пайлари ҳам бўлди. Бу ҳам шу буюк ҳалқнинг олижаноб фазилатларини кўрсатади, бўлмаса уларга мендан тегадиган бирор фойда йўқ. Отасига отам Жигитек пул ўтказиб, қарздор қилиб қўйган ҳам эмас. Шу сингари ҳар қандай ҳисобдан ҳориж кўмакни, дўстликни кўргац сайин қанотим ўсиб, етилаётгандек бўлди!— деди.

Бозоралининг бу хилдаги ҳикояларига Абай билан ёшлар беҳад қувониб, қизиқиб қулоқ солишли.

Шундан кейин яна ашула, ўйин-кулги бошланиб, эндики кеча, келаси кунлар хурсандчилик, хушчақчақлик билан ўтди.

Лекин, бу озгина шодлик кунлари, атрофда кечаетган ҳаётдан мутлақо бошқача. Бир лаҳза ичидаги кичик бир парча сингари эди. Довул қутуриб, лойқаланган сув со-вук, беҳисоб кўпик отиб турган чоқда, кўл ичидаги кўм-кўк майсали, гўзал бир оролча кишининг нигоҳини нақадар ўзига тортади. Бу ҳам ўша шуурсиз кўл ичидаги кўздақкина бир макон экан холос.

Бу учрашганларида эл важи, иш юзасидан Бозоралининг Абайга айтмоқчи бўлгани — фақат Азимбой билан ўртаси бузилиб турган етти овул тўғрисидаги гап эди. Жўнаб кетаётганида, Бозорали Абайнини бир четта чақириб олиб, шу гапларни қўзғаганда, Абай бу ишлардан хабардор эканлигини билдири. Бозоралининг бу ҳақда айтган янги гапи ўша огулларнинг ҳамон пичанни ташиб олмай, тараддуздланиб туришлари тўғрисида бўлди. Азимбой йифдириб қўйган пояларни энди ташимоқчи бўлиб турганла-

¹ Иркутск.

рида, «Бозорали қайтиб келипти» деган ҳабар етибди. Үша етти овул Бозоралига яқин қариндош эди. Яна Абля, Сержон сингари йигитлар билан Келдин деган чол Бозоралининг кўнгли яқин, тилақдош одамлари экан. «Бозорали қайтиб келаётганида, олдидан можаро кўтариб чиқмайлик!», «Ҳали куз кўпга чўзилар, тўхтаб турайлик» дейишибди. Унинг устига, Абайнинг Такежон билан сўзлашиб, маълум бир жавоб қилишини ҳам кутиб туришган экан. Бозоралига: «бу ишга Абай нима дейди, шуни била кел» деб юборишган экан.

Абай ҳали Такежон билан учрашмаган эди. Унинг овули йироқ кузевлардан бирига кетиб қолган экан. Абай энди Такежон овули яқинлаб келиши билан қандай бўлмасин бориб, унинг узил-кесил жавобини олиб, Бозорали билан Келденга айтиб юбормоқчи бўлиб қолди.

Абай үша борганида, Бозоралининг оиласидаги соғиладиган, сўйиладиган молларига зеҳн солиб, ҳатто, минишга оти бўклигигача билганди. Бозорали уйига кетгандан кейин, орқасидан сўйиладиган ўнтача мол юборди. Яна ўзининг минишига атаб, бу атрофда кам учрайдиган жуда келишган, қора-кўк от юборганди. Сагри кенг, кўз-кўз тангали, човкар отни Абай ёри-биродарларининг биридан ўзи яхши кўриб олган эди. Турқи узун, қадди баланд човкар от Бозоралининг тақими остида икки ҳисса кўркамлашди. Арғумоққа ўҳшаган кўкиш човкар отнинг устида нордек, барваста йигит ўтирганида, атрофида юз қиши, минг киши бўлсин, ҳаммасидан Бозоралининг қадди баланд турди. Атрофидаги ҳамма қозоқлар орасида баланд бир ғўққига ўхтаб кетади. Бозоралининг от устида шу сингари алоҳида кўркам кўриниши ва кўрки, унинг номи-донғидан шодланадиган, мўмин-қобил кўпчиликка бир афсонадек туюлди. Ҳазилкаш дўстларидан бири Бозоралига оти тўғрисида ҳазил қилиб:

— Бозеке! Бу атрофда учрамайдиган, мана бу кўк арғумоқ ўзинг билан эргашиб келдими?! Е кетаётганингда Чинғизнинг тошига боғлаб кетган эдингми? Қаердан олдинг бу кўк човкарни?— деди.

Бозорали сир бой бермайдиган, саботлигига бориб, «фалончидан олдим» демади.

Бироқ сирни сиртга чиқазмаслик учун ўзини шундай тутгани билан, Бозоралининг аста кўнгли тинчимади. Оғир ғуссага ботандек кўринарди. Мехмондорчиликлардан бўшагач, Бозорали энди уйида ўтириб, ўзининг ҳам, яқин

қариндошларининг ҳам аҳволини билди. Ушани англаган сайнин тез-тез хўрсиниб, ғамгин тортиб, ич-ичидан эзилабошлади.

Бу кунларда қайғули отаси Қавмен ҳам йўқ. У ўтганийил қишида узоқ вақт бемор ётиб, вафот қилганди. Уч бирдек арслони — уч ўғлидан айрилгандан кейин, оғир фуссага ботиб, жуда чўкиб кетган эди. Болаларимнинг бирортасига «туғилган жойидан бир ҳовуч тупроқ ҳам буюрмади» деб, қайғуради. Ўтган йил бетоб ётгач, уч кунгача Үролбой билан Бозоралини оғзидан қўймади. «Бораман, ҳозир бораман, жоним болам!» деб ётди. Узилиб кетаётган чоғида, яна ўша сўзларни астагина пичирлаб айтиб, лабларининг унсиз ҳаракати билан тамомлади. Кўп вақтлардан буён дараги бўлмай кетгаңдан кейин, дардли-аламли ота Бозоралини ҳам ўлганга чиқариб кўёюмибди.

Холи қолганларида хотини Ўдекдан унинг ўлимини сўраб билган Бозорали, кун бўйи ҳеч ким билан сўзлашмай, ғамгин тортиб, индамай ўтирди.

Ҳозир кузнинг ўзи ҳам кўнгилни кўтариб, кишининг баҳри-дилини очадиган эмас. Кеч куз фасли, далаларнинг ҳам файзи кетган. Уйдан ҳам иссиқ кетган. Гоҳ аччиқ изғириқ, гоҳ лойгарчилик, хуллас беҳаловатлик уччига чиққан пайт. Кўпдан буён қаровсиз қолган эски ўтовнинг устидаги намати ҳам илма-тешик. Ўтов тагидан ураётган изғириқда дош бергудек либос ҳам йўқ. Ёмғир ёғса чакка ўтади, тун совуғи билан кечки изғириқ турса, титилиб, ҳилвираб турган уй изғириқ билан бирга изиллайди. Бозоралининг бугунги бошпанаси кўҳна кулба, бир гариф вайронага айланган.

Жигитекларнинг энг четки кузевларидан бири — Шўпти кўлда ўтирган оз уйли Қавмен овули жотоқларнинг қишлоғига яқин эди. Бугун эрталаб ўша жотоқлардан Бозорали билан атайин холироқ учрашмоқчи бўлиб, кекса Даркенбой келди.

Бозоралининг уйида икки қадрдан дўст, кун бўйи холи ўтиришиб, хўл дардлашиши. Бозорали, аввало, ўз оиласи, қариндошларининг ҳол-аҳволига тўхтаб, ҳасрат қилди. Қўни-қўшнилардан озроқ тўбилғи, қуруқ хашак йиғиб келиб, чой қўйиб, қотган-қутган сур гўштлардан овқат қилаётган озғин хотинига қараб ўтириб, Бозорали гапни ўшандан бошлади.— Мана бу қоқлангандек қотиб, қорайган усти-боши ҳам, ўзи ҳам одо бўлган келмиғинг! Қелсанг,

оч-ноҳорликдан ҳасрат қилиб, йиғлайди. Елеиз ўғли Сари бўлса, сўррайиб, чўпдек озиб, қуруқ бўйининг ўзи қолган. Бошида эски тумоқ, оёғида тўзиган этик. Энди битта-яримтага ёлланиб кетадими, нима қилади? Мендан олдин ҳайдалиб кетган Болоғоз ўша ерларда ўлиб кетди. Мана, бола-чақаси тўргайдек тўзиб кетибди. Оловдек ёшлик чоғида «лоп этиб» бир ёниб, сўнгандек, Ўролбойим чиқиндига чиқиб кетган эди. Биримизни ёв ҳайдаса, биримизни қийғос солиб қувлаган дов ҳайдади. Номус ҳам, Болоғоз билан мендан кўра Ўролбойда кучли бўлса керак. Келмас ерга у ҳам кетди. Тўбуқтининг бутун бўлислари билан улуғидан қарғиш олган қочқин бўлиб юриб, наққирон йигитнинг қазоси етди. Қайси сойларда қолиб кетганини ҳам билганимиз йўқ. Шуларгинг ҳаммасини ўйлаб кўриб, Қовмен авлодида бу худонинг олмай қолган ўчи йўқ экан дедим. Қани, оға, холис гапирчи! Мана шу менинг тўғримда ўйлаганингда, тумшуғинг тошга теккан-дек бўлмадими?! Безорилигим, ёвузлик-қабиҳлигимдан тортдимми? Йўқ, адолат керак. Ундоқ эмас эдим-ку! «Йўқ товонинг тагида типирчиламай ётолмайман. Олсанг бошимни оларсан, лекин кўксимдаги ягона суюнчугим — виж-донимни ололмайсан, номус ўтини сўндиrolмайсан» деб олишиб ўлибмиз. Мана энди боқсам, фақат Қовменнинг болаларигина эмас, кўпларнинг тақдири шу бўлипти! Атрофда, ҳар ер-ҳар ерда бир оролдек бўлиб бойлиги, борлигининг нашъасини суриб юрган баъзи мансабдор муттаҳамни, порага бўккан ҳаром томоқларни айтиб нима қиласман! Улар, ўзингга маълум, азалдан менинг қариндош им ёки дўстим бўлган кишилар эмас. Сенга ўзимга ўхшаш ҳалқни айтади-тирман. Эллик хосияти, йиртиқ кийими, қора-қурум босган кулба ичидаги ҳам сўнмай ёнаётган яхши ҳалқимни айтаман! Кўрганда, ўшаларни кўраман! Бугун нолисам, «яна ўшалар»ни деб нолиёттирман. Оч-яланғоч аввалгидан ҳам кўпайипти. Ўша кўпчиликнинг ўзига кўқ чивин аввалгидан ҳам кўпроқ уймалашипти! Эҳ, армони ичидаги кетаётган кексам! Аламзада ининг айтса, шуни айтади-да,— деб, Бозорали кўпдан буён ўйлаб, ичига солиб юрган бир фикрини шу йўсин англатди.

Бу кунларда соқол-сочиғагина эмас, ҳурпайға қошигача оқ оралаган Даркембой, носвойини бурун катакларига тортиб, оғир хаёлларга чўмган эсли бошини чайқади. Кекса кўзларининг ўта кўрадиган сергак ўти, ҳали ҳам порлаб турибди.

Узоқ умрида кўпни кўрган қексанинг, сирлашаётган пайтда ҳам унутмайдига ҳуш фаҳмлиги бор. Бозоралининг усиз ҳам ранжиб, ўртаниб гапирган оиласиб аҳволи тўғрисида гап очмади. Гапни аввало, шу кунларда бойиб кетгандардан бошлади. Бозорали кетгандан буён ҳокимлик, ҳийлаю-макир, савдо-сотиқ орқасида беҳисоб дунё ортдирганлар бор. Ёлғиз Тажежоннинг ўзида ҳозир саккиз юз йилки бор экан. Жиреншеда саккиз юз, Ўразбой бир минг беш юзга етказибди. Аброли, Қунту, Жақипларнинг ҳаммаси ҳам бу кунда «минг-минглик» бой аталади. Ана, энди жотоқлар сони бўлса, аввалгидан ҳам ошиб, кўпчиликни йўқчилик босиб бораётир. Шу жиҳатларіни гапириб ўтириб, гап ўзларининг ҳол-аҳволи устига кўчганда, Даркембой истеҳзо билан:

— Кўрганинг ўша кўргав, Бозорали. Сен кўчиб юрганлар тўғрисидагина гапирдинг. Негаки, ҳозир ўшаларни кўраётисан! «Бир ерда ўтирган яхши, ер кўкрагини эмган яхши, ёвга ялиғанча қора ерни тирмала!» дедик. Ҳали ҳам ўша учи-қири йўқ тилак, ўша умид билан ўша ўзинг ташлаб кетган ҳолда қирқ уйли, сон-саноқсиз уйли жотоқ бўлиб, шўримиз қуршиб, бизлар ҳам ҳозиру-нозир келаётсиз. Тўғри, бир яхши томони шуки, ялиниб-ёлвораётганим йўқ. Йўқчиликим билан ит азобида қила-диган меднатим билан «тузи шўр, унуми ҳеч» ҳаракатим билан бўлсам-да, ҳар қалай, бироннинг эшигига эмасман. «Ўлсам ўз увадамга орқамни ўраб ўламан» деган озроқни на юпончим бор. Лекин нимасини айтасан! Бўйнимда қарғиш бўйинтуруғидек бир йўқчилик—ўша йўқчилик бор. Мехнатда узум йўқ, хорликка ўлим йўқ. Шундай қилиб, «жотоқлик», йўқчилик деганинг, ўлармон ҳўқизнинг бошига илинган бўйинтуруқ деб, узоқ умрда сургатилиб келаётир, елкам яғир, тинкам куриб, тўшда терим тўкин бўлди. Кўпнинг куни шу хилда, кул бўлиб ўтаётир!— деди.

Бу ҳам гапнинг окирини Бозорали тўхтатган паллага олиб келиб тугатди. Гап орасида ўз тўғрисида фақат биттагина юпанчи борлигини айтди.

Илгарилар, Бозорали ёзлиқ чоғида биладиган Даркембойнинг иниси — Кўркембой деган бўлар эди. У ўша вақтларда ичкарига, русларнинг ичига ёлланиб, ишга кириб кетсан эди. Бозорали кетгандан кейин, ўша Кўркембой ўлар чоғида ўша ердан, русларнинг ичидан Даркембойга ҳабар қилибди. «Қўзим тириклигига бир дийдор кўришиб қолайлик!»— деб юборибди. Даркембой бор-

гандан кейин, ўша иниси қазо қилибди. Ўлар чоғида ёлғиз ўғли билан илиниб-чалиниб юрган кампирини «ўз қўлингта ол!», «элга олиб кет» деган экан. Ундан қолган ёлғиз бола Даркембойнинг эндиги нафаси билан қуввати бўлиб қолган экан. У — Дармен эди.

Даркембой ўзи билан сирдош Бозоралига бу йигит тўғрисида яна бир сирни айтди. Дармен Кўркембойнинг ҳам ўз боласи эмас экан. Ўша вактларда Қунанбой ўлдирирган Қўдарнинг бир туғишган инисининг, Қўгадойнинг ўғли экан. Ўша йили, Қунанбой маккага кетаётганида, Даркембой эргаштириб, Қунанбойдан ҳақ талаб қилишга олиб борган Қиёсбай деган бола мана шу Дармен экан. Қиёсбай деган лақабни унга «қайсар» деб камситиб, беоқибат қариндошларидан биттаси қўйибди. Асли оти Дармен экан. Ўша етим болани Даркембой олиб бориб, ўз инисига бола қилиб берибди. Ҳам қариндош, ҳам Кўркембойнинг ўзида ўғил йўқлиги, унинг устига Дармен шу қадар зийрак, жуда ёқимтой бола бўлгани учун Кўркембой уни биратўла ўз боласидек кўрадиган бўлиб кетибди. Даркембой ҳам ҳозир уни ягона кўзидек кўрар экан.

Кейин Даркембой ўша ёлғиз йигит — Дарменни ўз қўли билан Абайнинг тарбиясига берибди. Ҳозир бир томондан жотоқда бўлса, бир томондан Абайнинг ҳузурида яшаётган экан.

Бозорали Дарменни кўрганини айтди. Унинг ҳунаридан ҳамма хурсанд бўлганини, айниқса, Абай зўр умид боғлаб ўтирганини айтди. Даркембойга бу гапни Бозоралидан эшитиш, гўё бир тортиқдек кўринди.

— Аввалига, мақсади, талаби йўқ, шунчақи дўмбира билан ялла қилиб юрибди, деб ўйлаган эдим! Энди қарасам, уйга келган сайин Абайнинг шеърларини айтиб келади. Афтидан, ўзи ҳам Абайнинг йўлидан бораётганга ўхшайди. Шу жиҳатига кўнглим жуда исийди! — деди.

Бозорали яқинда Абайнинг Дарменга берган маслаҳатини эсга олиб:

— Даке, инингга Абай катта бир гап галирди! Бошқа болаларга айтмагауз гапни, юкламаган умидни, бир гап келганда Дарменга атаб, ўшанга юклади... Абайнинг ўша иши менга ҳам жуда маъқул бўлди!.. Абай аслида Қунанбойнинг Абайи эмас, ҳалқининг Абайи бўлибди-ку, а! «Халқ бўлганда ҳам кўзи ёшликларга қайишсам» дейдиган бўлибди. Бу ишга Дарменни қанот-қуйруқ этганга

ўхшайди. «Бир катта достон билан, катта санъат барпо эт!» деб, топшираётганини эшидим!— деди.

Даркембойнинг кўнгли яна кўтарили.

Бозорали энди шаҳарда ўзини қарши олган Ўразбой, Жиренше, Бейсемби, Кунтулардек бойларни ҳам эсга олиб сирлашди.

— Кўп кунгача ўрталарига олган бўлишди. Эртаю-кеч бири «маслаҳатим» деб, бири «маталим» деб, қулогимга йўқ ердаги гапларни қўймоқчи бўлишди. Қарасам, ҳаммасида ҳам маълум бир муддао бор экан. «Бошини тоқقا ҳам, тошга ҳам уриб ўрганган эмасми Бозорали! Кўп бўлса, ўша борган ерига боради-да. Яна шуни қайраб солайлик» деб, мана бу сайлов важидан ўзлари зидлашиб, олиб боришаётган можароинг аравасига энди мени қўшмоқчи бўлишса керак. Эртаю-кеч дарди-фикри бир илож қилиб мени илнитириш. «Қунанбой боласида сенинг кекинг бўлса, бизнинг ўчимиз бор. Тилагимиз бир, зарбимиз ҳам бир бўлоин. Кекинг кетган Қунанбой болаларига боришинг билал бир зарб бериб қол, ташланиб қол!» дейишади. Ўтни яна менинг қўллим билан кавламоқчи бўлишаётир. «Қўлнимизда бўлислик турибди! Тортима, орқангда биз бормиз» дейишади. Бу ерда ўзимиздан бошқа ҳеч ким йўқ-ку, Қани энди, шуларнинг шу қилганига нима десам бўлади, нима қилсан раво бўлади!— деб, бир маслаҳатлашиб олай деган эдим. Қани, бу ҳақда сенинг фикринг қандай, нима қил дейсан, кексам!— деди.

Даркембой ортиқча тараффуд қилмади. У Бозоралини қайтармади. Аксинча, қайраб солғандек бўлди. Лекин қўлдан-кўп тайинлаб айтгани: «Уларга раийнгни билдириб, сирлашиб иш тутма! Хўш, улар ўзатини берганоқ бўлсин! Лекин қил сиртмоқ бўйи шта тақалганда сени ташлаб, бир бошдан ситилиб, ўйноқлаб чиқишиади. Уз тарозиларини тўғрилашнинг пайига тушишиади» деди. Бу фикрни яна ҳам очиқроқ қилиб:

— Файратинг бўлса, жасоратинг етса, ташвишинг фақат халқинг билан бўлсин. «Бу ишни қилма» демайман! Сенинг душманинг бу кунларда ўзаро олишиб, ҳолатдан кетиб турган экан. Шу сингари тинкаси қуриб турган пайтда, қақшатиб бир уриб қолсанг, у чакки бўлмайди. Лекин, бу ишни ҳам халқ билан биргаликда қил.Faқат маслаҳатни ётлар билан қилма, жон куярларинг, ўзингга ўхшаш ўзаги узилган, ҳамдардларинг билан қил!— деди.

Гап шу ерга келганд, Бозорали еттига қашшоқ овулнинг Такежондан кўраётган хўрлигини эсга олиб:

— Ер ва уминг чўпи катта-катта фалокатларнинг боиси эди-ку, Даке! Кўпчиликнинг Қунанбойдан кўрадиган қаттиқ тепкиси бир томондан ерга тиralгуви эди-да! Бу кунларда Қунанбой ўлган бўлса-да, Қунанбойчилик йўколмапти. Аксинча, ўсиб, урчуб, маккорлашиб ҳам кетиби. Ана у, етти овулнинг кўраётгани, тепки бўлмай нима!?

— Атама! Эсласам зардам қайнайди. Абдининг ўроғи Азимбойнинг қирчинини қирқса ҳам рavo деган эдим! Кўзи ёшлиқ эл деганим ўша, ўшалар да. Ҳомий бўлсанг ўшаларга бўл. Киройи ёқалашиб, юлқилашганингга яраша, ўшалардек беҳисоб ғарибу ғураболар учун олиш. Ушаларга ҳомийлик қилишини қайси худо гуноҳ дер экан? Азимбойнинг зўрлигини эшигдан Чинғизнинг ичи-сиртидаги тошларигача фарёд қилгани йўқми? Тепки-туртки еганларнинг ҳаммаси ёқасини ушлаб, қўлини кўксига қўйди-ку,— деди.

Даркембой етти овулнинг ёнини олиб ўтириб, ҳамиятли азаматни шу ишга сафарбар қилгандек бўлди.

Ҳозир Даркембойдан эшигдан, жасорат-маҳорат бахш этгувчи гаплар Бозоралига қанот боғлагандек бўлди. Ғайрати жўш урган эр-азамат, ҳазил қилаётгандек, яна бир гап гапирди.

— Бу маслаҳатинг-ку тўғри маслаҳат-а! Лекин, менинг бошимга яна бир фикр келди. Эл бўйнига миниб олган эркаларнинг бир-бири билан беллашиб, қасдлашиб юрган чоги экан. Ўзлари қўлтиғимга сув пуркашаётир. Ўшаларнинг гиж-гижлатиши билан бориб ташланган киши бўлай. Худди ўзларининг уядошларидан бирига қалтираб юбораднган қилиб қаттиқ бир зарба берай, Даке! Шундан кейин, бир куннинг ичидаги юз берадиган иш бўлиб қолгандан кейин «маслаҳатларингни шундай тушундим», «айтган ерларнингдан чиқдим» деб, бор оғирлиги-ю, фалокатларини ўзларига ортиб қўяй. Шоптай тур, Даке! Бу ақлни ҳозир, сенинг ёнингда ўтириб топдим! Фақат, бир оз вакт ўтсин. Нималарни кўрмаган бу бошим! Тели-тентагинг «бир катта ғовғо бошлашга шу туз-намакнинг устида аҳд қилди» деб бил, Даке!— деди-да, Бозорали дастурхондан бир бурда пишлоқ олиб, онд ичиш таомилига мувофиқ қилиб оғзиға солди.

Совуқ, рутубатли, ғамгин куз кунларидан бири бугун Кашамада ўтирган Такежон овули устида турарди. Тўбуқти ерининг бир чети яйлов бўлса, яна бир чети кузев. Яйловдаги энг юқори яйловлар билан кузакдаги энг йироқ, четки қўнислар Қунанбой овулларига қарайди. Ана ўша, Қунанбой овулларининг ичидаги моли кўп, яна хўжалик ишларига пишиқ, миришкор, қуримсоқ бўлганидан Такежон овули ҳамиша бошқалардан илгарилаб кетиб, овлоқ ерга бориб ўтиради. Бундай пайтларда қароргоҳ этадиган қўнисларнинг энг четдагиси — мана шу Үоқ элининг ерига тақаладиган, Кашама деган кузев бўларди.

Чоғроқ кўлнинг четини ёқалаб ўтирган ёлғиз овул — Такежон овули. Ёздагидек эмас, бу овулнинг уйлари ҳозир бир-бирига сиқилишиб, яқин-яқин тикилган. Уйларнинг ора-орасига гир айлантириб чийдан омонат молхона қурилган. Қўнисларни кечаси мол ётишга қулайлаштирган молпараст овул эканлиги билиниб турибди.

Кўлнинг четидаги, анча нимдошгина каттакон уй — Такежоннинг ўз уйи эди. Бошқа етти-саккизта кўҳна уйлар молбоқарларнинг уйи.

Овул атрофидаги чўп тамом бўлиб, босилиб-янчилсада, бой овул, кеч кузнинг қаттиқ совуғи, аччиқ изғириклиригари орқасини бериб, кузевнинг чўпини тақир қилиб, молига едириб бўлмагунча кўчмай, тиришиб-тортишиб ўтирибди. Такежоннинг беҳисоб йилқиси билан қўй, туялари ҳам овул атрофида кўринмайди. Улар йироқдаги тепаликлар, паст-баланд сойлар, уваларда ёйилиб юришибди. Атрофидаги чўп тамом бўлган чорвадорнинг овули, ҳозир яқин ерларда бирорта мол қолдирмай олис олисдаги ўтлоқларга ҳайдаб қўйган. Тўсатдан меҳмон келиб қолгудек бўлса, «мол олисда, ўтлоқда эди» деб мол сўймай, уйда бори билан жўнатишга баҳона тайёр. Овул атрофида ҳатто ҳураётган ит ҳам йўқ. Улар ҳам суяқ-сўлти тегмагандан кейин, совуқ куз кунларида сичқон овлашнинг пайига тушиб, тентираб кетишган.

Шу сингари сиртқи кўринишидан одатдагидек ҳаёт аломатлари сезилмайдиган тунт, бефайз овулга уч салт отлиқ йўловчи келиб тушди. Булар: Абай, Эрбўл, Дарменлар эди... Кутимаган кўнгилсиз ишлар Абайнин беихтиёр отга миндириб, мана шу Такежон овулига келтирди. Абай

отдан тушганда, қошларини чимириб, сиймосида чор-ночор келганлик аломати акс этди.

Уйда Такежон билан Қоражон бор эди. Яна бу кунларда лўппи-қизил юзини қуршаб қоп-қора қуюқ соқол босган Азимбой ҳам ўтирганди.

Келганлар уй эгалари билан совуққина сўрашиши. Такежон инисидан элдагиларнинг эсон-омонлигини, ҳолаҳволини сўраб, Абайнинг келишидан алланимани сезаётгандек бўлди. «Эл ичи тинчликми?», «ҳеч қандай жанжал, можаро йўқми» деган гапларни анча ижикилаб сўради. Қоражон билан Азимбой бўлса, гезарид, қовоқларини солғанча жимгина ўтира бериши. Имлаб, зимдан буйруқ қилиб, қимиз келтириб, чой қўйиб, қозон осишга буюришиди.

Улар Абайнинг бу овулга камдан-кам келишини яхши билишарди. Келса, бир ножӯя гапни бошлаб келади, деб ўйлашарди. «Ҳамиша шу уйни синчилаб, қаҳрига олгани олган» деб, кўнгилларидағи ғараз асти нари кетмасди. Қалин, иссиқ кийимлар кийган бойвуччанинг бу кунларда кузевда тикиб ўтирган уйи ҳам иссиқ экан. Утовни ичидан ўраб-чирмаб намат, шолча, гиламлар тутилган. Уй ўртасида гуриллаб, сариқ қийдан гулкай ёқиляёттир. Мол келтиришга киши юбормай, уйдаги гўштдан қозон остираётган Қоражоннинг авзойини сезиб ўтирган Абай, бу ерга қандай иш билан келганини дарҳол айта бошлади.

Абай бу овулга икки иш билан келган эди. Биттаси — Семейтовдаги Бура элидан йўқотган молларини излаб келганларнинг иши. Бундан ўн беш кун муқаддам, Тўбуқтининг ўғрилари ўша элдан бир айғирни йилқи уйри билан олиб кетибди. Ушани улар Серикбойдан кўришаётган эди. Серикбой бўлса, «Такежоннинг измидаги ўғри!» — деб, ўша Серикбойни Такежон исканжага олиб, молимизни топтириб берсин деб, ўтинишашётган эди.

Абай айтмоқчи бўлган гапнинг биттаси шу. Бу гап гарчи, силлиқ айтилгани билан, билган одамга жуда оғир гап эди. Бирорнинг ҳақи-ҳалол молини ўғирлаган муттаҳам, безори ўғри бор. Ўша сенга орқа қиласдан, яъни уни ўғри қилиб, шу қиласига йўллаётган сенсан! Шундай бўлгандан кейин, қиласига ишинг учун жавоб берадиган ҳам сен бўласан. Ўша ўғрингнинг танобини тортиб қўй, қиласига жавоб бер! — деган гап-да.

Бундай гапни Абай эмас, бошқа биронта қозоқ минг

оҳангга солиб, силлиқлаб айтиб келганда ҳам, Такежон ўпқириб қарши турган бўларди. Ҳозир бу уйдагиларнинг уни ўчиб, гезариб кетишгани бўлмаса, сирни сиртга чиқаришмади. Такежон бир оз вақт шу хилда ўтириди-да, доғулилик билан заҳарханда қилди:

— Тўбуқтининг ҳаммаси ўғри. У ўғри бўлгандан кейин эл бошлиғи — Қунанбой ҳожининг овули ҳам ўғри. Уларнинг ичидаги ёши улуғи Такежон — бош ўғри бўлади. Шундай қилиб, молини изловчилар йўғини йўқлаганда, сўроқлаганда аслида ўша Такежондан топади. Сен бўлсанг бу элнинг ори-уятисан. Ўша уятлик бўлганларнинг боши шу деб, мени тўнай берасан-да!

Абай хуноб бўлиб Такежонга қаради:

— Биладиган бўлсанг, менинг сендан бошқа орим-уятим йўқдир дейман, Такежон. Агар сен, киши уяларлик иш қилсанг, мени уялмай шундай қола беради деган гапга ким ишонади! Сени уятлик қилиб, ўшанга мени семирди дегак боққолчилик ҳисобини қўядиган кунларнинг борми, ё йўқми асти? — деб, Қоражон билан Азимбойга ҳам совуқ назар ташлади.

Икки лунжи шалвираган, қовоғи қалин Азимбой, ўт-кир қора пичоқ билан йўғон оқ таёқни ўйниб ўтирган ерида, андишасизлик билан пастки лабини чиқарди-да, пиқ этиб кулиб қўйди. «Ишондим-қўйдим-да» деягандек ичидан душманлик ўт олаёттанини сездириди.

Такежон Абайнинг ҳалиги гапидан кейин:

— Сири-сирдонимизни тўкиб сирлашмайлик ҳам, олишмайлик ҳам, Абай. Тикилганинг Серикбой-ку! У итингни бу овулдагилар кўрмаганига олти ой бўлдими, шундай бўлса керак? Қаерларда тентираб юрганини биладиган одам ҳам йўқ. Ушлаб ол-да, е, жавобим шу! — деди.

Далили, шоҳиди йўқ даъво бўлгани учун, бу гапни Такежон сиртига юқтирумаслигини Абайнинг ўзи ҳам сезиб келган эди. Ҳозирча ёритиб жавоб ооломай, Бура элининг молини йўқлапни, суриштиришни кейинга қолдириб, бу гапга хотима берди. Такежон ўғирлатгани чин бўлса, ўша молнинг йўқловчиси ўзи бўлишини сездириб ўтди. Бунга шунинг ўзи ҳам етарлик.

Қимиз йигилиб, чой ичилиб бўлганда, оғир сукунат чўмгани уй ичиде Абай иккинчи гапни бошлади. Такежон билан Жигитек эли орасида, қишлоғдаги пичан важидан туғилаётган янги можаро ҳақида гап очди.

Абайнинг гапига қулоқ солиб бўлган он Такежон кўнглига келиб турган кўп иожўя бир гапни сўради:

— Шу гапни Жигитекларнинг овулидагилар айтаётирми ёки бошига фалокат булути чулғониб юрмаса, ичган оши танасига юқмайдиган Бозорали қутуртираётирми?

— Хўш, Бозорали бўлганда нима қиласа эдинг? Қариндошу жигарлар уники! Ер бўлса, яна уники. Уз ҳақини йўқласа ҳам фалокат излаган бўладими?

— Ҳақи кетиб юрган эканми? Ерини олсам, емини бермас эдимми?

— Ушани ҳақ деб бўладими? Ерига лойиқ ҳақ олиб юрган эдими? Тортиб олар эдинг-да, томоғига бўлмағур бир нарса тиққан киши бўлар эдинг. Ҳар йил қиладиганинг шу эканлигини ким билмайди?

— Шу гапларни Бозоралининг ўзига айтдира қолсанг бўларди-ку, Абай! Менинг заволим бўла бериб нима қиласан? Ҳайдовдан келар-келмас, гариллаб юрган эмиш Бозорали: «Кўрсатаман, ҳали бир дуч келарман» деб! Эшитмай ўтиргани миз йўқ. Уша қутуртираётир-да, бош кўтариб!

— Янчилган бош кўтарса, айбдор. Бозорали ўз гапини айтса айбдор! Зўрликни ўзинг қиласан-да, «зўрлик кўрдим» деса, яна ёзғиргани турасан.

— Сенинг ҳомилик қилишингга Бозоралининг кўзи учётгани йўқ, Абай! Шу гапни қачон айтган эдинг дема! Эл оғзидағи ивир-шивир гаплар ҳам қулоғимизга етиб турибди. Шундай ишдан бир панд еганингда кўрарман ҳали.

— Бозоралига қилганим оз деб ўтирибсан-ку, а, Қунанбой боласи!

— Оббо, кўзи ёшлик Бозоралини топибсан-да! Менинг этимдан ўтиб, устихонимга етган тиш-тироғини сен асти сезмадинг-да, Қунанбой боласи бўла туриб!

— Бозорали йиғлатган қозоқ боласини кўрганим йўқ! Ҳайдатдинг, бойлатдинг, хонавайрон қилиб, тўрғайдек тўздириб, кўпчилигининг кўзини пашшага ем қилдинг. Шунда ҳам: «мен Бозоралидан жабр кўрдим» деб, маддоҳдек вайсаб ўтираверасан-а!..

Иккови шу сингари аччиқ-аччиқ, оғир гаплар билан айтишиб кетишида, ҳўмрайнишиб жим қолишиди.

Абай гап бошлагандан буён, ўчоқ бошидан хиёл ўгирилиб. Абайга ўқрайиб-ўқрайиб қўяёттан Азимбой, дўриллаган дағал, ёқимсиз товуши билан кесатиб:

— Бутун Тўбуқтани жонидан беэдирган Бозоралининг қилиғи эшитилмагандага, фақат бир кишига эшитилмабди! Ў бизнинг Абай оғам! «Яхшилик, яхшилик» деймиз. Яхшилик деганимиз номуссизлик бўлса, ўша яхшилик деганинг ўзи қуриб кетмайдими бира тўла!— деди.

Бу кунларда озиғи чиққан бадфъел, безори Азимбой, энди ўлгунча тўнг бўйин, қўрс бўлиб келаётган эди. «Тақежонга ўҳшамайди», «Беллашишга бели бардам», «Ғаломусликда кўзга кўриниб келаёттир» деган гапларни Абайнинг ўзи ҳам эшитиб юрганди. Баъзи кексаларни «Азимбой ҳақорат қилибди», баъзи бир, ҳақини даъво қилиб келганларга «Азимбой кўпчилик олдида дарра урдириб, жазо берибди» деган гаплар ҳам қулоғига этиб юрганди. Ҳозир Азимбойнинг оғзидан чиққан гап, Қунаңбой болалари ўзаро оғизларига олмайдиган, сир тутилиб келаётган гаплардан бири эди.

Бозорали билан Нурғанимнинг ўзаро муносабатлари гўё бир парча муздек бўлиб, Азимбойнинг кўзига ташланмоқда. Беандиша, ҳисдан маҳрум ёшнинг оғзидан чиқаётган уят гаплар номусга тегиб, ҳамиятипи жабрлайдиган сир. Емонлик сабогини отаси билан онасидан ўрганиб олган бўлса-да, энди қабиҳликни улардан ҳам ошира бошлаган Азимбойдан Абай нафратланди, уни ёмон кўрди. Ёнбошлаб ётган ёстиқдан ғазабга тўлган кўксини юлиб олди-да, ҳайқириб:

— Тилингни тий, Азимбой, беномус! Юзингни тасрайтириб туриб, отангнинг оғзи бормайдиган гапларни айтмоқчимисан!? Яхшилик!. Яхшилик қуримасин. Унинг билан олишадиганлар қурисин... Неча йилдан буён яхшилик йўлига тушиб, ҳориб-толгудек меҳнат қилган эдингми? Ғаломуслик, йўғонлик, моли-дунё деб кўзингни очдинг. Тилинг чиққанда ҳақорат билан, шумлик билан чиқаётганини қара! Яхшиликка ёndoшиб кўрган эдингми? Яхшилик мана бу Такежон билан Қоражоннинг қозони қошида, ўчогининг бошида эканми? Еки анави, той-той қилиб тахлаб ташланган кўчингнинг ичидаги ётибдими? Яхшилик, отанинг ўғли бўлма, одамнинг ўғли бўл, дейди! Сен бундай гапларни эшитганимидинг? Йўқ, яхшилик қуримасин, ундан садаға кетсин илоҳи билан ҳаромлиги кўш қабиҳлик бўлиб бирга қўшилиб кетсан сенга ўҳшаш нодон худбинлар!— деди.

Азимбой гап қайтармади. Лекин, Абай сўзини битирмасдан, у яна пастки лабини чиқариб, «пиқ» этиб кулди-

да, этагини қоюб, ирғиб туриб уйдан чиқиб кетди. Бир нафас бўлса-да, оғанинг гапларини ўйлаб кўриш йўқ. Қасдлашиб, ичидан ҳақорат қилиб кетди.

Боласининг зарда қилиб кетганини Такежон жуда яхши билиб турганди. У Абайнинг Жигитеклар вожидан айтган гапига ҳам кўнмади. Қисқагина қилиб берган жавобида:

— Бу йил чўпни чоптириб қўйдим. Чопган чўпни Жигитекларга бериб, паст келгудек ҳолим йўқ. Келаси йили сўзлашармиз. Бу пичанни қайтариб бефмаймиз. Агар Жигитек ташиб оладиган бўлса, кузевдан қишловга қайтиб кетаётганимда, ўша ўн қишловнинг устига жойлашиб оламан-да, ташиб олган пичанларини молимга едириб бўлгандан кейингина ўз қишловимга кўчаман! — деди.

Зўравон акасини айтган гапларига кўндиrolмаган Абай, энди жим бўлиб, индамай ўтира берди.

Бир оздан кейин, рўйхуш бермаётган уйни хушламай, овқат лишунча эшикка чиқиб кетди.

Оувулнинг кўриниши жуда қашшоқ ҳолда эди. Эшикда чурик-чориқ кийган, энгиллари жулдур, тарс-тарс ёрилган оёқлари йилтираб, қип-қизариб кетган қашшоқ болалар кўринди. Улар бой уйининг орқасида, той-той юқ тахланган партов томонда секингина пичирлашиб ўнашётири. Чўпоннинг эски кулба-бўз уйининг бир томонидаги намати узилиб тушган, юз-қўли ёрилиб кетган меҳнатчан аёл ўша йиртиқ наматни ямаб ўтирибди. Ёпуғи юлиниб тушган ўтовнинг керагесидан уй ичидаги эски-туски увадалар, юпунлик кўринишиб турибди. Орқасига ола қоп ёлинган, бошига жулдур тумоқ кийган кекса бир аёл, ўша ярим ёпуғи сидирилиб тушган уйда, қора совуқда қалтираб тери ошлайти.

Абай ёлғиз ўзи кўхна кулбаларни оралаб, ўша уйга борди. Ичида: «шундан ҳам оғир аҳвол бўладими? Бу қандай кўргужик! Қора совуқ бўлса, изғиринда бошпанасиз, исинадиган оловсиз, увадага ўралиб ўтирган шўрликларнинг ҳоли бу... Кимлар экан?» деб бораркан, ўтовнинг илма-тешик наматини ямаб ўтирган жувонга кўзи тушди. Бу жувонни Абай танимас экан. Эгни юпун, ранги, заъфарон жувон касал бўлса керак. Юз-қўлларидағи кўк томирлари билиниб, қисқа-қисқа йўталмоқда.

Абайга ялт этиб қарапкан, ийманганидан юзида билинч-билинмас қон ўйнаб, икки яноғида хасталик аломати яллиғлаб турди. Абай ҳалиги жувон билан сўрашаркан,

уидаги кампир ҳам қайрилиб қаради. Бу уй кимнинг уйи эканлигини Абай эндигина билди, кампирнинг ёнига бориб:

— Епирай, Ийс, бу сенинг уйингмиди? Шунчалик хароблашиб, юлиниб тушган ким бўлди экан деб келаётган эдим!— деди-да, кампирнинг ёнига, уйга кирди. Энди зеҳн солиб қараса, Ийснинг йиртиқ гупписининг икки бари ёйилиб турибди, икки барига иккита ёш бола совуқдан тиқилиб ўтиришибди. Болалар жунжиб, чаккалари туктук бўлиб, сийрак, ғсиқ соchlари ҳурпайиб турибди. Юзлари билан киприкларида даҳшат, оғир қайғу кўринади. Икковининг ҳам кўзлари Абайга қўрққандек ёлбориб қарайди. Бегуноҳ жабр чекиш, паноҳсизликдан катта-катта, қоп-қора кўзларида доимий маъюслик акс этиб турибди... Озғин, заҳил тортган сиймоларида очлик изи ҳам кўринади. Кўзлари олайиб қолган нимжон гўдаклар баттар қунишиб, оналарининг бағрига тиқилишаётир. Чамаси, биттаси беш, биттаси уч яшар гўдаклар.

Кекса Ийснинг сўрашаётгани ҳам Абайнинг қулогига кирмай, иккита болани ўйларкан, ўзининг ҳам юраги ивишиб кетди. Ийс ҳасрат қила бошлади:

— Оҳ, бўтам Абай-а, бизнинг қуни миэни ана у бой эшигидаги итнинг ҳам бошига солмасин, нимасини айтасан!— деди.

Абай кампирнинг ўғлини сўради:

— Ўғлинг қаерда? Исо қаерда? Қайси куни, личан бошида «бир азаматлик қилди» деб борган эди Мағаш. Ийс ўғлини жуда адолатли, жасур қилиб ўстирган экан!— деб ўйлаган эдим.

— Ўша жасурлиги бошига етадиган кўринади. Фазабига олаётир-ку, Азимбой. Усти-бошининг юпунилигига ҳам қарамай, Исони чўпон қилиб, нариги чеккадаги қўйларини боқишига юборди!— деди.

Гўдаклардан ҳамон кўзини ололмаган Абай, болаларнинг бошларидан силаб, отларини сўради. Каттасининг исми Асан, кенжасининг исми Усен экан. Тумов тегиб бўғилган товушлари билан пицирлаб, отларини ўзлари айтишди.

Абай Ийснинг анча ҳасратини эшигиди. Келини дардга чалиниб қолган экан. Бир қошиқ оби-ёвғонни қайнатиб ичгали ўтин топиб келгудек одам ҳам йўқ экан. Исо бўлса, қоронғу тушгандагина келар экан. Қасал келинини ўтинга юборишга кампирнинг кўнгли бўлмас экан. Шу-

нинг учун кун бўйи мана шу иккита кичкина кийимсиз набирасин шундай бағрига босиб ўтирас экан.

— Аҳволимиз шу, жўжаларини қаноти остига олган кекса товуқдек, ўтиришм бу!— деди.

Такежон уйининг олдида қалин наматлик ўтов бор. У Азимбойнинг ўтова. Ўша уйининг ёнига бир түя чўқтирилди. Бу туяга қоп-қоп қий ортиб келинган экан. Қоражоннинг ўзи чиқиб, қий келтирган мошгурунч соқоллик молбоқарни жеркиб, буйруқ берадаёт.

— Қийни кўринганга бераверма. Катта уй билан ўтогагина бўлиб қўй! Ўтин кўринди дегунча, атрофдан тиржайишиб, «бир ёқарлик», «икки ёқарлик» деб, тиланиб кела беришади. Бор нари! Йўқол ҳамманг уй-уйингга! «Сен хотин нега келдинг?»— деб, от боқарнинг хотинига, «сен ҳам нари бор» — деб чўпонга, яна усти-боши тулаб тушиган, ранги-рўйи бир ҳолатда, жунжиб турган бир неча болалар билан қизларга ҳам ўшқириб, уларни ҳайдаб юборди.

Фақат ҳаммадан кейин қўрқа-қўрқа зўрға яқинлашиб келган кемшик кампирга — ўтинчининг хотинигагина яrim қоп қора қийни зўрға ўлчатиб берди. «Ол, мана шунга рози бўл!» — деди-да, Қоражон орқасига қайтди. Шу чақ Абай уни тўхтатиб, бир қоп қийни ўзи буюриб алоҳида туширтириб, ўтинчидан Ийс кампирнинг уйига юборди.

Қоражон қайтиб кетаётганда Абай кулиб юборди-да, янгасига ҳазил қилиб:

— Оббо, Қоражон тушкурей! Сендан ҳам сахий бой бормикан-а? Қамбағални сендеқ ярлақаган бойвуччани кўрган бўлсан, кўзим чиқсин! Қора қийдан яrim қопни бериб юборишга қандоқ кўзинг қийди?— деди.

Қоражон ўз ишидан ўнгайсизлангандек бўлди. Бу кунларда ажин босган қора сариқ юзи хиёл жилмайиб, кўзини қисинқираб Абайга қаради-да, кулиб қўйди. Шу ерда ҳам бийрон тилини тиймади.

— Қасд бўлган қайнигинам-а! Шу ерда ҳам орқамдан қараб, синчиклаб турган эдингми?— деб, Абайга эшик очиб, уйга киргазди.

Қоражон билан ҳазиллашиш, Абайнинг боядан бери вайрон бўлиб турган кўнглини ёзиб юборгандек бўлди. У ҳозир атрофидаги барча кўримсиз, ғариф-ғамгин манзаралардан қандайдир оташин илҳом олгандек бўлди. Ғазабли истеҳзо билан тўлиб тошган хаёли сергаклашиб уй-

ғонгандек бўлди. Илдам одимлар билан тўрга чиқиб ўтирган замон Дармендан қофоз-қалам сўради.

Худди шу ҷоқ ташқарида, уйнинг ёнида галалашиб, гангур-гунгур сўзлашаётган ёш болаларнинг қиқирлаб кулишгани эшигилди. Совуқ қотиб, юзидағи туклари ҳурпайган, жулдур қийимлик уч-тўртта бола, ловуллаб ўт ёниб турган катта, иссиқ уйнинг эшигидан бошларини тикиб, мўралашаётир. Иссиқ уйга яқинлашишга ҳад йўқ. Қизиқиб, телмуриб қарашади холос. Қоражоннинг кўзи тушнб қолса, «тур е, афтинг қурсин» деб, ўтини ёриб, ҳайдаб юборади.

Уша болаларнинг энг олдида бу уйга тикка кириб келган кичкина, дўмбоққина қора бола — Шўлиш эди. У, Такежон билан Қоражоннинг Азимбойдан кўрган катта набираси. Гўшт пишган пайтда ўртоқларини эргаштириб, юргурганича катта уйга келган эди. Қоражон қозондан битта илик олди-да, заранг косага солиб набирасига тутқазди. У набирасиға пиширлаб, гап уқдираётир.

— Уйда ўтириб е! Эшикка чиқсанг, анани гадойваччалар ялиниб, тиланишиб, қўлингдан олиб қўйишади! Қўзларини тикиб, орқангдан қолмай, овқатингни егани қўйишмайди, заҳарни егуrlар! Чиқма ёнимда ўтириб е! — деб қақиллаб турибди.

Шўлиш кетай деса кетолмай, ўртоқларидан уялиб, ялт ялт қараб, ошини ҳам ичолмай аланглаб қўяди. Лекин баджаҳил знанинг сиртмоғидан қутилишнинг ҳам иложини қилолмайди. Абай сиймосида истеҳзо акс этган ҳолда бу ҳолатни ҳам миридан-сиригача кўздан кечираётир. Уйчан кўзлари ялт юлт этиб Такежон, Қоражон томонга ҳам қараб қўяди. Кучли илҳом билан қуйилиб келаётган сўзлар мисраларга айланәётир.

Эрбўл билан Дармен, оловга яқин ўтирган Абайнинг орқа томонида ёнбошлашиб ётишиб, ўзаро ивири-шивир қилишиди.

Эрбўл Абайнинг шундай ғазабдан кейин, қаттиқ олишиш — ҳаяжонланишдан кейин шъер ёэса, истеҳзо қилмай ёзолмаслигини яхши биларди. У Дарменга пиширлаб.

— Бола, Абай шеърга тушиб кетди-ку! Шу гал кимни найзага илишини сезаётирсанми, йўқми? — деди.

Дармен ўзи кўп қадрлайдиган Бозоралининг оғир аҳволини ҳалиги можародан буён ўйлаб ўтирган эди. Уша ўйи билан:

— Мен билсам, Абай оғам Бозоралининг Такежон билан Азимбойга қиласидиган даъвосини ёзаётир!— деди.

Эрбўл бошқача фикрда эди.

— Йўқ, мен билсам, худди шу бугун бизларга мол сўймай, қари қўйнинг қолган гўштидан овқат қилаётган Қоражоннинг қуримсоқлигини найзага санчаётган бўлса керак. Мен ҳам, «ўшани айтса экан» деяпман. Қозонини кўриб ҳалитдан қорним очаётир!— деди.

Дармен ҳазил қилиб:

— Оббо, Эрбўл оғам тушкур-еў! Қорнингиз сидирилиб бораётган бўлса-да, Абай оғамнинг шеърларини Қоражоннинг қозонига туширмай қўяқолсангиз бўларди! Бу хилдаги қуримсоқ бойнинг жазосини ўзимиз ҳам бермас эдикми!— деганда, Эрбўл ҳам кулиб юборди.

Шу пайтда Абай ёзишни тўхтатиб:

— Эрбўл, Дармен!— деб икковини чақириб олди.

— Такежон, Қоражон сенлар ҳам эшитинглар!— деб уйдагиларнинг ҳаммасини ўзига қаратиб олди-да, янги шеърини ўқиб берди:

Тўқсон тушиб, ел эсар бир-якки ой,

Қишлоғини тез-у, баъзан келади жой.¹

«Эрта борсам чўпни еб қўяман» деб

Омонат жой — кузевда ўтирад бой.

Тасвирлаётган овули ҳозир ўзлари ўтирган худди мана шу Такежон овули эканлиги тингловчиларнинг ҳаммасига мана-ман деб, яққол кўринди. Эрбўл билав Дармен:

— Ҳа... бормисан!..

— Баракалла, Абай оға!— деб қолишиди.

— Айтган эдим-а, бола! Дамингни чиқарма!— деди Эрбўл пицирлаб. Ундан кейин Такежон овулидаги молбоқарлар, ўтисиз жунжиб ўтирган қўни-қўшниларнинг ҳол-аҳволи тасвирланди.

Ўтин топиб исинолмай, совуқдан жунжиб юрган чувринди болаларнинг кўрган куни ҳам уннутилмади. Ярим қоп-қора қий ҳам, қари қўйнинг гўшти билан Эрбўлни жўнатмоқчи бўлаётган қуримсоқ оиланинг ҳисобигача, айтилди. Ўй эгаларининг ҳалиги болаларга нисбатаң кўрсатаётган ит феълларига бағишланган истеҳзоли сўзлар ҳам энди жаранглаб чиқди. Бой ўйига ботиниб

¹ Жой — секия маъносида.— Ред.

киролмаган тортинчоқ, жулдур чопон болалар билан бирга, уларнинг овқатларини яшириқча ичаётган Шўпиш ҳам танилди. Қашшоқ болаларига нафрат отиб, пишқираётган Қоражоннинг хулқи қаддини гоздек тутганича шеър сатрларига кирди.

—...Бой уйига киролмас ҳеч интилиб,
Бола чиқса ионидан узиб-юлиб,
Уша уйининг ён-веридан узоқ кетмас
Уйилган юк кунгайини ўрин қилиб.
Отасию онаси ўёлин пойлар,
Ўзи каби ит бўлиб ҳурсин ир-ир!
Оини эвлаб ичолмай тортинади,
Тентқуридан уялиб нуқул фақир...—

деб, қуйилиб келган сатрлар ўз эгаларини топаётир. Айниқса: «Ўзи каби ит бўлиб ҳургай ир-ир!» деб, тантана билан айтилган оғир калтак Қоражоннинг бошига ҳамчи билан ургандек бўлиб тушди. Камбағаллар билан бойлар ўртасидаги туганмас зиддият айтилди. Ҳатто, болалар орасида ҳам икки хил кайфият борлигини Абай айтиб берганда, Қоражонда: «Ундоқ эмас» деб, даъво қилгудек, бўйин тўлғагудек мажол қолмади. Абай шеърини ўқиб бўлгандагина Такежон билан Қоражонга тил битиб, фазабини тўкиб солди.

— Ёмонлашга келган эдингми?— деб, аввал Такежон сўз бошлади.

— Ёмонлашгагина эмас, ёвлашиб масхара қилгани келган-ку! Оғаси билан янгасини «ит» дейишдан ҳам катта душманлик бўладими?— деб, Қоражон бобиллаб кетди.

Абай қиқирлаб кулганича, шеърни Дарменга узатди. Дармен қоғозни тезгина буқлаб, чўнтағига сола бошлади. Шу чоқ эс-ҳушини йиғиштирган Такежон ҳайқириб, Дарменни ҳақорат қилди:

— Уни нима қилмоқчисан? Чўнтағига уришини қара бунинг!.. Уйимга келиб, «томогини еб, товоғини теп!» деган ким экан-а, буларга? Буёққа бер, ҳозир йиртиб ўтга ташлайман!

Буйруқ қилиш билан бирга Дарменга қўлинни ҳам чўзди. Абай билан Эрбўл хаҳолаб кулганларича орага тушишди. Дармен бермоқчи эмас. Такежондан орқага чекиниб, шеърни чўнтағига солишнинг пайда. Энди

Такежон чиндан ҳам ғазабланиб, ранги ўчганича Абайга ёпниши:

— Йўқот, мана бу шеърни! Йўқотасапми ёки хафа-
шамамизми?— деб, қаттиқ туриб олди. Абай ҳамон кул-
гиликка олиб:

— Оббо хумпар-ей, сени айтганим йўқ-ку! «Ит» деб
хотинингни айтдим! Қоражон билан ҳам ҳазиллашгани
қўймайсанми? Ёки шеъримнинг азроили сен эдингми?
Тил теккисса киши гуноҳкор бўладиган ҳожимида хоти-
нинг? Пиринг шу эдими?— деб, ҳамроҳларини кулдирга-
нича, ҳазил билан қутилмоқчи бўлди. Лекин, Қоражон-
нинг жаҳли кўз ёшига айланди.

— Душманим айтмайдиган гапни қайнилик йўлим
билан айтдим дейсан! Ишонмайман! «Ўйинг, уй-ичинг
билан душмансан»— деб ўтирибсан яна, кечирмайман!
Кайним бўлсанг, йирт! Ҳозир йўқот!— деди.

Такежон ҳам «йўқот, ҳозир йирт» деб, Абай билан
ёқалашгудек. бўлиб ўқрайиб турибди. Шу орада Эрбўл
шеърни Дармендан олиб шошганича қайта ўқиётганди.
Энди чиндан ҳам ака-уканинг ўртаси бузилиб кетишини
кўргач, Қоражонни жиги-бийрон қилган, болалар ҳақи-
даги икки бандини қайта-қайта тақрорлаб, ёдлаб олди.
Кейин Абайнинг қўлидаги қаламни берухсат олди-да,
Такежонга қараб:

— Такежон, шеърнинг ҳаммасини йўқотмайлик. Бу
гапнинг гап эмас, зўрлик бўлади. Бу шеър ҳазил тариқа-
сида ёзилган бўлса-да, салмоғи оғир, заҳри кетмайдиган
шеър эканлиги рост! Қоражонга қаттиқ тегадиган жойи-
ни мана менинг ўзим йўқ қиласман! Мана ўчирдим!—
деди-да, шеърнинг ҳалиги икки бандини қайта-қайта
чишиб, ўчириб ташлади.

Бутун қабиҳлиги шу хилда кўзга яққол ташланиб тур-
ган, зўрлик ҳам, йўғонлик ҳам ҳукм сурган манфур
уядек бой овулида, ўша кунлардаги қозоқ саҳросининг
дастлабки тарихидек, ғамгин куз кунларидан бирида,
Абайнинг яна бир ўлмас-ўчмас сози туғилган эди.

III

Қишлоғнинг чўпини аяб, йироқ кузевда қор ёққунча
чиаб ўтирган Такежон свули, Мусақулдаги ҳишлоғга
эндигина яқинлашиб келди. Ўша куни Абай келиб гапир-

ган Жигитек овулларининг пичан даъвоси ҳозир каттагина можарога айланган. Абай ўз жигарини айтган гапига кўндиrolмагандан кейин: «Такежон зўрлик қилаётir. Мен бориб сўзлашдим, гапга кўндиrolмадим. Бу хил зўравонлигига энди қай йўсинда жавоб қишлоаринг ҳам раво. Ҳақингни ола бил, оғайнилар» деб, Азберген, Шуйгинсуда ўтирган ўнтача Жигитек овулнига айтиб юборганди. Шу билан ҳалиги овуллар Такежон ўрдириб, ғарамлатиб қўйган ўн уюм пичанни, қишло-қишловлари-га ташиб олишди.

Бу гапни Мусақулга яқинлаб қолганда эшитган Такежон, от чоптириб, бир кечанинг ўзидаёқ Изиқутти, Мойбосар, Исҳоқларни айтдириб келди-да, тескариликка олиб маслаҳатлашиб, ўжарлик билан қарор қилди.

Жигитеклар айтганини қилса, бу ҳам ўшанда жаҳл устида оғзига олган зўрлик шартини мана шу маслаҳатга боғлаб, амалга оширишга аҳд қилди. Шундай қилиб, бошқалар қиши кириши билан қишло-қишловларига жойлашиб олган бўлсалар-да, Такежон овули янги баҳона топиб, қишловга боришини кечиктириди. Сўнгги марта кўчганда тўппа-тўғри келиб, ҳалиги Шуйгинсу, Аэберген сингари қўнисларда қишлаётган ўнтача Жигитек овули устига жойлашди. Ӯшаларнинг ерига беҳисоб қўйлари, туялари, сигирларини ёпирилтириб юборди.

Кўч олдида Такежон, Азимбой, Мойбосарлар кетишашётir. Ёнларига азамат эрлардан ўнтача новкар олишган. Беҳисоб моли-дунёлик кўч келиб тушадиган ерга бориб, тўпланиб туришибди. Жигитекларнинг кичкина чим қўралари бадавлат овулнинг оғи остида қолиб кетаётir. Озгина овулларнинг рўпарасидаги қиши кунларида тамаддиқ бўладиган ноchorгнна чий қўриқларга беҳисоб қўй билан туя, сигирлар ёпирилиб келиб, тумшуқларини тикиди. Баъзи қўраларнинг пастак девори орқасидаги ғарамларга бошвоқсиз туялар, шохи катта-катта сигирлар бўйини чўзиб, пичаннинг чангини чиқариб ейишаётir. Бунчалик ҳаддан ошиб қилинадиган зўрликни кутмаган ювош овуллар ҳозир бир-бирларига чопишиб, битта-яричта той-пойларига минишиб, зир югуришаётir. Бир оздан кейин, Жигитек овулларидан чиққан ўнтача салт отлиқ, Такежон овули кўч-қуронини тушириб, керагаларини ёябошлаган пайтда, ўша зўрлик билан босиб келган овул томон юз тутди.

Жигитеклар тўпининг ўртасида Бозорали кетаётир, Уй тикилиб бўлмагани учун Такежонлар бир гала бўлиб, от устида мол оралаб юришганди.

Жигитеклар тўпини бошлаб келган Бозорали шовқуи солиб айқириб келмади. Асабийлашмай, вазминлик билан гапирди: қисқагина, салмоқли гапи билан янги кучини кўрсатди.

— Хўш, Такежон мирза! Кўрқиб биқинган Жигитек әлини яна бир йўл биқинган тўргайдек қилиб, бошидан ошириб тош отиб, баттар биқинтирибсан-да. Усиз ҳам бераҳм худосини яна яхшироқ танитиб қўйяй деб турибсанми? Еки биратўла ерини талаб, чўпини сочиб, ярим вайронага айланган кулбаларини хонадони билан ўртамоқчи бўлиб турибсанми, бу нима қилиқ?— деди.

Такежон қамчисини эгарининг қошига кўндаланг қўйиб икки қўли билан ўша қамчининг сопига таянаркан, узангода чираниб туриб, сиймосида Бозоралини ер билан яксон қилгудек бир истеҳзо акс этган ҳолда қаради. У ҳам гапни қисқа қилди.

— Қавменнинг ўғли, сенинг қишлоғингга қўндимми? Овулинг анави, Чингизда эмасми? Худди шу ерда сенинг бирор тукинг лат едими?— деди.

Бозоралининг саволига жавоб бермай, бу ҳам савол берди.

— Қариндошим, жон куярларим яна бош кўтаргудек, йўғини йўқлагудек азамати йўқ! «Ўртасам-да, ўртага тушма» демоқчимисан! Сенга ҳам, буларга ҳам бара-вар қариндош эканман, холис гапни ҳам гапиртирмайсанми?

— Ўзингга тегмаган эканман, тегишма биродар! Жойингда тур, аралашма!

— Йиғлатсам-да, талаб есам-да, дамингни чиқарма, қўзғолма дейсанми?

— Сен билан баҳслашмоқчи эмасман. Гапда-ю каззобликда Бозоралига тенг келаман деб бас бойлаган эмасман ва бунга зор ҳам эмасман. Биродар, овлоқ тур дедим, овлоқ бўл!

— Ҳамма гапинг шуми, Такежон мирза? Қилаётган-зўрлигиннга, жабри-зўлминнга жавоб ҳам бергинг келмайди.

— Қелмайди, ҳа келмайди!

— Жавоб бермайсан-а!

— Сенга бермайман!

— Чиндан ҳам, жавоб бермайсанку-я, Такежон!?

— Бермайман дедим, бермайман!

— Бас! Сен ҳам, мен ҳам бу масалада келишолмас эканмиз. Етадиган чегарага етган эканмиз! Энди бундан буён содир бўладиган ишга, офат билан фалокатларга биз айбли эмасмиз! Панд есанг ўзинг ерсан! Отадан ўғил бола туғилганим чин бўлса, тинифингни бир лойқатарман, Такежон! Икки марта туғилмоқ йўқлигидек, икки марта ўлмоқ ҳам йўқ. Бозоралининг боши сургунда юриб, кўрмаган хўрликларни Такежондан кўра-кўра кўзи очилиб бўлган. Мард бўлсанг мана шу ердан кўчмай ўтиравер!— деди.

Кучли ғазаб ўти чақнаётган катта-катта кўзларини Такежон билан Мойбосарнинг бетига галма-гал тикиб турди. Кўпдан буён ичида сақланиб келган аламли гапларни товушининг борича ҳайқириб, тўкиб солди-ю, «юр ҳамманг» деб, той-бия мингган қашшоқ-камбағалларни эргаштириб кетди борди.

Такежон овулидагилар Бозоралининг дабдабали гапига парво ҳам қилишмади. Икки марта қор тушган бўлса-да, ўтовларининг тагига чим бостириб, чийдан омонат қўра қурдириб олишди, кечаю-кундуз демай, қашшоқ овулларининг пичани билан қўригини аямасдан молларига едиришди. Тунда ўша кўхна кулбалар, вайрона қўраларнинг озгинагина қишлиқ ўтинини, қийларини олдириб келишарди. Азимбой билан Қоражон баъзи безори йигитларни юбориб, ўтинларини ўғирлатиб, туяларга ортдириб ҳам келишарди. Шу сабабли кечаю-кундуз бойлар уйидан ўт узилмай, гулхан ловуллаб ёниб турарди.

Бир офат устига, бир офат келиб қашшоқ овулларни ўлардек узвос солдири. Такежоннинг камбағалларни шу хилда ҳалқумидан олиб, фарёд қилдираётгани бутун Шуйгинсу, Қунанбой қўриғи, Қоровул, Болпанг элларига бориб етди. Кун ўтган сайин Чинғиздаги Жигитекларга ҳам бу машъум зўравонликинг довруғи эшитилиб турди.

Мана шу икки-уч кун ичида Бозорали номаълум бир томонга йўл олиб, кўздан ғойиб бўлди. Афтидан, Шуйгунсудаги кўзи ёшли ўнтача азамат йигитни ҳам эргаштириб кетган кўринади.

Жўнайдиган кечаси мана шу йигитларга қўшимча қилиб, Қоровул суви бўйида қишлийдиган Жигитеклар-

нинг бир қанча қашшоқ овулларидан яна ўттизтacha йигитни йиғди. Бир кеча ўтириб, тўрттадан-бештадан чақириб олди-да, ҳаммасига бир хил топшириқ бериб жўнатди.

— Қўлларингда «уловинг», битта-яримта оқсоқ-тўқ-соғинг бўлса, ўшанга мининглар-да, Мияли, Бойғобилдаги жотоқларга етиб олинглар! Ўша ерда бошланадиган бир йўриқ бор. Кўпдан буён зардамни қайнатган, армон бўлиб келган йўриқ! Бу йўриқ — сенларга, ўзимга ўхшаш қашшоқлар йўриғи, кек йўриғи! «Оқибати нима бўлади» деб сўраманглар. Ажал оғзидан, арслон оғзидан қутилиб, Бозорали эсон-омон қаторингизга келганда, «энди ўлсак ҳам этагингдан ушлаб ўламиз» деб аҳд қилган әдингиз. Ўша аҳдингизни унутганим йўқ, азamat эрларнинг аҳди деб тушунганиман-да, маҳкам ушлаб олганман! Таваккал қилиб, аҳд этганинг рост бўлса, ўшани намо-йиш қиладиган куним келди. Отим ориқ дема! Югурик миндираман. Йўриқнинг ўзи миндиради. Қуролим — қора сўйилим йўқ, дема. Сендан баттар қон-қора қақшаган жотоқлар бор. Ушалар қувона-қувона қўлингга қўш сўйил тутқазади. Фақат мана бу сир бирортангнинг оғзингдан чиқиб, четта тарқалмасин. Жигитекларнинг ана у Бейсемби, Абдилда, Уркимбой, Жабай овули сингари овулларидаги қалтироқ бойларнинг қулоғига етмасин! Айтадиган иккинчи сўзим: галалашиб борманглар! Иккитадан-учтадан бўлиб, кечалари йўқ бўлиб кет-да, ўша жотоқлар овулига бориб ет! Шу беш куннинг ичida, қирқ йигит ҳаммангнинг бошинг ўзимнинг қошимда, ўша беҳисоб жотоқлар ўртасида қўшиладиган бўлсин. Абилғози икковимиз сизларни кутиб оламиз! — деб, гапни тамом қилди. Ундан ўёғига нима қилишини, кимга қай таҳлитда ташланишини йигитларга айтмади.

Такежон билан кўч олдida нари-бери сўзга боришиган куни Абулғози иккови кўрадиган чораларини кўришиди-ю, изини йўқотиб, жўнаб қолишиди.

Ҳозир ўша Бозорали билан Абилғози Даркембойнинг ёнига ўтириб, узоқ-узоқ сирлашиб, дардлашаётир. Жигитеқ қашшоқлари Бозорали йўллаган йўл билан тўрттадан, бештадан бўлиб, жотоқлар овулига келишиди-да, холи овуллар, уйларга жойлашиб олишди. Бозоралининг буйругини кутиб ётишибди. Лекин, ҳамма йигит батамом келиб бўлмагани учун Бозорали сир туваётган иш бир оз кунга ҳаяллаб, тўхтаб турганди.

Даркембойнинг кичкина уйида, печка ёнида ўтириб, уч сирдош қизитаётган сұхбат мавзуи ҳар жиҳатни қамрайди. Бу кунларда улар очлик-тұқлилек ҳам парво-қилишмайды. Даркембойнинг кампири пишириб бергая қора гүжа улар учун энг яхши лаззатли таом.

Бугун Бозорали турлы мавзудаги сұхбатни ўзи құзғаб, ўзи қизитаёттир. Үнинг эндиги маслағатида доим бир чүққига отилиб, бир сойга қуиляётган фикр билан маълум бир йўл бор эди. Қирқ йигитнинг ҳаракатига алоқалор кўмакчи гапларга, «Нима учун бу ишга аҳд қилдим» деган мазмунни англатадиган гапга ўхшарди, Бозорали энди Такежоннинг қилинидан оғиз очмайди. Ҳатто, Тўбуқти ичидаги фалокатларни ҳам гапирмайди. Үнинг гаплари ҳозир қозоқ боласи бир-икки марта кўриб, билған иш устида ҳам эмас.

Бозорали ўзи билан сургунда ҳамроҳ бўлиб қолған бир кекса руснинг таърифини қилаёттир.

Оппоқ соқоли кўксига тушган; қовоғини қоплаган қуюқ қошлари эса кумуш ранг мўйловидек ўсиқ, кўзигача тушган. Чуқурроқ битган ўткир-ўткир мовий кўзлари, доим чимирилиб турадиган қошлари, кўк шунқорнинг қанотига ўхшаш, кўп тиёдор яратилган одам экан. Бўйини Бозорали ўзининг бўйидан бир қарич баланд деди. «Йигирма йил сургунда юрса-да, ҳали ҳам икки елкасига икки одам ўтиrsa бўладиган. Кўкраги ҳам тўнтариглик тогорадек. Мен кўриб юрган одамларнинг нори ўша!» деб, Бозорали сургунда топган дўсти «Керала» деган рус мужиги ҳақида сўзлади.

— Ички Россияда, русларда ҳам сон-саноқсиз Қунашибойлар, Такежонлар итдан ҳам кўп, фиж-фиж экан. Уларни оқсуяклар, помешчиклар дейишар экан. Уларнинг қўл остидаги беҳисоб мужиклар, бамисоли бир моли, қули қатори бўлар экан. Истаса дарра уриб, кўнглига ёқмаса зоти ёмон молдек ҳайдаб бориб сотишар, ўғлини — қул, қизини — оқсоч қилишар экан. Узатаетган қизларини, қуда, ёр-биродарларнинг хоҳишига, кўнглига қараб, отадан болани, онадан қизни айириб, худди бир той-ғўна сингари етаклатиб юбораверишар экан. Қўз ёшига, инсоннинг оҳу-зорига, истак-тилакларига ҳеч қулоқ солинмас экан. Бу ишларни айтиб берган Қерала: «мен қўл остида бўлган бой Педотдан кўрганим» деб, яна бир жабрни айтиб берди. Қўшни бир бой билан този итларни пойгага чоптиришиб, помешчик Педот басма-баслик-

ка кетади. Ўша кунларда Педот бироннинг югурик итини оламан, деб савдолашади. Ана ўша чоқда Кераланинг ёши ўн тўққизга кириб қолган, кўп нозанин синглиси бор экан. Ҳалиги този ит эгасининг ўша қизга кўзи тушиб сўраганида, Педот уни бошма-бошига итга айрибosh қилмоқчи бўлади. Қизнинг тегадиган йигити қўрқоқ экан, орага тушишга ярамабди. Икки бой Педотнинг саройида кечаси арақ ичиб, маст бўлиб, ҳалиги ёз қиз — Аксенияни хўп эрмак қилишади. Шунда Керала номусга чидолмай, эркакларча бир иш қилибди. Кечаси келиб деразадан пойлаб турса, този итга қиз айирбошлаб олган йиртқич бой Аксенияни хўрлаб, номусига тега бошлаган кўринади. Шўрлик қиз кекса йиртқичдан ўти ёрилиб йиғлаган экан. Шу чақ дераза тагида турган Керала болта улоқтириб, ҳалиги бойни ярадор қилиб, қон қустуриб йиқитибида-да, таваккал қилиб ўч олибди. Русларда «қизил хўроз» деган гап бор. Мужиклар кеки бўлган бойнинг хони-монига ўт қўйиб юборишни шундай деб айтишади. Ҳалиги бой уйининг тўрт томонига керосин, қорамай қуйиб тайёрлаб қўйган экан. «Бир ишни қилиб қўйгандан кейин энди ҳар ҳолда бошим кетди-ку, ҳар нечук ота-бобом, опа-сингилларим, эна-оналаримнинг қонида қотган ўчларини олиб ўлай» деб бойнинг дўконидан тортиб, моли мулки-ю, ғазнасигача тўсатдан лов этдириб, ёндириб юборибди. Қаттиқ қўрққанидан ҳушини йўқотган синглисини орқалабди-да, кимсасиз қоронгу ўрмонга қочиб кириб кетибди.

Шу билан бир ярим ой давомида ўша ўрмон ичида яшириниб юриб, бир бойнинг эмас, атрофдаги қанчаканча бойларнинг уй-жойига ўт қўйиб, ҳаммасини банкрот қилибди. Қадимдан сақланиб келаётган ўчини, яқинда пайдо бўлган кекини бир йўла олибди. Бойлар бир гал ўн, бир гал ўн беш киши бўлиб қамалга олганда, фақат қўлидаги чўян чўқмёри билан уриб, деярлик ҳаммасини сулайтирибида-да, қутилиб кетибди. Учинчи гал подшоликнинг қуролли аскари атрофини қуршаб ёпирилиб келибди-да, қўл, оёғини боғлаб асир олибди. Болта еган бой чала ўлик бўлиб ётиб, бориб-бориб кейинчалик тузалибди. Лекин бўйни қийшиқ, қўли чўлоқ бўлиб қолибди.

Кералани даставвал ўлим жазосига буюриб, сўнгра кечирган бўлиб, «умрбод сургунда, ўла-ўлгунча тор зиндан, тош бинода чириб ўлсин» деган ҳукм чиқарибди.

Ўша Керала ҳали мен сизларга тасвирлаб берган соч-соқоли оппоқ қол, эллик беш ёшдаги одам деганида, боядан буён синчиклаб қулоқ солаётган Абильғози:

— Оббо камбағал-эй, эсиз азamat-а! — деди.

Даркембой ҳам тамшаниб, бош силкитганича:

— Шўрликни қара-я! Асли ўзи, азamatнинг йўли шуку! — деди.

Бозорали яна давом этиб:

— Мана, азamat эр, ўттиз йилдан буён сургунда; у ўз умрини мардларча олинадиган қасос йўлида қурбон қилиб майдонга чиқсанда йигирма беш яшар навқирон йигит экан. Ёлғиз ўзи бош яланг, оёқ яланг, қуролсиз, пиёда чиқсан экан! — деб ҳикоясини бошлади.

— Керала ўз бошидан кечирганиларидан ташқари ўттиз йил мобайнида қанча-қанча этап, қанча-қанча сургун жойларида юриб, кишак остида азоб чеккан ўзи сингари беҳисоб шўрликларни кўрипти. Унинг ўзи бир бўғин катталардан-ку... Кейин, мана шу сўнгги етти-саккиз йил ичида ҳам не-не навқирон йигитлар, ёш авлоддан чиқсан баҳодир деҳқонлардан шу сургунга келаётгандар бениҳоят кўп бўлди.

— Беҳисоб деҳқонлар ер важидан сиқилиб танглик кўрганларида тўралардан, хўжайнилардан, катта ер эгалидан кўрап эканлар. Шундай қилиб, ҳатто подшоликнинг ўзига қарши курашга отланган қашшоқ деҳқонлар йил сайин, ой сайин қирғин кураш олиб боришар. Ана ўшаларга бощчилик қилган қанча-қанча азamatларнинг ҳам тўп-тўп бўлиб, Сибирга, сургунга кетганларини кўрдим. Уларнинг кураши ҳам мутлақо бошқача. Ёлғиз-ёлғиз олишмасдилар. Душманга кўпчилик бўлиб ҳужум қилишар эди. Кўп дарди-аламларини, кўпгина сирларини билдим. Эшитиб, хўп қониқдим. Нимасини айтасан!

— «Минг бир кеча» минг бир кеча эмас, «бахтиёр» бахтиёр эмас, ҳақиқий «минг бир кеча» ҳам, «бахтиёр» ҳам омон бўлгур ўша Кераланинг ҳикоялари эди. Унинг ҳар бир ҳикоясини мен ҳам ёдимда сақлаб қолдим. Ҳаммаси ҳам, ўша Керала сингари, ўз замондоши Такежондан жафо чеккан, панд еган Бозорали, Болағозиларга ўхшайди. Лекин, Қунанбойнинг зўри билан ҳайдалиб бориб, ҳалиғиларнинг ҳикоясини эшитганимда, хўп ўқиндим. Ўша ерларда юрганимда, бутун вужудимни: «элдан айрилдим!» деган қайғу эмас, кечаю-кундуз суюгимни кемирган бир ўқинч банд қилди. «Саёз сувга оқиб ўлган

эканман-да!», «Кетганда ҳам ҳеч иш қилмай, бекорга кетибман-ку!», «Ҳеч бўлмаганда биронтасига асти эсдан чиқмайдиган зарба бериб, товбасига таянтириб кетмаганимни қара-я деб, ўзимни-ўзим кўп койир эдим!»— деб, гапини тамом қилди.

Даркембой шу сингари узундан-узоқ ҳикоянинг оғир тафсилотини ҳис этаркан, ҳайрон бўлиб тинглади. Ўзи тушунадиган ҳолатлар оқибатида қўзғолган одилона ғазабга бунинг оташин қалби ҳам қизишиб қўшилди-да, жўш ургандек бўлди. Мардлик билан ўчини олган жасур камбағалнинг кескин ҳаракатига борлиги билан шодланиб қулоқ солди. Баъзан жуда тажрибали бошини чайқаб қўйиб, ҳузур қилиб куларди. Бозорали ҳикоясини тутатганда, хаёлига келган бир қизиқ фикрни қисқача қилиб айтди.

— Бу ишларнинг ҳаммасини менга шунчаки айтиб берәётганинг йўқ-ку! Мен ҳам, мана бу Абилғози ҳам бу гапларнинг тагида қандай гап борлигига тушунмай ўтирганимиз йўқ. Ўзингни ҳам ишга соладиган гаплар. Шунинг ҳаммасидан мен қандай хулоса чиқардим десанг-чи!

Қўкиш, ўткир кўзларини Бозорали билан Абилғозига тикиб ўтириб, жилмайди-да, бир гап гапирди.

— Хотирингда бўлса керак дейман! Бу дардларни авваллар ҳам оғизга кўп олар эдик. Лекин, оғизга олган билан дардлашиб-дардлашиб қўяр эдик, холос. Дардимизни айта-айта, биримиз ҳайдовга, биримиз бойловга қўнаверар эдик. Қозоқнинг асови нима!? Тузоги узун маккорнинг сиртмоғи билан нўхтасига барибир бошимиз илинарди-ю, кетаверарди. Фақат, қани энди бир ишниenglай билсанг? Фижиниш бор-у ғажиб ташлаш йўқ. Мени қаритган ўқинч мана шу эди. Бугун ҳам ўшами? Фақат, ўшанинг ўзи бўлса, «кўлга чўкиб, кўтармагунча туролмайдиган кекса Даркембой, ўша чўйкан ерингда ётавер» дегин! Йўқ, қиладиган ишинг бўлса, энди бир иш кўрсат. Оҳ, шамшир қиличингни бир силтаб ўл-чи!— деди.

У сўнгги сўзларини айтаётганда, Бозорали билан Абилғози қувонгандаридан ҳаҳолаб кула бошладилар. Бозорали Даркембойнинг бир гапини айниқса қувватлаб, қайтариб айтди.

— «Фижиниш бор-у, ғажиб ташлаш йўқ!... Қандай гап? Тепамдан таппа босиб, айтилган тўғри гап!— деганда Абилғози ҳам унга қўшилиб:

— Гап дейсан-да! Товонининг тагига босиб туриб, сўйил билан бошига туширгандек бўлмадими? Салмоғини қара?— деб, бир оз ўтириди-да:— Қўй Бозеке! Бундай танқиддан кейин айтиладиган гап қолгани йўқ. Қани, тур энди, отга минайлик! Йўл бўлсин, тилак қабул бўлсин!— деб, хуружга келгандек ирғиб туриб кетди.

Бу атрофда гапи билан иши бир-биридан ажралмайдиган, баъзан ҳатто «жаҳил олдин, ақл кейин» деб сўзидан кўра қуролни олдин ишга соладиган одам мана шу Абилғози эди. У, Бозорали ният қилган ишда жасорат билан ҳаракат этиш ўз зиммасида эканлигини фаҳмлаб юрганди. Энди отланиш пайти келганини аниқ айтилгандек бўлди.

Бу чоқ тун ярим бўлган экан. Уччови ҳам илдам ҳаракат қилиб, тез-тез кийиннишиб, эшикка чиқишиди. Абилғози айтиган янги сафарга Даркембой ота икки йўлдошини ўз қўли билан отлантириб юборди.

Кичкина қўранинг пастак деворига кечқурундан буён сүёғлик турган иккита қора чўқморни Даркембой ўз қўли билан йигитларга олиб берди.

— Энди бир урилмай, ўзим билан бирга чириб, нобуд бўласанлар-ку!— деб ўйлаб юрар эдим. Ҳеч бўлмаса, шу тонгда бир аламдан чиқиб, аллақачон сўниб қолган ғазабим, мана шу икки чўқморнинг салмоғи билан бир йўлгина отилсин. Қани, оқ йўл бўлсин! Ташлан, шерларим!— деди.

Тепиниб от қўйиб кетган икки азаматнинг орқасидан Даркембой узоқ вақт қараб қолди.

Бойғобилдан, кўл жотоқлар ичидан, қишлоғ-қишловлардан яна бир қанча йигитлар отларини елдириб чиқишиган эди. Сўйил, чўқмор кўтарған, синов йўлига отланган қирққа яқин азаматлар ўнг томонга йўл олишиди. Ҳар тўли кимсасиз тепаликлар, йўлсиз ерлардан алоҳида алоҳида келишиб, Оқ-эспе деган жойда Бўкенши кузевида бош қўшишиди.

Улар тўпланишганда, қиши кечасининг тонгги ҳам отиб келаётганди. Кеча учқунлаб ёққан қор ўтган тунда анча қалинлашиб қолибди. Отнинг тўлиғига чиқади. Афтидан, бу йилги қишининг «ҳамроҳ қори» бўлиб, тутош ёққан кўринади. Бу ерга йиғилғанларнинг ҳаммасига ҳозир ният ҳам, борар йўл ҳам маълум. Эндиги гап фақат буйруқ тарзида қисқа-қисқа айтилмоғи керак. Буйруқ бериб келаётган Абилғози:

— Ҳамманг қирқ беш йигит экансан. Буларнинг бештаси, жотоқларнинг азаматлари-ку. Ҳозир иш ўнгидан келиб, муддаога эришсак, жотоқ йигитлари, сенларга айтәтирман! Бизларга эргашиб анави Чингизгача бориб юрмай қўя қолинглар! Қўлларингга текканини олиб, тездан уйларингга қайтаверинглар! Ҳар бир уй, ҳар бир кулбагача қуруқ қолмасин, бўлиб беринглар-да, ишнинг оқибатини кутиб, тинч ётаверинглар! — деди.

Жотоқларнинг беш йигитини ёнига чақириб олиб, бўлиб бериладиган мол важидаи яна баъзи маслаҳатларни айтди-да, шулар билан гапни тамом қилди.

Шундан кейин қолган қирқ йигитга буйруқ берди. Отнинг бошини рўпарадаги кўнғир Адир, Шўлпонга тўғрилаб, қаттиқ елдириб бораётганида, Абилғози қирқ йигитни икки тўлга бўлди. Үн беш йигитни Бозорали билан ўз қаторига олиб, буйруқ бериб келаётир:

— Үн бешинг ҳам жангга кирмайсан. Фақат молни қувғинга соласан! Уйқудуқни қиялаб, Эрали, Орқалидан ўтиб, Кичик Ўрда тоғининг нариги бурчига қараб кетаверинглар! Олди-орқангга қарама. Фақат чоптириб қувавер! Орқаларингдан бизлар ҳам етиб борамиз. Үқдилингми? — деб, товушининг борича қичқириб, атрофидагиларга қараб қўйди.

— Ҳа, уқдик!

— Нима дессанг, шу!

— Бўлди, бас! — дейишиб, дадил товушлар, кескин жавоблар эшитилганда, Абилғози шақиллаб кулиб юборди.

— Ҳа, бормисан! Шундай де! Дадил гапир! Оппоқ қорга ағанаб чиқсан қайсар йиртқичдек ҳуружга келиб қолибсанлар-ку бугун, ахир!

Шундан кейин келган йигирма беш йигитни ёнига чақириб олди. Буларнинг мингандарни отлари — сара отлар. Узлари ҳам нуқул йирик, барваста, ўткир чавандоз йигитларга ўхшайди. Баъзиларининг билагигача, узангига илган эман сўйиллари бир-бираига урилиб, қасиркусир қилиб келаётир. Абилғози буларга жанг хусусида буйруқ қилди.

— Сенлар жангга кирасанлар! Асрликда азаматларни қолдира кўрманглар! Бу бир! Улиб қўлга тушмасанглар, осонлик билан ёв қўлига тушманглар! Ана энди, борди-ю, бир фалокат юз бериб, битта-яримтанг йиқилиб қолгудек бўлсанг, ёнида кетаётганинг олиб кетишга

тириш. Душманни тор-мор келтириш вақтида тил кетадиган бўлмасин. Ер билан битта қилиб қиринглар! Бу икки! Йиқилган ёвнинг отини асти қолдириб кетманглар! Чилвир-жиловидан ушлаб ола кетинглар. Тикарга туёқ қолдирмаслик керак. Бу уч! Чекиниб жанг қилиш бошлангандан, бир-биринглардан йироқлашманглар, «айримас-айримас» деб туринглар! Ўзларинг ёвга ташлансанглар, тўпинг билан ташланинглар... Евнинг отилиб чиқадиган битта-яримта ботирроғи бўлса, орангизни очиб, ўртага тушириб олинглар-да, миясига, чаккасига уриб, сулайтириб ташланглар. Бугун тонгда эс-ҳушини йиғолмайдиган қилиб, қон қустериб кетинглар! Яна бир гапим — остингиздаги отлар, қашшоқларининг ярим-ёрти оқсоқ-тўқсоғи-ку. Йўл бугунги, ёв бу йилгигина эмас. Ҳали ҳам олдинда отларнинг қора тери тўкилар. Қўлга тушган йилқининг ичидаги бақувват от, айғир, югурик бедовлари бўлади-ку, башарти жиндек фурсат топилса, ёмон отларни алиштириб, дарров миниб олинглар!— деди.

Аввалги тўпдаги йигитларга яна бип ишни тайинлаб қўйди:

— Уруш, қувғин қаттиқ бўлмаса, олдиларингга тушган молни ўнги-пўнгига қарамай қаттиқ ҳайдаманглар. Йўл йироқ, ерда қор бор. Молнинг ичидаги тез юришни кўтара олмайдигани, увоқлари билан бўғозлари бўлади. Ўз эҳтиёжингизга яратадиган дунё бўлса, ҳар ҳолда, уни исроф қилманглар. Қаттиқ қувламанглар! Мол зўриқиб кетса, баракаси учади.

Отини қаттиқ йўртиб келаркан, Абилғозининг барча йигитларга тайинлагани топшириғи шу бўлди.

Бозоралининг ўзи бу йўруқ устида сўз қотмади. Буларнинг олдига тушиб бошлаб кетишининг ўзи ҳам етарлик эди. Йўлдошлари ҳеч гумонсирамай, унга ишонишади. Негаки, уларнинг ҳар бири билан ёлғиз-ёлғиз сўзлашиб, ҳамиятларини кучайтириб, мардлик фазилатларини оширган, қалбларида номус ўтини алганга олдирган Бозоралининг ўзи эди.

Йигитлар ният қилиб кетаётган даҳшатли сафар узоқ қа чўзилмади.

Отлиқлар бир хилда от елдиргандарича Жўкенг қудифи деган қўниснинг оёқ томонини кесиб ўтиб, Шўлпон тоғининг этагидаги икки-уч тепаликдан ошганларида, мўлжаллаган ерларига яқинлашиб қолишли.

Бозорали билан Абилғози бошлаб келаётган йигирма йигит от қўйғанларича сўнгти бир тепаликка баравар чиқиши. Шу довоннинг тагидан Шўлпонгача ёйилиб ётган беҳисоб йилқи кўрина қолди. Иилқининг чет-четида, сўйил кўтариб, гала-гала бўлиб юрган анчагина отлиқлар бор экан. Булар — йилқи боқувчилар ва мол эгаларидан баъзилари бўлса керак. Мана бу ёйилиб ётган кўп йилқи — Такежоннинг Абилғозига сони маълум бўлган йилқиси.

Довон устида Абилғози орқадагиларни кутиб турдида, одамларини чўғдек йигиб олди. Ўртада ёлғиз ўзи. Остидаги оқ оти ўйноқлаб, бурун катаклари керилган ҳолда пишқириб, гир айланганича тепиниб турибди. Даркембой берган қора чўқморини қўлтиғига қистириб, тик кўтариб олди.

— Мана энди, йигитлар! Мана бу олдингда ётган кекинг бўлган душманинг — Такежоннинг қўши¹, шу ерда саккиз юз йилқиси ётипти. Шу молни ҳозирнинг ўзидаёқ тикарга туёқ қолдирмай, тик кўтариб олиб кетамиз. Анави қўлидаги қуврайларини қўққайтириб юрган хезалакларнинг остидаги отларидан ҳам бирортаси қолмасин! Эгарлоғлик отлар бўлса, қаторга ол! Бақувват отларни эса, миниб олинглар. Ўз отларингизнинг чилвирини бўйинларига боғлаб, ҳайдаладиган молга қўшиб юборинглар! Қани энди, оқ йўл! Мана шу тўпинг билан қора булатдек бир ёпирилиб кўринглар-чи, қашшоқлар! Қашшоқларнинг йўли порлоқ бўлсин, от қўй! Уриб йиқит! Уриб йиқит! — деди-да, оқ бўз отига қамчи бостириб юборди, «ҳой, ҳой!» деб жангга кираётган азamat йигитлар сурон солиб, от қўйиб кетишиди.

Қуруқ қор қаттиқ чопиб кетаётган кўп отнинг туёғи остида тўзғиб чиқиб, оқ бўрон бўлиб кўкка кўтарилди. Ҳамманинг «ҳой, ҳой!», «бос, бос!» деб ҳайқиришидан, сўйилларнинг бир-бирига қарсиллаб урилишидан тоғ этакларида ётган йилқи жуда ҳуркиб кетди.

Ҳали бир туки лат емаган, бойловда бўлмаган семиз йилқи—хасис бойнинг беҳисоб моли жуда ҳуркович, асов эди. Кечаси бўри, кундузи ўғри кўрмаган, семиз усти тахтакачдек, ўйноқлаб турган асовлар, энди тойи-ғўнонидан тортиб, пишқирғанларича думларини ҳилпиллатишиб, дувқочиб, бир томонга уриб кетишиди.

¹ Утар маъносида — Тарж.

Абилғозининг йигитлари йилқига етмаслариданоқ мингларча түёқларнинг зарб билан отилиб урилишидан кўтаришган қуруқ қор ҳамма ёқни оқ тўзон қилиб юборди. Қучли қор довули кўтаришгандек бўлиб кетди. Абилғозининг йигитлари икки тўп бўлиб кетаётир. Үн беш йигит йилқининг кетига тушди. Улар от қўйғанларича ҳайҳай сурон кўтаришиб, жуда асов, ўта кетган ҳуркович отларни баттар ҳуркитишиб,чуввос солишиди. Кўп йилқини Шўлпонинг Қўнғир адири томон жадал қувиб кетишиди.

Абилғозининг ўз ёнидаги йигирма беш йигит, бошлиқ оға айтганидек, тўпини бузмай унинг ёнида, алоҳида тўн бўлиб келаётир. Булар ҳам ҳайқириқ-бақириқларга зўр беришаётир. Йигилиб туриб тўклилган ғазаб сели сингари, гулдурос солиб қўйилиб келишганда, олдиларидан йигирмага яқин отлиқлар «қайт, қайт» лашиб қарши чиқишиди. Булар тўнининг устидан қалин чакмон, санг-санг тумоқнинг устидан қулоқчин бостириб, бор бўйини қалип, иссиқ кийим билан ўраб-чирмаб олган йилқичилар экан. Советилган югурик отларни эмас, семиз-семиз бияларни миниб олишган. Яна кўпчилигида ёли кўзини бекитиб, тиззасига уриб турадиган катта-катта отлар. Терлатмай, аста-секин йўл бостирилган бу семиз отларнинг ёли думи қиров боғлаб, кокилларигача оппоқ бўлиб турибди. Одам миниб юрадиган одатдаги уловлар эмас. Қиши олдида юнги ўсиб, кўриниши баҳайбат тус олгани уловларга, ўзгача бир ҳайвонларга ўхшайди.

Йилқичилар орасида Такежоннинг ёғли Азимбой ҳам бор эди. Унинг қўлида сўйил йўқ, кийими ҳам бошқаларникига ўхшамайди. Бошида тулки тумоқ, эгнида тўқ-сариқ санг-санг пўстин. Қип-қизил юзи ва қизариб турадиган қалин қовоғи совуқда гезариб, шишинқираб, керикиб кетган. Абилғозилар тоғ бошида кўринишлари биланоқ Азимбой уларнинг ёв эканлигини билган эди. Ҳайқириб, йилқичиларга буйруқ берди:

— Анави бежиз эмас, ёв! Қани, жонинг борича олиш! Ўлмагунча мол берма! Олишиб қол! — деб бўкирди. Ўзи ҳам ёшгина йилқичининг қўлидаги сўйилини юлиб олди. Энди йилқининг орқасидан юргурган киши бўлиб, қўркувини яширмоқчи бўлган молчиларни отабобосидан тортиб ҳақорат қилди-да, қайтариб олди.

«Йилқи эмас, ёвинг келаётир!» деб, Абилғозиларга қарши чопди.

Энди ҳар иккى томон от қўйганича отилиб келиб, чангал, буталар ўсиб ётган текис майдонда тўқнашиб олиша бошлашди. От қўйиб келаётган Бозорали, Азимбойни ҳаммадан олдин таниб, Абилғозига:

— Қаршингда Такежоннинг арзандаси келаётир! Йилқичиларини саросимага сол! Иложини қил, сўйилни аввало ўзига ур!— деб қолди қичқириб.

Шу чоқ олдинга чиқмай, бир гала отлиқларнинг ўртасида биқиниб чопиб келаётган жони ширин бойвачча, Абилғози билан Бозоралига юзма-юз келиб тўқнашиб қолди. Иккови ҳам сўйилни Азимбойга урди. Лекин бойваччанинг икки томонида биттаси жийрон қашқага, биттаси қора отга мингдан иккита давонгирдек йилқичи бор эди. Азимбойни тўсиқ қилиб, иккови баравар сўйил уриб қолишиди.

Абилғози билан Бозорали от устида олиб бориладиган жанг усулини ёшлиқ чоғлариданоқ катта санъатдек ўрганишганди. Қулай келган жойига тушираверишга одатланмаган иккови, дастлабки сўйилни кишининг бошига уришмади. Ҳалиги икки йилқичининг сўйилларини қоқиб-қоқиб юборишиди.

Даркембойнинг қора чўқмори Бозоралининг забардаст қўли билан тўсатдан қаттиқ урилганда, бир йилқичининг сўйили чўрт бўлинниб осмонга учди. Абилғози урган йилқичининг сўйили биратўла қўлидан учиди. Азимбой шу ур-йиқитдан фойдаланиб, Бозоралига кўзини қаттиқ тикиб қараб, ҳайқириб:

— Бозорали, ерга қапиштирмагунча тинмайман!— деб, бошига сўйил билан тушириб қолди, ҳақорат ҳам қилиб юборди.

Лекин, Бозоралини уриб юборганда, ўзининг ҳам чеккасига Абилғозининг қайта урган чўқмори қарс этиб оғир қоратошдек қаттиқ келиб тегди. Қўлидаги сўйили ўша он шилқ этиб ерга тушди-да Азимбойнинг ўзи отнинг тизгини-жиловини ташлаб юбориб, чалқасидан қулади.

Киприк қоқмай, ўхталганча интилиб борган Бозорали, отини тепиниб, жийрон отлиқ йилқичи билан Азимбойнинг орасига отилиб кириб олди. Темирдек қўли билан бойваччанинг ёқасидан хиппа бўғиб, юлқиб, отнинг совурига олиб кетди... Фазабли қўлига ҳозирги Азимбой чўлқовдек енгил туйилди. Отининг сағрига солиб, чалқанчасидан туширди-да, судраганича кетди; кейин ёқасидаги қўлини

бўшатиб, кўзи-ю бурни аралаш тумшуғига яхшилаб бир тушириди-да, ерга улоқтириб юборди.

Азимбойнинг оқ човкар отини Бозоралининг орқасида келаётган йигитлар илиб кетишган экан. Бозорали бир қайрилиб орқасига қараганда, Азимбой ўша йиқилган жойида сулайиб ётганини кўрди.

Йилқичилар ичиди энди ғайрат қилаётгани қора қаш-қа отга мингани ҳалиги қора соқолли киши экан. Бозорали энди ўшанга дуч келди. Қўлига янги сўйил олган йилқичи, сўйилни яна олдин уриб қолди. Лекин, Бозорали унинг уришига ҳам қарамай қуролли йилқичининг ўзи кўзлаган жойига қаттиқ тушириди. Душман сўйили Бозоралининг елкасига текканда, унинг сўйили нозик жойига, тиззасига бориб тегди. Қалин кийинган, от устидан ғумбайиб ўтирган давонгирдек қайсар йилқичи ҳозир қанотидан ўқ еган катта қора қушга ўхшаб кетди. Ўртасидан ўпирилгандек бўлиб, қора отнинг устидан лоп этиб қулади тушди. Бозорали у билан анча олишарман, деб ўйланган эди. Осонгина афдарилиб тушганнни кўрганида, хурсанд бўлганидан кулиб юборди.

Шу чақ Абилғозининг кетма-кет урган қора чўқморининг зарбидан уч йилқичи қулаб тушганди.

Ҳар бир йигитга ўз улушидек ёлғиз-ёлғиз дуч келган йилқичилар бор эди. Азимбой билан жийрон от, қора отдаги қўшбошилар қулаганларидан кейин, бошқа йилқичилар эс-ҳушларини йўқотиб, шошиб қолди. Йиқилгани йиқилиб, қолганлари саросимага тушиб қоча бошлашди. Шу чақ Абилғози ўзининг ишончли йигитлари — Эржон, Қўске, Шоёнбойларга қатъий буйруқ берди. Евдан тушган миқти — зўр отларни тездан ўз йигитларининг отига алмаштириб миндирди-да:

— Қочган йилқичидан биронтаси омон қолмасин! Ҳаммасини қириб, янчиб ташланглар. Отларини олиб, пиёда қолдиринглар! Йиқилгани ер тишласин. Сулайиб ётаверсин! Лекин, отдан бирор туёқ қолдирсанглар ундан катта хавф йўқ. Атрофидаги эл-юргита хабар етадиган бўлмасин. Ғайрат қил, сўнгги ғайрат! — деб бир гала йигитларни бошлаб, қочган йилқичиларнинг орқасидан қувиб кетди.

Бозоралининг ёнида беш-олти киши қолган эди. Жанг тамом бўлгандан кейин улар ҳам йилқининг орқасидан от қўйиб кетишли.

Қишининг қисқа куни қиёмга келган пайтда, ҳамма йилқицилар йиқитилиб отлари олиниб, Абилғозининг топшириғи батамом адо этилиб бўлганди. Бу чоқ йилқи ҳайдаб кетаётган йигитлар, Шўлпондан ошиб, Уйқудуқдан ўтиб, Эралига етганди. Саккиз юз йилқидан, Абилғози айтганидек, биронта той ҳам қолмади. Энди Бозорали билан Абилғози Бойғобилдан қўшилган бешта жотоқ йигитини ёnlарига чақириб олишди.

«Улушни ҳаммадан олдин сенларга берамиз»— деб, жотоқларнинг қирқ уйига атаб, қирқта яхши отни бирданнига чиқаришди. «Ҳар икки уйга бир сўқим» деб, йигирмата катта бияни яна бўлиб беришди. Йигитларни қайтариб юбораётганларида, яна ёnlарига чақириб олиб Бозорали Даркембойга салом йўллади:

— Келгусини кўриб қолармиз. Кўпининг ҳам, озининг ҳам жавоби бор. Қўлим билан қилдим, бўйним билан кўтараман. Жавобини ўзим бераман! Беҳисоб жотоқ жигарларим қўрқмасин. Мана бу қирқта отни қиши бўйи улов қилиб, шаҳарга пичан ташисин. Уни-ю, чойини мана шу отларнинг мойидан чиқариб турсин. Ана энди, мана бу катта бияларни сўйиб олишсин-да, оч ўтирган, қип-қизил гўшт гўдакларига, чол-кампирларига улашсин!— деб, айтиб юборди.

Қолган йилқиларнинг ҳаммасини қирқ йигит ярим кечада энг аввал Шуйгинсуга етказди. Уйқуда ётган Такежон овулининг бўсағасидан ҳайдаб ўтишди. Уша кечанинг ўзида ҳамма йилқини камбағал-қашшоқларга Бозорали улаштириб берди. Бир чети Шуйгунсудан, Азберган, Болбанг, Қоровулдан бошлаб, Чинғиздагиларгача, ҳаттоқи четдаги довон тагидаги Қўлдененгда қишлиб ўтирган овулларнинг ҳаммасига Такежоннинг йилқиси тарқатилиб бўлиб берилди. Баъзи овулларга тўрт-бештадан катта бия, ғўнон-тойлар тегди. Йилқини улашиб бериш билан бирга, Бозорали, Абилғозилар қаттиқ буйруқ ҳам бериб юборишиди.

— Бу йилқи боласини бирорта овул мол қиламан деб ўйламасин. Мол бўлиб сингмайди, ош бўлиб сингади. Шу кечанинг ўзида ҳаммасини қип-қизил қонига белаб, сўйиб ташласин! Чопганда Такежонни чопдим! Ўйлаганда, оч-яланғоч элимнинг бир кун бўлса-да, тўқлигини ўйладим. Бу ишни қилганда, ёлғиз ўзим қилдим! Бутун жавобгарлиги, тұхмати ўзимнинг гарданимда, ёлғиз ўзимнинг бошимда. Оч-яланғоч қашшоқлар тортинмай

қўлига тушганини сўйиб олсин! Бу менинг Бозорали номидан бераётган буйруғим! — деди.

Қишининг боши, кўчманчи қозоқ овулида, ўн икки ой ичидағи энг оғир вақтларнинг бири. Мол сутдан чиқсан, ўзи экин экмайдиган эл қишига ҳозирлик кўриб, карвонларини юбориб, озиқ-овқатини ҳам ғамлаб бўлмаган пайт. Қишига киаркаркан, сўқимни сўйиб, ўшанинг терисини бозорга олиб бориб, айрбош қилиб, ун ва чойни ўшандагина олади. Ҳозир сўқим ҳам сўйилмай турган пайт. Негаки, ҳаво баъзан совуқ бўлса, баъзан яна исиб кетиб, сўқимнинг гўшти қотмай, ҳидланиб қоладиган вақт. Яна ҳали қор босиб, қаттиқ аёз бошланган эмас. Сўқимга сўйиладиган мол ёздаги этига-эт, мойига-мой қўшиб семираётир. Хуллас, сўқим сўйишга ҳали эрта. Тириклийликнинг шу жиҳатлари уёқ-буёқни ўйлаб иш кўришга ҳаммани мажбур қиладиган пайт. Кун санаб, қийинчиликка чираб ўтирилган вақт. Бойларгача, «қишидан чиқа олмайди» деган қари-қартанг молинигина сўймаса, яхши семирган семиз молни камдан-кам сўйиб, амаллаб кун ўтказаётган пайт. Эл ўзининг шу мавсумдаги очликка чидашини, «йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган вақт» деб, тасвирлайди.

Шу сингари илиниб, толиқиб турган оч-яланғоч элга ҳамма ёмон кўрадиган Такежондек бойнинг молини Бозоралининг олиб келиб бўлиб бериши — айни вақтида бўлди.

Элнинг шундай муҳтоҷлиги билан кўпгина қашшоқларнинг ташвишини жуда яхши англайдиган Бозорали, Такежон йилқисини батамом ҳайдаб кетганда, беҳисоб элдан қанча-қанча олқиши олишини билган эди. Ўз буйруғининг бажо келтирилишини ҳам билганди. Айтганидек, тун ошиб, зартаси чошгоҳга бориб Шўйгунсу. Қорувул бўйидаги қатма-қат Чинғиз тоғи қўйнидагиларнинг ҳаммаси Такежоннинг катта қўш йилқисидан бирор туёқ қолдирмай, қип-қизил қонига белаб қириб ташлади.

IV

Бу воқиа шу кунларнинг ўзидаёқ тинмасдан довруқ қилаётган узун қулоқ орқали бутун Тўбуқтини чорлаб чиқди. Келаси кунларда йироқдаги Керей, қуйидаги Уоқ, ғарbdаги Қоракесек, Тубуқтининг шарқдаги қўшниси — Сибон, Найманларигача тарқалиб кетди.

Тўбуқти ичилада, Жигитек билан Иргизбойларнинг орагидаги ўтирган элларнинг ҳаммаси, гўё ер ўрнидан қўзголгандек ялписисига силкинишди. Бу хабарни баъзилар ёқаларини ушлаб, кайфлари учидан тинглашди. Баъзилар эса эркин нафас олишиб, шодланиб қулоқ солишиди. Яна баъзи бирорлар даҳшат ичилада: «эл ичига тинимсиз оғат келди, қип-қизил қонга белайдиган фалокат келди» леб, ичларидан зил кетиб юришиди. Ёшу қарининг қайси бири сўзласа-да:

— Бундай иш ҳеч бўлган эдими?

— Бундай ҳаракат қайси замонда, кимнинг қўлидан келган эди? Фаразнинг, душманликнинг бу хилда улғайиб, ёнғинга айланганини кўриш ўёқда турсин, эшигтан одам борми?— дейишарди.

Дарҳақиқат, Тўбуқтининг мана шу кунларда ҳаёт юрган кексаларидан қайси бирн бўлмасин, ўз умрида шу хилда қаттиқ зарб бериб, бунчалик талафотга учратган жасоратни кўрган эмасди. Қадим замонларда «Шўр чопқан», «Наймон чопқан», «Бура ҳужуми» деб юритилган, Тўбуқтининг кўп уруғларига катта босқинчиликлар қилган қўшни уруғлар бўлганди. Лекин у, Тўбуқтининг қадимги бўғинлари замонасида бўлган экан. Ўшанда ҳам йилқи олишлар бўлса-да, шу сингари қириб ташлаш бўлмас эди. Нақадар асосли даъвоси бўлганда ҳам, йилқининг фақат ҳисобини тўғрилаш, ҳақини юбормаслик учун баримта сифатида олар эди. Кейинчалик, сулҳга келганларнда, мол туёғи тугал қайтарилиб, ҳақи-пули ўзга бир йўл билан олинар эди. Бу ишни халқ:

— Бу — Бозоралигина бошлаган кескин ҳаракат. Қозоқларда бўлган иш эмас. Сургундан топиб келган йўлига ўхшайди, ўзи!— деган хулоса ҳам чиқаришиди.

— Урганда ҳам чилпарчин қилиб юборадиган ҳақиқий зарб, мард-азаматлар зарби шуники бўлди!— дейишди.

Мўмин, ҳалол ҳалқининг нағарида, Бозорали умрбод жонидан ўтиб келаётган аламга чидаб-чидаб келиб, бутун ҳақини бир йўла чиқариб олгандек бўлди.

Бунинг эвазига Бозоралининг бошига, унинг бу хилдаги ишига қаттиқ ўчакишиган бўйни йўғонларнинг ҳам ҳисоби йўқ. Учлик аввало, Такежон овулида түғилди. Азимбой эс-ҳушини йиғиб олиши биланоқ, Шўлпон атрофидаги қишловлардан уч от сўратиб олиб, йилқи олинган кечаси ҳеч тўхтамай юрганича эл ўрнидан туроётган

пайтда ўз овулига етиб келди. Абилғозининг сўйилидан ёрилган чаккасини қалин рўмол билан танғиб олган бўлса-да, рўмолдан қон ўтиб, қотиб қолибди. Юзига оқиб тушиб қотган қон ҳам ҳали кетмаган.

Азимбой ўтардаги йилқига эндигина борганди. Уша кунги, Шуйгинсуда Жигитекларнинг устига бостириб келиб қўнаётгандардаги можародан бери, Бозорали томонидан бир ёмонлик содир бўлишини кутган кишининг биттаси шу Азимбой эди. Молпараст, хасис бойвачча қаршилик билан кек кутганда, «бир томони йилқига ҳужум қилишдан бошланади!» деган хаёлга борганди. У барча эҳтиёткор, ғаломус қариндошларидан ортиқ эҳтиёткорлик қилли. Бундай масалада, дарҳақиқат, Азимбой оталаридан анча маккор, узоқни кўра биладиган бўлиб чиқди. Мана бугун, ўша куни ўйлаган хатарига ўз-ўзидан, юзма-юз дуч келди.

Икки йилқичи икки қўлтиғидан суюганича, ранги мурдадек оқариб кетган Азимбойни Такежон уйининг ёнига туширганларида, бу овлуга йиғилган Қунанбой, Иргизбойларнинг оқсоқол-қорасоқоллари дув этиб эшикка чиқишиди. Қўрқиб кетганидан шуларнинг кўз олдидা боласининг ёнига ўқдай учиб борган Қоражон дод-фарёд қилиб, урганларни қарғади. Қоражондан кейин боласини қучоқлаган Такежон ҳам ўкирди. Хўрлик кўргани, кеки кетаётгани, Қунанбой-Иргизбойларнинг ер билан яксон бўлганидан шикоят қилди. «Бундай қилгунча бизларни худо олса-чи», «қора ер ёрилиб, ютиб кета қолса-чи!»— деб, «кекимни олиб бер», «сўйилимни ур!» деягандек ёвлик уронини солиб йиғлади.

Худди ўша куни «Қунанбой овулини ёв чопди» деган даҳшатли овозани ўзлари тарқатишди. Хабарчи-ю, чопарларни юбориб, бу воқиани Тўбуқти ичидаги йўғон овлулардам мансабдор, йирик бой, тўраларнинг ҳаммасига етказишиди.

Тўбуқтидаги бу хабар аъёнларнинг, бой овулларнинг қулогига етганида, уларнинг ҳаммаси Бозоралига «ғала-ёнчи», «бебош» деган ном қўйишиди. Эшитишлари биланоқ Қунанбой томонига ўтишга мойил бўла қолишиди.

Ажабо, яна бир жумбоқ ҳол. Ёлғиз Тўбуқти ичидаги Қунанбой томонга жиҳатдош бой-йўғонларгина эмас, қўшини ўтирган Уоқ, Бура, Сибон, Найман, Керей, Қоракесек элларилаги бадавлат-хукмрон овулларпинг ҳаммаси ҳам бир оғиздан Қунанбой томонига ўтишиди. Келгуси тўрт-

беш кун ичида шаҳарга юргурган арзачилар берган хабарларга қараганда, шаҳарга яқин эллардаги бойлар, савдогарлар, бўлислар ҳам Қунанбой томонга қайиша бошлашибди. Дехқон начальниги билан Қазанцевнинг маҳкамасига Қунанбой томонини ёқлаб сўзловчи бўлис, тўра, тилмоч, савдогарлар тўлиб кетибди.

Қазанцевнинг буйруғи билан Семейдан Чинғизга қараб «жигалик почта» чопганича кетди. Бу чопар Чинғизнинг ҳозирги бўлиси — Кунтунинг овулига етганида, бўлиснинг жуда эсини чиқариб юборди. Сариқ қинли қилич тақинган рус стражник билан уезд маҳкамасининг қозоқ чопари Айдаким Кунтуга келиб:

— Ҳозир шаҳарга юр! Уяз олиб кел деди! — деб, ўзгача дағдага билан келди.

Кунтунинг овулида бўлиснинг чақиртириғи билан келган Жиренше, Бейсембилар бор эди. Улуғдан бунчалик даҳшатли хабар келмасданоқ Кунту билан Жиреншелар Бозоралининг ишидан қаттиқ қўрқишган эди. Эс-ҳушларини йигиншириб ололмай, бирор чора тополмай, саросимага тушиб ўтиришганди. Шу можаро содир бўлган куни Кунту бу ишнинг бир томони, оғирликнинг кўпи ҳозир бўлис бўлиб турган ўзининг бошига тушишини ўйлади. Қечагина ўзининг узанги йўлдоши бўлган Уразбой, Аброли, Бўйфулоқларни чақиртирди. Улар Эспўлат, Соқтўғалоқ, Жуонтаёқ сингари сержамоа уруғларнинг мансабдорлари бўлганлари учун «ҳеч бўлмаса, шундоқ кунда ёнимда бўлишар» деб, ўлаганди.

Агар улар худди шу бугун унинг овулида ўтиришса, Иргизбой-Қунанбой томонининг ғазаб ва дағлағасига қарши катта бир далда бўлишар эди. Яна шаҳарда Бозоралининг қўлтиғига неча кун сув пуркаган ҳам ўзлари эди-ку? Шундай бўлгандан кейин, бугун ўша қаршилик, душманлигига қаттиқ турар деб, Кунту умид қилганди. Лекин бугун унинг ёнида бир-иккитагина мансабдор ўтирган бўлмаса, бошқа чираниб юрган йўғонларнинг бирортаси ҳам бўлмади. Чақиртирганда келмаслиги — Кунтуни ёлғиз ташлагани. Беллашиб, кўкрак кериб чиқадиган пайтда биқиниб қолиб, бошини олиб қочгани. Аслида Уразбой, Аброли, ҳатто, мана бу ўтирган Жиренше, Кунтуларнинг ўзи ҳам Бозоралидан бундай ишли кутишмаган эди.

«Қўрқит деганда, шу тахлитда қўрқит деган эдимми! Бу Бозорали кураш бошлагани йўқ. Қучоини тўлдириб, кул-

фат келтириб ташлади. Ҳамкоринг бўлиб келгани йўқ, саргардонлик олиб келди. Қўш-қўш йилқи, минглаб мол яйлатиб ўтирган, мана шу мансабдорларнинг ёйилиб юрган молига эртага оч-яланғоч қашшоқларни шу сингари ёпирилтириб қирдира бошласа, нима бўлади!? Кимнинг бошига келса, осон тутиб бўлади? Бунинг оти — ғаләён. «Балодан машойх ҳам қочипти» деганларидек, ўзи келтирган балосини ўзига ташлаб, бошни омон қолдиришдан бўлак чора йўқ» деб ўйлашди. Бозорали Даркембой билан маслаҳатлашганида:

—Иши менга бошлатмоқчи бўлишди. Балони ўзларига ёпаман!— деган эди. Йўғонларнинг ўз ичидан ўт чиқармоқчи эди, Тўбуқтининг айёрлари билан муттаҳамлари ўзларининг алданганликларини энди билишди. Ўшани билиш билан яна орсиз айёрликка қадам қўйишиди. Уз ҳисобларини тўғрилаш учун Бозоралини ўн ердан сотиб отишдан ҳам тортинимайдиган бўлишди. Озғин айёрлик ҳақиқий сиймосини кўрсата бошлади.

Бу жиҳатларини бирлашиб сўзлашмасалар-да, даставвалги кунлардан бошлаб ўз овулларида ўзларича қарор қилиб, хулоса чиқарган кўп йўғонлар энди жилға-жилғани кўзлайдиган бўлишди. Ўша пайтда Ирғизбойлар томонида отга минган йигирма киши Кунту овулига келиб, дув босиб тушнишиди.

Майбосар, Исҳоқлар бош бўлиб, галалашиб келганлар Кунтуга ўшқирниб, ўдағайлашиб:

—Бўйис сенсан! Бу ишларни қилдираётган ўзингсан! Ё бу фалокатдан бошингни оқлаб чиқасан, бўлмаса мана шу бор ўтга бошинг билан, хони-монинг билан олдин ўзинг жавоб берасан. Исқирти чиқсан Бозоралини билмаймиз. У, саҳрова ёлғиз изғиб юрган кўк бўри. Ўрдаси сенсан. Олганда илдизингдан қирқиб, сени оламиз!—деб келишиди.

Маслаҳат қилгудек ёрдамчиси, суюгудек суюнчуғи бўлмаган оз жамоа Бўкенши элининг куч-қувватига ишона олмаган Кунту, мана бу Ирғизбойлар келиши биланоқ олдиларига тусиб йўрғалаб, пилдираб кетди.

— Айтганингни қил. Қўлингдан мени оладиган киши йўқ. Ўртага тушадиган ҳам йўқ. Уни излаб ҳам ўтиrmайман. Фақат Жигитеклардан, Бозоралн балосидан мени овлоқ чиқарип қувала. Унинг балосидан мен четдаман, жоним!— деб ялиниб, ёлворди.

Лекин, Мойбосар билан Исҳоқ унга бўлисликни асти рано кўрмай, қаттиқ кек сақлаб юришарди. Энди уни қўрқитиб, буқинтириш устида «чангалимни сендан бўшатади деб ўйлама!» Сен бўлис бўлмасанг Бозорали келар эдими? Худодан бошқанинг кори ўтмаган Қунанбой қўшига бориб чанг солишга Бозоралининг ҳадди сиғар эдими? деб, баттар исканжага ола бошлиши.

Уртадаги хиёл эпақага олиб келган ягона бир гап: Кунту шаҳарга боради-да, ўзи илтижо қилиб, бўлисликдан тушади. Бир шарт шу бўлди.

Дарғазаб ўязнинг Қунанбой томонини суюшлиги яна маълум. Ўнинг «жигалик почта арава» қанотида ётиб илондек пишқириб қилаётган дағдағаси анави! Шу сингари икки биқинидан сиқаётган устма-уст қийноқ ичиди, гумбаздек симиз Кунту бир ҳовучгина бўлиб, буришиб кетди. Кечаси уйқусидан айрилди, кундузи овқатдан қолди. Дамба-дам қора терга тушиб, катта-катта кўзлари аланглаб, рангги ўчиб, бир хил бўлиб кетаварди. Шунинг билан танасида қолган учча-мунча эсипи йигиштириб, Қунанбой болаларига: «Бўлисликдан тушаман, муҳрингни ўз қўлингга бераман. Бозоралини «элда ғалаён кўтарувчи» деб ёмонлаб, қоралаб кўрсатиб тушаман. Жон ака, фақат жонимни омон қолди!»—деган хўрлик, қўрқоқлик шартларини бериб, қўш от билан шаҳарга чопди.

Худди шу ғала-говур куиларда Такежон овуляда яна бир кутилмаган нотинчлик юз берди. Бу заҳмат одамдан эмас, кўкдан — ҳавонинг бузилишидан бошлиши. Қўшни овуллар қишловларига жойлашиб, иссиқ уйларга кириб олишган бўлса-да, Такежон билан Азимбой қашшоқ овулларнинг қишилик қўригида мол яйла-тишни маъқул кўриб, кўчмай ўтиришганди. «Бало шулардан чиқди» деб ўчакишиб, молини ўз қишловига юбормай, қашшоқларнинг қишлов-қишловининг устига ёпирилтириб, ўтини пайхонлатиб, елириб ўтираверди. Ҳозир бу ерларга қор тушмагани учун қора совуқ қанчалик қаттиқ бўлмасин, чидаб келаёттир.

Ўз ерини қишига сақлаб, бошқаларнинг ерини ўлжа қила туриш — шу сингари ҳисоб билан иш тутадиган, қашшоқларга қастлашиб олган моли кўп овул учун айни мудда-да. Йўғон овул шу сингари талафотта учраган аламли, можарали кунларда, аввалги ҳисоб ишларини энди ғам-ғуссали бўлиб қолганлик баҳонасига

йўйиб ўтирибди. Бундай кишилар сўнгги нафасигача, ажал олиб кетаётганда ҳам, ўша ажал билан аразлашиб-ёқалашиб, касрини теккизиб ўлади-ку.

Бироқ шу гал, Такежон билан Азимбой ҳаром ҳисобга қашчалик хирс қўйишмасин, ўша ҳисоб чекдан ошиб кетиб, офатга ўзлари атайн йўлиққандек бўлишиди.

Қисқа куз куни кеч кира бошлаган пайтда, йироқдаги Чинғиз тоғининг илон изи бўлиб ётган чўққиларига қуюқ қора булут қўнаверди. Хиёл вақт ўтар-ўтмас ўша булут кўпайиб, кўтарилиб, қатланиб, ёйилиб, кўк саҳнининг бир томонини қоплаг болди.

Булутниң Азберген, Шуйгинсуга қараб келаётган томони мудҳиш қиёфали, қаттиқ ғазаб сингари ҳамла қилиб яланиб, ҳалқа қуриб келаёттир. Тоғдек катта қора булут, бир лаҳзада пайдо бўлган оқ булут билан олишаркан, тулашиб кетиб, олға ташланиб юлқинаёттир. Дам ўтмай говгум тортиб қоронғилашиб бораётган осмонда тоғлар қутириб, олам офати бор ғалаёнини ҳайдаб келаётгандек бўлди.

Ҳамла қилиб келаётган ўша қора булутларнинг совуқ нафасидек, учар хабарчисидек бўлиб, шамол туриб кетди. Узлуксиз эсаётган довул ели тобора кучайиб, совуғига чидатмай, кўз очирмай, қаҳри-заҳрига олди кетди. Бу чоқ жамийки мол овулга тиқилиб, ноҷоргина омонат қўраларни паноҳ тортиб туришганди. Бугун бир лаҳзада қош қорайиб, тун қоронғилиги босди қўйди. Энди булут қиёфаси, осмондаги ур-йиқит кўринмай кетди. Фақат шамол энди довулга айланиб бўкираёттир.

Атрофдаги қўғалар, чангллар шувиллаб, шамол ғувиллаб, чинқириб, олам тўс-тўполон бўлиб бораёттир. Тун қоронғисидан, совуқ бўрондан чўчиётган моллар маърашиб, мўрашиб, итлар тинмай улишиб, ҳуришинб, овулда яна бир уввос ҳукм сурди.

Такежон, Азимбойлар иссиқ кийиниб олишиб, тинмай ҳайқириб, буйруқ қилишаёттир.

— Ҳаво қаттиқ бузилаёттир! Эҳтиёт бўл!

— Молга эҳтиёт бўл, чиқиб кетмасин!

— Омонат қўрага қараб туринглар. Молбоқарлар, хотинлар, ҳамманг эшикда бўл!

— Чиқ ҳамманг эшикка!.. Молдан кўз олма!..

— Омонат қўра қулаб кетмасин!.. Молга эга бўлмай қоламиз!..— дейишиб, саросимага тушган бойлар ҳайқиришаёттир.

Молни ўртага олиб туриш учун, бир-бирига яқин ўрнатилган ўнтача ўтовнинг барча эркак-хотини болаларигача ҳайдаб чиқиб, қўранинг чет-четига қўриқчи қилиб қўйган Такежон, буларга яна:

— Ҳай-ҳайлаб туринглар! Ҳайт-ҳайт деб, молни қайириб туринглар! Мол қора тортиб турсин. Бўри... Бундай пайтда яна бўри қириб кетмасин, ҳайқир, товуш бер ҳамманг! Ҳайқириқни узманглар!— деганича ҳар ердаги одамларга қаттиқ буйруқ қилиб, тинмай кезиб юрибди.

Ҳозир бу овулдаги соқчи, мол соғувчи, туячи, ўтинчи, ошпаз — ҳаммаси — йиртиқ кийимларидан шамол ғириллаб ўтиб, калтирашганича бой молининг кетида юришарди.

Кун бўйи қора совуқдан қотиб, титраб-қақшаб келган Исогина ҳозир уйда, асти исинолмай дилдираб ўтирганди. Унинг аҳволини кўрган онаси — Ийс бойларни қарғаёттири:

— Совуқда қотиб ўлар бўлдинг-ку, нури дидам, касофатларнинг молини деб! Қўйинг қуриб кетгурларнинг қўйи нега қирилмайди-а. Йилқисига ўхшаб... Үл-а! Ҳеч бўлмаса ичингга иссиқ кирсинчи!— деб, қуруқ чой билан қотган қурутни боласининг оғзига тутаёттири.

Уйда дурустроқ исинарлик олов йўқ. Қўхна кулбанинг тешик-тешигидан изиллаб шамол уриб, бошпанани босшана эмас, кимсасиз саҳродек музлатиб турибди.

Бемор келин қовоини солиб, иккита кичкина боласини эски гуппининг икки бағрига тиқиб, қучоқлаб ўтирибди.

Исо ҳам келганидан буён болаларига ачиниб, дамбадам оёқ қўлларини қимтиб-ўраб қўйган бўлади. Онасининг оҳи-зорига қўшилиб:

— Тепангдан ургур йиртқицлар, қанча-қанча қашшоқларнинг ерини ямлаб ютаман деб, қўрмайсанми! Ёнгикасида турган иссиқ қўрасига кўчмай, сарсон қилаётганини қара-чи! Қирилгурлар яна бир офатга учармиди! Хотин-болам, кекса онам, сен шўрликлар совуқда қотиб ўлар бўлдинглар-ку!— деди.

Шу чоқ уй олдида ҳайқираётган Такежоннинг товуши эшитилди. У мана шу овулдаги ҳамма уйлардан мол қўриқлашга чиққанларнинг ҳисобини олиб келибди. Фақатгина Ийснинг ўйидагилардан бошқаларнинг ҳаммасини ҳайдаб чиқибди. Энди буларнинг чиқмаганини билиб ҳайқираёттири:

— Бу уйдагилар нега чиқмайди, қирилиб кетганими ҳаммаси?! Нима қилиб ўтирибсан, ҳой Йис! Йис!..

Йис юрганича эшик олдига келиб:

— Исо кун бўйи қўйда юриб, жуда совуққотиб келди, бир-икки хўплам иссиқ ичсин деган эдим... Чиқади,— деди.

— Чиқ, тез чиқсин! Мол хавф остида қолди... Бўл,— деганда ғазабли бойнинг қаҳрига дош беролмаган Йис, эски тўнини эгнига илар-илмас, шошиб чиқиб кетди.

— Мана, чиқдим, ўзим чиқа қолай... мана, мана ҳозир, чиқдим,— деганича Исонинг «борма, ўлмоқчимисан, ўтири!» дейишига ҳам қулоқ солмай кетаверди.

Исо ўчиб қолган оловнинг дамига бўлса-да, тиқилиб, бир ёни билан орқасини ўчоққа бериб, кийими билан ёнбошлади-да, бир оз ором олмоқчи бўлди. Хотини ва болаларига ачиниб бутун меҳри-шафқати билан юпатиб, «бир оз кўз илинтириб олингларчи, тинка-мадорларинг хам қуриб кетди-ку, жуда!» — деб, ёнига ётқизди. Иккала боласини хотини билан ўзининг ўртасига олди, чурук кўрпа билан ўраб-чирмаб қўйди. Асан эслироқ бўлгани учун ҳа деганда ухлай олмади. Безовта бўлиб, шамол увиллаб эсган сайнин отасининг бағрига тиқилиб:

— Оға, оғажон, уйни йиқитиб юбормайдими, қара, қандай қаттиқ бўрон бўлаётир!. Уйни қарачи, қимирлаб кетаётир-а, уйни йиқитиб юборса нима қиласми?— деди.

Дарҳақиқат, анчадан буён кичкинагина кўхна ўтовнинг ҳамма ёғочлари қисирлаб, чанғароққача ўйноқлаб, ўтовнинг йиртиқ намати дилдираб, увиқ керагаларга урилаётганди. Лекин ноchor, ғарифона бошпана, уввос солиб тўрт томонга югуриб эсаётган кучли бўрон, ғазабига олаётган довул остида қўрқиб кетгандек қасир-қусир қилиб қалтираб, учиб кетай деб турганди. Исонинг ўзи ҳам ичидан: «Бу бўрон уйни йиқитиб юборадими!» деб хавф олаётган бўлса-да, боласига ишончли жавоб қилди:

— Уй йиқилмайди, маҳкам ўрнатилган. Ухлай бер қўзим! Қани, ухлай қол!— деди аллаалаётгандек киштига қоқиб.

Қанча вақт ўтгани маълум эмас, Исонинг кўзи илиниб кетган экан, бир маҳалда онаси келиб:

— Вой, нури дидам Исо, қўй қочиб кетаётир... Қўра қулаб кетди. Азимбойнинг фифони фалакка чиқиб, сени чақираётир,— деди.

Исо ўрнидан туриб онасига:

— Ана мен кетдим. Лекин, ўзинг энди қўзғалма! Уласанми биратўла, усти-бошингни муз босиб кетипти. Ёт, мана менинг ўрнимга ёта қол!— деб, қўярда қўймай онасини ўз ўрнига ётқизди-да, ўзи кора чўқморни олиб, уйдан отилиб чиқди. Шу чоқ Такежон билан Азимбой ҳақорат қилганича уни излаб, ушинг ёнига келиб қолишган экан.

— Қаерда эдинг кўппак, нега ётасан, ит!— деб, Такежон ўшқириб юборди.

— Ийе, ахир мен кун бўйи молда юриб келдим-ку.

— Бунинг гапига қара... Отангни.. Үчакишганини қара буни, биратўла йўқотай сен итни!— деб, Азимбой ўхталиб келди.

— Дам олмай, ўлайми энди!— дейиши биланоқ Азимбой йўғон таёфи билан карс эткизив, елкасига тушириб қолди. Яна айлантириб урмоқчи бўгланида Исо унинг таёғини ушлаб қолди.

Олишаётган Азимбой энгашиб келганда, қоп-қора соқоли кўэга ташланиб турарди. Қоп-қора юзида иржайған тишлиари ҳам машъум йиртқич сиймосидек ялт этиб кўриниб кетди. Чеккасидаги ярани танғиб олган оқ рўмоли ҳам бадфеълнинг ғазаб чамбарига ўхшарди. Башараси қоп-қора алвастига, ёвузд-йиртқич бир балога ўхшаб кўринарди. Исо таёқни қўйиб юбормай, олишиб турганда Такежон келиб ўғлини босиб қўйди.

— Бор, Исо, бир гала қўй бўронда йўқолиб кетди. Қўл қўй бўлинниб кетди. Югур, югур тезроқ, орқасидан бор-чи... Бўл илдам, тезроқ бор-чи!— деди

Исо, Азимбойни таёфи билан қўша итариб юборди-да, юрганича кетди. Қўлида чўқмор, эгнида эски чопон. Оёғида йиртиқ, илма тешик этик. Юрганича бораркан товонидан сув ўтганини гезди. Лекин, унга парво қилмади. Адашиб кетган қўйларнинг орқасидан, бегуноҳ жониворларга ачинганидан юрганича кетаверди.

Овулдаги қўйлар ҳам бўй бермай бўлинниб қочгудек бўлиб, безовталанаётир. Шунинг учун эркагу хотин ўша беҳисоб қўйни қуршаб олиб ҳай-ҳайлаб, қўриқлаб туришибди.

Исо орқасидан қувиб кетган қўйларнинг сонини ҳеч ким билмай қолди. Ҳар қалай, омонат қўранинг ўртасини бўрон қулатиши биланоқ, бир гала қўй ҳуркиб, бўй бермай дув уриб кетгани маълум. Орқасидан қувиб борадиган одам ҳам бўлмай қолди. «Орқасидан ким боради?»—

деганда, Такежоннинг эсига Исо тушиб, Азимбой иккови қўша югуришганди.

Исо, қўйлар товушни қора тортсин деб, яна бўри келаётган бўлса одам товушидан ҳайқсин деб, бўрон ҳайдаб кетган қўйлар орқасидан тинмай қаттиқ қичқириб, югуриб кетаверди.

Энди қараса, қаттиқ довулнинг устига жадаллаб ёмғир ҳам қуиб юборибди. Дам ўтмай ёмғир майда тикондек қорга айланди. Қўли билан бўйни, юзининг очиқ жойларига тегаётган майда қаттиқ қор темир заррасидек, юзларча игнадек санчилиб, урилиб ёғаёттир.

Қўй қандоқ чидасин! Ўша қочганича бошини қуии солиб, шамолга орқасини бериб, бир-бирини паноҳ тортиб, югуришиб кетишаёттир. Исо қичқира-қичқира ўпкаси узилган пайтдагина, қочиб бораётган қўйларни қувиб етди: «Ҳайт-ҳайт»лаб орасига кирмоқчи бўлган эди, совуқ қотиб бир-бирига сиқилишиб югуриб кетаётган қўйлар йўл бермади. Шундан кейин, қўлидаги таёғи билан четдаги қўйларни қайтара-қайтара бориб, олдини тўсди. Шу чақ юзи бўрон алансига қарши боққандагина довулнинг қанчалик қаҳри-заҳрига олаётганини билди. Кўз очирадиган эмас. Қаттиқ эсаётган музлик довул ёқасини очиб юбориб юзи, бўйни, кўкраги, қўлларини қақшата бошлиди. Шунда ҳам қўйни қайтармоқчи бўлиб, ҳайқирганича дам жеркиб, дам «ҳайт-ҳайт!» деб қаттиқ уринди. Бошини бекитишга мажбур қилаётган кучли бўрон баъзан ўзини ҳам қулатиб юборай дейди. Шошганича ёқасини қимтиб, қўйни энди қайтариб олган эди. Шу чақ чап томонидан галалашиб, қоп-қора бўлиб жўш уриб, бир тошқин отилиб чиқди.

Исо бир ерга тўплаган қўй элликтacha эди. Ўша қўйлар энди тўс-тўполонга учраб, маърашиб, дув этишиб атрофга тўзиб кетишиди. Исо эндиғина фаҳмлади. Ҳалиги отилиб келаётган қора тўда, мудҳиш тошқин, шундай пайтда ёпирилиб келаётган беомон ёв—бўри тўдаси экач. Бу тўданинг ириллаб-ғижиниб, тишларини қарсиллатиб, қутуриб келаётгани билинди. Атрофида тўзиб юрган қўйлар гўё ёлбориб Исодан ёрдам сўраётгандек маърашаёттир. Бойнинг моли, Азимбой итнинг моли бўлса-да, шўрлик қўйларда нима гуноҳ бор? Ёшлигидан шу сингари ювош, беозор жониворлар билан ёнма-ён ўсган Исонинг қўйлар аҳволига жуда раҳми келди. Эс-ҳушини ҳам йиғиштириб олди. Ўзига ҳам ажиб туйилган, бир кучли

ғазаб ичидаги тайратга кириб, ҳайқирганича бўриларга ташланди.

Елғиз, унинг устига, пиёда юрган Исоға, қўйларга қарши ҳамла қилаётган бўри бешта экан. Булар Исонинг ҳайқирганини писанд қилмай, физиллаб ёнидан ўтиб, қўйларга ҳужум қилишди. Исо бўриларнинг орқасидан ўқдай учидаги бориб ташланди. Олдиндаги оқиш бўри мана шу тўданинг снаси—урғочи бўри экан. Бориши биланоқ бир совлиқни олиб урди. Бошқалари яқин атрофда ўёқдан-буёққа зир югураётган қўйларга ташланисхди. Исо энди бўриларнинг ҳайқириқ-бақириқни писанд қилмаслигини билди-да, бошқа бир чорага киришди. Катта қўйни олиб урган йиртқич, типирчилаетган қўйнинг бўғизини юлқилаб-юлқилаб, титиб ташларкан, эндигина бошини кўтарган эди, шу он дамини чиқармай борган Исо чўқморини айлантириб туриб оқ бўрининг қора тумшуғига тушириб қолди.

Қизишиб кетган йигит чўқморини яна бир айлантириб урмоқчи бўлганида, ҳалиги бўрининг тўсатдан ўмбалоқ ошиб тушганини кўрди. Бўри бўққан қўйнинг боши ёнига бўрининг ҳам боши шилқ этиб тушди-ю, сулайиб қолди. Ит ҳам, бўри ҳам тумшуғига теккан таёқни кўтара олмаслигини Исо кўпдан биларди. Шуни ўйлаб бўрининг орқасидан урмай, кўзлаб туриб тумшуғига туширган эди. Энди ўз-ўзидан хурсанд бўлиб: «Ана керак бўлса... Ажаб бўлди... Ет энди!» деб, яна икки-уч марта тумшуғига уриб-уриб юборди.

Қўйлар жон титроғида. Довулни ҳам, қочишни ҳам уннутишган. Ўти ёрилиб кетган жониворлар дам у томонга, дам бу томонга қочишади. Ҳар қочганда орқаларига тушган бир бўри битта қўйни олиб йиқитади. Хиёл типирчилатиб ағанатади-ю, яна бошқасига интилади. Бундай пайтда, кўп қўйга ҳужум қилганда битта бўри бўлсин, кўп бўри бўлсин очкўзлик билан ёпишади. Аввало, фақат ўлдираверади. Гўё бутун умрига озиқ ҳозирлаётгандек, кўпроқ қиришга тиришади. Ҳозир ҳам тўрт бўри ўша одатини қилаёттир. Бирорта қўйнинг қорнини ёриб, мириқиб егани, бир қултум қонини ичгани йўқ, фақат қираёттир.

Югуриб келаётган Исони паноҳ тортдими, қўйлар қийғос маърашиб, унга қараб дув ёпирилишди. Буларнинг орқасидан ирғиб-отилиб этиб келган бир бўри Исонинг интилишига ҳам қарамай, ёнгинасидаги қўйларнинг орасини ёриб кирган эди. Исо яна кўзлаб туриб қора

чўқморини айлантириб уриб қолганда, бу бўри ҳам ўмбалоқ ошди. Бу кичик бўри эди. Аввалги оқ бўрининг шу йил катта қилган учта бўриваччаси ҳозир олгир, очкўз бўри бўлиб улғайиб, шу ҳужумга қатнашганди.

Исо бу Сўрини ҳам уриб, тумшуғини мажағлаб, сулайтириб ташлади-да, яна интилди. Энди қўйларга паноҳ бўла олмаса-да, ўзининг бўри тўдаси билан ёлғиз олишиб, бирма-бир сулайтираётганидан ўзи завқланди. Утдек қизиб, қайнаб кетган вужуди на қақшатиб бораётган совуқни сезади-ю, на совқотади. Вужудида ашаддий душманига қарши қўзғолган кучли жасорат, зўр ғайрат, қайтмас маҳорат, чексиз мардлик бор экан: «Ўлиб кетаман, пиёдаман, ёлғизман!» деган гаплар хаёлига ҳам кириб чиқмайди. Хатарни мутлақо унутиб юборган. Фақат тишин-тишга қўйиб, олишишга, тал тортмай курашга ташланишга бел bogлагan. Жанг ҳумор қилиб яна интилди. Югуриб қўйларнинг олдига етиб келганида, яна бир кичикроқ бўри бир қўйни юмалатиб қолди. Энди тумшуги тўғри келмаса-да, орқасига қайрилиб юлқинган бўрининг орқа миясига бир солиб қолди. Бўри «хап» этиб ташланиб, гангид-гандираклаб келаётган эди, оловдек ёниб, жўшқин жасоратга тўлиб кетган Исо, яна устмавуст уриб, буни ҳам жойлади.

Қўйлар ҳамон маърашганича Исонинг атрофини қуршаб, эир югуришаёттир. Энди бир нафасдан кейин, анчагина қўйнинг томоғини ғажиб, қириб ташлаган тўнкадек эркак бўри келиб, қўйга чанг солиб қолди. Қон ҳумор қилиб қўзи туманлашиб кетган йиртқич, Исони кўрадиган эмас. Бу мана шу бўрилар тўдасининг қонҳўр бошлиғи эди. Боядан бери ёлғиз ўзи кейинчалик емоқчи бўлиб, ўнта қўйни бўғизлаганди. Зулмат кеча бўлса-да, қўзи ўткир Исо, бу бўрини асти дуч келтиролмай, тишини қайраб юрганди. Ҳозир ўша йиртқич бир катта қўчкорни кўтариб уриб, босиб олди.

Дамини чиқармай олишаётган Исо етиб келганда, ёли кўк баҳайбат эркак бўри, яна ён томонидан дуч келмай, орқа томонидан тўғри келди. Исо ҳалиги ёш бўрига қилган ҳаракатидай ҳаракат қилиб, чўқморини айлантириб туриб орқа миясига тушириб қолди. Бўри ўша он қўйни ташлаб юбориб, бутун вужуди билан «дур» этиб, Исола таппа ташланди. Чаккасидан шириллаб қон оқиб бораётган бўлса-да, бу йиртқич кучли экан. Ўқ текканда, яра-

дор бўлганда, баттар ғазабланиб, одамга даф қиладиган бўриларга хос ҳаракат қилди.

Яқиндан сапчиган тойдек бўрини яна уришнинг, чўқмор ишлатишнинг иложи бўлмай қолди. Кони қайиаб, ғайрати жўш уриб кетган мард-азамат энди чўқморни кўндаланг тутиб туриб ташланди. Иргиб келаётгандан, болғадек тишлари қарсиллаб келиб «хап» этган бўри Исонинг чап елкасидан олди. Исо эпчилик билан чап бериб, юлқиниб қолган эди, бўрининг тиши этига етмай тойиб кетди. Лекин эски чопоннинг бир енгини елкаси аралаш пора-пора қилиб юлиб тушди.

Исо юлқиниб, узилиб тушган енгидан қўлинни суғириб олди-ю, қаттиқ ҳайқирганича даҳшат билан чўқморини айлантириб бўрини яна бир уриб қолди. Бироқ шошиб урилган чўқмор бўрининг тумшуғига тегмай, орқа миясига тегди. Яна бўрининг кўзини қоплаб шириллаб қон оқа бошлади. Ҳаракатлари хиёл бўшашганлигига қарамай, бўри яна Исога тикка чанг солди.

Исо: «Ўлсам ҳам, қолсам ҳам тақдирим сен билан бўлди, келсанг келақол-чи, қани!» деган қарорга келди, чўқморини ташлаб юбориб, то бўрининг тиши танасига етгунча, бир лаҳзада қўш қўллаб, йиртқичнинг ҳалқумидан олди ва ғижимлаб сиқди. Бўри қанча уринмасин, иккита орқа оёғидагина тургани учун барваста, қайсар йигитни йиқита олмади. Исонинг ўзи ҳам чираниб, тиржайиб, тишини тишига қўйиб олганича темирдек чангалини бўрининг ҳалқумидан бўшатмади. Бўрини тираб бўғаркан, қаттиқ ҳайқириб дағдаға қила бошлади. Юзмаз юз тўқнашиб, хириллаганча тишини қарсиллатиб турган йиртқич ажалдек кўринса-да, бирор марта эти жимирашмади. Бўрининг бошидан тирқираб оқиб бораётган иссиқ қон Исонинг қўлини қўйиладиган эмас. «Даҳшатга солиб, чўчисин» деб Исо ҳайқириш, ўкириш, дағдағага зўр берадетир.

Қанча вақт ўтганини билмайди. Олишишдан билаги, бармоқлари толиб, ўзи ҳам энди суриниб, йнқилиб кеттудек бўлиб, тинка-мадори қуриб бораётган пайтда Исога ёрдам келди.

Исонинг орқасидан овулдаги қашшоқлардан Қолғбоқни ҳам юборишган экан. Ўша энди келиб етиши билан Исонинг товушини эшитиб, юргурганча келди. Толиқиб кетган Исо:

— Ур, юрагига ипчоқ ур! — дея олди, холос.

Қонгбоқ қора пичогини қинидан суғириб олиб, сапчиб турган бўрининг юрагига уриб-уриб юборди. Шу бўлди-ю, тойдек йиртқич толдек синди-тушди.

Уша пайт Исо ҳам шилқ этиб ўзини ташлаб юборди. Бор иродаси-жасорати, баҳодирона қуввати бир жўш уриб, ғазаби қайсарликка айланиб, энди мадори қуриб кетибди. Одамнинг кучи етмайдиган курашдан тинкаси қуриб кетган экан. Чап қўли, елкаси, бикини аралаш музлаб, тошдек қотиб қолибди. Шилқ этиб ўзини ташлаб юборган йигитнинг аҳволини англаган, илгари сирдош-мунгдош бўлган Қонгбоқнинг Исолга жуда жони ачиб кетди. Ўз устидаги бир қават чакмонини ечиб, Исони ўраб-чирмаб қўйди. Исо бир оз эс-ҳушини йиғиб олгаңдан кейин, иккови омон қолган қўйларни бир жойга йиғишиди. Элликта қўйдан ўн бештасини бўрилар талабди. Унинг эвазига тўрт бўри ўлдирилибди.

Бешинчи бўри — ёш бўри эди. У бошқа бўрилар қўй ичиди йўқ бўлиб кетгандан кейин ўзиёқ қочиб кетди. Ўн беш қўйнинг ҳаммаси ўлган эмас, ярми томоғидан, думбасидан жароҳатланган экан. Бу чоқ тонг ота бошлаб, бўрон ҳам анча сусайган эди. Ер оқариб қор тушиб қолибди. Энди бир оздан кейин Қонгбоқ билан Исо қўйларни овулга ҳайдашди. Тўрт бўрини иккита-иккитадан боғлаб, сургаша-сургаша қўйлар билан бирга овулга етказишиди.

Такежон овулнинг бошига тушган аввалги кулфат бу кунларда эл ичига тарқалиб кетган миш-мишлар, олди қочди гапларнинг боиси эди.

Энди «ўша овулнинг қўйини бўрон ҳайдаб кетибди», «кўп қўйини бўри қириб кетибди» деган турли-туман гап яна бутун элга тарқалди. Лекин, бу миш-мишлар орасида қўйичивон Исонинг ботирлиги, пиёдалигига қарамай тўрт бўрини ёлғиз ўзи ўлдиргани, молга ачиниб кўрсатган жасорати, ботирларча ғайрат қилгани бошқа хабарлардан устун чиқди. Исонинг тойдек эркак бўри билан шаппа ушлашиб ўлгунча ёқалашгани, қимирлатмай ушлаб туриб ўлдиргани — ҳаммаси бу теварак-атрофда бу замонда мисли кўрилмаган мардлик фазилати сифатида тарқалди.

Такежон билан Азимбойнинг ҳамма молбоқарларга — хизматдаги қўшниларга қиласидиган тош бағирлиги, қасдлик, итлигини биладиган қашшоқлар:

- Шунда ҳам қадрига етади дейсанми йиртқичлар.
- Эсиз азamat, золимнинг бўсағасида чирияпти.
- Уша бўрига сарф этган кучини Азимбойнинг ўзига ҳам бир ишлатармиди, ҳайвон учун шунчалик қилиши меҳнатими, ёки мардлигими? Беҳуда кетган меҳнат-ку,— деб, баъзилар чуқур мулоҳазаларга ҳам боришарди.
- Нима қилсин, бегуноҳ жониворларга раҳми келган-да... қараб туриб бўрига талатиб юборишга кўнгли бўлмаган-да,— деб Исонинг кўнглини билиб сўзловчилар ҳам кўп бўлди.

Лекин, бу гапларнинг ҳаммасини Исонинг қулори эшитгани йўқ. Чунки, довулдан уч кун кейин Исо қаттиқ бетоб бўлиб, кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб қолди. Ҳозир у бўз уйда эмас, кичкинагина, тор ер уйда ётибди. Уйнинг қади ҳам паст, исдан қорайиб кетган қинғир-қийшиқ тоқи териб ёпилган. Тоқи орасидан эски қамишлар осилиб турган кўхна бир кулба. Такежоннинг қўй қўраси мана шу қўйчиконнинг уйи деб аталадиган кулбанинг эшиги олдида эди. Ҳар эшик очилганда, уйига фақат қўйнинг қўланса тери билан қийдан кўтарилаётган ҳид киради. Кечакундуз мана шу оғир шиптирилган ҳиди киради-ю, соғ ҳаво кирмайди.

Бу уйнинг ости зах, тошдек қора ер. Дераза ўрнида, бой уйининг синган деразасидан бир бўлагини ёруғ тушадиган қилиб, гувала орасига ўрнатиб қўйилган. Фурбатга чўккан кулбанинг ҳар бурчагида қамоқхонадаги сингари ғамгин қоронғулик ҳукм суради. Тўрт томон левори сувоқ қилинмаган. Қора балчиқ билан чаплаб қўйилган. Печкаси йўқ, қоронғу гўрдек зах уйнинг бир бурчагида хунук ясалган ўчақ бор, холос. Мўмин, беозор оила шу уйга кирганига ҳам хурсанд. Кечакундуз устиларидан изиллаб эсадиган шамолдан, қаттиқ совуқдан хиёл қутулганларига шукур қилишади.

Довул бўлган куннинг эртасига «яна бир оғат етадими» деб молидан хавф олаётган Такежон қишлоғига кўчганди.

Шулар қатори, йил сайин шу овулнинг чўпони турдиган мана шу уйга Ийс ҳам кўчиб кирди. Сўнгги марта кўчиладиган кундан бошлаб Исонинг мадори қуриб, боши оғирлашаверди. Қишлоғга кўчилган куннинг эртасига, кечга яқин қаттиқ инқиллаб, гуп учди.

Дард бошланишиданоқ иситмаси ошиб, нафаси сиқилиб, бетоқат бўла бошлади. Кўп вақтлардан буён кундуз-

лар ўз уйида бўлмайдиган Исо ётиб қолган куннинг эртасига дарди оғир бўлса-да, оиласининг, жонидан азиҳ яқинларининг кечираётган ҳаётини кўриб ётди. Ичи зарари ғуссага тўлиб, сиртга чиқара олмай, касал ётган жойида қовоғини солиб, юз тўлғонди. Молдан биттагина кўк сигири бўлиб, у ҳам сутдан чиқиб қолган эди. Бошқа озиқ-овқат йўқ. Кекса онаси тонг отиши биланоқ чой ўрнига сув қайнатиб, қотган қурутни ўша сувга ивитиб, талчиқ қилди. Иккита бола ўйнамайди ҳам, кулмайди ҳам. Бурчак-бурчакда ота-онасига филт-филт қараб қўйнишиб, ўша қуруқ сувни таңсиқ овқатдек ичиб, кўнишиб ўтиришибди.

Дардга чалиниб қолган хотини увадасини ямаб ўтириб, йўталаверади. Ўйдагиларнинг қўёз тутадигани Иис, унинг бой уйидан келишини бўлар-бўлмас умид билан кутишади. Кекса эна шўрлик куздан буён бойларнинг терисини ийласа, энди Қоражоннинг буйруғи билан юнг саваб, пилта ўраб, ип йигириб, арқон эшишга киришган. Қоражон қишин-ёзин шу сингари ишлардан бир нафас кампирнинг қўлини бўш қўймайди. Ҳозир яна ўша ишга согланди. Кун бўйи бой уйида қаддини кўтармай меҳнат қиладиган Иис ҳар куни кечқурун қош қорайган пайтда келганида, уйдаги жўжаларига овқат олиб келарди. Бойнинг дастурхонидан, ош-сувидан қолган-қутган, шўрвапўрва, суяқ-пуюқ, мөфорлаб қолган буғдој, қотган пинилоқ сингари унча-мунча нарса кўтариб келган бўларди. Бу оиласининг насибаси шу эди.

Исо баъзан ўзига келган пайтларида бу аҳволни кўриб кўп уҳ тортарди. Кўксини бир томондан дард, бир томондан мана бу аламли ғусса сиқиб, аъзойи-баданини тирнайверарди. Кечқурун онаси келиб, хўрсиниб ёнига ўтириши биланоқ, қалбини тилкалаётган аламни яшира олмади:

— Оҳ, онажоним, хўп азоб кўрдинг-ку! Кишининг бўсоғасида хор бўлдинг-ку, энди ҳолинг нима кечади?.. Эртага... Армонда кетаманми...: Ҳеч бўлмаса сенларни ҳайвон эмас, одам дегудек бироннинг бўсоғасида ҳам қолдирмадим-ку!..— деди.

Онаси билан хотини Исонинг гапидан чўчиб, зор йиглашди. Иккovi ҳам дард чангалида ётган азизининг босини қучиб, қўлларидан ўпиб, ўқсиб-ўқсиб йиғлаб юборишиди. Икки гўдак ҳам чўчиб, йиғлашди.

Исо дардининг оғирлигини билган кўринади. Ка

салнинг бешинчи кунида иситманинг зўридан жони ҳал-қумига келаётгандек бўлди. Бетоқат қилаётган оғир дард эслан айриб, алаҳлай бошлади. Гезариб кетган лаблари бир нафас тинмай нималарнидир пичирлайди.

Ич-ичидан зил кетиб, қўрқаётган онаси билан хотини энгашиб юзига тикилганда, тинмай олишаётган, уришаётган ғазабли сўзлар эшитилгандек бўлади. Нима деяганини англаб бўлмайди. Ким биландир қаттиқ айтишиб. олишаётганга ўхшаб, баъзан унинг товуши қаттиқ-қаттиқ чиқиб қолади.

Бу чоқ Исо ҳамон ўша катта бўри билан олишаёттир. Кўзи ярим очилиб ётган бўлса-да, ўша ёвуз бўри сапчиб, ҳамла қилаётганини кўради. Оғзи катта очилиб, сўйлоқ-сўйлоқ тишлари иржайиб, энди хап этиб қонли озиқ тишини Исонинг юзига ботирай деб турган беомон ёви... Дам ўтмай бўрининг чаккасидан қон оқиб, кўзларни кўмиб кетади. Яна бир қаттиқ қийналиб кетган чоғида, бўрининг қонли чаккасига рўмол танғилиб қолади. Катта очилган оғзи, ажалдек совуқ тишлари, иягининг остига қоп-қора соқол битиб қолади. Бўрининг оғзи, қипқизил лаблари ҳаракат қилиб, Исони қаттиқ ҳақорат қилиб юборади... Таёқ билан уриб ҳам қолади. Исо олишиб, таёқни маҳкам ушлаб олади. Таёқ талашиб турган бўри, бирдан ўша оғзи, тишлари билан Азимбой бўлиб қолади. Уни уриб-сўкиб, душмандек ўчакишиб ҳайдаган Азимбой, энди ўша йиртқич эркак бўри билан галма-гал ҳужум қиласди. Дам бўри, дам Азимбой бўлиб қолади. Баъзан юзининг ярми Азимбой, ярим тумшуғи бўри бўлиб, ашаддий душмани қўшилиб, бирлашиб кетади... «Еймиз! Омон қўймаймиз! Йўқ қиласмиз!..» деб туришади. Исо шулар билан олиша-олиша ниҳоят бутунлай хушидан кетиб қолди.

Кечаконг отгунча шу алпозда, ўзи билан ўзи селвор бўлиб ётган бемор яна қайтиб ҳушига келмади. Тонг отиб келаётган пайтда гарфара келди. Оёқ-қўли бўшшиб, чўзилиб ётган бўйича совина бошлади. Шундай қилиб, ётиб қолганига олтинчи кун деганда, кўкси ноёб одамгарчилик, ҳамият билан тўлган, жасур, баҳодир, қимматли азamat дунёдан ўтди.

Шўрлик она — Ийс қарс уриб, ҳушдан кетди. Оғир дардга чалинган ёри эса ўксисиб йиғлаб, бева қолди. Даҳшат ичидা зор-зор йиғлаб, паноҳсиз икки гўдак етим қолди.

Шўлпоннинг бағрида кунбўйи Такежоннинг ўғли билан йилқичилари мол учун жон олиб, жон берадётган пайтда, ўша Шўлпондан от чоптирим ерда, Оқчўққида Абайнинг ини-дўстлари Лермонтов асаллари билан алоҳида шуғулланишаётган эди.

Бунга Абайнинг ўзи сабаб бўлганди. Сўнгги кунларда у «Вадим»га бошқача қизиқди. Шу сингари жасур, мард қашшоқнинг кеки, ғазабидан завқланди.

— Вадим қозоқ халқи билмоғи керак бўлган, ўзгача бир азиз одам! Менда ўшани шеър билан достон қилиб берсан деган ният туғилди!— деб, тушлик овқат олдидан ёши дўстларига ўзининг ҳаяжонли, оташин, тўлқин жўш уриб турган гўзали ифодали шеърини ўқиб берди:

Оқшом чоги кўк булат — чимилдиқ, кенг.
Тўлқинланар шафоқда, оловга тенг!
Ўтган кунлар каби у шуълаланиб,
Орқадаги минорага беради ранг!..

Вадимни Қакитой ўқиган экан. Абайнинг топшириғи билан ўша ўтиришда бошқа шоирларга ҳикояни айтиб берди. Абай «достон ёзишда мана шу Лермонтовдан ибрат олиш жуда катта юксалиш бўлади. Унинг кўп достонларини Мағаш билан Қакитой икковинг мана бу Дарменга, Кўкбойга, бошқаларга ҳам ўқиб, айтиб беринглар. Оқилбой ҳам русча билмайди. Билганларинг қўлдан келганча бошқаларга ҳам чилвир учини ушлатинглар!» деганиди.

Шундан кейин Абайнини Лермонтов томлари билан холи қолдирган ёшлар кечгача ичкариги уйда ўтириб, Абай беҳад қадирлайдиган улуғ рус шоирининг иккинчи томини ўртага олишди. Унинг жуда қизиқарли, ажойиб сирларга молик достонларидан «Демон»ни завқ билан ўқишиб, турли-туман фикрлар айтишиди. Шу йўсунда баҳс олиб бориш ҳаммаларига ҳам бирдек қизиқарли онлардан бўлгани учун, улар Демон, Тамара тўғрисида гурли мулоҳазалар юритишиди. Демонни «азозил» дейишиб, унинг «шунчалар жўшқин, оташин эҳтирос билан яратилишини» Дармен билан Мағаш ҳайрат ичida мақтай бошлашиди.

— Нақадар ботил фикр!?

— Ўткир идроккина ярата оладиган қиёфа эмасми?—
дэйишганда, Қакитой:

— Ҳатто, тангрингга — тақдирингга ҳам бош эгмайдими дейман ўзи-а?!— деди.

Шу хил жўши уриб тўлқинланаётган хаёлларга берилган ёшлар кечгача Абайнинг ёнига ҳам киришмади. Фақат, кечқурунги чой устида шоирлар тўпидан: Кўкбой, Мағовия, Дармен, Қакитойлар Абайнинг мажлисида ўтиришганда, ёлғиз йўловчи Оқилбой келди.

Ҳозир Оқилбой уй-жойлик бўлиб, бошқа қишлоуда яшарди. Унинг уйи Бойғабилдаги жотоқларга яқин, Үралтўбе, Мияли деган ерда, Оқчўққидан ярим кунлик жойда эди.

Ўйга кириб, ечиниб, Абайнинг тўрда ўтирган меҳмонлари қаторига киаркан, Оқилбой ўзининг шошмасдан сўзлайдиган, босинқи товуши билан салмоқлаб, гап бошлади.

— Бовурдаги эл эсон-омонми?— деб сўраган Абайнинг саволига жавоб тариқасида, олдин хунук хабар айтди.

— Бугун Такежон оғамнинг қўшини бир тўда ёв тик кўтариб, олиб кетди! Шундай совуқ хабар олиб келдим!— деди.

Шундан кейин Абай, Қакитой, Мағашлар:

— Қачон?

— Қандай ёв экан?!

— Ҳамма йилқини олиб кетдими?— деб, атрофдан савол бера бошлишди.

Чой ичилмай қолди. Филдирак хонтакта атрофида ўтирган Айгерим, Злиҳалар ҳам Оқилбойнинг оғзига тикилишди. Ҳамма, гўё мудҳиш иш рўй бергандек бир назият олди. Оқилбой одати бўйича бамайлихотир ўтириб, бор билганини салмоқлаб айтиб берди. Лекин, режаси билан батафсил етказди.

Ёв сонини, эрталаб келиб ҳужум қилганини, Азимбой бошлиқ ҳамма йилқичилар сўйилдан йиқилиб, қип-қизил қонига беланиб қолганини, саккиз юз йилқилик қўшдан «мингудек» бирорта той ҳам қолмаганингача айтди.

Ёв босиб келган пайтда Оқилбой, Такежон қўшининг ўзида экан. Сўйил еганлар бошлиги Азимбой бўлиб, йилқи ёйилиб юрган ердан қўшга пиёда етиб келганда, қўлда қолган ягона от, фақат Оқилбойнинг оти бўлибди-да, омон қолган бир йилқичини ўшангага миндириб, яқин ер-

лаги овулларга чоптириб уч-тўртта от топтириб келибди. Шунга ҳаяллаб қолган Оқилбой то Азимбойлар элга жўнаб кетгунча қўшда маҳтал бўлиб қолибди. Бу овулга кеч келишининг сабаби шу экан.

Оқилбой ўзи кўриб келган ишларни айтиб бўлганда, Абай унинг гувоҳ тариқасидаги гапини қўя туриб: «Йилқига ёв теккандада, ўзинг нима қилдинг?» деб қолди. Оқилбой энди шалвираб, оғзидағи гапини уддалаб тапира олмади. Унинг айтишига қараганда, Азимбой аzonда отга қўнаётуб, Оқилбойга йилқини оралаб келайлик дебди. Бунга у эринибди, боргиси келмабди. Шундай қилиб, қўшда хизматчи бола билан икковигина қолишибди. Қиши кунларида қўшда пишириладиган овқатни, «гуриллатиб» ёқилладиган гулхани, яна пақирда қовуриладиган қовурдокни Оқилбой яхши кўрар экан. «Шундай қилиб, совуқда йилқи оралаб юргандан кўра, Азимбойлар кетгандан кейин қўшда қовурдоқ қовуртириб еб ўтирган эдим» деб, эзмаланиши билан Абайнин хуноб қила бошлади. Ўзи қатори ўртоқлари Оқилбойдан кула бошлашиди. Абай тўсатдан Оқилбойга қараб:

— Хўш, йилқига ёв теккандада, сен ўшани билиб ўтирган эдингми, йўқ, кейин билдингми? — деди.

— Хизматчи бола қовурдоқни эндигина суэмоқчи бўлиб турган эди. Бир эшикка чиқиб келди-да: «буни қаранг, ер ҳам ҳайқириқ, кўк ҳам ҳайқириқ, йилқига бўри тушдими? Еки Азимбойлар тутқич бермайдиган асов отларни ушлаётими? Ҳаммаёқ оппоқ бўрон бўлиб кетипти» — деб келди. Қовурдоққа эндигина қўл урган эдим, ўзи ҳам семиз тойнинг сон гўштидан қийма қилиб пиширилган мойлик қовурдоқ экан! — деб, яна қовурдоқни мақташга тушиб кетди.

Дарменнинг тоқати тоқ бўлиб, Абайнинг хуноб бўлаётганини сезиб, беғуборгина ҳазил қилди.

— Оббо, омон бўлгур Оқил оғаме-е-й! Ёв чопса ҳам шошадими, асти! — деб, кулиб қўйди.

Мағаш ҳам кулгиликка олиб:

— Ахир, қовурдоқ турганда... — деб қўйди.

Абайдан бошқа ҳамма, Оқилбойнинг хезалакларча шалвираб, бўшашишидан очиқ кула бошлади. Оқилбой уларга парво қилмай, бемалол ўтириб, жиддийлик билан битта-битталаб, шошмасдан сўзида давом этаетир.

— Хизматчи бола асти тинчланолмай, типирчилайвергандан кейин «чиқиб қарачи» деб, яна бир юборган

элим. Бир маҳалда лапанглаб бакириб келди. «Вой, Оқил оға, йилқини ёв чопаётир. Қиёмат-қирғин бўлаётир. Ҳайқираётганларнинг ҳаммаси «отлан-отлан!»— дейётир. Бор йилқини чўлпондан ошириб ҳайдаб кетаётир, энди нима қилдик?— деса бўладими,— деб, Оқилбой яна бамайлихотир сўзлаётир.

— Хўш, сен нима қилдинг?— деди Абай.

— Отга миниб чопдингизми?— деб Мағаш ҳам шошилиб сўради.

Оқилбой уйдагиларнинг бутун умидини барбод қилиб, гапнинг пўскалласини айтиб берди:

— Йўқ! Мен чолгалим йўқ! Қовурдоқни еб ўтиравердим. Битта-яримтаси хабар қилгани келар деб кутиб турдим!— деганда, Абай тутоқиб кетганидан жеркиб.

— Ҳой, сен ўзинг, нима деяпсан, бошқатдан айт-чи?

— Ёлғон айтайми, Абай оға! Чопганим йўқ.

— Нега, йигит эмасмисан?

— Тўғрисини айтсам, кўрқоқлик қилганим йўқ. Бироқ эриндим! — деганда, уйдагилар дув кулиб юборишига бўлса-да, у ҳамон жиддийлик билан тўғрисини айтаетир.

— Чўлпондан ошириб ҳайдаб кетипти. Қор бўлса қалин, унинг орқасидан қувганда, мен қаергача чопиб бормоқчиман! Жуда деганда Эралида қувиб етарман. Қалин кийим билан ўшанча ерга қишининг куни от чоптириб боришининг ўзи бир азоб-ку! Яна ёлғиз бориб, ялиниб сўрамасам, ёқалашиб ёвни юлиб олармидим? Энди, ботир йигит бўлмасам бўлмасман-да, нима бўпти!

Оқилбой ўтирганларнинг кулгисига ҳам парво қилмай ўзининг тўғри сўзини кесатиқ гап билан тамом қилиди. Мағаш билан Какитой энди кулмай, тараффудланиб қолишиди. Ўзлари яхши кўрадиган ҳалол, содда дил, оғир табнатли оғасининг бу ерда хезалакларга ўхшаб ўтиришидан иккоби ҳам иомус қилишибди. Яна Абайнинг авзо-йига қараб, «ҳозир жаҳил устида Оқилбойни хижолат қилиб, уришиб беради-да» деб ўтиришганди.

Лекин, Абай энди Оқилбойга яна бир қараб, унинг бу хулқига тўсатдан қизиқиб, аввало бир оз қулиб қўйди.

— Шу гапларнингни бирорта бегона одам эшитса «оббо шўрлиг-еъ, ҳақиқий нотавон шу экан!» дейди-ку. чироғим! Эртага ҳамма нима дейди!— деб, яна кулганича:

— Қунанбойнинг битта ўғли ёв билан мардонавор олишиб, қип-қиизил қонига беланаётганида, яна биттаси «қўшда қовурдоқ еб олай» деб лаванглик қилипти. Қозон тагидаги ёғни ялаб ўтирипти» дейди-ку, ахир? — деди.

Абай шу сингари ҳазил сўзлар отиб, уй ичидагиларнинг чиройини очиб юборди-да, Оқилбойни ўз ҳолига қўйди.

Энди Оқилбой келтирган хабарни эшитиши биланоқ сўрамоқчи бўлган бир гап тўсатдан яна ёдига тушиб:

— Иилқини олиб кетган ёв ким экан? — деди.

Абай Бозорали эканлигини билганда, бир лаҳзада бошқача бир вазият олди. Ичидан бир хulosага келар-келмас, кўнглидаги гапни ўртага солиб, сўзлаб кетди:

— Ҳа-а-а, Такежоннинг зўрлиги ниҳоят шунга олиб келдими? Хўш, қани энди, Бозоралининг бу ҳаракатига ҳима дейсанлар? — деб бир нафас ўйланиб қолганича, ўтирганларга бир-бир қараб чиқди. Ёшларнинг кайфи учиб, ҳозирча қулоқ солишдан бошқа бир фикрга келолмаган эканлар. Ҳеч ким сўз қотмади. Гўё Абайнинг ўзи бирор хulosса чиқаришни кутаётгандек жим қолишиди.

— Менинг билишимча, — деб Абай энди очилиб сўзлади, — бу иш, бирорта Тўбуқтиликнинг қўлидан келган иш эмас, ғоят катта, бўлакча иш. Фазабининг иши. Тўғрисини айтганда, одилона ғазабнинг иши. Охири ҳам анча чўзилиб бориб, кўп қийинчиликлар билан битар. Уни ҳали кўраверармиз. Лекин, одамнинг одамлиги ишни қай йўсинда битиришидангина кўринмайди. Қай таҳлитда бошлашидан ҳам билинади. Такежон ўша куни Шуйгинсудаги Жигитек овулларини зор қақшатиб улар устига бориб қўнгандা, Бозорали кек сақлаб, бир аҳд қилганини эшитган эдим. Бу ўшанинг даставвалги шарпаси. Мардазаматнинг кеки бўлгандা, ээилган элнинг ҳам кеки эканда... Қунанбой болалари худосини аллақачонлар унугиб юборган! Олишмай илож ҳам йўқда! Ундан кейин, бу ҳаракат бугун ўз натижасини бермаса-да, аслнда кўпчиликка мўмин, ҳалол ҳалқقا: «айни замондаги кураш йўли, ҳақ талаб қилишнинг йўли мана шундай бўлади!» деган бир фикрни англатса керак! — деб қўйди.

Эрбўл Абайнинг гапларидан хурсанд бўлиб ўтирган экан.

— Ёпиrim, бу гапиниң ҳам бир янги гап бўлди Абай! — деди.

Ёшлар ҳамон Такежонга етган қазони кўпроқ ўйлашаётими, чурқ этиб, сўз қотишмади.

Абай Дарменнинг юзида ҳам Эрбўлдаги сингари шодлик акс этганини пайқади-да, ўшанга қараб ўтириб, яна бир янги фикрини айта бошлади:

— Ажидир бир иш бор. Рус китобларидан ўқилган жасур ҳаракат, кескин зарба кишини жуда завқлантирмайдими? Ўша нарса, саҳро ҳаётида, курашида қаерда бор, кимда бор? Кимининг қўлидан келиши мумкин?— деган хаёлга борганимда, ҳаётимда биринчи марта бўлиб Бозоралининг ишлари, гаплари, баъзи бир феъли кўз олдимга келар эди. Ўша куни, Такежон билан гапга бориб, оғизига сўз олганини эшигтганимдан буён, Бозоралидан қандайдир катта бир иш чиқишини кутгандек бўлиб юрган эдим!.. Шуни кутиш билан бирга, Вадимга қизиқкан эдим. Энди ўйлаб кўрсам, бу ишларнинг арқофи бир экан! Номус ўти қалбида муҳаддас қашшоқ, мағрур бойга кек билан уради пичоқ!?!— деб, сўзининг охирини қофиялаб, тамомлади.

Афтидан, Мағашлар шу кеч, гапнинг бундан нарига ўтишини хатарли деб билган кўринади. Агар Такежоннинг қулогига етса, бу гаплар унинг нодон, тўнг бўйинлигини қўзғатмай қўймайди.

У Абайга қасдлашмай туролмайди. Отасининг кўнглидаги шу сингари одилона, қизиқ хаёлларидан тўхтатолмаган Мағаш билан Какитой бир-бирига қараб, отасининг кайфиятини англашди. Абайнинг ҳаёлинин бошқа томонга чалғитиш пайига тушишди. Шундай қилиб, отаси бир оз жим қолган пайтда, унинг фикрига мос жавоб қилмай, Мағаш бошқа бир илтимос қилди.

— Оға, Такежон оғам билан Бозекенинг можаросида бошловчи ҳам, бартараф қилувчи ҳам биз бўлмай турсак қандай бўлар экан? Бу масалада бугун Оқил оғамнинг аралашмай қолганлари ҳам дуруст бўлганми дейман. Холис қолгани ҳам ютуғига ўхшайди. Шундай қилиб, бу гапни қўйиб, ҳалиги китобдаги ҳикояни тинглаганимиз яхши эмасми?— деди.

Абай кундуз куни содир бўлган воқиа тўғрисида ўз фикрини айтиб тугатгани учун, Мағашнинг эҳтиёткорлигини ўринсиз кўрмади. Қўна қолди.

Ҳали буларга ҳикоя қилиб бераётган, яқинда ўқиган «Анна Каренина»ни қолган жойидан бўшлаб, ўтиришни ширин мажлисга айлантирди. Оқчўққидағи овул эса

Иргизбой, Қунанбойларни ҳовлиқтириб, дағдаға қилдириб гиж-гижлаётган мажарога аралашмади. «Кунту буларнинг зарбидан қўрқиб, шаҳарга чопипти» деган ҳабар ҳам келди.

Шу орада, Такежоннинг топшириғи бўйича Бозорали билан даъволашгани шаҳарга кетаётган Шубор ҳам, Абай овулига келиб қўнганди.

Шубор бу овулдагиларга бўлаётган ҳангомани ба-тафсил айтиб берди. Такежон молини даъво қилиш билан бирга, Иргизбойлар Кунтуни бўлисликдан туширадиган бўлишибди. Яна Кунту ўз ўрнига, бўлисликка Ўспоннинг номини айтиб беришга ҳам кўнибди. Ундан кейин битимда келтирилган гапларнинг биттаси, Кунтунинг бир тилагига бу тараф ҳам қаршилик қилмай, амалга оширишга рози бўлибди.

Бўлис бўлиб турган чоғида, Кунту: «кунларнинг куни учун» деб Чингиз элининг барча старшинларидан муҳр бостириб, ўзига қарашли Бўкеншилардан эллик хона-донни олиб, Муқир эли бўлисининг қўл остига чиқиб ке-тишга приговор қилдириб қўйган экан. Буларга чегара-дош Муқир злининг бўлисидан ҳам буларни ўзининг қўл остига олишга розилик билдириган қофозларини олиб қўй-ган экан. Энди Кунту Бозорали балосидан қочганда, бу элининг бўлислигидан ўзининг хат-ҳужжатларини ҳам бир йўла овлоқ қилиб қочадиган бўлибди. Шундай қилиб, Бозоралига кўмаклашар деган бўлис гўрдан-гўрга тиқи-либ кетгандек бўлибди. Шуборнинг айтишига қараганда, у энди Бозоралини «сургундан қочиб келган, подшолик қонунини бузиб келган қочқин» сифатида кўрсатиб бера-диган кўринади.

Фақат бу масалада Мойбосар билан Такежонлар, ик-кинчи бир ҳисобни ҳам ўйлашаётган экан. У — агар Бозоралини қочқин деб кўрсатиб, ушлатиб юборилса, Такежонга саккиз юз йилқи қайтмай қолар экан. Бозорали яна сургунга кетади-да, мана бу бир қўш йилқини қайта-рувчи айбдор бўлмайди. Буларнинг даъвосига ҳам: «Йил-қингни олган душманинг бойлоқда кетади, бошини бе-риб кетди. Сенинг молинг кетса,— азamatнинг хуни. Менинг аршдек ўғлим кетди» деб, қозоқ йўл-йўриги билан асосли даъво чиқиб қолади. Иккинчидан, улуғ ҳам, сургунга юборган кишидан на ҳақ, на пул олиб бе-ради. Мана шу ҳисоб Такежонларнинг кўнглини ғаш қилиб турибди. Улар Бозорадици мутлақо ушлатмоқчи

эмас. Уни қозоқ йўли билан айбдор қилиб, гарданига даъво ортиб, аввало молни тугаллатиб олмоқчи.

Лекин, Жигитек осонлик билан тиз чўкмайди. Шунинг учун Бозоралини бир томондан улуққа бебош-безори қилиб кўрсатганда, унинг қочқинлигини япириб кўрсатадиган бўлишиби. Қавмен ўғли демай, Кенгирбой ўғли деб, қофоз юзида улувларни янгилишириб, арз қилиб, янги айбдор, янги безори сифатида кўрсатадиган бўлишибди.

Шундай қилишадими? Еки ҳайдатиб, бойлатиб юбориб, қолган Жигитеклардан молни алоҳида тўлатиб олишадими? Шу томони ҳали аниқ эмас. Мойбосар, Такежон, Успонлар, шу иш билан Семейга кетишибди. Улар жўрттага Абайга учрашмай, унинг билан маслаҳат қилмай кетишибди. Такежон билан Азимбой иккови ҳам Абайдан қаттиқ хафа бўлган эмиш.

«Куни кечагина, кузевда ўтирганимизда, ўша Бозоралининг ёнини олиб келиб, оғизга келганини айтиб кетган эди. Шу душманимнинг қўлтиғига сув пуркаб, қутуртираётган Абайнинг ўзи. Энди бориб унинг «одамгарчилик», «кор-мор» деган гинасига учадиган ҳолим йўқ. Мени десанг, Абайдан овлоқ бўл! — деб Успонни ҳам йўлдан уриб, «эртага сени бўлис қиласман» деб, Такежон эргаштириб кетган кўринади.

Шубор бўлса, бу қариндошларнинг ичиди, гўё Абайдан бемаслаҳат иш тутмайдиган киши бўлиб сўзлаётир. Аслида уларни ҳалигидай сўнгги маслаҳат билан бир йўлга солиб юборувчининг бири ўзи эди. Лекин, бугун Абайнинг хузуррида ички-сиртқи хулқи билан гўё яхши одамдай бўлиб келиб, сирлашаётир. Ўзга қариндошларнинг ҳаммасини ёмон отлиқ қилиб кўрсатаётган ҳам худди ўзи.

Абай бу суҳбатда фақат Шуборнинг ўзини сўзлатиб, унинг икки юзламачилигини билиб ўтирганди. Шунинг учун унинг олдида, ўзининг сўнгги кунларда Бозорали қалган ишдан хурсанд бўлиб, чиндан завқланиб боқаётганини ҳам билдирамади. Агар бирор нарса деб қўйса, Шубор ёнига қўшиб-чатиб анави ёвлашиб кетган оға-иниларга етказишнинг пайдан бўлади. Шу билан улар бу хилда жаҳли чиқиб, зардалари қайнааб турган пайтда, баттар ўчакишиб кетадилар. Ҳозир бу ишнинг ҳожати йўқ. Айниқса, Бозорали билан Жигитекка қарши юз тутган ёвлик ҳукм суриб турган пайтда, мутлақо ортиқча гап.

Абай Бозоралини яна хўрлаб ҳайдатишга кўнмоқчи эмас. Ўз қариндошларининг ичидаганини эътиборга оладиган бирорта киши топилса, унга: «Бозоралини улуққа чақиб, қайта ҳайдатиб юборишни хаёлингга ҳам келтирма, оғзингга ҳам олма» демоқчи. Шуборга фақат шу ҳақдагина қаттиқ тайинлади.

Бозоралини қочқин эди деманглар! Такежон тахминича тўғри келмайди деётирсан-ку. Бозоралидек арслонини яна ўлимга боғлаб бериб, ундан кейин Жигитекдан мол оламан дейдиган бўлса, эсларингда бўлсин, Жигитек томонида бўламан. Жигитекларнинг қирчанғи тойининг думини ҳам тутқаздирмайман. Айниқса, мана шу гапни ёдида тутсиш,— деди.

Шундай қилиб, Шубор жўнай деб турган пайтда, тўсатдан бу овулга Такежон келиб тушди. Ёнидаги отбоқаридан ташқари Мойбосар ҳам бор эди. У Абайнинг катта уйига кириб келиши биланоқ Шуборни кўраркан, феъли айнаб кетиб ўқрайганича:

— Ҳали, шошилиб шаҳарга жўнатган пишиқ йигитимиз сен эдингми? Семейга етгандир десам, буқиниб шу ерда юрганимидинг, гирди-капалак бўлиб!— деб истеҳзоз билан кулди.

Шубор Такежон билан Абайнинг ўртасида хижолат бўлиб, ўнғайсизланиб кетди-ю, дарҳол важ қилди.

— Кўшдаги йилқига одам юбориб, от алмаштираман деб келган эдим бу ерга, ҳозир жўнай деб турибман! — деди.

Абайнинг энсаси қотиб, лабинни буриб қўйди. Шуборнинг ҳалигина бу овулдагиларга, Абайнинг ўзига «атаин келдим, маслаҳатлашиб олай дедим» деган гаплари эсига тушди. Энди Такежонпинг олдида бир лаҳзада қиёфасини шунчалик ўзгартирганини, икки юзламалиги, маккорлиги, товламачилигини кўриб умидсизлангандек, бош чайқаб, истеҳзо билан кулиб қўйди.

Такежон шошиб турган экан. Шубор айтганидек тўғри шаҳарга кетмоқчи ҳам бўлган эди. Бир қанча ҳамроҳлари билан Ўспонни шаҳарга жўнатиб юборибди. Ўзи бўлса, Абайнинг қўйнига қўл солиб, иш топшиromoқчи бўлибди, ёки юзма-юз очиқ сўзлашиб, укасининг авзойини билиб кетмоқчи бўлиб келибди.

Абайга ўзи гапиромайдиган бўлиб қолган Мойбосар бу фикрини Такежона хўп уқдириб, жўрттага биргакелган экан. Такежон «ош-сувга қарамайман, шошиб ту-

рибман, ўзинг билан холи сўзлашмоқчиман» деган эди, Абай холи ўтириб сўзлашишни истамади.

— Қани, нима дейсан, гапир! — деб қўя қолди, шу уйда ўтирганлар эшитсин, гувоҳ бўлсин деган хаёлга бориб. Ҳатто ёнидаги Дармен билан Мағашга ҳам чиқиб туринглар, демади. Мойбосар билан Шубор ҳам ўтириб қолишиди.

Такежоп энди ичидан гижиниб ўтириб, қайсарликка олди. Абайга кейинроқ айтарман, деган гапини айта қолди.

— Сендан ёрдам сўраб келдим. Юр, шаҳарга бирга бор!

— Шаҳарда менга нима бор? Кўмакчи-ҳимоячила-ринг озлик қилаётирми?

— Улар бир тепа, сен — бир тепасан. Айтдириб нима қиласан? Улуғлар олдида тортишишга тўғри келса, сен керак бўласан!

— Мен қайси улуғ билан дўст эдим? Улар мени кўрса, баттар ўчакишиб кетишини билмасмидинг?

— Ўчакишса-да, сен билан ҳисоблашади. Обрўйинг бор.

— Менинг обрўй-эътиборимни ўтга солиб синамоқчи бўлаётирсанми?

— Мен ўртанаётирманми? Жонкуярим экансан, бошим омон қолсин демоқчимисан?

— Ҳар бир ўртанган киши «нега ўртандим» деб, ўйласа керак дейман. Шунда «ноҳақ ўртандим» дея олса, ўзи ҳам, эътибори ҳам бошқача бўлар эди. Сен ўзинг «нима учун ўртандим» деб ўйладингми асли, Такежон? — Гап шу ерга келганда Такежоннинг ғазаби қайнаб, тутоқ баушлади.

— Эсимга келмаган гапларни таг-туги билан ўйлаб қўядиган сен борсан-ку. Қани, ўзинг айт-чи, мен нима учун ўртанибман?

— Undай бўлса, халқни йиғлатганинг учун ўртандинг. Кўпнинг кўз ёшига қолиб ўтирибсан, — деб, Абай хонтахтага тирсагни қаттиқроқ тираганича, тўғри Такежонга тикилиб турди.

— Сен шу сойда сони, қумда изи йўқ, санқиб юрганларни «эл», «юрт», «кўпчилик» дейишингни қачон қўясан?

— Ҳеч қачон қўймайман, нега десанг, «беҳисоб элим: қозогим, халқим» деганда — ўша оч-яланғочларни назарда тутиб айтаман. Кўпчилик ўшалар... Сенга ўхшаш Та-

кежонлар битта бўлса, улар ҳар бойга ўн беш — йигирмадан тўғри келади. Кўзи ёшликлар ўшалар, ғарибуғурабо ўша халқ. Ҳақиқатда ёрдамга муҳтожлар ўшалар. Шулар билан бўлмай, ким билан бўлай?

Абайнинг бу гапи Дарменга ҳам жуда очиқ-оидин англашилиб, гўё бир юксалишдек туйилди. Такежон бўлса, жаҳди чиқиб, шошиб қолганидан, гап тополмади. Шубор Абайнинг гапларидан норози бўлиб, қовоғини согланича ўтиради. Такежон бўғилиб, куйиб гапирди.

— Ундоқ бўлса, «отанинг ўғли эмасман, Қунанбойнинг ўғли эмасман, эл яхшилари билан ёвман, бебошиборилари билан топишдим» дегин!

— Истагинг шу бўлса, менинг айтадиган гапим ҳам шу.

— Оздим де! Ота йўлидан оздираман дегин! Уразбой, Жириншеларнинг «эл юртни ота йўлидан оздириди» деб, зиммангга юклаётган айбларини бўйнимга олдим десангчи!?

— Ота йўли халқ учун зўрлик, қасдлик бўлганидан кейин, мен отанинг боласи бўлмай, халқнинг дўсти бўлман деганман. Ози десанг, мен ўша Қунанбойликдан оздим!..

— Бир ўзинг эмас, ҳамма халқни ҳам оздирасан. Ҳа, ҳали шунинг учун экан-да, ўзинг Оқилбойнинг йилқимни ёв чопаётганда миқ этмай қўшимда қовурдоқ еб, душманлардек «Ажаб бўлди, хўп бўлди!» деб ўтиравергани. Ўзинг ҳам шундай деяпсан-ку!

— Оббо, шундай қилиб, ўзинг ўтказган жабр-зулм эвазига йилқингни олиб кетган Бозоралини, яна айбингни айтган мени, «бирлашган душман» демоқчисан-да, ихтиёрги!

— Демак, душманим ўзинг экансан-да?

— Бор ундан бўлса, аввало Бозоралидан ҳақингни олда, ундан кейин менинг пайимга туш!

— Шу гал Бозоралидан ҳақимни ҳам оламан, бoshини ҳам ейман!

— Бошига тегмайсан, улуқقا чақиб ушлатадиган бўлсанг, мен Жигитек қашшоқларига кўмаклашаман, билиб қўй. Унда қирчанги тойини ҳам ололмайсан. Бор йилқинг ўша азаматнинг хунига ҳисоб бўлади.

— Нима деяётисан ўзинг, у менинг молимни қириб, хиёнат қилиб ўтирипти-ку, ахир? Унга ёв бўлмасликка қандай ўрин қолди?

— Ёвлик-ёвликка, хўрликка, сен кўрсатган жабр-
зулмга яраша бўлгандир.

Гап шу ерга келганда, Шубор тоқат қилолмай:

— Абай оға, бироннинг ҳақ-ҳалол молини ҳайдаб
кетиб, қириб солган, бориб турган хиёнаткор-ку? Ахир
бундан ҳам катта душманлик, хўрлик бўладими? Буни,
ҳатто, шариатда ҳам катта гуноҳ дейдилар-ку.

— Шариат Такежоннинг ҳомиси бўлса, у ҳам адаш-
ган йўл.

Такежон азбаройи куйганидан уришиб кетди.

— Ота йўлидан ҳам, шариат йўлидан ҳам, мусул-
мон қавмидан ҳам бездим десанг-чи! Ундан кўра, даъ-
вогарим, хунхўрим ўзинг бўла қолмайсанми, Абай!—
деб қамчи сопи билан хонтахта устида, Абайнинг олдида
ётган китобини бир урди. Абай қовоғини солиб, бўғилар-
кан, Такежонга қаради-да:

— Хунхўрим дейсанми? Бу гапни яхши айтдинг! Агар
Бозоралини улуққа ушлатиб берадиган бўлсанг, мен
сендан кечагина бўсоғанга ўлган Исонинг хунини талаб
қилдирман, билдингми?

Абай бу гапни қўзғаганда Такежоннинг юраги орқа-
сига тортиб кетди. Йичида: «баъзи бир душманлар шу
ҳақда гап қиласдими» деб анча ҳавф олиб юрган эди.

— Мен ўлдирибманми? Худонинг юборган ажалидан
ўлган Исога бу гапларнинг нима даҳли бор?— деб, ҳай-
рон қолган бўлиб ўзини оқлашга тушди.

— Ажал эмас, тун кечада, кучли довул остида сава-
лаб яланроҳ ҳайдаган ўзинг билан анави ёвуз ўғлинг
Азимбой! Ўша бўронда совуқ уриб, қотиб ўлди. Сен-чи,
сен, ҳатто, ўлим тўшагида ётганида бир қошиқ ёвғон
билан йўқламадинг, қарашмадинг. Ўзи ўлдириб келган
тўрт бўрини олиб, ўрнига ҳеч бўлмаса, тўртта эчки бер-
дингми? Йўқ. Қўтири улоқ ҳам бермадинг. Шу кунларнинг
ўзида одам ўлдириб келганинг йўқми?— деб Абай Исо-
нинг ўлими ҳақида икир-чикирларигача билишини анг-
латди. Такежон одамларнинг олдида бундан ортиқ гай
талашишга чўчиб қолди. Бу уйда бўлаётган шу гап,
мана шу ўтирганлардан бирортасининг оғзидан чиқиб
кетадиган бўлса, тўсатдан кўп мушкул ишлар бошланиб
кетиши мумкин.

Энди тезгина кийинниб, жўнашнинг ҳаракатига тушиб.
қолди. Абай Такежоннинг нима учун тили қисилиб қол-
ганини пайқаб, сўзида давом этди.

— Халқ ким деяётирсан! Халқнинг биттаси ўша Исо, унинг зор қақшаб етим қолган зағчадек болалари билан кекса онаси, оғир дардга чалингдан бева хотини. Элнинг қандай асл ўғлони эди ўша Исо! Ёлғиз сен учун қилғап азаматлиги, жасорат-маҳоратининг ўзи қанча? Ўша ғайрат, ўша жасорат Азимбой билан ўзингнинг қўлингдан келар эдими? Йўқ! Ким бегуноҳ бўлса, ким муқаддас йўлдан борса, яхшилик, хайриҳоҳлик ўшаларга бўлсин. Ўша одамларнинг тирноғига арзийсанми ўзинг? Улар юзлар, минглар, яна энг дили ғамли, кўзи ёшлилар. Замон тузук бўлиб, баҳти кулган қавмнинг озодликка эришган азамати бўлганда, Исолардан қандай оламшумул ғайрат, самарали катта ишлар чиқкан бўлар эди! Элнинг ифтиҳори бўлган ҳамиятли азаматлардан бири бўлмас эдими? Бугун мана, ўшандоқ азаматнинг жонидан ориқ улоқни ортиқ кўрадиган тошбағир маҳлуқларнинг олдида унинг ҳаёти арзимаган нарса бўлиб ўтирипти. Ўйласам, ўқинч билан аянчдан юрагим эзилади. То оғзидан жони чиққунча, бўри билан олишаётгандек, бўй бермай қайсарлик билан олишиб ўлипти. Шўрлик онаси эндиғина англаб, гапириб ўтирган эмиш. Ким билади, ўшанда лаънат айтиб олишгани фақат бўрими? Ўша ғазаб, ўша дардининг — қарғишининг ярми сенга, сенинг ўша бўри сифат йиртқич, ёвуз ўғлинг Азимбойга аталмаганини сен қаердан биласан!.. — деганида, Абай шоирларча, сезгир кўнгли билан фаҳмлай билганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

Дармен сўнгги сўзлар орасида Исони ўйлаб, қадди букилиб кетгандек ўтирганди. Абай бир оз жим қолди-да:

— Шалар билан бўлмай, ким билан бўламан! Бозорали ҳам шуларнинг биттаси! Қўзларингни очиб қара, агар уни ушлатадиган бўлсанг, ўзинг сезиб ўтирган ҳамма можарони аланга олдириб юбораман. Билиб қўй! — деди.

Шу гап тамом бўлар-бўлмас Такежон билан Мойбосар жўнаб қолишиди.

Исадан гап очиш Такежондан қутилишнинг чораси эмасди. Ўша азамат қазо қилгандан буён, Абай кучли ҳаяжон чангалида юрганди. Йигитнинг ўлганини эшишган куни Дарменни юборди. Дармен Исони қабрга қўйишиб бўлиб, Ийс билан, уй ичидагилар билан хўп дардлашиб мўнглашди. Ўзининг Успон овулига қўйган озгина қўйларидан бир семизини Исонинг уйига олиб келиб,

сўйдириб ҳам берди. Дармеи етим қолган икки болани қулоқлаб, ўпид, уйдагилар билан бирга йиғлашиб ўтириб, бундан буён ҳамиша ёрдам бериб туришга аҳд қилганди. Исонинг бутун армони-ҳасратини, касали билан ўлимини, касал бўлиш олдидан бўрилар билан қандай олишганини батафсил эшишиб келиб, Абайга айтиб берганди.

Ҳалиги Такежоннинг хаёлига келмаган ишларни Абай ўша Дармендан эшиганди.

Такежон билан бирга Шубор ҳам турмоқчи эди, уни Абай тўхтатиб қолди.

Кунтуга хат ёзиб: «Бўйисликдан тушадиган бўлсанг, тўғриликча туш! Бозоралини кўрсатиб бера кўрма!» — деб, хат орқали буйруқ қилиб, Шубордан бериб юборди. Ӯспонга ҳам: «Бўйис бўлсанг, ҳалқ қарғишидан овлоқ тур! Бу гал мендан четлаб, қайси яйловга қўнмоқчи бўлаётганингни ҳам билиб юрибман. Ягона бир оғалик тилагим бўлсин, қандай азозил оздирмасин, энди Бозоралини улуғнинг қўлига бойлаб берма!» — деб ўтиниб хат ёзди.

Шундай қилиб, Бозорали билан Такежон можароси, эндиgi барча оғирлиги, салмоғи, ҳийла-ю найранг ишлатиб олиб бориладиган тортишувлари билан кўп амалдорларни зир ўйнатиб, Семей шаҳрига борди.

Шаҳарда Қунанбой тарафини ёқловчилар, дазвогарлар жуда кўпайиб кетди. «Қарға, қарғанинг кўзини чўқимас» деб, ҳалқни ўз ризқининг манбаидек кўрадиган қарға-қузғуллар бир-бирини қўллаб, қўлтиқлашиб юришибди. Бойга қарши ҳужум бошлаган жасур тўпни ўлгунча ёғириб, устига айб юклаб, маломат ортишаётир. Қўпчилиги: «Халқ ҳукмига ҳавола қиласиз! Ёлғиз Тўбуқтанингина эмас, бир қанча элларнинг ўртасига солиб, кўп тентакларни умрбод эсидан чиқмайдиган жазо бериб, тавбасига таянтирамиз!» дейишашётир.

«Бозорали билан Такежон можароси» деган балога бутун уезд, Семей уездининг бўйислари билан йўғонлари от сола бошлиашди. Аршали Керей элидан — Рақиши, Басентийин элидан — Али, Бура элидан — Алдўнғар, Илдий бўйидаги элдан — Нуркенинг Темирғали деган ўғли, Кўкенинг Уоқ элидан — сўзамол, пихини ёрган бўйис Нурке, Қарағай ичидаги, ичкари томондаги Белағаш элларнинг бўйисидан — иш билармон, кўп чапдаст Айтқози, Семейтов бўйисидан — Шепжилар сингари Ка-

зо-казолар, бутун бир уезд элининг устунлари қўшилган. Амри фармон қўлида бўлган йўғонлар Қунанбой болалири қаторида давра олишиб, билаги-ю, тилагини бириттириб олишган.

Уразбой бўлса, элда ётиб олди. Жигитеклар билал Иргизбойларнинг ҳозирги пайтда қаттиқ тўқинишганига ичидан норози эмас. Аксинча, «тўрт шайтон!» деб ўтирибди. Лекин, Жигитеклар томонига ўтиш ўёқда турсин, шу гапини Қунанбой овулларига етказади деб билган кишиларнинг олдида у ҳам, Аброли ҳам думини ликиллатиб, можародан чап бериб кетади. «Худо кўрсатмасин! Такежоннинг бошига бундай фалокат тушишини тилагудек, азалги душман эмасман. Бозоралининг фалокати ўзи билан кетсин! Бунчалик улгайиб кетади деб ким ўйлапти. Мен, ҳатто, бугун Улжай ичи иккига бўлинниб новкар тўплайдиган бўлса, мен фақат Такежон томонда бўлман!» деб, зимдан Такежон томонга шу хилдаги гапларни юборишаётганди.

Шу орада шаҳарга келган Кунту ўязга бориб, крестьян начальнигига кириб: «халқ ўртасида катта ғалаён, катта фалокат бошланди. Менинг айбим йўқ. Узим Бўкенши деган кам жамоа элдан чиқсанман. Сони кўп бебош овуллар орасидаги бузукларни тийиб, маҳкам тутиш қўлимдан келмас экан. Ҳозир мана бу катта фалокатга қатнашаётан одамларнинг деярлик ҳаммаси мендан ҳам кучли, ҳам устун. Бўлисликнинг улдасидан чиқа олмадим. Шу сабабларга кўра, ўрнимдан тушсан экан!»—деди.

Унинг шу хил ўзи келиб, илтимос қилиши Казанцев ўязга айни муддао бўлди. Негаки, ўшанда, ёзги сайловда Успондан қарэдор бўлиб кетган эди-да. Уяз дарҳол Кунтуни ўрнидан тушириди-ю, «назначение» билан Успонни бўлис этиб сайлаб қўйди.

Осонлик билан ўрнини бергани учун, Кунтуниг ҳам илтимоси амалга оширилди. Аллақачон тайёрлаб қўйган «приговорлар»га асосан, у, қўшни ўтирган Бўкеншиларни ёнига олиб, Муқир бўлисиning қўл остига чиқиб кетди.

Шундай қилиб, Бозорали билан Жигитекларнинг жонига ора кириб, қўллаб-қўлтиқлайди дегудек амалдорлар сал кундаёқ хиёнат йўлига қадам қўйиб, ташлаб-ташлаб кетишиди.

Кунту шаҳарга юргурган чоғида, Жигитек элининг Бейсемби, Абдилда сингари амалдорларига одам юбориб:

— Мени заволим Бозорали бўлди, ҳароб қилди! Биродарлар, эндиликда ҳеч бўлмаса жавоб беришдан қочишмасин! Улар ўзини четга оладиган бўлса, менинг бошим бир йўла сув тагига кетади. Жигитек эли жавобни шаҳарга бориб беради. Шунга сайлаган кишиларни тезлик билан жўнатсин! — деб, тайинлаб айтиб кетди.

Бейсемби, Абдилдалар Жигитек элининг бадавлат овулларидан бўлган барча амалдорларни йигиб олиб, маслаҳат қилди. Ҳамма фалокатнинг ўртасида ёлғиз ўзлари озгина бир тўп бўлиб, айрилиб қолганларини кўришиди.

Ғалаён туғдириш ўзининг ҳам қўлидан келадиган, яна ҳар қандай ёмонлик бўлса, уни негизигача ўйлай биладиган Абдилда, Бозоралига қараб бир гап ташлади. Унинг ҳозирги Жигитек эли ҳақидаги бу сўзи нақадар оғир бўлмасин, ҳақиқатни очиқ англатди.

— Бор шохи бутогини, япроғини кучли ёнғин ялаб ёндириб кетган қуруқ ёғочдек бўлиб, сўррайиб қолдик, аҳвол шу. Бу атрофда суянгудек, ишонгудек қариндош қолгани йўқ. Алдаб кетди, айёрлик қилиб кетди! Бу ишга ҳайдайдиган азозиллар оз эмас эди. Балони бошловчи бўламан деб, йўлиқиб ўтирганларинг мана бу! Қирда қозоқ, қуйида улуғ бўлиб, кетингга тushiб олган. Ана, чуввос солиб, урон чақиришаётир. Ушалар ҳукм чиқармоқчи. Қандай ҳукм чиқаради, қай тахлитда чанг солади? Билиб бўлмайди. Аммо, қип-қизил қонга белаб, қақшатаётган бўлса-да, унинг олдига борасан. Бормайман десанг, бундан ҳам баттарроқ, кулфатларни тайёрлаб туришипти. Бу гал Қунанбойнинг ҳайдатиши, бойлатиши эмас, бир довон элнинг ҳамма бўлиси билан йўғонлари бирлашиб, оёқ остига олиб, гуп учирив, йиқитамиз дейишитти. Жигитеклар тириклигига бўйин товламай етиб келсин-да, ҳузуримиэда бош эгсин! — дебди.

Совуқ гапни зилдек оғир салмоғи билан Жигитек тўпи олдига ташлаган Абдилда «Энди жавоб бергани ким боради?» деган гапга ўтганда, салмоқни яна Бозоралининг ўзига ташлаб гапирди.

— Ўзинг қилган фалокат. Ўғил бола эканлигинг рост бўлса, ўзинг кўтарасан. Шаҳарга ўзинг жўна! — деди, бир чети буйруқ, бир чети жазодай...

Энди Абдилда, Бейсембиларнинг ўзлари ҳам хонаси келса буқиниб қолиб, бошларини панага олишнинг пайига тushiб қолишганини Бозорали дарҳол билди. Тарад-

дудланмай, ўша он жавоб қилди. Шижаот билан таваккал қилди-ю, сиймосида жасорат акс этган ҳслда гапни қисқа қилиб:

— Ўзим қилганим рост, ўзим күтараман! Сой-сойнн кўзлаб, «Бозорали балосидан овлоқман» деб писиб кетаётган оғмачилар, ўзгалардан эмас, қошимда ўтирган Жигитеклар, ўзларингдан ҳам топилади. Хўп билиб юрибман! Асти уйингдан чиқманглар! Шу ерда Сарбос билан Абди сингари иккита мард йигит бор эди. Ёнимга ўша икковини оламан-да, эртага шаҳарга жўнайман. Узинг қилган фалокат дединг-ку. Жавобини ўзим бераман. Қочқоқ бийлар, мук тушиб ётабер!— деб, қовоғини согланича, этагини қоқиб, ўриндан турди-да, Жигитек тўпини ташлаб чиқди кетди.

Ўзи айтгандек, Сарбос билан Абдини ёнига олиб, шаҳарга кетаётган Бозорали йўл бўйи турли-туман фикрлар юргизди. Хаёлига келган баъзи бир фикрларини дўстлали билан ўртоқлашса, баъзиларини ичидан негиз-негизигача ўйлаб кетарди. Шаҳарга етадиган куни, туш пайтида, кўк човкар от устида бораркан ўша хилдаги фикрлардан яна бири хаёлига келди...

Атрофда қор босиб, унсиз ётган бепоён тепаликлар. Кун аёз эмас, бироқ орқа томондан қишининг ёқимсиз ачиқ изғирини эсиб, отларнинг думи, ёлини ҳурпайтириб учираётир. Йўловчилар карvon йўлида уймалашиб юрмай, тирнақатор бўлиб кетишаётир. Ҳозир ҳамроҳлари олдинда, Бозоралининг ўзи эса орқада боришаркан, уларнинг изғириндан буришиб бораётган елкаларига қараб-қараб кетишаётир. Кўк човкар бу кунларда семиз бўлмаса-да, жуда бақувват-пишиқ. Елиши ҳам мулоҳим, қамчи талаб қилмайдиган, тепинтирмайдиган, жуда йўрға. Отнинг шу хилда юриши Бозоралини безовта қилмай, кўнглини бўлмай, ўз хаёли билан ўзи банд бўлишига имкон беради.

Қор тагида ётган унсиз кенг саҳро ҳаёт сўнгандек жимжит. Чўзилиб кетган тепаликлар оғир сукутда. Бутун сирини ичига яширган зўр кучлар баъзан ўзларининг уйғониш, силкиниб туриш чоғларини кутиб, миқ этмай туришарди. Беҳисоб халқнинг кучи ҳам шунга ўхшаса керак! Ҳар иш бўлса ичиди, ўзида. Сиртдан чирсиллаган аёз бўлиб қор урсин, довул ўқирисин, шунда ҳам кенг сағри, матонатли қадди емирилмайди, қўзғолмайди. Лекин, куни келиб, янги ҳаёт бахш этувчи йили етиб, ба-

ҳор шарпаси эсганда, меҳрибон қуёш нур тўкканда мана бу совуқ қор либос парчаланади. Ҳамма тепа-тепачалардан сув бўлиб оқиб, буғ бўлиб кўтарилиб кетади. Сойлар, тепалар эса босиб ётган муздан, тутқундан халос бўлади...

Ҳозирги пайт — элнинг ҳам шу сингари қиши. Қават-қават бўлиб ётган катта-катта қор уюмлари, музга айланниб кетган сўхта қорлар бутун ҳаётни, тирикликни босиб ётибди. Бироқ, ҳаёт доим шу хилда кета бермас!.. Кераладан ҳам, тутқундаги бошқа рус азаматларидан ҳам эшигтан эдим-ку. Улар тутқунда ўтирганларида ҳам: «яхши кунлар келади» дейишмасмиди? Аслида ўзи Россияда бир яхшилик туғилмай қолмайди. Ӯшанинг шарофати бугун Россия подполигига қарайдиган бир жаҳоннинг қоронғу бурчак-бурчакларигача етади. Ӯзинг кўрмасанг ўғлинг кўради дейишган эди-ку?

Оҳ, ахир бир келарсан ўша кунлар! Келмаслигинга йўл йўқ. Дунё, тириклик, ҳаёт шу йўсинда кета бермас... Үндай бўлса, менинг бу ишим нима? Бу ўша янги ҳаёт баҳш этгувчи янги йил олдидан шодлик даракчисидек хушхабар келтириб, ғир этиб, бир эсиб ўтган ёқимли иссиқ шабадами?!. Шундай бўлса-да, бу бир эзгулик-ку... бир яхши нафас-ку... Оқибати оғир бўлиб, чиқим ҳам кўп бўлар!.. Лекин элим ўкинаётгани йўқ!.. Ӯшанинг ўзи иғиликнинг каттаси... Кучи ичиде сақлапиб ётган, тутқунда ётган мана бу сағри кенг тепаликлар сингари кенг сагирлик, матонатлик элим ётган экан. Ӯшани билдим... Элим шўрлик эндиги ҳар қандай оғирликни, озорни писанд қиласидиган эмас. Менинг юпончим шу бўлсин!. Пешонамга бахт деган нарса битган бўлса, менга аталгали саодат шу деб биламан!

Шундай хаёлга боргандан кейин Бозоралининг кўнгли кўтарилиб, енгил тортиб кетди. Ҳалиги хаёлдан кейин келажакда бўладиган терговдан чўчимади. Аксинча, баланд тепалик, баланд човкар от устида бораркан, тергайдиган ўша тўдаларнинг ҳаммасидан ўзини анча қадди баланд, кўнгли тўқ одамдек ҳис қилди.

«Жигитклар номидан жавоб бергали Бозоралининг ўзи келибди» деган хабар бир лаҳзада шаҳарга тарқалди. Бу пайтда Қунанбой боласининг довини дастак қилиб кетига тушиб юрган йўғонларнинг биттаси — Кўкен элининг бўлиси Нурке эди. У бир томондан устун ҳисобланса, унинг устига шаҳарда ёғоч уйлик данғиллама ҳовлижойи бўлган қирга, қуйига, ҳатто, хитой чегарасигача

моли, пулинн юргизадиган катта сармоядор бой савдо-
гар ҳам эди. Иртиш дарёси бўйидаги, Семей атрофидаги,
қирдаги ўзга бўлисларнинг ҳаммаси Нуркени алоҳида
ўринга қўйишарди.

Ҳозир Қунанбой болаларининг саломи билан йигил-
ган бийлар, бўлислар мана шу Нуркенинг атрофида ўра-
лишиб юришибди. Такежон билан Мойбосарнинг масла-
ҳатига кўра Нурке ўязга кириб: «Тўбуқти ичидаги гала-
енни қозоқ йўл-йўриғи билан битирамиз, ўзимизга бер!»
деган эди.

— Бизнинг айтганимизга кўнмайдиган бўлса, хат қи-
либ, муҳр босиб, қўл-оғенин чамбарчас боғлаб ўз ихтиё-
рингга берамиз! — дебди.

Ўяз бу қунларда ўз бошидан кечираётган қизиқ ҳол
шундаки, у ҳамон Такежон йилқисини ҳайдаб кетиб, қи-
риб ташлаган айборнинг ким эканлигини ҳужжат асоси-
да билмайди. Ҳам улуққа орқа қилиб, ҳам подшолик
маҳкамасини гўдак бола сингари алдаб юрадиган эл
устунлари, бу ишда ҳам ўзларининг одатдаги чораларини
қўллаб, маккорликларини ишлатиши. Одамнинг номинн
аташ зарур бўлганда, улар: «Жигитеков! Қишекенов! —
Кенгирбаев!» деб, бундан неча юз йиллар муқаддам ўлиб
кетган оталарининг номини хатга тиркашаётир. Бу иш-
нинг бош омили бўлган одам — подшолик сургунидан қо-
чиб келган Бозорали Қавменов эканлигини билдирамай.
яшириб, сир тутиб келиشاётир. Бундай ҳийла ишлатиши-
ни, Қунанбой болалари ўйлаган ҳисобни: Керей. Усқ, Бу-
ра, Сибон, Басентийин элларининг бўлиси-ю, бийлари
бирга ўйлашган. Ўзлари яхши билганлари ҳолда, подшо-
лик маҳкамасида Бозоралининг ҳақиқий исмини, ким
эканлигини айтишмади. Шу қадар шов-шувга сабаб бў-
лаётган катта иш устида, шундай сир қандоқ қилиб сақ-
ланиб юрилганини ўйланса, кишининг кулгиси қистайди.
Буни ҳам подшо ҳокимларининг қозоқ саҳроси устидан
эл устунлари орқали ҳукмроълик қилишдаги қизиқ бир
қийинчилиги, қарама-қаршилигидан бири дейиш мумкин.

Нуркенинг уйи Тўбуқти можароси билан йигилган
бўлислар, бийларнинг марказига айланди. Қунанбой
болалари бу ерга ҳар икки-уч кунда бир той, ёпоги ёки
катта биялар олиб келиб, сўйдиришади. Ҳар кун учта-
дан, тўрттадан семиз бўрдоқиларни сўйдириб туришали.
Эрта-ю кеч тинмай қимиз шопиртириб турилади. Бу кун-
ларда шаҳар атрофидаги қўп айланишадиган ёш бўлислар:

Темирғали, Айтқози, Али, Рақиши, Успон — ҳаммаси ҳам, мажлисни руҳли, кўнгилли ўтказиш учун мусаллас ичишади. Кечқурунлари катталардан бўлинниб, Нуркебойпинг яхши жиҳозлар билан безатилган холироқ уйларида бирини бўшаттириб олишади. Ўша ерда ўйин кулги, ичкилик қилишиб, беҳисоб пуллар тикишиб, «йигирма бир»¹ ўйнашади. Қисқаси, жавобгар Жигитек элининг вакиллари келгунча ўн кун давомида тарқалмай, галалашиб ётган бўлис, бийларга кетаётган чиқум ҳам оз эмас.

Тинибойнинг қариндоши Нурке, Қунанбой болаларни саҳродағи ўз савдо-сотигига жуда керакли деб ҳисобларди. Бир томони «қуда» деса, иккинчидан ўзи ҳам ўша Қунанбой болаларини шу сингари иш устида ўзига ёр-дўст қилиб олмоқчи эди. Даъвогар Қунанбойлар бўлгани учун чиқимнинг ҳаммаси ўшалардан чиқишини биларди. Улар сўйдираётган баъзи бир молларга парво қилмаган киши бўлиб, ўз ҳовлисига қабул қилдира берарди. Лекин, шундай қилиш билан бирга, холи ўтирганларида Такежон, Успон, Шуборларга:

— Ҳожи болаларидан аядиган дунём йўқ. Синов чоғида, бошимизга мана шундай иш тушиб турган пайгда ўз одамингиз, дўстингиз эканлигимни билдириш ниятидаман! Сенлар учун келган мана бу меҳмонлар факат сенларнинг меҳмоннинг эмас, менинг ҳам меҳмоним бўлади. Худога шукур, давлат етарли. Уларни «қай таҳлитда қутиласди, кўнгли овланади» деган андишага бормай, бемалол юра беринглар! — дер эди.

Поранинг олди қилиб, ҳар бўлиснинг ўзига бўлмасада, ёнидаги тили ўткир — сўзамол бийларига тез-тез ҳадялар берилади. Пона пўстин, тулки пўстинлар, уста машиначига тикирилган тўн, чакмонлар, камзуллардан тортиб, алвон турли кийимлар кийдириласди. Шу сингари ички ҳисоби бир бўлган, йиртқичлар ўрдасидек жойга, зир ўйнаётган олғирлар тўдасининг ичига, қишининг чароқлаган очиқ кунларидан бирида, нонуштадан кейин иhtiёсрсизлик етаклаган Бозорали етиб келди. Ёнида факат иккитагина ҳамроҳи: Абди билан Сарбос бор эди, холос.

Бозорали келгандан кейин, тергов тез бошланадиган бўлди. Сарбос орадаги одамлар орқали, гап қўпчилик ўртасига ташланган пайтда Қунанбой томонидан ким

¹ Қиморнинг бир тури.— Ред.

сўзлашини билиб келиб, Бозоралига айтди. Унинг билан довлашадиган Шубор экан. Қунанбой болаларининг ичидаги бошқаларга нисбатан гап-сўзи жойида, сўзамол, Абайдан кейинги билимдони шу ҳисобланиб келаётган эди.

Шубор, Ўспонга Абай айтиб юборган гапларни етказганди. Абайдан Кунтуга хат ҳам келтириб берган. Унинг бу ишлари, яна йўл-йўлакай Оқчўққида, Абайнинг овулди бўлгани Шуборни Такежонга ҳам икки юзлача одам қилиб кўрсатди. Молдан айрилиб, аламига чидаёлмай юрган Такежоннинг бу кунларда Қунанбой, Иргизбойлар орасидан ишга лат етказадигап қардошларга ғазаби ҳам, озори ҳам тайёр эди. У куйиб-ёниб, ўртаниб юрган киши ҳисобланарди. Шунинг учун оға-инилар ҳам, қариндошлар ҳам унинг қош-қовоғига, кўнглига қарашарди. Ўспон, Исҳоқ, Мойбосар сингари жигарларининг ҳаммасини ўз атрофига йигиб, эртаю кеч аламини ўшалардан олиб юрибди.

Шуборнинг ёши ундан кичик бўлгани учун унга гапиргандан аямай қаттиқ гапира берарди. Шубор Абайнинг ёнига бориб, уердаги гапларни айтиб келганда, Такежон уни қаттиқ ҳақорат қилиб, койиб кетди. Совуқ гапларнинг тагида анчайин айтилмайдиган оғир бир салмоқ борлиги ҳам билинди.

«— Абайнинг менга жони ачиётгани йўқ. Уни яхши биламан, бугун у, Қунанбой боласининг йўли бўлгандан кўра, Қавменнинг — қонхўрининг йўли бўлсин деб ўтирибди. Ҳозир Абай билан маслаҳатлашадиган, бориб унга сир айтадиган кишининг ҳаммаси менга тилакдош бўлиб чиқмайди!»— деди-да, энг оғир сўзни жўрттага Шуборга текизиб:

— Сен Кункедан туғилган эмассан! Қунанбайдан туғилгансан! Қундошнинг болалари эмасмиз. Ҳаммамизни бир хил тилак билан «отанинг ўғли бўл» деб ўстирган, одам қилган — отамиз Қунанбой. Улжон билан Кунке сочи узун, ақли қисқа хотинлар. Эркак бўлиб туғилган насл бўлса, ота йўлида, ота номусини сақлаш йўлида эркакларча иш тутсин. Оғмачиликни қўйсин! У эркаклик эмас! Ҳажиқизлик!— деди зарда билан, Шуборни қўрқитадиган қилиб.

Такежон «пардалил қилиб гапирдим» дегани билан бу гапларнинг тагида кундашбаччаликнинг заҳри чиқиб турганди. Ейхига Улжондан туғилган Исҳоқ, Ўспонлардек

иккита иинсини олиб ўтириб, Шубор билан сўзлашганда у, ўгай онанинг боласи бўлгани учун душончесизлик билдириб, шубҳаланиб шу гапларни айтаётир. Яна Кункедан Қудайберди ёлғиз ўғил бўлганда, булар Улжондан кўп ўғил. Деярлик ҳаммаси Шубордан катта. Шундай қилиб, Такежон ҳозир, худди ўз уюридан четлаб, санқиб кетадиган — саёқларни қувалаб, тепкилаб, тишлаб юриб ўз бағрига қайириб оладиган отга ўхшаб, бошқа онадан туғилган болага шундай пайтда кучини кўрсатиб, ўзига қаратиб, пинжига тортиб олмоқчи бўлаётир.

Ҳийлаю макрга тўла, ор-номусдан чет, ҳисобга қолганда бу ўтирган Қунанбойларнинг ҳаммасидан ошиб тушидиган Такежон, шу ерда ҳам ўша одатини ўз ҳожатига қўлланаётир. Унинг бу иши ўзга Қунанбойларга маккорлик билан ёвузликтан берилаётган иблисона сабоқ бўлаётир.

Шубор бўлса шу хилда илондек аврашнинг сирини сезмай қолмади. Улжон болаларига караганда булар ҳам ўш, ҳам етим ўсган набира, холос. Ҳозир Шуборнинг ўзигина қаторга кириб келаётгани бўлмаса, мана бу ўтирган учта оғанинг олдида унинг кучсиз эканлиги ҳақиқат. Гап шу таҳлитда айтилса, Шубор буларга қарши туролмайди. Ҳатто, Абайнинг гапидан кечиш бўлса да, Шубордаги доғулилик, ҳийлакорлик уни мана буларга қарши қадам бостиirmайди. Сабаби, Абай томонидан зиён-заҳмат етмайди. Булар бўлса, зўрлиги—кўплигини, кучи ва корини қўли билан ҳам қаттиқ ўтказиб юбора олади. Абай томонидан кўрадиган жазоси кўп бўлса, «уят, ор», «одамгарчилик» деган гаплар юзасидан бўлади. Шуборнинг ўз ақидасига қараганда, ўша «ор, уят» деган гаплар тинчлик, хотиржамликда, фойдаси ҳам, знени ҳам тегмайдиган ўтиришларда, яна Абайнинг олдида гапириладиган, эрмак гаплар. Ишда, чинлаб амалда кўрсатишга келганда Шубор, албатта, Абайнинг насиҳатларини ағдариб-тўнтариб, қайириб ташлаб, мана бу Такежоннинг буйруғига оға олади.

Ҳозирги ҳоли худди шу йўсинда, ордан хатлаб, зўрлик сари қадам қўйишни талаб қиласи. Уни қўрқитиб ўтириб, аҳдини олгандан кейин, Такежон оға-иниллик вазифасини ҳам юклай қолди:

— Шу галги даъвода сени молимни йўқловчи қилиб ишга соламан. Бийрон тилингни, ҳар ишга етадиган ақлингни мана шу галги даъво учун ёллаб олдим! Ҳам Қу-

ванбой боласининг номуси, ҳам менинг кеким! Ҳаммаси ёлғиз сенинг қўлингга берилади. Даъвогар сен бўласан!— деди.

Шунга қарор қилишди. Энди мана Шубор, бийлар олдиди Бозорали билан тортишувга тушадиган бўлди.

Бу ишда Шуборнинг ўз ҳисоби яна қўл келди. Такежон билан бўлса, ўз элининг яна Семей уездининг ҳозирги казо-казолари, обрўйлик аъёнлари билан алоқадор бўлиб, қаторга кириб қолади. Уларнинг олдиди ҳамма Иргизбой, Қунанбойларнинг даъвосини бунинг ёлғиз ўзи ёқлаб чиқиши Шуборга жуда катта обрўй олиб беради, донғини чиқаради. Абай эмас, ундан ҳам бамаъни бўлгани учун ҳамма гап, ҳамма даъвони шунга топширилибди деган гаплар ҳам тарқалади. Айниқса, шу томонлари мансабпаст Шуборни ғоят қизиқтириди.

Семей уездининг бу ишини тергов қиласидан бўлислиари билан бийлари Нуркебойнинг катта меҳмонхонасида жамоат-жам бўлиб ўтиришган экан. «Бийлар чақираётир» деб ичкаридан одам чиққанда, Бозорали ўзининг иккита ҳамроҳи билан ҳовлида ўтирган эди. Ҳозир у сиймосида ўйчанлик сабот акс этган ҳолда қаддини расо тутиб, бийларнинг ёнига кетди. Ёнидаги иккита йўлдошига: «Юринглар, бирга борамиз!»— деб ола кетди.

Бой уйининг гиламлар, шолчалар тўшалган даҳлизига киришиди.

Нуркенинг приказчиғи — Отамбой деган новчагина, даҳани туртиб чиққан, қора тўри келган савдогар, бийлар ўтирган меҳмонхона билан даҳлизига танда қўйиб, дастёрчилик қиласётган экан. Бозорали ўша кетаётган бўйича тўғри бийлар ўтирган уйга кирмоқчи эди. Отамбой қўлини чўзиб, бир оз сабр қил деб даҳлизда тўхтатиб қолди. Ичкари уйдан чиққан Шуборга ҳам, «Мирза! Сизни ҳам кутатурсин!» дейишди деб уни ҳам даҳлизда тўхтатиб қўйди.

Орада бир оз жимлик чўкди. Бозорали энди уйга зеҳи солиб қараса, элдан келган бўлислар, бийларнинг қўнжи узун этиклари, қашқир пўстинлари, тепаси ялпоқ тумоқлари уйнинг бир томонида уйилган, суялган ҳолда турган экан. Этиклари, тумоқлари Тўбуқти нусҳасига ўхшамайди. Баъзи этикларнинг қўнжи ёрма қилиб тикилган. Баъзилари баланд пошналик. Баъзи бир тумоқларнинг тепаси жуда ялпоқ. Бозорали шу кийимларга кўз ташлаб қўйди-да, Шуборга қараб, анча қаттиққина пичинг отди:

— Мана бу ялпоқ бошлар устларига киргизмай, икковимиэга этикларини пойлатиб қўйишди-да! Мен-ку майлни! Бой билан йўғонларнинг не бало-ғазабига дучор бўлмай, тоқат қилмай юрган жон эдим. Аммо Шубор мирза, сен қандоқ қилиб чидайсан,— деб хаҳолаб кулди.

Сарбос билан Абди шаҳарнинг тартибидан, бойларнинг савлати билан дағ-дағасидан ийманиб, ўнғайсиэла-наётган эдилар. Бозоралининг шу таҳлитда гапиришидан курсанд бўлишиб, қаттиқ кулиб юборишиди.

Бу гапнинг Шуборни камситиш учун, кўпчилик ичидан гап талашиш олдидан озроқ бўлса-да, унинг кўнглини чўқдирив олиш ниятида жўрттага айтилган ғаразли ҳазил эканлигини Сарбослар яхши тушунишди.

Шубор ҳам сезмай қолмади. Лекин ичидан шу ўртада Бозорали билан гап талашиб ўтиришни ўзига муносиб кўрмади. Оғзида тайёр турган гап, гапгина эмас, ловиллаб ўт кўринаётгандек бўлса-да, ҳазил тарзида олишиш осон эмасди. Шубор ҳали тортишув бошланмай туриб Бозоралидан туртки еб қолишини истамади. Яна унинг билан бу ерда баҳслашиб ўтиришни ўзини камситадигандек ҳисобларди. Шу томонларини ўйлаб, Бозоралининг гапини эшитмаган киши бўлди-да, чўнтағидан кумуш портцигарини олиб, папирос тутатди. Шаҳар машиначиси тиккан узун, қора мовут камзулининг чўнтағига қўлини солиб, уйнинг у бошидан — бу бошига юра бошлади.

Бир оздан кейин буларни яна бийлар ўтирган уйга чақиришиди. Отамбой савдогар эшик очиб, ичкарига таклиф қилди.

Бўсоғадан тўргача қипқиэйл ипак гиламлар солинган. Уйнинг тўрт томон деворига шоҳи чойшаблар тутилган. Ҳар ер-ҳар ерга, зарҳал билан ой-ой қилиб битилган оятлар осилган. Уйнинг тўрт томонига бир хилда пар шойи кўрпачалар ташланган. Ҳар бир меҳмоннинг орқасида иккитадан-учтадан оппоқ ёстиқлар.

Эшикдан келганиларнинг саломини уйдагилар сустгина алик олишиди. Бозорали бу ерда ўтирганларнинг ичидан бир неча кишинигина танир эди. Ёши бошқалардан кичикроқ, паст бўйлик рангпаргина Айтқози бўлис ҳаммадан олдин Бозорали билан қуюққина саломлашди. Унинг сургундан келганига «хайрли бўлсин» деб ҳам юборди.

Айтқози Қарағай ичидаги рус посёлкалари билан аралаш ўтирадиган, Белогашдаги қозоқ бўлисига яқинда сайдлангац, аинча пишиқ бўлис. Асли ўзи Тўбуқтининг Кўк-

ше деган элидан. Бундан кўп йиллар муқаддам ичкарига кетиб, ўша ерда уй-жой қилиб, савдогарчилик орқасида бойиб кетган, бу кунларда бўлис ҳам бўлиб олган. Унинг иссиқи́на саломлашиши Бозоралига анча маъқул тушди.

Бу бийларнинг орасида ўша Айтқозидан бошқа Тўбуқти боласи йўқ. Деярлик ҳаммаси бошқа элнинг одамлари. Бозорали Айтқози ҳақида ичидан: «ким билади илгари элдан кетганда, булар ҳам Иргизбой, Қунанбойлардан панд еб, афтода бўлиб кетганларнинг бири эмас дейсанми? Балки менга «тортинмасин, ўзини эркин ҳис этсин» деб, жўрттага хушмуомила қилаётирми?» деган хаёлга борди.

Ундан бошқа Бозорали танийдиганлардан яна бири — Аршали бўйидаги Керей элининг бўлуси, узун қора соқоллик Рақиши эди. Басентийин элининг донгдор бойларидан Нурке бор эди. Унинг олифта қийинган, лўппи, гупчакдек семиз, қизғиши сариқ мирзаси Темирғали тўрда шоҳи рўмоли билан елпиниб ўтирибди. Темирғалининг ёнида, мана шу бадавлат хонадоннинг бош эгаси, Кўкенинг ўғли — Нуркенинг ўзи ўтирибди.

Ўша Нурке гапни очти қилиб, тергов бошлаш ниятида эканликларини билдиради. Бозорали шу ердаги, рўйхуш бермай, сиймоларида жиддийлик акс этдириб турган бийларни кўздан кечириб ўтирганди. Келганидан буён ёлғиз Айтқози бўлмаса, бошқа бий-бўлислардан бирортаси чиройини очиб боқмади. Ҳаммаси гердайиб, чиранишиб ўтиришибди. Биттаси бойлигига, биттаси ўз элининг устуни бўлганига, биттаси бўлислик кучига, баъзилари шу ўтиришга кийиб келган олифта кийимларига мағрур. Босар-турарини билмайдиган, худбин такаббурлар. Улар яна кирдикорларини яширмай, Шубор билан саломаликни қуюқ қилишди. Ораларидан унга жой ҳам беришди.

Даъво қай йўсинда олиб борилишини эшитгани эндинга кириб келган Такежон, Ўспон, Исҳоқлар билан ҳам пойгақда ўтирган бийлар, бўлисларнинг ҳаммаси дув саломлашиб, кўриша кетишди. Юрнидан туриб, қўл бериб, сўрашганлар ҳам бўлди. Улардаги бу вазият Қунанбой ишини терговчилар эмас, ўшанинг тарафдорлари эканлигини очиқ кўрсатгандек бўлди.

Бу кайфият Бозоралининг олий жаноб қалбини жир-катирган бўлса-да, кўнглини чўқтира олмади. Нурке ўтирганларга қараб: «энди гапни бошлаймиз!» деган

пайтда, Бозорали белидаги энлик, кумуш камарини бўшатди. Чопонининг ёқасини силкитиб, очиб қўйди-да, чордана қуриб ўтирганича тўрдаги бийларга қаради.

— Эй, бийлар! — деди.

Сукут ичидаги ўтирган мажлис аҳлини беихтиёр ялт этиб қарашга мажбур қилди. Унинг кенг пешонаси оппоқ бўлиб кўзга ташланиб турарди. Мардлик жўш уриб турган чеҳрасида ёш чоғидаги сингари гўзал бир қизғиши нур ўйнаётган Бозорали, янада кўркамлашиб, ҳуснига ҳусн қўшилди. Кенг яғринлари билан кўтарилиб турган кўкраги мана бу ўтирганларнинг ҳаммасидан ошиб, юксалиб турганга ўхшайди. Мана бу молга бўқакан, кийим-буюмга беланганди мирза, бўлис, бойларнинг деярлик ҳаммаси мажмагил, кўримсиз. Нимдош кийим ичидаги бўлса-да, халқдан чиққан Бозорали бир фазилатли ўғлонга ўхшайди. У ҳалигидек қилиб, навбат кутмай гап бошлаб, ҳаммани ўзига қаратиб олгач, хиёл жилмайганича бир ўзгача сўз қотди.

— Қуйидаги улуғ, қирдаги қозоқ бўлиб, казо-казоларни йифиб, бош қўшган экансиз. Биродарлар! Кўплингни танимасам-да донгини, насли-насабини билар эдим. Биттангиз қўшнимиз Үоқдан, биттангиз Қерей отам, Бура, Матай отамнинг ўғли экансизлар. Аслида жигар бўлган, қадирли қардошим Басинтийин боласи ҳам бор экан. Мендан даъво қилиб келган мирзалар, мана бу Қунанбойлар бўлади. Буларнинг қаршисида моли ҳам, пули ҳам йўқ, қўйингчи, хуни ҳам йўқ бир гала қашшоқлар номидан мен келиб ўтирибман. Қунанбой боласига ғайрат билан, бойлик билан, баҳт талаши ёки бошқа бир кураш йўли билан тенг келаман дейдиган мен эмасман! Бу Қунанбой боласида олтин ҳам кўп, от ҳам кўп, озиқ ҳам кўп. Қуда-анда, ёру биродари фақат Тўбуқтида эмас, Семей атрофида ҳам кўп. «Узун арқоқ, кенг тузоқ» булар бўлганда, «қисқа ип қамрашга келмас» — менман! «Энгашса Иртиши, чалқайса Чинғиз» деганлари булар бўлганда, қошида қанот бўлгудек бирорта ҳамроҳи йўқ — менман! Бироқ... — деб, яна қаддини ростлаб кулимсираганича Бозорали, шу гапни бошлаганида, айтмоқчи бўлган асосий мақсадга кўчди. — Қунанбой болаларининг сизлардек яхшиларга бераётган ош-нони билан ҳадияси кўп. Аммо, ҳеч нарсам бўлмаса-да, ўёқ-буёқни ўйлаб кўрсаларинг менинг сенларга бераётган порам, ҳадиям буларнинг ҳадиясидан анча ортиқ, ноёб экан! Сенларнинг элларинг

бўлсин, ўзларинг бўл шу кунга қадар бу довонда Қунонбойдан йўғонини кўрдингларми? Кўрмадинглар! Буларга зарб ўтади, буларга одам боласи бас кела олади деб билдиларингми? Билмадинглар! Ўйламадинглар! Булар Қунанбойдан туғилганми, ёки худодан туғилганми?— деган назар билан қарап эдинглар. Оёқларини осмондан узатиб тушгандек кўрар эдинглар. Менинг сенларга берган порам шу: худди мана шу Қунанбой боласи ҳам, ўзимизга ўхшаган, оддий одам фарзанди эканлигини билдиридим. Урсанг унга ҳам таёқ ўтишини, юлқисанг унинг ҳам йиртиладиган ёқаси борлигини билдиридим. Ҳатто, ботил келиб қаттиқ ура берсанг, тик туролмай, ўмбалоқ ошиб йиқилиб, ўлиши мумкин эканлигини кўрсатдим. Билсанглар мен сенларга мана шундай ҳадиялар бердим!— деб ҳузур қилиб кулади.

Қунанбой авлодига ичидан зидлашиб юрадиган ҳар уруғнинг йўғонлари очиқ кула олмаса-да, ерга қараб илжайиб қўйишди. Лекин, сир бой бермай жим ўтиришга уриннишди. Бу гап ўтирганларга таъсир қилмай қолмади. Шундай бўлгани билан бу тўда Бозоралининг гапини қувватлай олмас. «Гапнинг тўғри» дейдиганлар мана бу бўлис-бийлар эмас. Бозорали уни ҳам билар эди. Шу билан ҳалиги гапни айтиб бўлгач, ёнида ўтирган ҳамма йўғонларнинг юзига бир-бир қараб чиқди-да, яна бир гапни ҳам ўқ отгандек айтиб қолди.

— Гапнинг сирасини айтдим-да! Бироқ, яна бир ҳақиқатни ҳам айтай. Ҳалиги гапларда айтганларим сенлар эмас эдинглар! У менинг ҳалқа айтадиган, сенларнинг ҳар бирингнинг орқангда турган ҳалқа айтадиган гапим эдн. Уларга сўзим етмайдиган замон эмасми? Бирор бўлмаса бирор орқали мана шу ўринли сўзим ҳеч бўлмаганда ярим ҳалқа етар деган умидда айтган эдим. Ана энди мен сўзлаб бўлдим. Урталарингз келиб ўтирибман. Тилка-пора қил-у тўғрай бер, мана,— деб, гапини тамом қилди.

Иш очди-очди қилинаётган бу йиғилишда тили бийрон Шубор гапирди. Унинг гапига яраша даъвосини Бозорали ҳам айтди. Қўп бийлар бу ишнинг узоққа чўзилмаслигини очиқ билишса-да, тезгина тамом қилишни истамай, Бозоралини тергаб, саволлар бериб кўп айлантиришди. Баъзи бўлислар қўлига қоғоз-қалам олиб, Бозорали билан бирга отланган қирқ йигитнинг номини, кимлигини хатга тушириб олмоқчи ҳам бўлишди. Гап

шунга келганда, Бозорали гапни қисқа қилиб, чўрт кесиб жавоб қилди.

— Мен кимнинг бўлмасин, отини атаб бермайман. Олдиларингга ўзим келиб ўтирибман. Бошлаган ҳам ўзим! Бутун оғирлиқни кўтарадиган ҳам ўзим! Яна ўзимни ушлаб бойлат-да, ҳайдат! Лекин эндиликда орқамга эргашган элизни бўйнига сиртмоқ солиб, қаторлаштириб ипга чиздириб бермайман! — деди.

Шубор билан қаттиқ олишиб, айтишаётган чоғида, Бозорали шартта: «Такежоннинг бўйнида хуним бор» деган гапларни ҳам айтиб юборди.

— Оғам — Болағоз, шунинг ҳайдови билан ўлди. Иним — Үролбой шуларнинг исканжаси туфайли элдан кетиб, кимсасиз дала, дашти-саҳрода ўлиги кўмилмай қолди. Такежонга қилгандা, бутун ишни ўзим қилдим! Бу ишларни ихтиёр қилдирган — кўксимдаги кеким. Елғиз ўзимнинг кеким. Ўчингни элдан олма, ўзимдан ол! Ўлдириб тинасанми? Тириклайн қора ерга кўмдириб тинасанми? Ҳисобингни тўғрилаганда ёлғиз ўзим билан тўғрилайсан! — деди.

Бу можаронинг оғир жойи, жағи очиқ қайчидек иккιнега баравар санчиладиган қийинчилиги шунда эди.. Шубор бўлса: «Бу бало бутун Жигитекнинг кўксига жо бўлиб қолган бало! Отам Қунанбой билан Бўжейларнинг замонидан буён келаётган ўчлик-қасдлик бор. Бозорали ўша эски душманлик орқасида шундай қилди. Шундай экан, бунинг сўққа боши менга керак эмас. Қириб олгудек гўшт йўқ, сўққа бошини нима қиласман? Жавобни бутун Жигитек бирга беради. Яна қардош эллар ўртасида қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган қасдликни қилди. «Қўба қалмоқ замонини ўрнатди, босиб олиб, қириб ташлади. Ўша молимнинг ўзигина эмас, ҳар туёғининг жаримаси-хуни бирга айтилмаса, битимга келмайман. Шу сингари бошқа қашшоқларга касри тегиб, балоси юқмасин. Қаддини кўтариб ололмайдиган қилиб тепки, зарба бериб қўйилсин. Мол-пул билан бериладиган жазо, аямай айтилсин. Менинг талабим, тилагим: Такежоннинг саккиз юз йил-қиси қирилди-ку, ўшанинг катта-кичигига, ҳар туёқ босига учтадан беш ёшлик йилқи тўлашга қарор қилинсин! Шартим шу!» — деди.

Кун бўйи тортишган бийларнинг ўзаро кенгаши, ўша куни кечга қадар ғўзилди. Қош қорайиб, қоронғу тушган пайтда бийлар яна Бозорали билан Шуборни чақиртириб

олишди-да, Нурке уларга сўнгги ҳукмни эшитдирди. Жигитек элининг ҳаммаси баб-баравар гардонларида қарзи бўлган айбдор аталди. Ёлғиз Бозорали айбдор бўлгани билан, қариндошлари қўша куймай қутила олмайди. Утган яқиннинг қўли куяди. Бебошлари учун бошлиқлар жавобгар бўлмаса, бузуқларни — ғалаёнчиларни қай йўсинда тийиб бўлади? Шундай бўлганидан кейин бутун Жигитеклар Такежоннинг саккиз юз йилқисининг ҳар туёғига иккита беш ёшлик йилқидан минг олти юз йилқи беради! деб, ҳукм чиқарилди.

Бу ҳукм мана шу қиши давомида батамом амалга оширилди. Жигитеклардан Қунанбой болалари билан зимдан дўстлашиб, топишиб кетган Уркимбой, Бойдали, Жабай сингари бой овуллар омон қолишли. Қолган ўрта ҳол хонадон ва кўпинча қашшоқ овуллар бор жаримаҳи кўтиришиди.

„Қора солиқ“

Борлибайдаги Абай овули — барра ўти мавж урган ўтлоққа жойлашган. Бу ердагилар бугун жуда серҳара-кат. Оқ бўз уйлар билан ўтовлар, меҳмонхоналар орасида елиб-югуратгандар кўп. Кўрпа-ёстиқ, дастурхоч, идиш-товоқ, самовар ташнётган жувонлар, йигитчалар шошилишаётир. Тоза кўйлак, камзул кийган, синкаланган чорси дуррачалар бойлаган жувонлар билан укипар тел-паклик қизларнинг чеҳрасида байрам кунларидағи сингари аломат сезилади. Нимагадир шодланиб, қий-чув қилиб юрган катта-кичик болалар ҳам янги ва тоза кийимлар кийишган. Уларни мактабдан ҳам озод қўйиб юборилган кўринади.

Овулдан нарироқдаги майса устида қоқиб тозалаб қўйилган гилам, шолча, янги наматлар кўринади. Булар Абай уйларининг атрофини ўйиб гул босилган, каштатикилгандек яшнатиб турибди. Бўйнига кумуш бўйинбое тақилган иккита сариқ този ҳам уйлар орасида ўйнаб, сакраб, гўзал бир кўриниш бераётир. Попиклик қулоқлари шалвираб, ҳилпираган узун думлари жилпанглайди. Сакрашларни ҳам, отилиб-ўйнаб олишлари ҳам уларнинг ўзиға ярашиб туради. Эркаланиб, илдам олишишаётгандада уларнинг нақадар кучли эканлиги ҳам сезилади. Улар ихчам, гўзал жуссаси билан кишининг диққатини беихтиёр жалб этади.

Овал атрофида, уйлар орасида, от устида қичқириб, сўзлаб тинмай юрган йигитлар ҳам кўп. Овулдаги серҳаракатлик айниқса ўша той-ғўннларга миниб, тинмай қичқиришиб, бақиришиб от чоптириб юрган болаларнинг ҳаракатларидан очиқ кўриниб турарди. Уларнинг елиб

югуришлари баъзан овулдаги тозиларни, итларни ҳам қизқириб, бирга чоптириб ўйнатаётир.

Шу сингари ҳаракатдан туғилган қизғинлик билан шақиллаб сўзлаётгандарнинг товушлари кермада¹ турган отларни ҳам елиқтираётир. Эгарлоғлиқ, бақувват отлар тинч тургани билан, катта уйга яқин боғланган, ёли ва думи қора, ўзи қурим, саринқ от анчадан бўён тепиниб, тинчлана олмай турибди. Ёнидан този итлар югуришиб ўтса, болалар чопиб кетса, семиз сариқ от кермани юлқиб, пишқириб, типирчилааб, тепиниб, олиб учгудек бўлади.

- Абай ва бир гала қўшнилари овул орқасидаги кўмкўк майса билан қопланган, узунчоқ тепалик бошида Чинғиз томонга анча вақтдан бўён кўз солиб ўтиришибди. Баъзан овулга ҳам қараб қўйишади. У ердаги намат силкиётган, ер ўчоқ ёнида тутунини бурқиратиб самовар қўяётган, бир қанча қозонларда овқат қилаётган тоза кийимлик, озода жувонларга ва хизматчи йигитларга ҳам улар қувонч билан қарашарди.

Абай овулидаги бугунги говжум, серҳаракатнинг йўли бўлак. Бу ҳаракат Абай билан унинг оиласи, айниқса инишогирд дўстлари учун ғоят қимматли бўлган ҳаракат эди. Унинг боиси шу бугун — Абиш келадиган кун эди. Икки йилдан бўён элга келмай, шу бугун, «жонажон овулига келади» деб, ота-она, оға-инилар уни интизорлик билан кутишарди.

Унинг йўлига фақат овулдагиларгина кўз тикаётгани йўқ. Ошиқиб от устида кутаётгандар овулдан йироқлаб кетишган. Улар Чинғиздан Борлибойга ошиб тушадиган, Бўкенши довонининг ёнигача чўзилиб борган. Бўз йигитлар, йигитчалар, овулдан йироқда, эрталабдан бўён довон тагида кутишаётир. У ерга: Кўкбой, Оқилбойлар бошлиқ Какитой, Дармен, Муқа, Алмағамбет сингари ёшлар ҳам кетишган. Успон овулининг ёш-яланлари ҳам бирга жўнашган.

Успоннинг ўз боласи бўлмаса-да, ўзининг кичик ииниси қатори бўлиб Қунанбойнинг қўлида ўсган Оқилбойнинг иккита боласини: Авбакир билан Покизодни асраб олганди. Улар катта уйда Эркежоннинг қўлида ўсишарди. Успоннинг эрка қилиб ўстирган бу иккита боласи, бошқа болалар бормайдиган ерларга эркалиқ қилиб, эркин бора беришарди. Бугун Покизод: «Абиш оғамнинг олдига чиқа-

¹ От боғлаш учун қилинган ёғоч дар.

ман» деб, ёнига ўзидан катта бир гала қизларни эргаштириб кетган.

Тепалик бошида отдан тушиб ўтирган Оқилбой, Муқалар фол очишаёттир. Истараси иссиқ, оппоқ гўзал йигит — ашулачи Муқа ҳозир «муакилли» фолбинларга ўхшаб янги солган тошлиарни шошиб-пишиб йиғди-да:

— Энди қайта солиб овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Йўловчига солгандо тошлиар шу хилда тушса «чиқиб қара» дейилади. «Отнинг тумшуғи келиб тақалди» деган шу бўлади. Кўнгли тўқ, қўйни-қўнжи тўла ўлжа, эшикдан тўрга севинчи! Тур ҳамманг отларингга қўн! Мен билсам, ҳозир Абишлар ҳу ўша Бўкенши довонига чиқиб қолишди. Қани, отга мининглар! — деб, кулганича ўринидан ирғиб турди.

Тоқати тоқ бўлаётган болалар, «Келиб қолди!» деган гапга чин кўлгилдан ишониб, шодланиб юргурганиларича бориб отлари, ғўннларига миниб «Қани, қани?» деб шопи-колоқлаб қолишди.

Фолчи деган нарсанинг айтгани бирон марта тўғри келган бўлса, шу гал тўғри келди. Отга энди минган Дармен довон атрофга кўз солиб:

— Эй товба, мана бу Муқанинг чиндан ҳам фолга эви борга ўхшайди! Ана, Абишлар келиб қолишди! — деди-ла, жадал юриб кетди.

Чиндан ҳам шу чоқ, Бўкенши довонидан ошиб келаётган бир гала йўловчилар кўринди. Извош атрофини қуршаб келаётган тўрт-бешта салт отлиқлар ҳам бор. Йўловчилар билан буларнинг ораси от чоптирим ер эди. Кутиб чиққанлар энди дув от қўйиб кетишиди. Чувалашиб кетаётган отлиқлар кўм-кўк майса билан қопланган, ям-яшил, гўзал тепаликлар, сизот сойларда чопиб боришаркан, баъзи ерларда тарқалиб, баъзи жойларда тўпланиб сиқилишиб, галалашиб-тасирлаб пойга қилиб кетишаёттир. Улар энди сўнгги тепаликка чиқишганда, йўловчиларнинг араваси ғилдираб пастга туша бошлади. Уч саман от қўшилган янги извош пастга қараб ғириллаб кетганда, ёнидаги салт отлиқлар кейинда қолишди.

Йўловчилар қуйига, текис ерга тушганларида, боядан бери буларга қараб жон-жаҳдлари билан от қўйиб учиб келаётган отлиқларнинг олдинги иккита-учтаси, кетма-кет етиб келишиди. Тўшини тер босган, ҳарсиллаб бурун катаклари керилиб, ўзини тўхтата олмай пишқириб турган отларни зўр-базўр тўхтатган овул кишилари, извош-

га урилиб кетаёзиб, кетма-кет салом беришди. Абишнинг олдига қувончли қий-чув билан чиқиши.

Ҳаммадан олдин Қакитой, Дармен ва яна Успоннинг болалари — Авбакир билан Покизод этиб бориши. Олдиларидан булар чиқиб қолишганда, извошда ўтирган Абиш: «Тўхтат! Торт отнинг бошини!» деди. Қаттиқ кетаётган извошни тўхтатгунча бўлмай, Абишнинг ўзи аскарий одат билан извошдан лип этиб, қўш оёқлаб сакраб тушди. Қозлода ўтирган Боймағамбет ҳам отларни тўхтат қолди.

Ини-жигарларнинг кўзларида шодлик ёши кўринди. Шодлик кулгиси билан ёш аралаш чиқаётган қисқа-қисқа сўзлар эшитилди. Соф кўнгил жигарларининг гўё бошдан сочаётган сочувдек шодлик, беғуборлик билан:

— Оғажон!

— Абиш оға!

— Ўзим ўргилай Абиш оға! — дейишганини эшитганда, Абишнинг рангги оппоқ оқариб, юраги титраб кетди. Отдан ўзини ташлаб, қучоқ ёзиб юргурган Қакитой Абиш билан қаттиқ қучоқлашиб, ўпиша кетди. Унинг кўзига Абиш бемордек кўринди. Жигаржон Қакитойнинг юраги орқасига тортиб кетди. Кўнглида: «Касал бўлмаса, шунчалик ранги-рўйи бир ҳолатда бўлиб, озиб кетар эдими?» — деган шубҳа туғилди.

«Абдираҳмон кўпдан бўён элга келмади. Шаҳарда дардга чалиниб қоладими?» деб катта оғалар, кекса она-ларнинг бу азamat тўғрисида кўпгина ташвиш тортиб, хавф олишларини Қакитой эшитиб юарди. Ҳали ичидан зил кетганини яширмади. Абишнинг қучоғидан бўшаган замон:

— Абиш оға, соғлиғингиз яхшими? Эсон-омон келдингизми! Нега бунча ўзингизни олдириб қўйдингиз? — деди. Авбакир билан Покизоднинг юзидан ўпиб кўришаётган Абиш, ялт этиб Қакитойга қаради-да, кулиб юборди. Қонсиз юзига нағисгина қизиллик бериб, қон юрганича:

— Саломатлигим яхши, Қакитой! — деб эл уруғнинг, отасининг эсон-омонлигини сўрай бошлади.

Шу тобда пешвоз чиқиб, тирна қатор от қўйиб келаётган кутиб олувчиларнинг ҳаммаси тўпир-тўпир отдан туша бошлашди. Ҳаммаси Абишни бир-бир қучоқлаб кўришиб, ўрталарига олиши. Қакитой энди извошда кулумсираб қучогини ёзиб ўтирган Мағашга қараб юргурди.

Мағаш тегажаклик қилиб, Қакитойга:

— Севинсанг бурнинг бира тўла пучтанай бўлиб кетар экан-ку, а? Хунуклигинги қара-я. Солиқа ҳам дейман, арзир арзимасни ўзига муносаб кўраверар эканда!— деб, пиқирлаб кулиб қўйди.

— Пучуқ бўлсанг ҳам гўрга! Фақат Мағашга ўхшатиб кўса қила кўрмасин!— деб юрипти-ку, Солиқа — деб, Қакитой Мағаш билан кўришар-кўришмас ҳазиллашиб, асқия қила бошлади.

Абиш билан бирга извошга Покизод ўтиради. Мағаш ҳам Қакитойни ёнидан силжиткиси келмади. Шундай қилиб, қувонишиб топишган, извош тўла жигарлар, бир қанча салт отлиқларнинг қуршовида Абай овулига қараб отларини қаттиқ чоптириб кетишиди.

Арава дўғасига тақилган жез қўнғироқлар жанғирлаб, ўртага қўшилган саман отнинг бош чайқатиб елиб боришини олқишлиётгандек моромсиз жарангларди. Чангтўзонсиз кенг далада, икки томонини ўт, ўлан қоплаб ётган энсиз йўлда яхши извош гулдираб, тез кетаёттир. Абиш Қакитой билан Мағашга қараб-қараб, иниларининг ਬир-бири устида жонини фидо қилгудай бўлаётганини томона қилиб келаёттир. Улар дам ҳазиллашиб, дам жим қолишиб, кўзларини олишмай, кулимсираганларича бир-бирларига боқиб ўтиришганди.

Қакитой Абишни соғинганидек, Мағашни ҳам қаттиқ соғинганга ўхшайди. Мағашнинг шаҳарга кетганига ҳам кўп бўлган эди. «Абишга пешвуз чиқаман» деб бир ярим ёйдан бўён Семейда кутиб ётганди. Мағаш Абиш билан сўзлашганида, Қакитойни ўзгача бир дўстлик билан яхши кўришини айтганди.

Абиш энди Қакитойдан овулларнинг қаерга жойлашганини суриштира бошлади.

Абайнинг овули Борлибойда экан. Ирғизбойларнинг ундан бошқа кўп овуллари аллақачон яйловларга кўчиб кетишибди. Абай овули эса шу йўловчиларнинг келишини кутиб, кўчмай турган экан.

Тутош чимлик текис водида гулдурос солиб, отларини чоптириб келишаётган бир гала отлиқлар Борлибой сувининг бўйида ўтирган Абай овулига келиб ҳам қолишибди.

Бу овулдаги ҳозирлик кўриш, югур-югурлар босилган, энди ҳамма Абай билан Айгеримнинг катта уйи ёнида тўпланиб, йўловчиларнинг йўлига кўз тутиб туришган эди. Абай одамларнинг ўртасида турибди. Эгнида узун,

сағиши хитой жужун камзул. Ёзлик енгил кийим унинг бу кунларда тўлишган катта гавдасини яққол кўрсатиб турарди. Қулранг духоба желатка билан оқ кўйлак, кенг камзул ўзига ярашиб, кўркамлик баҳш этгандек кўришарди. Анчагина оқ оралаган сочи чеккалари, пешонасидан тортиб тўкилиб, орқага сурилишидан Абайнинг кенг пешонаси яна ҳам очилиб кўркамлашган. Қийилиб келган ингичка қошлари ҳали ҳам қоп-қора. Юзларидан ажин жуда оз. Ёйилиб битган сийраккина соқоли анча узайиб, сўнгги йилларда оқ толалар оралаган.

Ҳозир Абайнинг атрофини қуршаб турганларнинг кўпчилиги аёллар. Енида иккى кўзинга жиқ ёш тўлиб, ранги ўчинқираган ҳолда Айгерим турибди. Бир қанча келинлар, хизматкорлар, молбоқарлар, бия соғувчилар, хизматдаги қўни-қўшнилар ҳам кўп. Катталардан қари-қартанг чол қўшнилар бўлмаса, бошқа бегона одам оз.

Йўловчилар овулга етиб қолишган пайтда Дармен қичқириб, салт отлиқларни тўхтатди:

— Абишнинг извоши олдинга тушсин! Аввал Абиш борсин!. Овулдагилар бизларни эмас, уни кутиб туришибди. Яна чопарлар — стражникларга ўшаб овулга оттижинглатиб бормайлик. Орқада юринглар! — деб буйруқ қилди.

Боймагамбет овул остонасига етгунча катта саман отнинг бошини тортмай, елдирганича келди. Извош тўхтамасдан, Абай бошлиқ тўпланиб турганларнинг ҳаммаси булар томон қўзголди. Абиш ҳали тўхтамаган извошдан сакраб тушди-да, қучогини ёзганича отасига қараб югурди.

Абай ҳам қучогини ёзганича бориб Абишни бағрига босди. Қаттиқ қисиб қучоқлаб туриб, юзидан, кўзларидан ўпди, анчагача бағридан бўшатмади. Өта билан бола ўртасида шу сингтари соғинчли қучоқдан бошқа бир оғиз сўз бўлмади. Абишни анча вақтгача кўксига босиб туриб бўшатгандা, Абайнинг қорачадан келган юзи оппоқ бўлиб, ранги ўчиб, ўзгариб кетди.

Ҳамон ўғлига тикилганича атрофдаги оламни англай олмай, бир нафас эсанкираб қолди. Абиш бу чоқ ёш бола сингари эди. Абишнинг жез тугмали юнкер формасидаги погонлари, ҳозир галма-гал қучоқлаётган оналар, янгалилар, чол-кампир қўшнилар орасида ўхтин-ўхтин кўриниб қоларди. Кокардали картузини бу чоқ у қўлига олган эди. Сийрак қўнғир сочи силлиқ қилиб орқага таралган.

Сочининг олди эртароқ тўкилиб кенг пешонаси очиқ кўриниб турарди. Новча бўйлик, хиёл кўтаринки қирра бурунлик, қизғиши қўнғир мўйлови эндигина сабз уриб келаётган, лаблари ғоят нафис, юзлари пушти рангда товланиб турадиган, яхши кийинган ёш Абиш ўзгача гўзал кўринарди.

Қучоқлашиб, йиғлаб кўришаётган кўп оналар билан янгалар тилакдошлиқ билдиришаётир. Болажонли қўшни, кампирлар, чолларнинг Абишга айтсаётган меҳри-шафқатга тўла қисқа-қисқа сўзлари эшитилаётир.

— Жоним болам, эсон-омон келдингмн?

— Кўзларимнинг нури, ҳамиша шу сингари шодликка етказсан!?

— Кўп соғинтирдинг-ку, кутг-мадорим!

— Узим айланай! Ёруғ қуёшим!..

— Ҳамиша сафаринг ота-онангни шу зайнл хурсанд қилсан!

— Сафаринг кутлуғ бўлсан, бўтам!

— Хуш келибсан, Абишжон!— деб тилакдош қалблардан чиқаётган беҳисоб иссиқ сўзлар то Абиш уйга киргунча деярлик ҳаммани ажиз бир ҳаяжонга солди.

Меҳмонлар уйга кириб ўтиришлари биланоқ, Абай, эгилнб Абишнинг юзига тикилиб сўради:

— Нега бунча озиб кетдинг, Абиш, сиҳатинг яхшими?

— Петербургнинг ўқиши яхши бўлгани билан, овқатпода қувват бор дейсизми?! Сўриб ташлагандек, мокидек ҷўзилиб қолибсан-ку?— деб, Кўкбой Абишнинг ранги костишининг боиси қилиб шаҳарнинг овқатини айблашга тушди.

Абай энди марказдаги янгиликлар, Петербург ҳаётаси, Абишнинг ўқишига оид гапларни сўрай бошлади.

Петербургдаги, Михайлоп номидаги артиллерия мактаби Абишнинг айтишига кўра, ўзи хоҳлаб кирган мактаби эмас экан. У ҳазиллашиб ўтириб Абайнинг ўз сўзи ни келтириди:

«Боламни мадрасага бил деб бердим,
Хизмат қилиб чин олсан деб бермадим»,—

деганингиз ёдимда оға! Ниятим, ўзингиз биласиц, политехника институти эди. Утган йил ҳам, ўзоги йили ҳам унга киришга менинг йўлим торлик қилди. Бу мактабнинг ҳам ўқиши оз қолди. Шуни битириб олиб, кейин бошқа илмга ҳаракат қилмоқчиман. Албатта ҳарбий хиз-

мат соҳасида катта мансабга эришишнинг кетига тушмоқчи эмасман. Лекин керакли илмни ҳарбий мактабда ҳам оларман...— деди.

Абай унинг фикрига қўшилиб:

— Илмнинг ёмони йўқ. Биздек чанқаган элга қай илм бўлса ҳам, агар ўшанинг кетига астойдил тушадиган бўлса, бир ноёб хазина-ку. Азаматлик қуролингни қўлингга маҳкам тутқазарлик илм, тарбия бўлса, ота-она ундан ортиғи ни талаб қилмайди, бўтам! Халқингга хизмат қилишнинг кетига тушсанг, офицер бўлиб етишасанми, инженер бўлиб, адвокатлик илмини ўқиб етишасанми, фарқи йўқ! Қай соҳага борсанг ҳам, элингнинг камчилиги билан мухтожлиги минг ботмон. Фақат ўқиб илмингни ошириш йўлида соғлифинг, қувватинггина етса экан деб тилайман!— деди.

Яна Абдираҳмонни қучоқлаб, бир қўли билан анча вақт бағрига босиб ўтирди.

Үй тўла одам йиғилиб, дастурхон ёзилиб овқат келтирилди. Суҳбат мавзуи дамба-дам ўзгараётир. Абай энди бир хонаси келганда ўзининг янги дўсти Павловни сўради. Унинг билан Абай Семейда танишган экан. Павлов Тобольск қамоқхонасидан чиққандан кейин бу тарафларга сургун бўлиб келган экан. Абай уни ўз овулига меҳмонга чақириб, Абдираҳмонни кутиб олиш учун Семейга кетаётган Магашга: «шу гал бирга ола кел» деб топширган эди.

— Федор Иванович нега келмади, Абиш? Нега кечикиб қолди? Сен билан бирга келишга ваъда берган эди-ку.

— Тўғри, мен билан бирга келмоқчи бўлиб кўп ҳаракат қилди. Лекин рухсат ололмади.

— Губернатордан сўрадими?

— Унинг аризасини губернатор полицеистерга юборибди-да, ҳал қилишни ўшанинг ихтиёрига топширибди. У бўлса, рухсат бермай қўйди. Сургунда юрган одам яйловга бориб, қимиз ичмаса ҳам бўлади деган бўлса керак.

Абай Павловнинг келмаганига анча ташвишланиб қолди.

— Оббо! Кўп қадирли, азиз одамим эди, соғлиғи ҳам жуда начор эди. Сен билан келиб, яхшилаб дам олиб кетса деб ўтирган эдим. Ўзи билан яхшилаб танишдингми?

— Танишдим. Кўпинча бирга бўлдик. Бир неча марта узоқ-узоқ сухбатлашдик. Ҳаётнинг қайси жиҳатини бўлмасин, фоят кенг, чуқур тушунадиган, кўп билимдон одам экан. Революцион жамиятнинг илгор пешқадамларидан бўлса керак. Сизни ҳам жуда дўст тутар экан. Ўзингизни ҳам, меҳнатингизни ҳам қанча-қанча қозоқлардан ортиқ тушуниб, кўп қадр қиладиган одам экан деб ўйладим,— деб Абиш Павловни бирга олиб келолмаганига қаттиқ ўкиниб гапирди.

Шу кеча дамба-дам дастурхон янгиланиб: ҳали чой, ҳали қимиз, ҳали эт тортиларкан, ора-чора бўш қолган пайтларда бир уй бўлиб ўтирганлар ўйин-кулги қилишиб, фоят гўзал санъатлар кўрсатишиди.

Саҳро ҳаётида оқин-шоир, ўланчи, ўйинчи, қизиқчи, ас-киячилар кўп учрайди. Абай овулининг ўзи бўлса, бу ерда алвон турли, гўзал сирли санъат намуналарига тўла. Лекин бугун бу овулдагиларнинг деярлик ҳаммасини ҳайрат ичидა қолдирган янги бир санъат кўринди. Эндиғи ўйин-кулгининг турли-туман хилини янги меҳмон бошлагётнр.

Теп-текис Борлибой водисида, сутдек ойдин жимжит кечада Абай билан Айгеримнинг катта уйидаги фоят усталик билан нозик, нафис тўлқинлантириб чалинаётган скрипка овози чиқди.

Бу ўтиришда мажлис аҳли ўйин-кулгига берилган саъин скрипка торларидан бир ўзгача латиф сўзлар томабошлади. Абиш анчә яхши скрипкачи экан.

У рус халқ куйларини, фоят гўзал, нозли романсларни чалди. Баъзан бу ердагиларга янгилик бўлгани билан бутун рус халқи яхши биладиган, «Стенка Разин», «Ермак», «Бродяга» сингари куйларни, баъзан жўш уриб юракдан отилиб чиқаётгандек ўйноқи, шўх рақс куйларни ҳам чалди. Навбати билан ҳали мазуркани, ҳали полкамазуркани янгратди. Бир вақт жўшқин, ўйноқи, қизгин «Гопак»га уриб кетди.

Абиш ҳар бир санъати, ҳулқи, ўтириш-туриши, кийиниши билан Абайнинг шогирд дўстларининг деярлик ҳаммасини ҳайрон қолдирди. Абишни рус тарбияси, илм ва маърифат, шаҳар ҳаётининг тартиби ихчамлаштириб, ҳар бир ҳаракати, қиёфаси, сиймосини булардан мутлақо бошқача қилиб юборган эди. Мана шуларнинг баъзи бирлари бир онадан туғилган бўлса-да, мутлақо бошқача, олижаноб бўлиб кетган Абишга ҳайрат ичидан тикилишди.

Ўзларнинг оғаси, жигари, самимий дўсти, жондан азиз, қадирли одами бўлган Абишнинг ўзларндан шу сингари айрилиб турадиган даражада ўзгачалигига баъзан узр билан, баъзан қизиқиш, фахрланиш, чексиз ҳурмат билан боқишарди.

Абиш бир неча бор ўзи чалиб бўлгандан кейин, скрипкани Муқага узатди.

Абай овулига Муқа бу ёшларга йўлдош, дўст бўлиб яқинда келиб қўшилган. Ўзи аслида бу элнинг одами ҳам эмас. Қўшни бўлган Кўкан бўлисидан Уоқларнинг Қондор деган уруғидан чиққан. Ўз элида ошиқ бўлган бир қизин ололмай юрган чоғида, Мағашнинг маслаҳати билан қизни олиб қочиб, Абайнинг паноҳига келган ва шу ерда турғун бўлиб қолган. Шаҳарда тез-тез учрашиб юрадиган бу камтар санъаткор—скрипкачи ҳамда кўп моҳир ўланчи Муқани Абай билан Мағаш ҳам жуда яхши кўриб қолишган. Уни ҳам Дармен, Алмағамбет, Эрбўллар сингари доим бирга юриб, бирга турадиган, айрилмас дўст қилиб олишган.

Кечаси анча вақтгача дастурхон билан ўйин-кулги дамба-дам гал олишиб турган пайтда, ора-чора дўмбирачи—Оқилбой, куйга уста — Муқа, ўланчи Алмағамбетлар межмон чалиб берган волка, мазурка сингари рақс куйларининг баъзи бандларини дўмбирага солиб динғифлатиб, бу куйларни англашаётганинни сездириб ўтиришди.

Шу чоқ Абиш узатган скрипкани олган Муқа, ўз ҳолиҷа ўргангандан ғоят таъсирили бир куйни чала бошлиди.

Унинг бармоқлари йўғон-йўғон, скрипкани чалиш усули ҳам Абишдан бошқача экан. У, бамайлихотир ўтириб, салмоқлаб фақат қўл ҳаракати билангина چалди. Абиш зеҳн солиб ўтириди. Муқа скрипкани провинциал бир машшоқдан ўргангандан кўринади. Зўр техникага эга бўлмаса ҳам, борлиғи билан берилиб бутун ҳисларини ифодалаб етказишга уриниш сингари ноёб талаб борлиги кўриниб туради. Чалаётган куйни ҳақиқатан жуда мунгли, дардли дилдан чиққан чин нолишга ўхшайди. Мана шу куйнинг икки бандини чалиб бўлганда Абиш ялт этиб қаради-да, бу қандай куй деб сўради.

Муқанинг сиймосида ўзига ишонч акс этган ҳолда:

— Бу куйни бизлар «томнай места» деб атаймиз,— деди.

— Тёмное место?

— Тёмное место?— деб, Абиш авваллар эшиитмаган куй ҳақида ўйланиб қолди.

— Бу, валс-ку ўзи·а,— деб яна бироз ўйланиб турди·да:— отига қараганда бирорта ғалатироқ жойда эшиитилган куйга ўхшайди!— деб, кулимсираб Муқага қаради.— Қаердан ўрганган эдинг?!

Мағаш билан Қакитой қўшилишиб қулишаркан, ўнғайсизланиб ивири-шивир қилиб қолишиди. Мағаш уйдагилар эшитарлик қилиб:

— Билиб турибди! Қаерда эшиитганинггача билиб олди, Муқа! Энди ўзинг бир йўлини қилиб, ростини айта қол!— деди.

Ешлар бу сирни билмайдиган Абайдан хижолат тортишиди. Муқа у қадар ийманнисдан:

— Буни нариги томонда мәҳмондўст аёллар уйида эшиитган эдим. Ўзини жуда олдирган, ранги заъфарондек ёшгина бир маъсума қиз йиғлаб ўтириб айтиётгандан эшитиб қолган эдим. Ким чиқарганини билмайман. Ҳатто ўша шўрлик қизнинг шунчалик ёт ерга тушиб қолиб, чекаётган аламли дардларидан туғилган куйми деган хаёлга ҳам борган эдим!— деди.

Уйдагилар бу куй ҳақида яна қайта оғиз очишмади. Ешларнинг ҳаммаси Абайдан уялиб ўтиришганди. Абай бу кайфиятни билиб, ҳазил қилиб:

— Емонликдан яхшилик туға бермаса ҳам, баъзи бир ёмон юришлардан яхши ўлжа олиб чиқиши ҳам мумкин эканми, дейман·а? Шунга ишора қиласётган бўлсанг керак, Муқа! Лекин борган сайин бир яхшилик ола берар эканман деб ўйласанг алданасан! Бизни ҳам доим алдай олмайсан!— деди.

Муқа бошлиқ ёшларнинг ҳаммаси дамини чиқармай, хижолат ичидаги астагина кулиб қўйишиди.

Софинишиган оға-жигарлар, тенгдош-йўлдошлар, ёридўстлар йироқ сафардан келган санъаткор, илмлик-маърифатлик мәҳмон билан даставвал шу таҳлитда учрашишиди.

Кечаки гала бўлиб ўйин-кулги қилиб ўтирганлар бугун иккига бўлинадиган бўлишиди. Чошгоҳ пайтида Абайнинг уйида қимиз ичиб ўтириб, ёшлар ўзаро ким бориб, ким қолишини ҳал қилишиди.

Аввало жўнайдиган Абиш. У ўтган қиши вафот қилган катта она—Улжонга фотиҳа ўқиб келмоқчи. Уша овулда турадиган ўз онаси Дилданни ҳам кўриб келмоқчи. Абиш

билан Магаш, Дармен, Какитой, Алмағамбетлар бирга борадиган бўлишди.

Абишлар эшикка чиқишганда, узун кермада бир қанча эгарлоғлиқ отлар турганди. Ҳаммадан олдин Алмағамбет кичиклик йўли билан Абишининг отини етаклаб келиб кўндаланг қилди.

Кечаке меҳмон келган пайтда кермага яйдоқ бойлаб қўйилган ёли, думи қора саман отга бугун жуда яхши жабдуқ урилган эди. Кумуш юган, қуюшқон, босма айил, узангиси үзангисигача кавказча қилиб қора нақш берилган, юпқа кўкиш шойи сирилган тўқимнинг устидан қизғиши сафён жазлиқ урилган, сиркор қилиб ишланган эгарнинг устида ҳаворанг духоба кўрпача. Бу жобдиқлар саман отга урилганда от яна ҳам очилиб, яна ҳам кўркамлашиб, қаддини ростлаб турган эди.

Ҳозир Абиш миниши билан бироз ўйноқлаб ер тепиниб турган қамиш қулоқ, узун саман от ҳақиқий бўз йигитлар минадиган отга ўхшаб кетди.

Абишни кузатгани чиққан ёшларнинг ёнида Айгерим ҳам турган эди. Саман от ўйноқлаб, сўлиғини чайнаб, бир оёғи билан ер тирмалаб, пишқириб турибди. Абиш унинг ҳаракатига қизиқиб қарайди.

Оппоқ юзларига қон югуриб кулимсираганича унга мос ҳаракат қиласди. Отнинг шу хил ўйноқлаб туриши Айгеримга асовдек туюлиб, хавф олди-да:

— Чирофим, бу отингнинг запти қандоқ ўзи?.. Эҳтиёт бўл!—деди, безовта бўлиб қизариниб кетганича кулимсираб.

Бу пайтда бошқа йигитчалар ҳам отларига минишганди. Абиш бош иргаб кичик онасига сипоҳлик билан қарди-да:

— Йўқ, опа! Асов эмас, гижинглаши-да!—деб қўйди.

Бироздан кейин овулдан четга чиқишлиари биланоқ саман от олдинга тушиб қайта-қайта ер сузиб, четланиб, олиб учгудек бўлиб кета берди. Абишининг оти секин юролмайдиган бўлгандан кейин, йўловчилар ўз отларини жадаллатиб кетишга мажбур бўлишди. Абиш ҳамон олдинда кўпчиликдан ўзиб келаётир. Кўпдан буён отга минмаган ва саҳронинг салқин адирлари, зилол сувлари, соғ булоқлари, кўм-кўк майсалик ўтлоқларини согинган йигит ҳозир ўзининг бошқалардан холи бўлишини маъқул кўрди. Унинг эл ва ерларга интизор кўнгли шу қадар сергак, хурсанд, кўтаринки эди. Сўлқулдоқ ўт-ўлан-

лари бир томонга майишиб, тўлқинланаётган майин шабада шарпаси келиб турган, мавж уриб ётган яйлов шу қадар кўнгилли, оромбахш эди.

Ҳавода заррадек чанг йўқ. Бутун олам фўмилиб чиқиб очилиб кетгандек мусаффо, яшнаб турарди. Яқин ерлардаги пастак-пастак ям-яшил тепаликларнинг бўй тортган ажриқлари шабада шарпасидан ёпирилиб бош эгиб тўлқинланади. Чақнаб турган қуёш нури остида ўт-ўланлар дам лоп этиб, бир томонга ўгирилиб, оқиш товланиб кетади. Мингларча майда игна сингари ялт-ялт этиб товланади. Гўё тепаликлар устига кумуш зарралар сочилгандек қуёш нурига чақилиб кўз қамаштиради. Ироқда, йигитларнинг қаршисида қўкимтири товланиб турган уч-тўргта баланд тепалар ётарди. У тепалар: Шақпок, Қазбола, Бойқўшқор тоғларининг орқа томони эди, Ҳарир оқиш туманга чулғаниб турибди... Уша туман сойликларда қуюқлашиб турибди. Бу ўлканинг рангидан бўлакча, ҳаво рангидаги сирли манзара кўзни тортиб, кишини ўзига мафтун этади. Мана бу йўловчилар кўзлаб кетаётган тепалик ҳам ўша ерда. Бироздан кейин буларнинг чап томонидан бир-бирига тираб қўйилган тош сандиқ сингари алоҳида-алоҳида ётган кўп тепаликлардан иборат — Керегетос тоғи кўринди.

Бу саҳрордаги қалин, кўм-кўк майса чўзилиб бориб, тўсатдан ўша харсанг тошларга тақалади. Ундан уёғига узун-узун сандиқ сингари тошлар қат-қаватланиб юксалади. Кўп жойларда, ўша тошлар орасида кўкарган ғужум арчалар кўринади. Улар гўё, тош бағрига ёпишиб ўсаётганга ўҳтайди. Жингалак арчаси қалинлашиб кетган тош тепанинг бағрилари мўйналиқ адирга ўҳшаб кўринади. Баъзан бу ерларда ўйноқлаб кетаётган, шохи эгилган арқарнинг орқаси кўриниб қолади. Баъзан харсанг тошлар орасида жилпанглаб юрган қизил тулки кўзга чалинади. Думи чувалган маккор, кўп эҳтиёткор тулки худди бир қизил калтакесак сингари тўлғаниб, ўрмалаб кетади. Баъзан тошнинг устига чўзилиб ёпишиб олади. Сичқон овлаб юрган тулки гоҳ иреиб бориб арчанинг тагини тирмалайди. Бир лаҳзада қизғиши сариқ, оч тулки мана шу тошлар томон дайдиб қуён қувалайди. Гоҳ қанот қўйруғини зувуллатиб, кўкдан қуюлиб келаётган ажални кутиб турган эҳтиёткор тулки отилиб бориб тош орасига тиқнлади. Дам лип этиб яшириниб, дам лоп этиб чиқиб, яна ўрмалайди.

Абиш дурбин билан қараб, йироқдаги ҳийлакор йиртқичнинг ҳаракатини қизиқиб томошаш қиласди. Тоғнинг ён бағридаги қулф уриб турган ўт-ўланлар чайқалиб, шувуллаб ел эсиб ўтганда, янги пишган маймунжоннинг ҳиди димогни ёргудек бўлиб анқиб кетади. Юмалоқ келган ям-яшил гўзал тепалик бамисоли упорини сепиб, тўлғаниб тургандек бўлади. Жонажон ўлка, согинтирган шабада йироқдан келган ўғилга қулф уриб яшнаб шодлик баҳш этади...

Бу кунларда Улжоннинг катта уйида Успоннинг катта хотини Эркежон яшарди. У овулнинг ярим-ёртиси кўчиб, Шақпоққа бориб жойлашган. Дилданинг уйи ҳам ўша ерда. Абишлар туш оқсан пайтда ўша овулга бориб тушишиди.

Ёшлар катта уйнинг ёнига яқин келганларида озгина аёлларнинг йиғлаган товушлари эшитилди. Абиш ҳам уйга йиғлаб кирди. Улжондек онанинг азасини кутиб, йўқлаётган иккита келини — Дилда билан Эркежон экан. Абиш аввало бўсағада ўтирган Эркежон билан кўришиди. Ундан кейин ўз онасига етганда, Дилда уни қучоқлаб, анча вақт бағрига босиб туриб, кўп йиғлади. Абиш ҳам кўз ёшларига эрк берди. Аэзиз она кекса энадан айрилиб ўрни ҳувуллаб қолганлиги бир дард. Лекин Дилданинг оҳи-зорида Абиш сингари зийрак бола учун ҳаётнинг кўп ранж ва озорлари ҳам сезиларди. У адолатсиз ҳаётда доим бегуноҳ жафо чеккан одамдек кўринарди. Бу ҳақда ҳеч ким билан сирлашиб дардлашмаса-да, Абиш Петербургда ҳам ўз онаси ҳақида ҳамиша қийналиб, ранжиб ўйлар эди.

Кўп йиғлаган Дилдани Дармен юпатди:

— Янгажон, ахир сабр қилинг-да, Абишдек ўғли бўлган она ҳам йиғлайдими-а? У нима қилганингиз ўзи,— деди.

Бу озгина сўзда Дилданинг асосий қайгусига ишора қилиб айтилган маъно бор эди. Яна бироздан кейин аёлларнинг йиғисига хотима бериш ниятида қироат билан «суннато» ни бошлаб юборди...

Йиғи-сиги босилиб, қуръон ўқилаётган пайтда ёзилган дастурхон йиғилгандан кейин Эркежон Абишга катта онанинг ўлимини, ўлар чоғида айтган гапларини сўзлаб берди.

Баланд бўйлик, кўржам, гўзал юзлиқ Эркежон чеҳрасида сабот ва сабр акс эттан ҳолда шошмасдан сўзла-

ётирилганда Абиш ҳақида энасия айтган гапларни хотирлаб:

— Азизим Абиш, энанг марҳума сени жуда кўп йўқлади, ўзидан ўсиб унгана қариндош уруғнинг ичидаги ёлғиз сенинг четда юрганингдан кўп ташвиш тортар эди. Боши оғриб оёғи сизласа, ёнида ҳамроҳи йўқ. Шохидан узилиб тушган мевам эди. Орзусига эришганини, тўлиб етишганини жўришга мен ҳам отасидек интизорман! — деб кўп хўрсинар эди. Шу гапларни тенга айтиш менга бир буря эди, — деб, жозибали, ўйчан кўзлари билан аঁчагагача Абишга тикилиб турди.

Дилда иккови галма-гал гапиришиб, Улжоннинг сўнгги кунларини бағасил айтиб беришди. Утган йил кузнинг охирида, эл қистовларга жойлашган пайтда қазо қилибди. Сўнгги йилларда жуда мункиллаб қолган, яна узоқ вақт дардга чалиниб юрган Улжон она — эл онаси кўпинча сукут ичидаги тинчгина уясиз ҳаёт кечирибди.

Келин-кечак, бола-чақа, уй-ичининг гап-сўзларига ҳам аралапимай узоқ вақт тинчлик сақлабди. Атайин келиб, ёнига ўтириб ҳол-аҳволини сўровчи катталар билан ҳам жуда кам гапиришибди. Онда-сонда Абай билан Успонгагина унча-мунча сўз қотар экан.

Абишнинг ўзи у онанинг бағрида ўсматган бўлса ҳам, кўрганда қучоғига олиб, аঁчагагача ҳидлаб ўтирадиган кекса онанинг шафқатини, чексиз алангали меҳрибонлигини увутмаганди. Уша онларнинг ҳаммаси кўз олдидаги. Улжоннинг унуптилмас одам эканлиги энди кўпроқ билинди. У яшаган мана шу уй бугунги таъзиядор шаклида ўша бир покиза, азиз, ўзгача одамни қаттиқ ўйлатиб, беҳад йўқлатди.

Магаш кекса энанинг ўлим олдидан айтган яна бир гапини Абишга эди айтди. Улжон ҳол-маҳол ётганда, Мойбосар келиб беморнинг кўнглини сўраб ўтириб, қўпол бир гап гапиришибди.

— Қалайсан, бизларни ташлаб эрингнинг орқасидан сафар қилгани ётибсанда-а! Кўпни кўрдинг-ку, ўлиш қандоқ бўлишини айтиб кетсанг-чи? — дебди.

Шунда Улжон хиёл жилмайиб, астагина ҳазил қилибди:

— Э-э-й лола бедард қайнигинам-а! Нимани кўрдим, қаригунча ақл битмаган сени кўрдим. Илгари мен ўлиб кўрибмакми? Узинг ўлганингда биларсан-да, нимасига бунча ошиқдинг! — дебди да, тилдан қолибди.

Умр бўйи озод фикрли, билимдон, серфаҳм асл одам ўлим соатида ҳам жўшқин ғайратидан айрилматан. Тенгсизликда чор-ночор кечган ҳаётига ўзининг соф одамгарчилик фазилати билан қараб ўтабилган. Энди ўлимдан ҳам қўрқмай, буқинмай кетганга ўхшайди. Беҳад сабрли мўмин одам ҳаёт эшигини астагина ёпиб, сафар қилиби.

Дилда Абишни юбормай икки кун меҳмон қилди. Учинчи куни болалари отларини эгарлатишиб, отасининг ёнига қайтиб кетмоқчи бўлишаётган пайтда, Абишни ёнига олиб ўтириб, кўнглидаги бир орзусини айтди. Оналик тилагини билдириди.

Бу масалани Мағашга аввал айтиб қўйған бўлса керак. У ҳам онасининг гапини қувватлаб, ихлос билан қулоқ солаётир.

— Нури дийдам! — деб Дилда Абишнинг нозик қўлидан ушлади... — кечаги ўтган онамиздан менинг ҳам уққан насиҳатларим бор эди. Ўша вақтларда, сенлар ёшлиқ чоғингда, Абай шаҳарга ўқишига бораман деганда: «Талабига тилакдош бўл, тизгинига ёпишма, қувонч билан узат. Билим излаб кетаётир, одам бўлсан деб кетаётир. У сенинг ҳам, мана бу гўдакларингнинг ҳам ризқи-рўзи» деган эди. Сенинг йироқларга кетиб қолишининг ҳам ўша тахлитда тушундим. Ҳали ҳам бўлса, йўлинг бўлсин,— деб, кўзларига жиқ ёш олди. Дастрўмолини кўзларнга босди. Ҳасратга ботган, қалби соғинчга тўла онанинг кўнгли жудолликка зўрға чидаб юрганлигини сездириди.

— Лекин... — деб, йиғламсираган товуши хиёл кескинлашди, — менинг сендан ўтинадиган бир тилагим бўлса, сен қабул олмаслигинг қандоқ бўлади? Мен сенга оналик ўтинчимни айтаман. Ўша тилагимни қабул қиласанми? — деб, боласининг елкасидан қучоқлаб жавоб кутди...

Абиш тараффудланмади. Онасининг бу хил илтижо қилишидан унинг ўзи ҳам қаттиқ ҳаяжонга тушган эди.

— Опа, айт! Жоним билан қабул қиласман! — деди дарҳол.

— Ундай бўлса, ўзинг йироқда юрсанг ҳам маконинг шу ер бўлсин. Ўз қўлимда, ёнимда бўлсин. Қаллиқ айтдиришнинг розилик бер деб ўтинаман... — деди.

Абиш тарбия кўрган ёшнинг очиқ, софдиллик одати бўйича бу илтимосга ҳайрон қолғанини яшира олмади.

— Ийе, опам нима деяпти! Нима деяпти-а! Бунга мен нима десам бўлади энди?.. Мен эркин, ихтиёрим ўзимда

бўлган... эр етган азамат эмасманми? Бу ишни ўзим ўйлашим керак эмасми? — деб Мағашларга қаради.

Мағаш енгилгина жилмайиб қўйди-да:

— Абиш оға, у тўғри-ку, зўрлик эмас. Шунчаки опам фақат ўтинаётирлар-да, ундан кейин шундай ўтинишнинг вақти ҳам келган-да! — деди.

Абиш учун Мағашдан бундай жавоб эшитиш мутлақо кутилмаган иш бўлди. Қаршилик, норозилик билдирамади. Лекин кулмасдан ноchor индамай ўтира берди. Ҳали она-сига берган ваъдаси ҳам бор эди. Дилда яна гап бошлаб:

— Зўрлик йўқ, жоним болам! Шу бугун уйланиб кетсан деб ҳам айтмайман. Фақат, «келининг, худо қўшса, мана шу бўлади» деб, кўнглингга ёқсан одамни атаб кетсанг бас. Бу йил айтдириб қўю, кета бер. Ушанинг ўзи ҳам бир юпанч-ку. Ўзингдан кейинги қувончим, умидим бўлади-да! — деди.

Абиш ҳамон бир қарорга келолмади. Юлқиниб: «керак эмас» деб сапчиб ҳам тушмади. Энди Дилда сўнгги сўзи-ни ҳам айтиб олди:

— Ўзинг кўрасан. Кўнглингга ёқса хўп дейсан. Сенга деб кўзлаб юрган одамим ҳам бор. Мана бу Маҳмуд деган татарнинг Мағрифа деган жуда нозанин қизи бор. Ушани бир кўр-чи, қўзим! Кейин менга жавобингни айт. Олдингга бундан бошқа шарт қўймайман. Шунга ваъда берасанми? — деди.

Абиш уялиб, тили тутилиб қолди. Шундай бўлса ҳам сиқилиб, қизориб ўтириб, онасига қараб астагина бош ирғаб қўйди.

Дилда Абишнинг юзидан ўпди-да, Мағашга қараб:

— Мағаш, Дармен, шу гапим ҳар икковингга қарз... Абишимга Мағрифани иккаланг кўрсатасан... жавобини иккалангдан оламан! — деди.

Улар индашмади. Лекин Абиш уларнинг юзларига қараб, жони-диллари билан шу вазифани адо этишига ҳозир эканликларини англади. Фақат Абишдан олдин елиб юргургилари келмай туришибди, бўлмаса Дилданинг кўнглидаги гапни адо этишдан тортинишадиган эмас.

Кейин отга миниб қайтиб келаётгандарида, Мағаш, Алмағамбет айрилиб орқада қолишди-да, Дармен билан Абиш бирга кетишиди.

Дармен энди ҳали Дилда айтган гап катта оғалар, кичик инилар — ҳамманинг кўнглида бор гап эканлигини билдириди. Абиш бу ерда ҳам очилиб бир нарса демади.

Лекин кўнглида бир дўст истаётгандек умид, хаёл аралаш иссиқ бир тўлқин пайдо бўлди. Дарменнинг сўзини бузмади. Кўп хушфеъл ва гапга уста Дармен ҳозир Магрифа ҳақида сўзлаб келаётир. Унинг айтишига қараганда, Мағрифанинг ёши ўн еттига чиққан, мусулмончадан саводхон. Яна кўп латиф, ғоят тарбияли, бу атрофда тенги йўқ гўзал қиз экан... Ушани кўриш керак. Гарчи, ҳозир ҳеч қандай қарорга келмаса-да, Абиш уни бир кўрса, учрашса экан... Ундан ўёғидаги бор гапни юрак ҳал қилади. Бошқа бир кишининг ўғити, тилакдошлиги зарур бўлмас.. —деб Дармен дўстларча маслаҳат бериб келаётир. Орқада келаётган Алмағамбет товушининг борича янгратиб, муштоқлик, интизорлик саломини куйлай бошлади. «Ишқ ўти», «муҳаббат», «казиз ёр» деб, иштиёқ билан безантриб келаётир.

Еқимли салқин шабада эсиб турган, ям-яшил ўт-ўланлари яшнаган яйлов, қалбларни қувончга тўлдириб, кўнгилни кўтаради. Юракда алангали умидлар, тилаклар уйғотади... Абиш ўз хаёлида ўзи уялиб яширинаётгандек унсизгина жилмаяди. На бир жавоб топади, на бир қарорга келади. Юраги арзиқади холос..юзи дам оқариб кетиб, дам ловуллаб қизаради.

II

Абай бир томондан Абишдек ўғлининг рус тарбияси ни тўла-тўкис олганинга шодланади. Унинг илмлик йигит бўлиб, рус ўқимишларидек қаторга кириб ўсиб, маълум бир савияга эга бўлганинга қувонади. Абишни сўзлатиб, узоқ-узоқ қулоқ солгиси келади. Иккинчидан, Россиядаги барча янги хабарларни эшлишига қизиқади. Ҳозирги Петербург ҳаёти, илм ва фан соҳасидаги янги ихтиrolар юзасидан кўп саволлар беради. Темир йўл, кемалар, катта билим юртлари ҳақида ҳам кўп нарсаларни билгиси келади. Россиянинг катта шаҳарларидаги бир-биридан бошқа бойликлари, ўзгача фазилатлари ҳақида сўрайди. Фабрика, заводларининг ишларига ҳам қизиқади.

Баъзан ота-боланинг суҳбати буюк рус шоирларининг астарларига кўчади. Шундай чоқларда Толстой, Салников-Шчедрин, Некрасов асарлари ҳақида сўзлашиб, фикр юргизишади.

Шундай бўлишига қарамай, баъзан Абишнинг назаридаги Абайни, нечукдир оғир хаёллар олиб кетаётгандек

туюлади. Кўпдан буён ғамгий тортуб, ёлғизлик азобини чекаётгандек кўринади.

Абишнинг билишича, Абайнинг ўзи учун мутлақо кераксиз, заарли ва шоирлик меҳнатига зиён келтирадиган бир одати бор. У — мана шу эл ичидаги тиним топмайдиган фитначилар, мансабдорлар, тўда бошлиқларининг битмас тугаймас жанжал-можароси. Ўша можароларнинг баъзи бирларига Абай ихтиёри, ихтиёрсиз равишда аралашиб турар эди.

Абдураҳмон элга келгандан буён, Мағаш билан Какитойлардан кўп гапларни эшишиб, қонганди. Эл ичиди, Абайнинг атрофида, мана шу овулда юрган озгинә санъаткорлар, нурга интигувчи ёшларгина бўлмаса, Абайга қарши қилинаётган ўчлик, қасдлик, ҳасад каби нарсалар беҳад кўп эканлигини билди.

Ўзи отаси учун қаттиқ қийналиб, ёлғиз ўзи бош қотириб ўйланиб юрганди. Энди эшишса, Абайга шу кунларда Ўраэбой, Жириншелар сингари йўғон—бойлардан чиқдан ғаломусларнинг деярлик ҳаммаси ўчакишиб юрган экан. Уларгина эмас, Иргизбойларнинг ичиди ҳэм бир отанинг боласман, қариндошиман, деб юрган пишиқ-писмиқлардан ҳам Абайга кек сақлаб, душманлик қила бошлаганлари кўп экан.

Отасининг ҳаёти шунчалик ғам-ғусса ичиди кечеётганилигига Абишнинг ўзи ҳам кўп ташвиш тортуб юрди. Бир кун Абай Абишнинг авзойини англағандек бўлди-да, ёзилиб бир оз дардлашди:

— Алвон турлик ёвузлик билан хиёнаткорлик менинг қаттиқ қийнади-ку бўтам, Абиш... бироқ, пешонамда бори, насибам шу экан! — деб қўйди-да, барча ёшларга қараб бир янги гап бошлади:

— Замонларинг бошқача бўлар деб ишонаман... мен эскининг охири бўлиб, сенлар янгининг боши бўлсаларнинг экан ҳеч бўлмагандар!.. — деди.

Шу ўтиришда Абдираҳмон авваллар қўзғолиб юрган бир гап ҳақида — меҳнат ҳақида Абай бошлиқ мажлис аҳлининг ҳаммасига ғоят қизиқарлик янгиликларни айтиб берди. У суҳбат мавзунини шу масалага кўчириш олдиндан рус халқининг бу тўғридаги ибрати ҳам бошқача эканлигини айтиб ўтди.

— Зўр меҳнат билан ўша меҳнат аҳлини уларнинг курashiдан билмоқ керак. Ҳозир Россияда, яна айни замонда нақадар муваффақиятли ғайрат ва жасорат, ибрат

бўларлик фазилатлари туғилаётганини кўриб, томоша қиласиз.

«Оға!» деб, Абиш айниқса Абайни, янги бир фикрга кўнгил бўлдириш ниятида деди:

— Россияда меҳнат аҳли икки катта гуруҳга бўлиниди. Бир гуруҳи дворянлар қўл остидаги деҳқонлар. Иккинчиси — завод, фабрикалардаги, шу кунларда тобора сони ортиб бораётган ишчилар. Ҳозир ўша ҳар икки гуруҳ ҳам ўз меҳнати, ҳаёти, инсонлик орзуси учун ўзининг золимларига қарши қаттиқ кураш, тортишув олиб бораёт.

Шу сўзига далил келтириб, 1885 йил Орехово-Зуевода Морозов деган бойга қарши бўлиб ўтган катта бир стачкани қизиқ ҳикоя қилиб берди. «Қўл остида 11 минг ишчи бўлган бой экан» деганда, ёшлар ҳайрон қолишди. Ушалардан 8 минг ишчи бир куннинг ўзида, бир соатда иш ташлаб, намойишга чиқибди. Ундан фақат бойгина чўчимай, ҳокимларгача қўрқиб кетишибди. Прокурор, губернаторлар югуришиб, аскар бошлаб келиб, ишчиларни қўрқитиб босмоқчи бўлишибди. Меҳнаткашларнинг ичидан чиқсан бошлиқлари улар билан қаттиқ олишибди. Меҳнаткашларнинг ҳақини зўрлик билан, алдаш билан еб юрган бойнинг золимлигини айтишибди. Ҳақларини талаб қилишибди. Улуғлардан тап тортишмабди. Кейинчалик мана шу иш юзасидан айбдор ҳисоблагаб олти юз кишини турмага қамашибди. Шунда ҳам меҳнаткашлар ичидан тортиниб ўзини четга олишга уринганлар бўлмабди. Ҳозир бўлса, мана шу 1890 йилнинг ўзида ҳам ҳафта сайин Петербургда, Москвада ички Россиянинг яна бошқа катта-катта шаҳарларида шу сингари стачкалар бўлиб турибди. «Мана, кураш шу йўсинда бир йўлга тушиб, меҳнат учун, халқ учун шу тарзда курашаётирлар!» деб, кўп мисоллар келтириб, сўзлаб берди.

Абай хурсанд бўлиб ўғлининг бу яширин сирларни қандай қилиб билганини сўради.

Абиш буни петербурглик бир кекса ишчи — Ерёминдан эшитганини айтди. Унга Семейдан, Павловдан хат олиб борганда танишиб қолган экан. Илгарилар революция йўлида кўп курашган, ҳозир ёш ишчилар билан мустаҳкам алоқада бўлган кекса Ерёмин кўп сирларни унга «Сибирингга борганда сўзлаб бер!» деб, яшириқча айтиб берар экан. Бу гапларни ўша одамдан эшитибди.

— Ерёминнинг ҳисоби бўйича 1880 йил билан 1890

Йиллар орасида 150 дан ортиқ стачка бўлибди. Мана, меҳнат қила билган рус халқи, меҳнат учун ҳомийлик қилиб шу хил курашини ҳам билади. Бу ишларнинг негизига кўз ташлаб, ўйлаб кўрилса, унча-мунча иш эмас-ку, а!— деган эди, Абай ичидан ўғлига ихлоси ошиб, бош иргаб қўйди.

Абай бир оз ўйланиб ўтириб, хулоса чиқарди:

— Бу хилдаги кураш сўнгги йилларда бошланган бўлса керак... Мен ҳали эшишиб ҳам, ўқиб ҳам кўрмаган ишлар экан. Албатта, бир ерга йигилган шунча кўп меҳнат аҳлиниг ўз халқи учун олиб борадиган кураши ҳам кўзга кўринарлик, самаралик бўлсез керак. Бу — Россиядаги илк дафъа пайдо бўлган янгилик бўлса керак. Бу ишларни билишлик кўп зарур... бундан хабардор бўлганинг яхши бўпти! — деди.

Абдираҳмон меҳнат ҳақидаги, меҳнаткаш халқ ҳақидаги мана бу гапларга ўзгача кўнгил бўлиб, Абайнинг сўнгги сўзлари асосида, янги бир масала устида ўйланиб қолганди. Ҳозир у, Бозорали ҳужуми ҳақида ўйлаётганди. Энди Абиш суҳбатни шу масалага кўчирди.

— Оға, бир хатингизда меҳнат билан Меҳнат аҳлини шеърда, санъатда қадрлаш керак деган эдингиз. У жуда яхши. Хўш, ҳаётга қандай қараш керак? Яна, меҳнатниг ўзини айтиш бор-у, меҳнаткашлар олиб борадиган кураш, олишув, тортишувларга баҳо бериш бор. Аввалгисига баҳо беришдан кейингисига баҳо бериш осон ҳам эмас. Қимматлироқ ҳам бўлса керак. Мен сиздан мана шу эл ичидан ўтган йил содир бўлган катта бир воқия ҳақида сўрамоқчи эдим! — деди.

Абишнинг шу сингари гапларни сўраши шу ерда ўтирган, Мағаш, Қакитой, Дармен сингари ёшларга қаттиқ таъсир қилди. Гәрчи улар ўша воқианинг ичидан юргандек, яқиндан туриб қатнашган бўлсалар-да, бу курашниг маъносини Абайдан шу хилда сўрашмаган эди. Абишнинг ҳозир бу ишнинг сабабини билишга уриниб, синчиклаб сўраши буларниг ўзини ҳам ўйлатиб қўйди. Мағаш, Қакитойлар: «Агар шу гапни ўзимиздан сўраса нима жавоб қиласар эдик!» деяётгандек хаёлга чўмишди. Дармен бўлса Абайнинг жавобига интиқ бўлиб, оғзига тикилганича ўтиради.

Шу онгача ястиқда ёнбошлаб ётиб, бамайлихотир қулоқ солаётган Абай тўсатдан бошқа бир вазият олди. Дўпписини тузатиб ўтирди, қора нос қовоқни қаттиқ-қат-

тиқ қоқиб, нос отиб олди-да, Абишта диққат билан қаради.

Абиш ҳалиги гапни аниқроқ тушунтиromoқчи бўлиб:

— Мен, сўрамоқчи бўлганим, Бозоралининг ўша ишида ёлғиз бир ҳамиятли қашшоқнинг ғайратими, ёки қозоқ саҳросидаги ҳуқуққа эга бўлмаган, хору зорлик билан кун кечираётган қашшоқларнинг ходишини билдирадиган ҳақиқат борми? Ўша ҳаракатни бошлаган Бозоралининг ўзи ҳалиги томонларини қай даражада тушуниб қилди. Бунга ўзингиз қандоқ қарадингиз? — деди.

Абайнинг назарида Абишнинг саволлари чуқур маъноли, ғоят салмоқли янгиликдек кўринди. Герцен, Чернишевский китобларини ўқиган пайтдаги баъзан тушунарлик бўлса, баъзан ярим тушунарлик бўладиган катта сирларга эга ҳақиқатларга ўхшаб кетди. Абай шуни билиб бир қанча вақт ўйланаб қолди. Сўнгра тез қўзғолиб, носвойини тупуриб, бир коса қимизни симириб юборди да дўпписини қўзғотиб қўйиб, гапга тушиб кетди:

— Аввало, ўша иш кўпчиликнинг ишими? Еки юлқишиб чиқсан ёлғиз одамнинг ишими? деган саволга берадиган жавобим — бу, кўпларнинг кўксисда юрган иш. Лекин, менинг фаҳмлашимча, ўшани ўйлаб туриб, таг-туги билан билиб туриб, онгли равишда иш олиб боргандар оз. Аммо, кунда ич-ичидан зардаси қайнаб, буни ҳис этиб юрувчилар ғоят кўп. Яъни айтишга кўпчиликнинг оғзи бормаса ҳам юрагида сақлаб юрган ҳақиқат. Шундай бўлгандан кейин кўпчиликнинг кўксисдаги, оти аталмаган орзу дер эдим! Лекин, армон бор-у, шиор бор! Кўпчиликнинг кунда кўксини тешган, кўзини кўк пашшага ем қилган, дардан туғилган бўлса ҳам, ўша Бозорали қилган иш — халқнинг ўзи учун ҳам кутилмаган иш эди. Негаки, бизнинг саҳро ҳаётида кўпчиликнинг савияси — онги ҳали бунчалик оғир тортишувлар олиб борадиган даражага етгани йўқ. Уни етказиш учун халқ онгига кўп-кўп асл уруғлар экиш керак. Дехқонларнинг савиясини ошириб ўйботиш учун Чернишевскийга ўхшаш одамлар керак. Мен уни Бозоралининг ишини ўйлаганимда кўп эсга оламэн. Лекин, Бозоралининг ҳаракатини ҳам ўз вақтида кўп ўйлаган эдим. Ҳали ҳам унүтилмас бир ишдек тез-тез эслаб тураман. Қараб турсам, ғазабга тўлган халқ, илфор фикр эгалари йўл солиб беришини кутиб ўтирамайдиган пайтлари ҳам бўладиганга ўхшайди. Ўша кутмагани дуруст ҳам бўлар экан. Баъзан шундай бир катта ишнинг

ўзи ҳам, кўпчиликни қаттиқ тарбиялаб, туртиб уйғотадиганга ўхшайди. Шундай бўлгандэн кейин, Бозоралининг иши, бир кишидан чиққан бўлса ҳам халқ иши, халқнинг йўлини очадиган, дардига дардкаш бўладиган жасорат!— деб, бир оз сукут қилди.

Сукут ичидагим бўлиб, қулоқ солаётганлар Абайнинг фикри энди қай тахлитда юксалишини интиқиб кутиб ўтиришди. Абиш сиймосида ўйчанлик акс этган ҳолда бош ирғаб қўйди.

Абай яна қўзғолиб қўйиб, гапида давом этди.

— Иккинчи — Бозорали шу ишни тушуниб қилдими? — дединг. Мен Бозоралининг кўксисида кўпдан буён шундай гап борлигини билар эдим. Ана энди, Бозорали Сибирга каторгага бориб келгандан кейин бу ишни жуда яхши англаб қилди, дейман. Ҳеч бўлмаса, ўз кўнглида ўшз галги чўқморни кимнинг номидан кимга ишлатадиганини Бозоралининг ўзи яхши биларди. Ёнидаги қирқ йигитнинг ҳаммаси ҳам билар эди демайман. Ана менинг ўша жотоқларнинг ичидаги ўтирган, Даркембайдек бир кекса одамим бор. У бир хазинамдек кексам! Халқ зорини тинглагинг келса, ўшани бир сўзлатиб кўр. Элнинг чин дарди, аламини ифодалайдиган, дилни вайрон қиласиган куйни ўша чертади. Ўша ҳаракатнинг аввалги-ю-охирги борсирини, ниятини очиқ англайдиган ўша чол!

Учинчи,— мени ўша ишга қандоқ қарадинг деб сўрадинг. Ҳалиги айтган гапларимдан менинг фикрим билан ниятим ўша ишдан, ўша одамлардан бегона эмаслигини, таги бир эканлигини билиш қийин эмасдир! — деб, ўзи ҳақидаги гапни қисқа қилиб қўя қолди.

Шунинг билан яна ўйланиб ўтириди-да, жўшқинлик ила илова қилди:

— Бироқ, мен қарздорман, ўша азаматлар тўпига ҳам, айниқса ўшаларнинг орқасидаги беҳисоб халқقا ҳам қарздормэн. Улар баҳодирона иш кўрсатиб ўтди. Лекин, ўшандай меҳнатнинг қадрини шу кунда ҳаёт юрганларга ҳам, келажак наслларга ҳам намуна қилиб, сир солиб куйлаб бериш менинг бурчим. Фақат менинггина эмас, шу ерда ўтирган ёри-дўстлар, виждонли шоир дўстларимнинг ҳаммасининг бурчи. Ҳаммаси ҳам ёэсин, халқнинг оҳи-зорини кўпчиликка таълим берадиган шеър билан изҳор қиласин! — деди.

Дармен, Мағаш сингари ёшлар бу гапни эшитиб ўтирганиларида, оға топшираётган вазифани қабул қилаётган-

дек бир вазият олишиб бир-бирларига қараб қўйишиди.

Абиш Абайдан чуқур маъноли жавоб олди. Қаноат ҳосил қиласларлик жавоб олди. Бироқ, яна чуқурроқ билиш, кўпроқ қаноат ҳосил қилиш керак бўлган жойи бор экан. Отасидан ўша жиҳатини сўради:

— Энди сўнгги бир сўз. Бозоралининг иши унинг ҳукмронлар, зўравонларни енгиши билан тамом бўлмади. Аксинча, замонанинг зўрлари тишлик-тироқлилик қилиб кетди... Бозоралига эргашган қашшоқларнинг ҳаммаси кейинчалик қаттиқ жафо кўрипти. Кўп элнинг гардонига жуда оғир жарима юкланди, деб эшитдим. Ўша гап ростми? — деди.

Бу саволга Какитой жавоб берди:

— У тўғри. Жигитекларнинг кўпчилиги кўчолмай жотоқ бўлиб қолди.

Абай ҳам бу гапга қўшилиб, бош лиқиллатиб қўйди.

Абиш ҳамон ўша иш устида ўйланиб ўтиргэнди. Ҳалиги жавобни эшитаркан, яна сўзида давом этди:

— Дарҳақиқат шундай бўлибди. Хўш, энди ишнинг оқибатига, қай йўсин тамом бўлишига қаралганда, ўша Бозоралининг ҳаракати кўпчилик халқни ўқинтирадиган иш бўлгани йўқми? Бу ҳақда саҳродағи қашшоқлар қандай қарорга келишиди? Яна ўзингиз қандай хулоса чиқардингиз? — деди.

Абай бу тўғрида ҳам дарҳол жавоб бермади. Нима учундир Дарменнинг юзига тикилиб, кўзларини хиёл қисиб хаёл суриб қолди.

Еш йигитнинг ўзига иссиқ туюладиган, нурли чеҳрасидан англаб бўлмайдиган бир тарзда жавоб толгандек бўлди. Хиёл жилмайиб қўйди-да, тўсатдан Абишга қараб, фикрини айта бошлади.

— Турган гап, кўпчиликнинг бир қанча қисми яна ҳам йўқчиликка учраб қолди. Кўчарлик уловидан, битта-яримта соғин молидан айрилиш жигитекларнинг кўп қашшоқлари бошига осон, енгил бало бўлиб тушмади. Бозоралининг ўзи ҳам шилиниб, қора ерга ўтириб қолди. Эргашган ўйлдошлари ҳам, қариндош уруғи ҳам кўп чиқимдор бўлганини кўзи кўрди. Шу тўғрисидан қаттиқ сиқилаётганини ўзимга ҳам бир неча бор айтди. «Менинг орқамдан эргашмаса, хорлик-зорлик кўрса-да, бирорта молини сақлаб қолармиди» — деб ҳам юрди. Бироқ, бу сингари катта ишнинг оқибати бўлиб, зўр ўқинч, умидсизлик ту-

ғилса, унда ёмон бўлар эди. Менинг билишимча Бозорали, Даркембой, Абулғозиларгина эмас, ўшанда Такежоннинг ўғли, йилқичилари билан олишиб, жасурлик билан босиб янчиб келган азамат йигитларнинг бирортаси ўкинмади. Аксинча, кўпчилиги ўша ишдан кейин ичкарига кетиб, аввалги касбини ўзгартириб, ўтроқ деҳқон бўлишиди. Улар берилиб, жони дили билан үнумли қасбга, ҳалол меҳнатга ёпишиди. Уни айниқса, мана бу Дарменнинг ёши етмишга бориб қолган, яхши оғаси Даркембойнинг ўзидан ҳам кўриш мумкин, — деди.

Иккинчидан — шуни айтмоқчиманки, бундай зўр ҳаракат ҳар бир тарихнинг тонгида туғиладиган халқ ғайрати, жасорати фақат орзусига эришсагина унга яхши баҳо берилиб, бўлмаса, баҳо берилмай қадрсиз бўлиб қола берадими? Қанча-қанча тарихларда халқнинг қанча-қанча гуруҳларидан ўзагини қоқ ёриб чиққан зўр армонли тортишувлари, ўз вақтида мақсадига эришмай қола берган эди-ку! Лекин инсониятнинг одил тарихи мақсадига эриша олмади деб улардан койидими? Аксинча, қадим замонлардан буён биридан кейин бирини: «халқнинг фазилати мана бу. Мана бу!» деб шу сингари ҳаракатларни қаторлаштириб тизиб, кейинги авлодларга ўрнак қилиб келаётгани ўйқми? Шундай экан, биз Бозорали ҳаракатининг оқибати жотоқларнинг сигирини кўпайтирса, Жигитекнинг йилқисини оширасагина қозоқ халқига, тарихига фойдали бўлади десак, тўғри тушунган бўламиزمи? Халқнинг савиясига берган «от» билан «туяси» кўпнинг кўзи ни очишга берган «соғин сигири»нинг ўзи қанча? Ўша томонларини назарда тутиб, баҳо беришимиш керак эмасми? Сўмга сўм лозим деб сўрасак у ҳолда йироқни ўйламай, олиб сотарнинг савдосидан нари ўтольмай қолгая бўламиз! — деди.

Бу гаплар ўтирганларни турли-туман ўйга солган бўлса-да, Абишда шубҳа қолдирмади. Абай энди янги далилларга кўчди:

— Шундай баҳоланмаса, нима бўлади? Мен Россия тарихидан мисол айтай, Степан Разин қўзғолони қип-қизил қонга белангтан қирғин билан тамом бўлди. Пугачёв қўзғолони Пугачёвни Кремль ёнидаги Лобное местода тўртга бўлиб, чопиб ўлдириш билан тамом бўлди. Бу ишига ўша Степан Разиннинг, Пугачёвнинг йўқчилик, паноҳсизлик чангалида қолган норасидаларининг кўзи билан қарасак, қандай бўлади? Кекса она, мўнкиллаган чол

отасининг оҳи-зори билан ўлчасак, у ҳолда ўша замондаги подшолик билан, ўша мангу ҳукм суреб келаётган ёвузлик билан курашганларнинг ишига ҳам шубҳали назар билан қараш лозим бўлади. Лекин, шундай бўлсада, ўша ишларнинг аслида, негизида ётган катта ҳисоблар, катта-катта тарихий синовлар, хулосалар бор. Ўша томондан қаралса, албатта Бозоралининг иши қашшоқларни ўқинтирадиган иш эмас, юксалтирадиган иш! Буюк юксалишга қадам қўйган, чиндан уйғона бошлаган юксалувчан ҳалқ учун даставвал зарур бўлган одилона ҳаракат!— деди.

Абайнинг бу чуқур маъноли фикрлари тингловчиларнинг ҳаммасига қаттиқ таъсир қилди. Абиш кўп хурсанд бўлиб:

— «Учқундан ўт чиқади!»— деди товушини барала қўйиб. Абай Абишга меҳри товлениб, қулимсираб қаради.

III

Абайнинг овули ҳозир Қизилқайнар деган қўнисда, Бу манзилда ингичка бўлиб оқсёдиган тиниқ сувлари, қайнар булоқлари кўп, ўт-ўлонлари мавж урган кенг яйлов бўлгани учун Абай овули билан кетма-кет кўчиб келган овуллар ҳам жуда кўп эди. Бу ерда ёлғиз Иргизбойларнинг ўзидан ўнтача овул бўлиб, қўшни Қоработир, Анет, Тўрғай, Тўпай элларидан ҳам қанча-қанча овуллар бор эди.

Гавжум ўрнашган овулларнинг моли аралашиб, итлари ҳам вовуллашиб, дамба-дам уриша берарди. Шу сингари кўп овуллар бош қўшган пайтда, ҳар овулнинг чет-четидаги қора-қура кўхна уйлар, ярми очилиб ётган кулбалар, капа-чайлалар айниқса кўзга кўпроқ чалинади. Шу зайл ўтиришда бу ўлкадаги элнинг «гадоси» билан «бойини» ажратиш жуда осон. Фақат сиртидан бир назар ташлансаёқ кўпчиликнинг нақадар йўқчиликка учраб, қанчалик мушкул аҳволда эканлигини билади қўяди киши. Чувалашиб юрган сон-саноқсиз моллар бор. Улар оқ уйларнинг мулки. Шу ўлкадаги баязи кишилар минглаб, баязилари юзлаб мол ҳайдайдиган бойларники. Шуниси борки, қора-қура уйда яшовчиларнинг ўшу қариси, эркагу хотини ўша молларнинг ҳар бирини эгаларидан ортиқ билишади. Чунки чўпонлар, мол соғувчилар, қо-

ровул соқчилар, хизматчиларнинг ҳаммаси ҳалиги увадага ўралиб юрган, хизматдаги қўшнилардан Эртаю кеч уларнинг бошларидан, ҳатто тушларидан ҳам мана шу молларнинг ташвиши билан меҳнати чиқмайди.

Шу аҳвол, шу манзара ёлғиз Қизилқайнардагина эмас, қўшни бўлган қўнисларнинг ҳаммасида ҳам бир хилда. Чинғиз бўлисининг чап томон четидаги Бўкенши элининг яйлови Оқтўмордан бошлаб шарққа қараб юрилса, Жигитек элининг совуқ булоғи, Котибақнинг — Тўношаси, Иргизбойларнинг — Қизилқайнари, Жилондиси, Соқтўғолоқ элининг — Айдарли қўйтоси, Эсбўлат элининг Қорасуви — ҳаммаси ҳам шу сингари бир аҳволни, деч ўзгармайдиган бир хил кайфиятни баён этади.

Бугун туш пайтида ҳалиги айтилган, бир-бирига яқин ўтирган беҳисоб эллар яйловида бир катта мусибат рўй берди. Бу айниқса, ҳар огулнинг четидаги камбағал қашшоқларнинг бошпанасига тикилиб келган оғат эди. Бой уйларининг бирортасига шарпаси ҳам тегмади. Қора қурум босган кулбаларга даланинг довулидек ҳамла қилиб турибди. Қаерда ғўпон, мол соғувчи, соқчи, қоровул, йилқичи, ёrimаган-ёлчимаган бўлса ўшаларнинггина бошига келган кулфат. Бу оғат фақат шу йил, шу бугунгина туғилган эмас. У авваллар ҳам баъзан ҳар йил, баъзан бир ярим йилда бир келиб, шу сингари қақшатиб турарди. Шунинг учун бугун яна ўша балонинг оти эшитилиши биланоқ камбағал қашшоқлар ошини ичолмай, хафа бўлишиб, юраклари безиллаб, жон тиячлигидан айрилган.

Бу — айланиб, қайта-қайта кела берадиган оғатнинг оти — «недоимка», «қора солиқ» яна бу йил солингая «хонадон солиғи» деб аталадиган солиқ. Ёзниг саратов кунларида, Қизилқайнардаги Иргизбой огулларига, аёсли йилнинг даставвалги изғириғидек совуқ хабарни старшинлар олиб келишди. Бу огуллар Чинғиз бўлисининг биринчи овули деб аталади. Ёнига бошқа қўшни огулларнинг старшинларини эргаштириб келган Утеп мана шу огулнинг старшинн эди. У биринчи огулларга келиб тушганда, чопарлар бирга келишиб Қизилқайнардаги шу огуллардан шошилинч равишда югурик отлар минишиб, қутуриб чоптирганларича от қўйишиб Оқтўмарга, Бўкенши элига қараб кетишли. Улар: Далбой, Жақой деган жуда безори, жанжалчи янги амалдорлар. Ҳар огулнинг болаларини қўрқитиб, итларини ҳуритиб оғни кечиктир-

ган йилқичини қамчилаб, ғала-ғовур кўтариб, кўпчиликни ваҳимага солиб кетиши.

Буларнинг ҳаммаси нима учун бирданига ҳовлиқиб ошиқишининг боисини Ўтеп ўзининг совуқ хабари билан бирга айтиб берди. У Исҳоқнинг уйига тушиб, бу овулнинг барча малайларини ўша уйга йиғиб олди да:

— «Шаҳардан Чинғиз элига бир қанча улуғлар чиқишибди. Неча йиллардан бўён «недоимка» тўламайди, подшоликнинг солиғини бермай, қорин сочи олинмай Чинғиз эли қутуриб кетган. Ўшалардан мана шу уч куннинг ичиди бу йилги бутун солиқ билан «недоимкани» яна «қора солиқни» батамом йиғдиралман» деб келибди. Бугун бизнинг бўлисига қарашли ерга, Оқтўмордаги Бўкенши бўлисига келиб тушибди. Старшин борми, писерлар, бийлар борми, ҳаммасини бугун ошиқч ралишда ўша ерга чақирираётир. Шошганимча ўша ерга кетаётирман. Ана энди ўз бошимга таёқ тегадиган бўлгандан кейин, ҳеч кимни аямайман. Эртага тушгача ё пул, ё мол тайёрла ҳамманг. «Недоимка»нинг ҳам, «қора солиқ»нинг ҳам, бу йилги солиқнинг ҳам кечиктирилиши сенлар туфайли бўлди. Энди мендан шафқат кутманглар! Эртага зор қақшайдиган бўлсаларинг, ўз уволларинг ўзларингга. Яна кечиктирадиган бўлсанглар соғиб турган ёлғиз сигирларинг борми, бешта, тўртта эчкинг борми, битта яримта улоғинг борми — гинг дегизмай оламан-у, улуқга бераман юбораман! — деди.

Қизилқайнардаги ҳар овулнинг бадавлат уйларидан бирига тушиб, молбоқарлар, хизматкор қашшоқларни йиғдирив, шу буйругини айтди-ю, кеч кирган пайтда ўзи Оқтўморга қараб от қўйганича кетди.

Балонинг боши шу эди.

Энди, ўша куни молни жойлаб бўлишлари биланоқ, қош қорайган пайтда ҳар овулнинг камбағал, қашшоқлари молбоқар, хизматкорлари моромсиз, тиним топмай юришганди.

Ўтепнинг айтгани рост. У эртага айтганини қиласди. Шу ишни ўтган йили қилган Ўтеп, бу йил аяйдими?

Бошларини қаерга уришини билмай, хуноб бўлган қанча-қанча молбоқар малайлар энди мана шу кеч ҳар қайсиси ўз-ўзининг бойларига, оқ уйларига томон йўл олди.

Исҳоқ овулида бой уйига ҳаммадан олдин Жумир деган туячи чол кирди. Оёғида кўхна намат этиқ, боши-

да йиллар давомида кийила-кийила бошга илгудек жойи қолмаган, чурук санг-сант тумоқ. Эгнида увадага айланган, йилла бурчак-бурчакда ётган эски латтадек ўнғиб кетган ҳилқа-ҳилқа түн, белида бир қулоч қурум босган чизимча. Белини бўғиб турган ўша боғ уни гўё йўқчилик доридан узилиб тушиб кетган чала ўликка ўхшатиб турарди.

Бой уйн холи экан. Исҳоқ баланд кроватга суюлиб ўтирас, қора тўридан келган танноз маликаси, дилозор Манике момиқ ястиққа ёнбошлаганича талтайиб ётганди.

Кекса Жумир кун бўйи таянинг орқасида юриб, йўл қоқиб, қип-қизориб кетган кичик-кичик кўзларини митиллатиб, бойвучага қараб зўрга деди:

— Хонадон солиғини ҳам, недоимкани ҳам тўллагудек нарсам йўқ. Ҳол аҳволим ўзларингизга маълум... Битагина кичкина биямдан бошқа молим йўқ... Қандоқ қиласман?..

— Ҳа, биз нима қилайлик? — деди, Исҳоқ томдан тараша тушгандек.

Бойвучча бошини ястиқдан кўтармай, пастки лабини буриб:

— Бўлис биз эмас, солиқ йиғадиган старшин биз эмас... Кўп ғаш-ғаша қилмай жўнаб қол! — деди.

Чол умид қилиб келган эди.

— Епирим, «мехнат қилган шўрлик камбағал эди», деб, қарашади, мана бу кулфатдан қутқаради деб келган эдим-ку, — деди.

— Ие, ўтказиб қўйганинг бормиди, нимага қутқаради? — деб, эндиғи жавобни биратўла дилозор бойвучча бийлаб кетди.

— Мехнатим бор эди-ку? Ўзимгина эмас, ана у ёш болам, ҳалиги ўзинг от қўйган Бўрибосар ҳам қўзиигни боқиб юрипти-ку... — деди.

Шу пайтда Жумирнинг ёнига икки оёғи тарс-тарс ёрилиб, қасмоқ бўлиб кетган, бурни катта, қотмагина нимжон бола ҳам келиб ўтирди. Бу — қўзи боқувчи Бўрибосар.

— Мехнатинг бўлса, бераётганим озми?

— Нима бердинг чироғим... Биз ҳақ олдикми?

— Ҳақ олмасанг қишин-ёзин еярингни еб, ичарингни ичиб юрибсан-ку, у ҳисоб эмасми?

— «Овқат единиг» дейишга арзийдиган овқат эдимн?.. Ҳар кимдан қолган, суяқ билан ювинди-чайнинди эди-ку. Қиши итга ҳам беради-ку, ахир.

— Ҳа, тилинг чиқиб қолибди-да, ўлакса чол. Үндай бўлса яхши ит ёмон туячидан ортиқ десам нима дейсан, э ўла!..

— Эй бойвучча, ғариб-ғураболарнинг кўзини ўйганинг шу-да... Шунинг учун боламга одам отини муносиб кўрмай, ит отини қўйган экансан-да!— деб, чол умидини узиб ўрнидан туро бошлади.

Жумирнинг иккита ёш боласи бор эди. Биттаси — ҳозир ўн учга чиққан — Бўрибосар, иккинчиси ундан кичик, кенжаси — ҳали ёш. Ӯшалардан биттасининг оти Такежон, биттасининг оти Исҳоқ эди. Кекса Жумир шу овулнинг ёнига кўчиб келгандан кейин, Исҳоқнинг мана шу дилозор, танноз хотини Манике унинг иккита боласининг исмини масхара қилди. Қозоқларда бир кишининг исми иккинчи бир кишига камдан-кам қўйилади. Мана бу қаштоқ чол иккита ўғлига Қунанбойнинг икки ўғлининг — Такежон билан Маникенинг эри Исҳоқнинг отини қўйганига кибри ҳаво бойвуччанинг феъли айнаб:

— Ёмон итнинг оти Бўрибосар деб, қара, буларни, бизнинг мирзаларнинг отини олишипти-я. Шу бугундан бошлаб каттаси — Бўрибосар бўлсин, кичиги — ана у қўзиларни қайтарадиган итимизнинг — Кўрернинг отини олсин, Кўрер бўлсин, деган эди.

Шундай қилиб, ҳозир Жумирнинг иккала боласининг ўз отлари унугтилиб, масхара ва хўрлик аралаш — бири Бўрибосар, бири Кўрер бўлиб кетганди. Жумир ҳалиги гапни шунинг учун айтганди.

Шу сингари хўрлаш устига ҳукмрон бойвуччанинг ҳалигидек раҳмсизлиги, итлигини эшиштан Жумир, Бўрибосарни эргаштириб чиқиб кетди.

Шу кеч, Такежон овулнинг четидаги кулбалар орасидаги Ийс кампирнинг уйи ҳам ғам-ғуссага ботган. Ёлғиз кўк сигирнинг эмчагини чўзғилаб, кекса она анчадан буён йиғлаётир. Унинг бағрида иккита етим набираси қолган. Улар Асен билан Усен. Биттаси олтида, биттаси тўрт ёшда. Кампирнинг ёлғиз ўғлидан қолган етимлари. Йиккита боланинг онаси, ёшгина келини ҳам ўлган. Энди недоимка, қора солиқ буларга ҳам тушгани учун шўрлик кампир нима қилишини билмайди. Моли фақат мана шу ёлғизгина кўк сигири холос. Ҳозир ўшани соғиб ўтириб: «сўнгги марта соғишим бўладими, иккита етимчага нима дейман, нима бераман» деб пичирлаб сўзлаганича ўртанаётир.

Ийс сўнгги сутни пишириб, иккала гўдакка ичирди-да, уларни тўшакка ётқизган он Такежон уйига келди.

Бойнинг уйида Азимбой билан Қоражон бор эди. Такежон мана шу биринчи овулнинг бийи бўлгани учув улуғнинг чақиритириги билан Бўкенши элига кетган экан.

Ийсдан олдин шу овулнинг малайларидан икки қашшоқ йиғлаб келиб, Азимбайдан раҳм-шафқат кўрмай кетишганди. Унинг биттаси Қангбек деган қоровул йигит Азимбайдан кўмак сўраса, «анов куни иккита қўзини бўри тортиб кетди, ўшани сен ухлаб қолиб олдирдинг. Ўшанда уришсам қўрслик билан жавоб қилдинг. Недоимка келганда қўзингта кўк пашша бир уймалар, ўшанда кўрарман деган эдим..» деб хўп эзди.

Қангбек бу хил эрмак қилишга чидай олмай уч йилдан буён фақат қора солиқни, недоимкани тўладим деб, Азимбайнинг унга доим ҳақ тўламай, пул бермай қўл қилиб келаётганини айтиб норозилик билдириди. Гап талашиб, меҳнати зойе кетган молбоқар даъво қилди. Шундан ғазабланган Азимбой уни ҳақорат қилиб, уйдан савалаб чиқазганди.

Яна биттаси шу овулнинг бия соғувчиларидан Тўқсон деган киши эди. У кўп йиллар давомида шу овулнинг бўсогасида чириб келаётир. Айтдириб қўйган қаллиғига беш түяning молини тўлай олмай мана ёши ўтиз бешга келгунча ҳам бошпанасиз, уй-жойсиз юрибди. Азимбой уни эрмак қилиб олиб юрган экан. Ҳақ тўламай беш йилдан буён «хотинингни олиб бераман» деб алдаб келаётир. Қиз айтдириб қўйилган оила ҳам шу овулнинг қўл остидаги хизматкорлардан экан, уларга Азимбой ер тагидан: «ҳозир қизингни бермай тур. Тўқсондан молни кўпроқ олиб бераман»— деб аврар экан.

Моҳир бия соғувчи Тўқсон уйлангандан кейин бу ердан кетмоқчи эди. Шунинг учун Азимбой уни юбормасликнинг йўлини қилиб, ипсиз тушовлаб юрган эди. Бугун уни ҳам хўп хўрлаб чиқарди.

Энди Ийс келди. Йиғлаб ўтириб Қоражонга ялинди.

Ийс ёзин-қишин мана шу бой уйининг арқони, нўхтаси, чизимча-чилвирларини эшиб ўтирадиган, тиним нималигини билмайдиган кекса эди. Ўшани айтди. Қоражоннинг хиёл кўнгли юмшагандек бўлиб боласига:

— Бу шўрликни ҳали хонадон ҳисобидан чиқармаган эдиларингми?— деган эди, онасининг гапига Азимбайнинг энсаси қотиб, тескариликка олди:

— Мен чиқараманми? Уни гапириб нима киласан?— деб қолди.

Кампир:

— Сигиримни олдира кўрма, иккита етимчамнинг насибаси, қандоқ қиламан,— деган эдн, Азимбой асти юмшамади.

Кўнглидаги ҳисоби — кампирни ўз уйнга кўпроқ тобе қилиб олиш эди. Бунинг учун у ўзининг биратўла шўри қуриганини билмоғи шарт. Шундай дарди бўлса бу уйнинг арқони-ю, ипини тинмай эшадиган бўлади. Бўйин товлашдек ҳоли қолмайди. Шу хил каззобликни кўргандан кейин Ийс кампир товушини барада қўйиб, ёлғиз ўғлини — Исони йўқлаб зорланиб кетди.

— Кечагина кузнинг қора бўронида, тун кечада йўқолган қўйинг билан бирга кетиб, икки кечаю икки кундуз юпун кийимда, совуқ шамол, қорли ёмғир остида қолиб, бўтам Исойим ўлган эди. Ўпкасига совуқ тегиб, дардга чалиниб ўлди. Молингнинг орқасида жонини берди. Аясанг нима килади?— дейиши билан, Азимбой товушининг борича кампирга ўшқирди:

— Чиқ уйдан! Хунинг бўлса, олиб кўр-чи мендан... Аввало, кўч бу ердан! Бу ерда турма!— деб ҳайдаб чиқарди.

Энди кампирни қўрқитишгина эмас, чиндан ҳам унинг ёлғиз сигирини олдириб, бўйнига сиртмоқ солиб, ушлаб беришга аҳд қилди.

Кекса Ийс қарғаб кетди.

— Оҳ, йўлинг бўлмагур! Тилагингга етмагур, бошингга менинг куним тушкур. Иккита шўрлик етимчамнинг кўз ёшига учрагур!.. Сенга ялингунча қасд душманимга ялинсан-чи! — деб уйига етганча қарғаб келди. Икки гўдакни бағрига босиб ётиб, кеча тонг отгунча йиғлади. Тинмай оҳ уриб чиқди.

— «Шўрлик етимчаларим, шўрим қурсин, энди қандоқ қиламан. Қаерга урай бу бошимни!» деб тўлғонгандা, кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

Шу кечада, мана шундай оҳи-зор, нолаю нороэзилик қарғишини ўз овулларида: Оқперди, Мойбосар, Ирсойдек Ирғизбойлар ҳам хўп эшитишиди.

Котибақ, Жигитек, Бўкенши бойлари ҳам ўзларининг қашшоқ, малайларидан қарғиши, шикояти, оҳи-зордан, қаршилик ва тап тортмай гап қайтариб олишишдан бошқа гап эшитишиади. Лекин бунишг эвазига Бўкенши — Су-

гир овулида улуғлар билан йўғонлар тўдаси қашшоқларга беҳад кулфат солиш чорасига киришди.

Ҳозир бийлар, старшинлар начальник Никифоровни қуршаб олишган. Ҳаллос уриб кутишаётир.

— Начальник Мекапар айтди!..

— Мекапар қаттиқ киришган!..

— Бу Мекапар кўп баджаҳл начальник!— дейишиб, беҳисоб элларга унинг дабдабасини оширишаётир.

Буларнинг ҳаммаси бугун Сугир овулида ётиб қолишиб. Бўженши билан Бўрсоқ, Жигитек ичидаги «недоимка», «қора солиқ», «хонадон солнғини» тўламаган қашшоқларни хонавайрон қилишаётир.

Шу дамларда бу атрофда дағдағаси донг тортаётгандар пристав Кўкшўлоқ билан бир кўзи кўр урядник — Сойкин эди. Бу элнинг қозоқлари унга кечадан бери «Сўйқон-можаро» деган ном қўйиб олишдн. Кўкшўлоқ орқа-кетига қарамай пора олишда олғирлигин бўридан баттар бўлгани учун бу элда у илгариёқ «Кўкшўлоқ-бўри» деган ном олганди. Энди мана бу урядник пора-хўрлигининг устига қамчи билан даррани ҳам баравар ишга solaётир. Кечадан буён донг чиқариш учун Далбайдек чопарни савалатди. Бўрсоқ элининг недоимка бермаган қашшоқларидан беш кишини савалаб, қип-қизил қонига белаштириди. Шу феъл-авторига қараб, уни старшинлар: «бу дарра билан порадан бошқа овқат емайди. Бошқа таом еса ҳаром бўлсин» дейишиб, эрмак қилиб юришди. Сойкин отини бузиб, «Сўйқон» қўйишиди.

Бу ерга йигилганларнинг ичидаги номи қутуриб чиқиб турган безориларнинг биттаси Чинғиз волостининг писери — мирзаси — Жаманқарин. Бугун тушдан буён ўтказаётган ёвузлик, бераҳмлиги учун Бўженши элининг қашшоқлари унга «Қобонқора», «Қобонғарин» деган от қўйишиди.

Шу сингари зиёнкунанда бўрилар билан қобонла’р, эл гўштига ҳаром тумшуқларини бўрсуқдек тиқишаётир.

Кечаси Жиренше, Такежонлардек бийлар, Утепдек старшинларнинг топшириғи билан карта ўйнаб ўтириб, Кўкшўлоқ орқали Никифоров билан ҳам келишиб олишиди. Сўйқонга ҳам Қобонқора гап билан ишора қилиб қўйиди.

Аслида бу ҳокимлар шаҳардан фақат хонадон солиғи билан недоимка йиғиш учун чиқишиган. Аммо бийлар билан писер, старшинларнинг ҳисоби бошқа. Улар мана шу

икки солиқ билан бирга «қора солиқ»ни ҳам йиғиштиримоқчи. Урядник, стражниклар орқали йиғидириш осонда Ү бўлса, подшоликнинг солиги эмас, шу улуғларнинг ўз солиги. Бугун «қора солиқ»ни яхшилаб йиғиб олишса, бошлиғи Никифоровдан тортиб ҳаммалари бўлиб олишади...

Қобонқорага кўп гапириб қийналишнинг ҳожати ҳам бўлмади. Икки оғиз гап айланмасданоқ Сўқон, Кўкшўлоқ, Қобонқора уччови Никифоровни кўндириб олишди-да, тўрттови бир-бирига кўз қисиб, бош иргаб қўйишиди. Буларнинг ўзаро келишганини англагандан бийлардан: Га-кежон, Жиренше, Бейсемби, старшинлардан Утеп, Қусен; Тўшибек, Бўженбой, Абилқайларга жон кириб, илжайшиб қўйишиди.

Поранинг ҳиди думоғларини ёриб, тоқатдан айрилган-дек бўлишиди. Булардаги вазият, гўё рўпарадаги баланд Үрда, Дўғоланг, Шўнай, Уртиқ тоғларидан бирдан дув қўтарилиб, ўлимтикка ўзини уриб учайдиган емтуқдош қузғунлар, ёки яқинда ўлган ўлаксани йироқдан кўриб дув учган зоғлар, ваҳший йиртқичлар вазиятига ўхшарди.

Эртасига буларнинг ички ҳисоби билан муддаоси бўйича беомон йўриқ бошланди. Эл ичидаги, бадавлат хона-донларнинг сандигида бўлмаса, кўпчиликнинг қўлида пул юрмасди. Камбағалларда у нарса мутлақо бўлмайди. «Хонадон солиги», «недоимка», «қора солиқ»— буларнинг ҳаммаси пул ҳисобида солинган. Энди тўллагудек пули йўқ, солиқ тўлай бериб қаширга тирноғи қолмаган, фақир оиласарнинг ҳаммасидан ҳам пулга чақиб мол олинаёт-тир. Уни ҳам арzon-гаров тушириб, ортиғи билан сипирилаёт-тир.

Шунинг билан, бир томондан дарранн, бир томондан зўравонларнинг қўлини ишга солиб, ҳар овулдаги камбағал, қашшоқ, бева-бечораларнинг ёлғиз қўйи борми, битта-яримта қора-қураси борми,— ҳаммасини чопарлар, старшинлар, урядниклар қўлларидан қоқиб олиб келишашёт-тир. Ҳар овулда болалар йиғлаб, оналар қарғаб, айниқса кекса оналар зор қақшаб, кўпчилик элнинг ноласи кўкка қўтарилаёт-тир.

Бу оғиздаги оқлиқни, олдидағи насибани тортиб олиб кетаётган беомон селдек бир софат эди.

Улар галалашиб Қизилқайнар томон қадам босган сайин орқаларидаги қорамол билан қўй, эчкининг сони ортиб бормоқда. Уша селнинг орқасида бутун саҳро қар-

наб-қақшаб дув кўғгандек келаётир. Кўзи ёшлилар ҳам аламли, ғазабли, ўртангандар ҳам, кўкси-ю тили қарғининг тўла чорасизлар ҳам буларнинг орқасидан қолмай эргашиб келаётир.

Бу келаётганлар — кўзлари ёшга тўла, зор қақшаган камбағал ҳалқ эди.

Бўкенши, Жигитек, Қотибақ яйловларидағи, умумалиқ бу элдаги қашшоқ овуллар билан ярим-ёрти ғарип хонадонлар ичида, бу оғатдан омон қолганлар йўқ. Жигитекларга қарашли Сувиқбулоқ деган ерда кўп хонадонлик биттагина қашшоқ овул бор эди. Буларнинг ичида: Бозорали, Абди, Сержон, Асқар билан Келденлар сингари бир тўп виждонли, ҳамияти азаматлар бор эди.

Атрофдаги ғарibu ғураболарни зор қақшатаётган «солиқ» билан «қора солиқ» балосини булар ҳам эшишиб туришганди.

— Бизларга келса нима деймиз? Қўлда пул йўқ. Бу ердаги камбағалларнинг кунига яраб турган битта-иккита эчкиси билан икки уйга биттадан соғин моли, тамаддиқ қилиб турган озгина сигирлари холос. Халқнинг шу сингари ярим-ёрти молигача олиб кетаётир дейишаяпти. Бизлар ўтган йил бошга тушган оғирчиликдан, Такежои солигидан ҳоли ҳароб бўлиб қолган элмиз! — деган гапга ким қулоқ солади? Бунинг иложини қандоқ қиласмиш? — деб, Келден ўзи учун эмас, шу овулдаги ҳалқ учун, факир хонадонлар, бегуноҳ гўдаклар учун тинчсизланди. Бу хаёлини бориб Бозоралнга ҳам айтди.

Узи бетоб бўлиб, тўшакдан туролмай ётган бўлса-да, Бозорали зўрга бошини кўтариб, шошмасдан маслаҳат берди.

— Келсин, қай тахлитда келганига қараб иш тутамиз. Юрагида ўти бор одам бўлса, қўлидаги суюнчигини бериб қараб ўтира қолмас! Ҳозир фақат шу ердаги: Абди, Сержон, Асқарлар сингари кўзга кўринган барча азамат эркаклар ҳеч ерга кетмай овулда ўтирсин. Келган жаллодларни аввало менинг олдимга юборинглар. Мен билан сўзлашсин, шу ерга бошлаб келинглар! — деди.

Келденинг хавфи беҳуда бўлмади. Туш оққан пайтда бу овулга ҳам чопганича солиқ йигувчилар етиб келишди. Келганлар уч киши экан. Энг баджаҳили — кўкрагига қопқоқдек катта жез нишон таққан, ёнига шалвиратиб катта хуржундек бўш, чарм сумка осган безори чопар — Долбой эди. У дағдаға қилиб, қамчининг соли билан сум-

касини уриб, аёл ва болаларнинг ўтини ёриб келди. Ҳуриб ёпишган итларни қўрқитиб, қувалаб, ўдағайлаб қўйишади. Ёнида мана шу Жигитек элининг овулбошнси. У ҳам Дуйсен деган учар, ҳовлиқма, аҳмоқ йигит эди. Иккови сони кўп бўлсин учун ёнларига дами чиқмайдиган камтар йигит Салемни ҳам эргаштириб олишибди. Чолар билан овулбоши келиши биланоқ четдаги уйлардан бошлаб, тўс-тўполон кўтариб юборишли. Туш пайтида овулда дам олиб ётган эчки, улоқлар билан кўхна уйлар ёнидаги битта яримта сигирларга чанг солишиди.

Келден билан Абди келиб, буларга:

— Бозорали чақираётир, ҳеч бўлмаса, аввало ўшанинг ёнига бориб сўзлашинглар! Одам боласисизлар-ку, бир оз сабр қилинглар, юринглар, Бозоралининг ёнига бораийлик!— дейишли. Долбой ўшқириб Келденга ҳам қамчи кўтариб:

— Бормайман, Бозоралн ким ўзи? Керилмасдан ўзи келсин, қўлидан келганини кўриб қўяй!— деди.

— Бозорали бетоб, қўзғололмай ётипти. Сенларни чақираётир!— деган гапга қулоқ солмай, ўз қўллари билан ҳар уйнинг молини олиб тиза бошлашиди.

Шу чоқ бу ерга Бозоралининг ёнида ўтирган Сержон келди. Абди билан Асқарга пи chirlab:

— Бозорали иккавини ҳам ушлаб, сургаб келинглар! — деди.— Қани, йигитлар, ушла буларни, ушла! — деб, аввал ўзи тикка келиб Долбойнинг елкасидан олиб, ўзига томон бурди-да:

— Ҳой, йигитим, шошмай тур-чи!— дейиши билан Долбой қамчи ўқталиб, ўқрайиб қолди.

Сержон ўша он қамчини ушлаб тортиб қолганда, камчи боғи билагини узиб туширгудек бўлган Долбой, юз тўбан учиб тушди.

Овулбоши Дуйсен ҳайқириб, Сержонга ташланмоқчи бўлгай эди, уни Абди ёқасидан жуфтлаб олганича сургаб келди. Сержон ҳам Долбойни турғизиб олиб, диконглатганича Бозоралининг уйига олиб кетди. Ёш йигит Салем ҳайрои бўлиб, қўрққанидан ўзиёқ пилдираб кетди.

Бозорали гапни чўзиб ўтирамади.

— Сен итларнинг кечадан буён бу элга бўридек ҳужум қилаётганингни билиб ўтирибман. Бас, сатқаи гап жетсин булар. Йиқит иккала итни!— деб буюрган он Абди билан Сержон иккита жаллодни уйнинг ўртасига муккасидан тушириб, юз тубан ётқизиб олишиди.

— Еч! Сидириб тапила, чопони билан қўйлагини! Орқасини яланғочла!— деб, Бозорали ўрнидан озод кўтарилиб ўтириб олганича, ранги ўчган ҳолда титкилаб ташлагудек бўлиб турди.

— Барча қашшоқларнинг кечадан бери тўкаётган кўёшлари учун ҳеч бўлмаса сенлардек жаллодларнинг кўзини йўқ қилиб кетай! Абди, Сержон, қўлларингга қамчи ол!— деганда, Долбой билан Дуйсенни Асқарга ўхшашиб икки уч йигит босиб олди-да, Абди билан Сержон билакларини шимариб, қўлларига тупуриб олиб, айборларничт кўзига кўрсатиб; иккита катта-катта қамчини кўтариб олишиди.

Иш шунга етганда ўти ёрилиб кетган Долбой билан Дуйсен, Бозоралига ялиниб, зорлана бошлиашди. Бозорали Абдиларга кўз қисиб қўйиб, ҳали урдирмай турган эди. Уларнинг ялиниб, ёлборишларига бир оз қулоқ солиб турди-да, сўнгра икковининг устига келиб, энгашиб ўтириб:

— Сенларни нима қилсан бўлади, икки ит, а!? Үлдирсан қўлимдан ким олади?!

— Гуноҳкормиз, товба қилдик, оғажон!

— Кечир энди жон оға!..

— Яна келасанми бу овулга, яна оласанми эчки, улоқларни!..

— Иўқ, иўқ, жувонмарг бўлай.

— Имонсиз кетай келсан.

— Хўш, мана бу кўрганларингни улукъа бориб чақасанми, иўқми?

— Чақмаймиз, айтмаймиз!..

— Кўрдик, билдик демаймиз, фақат жонимиз омон қолса бўлди. Айтсак жувонмарг бўлайлик!

— Савалатсам-ку, ўлишларингни билласанлар. Хўш, бўшатиб юборсам, бориб чақмасликка аҳд қиласанларми? Онт ичиб, ваъда берасанларми икковинг?

— Вой, кўтар десанг қуръон ҳам кўтарай,— деб Дуйсен ҳар қандай онт ичишга ҳам тайёр эканлигини билдириди. Долбой ҳам ётган жойида унинг сўзларини такрорлаб ялинаёттир. Бозорали шошмасдан хўп исканжага олди.

— Агар бу ерда онт ичиб, у ерга бориб чақиб, эртага бошимизга улуғнинг қаҳри-ғазабини бошлаб келсаларинг нима қиласай?

— Юзимиз қора бўлсон!

— Жувонмарг бўлайлик!

— Үнда иккалангни бурускуни кечаси уйларингда бўғизлаб ташлайми?

— Ўшандоқ итлик қилсак, ўлдиртирабер!

— Үндай бўлса, ҳозир қуръон кўтариб, онт ичасанларми?

— Ичамиз. Вой, ичамиз!

— Нима десанг шуни қиласайлик!

— Үндай бўлса бу овулдан «недоимка», «қора солиқ» оламан деб яна қайтиб келмаларинг, бу бир. Бориб, Чингизни ошиб кўчиб кетибди, етолмадик дейсанлар! Иккинчи — лом деб оғиз очиб, мана шу кўрганларингни бўлисгами, улуқами билдирмаларинг! Гап, шарт шу бўлдини? — деб Келденга қараган эди, у ҳам, Абди ҳам:

— Шу, шу! — дейиши.

— Хўш, энди ҳали иккита шартга кўниб, онт ичиб, қуръон қўтарасанлар-ку? — деб, Бозорали товушининг борича ҳайқирди. Жўрттага дағдаға қилиб, ўшқириб гапириди.

— Қуръон қўтарайлик.

— Қани, қуръонни олиб кел! — деб, Бозорали уйдаги-ларга буйруқ қилди.

— Бу овулда қуръон бор эдими? — деди Абди, истеҳзо билан қулиб, астагина. Бозорали жеркиб ташлаб, кўзини қисиб қўйди-да:

— Нега бўлмасин қуръон, ана, ана турибди-ку, олиб бер авави керегега қистириғлиқ турган қуръонни! — деди.

Сержон иргиб туриб, қоғозлари тўзгиб титилиб кетган қалин бир китобни олди-да, Бозоралига берди. Бу китоб қуръон эмас, Бозорали шу қиши кўчириб олиб, шу овулдаги ёшу қариларга эшигидириб, ўқитиб юрган Абай шеърлари эди. Лекин хат билмайдиган Долбой, Бозорали узатган китобнинг қуръон эмаслигини билмади. Дуйсен ҳам ётган жойида қўл чўзиб, эмаклаб интилди.

Бозорали китобни очиб Долбойга:

— Уп, мана бу қуръонни, «бундан кейин ҳалиги қўйган шартингни бузсам, имонсиэ кетай, хотин боламнинг юзини кўрмай, харом кетай!» — де, қани айт шуни! — деди.

Иккала безори ҳам, шу шартни оғизларига олишиб, қуръонни ўпиб, онт ичиб, бошларини омон олиб қолишиди.

Бозорали айтганидек бўлиб, улуғларнинг зулми бу овулга етиб келолмади. Кўп элнинг бошига келган оғатдан мана шу қашшоқ овулгина омон қолди. Лекин, қолганларнинг оҳи-ноласи оламни тутди. Ҳалқ бошига кул-

фат ёғдирган ёвузлар истаганича әлни қақшатиб, олдинга сурилиб кета берди.

Бир оз вақт ичида эл жалюди — таланчилар тұдаси Иргизбай овулига ҳам етди. Исҳоқ, Такежон овлуларига келишди. Олдинда старшин Үтеп, чопар Долбой, Жақай, пристав Күкшүлоқ билан Сўйқон, Қобонқоралар келишаёттир.

Никифоров ўз ёнига Такежон, Жириншелардек бийларни олиб, олдиндаги бўриларнинг орқасида бамайлихотир аста-секин келаёттир... Қаззблар тұдаси Исҳоқ билан Такежон овулида ҳам тарааддулланишмади. Бир оз айланниб чиққанларидан кейин, кечаги Жумирнинг қўнғир биясини, Қангбоқнинг битта эчкисини, Тўқсоннинг ёлғиз тойини, яна айниқса шўрлик кампир Ийснинг кўк сигирни тортиб олиб кетишиди. Зор қақшаган қашшоқлар дод-фарёд қилишиб, қарғаб, молларига ёпишиб юришарди.

Ийсни қон кора қақшатиб, эргаштириб келаётган тұда Такежон овулидан чиқа бошлади. Шу чоқ, кежса энанинг аччиқ зори қулоғига етган Дармен югуриб келди. Дармен билан Боймағамбет икковини Абай бу ердаги халқ қай аҳволга тушаётганини билиб келинглар, деб юборган экан. Дармен Ийснинг ўтган йил ўлган ўғлини — Исони яхши биларди. Ҳатто, тенгдош ўртоғи ҳам эди.

Уни кўргач Ийс зор йиглади, паноҳ тилади. Дармен энди қараса, Исонинг иккита етим қолтан боласи — Асан билан Усен ҳам кўк сигирнинг икки томонида, унга ёпишиб, кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш оққанича йиглаб келишаётган экан.

Дармен кечадан бери бу ерда бўлаётган йиртқичлик, таланчиликни яхши биларди. Сўз ҳам қотиб ўтиради. Ийснинг унга қараб:

— «Бўтам, Дармен!.. Нима бўлдим!» дейишигина қолган экан. Дармен отдан иргиб тушиб, ҳайқирганича Долбойга интилди.

— Қўйиб юбор сигирни, ёвузлар!

— Қўймайман, тур вари! — деб, Долбой қамчин кўтарди.

Дармен ёнидаги пичогини юлиб олиб, сигирнинг бошвоини чўрт кесиб ташлади. Кўк сигир ўша он орқага қайрилиб жўнаб қолди. Шу чоқ Үтеп, Жақайлар ҳақорат қилиб, ҳайқира бошлашиди. Қобонқора от қўйиб, етиб келди-да, қамчи билан Дарменнинг бошига бир солда. Дармен ҳам қамчи урди. Лекин, у пиёда эди. Қобонқора-

нинг қамчиси текканда Дарменнинг юзидан тирқираб қон отилиб чиқди. Бу ҳолни кўрган Боймагамбет Қобонқора-га ташланган эди, уни Утеп билан Жақай ёқалаб, четга суриб кетишиди. Боймагамбет ўша он отга қамчи бости-риб, чоптирганича Абай овулига қараб кетди. Тортиб олингган молни ҳайдаб кетаётгандарга Абдираҳмон анча-дан буён қараб турган эди. Дармен билан Долбойнинг ҳайқириқ-бақириқлари Абишни тездан можора бўлаётган ерга етиб боришга мажбур қилди. Дарменнинг юзидаги қонни кўриб, Абишнинг ранги ўчиб кетди. Тўғри келиб, Қобонқоранинг қўлидаги қамчисини юлқиб тортиб юбор-ганда, қамчи боғини билагига илиб олган Қобонқора отдан юмалаб тушди. Энди писер мана бу офицер кийимдаги йигитни кўриб нима қилишини билмай тортиниб қолди.

Шу чақ бу ерда можаро кўтарилиб, тўхтаб қолиш-ганларини билган Сўйқон йироқдан ҳаракат қилиб, от қўйганича отилиб келарди... Кекса Ийс сигирининг орқа-сидан кетаётган эди, ҳалиги урядник йўлидаги камлирни қамчи билан бир уриб ўтди. Шу он Абиш қушдек учиб бориб, Сўйқоннинг отини чилвиридан олиши биланоқ:

— Чўчқа! Қандай ғўчқасан?— деганида, кутимаган ерда ҳарбий кийимдаги одамни кўрган урядник шошиб қолди.

Лекин Қобонқоранинг ҳайқириқ-бақириғини эшитиш билан яна қутирди.

— Булар ким? Қаердан келган ҳомийлар ўзи? Мен сенларга кўрсатаман!— деб, ҳақорат қилганича қамчи кўтара бошлади.

Шу он юрганича Абай ҳам етиб келган эди.

Никифоров билан бийлар ҳам етиб келишиди. Орқада келаёттан қашшоқ-камбағаллар ҳамчувалашиб келиб, теваракданчуввос солиб, арз-додларини айта бошлашди. Абай гапни қисқа қилиб, Такежон билан Жиреншега:

— Бу можародан эл ўртасида ёнғин чиқиб кетади, ён-гин чиқадиган бўлса, олдин сен икковинг ўртанасан. Айт-мади демаларинг! Торт энди оёқларингни, кетинглар бу ердан! Халқ номидан мана бу улуғ билан ўзим сўзлаша-ман!— деди.

Абай жуда тутоқиб, қонига ташна бўлиб, ўзини ўтга ҳам ташлагудай бўлиб келган экан. Такежон билан Жиренше ичиди: «бунинг бир билгани бор»га ўхшайди, дейи-шиб, ўзларини четта олишиди.

Никифоров уларнинг Абай олдида тортиниб қолганларини кўриб, ўзи ҳам чўчиб қолди. Унинг устига ғазабланиб, зор қақшаб келган қашшоқлар, Абайнинг товушидаги ҳалиги оҳангни сезиб, улуғларга баттар зардалари қайнаган ҳолда теваракдан ўшқириб, ҳайқира бошлиди.

Энди Никифоров буйрүк қилиб Кўкшўлоқ билан Сўйконни ҳам, Қобонқорани ҳам тўхтатди. Абай Никифоровни танир эди. Унга бугун Такежон овулида ётиб қолиб, қашшоқларнинг арзини текшириб кўриб, зўрлик ишлатмасдан, солиқни қайтадан адолат билан, йўл-йўриқ, қонун билан олишни маслаҳат берди. Тинчлик, хотиржамлик вақтида бераҳм чиновник Никифоровнинг бу ерда ҳаяжонга тушиб қолишининг боиси кўп, Негаки, Сўйқон, Қобонқаринлар сингари порахўр, олғир, муттаҳам шериклари туфайли унинг ўз устига ҳам анчагина доғ тушиб қолган эди. «Қора солиққа» олинган молдан ўзига кагтагина ҳисса тегишини ҳам Никифоров ичидан ҳисоблаб қўйганди. Ҳар бир порахўрлик, золимликнинг қаторида лаганбардорлик, қўрқоқлик, эҳтиёткорлик бир юриши маълум. Абайдек ҳалол одамнинг кўзи ёшли кўпчилик ёнини олиб, ғазаб билан бу ишга аралashiши Никифоровни чиндан ҳам қаттиқ чўчитди.

Гарчи Абайнинг гаплари Никифоровга ёқмаса ҳам жанжал бўлишидан ҳайиқиб, Такежон овулига кетди. Абай Никифоров билан бирга кетди. Абай унга ҳозир «недоимка» йиғини баҳонаси билан камбағаллардан «қора солиқ»ни ҳам йигаётганлари ҳақида оғиз очиши биланоқ, гўё бу жиҳатини биринчи марта эшиштаётган киши бўлиб қўя қолди да, дарҳол буйруқ қилиб, бу солиқни қашшоқлардан олдириб, бадавлат хонадонларга солдирди.

Шунинг учун ҳам қашшоқларнинг моли ўзига қайтди, лекин бу ишга чор-ночор кўнган улуғлар ўша куни Абай жетиши биланоқ, унинг устидан катта протокол ёзишиб, шаҳарга чақиқ жўнатишди.

Икки кун ўтди. Абай бу кунларда кўпчиликдан бўлиниб, кўпинча ўзи билан ўзи бўлишни истарди. Ҳозир мана, Айгеримнинг тўшаги ёнида бир катта китобни очиб ушлаб ўтирибди. Лекин ўқимай, ғоят оғир бир руссага ботиб хаёл суриб ўтирибди.

Кириб-чиқиб юрганида эрининг китоб ушлаб ўтирганини кўрган Айгерим ҳеч нарса сезмади. Абай кўп йил-

лардан буён ўрганиб кеттан одати бўйича мана шу икки қуя холи ўтирганида, бир неча бор қоғоз қалам сўради. У — янги шеър туғилаётганинг аломати эди...

Кўп хушфеъл Айгерим эндиғи ҳаётида Абайнинг шу сингари ўзининг қошида холи ўтириб, фикр юргизиб меҳнат қилишини ўзича қадр қиласарди. Эрининг холи ўтиришини бузмаслик учун Айгерим бу кунларда бир қанча бегона одамларни бу уйга киргизмади. Ёшларга ҳам «хат ёзиб ўтирибди» деб, мажлисларини Абайдан ташқари ўтказишларини сездирди.

Бу ўтиришда Абай моромсиз, кетма-кет чўзилиб келаётган қайғули хаёлларга ботиб ўтирганди. Утган кеча ҳам ҳўш хўрсиниб, ажриққа ағанаб ухламай чиқди. Узи билан ўзи бўлиб, овулдан йироқлашиб, тепаликдан ошиб кета берар эди. Овулдаги кексаларнинг ҳаммасидан олдин туриб, тинмай юра берарди. Баъзан қош қорайган пайтдагина қайтиб келарди.

Абайнин шу сингари оғир хаёллар ҳар маҳал бўғиб турадиган пайт бўлар эди. Фақат Абиш шаҳардан келгандан кейингина бу хил руҳан сиқилишни вақтинча енгтандек, бир оз халос бўлгандек кўринарди.

Ҳозир ўша бир улуғ тўлқин яна ларзага solaётir. Аслида шу кайфият, шу куйлар унинг сўнгги йиллардаги кўп шеърларига мунг созини, беҳад ғусса созини қўшиб юарди.

У қайғу — халқ қайғуси... Нодонлик, йўқчилик, хўрлиқ билан ҳаёт кечираётган халқнинг қайғуси.

Сўнгги куналарда бу ғуссани қайта ўйғотиб, туташтираётган ғусса, Такежон овулидаги безовталиқ, камбағал-қашшоқларнинг оҳи-зоридан туғилган ғусса эди.

«Қора солиқ» билан «недоимка» можарасидан туғилған кўпчилик элнинг қайғу ҳасрати ўтган кеча Абишни ҳам тинчидан айириб, ором олдирмади. Бир пайт топиб, у ёлғиз ўзи Абайнинг ёнига келаркан, холи ўтириб ўзининг янги фикрларини айтди.

Абишнинг айтишига қараганда, бу зўрликнинг бир учи элдаги муттаҳамларда, халқ душманларида бўлса, ишқинчи учи подшоликнинг улуғларида эди. Бутун Россиядаги миллион-миллион деҳқонларнинг бошида ҳам шу хал зўрлик ҳукм сурарди. Шунинг учун ҳам йил сайин деҳқонлар қўзғолони, кураши бўлиб турар экан. Уни ҳам Абиш кекса Ерёминдан эшитган экан. Подшолик бу ишни ҳириб, сир тутаман дегани билан сир тутишнинг ило-

жи бўлмаётган экан, чунки бундай қаршилик оламни тутиб кетибди.

Гап орасида Абиш фақат Абайнинг ўзига Ерёмин тўғрисида муфассалроқ гапириб берди. У, ўтган йил Абиш ўқишдан бўшаган чоғида турган уйнинг эгаси — хотиннинг акаси экан. Шунинг учун кўп учрашиб, кўп сирлашишган экан. Буни ҳам Абиш сир тутиб, Абай билан холи қолганидагина айтиб берди. Сўнгги етти-саккиз йил ичидаги ўздан ортиқ деҳқонлар қўзғолони бўлибди. Шунда Россиянинг олтмиш бир губернасида турли-туман курашлар, тортишувлар, подшоликка қарши, золимларга қарши қўзғолонлар бўлибди. Киев, Чернигов, Полтава сингари областларда-ку деҳқонлар қўзғолон қилиб чиққанда, худди кеча шу ерда бўлган «недоимка» йиғишлар бор-ку... ўшани тўламаймиз деб қаттиқ олишибди. Уйлаб кўрсам, кеча йиғлаётган ҳалққа бир виждонли йўлбошчи бўлса, ўша кўзларнинг ёши бир лаҳзада қуриб, унинг ўрнига ғазаб, кек қарши тургувчи жасорат туғилган бўлар эди. Бироқ бундай ишни қиласлик даражада уйғонган эл йўқ... Уйғотгудек куч, етакладиган, бошқариб, йўяладиган фикр яна йўқ-ку! — деб Абиш ўкинди.

Абай Абишнинг бу гапларини ҳам диққат ва илтифот билан аҳамият бериб тинглади... Ҳеч бўлмаса, ўшандоқ ҳалқнинг, уйғонган жамиятнинг орасида кечмаган умрига ачинди. Беҳисоб элни уйғотиб етаклагудек зўр куҷ ўзида ҳам йўқдек туюлди. Айниқса шуниси кор қилиб, қаттиқ ташвиш торти.

Абайнинг шундай пайтлардаги чин мунгдоши Эрбўлгина бўлгани учун, сиқилиб турган чоғида унинг ёлғиз келиши шоирга анча маъқул тушди. Ёнига чақириб олиб, ичидаги ярасини очди.

— Эрбўл-ей, мени яна бир фикр қийнаётир.

Эрбўл Абайга ачингандек қаради.

— Ростдан ҳам, ўзингни анча олдириб қўйибсан... Яна ниманинг ташвишини қилаётисан? — деб, Абайга тикилиб қолди. Дўстининг сўнгги кунларда озиб қолганини пайқади. Ранги кетиб, кўзлари ўлирилиб, овози ғулдираб чиқаётир. Ич-ичидан алам чекиб, ўйлана беришдан озиб, ўзини олдириб қўйганлиги кўриниб турарди.

— Зўр қайғу кеча содир бўлган можародан кейин туғилди.

— Оҳ, нимасини айтасан! Бизлар ҳам нариги уйларда турли-туман хаёлларга бораётirmiz. Абиш ҳам эртаю

кеч ўшани гапириб, тинчланолмай юрибди. Эси-ҳуши, виждони бўлганларнинг ҳаммаси қаттиқ ранжиб қолишиди. Лекин кўп шўрликларни сиртмоқдан қутқардинг.

Абай бош чайқади.

— У ёнингдаги бир тўпгина халқ-ку. Бошқа кўпчиликни нима қиласан? Бошқа ерларда, бошқа яйловларда ҳамон ўша офат юрибди. Фақат битта бўлисми? Ёлғиз Тўбиқтими? Бутун қозоқ даласидаги барча шўрликларнинг ҳаммаси оҳ-нола қилаётir.

— Албатта, албатта!.. кўпчилик, на чора?..

— Халқим, қозогим, юртим... Уларнинг ҳоли шу-ку энди... Уларга мен қандай кўмак бердим, қай таҳлитда бошлиқ бўлдим?..— деб, бир оз жим бўлиб қолди. Косасидан чиқаёшиб порлаб турган ўйчан, ғамгин кўзлари тўғрига қадалиб турарди.

— Ёшлик чоғимиздан бошлаб, ҳар отанинг ўғлидек бўлган ёмонликлар, ёвузликлар билан олишгандек бўлдик. Лекин нимани енгдик? Қандай яхшилик ўрнатдик? Кетган меҳнат, ўтган умр қандай мева берди? Халқимга бирор йўл топган бўлсан эдим. Мен бўлсан, ўзимга ҳам топиб ултурганим йўқ. «Мақсад йироқ, умр калтароқ»,— деб ўзининг авваллар шу сингари қайфириб, алам чеккан пайтларида ёзган шеърини эсга олди.

У шеър Эрбўлнинг хотирида эди.

— Ҳали ҳам савиаси баланд, ягонанинг ўзиман дейсану... Назаримда кўзимга: «мозоридек бахшининг ёлғиз қолди, бу чиним» бўлиб турипти бу лаънати ҳаёт,— деди.

— Кун кетидан кун кетаётir. Лекин ҳаётнинг янгилинишидан дарак йўқ. Халқни митадек сб ётганлари анави. Қуми тупроқдек халқинг хори-зор бўлиб, алам чекиб, ит ҳасратда ётса, ҳали ҳам бўридек ҳужум қилиб, ёвдек тўнаб, жигилдони тўймайдиган, асти тиним топмайдиган расволар ҳали ҳам ҳукм сурис юрибди. Узгани қўйиб кечаги офатнинг, беадаб қарғишнинг, кўлдек кўз ёшининг айборларидан биттаси бўлис эмасми. У менинг иним Ўспон. Ёвузлик менинг ўз қўйини-қўнжимда ўтирган эканику?— деганда, ранги қув ўчиб, қўллари қалтираб кетди.

Шу чоқ ҳали булар чақиртирган Ўспон кириб келди. Абай унинг саломига алик олмади. Иниси ёнига келиб ўтирас-ўтирас гап бошлаб юборди:

— Ҳой Ўспон, кеча элингни ёв чопаётган пайтда, сен қаерда юрдинг ўзи?

— Қандай ёв экан, астаъфурулло?

— Ев бўлмай нима у, галалашиб ҳаммани остин-устин қилиб, камбағал-қашшоқларни қон-қақшатиб юрганларинг? Қаерда эдинг деяётирман?

— Мен Соқтӯғолоқда, сиёз бошида эдим.

— Нима, моли-дунёнг сўққа бошингга етмаётирми? Бу «қора солиқ» деган бўри томоғини қаердан топдинг ўзи?

— Вой-вой, нима деяётирсан? Үзим учун йиғидирдимми?

— Подшонинг солиги билан «недоимкаси» камлик қиласётими? «Қора солиқни» бўлис, бий, старшин, тилмоч, чопарлар ейди. Уни «кимлар учун йиғидирганимни билмадим» деб, энди ёлғон ҳам гапирмоқчимисан?

Успон катта гавдаси билан типирчилаб, Абай олдида — улуғнинг олдида тургандан баттар сиқилди.

Успон ҳозир Абайнинг жаҳли чиқиб турганидан қўрқиб, яқинда бўлган бир ишни айтмай қўя қолди. Аслида, Никифоров унинг маҳкамасига келганда Успоннинг ўзи ҳам ўша ерда эди. Никифоров «недоимка»ни, «қора солиқ»ни нақадар тезлик билан, қаттиқ чоралар билан йиғиш зарур эканлигини қовоғидан қор ёғилган ҳолда буюрганди. Успон шу сингари «недоимка» билан «қора солиқдан» оч-яланғочларнинг ҳар йил зор қақшашини айтиб, юраги ивишиб қараганди. Тортинчоқлик қилиб, «ҳеч бўлмаса, ўз бошимни эл-юртнинг қарғишидан омон олиб қолсам» деган умидда бўйин товлаб кўрганди. Шундан кейин Никифоров билан Сойкин Успонни чақиртириб олиб, қаттиқ сиқишган эди.

— Сен подшоликнинг солигини йиғиб беролмай ўтирган noctor бўлиссан, шунинг учун биз Ўязга, губернаторга рапорт ёзиб берсак, ўрнингдан тушишгина эмас, ғазнанинг солигига қарши чиқиб, тўсқинчилик қилган киши сифатида бошинг судга ҳам кетади. Қани, қайси биринни хоҳлайсан? Айт!.. — деган эди Никифоров.

Шундан кейин Успон шу йўсин исканжага олишларидан ҳайиқиб, «недоимка» билан «қора солиқ»ни батамом йиғишига чор-ночор қўй қўйган эди. Лекин, «шу балодан бошимни олиб қосам эди» деб, Такежонга арз қилғанида, у Успонга ҳийла-найранглар ўргатиб, маслаҳат берди.

— Биринчининг бийи, бўлис йўғида бўлиснинг ўрнига ўта олади. Улуғларнинг ёнида мен билан Жиренше бў-

лайлик. Сен сиёз ўтказмоқчи бўлиб, анави Сўқтўғолоқقا, йироқдаги элнинг биттасига жўна!— деган эди.

Успон шу хил тинчсизлик ҳукм сурис турган кунларда, ҳалигидек баҳона билан ўзини четта олиб юрганди. Бу сирни очишга Абайдан уялди.

— Ҳа, мен бир-иккida бўлис бўлиб кўрибманми? Уни бор элнинг бўлис-бўлислари йиғдиради дейишгандан кейин йиғса йиғақолсин деган эдим, бўлмас...

— Ушанда ярим ўлжани ўзим ейман дедияг-ку, а?!

— Ўзим учун эмас, ийя,вой... йўқ ердаги балони қаердан топдинг, Абай! Қаёқдан билай, итларни!— деб, Успон аллакимларни ҳақорат ҳам қилиб юборди.

— Аввало ўзингни ҳақорат қил!— деб, Абай ҳайқириб қолди.

— Оббо, барака топкур, қўйсанг-чи, ерга уриб бўлдинг-ку жуда, ундан кўра маслаҳат бер. Айбимни қандоқ қилиб ювай... Кимни жазола дейсан?

— Шўрликларни эмас... Йўғонларни жазола дейман. Ҳеч бўлмаса ўшалардан ҳалқнинг ҳақини олиб бер.

— Уларинг ким? Қимлардан олиб берай?

— Бошлиғи ўзингдан, мендан, Такежондан олиб бер! Ҳалқнинг ҳақи, эр-азамат, чол-кампир, оч-яланғочларнинг меҳнат ҳақи кимда кетаётган бўлса, ўшалардан олиб бер. Одам бўлиб хизмат қилсанг-чи ҳеч бўлмаса, элда ким кўл, йиғлаб юрган оч-яланғоч кўп. Ҳалол молини ўғирлатиб юрган кўзи ёшли мўмин кўп. Ўзи ўғри асраб, ҳам бойиб, ҳам беҳисоб шўрликларнинг ҳақини бермайдиган ёвузлик кўп. Ўшаларга жазо бер...

— Қандоқ берай ўша жазони?..

— Сиёзни ўша ёвузларга жазо берадиган сиёзга айлантири.

— Ҳа, ҳа, мана бундоқ дегин, бўлмаса, бира тўла хиппа бўғиб, жонимни ёқамдан чиқариб олаёздинг-ку, дурустроқ сўрамай туриб... Ана энди ҳалиги айтган каззоб, безориларингнинг ҳаммасини билиб турибман. Тўхта энди кўрарсан. Успон бўлислик учун қалтирамайди. Ҳатто ўрнимдан тушсам ҳам, «бечора қўлидан келган ғайратини ҳалқнинг қасд-душманларига ишлатиб тушган эди» десин! Хўд ўша семиз тўнкаларни борми? Елкасидан босиб оёқ ости қилиб, манман деганлари билан бир олишай.

Успон чин ғайрат қилиб, итп қўрсатадигандек, Абай энди унинг юзига хиёл иссиқ чирой билан боқди.

— Қани шу айтганингни қил-чи. Сенинг билан бир туғилганим учун чиндан бир қувонай. Амалдан тушсанғ ҳам одамгарчилик, азamatлик йўлига қадам қўй!..

— Дамингни чиқарма... энди, энди қўя тур... Гап та-
мом!— деб, Ўспон эндиги маслаҳатни Абайдан сўрашга
сабри чидамай, тўсатдан турди-ю, отилиб чиқиб кетди.

Ўқинч

I

Абиш бугун отаси билан капада ўтирганда, ўзини ҳайрон қолдирган саҳро ҳаётининг баъзи бир жиҳатлари ҳақида гап очди.

— Саҳро ҳаёти, шаҳар ҳаётига қараганда одамни кўп бекамликка, лавангликка бошлайди. Бу ерда ялқов бўлиб кетиш ҳам жуда осон, мен ўзим шундай бўлиб кетаётирманни дейман!..

Абай кулимсираб унга қаради-да:

— Ҳақиқатан бу ерда ҳеч нарса соат билан, вақт билан ўлчанмайди. Бу ерда ҳаёт маълум бир ўлчовдан ҳориж, ўз ҳолича боради. Туялик кўчнинг юришидек, бамайлихотир ёйилиб юрган қўй ҳаракатига ўхшаш бошқача бўлади. Баъзан ҳатто дунёнинг бу бурчагида вақт тўхталиб, соат, «сутка» деган ўлчовлар одатдан, ҳожатдан чиқарилиб ташланганга ҳам ўхшайди. Саҳро соати бамисоли тўхтаб турганга ўхшайди,— деди.

Абиш унинг сўзини қувватлаб:

— Бу ерда соатгина эмас, тарихнинг ўзи ҳам бир ердан силжимай ётиб қолганга ўхшайди. Ҳатто асрлар давомида ҳам шу суръат эмасми? — деди.

Абай шунга яраша саҳродаги ҳаёт билан меҳнатга бошқача маъно бериб гапира бошлади.

— Меҳнат қилмаслик тўғрисида гапирдинг. Мол боқиб, кўчманчи ҳаёт кечирадиган овулнинг тирикчилигида меҳнат тушунчаси, ўтироқ, шаҳар ҳаётидаги меҳнат тушунчасидан бошқачароқ эмасми?! Масалан, мана шу ердаги мол атрофидаги одамларни олайлик. Улар: чўпон, йилқичи, туячи, қоровул, мол соғувчи, мол сугорувчилар бўлса, уларнинг меҳнати жуда кўп, яна оғир дер эдим. Яна соат билан ўлчанмайдиган меҳнат. Мисол учун чўпон

қўй билан бирга юриб, қўй билан бирга тиним топади. Куннинг узоқлиги қанча бўлса, унинг меҳнат соати ўшанча. Йилқичи, соқчи деганлар ҳам узоқ вақт боққан молининг ташвишидан, доим ўша мол ҳақида ўйлаш керак бўлган эҳтиёт чоралардан, хавф-хатарлардан бир нафас бўш бўлмайди. Тўғри, бу меҳнатнинг четдан кўриниши ўзига хос бир ҳолда. Қўлига оғир болта олиб, ёки болға уриб, қўли, жуссаси ҳаракат қилиб пиёда юрмайди. От устида, туяга, ҳўқизга миниб юради. Шунинг учун унинг меҳнатига шаҳар одамининг кўзи билан қаралгандা, тинч меҳнатга ўхшаб кўринади. Лекин, саҳродаги мол боқувчи, умуман хизматкор аталадиганларнинг, айниқса, уларнинг оиласини, чол-кампир, ўғил-қизларипинг аҳволини ўйла. Ўшаларнинг меҳнати мол атрофидаги меҳнат. Мол боқувчилар на тиним топади-ю, на бир нафас тинчиди. Жуда оғир меҳнат. Яна қозоқ саҳросида бевосита ўша молни боқиб, қўриқлаб турадиган чин меҳнат аҳлининг қашшоқлик, йўқчилик, муҳтожлиги, оч-яланғочлиги жуда оғир бир аҳволда. Тўғриси, алоҳида ялқов, меҳнат нималигини билмай ҳаёт кечирадиганлар ҳам саҳро турмушида кўп учрайди. Қани энди сен дам олишга келган одам бўлганинг учун, сени ҳалигиларнинг қаторига қўшмайлик. Кел ўзингга дам бератур Абиш!— деб кулганича Абай сўзини тамомлади.

Абиш билан Абай ича бор узоқ-узоқ суҳбатлашиб, саҳро одами билан унинг меҳнати ҳақида турли-туман фикрлар юргизишарди. Бу гал улар саҳродаги жиноят ҳақида гап очишли. Бунга бошқача бир иш сабаб бўлган эди. Бир кун Абиш отасининг устига кирса, Абайнинг рўпарасида бу овулнинг одамларидан бўлмаган учта бегона киши ўтирган экан. Ҳаммадан пастда, бўсоғага яқин ўтирган усти-боши юпунгина, бош яланг ўтирган кишини Абиш қаердадир кўргандек бўлди. У ҳам буни таниб, астагина сўраши. Қолган икки киши юқорироқда ўтиришганди. Абай бир оз индамай ўтириб, сўнг бу учовининг кимлиги, қандай иш билан келганлигини айтиб берди. Унинг айтишига қараганда, бу одамларнинг ўртасида яна битмас-туганмас, дов-жанжал бор экан. У — ўғирлик важидан туғилган можаро эди. Четдан келган икки киши Торбоготойдан келган Мурин элининг одамлари экан. Ҳалиги, бўсоғада ўтирган йигит мана шу эл ичидаги тиниб-тинчимайдиган, ёч кимни аямайдиган, учига чиққан ўғрининг биттаси экан.

Уша аллақайлардаги Мурин элига бориб, айғири билан бир уюр йилқидан битта қолдирмай ҳайдаб келибди. Енидаги киши эса ўша йироқ ердан бир ой мобайнида сароон бўлиб, сўроқлай-сўроқлай ниҳоят ҳақ-ҳалол молининг дарагини топиб келган йўловчилар экан. Уларнинг биттаси — мошгурунч соқоллик, кичик-кичик чағир кўзлик, бурни катта одам. Иккincinnси — сўррайган, от жағлиқ, хиёл кўсароқ, сиймосида жасорат акс этиб турган, новча бўйлик қора йигит эди.

Уларнинг айтишига қараганда, худди мана шу ўтирган ўғри, бутун Арғин, Наймондаги бориб турган каллакесар экан. Яна ёлғиз шунинг касофати уриб, икки эл ўртасига низо тушиб, молга ҳужум қилиш, жанг қилишларгача борибди... У Торбоготойдаги Мурин элини сўнгги беш йил мобайнида беш йўл қон қақшатиб кетибди. «Мана шундай итларни босиб қўйилмайдиган бўлса, биз эртага элимизга бориб айтамиз. Тўбуқтининг безорилари, расволари тийилмас экан. Киши тўплаб, эл чопишиб, йилқи олишдан бошқа илож йўқ экан деймиз да. Бўлмаса мана бу ердаги молимизни олиб беринг. Бундай ишларга хотима бердириб, тийиб қўядиган одамсиз-ку. Абай, олдингиздан ўтгани келдик. Ёлғиз сизнинг юз-хотирингизни қилиб келдик!»— деб чағир кўзлик чол билан гапга уста йигит галма-гал гапириб, Абайга қаттиқ туриб олишди.

Абиш уйга кириш олдидан, ҳалиги гаплардан ҳам уялиб ўнғайсизланган, ҳам ғазабланиб тутоқкан Абай, ўғрини қаттиқ исканжага олиб гапирди. Ҳамма гапни Абишга тушунтиргандан кейин Абай бир оз индамай ўтириди да, рўпарасида ўтирган ўғрига қаттиқ тикилиб қаради. Бир вақт эрмаксимон, хиёл кулимсираб қўйиб, Абишга қараб:

— Буни қара! Тақдир заҳарханда билан масхара қилгандек, бу ашаддий ўғрининг оти ҳам, ор-номус эгаси бўлган одамга масхара бўлиб тушадиган от. Бунинг оти — Мингяшар! Қандай шўрлик ота-она қўйган кулгили исм!

Ўлмаса экан деб тилаган-ку! Уша пайтдаги ҳалол тилак нимага айланган? Яхши тилакнинг бунчалик машъум масхарага сазовор бўлиб, расволикка айланиши инсон қовми учун бир хўрлик, жазо! — деди.

Утган қишида мана шу Мингяшар яна бир бегуноҳ овулни қон қақшатган экан. Лекин ўғирлаб келган молини ҳозирги бўлис Успон унинг қўрасидан юлқиб олиб, гуноҳини бўйнига қўйиб, хўп таъзирини бериб жазолабди.

Уласи қилиб калтаклаб сулайтириб, ҳушидан кетган ҳолда қип-яланғоч қилиб, тонг отгунча эшикла қолдирибди. Ушанда касал бўлиб қоладими, ёки ўлиб қоладими деб, бирон одамнинг раҳми келмабди.

Абай Найманларнинг даъвосини ҳал қилиб, ҳукмини айтиб қўйган эди. Ҳозир Боймағамбет бошлиқ уч кишини Муриндан келганлар билан бирга юборди. Мингяшардан уларнинг молини олиб бериб, жўнатишга буюрди. Дамини чиқармай бўзарниб, Абайга ростини айтмай, шу ернинг ўзида жонини ёлғонга ўн марта гаров қўйиб, «худо», «қуръон» деб ўтирган Мингяшар ҳам, энди уйдан чиқди. Муринлилар ҳам келганларидан буён ичиб ўтирган қимизларини тугатиб, Боймағамбет билан кетмакет чиқиб кетишиди.

Мингяшар кетгач, Абиш яна Абайнинг уйига кирди. Бошқа ёш шоир ва дўстларининг ҳаммаси Абайнинг қошида, жамоат-жам экан. Қимиз ичишиб, қизишиб ўтиришган экан. Шу чоқ Абиш, Ломброзо ҳақида гапирди. Абай ундан ўшани сўради.

— Ломброзо ким? У нима дейди?

Шундан кейин Абиш Ломброзонинг алоҳида бир ғализ фикрини батафсил айтиб берди.

У: «Жинояткор одам туғилишиданоқ жиноят қилишга мойил бўлиб туғилади» дер экан. Дунёдаги барча халқнинг жиноятчи, безорилари бош суюгининг тузилишида, гавдасининг яратилишида ўша жиноятчилиги очиқ кўриниб туарар эмиш. Қисқаси, у одамлар туғилгандәёқ кела жакда ёвуз, бузуқи бўлиши билиниб, унинг келгуси, тақдири бирга туғилар эмиш. Тарбияси, ўсган шароити, ҳаётнинг бошдан кечириладиган оғир-енгил томонлари ҳисоб эмас эмиш... Шундай қилиб, жиноятчи бўлиб туғилади, жиноятчи бўлиб яшайди, ҳеч ўзгармай, айнимай ёвуз бўлиб ўта беради дер экан.

Абиш, Ломброзо илмини шу хил баён этганда Абайга маъқул тушмай, сиймосида истеҳзо акс этиб, бош чайқади. Абиш унинг фикрини сўради. Абай бир оздан кейин жавоб қилиб:

— Менинг билишимча, ўша Ломброзонинг гапи тўғри эмас. У ҳатто нотўри фикрни тарқатадигина эмас, олим боши билан жиноятли фикр айтаётир. Ўзгани қўйиб, ҳалиги ўзим жазо берган Мингяшарни ҳам мен мана бу Ломброзонинг ҳалигидек туҳматидан ҳимоя қилмасам бўлмайди! — деди.

Уйдагилар қизиқ бир гапни кутаётгандек, беихтиёр қўзғолиб қўйиши. Абай сўзида давом этиб:

— Мингяшарни жиноятга етаклаётган унинг жисмоний яратилиши эмас. Асли сабабини айтсан — йўқчилик. Унинг устига уруқ-аймоқ, ота-бобосидан тортиб наслидан наслигача кўриб келаётган хўрлик, тенгсизлик. Хўш энди унинг ўзини олсанг, ўша Мингяшар мана шу юрган қозоқларингнинг кўпларига нисбатан ҳам ақллик, ҳам ҳамиятлик яна қайсар ва жасур! Узи умрбод боши йўқчилик, хизматкорликдан чиқмаган ота-онанинг боласи. Ўгри бўлмаганда ўша ота-онасиdek бойларнинг бўсағасида мол боқувчи — малай бўлар эди. Ундай бўлишига но-мус йўл қўймайди. Негаки, бизнинг саҳро ҳаётида хизматкорлик оғир меҳнатгина эмас, бир томондан одамнинг одамлик ҳамиятини қаттиқ жабрлайдиган хўрлик. Унга кўксида ўти бўлган номусли қашшоқларнинг кўпчилиги чидай олмасилгини кунда кўраётирман. Лекин очлик билан йўқчилик, тирикчилик устида ташвиш тортишга мажбур қиласи.

Мингяшар тепса темирни узадиган кучга эга одам. Етиб ейдиган ялқов ҳам эмас. Бир ойлик йўл Муринга, ўша Торбоғатойга ёлғиз, оч бўридек кечаю кундуз йўртиб бориш, очин-тўқин юриш, хавф-хатарларни кечириш, мол олиб қайтишни осон иш деб ўйламанг! Ҳар қалай бу ишлар эринчоқларнинг иши эмас. У жўш уриб турган ғайратнинг иши. Шу одамга қаерга бориб касб билан шуғуллан, кун кўр дейсиз? Бу ерда на фабрик-завод, на экин-текин бор. Мардона ғайратини ишлатгудек бўлса, мол боқувчилик, малайликдан бошқа туёқ илинарлик тош йўқ. Исканжага олаётган очлик, муҳтоҗлик у.

Шунинг билан бугунги қозоқнинг ҳозирги кўчманчи, авом, ривожсиз, нодон ҳаёти ҳозирги кўп наслларни чор-ночор жиноят қилишга олиб бораётир. Шаҳарнинг мағур чиновникларидан, ҳовлиқма, оми адвокатларидан мана шу қозоқ ҳалқини қаттиқ айблайдиган бир хил гапларни бир неча марта эшидим. «Он, киргиз конокрад» қирғизга нима керак, «карапчит керак», «киргиз барантач» дейишиди. Шу гапларга ҳатто жондорол, корпус маҳкамасигача ўйлаб кўрмасдан қаттиқ ишонади. Сабабини бирор марта ўйлаб кўрармикан. Ўша ўзлари ҳокимлик қилаётган саҳронинг оғир ҳақиқатларини бир нафас бўлса ҳам хиёл ўйлаб кўриб, англашга уринармикан?.. Бирор марта ғам ейиш у ёқда турсин, ҳақиқатни билишга ҳам уринмайди.

Астойдил ўйлаб кўрса, фақат қозоқ саҳросигина жиноятчилар билан бузуқиларга тўлами? Шаҳарлик, маданиятлик деган подшоларнинг ҳаммасида ҳам нима кўп? Тутқин жойлари — турма билан каторгадан кўпроқ нима бор? Ушаларнинг ичи тўла жиноятчилар экан.

Албатта, подшолик тузумига қарши курашаётган асл жамиятни бир чеккага қўяйлик. Хўш, ғари-ўғриси озми?.. Ушалардан кўпчилигининг аслини ўйлаб кўрсанг яна алвон турли Мингяшарлар бор эмасми? Уларнинг ҳаммаси ҳам адолатсизлик билан кўрган жабридан Мингяшар бўлиб юрганимикан? Хўш, энди подшолар билан ҳокимларни олсак, ҳаёт-тирикчилик хўр қилиб юрган не-не виждонли одамларни фақат айблаш-у, жазолашни билишади холос. Уша жиноятларнинг сабаби нима? Уни англашга тиришгап улуғ ҳам йўқ, қонун ҳам йўқ!

Ана энди мана бу Ломброзонинг илм номидан шундай гап гапирганига мен беҳад ғазабланамап. Тўнг мўйин тўралар айтса бир сари. Илм номидан таълим беради деса қўполликка қўполлик, ёвузиликка ёмонлик қўшгани нимаси?— деди.

Абай сўзлаётганда, Абиш неча турли қизғин ўзгаришларга тушиб ўтирди. Дам қимизни ерга қўйиб, дам қайта қўлига олиб, тиним топмай қолган эди. Абиш ўзининг шунчалик ўйноқи ҳаракатларини энди бир ўткир ҳазил билан тамом қилди:

— Бугун мана шу яйловда, Ўскенбойнинг овудида Ломброзо энг оғир ва кучли далиллар келтирилган танқидга учраб, таёқ еди. Ўнга қарши чиқиб қулатганлар қозоқ шоири — Ибрагим Қунанбоев, қозоқнинг тинчимайдиган ўғриси Мингяшар!— деди.

Абай ўғлининг шу йўсин ўйнаб-кулиб, тортинимай ҳазил қилганига хурсанд бўлиб, орқасига қоқди, қучоқлаб қисиб ҳам қўйди.

Абиш овуда бекор ётишни ўзи учун оғир кўрди. Уни Абай ҳам билиб юрган эди. Энди Дармен билан маслаҳатлашиб, Абишнинг бир оз саёҳат қилиб, бирор ерга бориб келишини маъқул кўрди. Чингизнинг нариги томонидаги ажойиб «Қўнғир авлиё» деган форга бориб, ўшани кўриб келинглар, деди.

Абдираҳмон сафарга чиқиш олдидан Абайнинг уйшга кириб қимиз ичиб, яланг қават тўн, бошига қозоқча тумоқ кийиб жўнашга ҳозирланмоқда эди.

Боласининг юзига чин оталик муҳаббати билан қара-

ган Абай, ундан кўзларини олмай, тикилиб турарди. Шу боласи учун кўнглида фахрланиш ҳисси уйғониб, шукур қилаётир. Яна бир вақтлардаги ўз сўзи ёдига тушди:

Ўғлимни мадрасага «бил» деб бердим,
Хизмат қилиб, чин олсан деб бермадим.—

деган сатрлар беҳуда кетмаганга ўхшайди деб қўйди.

Бугунги Абиш ота тилагини оқлаб келаётган йигит бўлиб кўринди. Отанинггина ўғли эмас. «Фақат ўзимнигина шодлантирмас, ўлмай эсон-омон бўлса, халқини ҳам шодлантирар. Қоронғи саҳросига ёруғ шуъла олиб келар, даставвалги ҳалол бўғин сен бўларсан!»— деб, фотиҳа бераётгандек, Абишнинг нурли, гўзал юзига қаради. Ўзга қариндошларидек эмас, Абишнинг пешонаси, юз тузишлилари, шижоати — ҳаммаси ҳам илм, тарбия оқартириб очган, чин интеллигентларга ўхшарди... Келажак замоннинг яхши аломатлари унинг соғ фикридан, ёрқин сиймосидан кўриниб турибди. Абай учун шу кунлардаги шодлик билан юпанчнинг энг каттаси шу бўлди.

Ичидан: «Бахтим-саодатим шу болам десам ҳам бўлар; эсон-омон бўлиб, халқига қимматли меҳнат қилиб юрган чоғини кўрсам, армони йўқ ота бўлар эдим» деб ўйлади. Кўнглига шуъла тушгандек ёришиб, хурсанд бўлиб кетган Абай, Абдираҳмон отга минмоқчи бўлиб ўрнидан турганда, уйдан бирга чиқди.

Мағашлар эшикда отларининг ёнига келишиб, Абишнинг чиқишини кутиб туришган экан. Бир оздан кейин юлқиниб турган семиз, яхши совутилган, бақувват отларга иргиб-ирғиб миниб олган бир тўп йигитлар чошгоҳ пайтида Абайнинг кўз олдида отларини елдириб, баъзилари ўйноқлатиб, «Қўнғир авлиё»га йўл олишди.

Йигитлар отларини тасирлатиб, бир гала бўлишиб шимолга қараб кетишаётир.

Орадан икки соат ўтди. Баъзан отларини елдириб, текис жой келганда, бир-икки марта пойга ҳам қилиб олишди. Бир вақт йўловчилар арчалар билан қопланган тошлоқ довонга чиққанларида, бепоён ўлкада, ўт-ўланлари мавж уриб турган кенг қўнисда қаторлашиб ўтов тикиб ўтирган бир қанча овулларни кўришди.

Қизишиб, учгандек бўлиб кетаётган отлар, Йилқилар бор овулларни кўришлари биланоқ пишқириб ўйноқлаб кетишли. Баъзи бир ёш отлар уюрсаклик қилиб чинқириб кишинаб ҳам қўйишли. Бир тўп бўлиб келаётгандарнинг

олдида Абишнинг ёли, думи қора саман оти ўйноқлаб, кўндаланг тушиб, оёқларини унда-бунда қўяркан, сувлиғини чайнаб келаётир. Абиш Абай айтгани учун бошидаги картузини олиб қўйиб, бўз йигитлар киядиган қизғини сариқ шоҳи сирилган енгил қора тумоқ кийиб олган. Эгнида жигарранг духобадан қайтарма ёқа қилинган қиммат баҳо симови түн. Сиртқи кийими шундай бўлгани билан ичидаги юнкерлар киядиган ёзлик оқ кителъ. Оёғида амиркон этик. Унинг пошнасидаги ялтироқ шпорлари ҳам олинмаган.

Кутимаган бир пайтда рўпараларида кўрингандай кўп овл Абишни беихтиёр тўхтатди. Афтидан, буларни бошлиб келаётган Оқилбой билан Кўкбой бу овуллардан қиялаб ўтишмоқчи эмас. Тўғри ўша овулга кетишаётир. Абиш «тўғри кета берамиз» деган эди, Магаш билан Дармен, Какитой учкови бир оғиздан гап бошлаши.

Улар гёё «ҳа» дейишиб олган кишилардек:

— Бу овулга тушиб, қимиз ичидаги чиқайлик! — деб қолишиди.

Шу овул яйловда кўриб юрилган овуллардан мутлақо бошқача. Бир қанча оппоқ уйлар бир-бирига тиркаштириб яқин ўрнатилган. Бир овул дейишига ҳам тўғри келмайди. Одатда ҳар овулнинг бир нечтагина оқ уйлари бўлади-да, кўпчилиги оддийгина, қора-қура, ярми очилиб ётган кулбаларга айланиб кетади. Бу ерда молбоқар, отбоқарларнинг ҳалигидек оддий йиртиқ-ямоқ уйлари той чоптнорим ерга чўзилган. Ўрталиқдаги ерда бўлса, бир-бирининг пинжига тиқилиб, баъзан қўшилиб тикилган етти-саккиз қанотли уйлар билан ўтовлар жуда кўп. Яна ҳамма уйларнинг устига ёпилган наматнинг оқлиги бир-биридан ўтаман деб турибди. Шу йилгина босилган, оппоқ пахтадек намат билан бир кунда ёпилганга ўхшайди. Утовларигина эмас, катта уйларнинг ҳам уздикларининг¹ этакларига ранг-баранг мовутдан ўйиб гул солинган.

Йигитлар овулга яқинлашиб келишганда, бу овулнинг жуда ҳам меҳмондўст овул эканлиги маълум бўлди. Кўп кермеларда бештадан, ўнтадан эгарлоғлик отлар турарди. Қимиз ичгали, тушлик овқат қилиб ўтгали тушган бир қанча алоҳида-алоҳида меҳмонлар борга ўхшайди.

¹ Утов устига ёпилган наматнинг бир хилн.— Ред.

Абиш то овулга етиб келмагунча қаерга келаётганини билмади. Эндиғина Дармен унга ёndoшиб келиб, шипшишиб қўйди:

— Абиш, бу овул — татар овули. Маҳмуд деган татарнинг овули!

Абиш бу ерга нима учун келаётганларини тушунмади:

— Хўш, бу ерда нима бор?

— Бу ерда, қайси куни Дилда опам айтган Мағрифа бор! — деб, Дармен синовчан назар билан кулимсираб қараб турди.

Абиш қизориб кетди. Дармен унинг қизоришига қизиқиб қараб келаётир. Лекин Абиш жавоб қотмади.

Аслида бугунги сафарнинг сабабчиси мана шу Дармен эди. «Қўнғир авлиёҳни ҳам ўйлаб чиқариб, Абайга айтган ҳам ўзи эди. У Абишни қизиқтириб, уйдан бошлиб чиқиш учун топилган баҳона эди.

Дилданинг овулига бориб келганларидан буён Дармен билан Мағаш Қакитойчи ҳам ёнларига олиб, ўзларича бир режа тузиш билан овора бўлишди. Бу режка бир пайтини топиб Абишга Мағрифани кўрсатиш йўли эди. Шу сингари мўлжал билан у мана шу татар овудаги ўртоқларидан кўп дилкаш, аскиячи, хушчақчақ шўх йигит Ўтегелдига бир хизмат топширди. Йигитга йигитларча сир айтди:

— Абишни бошлиб бориб қолармиэ. Ўшанда сен татар овудида бўл! Уларнинг шунча уйларини оралаб юриб, қизини топиб кўриш ҳам осон эмас. Сен бизларни ўша овулда ҳаяллатишга тириш. Агар иложини қилиб, бир кечада олиб қолсанг ҳам ёмон бўлмайди. Абиш билан Мағрифани учраштирайлик. Шундай қилиб, иккаламиз савобига қолайлик, хўпми! Мағрифани мен кўрган эдим. Бу атрофда унга тенг келадиган қозоқ қизи йўқ. Хўш, энди унга тенг йигит, бу намат уйли қозоқ боласининг ичидаги Абишдан ортиқ бўлиб туғилгани ҳам йўқ, туғилмоқчи ҳам эмас,— деди.

Шўх, кўп хушчақчақ йигит Ўтегелди татар овулнинг ўз кишиси бўлиб кетган одам. У Дарменга ҳазил қилиб, қизлик овулнинг тили бийрон янгасига ўхшаб туриб, ҳазилга олди. Кекса устомон янгалардан бўлиб, афтини ҳам ўшаларга ўхшатиб, лабини буриб қўйди. Яна юзини сидириб кўзини йилтиратиб:

— Вой шўргинам, шу ҳам гап бўлдими! «Йигитим» деб, «Қора қозоқнинг асл йигити» деганинг Абайнинг

ҳалиги кокиллик серкага ўхшаш, саллот ўғлими,вой шўрим? Магишимдан ўн айланса бўлар! Оғзидан она сути келиб турган оқ юзлик ойим, Магишимдан! Қараб тур сени, Дармен, кунларнинг куни бўлса борми! Сенданми! Янгалик билан қудалик ҳақимни!.. Сенданми!.. Танакор Дармен, сендан оларман! Додлатиб, орқа эта-гингдан сургаб ўтга ҳам, сувга ҳам соларман. Қараб тур ҳали!— деган эди.

Моҳир асқиячи алвон турланиб, Дарменни ҳам кўп кулдирган эди. Лекин ўшанда янганинг тили билан сўзлаб туриб, ўзининг ҳам шу йўлда хайриҳоҳлик билан хизмат қилишини билдирганди.

Хозир мана бугунги сафарни ўзи ўйлаб чиқариб, энди бошлаб кетаётган Дармен билмасдан Абишни ўша Магифанинг овули устидан туширган киши бўлди. Аслида йўлини жўрттага шу томонга буриб, йўловчиларни шу ерга бошлаб келган эди.

Буларниң қайси куни келишини билган Утегелди шу овлунинг ўртасидаги саккиз қанотли катта уйнинг ёнидаги керменинг олдида турган экан. Новча бўйлик, барваста келган, яхши кийинган бир тўп эркаклар ҳам кўринди.

Дармен ўз тўпининг олдига тушиб, Абиш билан ёндошиб, овул бўйлаб оқадиган катта сувнинг ёқасидаги уйлардан ўтиб кела бошлади.

— Бүёққа юр, бундоқ юр! Бу томондан юринглар!— деб, отлиқларга йўл кўрсатиб, ҳалиги тўдалашиб тургандар томон йўл олди.

Йўловчилар келиб, овул эгалари билан саломлашиб бўлишган он битта-битта эпчил йигитлар келишиб, меҳмонларни ҳурмат билан отдан тушира бошлашди.

Утегелди Дарменнинг отини ўзи ушлаб, қўлтиғидан олиб тушираётисиб, икки кўзӣ кулимсираб, яна ўша янга бўлиб ҳазил қилди:

— Вой вафодор қайнигинам! Берган ваъдангнинг устидан чиқдинг-ку! Бироқ менинг қайнисинглим, қадрдом нигурунга кетганини қара-я!— деди.

Дармен шубҳага тушиб қолди.

— Рост айтаётисанми?— деб Утегелдининг кулимсираб турган юзига қараса ҳам, анигини билолмади. Сўнгра:

— Ундай бўлса, тез бўл. Айтиб кел! Огулга олиб кел!— деди.

Меҳмонлар кирган катта уйнинг бўсоғасидан тўригача тўқ қизил гиламлар солинган, гир айлантириб қундузлик гулкўрпалар тутилган эди. Уфа чимилдиқлари тўсилган. Уйнинг ичи катта, тегарак қилиб солинган залга ўхшайди. Уйнинг қадди баланд, ҳавоси енгил экан. Атрофга қават-қават шоҳи кўрпаҷалар ташлаб қўйилган, ҳар ер-ҳар ерга шаҳар каштаси тикилган катта-катта оқ ястиклар қўйилган. Меҳмонлар тўрга чиқиб ўтиришдн. Овул эгалари — ўрта яшар, қора соқол кишилар билан мўйлови эндиғина сабз отиб келаётган ёш йигитлар, меҳмонлардан пастроқда, икки томонни олиб, қиммат баҳо суяклар билан безатилган иккита кровать ёнида ўтиришди.

Меҳмонлардан Оқилбой, Мағаш, Какитойларнинг ҳам бошларида қундуз телпак, эгнида шаҳар машиначила-рёга тиктирилган камзуллар, булар ҳам жуда яхши кийинишган.

Овул эгалари ҳам усти-бошларига қараганда бир бошдан олифта кийинишган.

Бу ерда шу овулларнинг отаси, бу кунларда вафот қилган Маҳмуд деган татарнинг беш ўғлидан учтаси ўтирибди; ўшаларнинг каттаси юқорироқда ўтиргани, барваста келган — Жақип, иккинчиси — ундан ҳам тўлиқ — норғил, кўркам юзли, қора қош, қора соқол, катта-катта қора кўзлик Муса, учинчиси — бу овулнинг кенжаси, мана шу катта уйнинг эгаси, ёш, тўладан келган, ўрта бўйлик, қип-қизил магиздек, оқ юзли чиройлик йигит — Мусабой, яна афти-ангари, гавдаси, катта-катта кўзлари, катта бурни ҳалигиларга ўхшаб кетадиган ёш йигит — Нуртозалар ўтирибди. У мана шу ўтирганларнинг туғишган жияни.

Бир оздан кейин катта чорада қимиз келтириб, шопириб-шопириб, ўтирганларга тортилаётган пайтда, меҳмонлар билан уй эгалари чекка-чеккадан гап бошлаб ҳолаҳвол сўраб кетишиди. Бу овул эгалари — ҳалиги уч-тўрт кишининг ҳаммаси кўп сипо, оғир табиатли кўринишди. Ўлар хушчақчақ, хушчирой, ўзларининг меҳмонларига нисбатан бўлган ҳурмат-эътиқодни ўрнига қўядиган мулоғиматли одамларга ўхшайдилар.

Эшикка чиқиб, совунгган отларни ўтга қўйиб келган Алмағамбет билан Дармен янги хабар топиб келишди.

Бу овул тушлик овқат билан жўнатиш эмас, бу кеча шу ерда олиб қоладиган кўринади.

— Эшикда ичак-чавағини ағдариб, бир семиз қулун сүйилаётганини пайқады!— дейиши.

Мәҳмоналар түпини Дармен бошқарса, мезбонлар билан Мусабойларни Утегелди бошқараётир. Келган мәҳмонанан йигитларни:

— Бу мәҳмоналарнинг келишгани жуда соз бўлди. Бир оз ўйин-кулги қилишиб, бир кеча мәҳмон қилиб юборганинг дуруст!— деб чойдан кейин ташқарига чиқсан Мусабойга маслаҳат қилди.

Мәҳмоналарнинг ёнидан чиқиб, ўз уйига кетаётган барваста, серсавлат Жақип ҳам йўл-йўлакай Мусабойга:

— Утегелдининг гапи тўғри,— деб таъкидлади.

Утегелди Мусабойга Абишнинг йирик скрипкачи эканлигини ҳам айтди. Яқин ердаги Шуборнинг овулига одам юбориб, скрипкасини олдириб келишини лозим кўрди. Бу унинг ҳар икки мўлжалига бирдек қўйл келди. Мусабойнинг хотини бугун Мағрифани олиб Шуборнинг овулига мәҳмандорчиликка кетган экан.

Мусабойнинг ўзи санъаткорлардан бўлмаса ҳам, турлитуман аскиячи, хушчақчақ, қизиқ, ҳикоячи, ўйин-кулгига берилган одамларни жуда яхши кўради. Ёзин-қишин Утегелдига ўхшаш аскиячи, шўх, хушфеъл одамларни овулидан силжитгиси келмай, улфатчилик қилиб юради. Ҳозир Утегелди айтган гапларнинг ҳаммасини маъқул кўриб, дарҳол Утегелдининг инисини, шу овулдаги Боймуринни Шубор овулига жўнатди. Боймурин отга миниб кетаётганди. Утегелди:

— Уша овулнинг қўшниларидан бирида ишим бор эди! Айтиб юбора қолай!— деб, отга минган Боймурин билан холи сўзлашиб келди.

Аслида инисига топширадиган иши йўқ эди. Боймуринга: скрипкани ол-да, кейин Мусабойнинг хотини билан алоҳида сўзлашиб, шу гапни айтиб қўй; Мағрифа иккови тездан овулга келсин! Уйга мәҳмоналар келиб қолди. Шуни тайинла!— деб юборди.

Шунинг билан кун қайтиб, тушлик овқат пишган пайтда, скрилка ҳам келди. Мусабойнинг хотини билан Мағрифа ҳам ёнидаги қиз-жувонлар билан овулга қайтишди.

Азимбойга ўхшаб кетадиган, бурни чўзинчоқ, қизил мағиздан келган ёш жувон уйга кириб мәҳмоналар билан мулойимгина сўрашди. Извошда унинг билан бирга келган оқсоҳ кўрпа ёстиқ, камзул, рўмолини уйга ола кирди. Лекин, Мағрифа бу уйга кирмади. У ўз уйининг рўпарат

сида извоидан тушіб, ўз отаси Сулаймоннинг ' бугун меҳмонлардан холи турган уйига кириб кетганди.

Қулуң сўйиб, кутаётган овулдан тушлик овқат билан жўнаш тўғри келмайди. Гўшт еб, шошилмасдан чой ичиб бўлган меҳмонлар эшикка чиқишган пайтда, ёз куни кеч кириб қолган эди. Бу чоқ меҳмонларнинг кермеда турган отларидан биттаси ҳам қолмабди. Ҳаммасини йилқига юборишган экан. Бир тўп бўлиб келган йўловчиларнинг эгар-жабдуқлари қўшни меҳмонхонадан бирининг бўсоғаси ёнига тахлаб қўйилиби.

Бу ишларнинг ҳаммасини бажараётган — Мусабойлар. Меҳмонларни хушчирой билан кутиб юрган Мусабойнинг ўзи қатори жияни Нуртоза ҳам бор эди.

Қороғи тушиб, ҳамма уй-уйига кириб кечки чой ичилиб бўлгандан кейин, Мусабойнинг уйида ўйин-кулги, ўлан айтиш санъати бошланди. Қий-чув, ўпир-дўпир босилган, ором слаётган овулда чўзилиб чиқсан скрипка товуши эшитилди. Ажойиб санъат бошланганидан дарак берди. Ҳали эшикда юрган ёш жувонлар билан қоровул йигитлар, қўшни уйдагиларга ўлан, қўпшиқ бошланганини маълум қилишаётир. Уй эгаси — ёш жувон ўзининг ёш овсизлари, қайниснингилларининг ҳаммасига хабар қилди. «Келсин!», деб, «Кенжা оғанг» чақираётир, деб Мағрифани ҳам Мусабой номидан айтдириб юборди.

Бу чоқ скрипкада рус ҳалқининг фоят нозик ҳисларга тўла, ажиб сирли гўзал куйи «Лесная сказка», «Над волнами» сингари вальслари чалинаётир. Гоҳ ўйноқи шўх машқлар чалинади, кишига завқ бериб, ҳаяжонга солувчи рақс куйлари ҳам гал олиб, турли ажиб куйлар моромсиз тўлқинланиб тўкилади...

Ҳозир скрипкани ёлғиз Абиш чалаётир. У, шунингдек бегона, бир-бирларини беҳад иззат қиласидиган одамлар олдида типпатик туриб чалишни ўнғайсиз билиб, тўрдан туриб келиб, ўнг томондаги баланд кроватга ўтириб чалди.

Бир оздан кейин катта уйнинг икки томонидан астасаста шилқиллаб кулиб келаётган ёш қиз-жувонларнинг товуши эшитилди. Ҳаммаларига маълум сирни сақлаб ўтирган Дармен, Мағаш, Какитой, Үтегелдиларнинг қулоғига шилдираб келаётган чўлпиларнинг товуши эшитилди. Уларнинг сезгир қулоқлари ўша товушларга алоҳида бир маъно бериш билан бирга, кўзлари ҳам эшик томонга тез-тез тикилиб турарди. Аввало, катта кичик болалар

киришди. Буларнинг ҳам қозоқ наслидан бошқачароқ эканликлари кўриниб турарди. Кўпчилигининг юзи оппоқ, ёки сарғиш қизил. Новча бўйлик, қадди-басти типпатик. Оталарига ўхшаб булар ҳам кўп келишган чиройлик. Ёш болалар, ёш қизлар ҳам бўйчан. Қўл-оёқлари ҳам бўлиқ, тиқмачоқдек.

Болалар орқасидан бир неча қизлар киришди. Уларнинг олдида баланд бўйлик, гулгун қизил юзлари кўзга ташланиб турадиган бир қиз; қуюқ қора қошлиари узун, қўнғир соchlари ҳуснига ҳусн қўшган, хиёл мовий, шаҳло қўзлари ёниб турадиган кўп зебо қиз кирди. Нафис бўйнининг беғубор силлиқлигидан ёш гўзалнинг хиёл тўлалиги сезилади. Оппоқ бақбақаси латиф бир тўлқиндек сал билиниб турибди. Бармоқлари ҳам узун-узун, пилтадек, учи ингичкаланиб келган.

Унинг орқасидаги қизлар ҳам шунга ўхшаб кетишарди. Улар татар овулининг энди бўйи етиб келаётган ёш нозанийлари эди.

Олдинда келаётган ҳалиги гўзал қиз кирганида, Абиш скрипкани тўхтатиб, янги келган бир гала ҳаёлик, тортинчоқ тўпга одоб билан илтифот билдириди. Үрнидан туриб, юзлари дув этиб қизариб кетган ҳолда, сўрашаётгандек хиёл бош эгиб қўйди. Уша, даставвағ кирган қиз Мағрифа эди. Мусабойнинг хотини, яна Мусабойнинг ўзи билан Нуртоза, Ўтегелдилар ҳам Абиш билан бирга дик этиб ўринларидан туришиб, қиз билан унинг ўртоқларига тўрдан жой кўрсатишаркан, йўл бўшатишиди. Бир уй бўлиб ўтирган меҳмонлар устига киргандан буён Мағрифанинг икки юзи қип-қизариб, ёниб кетди. Үялганидан лаъли лаблари аста жилмайиб, оппоқ, беғубор тишлигини кўрсатди. У оро бериб, битта-битта юриб, тилла чўлписи ғоят нозик товуш чиқарди; шилдираб келиб, Мусабойнинг юқорироғига ўтириди. Қолган қизларнинг ёши ундан кичик эди. Улар тўрга чиқишига ийманиб, икки томонга бўлиниб, Нуртоза билан Мусабой ўтирган жойдан пастроққа ўтиришди.

Уларнинг орқасидан уйга учта-тўртта кексароқ янгалиар, оналар ҳам кириб келишиди. Тўрда ўтирган меҳмонлар ўринларидан туриб, нари-бери суримишиб, қатордан жой беришиди. Тўрга чиқиб ўтирган аёлларнинг ҳаммаси қозоқ аёлларига ўхшайди. Бошларида уча тутилган, кашта тикилган киймачак ва чорсилар. Буларнинг ичидаги қадар баланд бўйлик хотинлар йўқ. Лекин деярлик ҳам-

маси келишган, дўндиққина, қадди-басти сарвдек аёллар. Кўпчилиги қора қош, қора кўз, қора тўридан келган, қизил магиздек ёки оппоқ гулгун юзлик аёллар.

Мағашнинг кўнглига эрмак аралаш бир гап ҳам келди. У ичидан: «Мана бу татар купецининг кўзи кўрағон экан! Қозоқ ичидаги кўзга кўринганларни пайқамапти деб айблашга ўрин йўқ! Афтидан, бу савдогарлар саҳронинг гўзал қизларини таълай билганга ўхшайди!» деб ўйлади.

Ҳалиги хотинлар Абишлар билан сўрашиб бўлиб, жойлашиб ўтирганларидан кейин Ўтегелди шўхлик билан ҳазил қилиб:

— Оббо, базимки бузишди-ку, бу бойвуччалар! Ўзимиз бир яхши ўйнаб-кулиб ўтиришган эдик. Кўрқиб кетдикми? Ҳатто скрипкамизнинг ҳам товуши ўчиб қолди! У нимаси энди... Шу бойвуччалар ҳам!— деди, ёлғондан қовоғини солиб ва Мусабойнинг тўрда ўтирган, қизил магиздан келган кичик хотини Туройга қаради.

Турой жуда чиройлик, оппоқ тишлигини хиёл кўрсатиб кулди-да:

— Айланай Ўтеш, аста қўрқма-я! Айниқса скрипканг қўрқмасин! Бизлар ҳам ўшани эшитгани келдик! Қайси биттант эдинг, ҳалиги хушнаво билан бутун оувлни ларзага солган? Абиш, азизим, сен эдингми? Қани чал-чи иним! — деди бир чети ҳазил, бир чети буйруқомиз.

Унинг шу хилда сўзлашга ҳақи ҳам бор эди. Турой мана шу ўтирган меҳмонларнинг ҳаммасини ўз жигарларим, ўз авлодим деб ҳисоблайди. Негаки, у Тўрғай элидан, Бойтўрининг қизи.

Туройнинг гапидан кейин, Ўтегелди ўрнидан туриб, чўкка тушиб ўтириб олди-да:

— Қани, ундай бўлса, ол энди! Опам ўйин-кулги қилинглар деяётир. Қелинглар, болалар, энди базим қиласмиш, қани бошлайлик! — деб, Абишга қараб скрипка чалаётган кишидек, эпчил ҳаракат қилиб, уйдагиларнинг ҳаммасини дув кулдирди.

Шунинг билан аввалги сипоҳгарчилик сақлаш, одатдаги такаллуфлар орқасида пайдо бўлган кўп тортинчоқликка барҳам берди.

Энди уйдагилар билан янги келганларнинг ҳаммаси Абишга қаради. Абиш кўпчилик олдида скрипка чалганди тикка туриб чалиш қулай бўлишини айтиб, уэр сўраб олди. Энди Мағрифанинг рўпарасида туриб, ажиб тўл-

қинли, зўр ҳаяжонли, жозибали ва ўзгача нозик ҳислар жўш урган қуйни чала бошлади.

Бу куй овул одамларининг ҳаммасини ҳайратда қолдирди. Баъзи бир тамшаниб, завқ қилаётган, шодланиб аста кулган, хиёл билинар-билинмас шарпалардан бошқа товуш йўқ. Мажлис аҳли эриб қулоқ солаёттир. Фақат Абиш тўхтаган пайтда миннатдорчилик билан олқиши аралаш мақтаб:

— Кўп яша, бўтам!
— Қандай санъат-а!

— Дарвоқи асли шундай чалинса керак!— деган кампирлар билан ёши улуғ эркакларнинггина товуши қулоқга чалинди. Болалар, қиз-жувонлар бир-бирларига пичирилашиб, аста кулишиб, Абишдан кўзларини олмай, ҳайрон бўлиб қолишиди.

Кўпчиликнинг: «Яна, яна бўлсин!» деган илтимосига кўра, Абиш энди янги куйларни бошлаб юборди. Бу куйлар аввалгилик салмоқли, ғамгин, оғир ҳисларни ифодаловчи куйлар эмас. Тингловчиларнинг кўпчилигига тез таъсири қилиб, осонгина ета қоладиган ўйноқи куйлар эди. Яна биридан кейин бири бошланиб кетаётган енгил рақс куйлари. Баъзан чапдастлик билан жўш урдириб юборганда, қизишиб чалганда, Абишнинг юзлари ловуллаб қизариб кетарди. Ҳозир саҳронинг одамлари ўз ўрталарида кўрмаган, билмаган бошқача одам. Орқароққа суримиб бориб чиққан сочи оппоқ пешонасини кенг қилиб кўрсатади. Қисқа қилиб қирқилган қўнғир соchlари силлиқ таралган. Хиёл кўтаринки қирра бурни, юпқа лаблари билан Абайнинг қошларига ўхшаш ингичка, қаламдек чизилган қоп-қора қошларига қараб Абишини ўша авлоднинг орасидаги энг гўзал йигит дейиш мумкин. Бўйи баланд, қадди-басти келишган, қомати расо. Бироқ ён томондан караганда, суяклари нозик бўлгани учунми, жуссаси нозик бўлиб кўринди. Узун-узун оппоқ бармоқлари скрипка торларини босгандা, жуда тез ҳаракат қиласди. «Бармоғидан бол томган» деган шу. Анча усталлик талаб этадиган қийин, мураккаб ҳаракатларни ҳам моҳирлик билан қилаёттир.

Ҳар бир рақс куйи тамом бўлганда, уйда кулги овози янграб, мажлисни жонлантириб тўхтаётгандек бўларди. Ҳар гал гангур-гунгур сўзлашган товушлар эшитиларди.

Магрифа уйга кирган он Абиш унинг гўзал қаддини қоматига, гулгул ёниб турган чеҳрасига бошқача баҳо

берганди. Хиёл мовий, шаҳло кўзларида нақадар порлоқ, жозибали гўзаллик борлигини бир қарашдаёқ пайқаганди. Қизнинг оппоқ юзларидаги ёниб турган қизили Абиш машқ қилаётан пайтда неча бор товланиб, гоҳ қуюқлашиб шафақ отиб, гоҳ оқиш қизил нурга айланиб кетгани ҳам кўзга чалинди. Мағрифанинг ёнида ўтирган Дармен бир вақт:

— Яхши куй эканми? — деб сўради.

Мағрифа латиф бир ҳаракат билан унга томон қайрилиб, қизариб кулимсиради. Порлаб турган, хиёл мовий кўзлари Дарменга боқди. Йигит ичиди: «нақадар ажойиб, шаҳло кўзлар!» деди. Яна бир куй чалинаётган пайтда, Дармен Абишдан кўзини олмай, узоқ вақт тикилиб қолган Мағрифанинг кўнглидаги гапни топганди:

— Йигит ҳам чакки эмас-а?! — деб қўйди.

Мағрифа кўркам оқ юзини тўсатдан Дармен томонга ўтирганда, икки бети дув этиб қизариб кетди. Қошларни ҳам хиёл чимирилди. Қизни уялтирадиган гап гапирганини, яна бу саволига ҳеч вақт жавоб ололмаслигини энди англаган Дармен қўлинни кўкрагига қўйиб узр сўраётгандек қайта-қайта бош эгди.

Қиз кулмай, жиддийлашиб, қовоғини согланича тескари қаради. Энди Абишга қарамасликка тиришди. Уз ҳисларини ҳали ҳеч кимга айтиб кўрмаган, тортинчоқ гўзал, бу кутилмаган саволдан ўнғайсизланиб қолгандек бўлди. Ҳаяжон ичиди ўз ҳислари билан бўлиб, энди ўйин-кулгининг бошқа йўлга кўчганини пайқамай ҳам қолди. Ҳозир Абиш қозоқча куйларни чала бошлаган эди.. Шу йилларда янги чиққан «Бурилтой» куйини тўлқинлантириб, тўлғантириб, чўзиб кетганда, Абишнинг ёнига ўтган ўланчи Алмағамбет скрипкага жўр қилиб, янратиб куйлай бошлади.

Ўтирганлар тушунадиган қозоқ куйи ҳам скрипкадан, ҳам ингичка тиниқ овозли моҳир ўланчининг бўғизидан тўлғаниб чиқаётганда, ҳамма яна ҳузур қилиб, тикиланча қулоқ солди. Шундан кейин Абиш яна бир неча эски куйни чалиб, ниҳоят овул эгаси Мусабойнинг илтимосига кўра Абай куйларига кўчди. Алмағамбет «Тангри қўшган ёр эдинг сен» шеъри билан «Татьяна» нозини тўлқинлантириб кетди.

Шу чоқ Дармен Мағрифадан: «буни ким айтган?» деб сўради яна.

Мағрифа яна сиполик билаш қайрилиб қараб, жид-

дийгина туриб: «Татьянанинг Онегинга ёзган иккинчи
хати» деди. Узи бу шеърни биладиган Дармен қизни
яна гапиртириш ниятида:

— Сўзлари кимники?— деди.

Мағрифа аста гапирса ҳам, ёқимли, мулойим товуш
билан жавоб қилди:

— Пушкин сўзи, Абай оғам таржима қилган.

— Уни ҳам билар экансиз-да!— деганида, Мағрифа
тўрдаги Абишга қараб, бош иргаб қўйиб, ипакдек майин
овоз билан:

— Биламан,— деди.— Менда Абай оғамнинг китоб-
лари бор. Ҳамма шеърларини биламан.

Дармен ичиди Абай учун хурсанд бўлди. Бу саҳрова,
Абайнинг тингловчиларигина эмас, жуда тарбияли ўқув-
чи қизлари ҳам бор эканлигини эслади.

Абиш скрипкани ўзи чалаётгани билан, кўнгли ҳам,
кўзи ҳам тез-тез Мағрифа томонда эди. Дарменнинг Мағ-
рифани сўзлатиб, баъзан кулдириб ўтирганига ичидан
кўп хурсанд бўлди. Баъзан куй тўлқинига берилиб, бир
томонга оққандек, Дарменга бош иргарди-да, ундан мин-
натдор бўлиб, хиёл жилмайиб ҳам қўярди.

Абиш тўхтаган пайтда, мажлис аҳли бирдан олқиши-
лади:

— Баракалла, кўп хизмат қилдинг!

— Бизларга инилиқ қилиб, кўрсатган ҳурматингга
раҳмат, бўтам!— деди Турой, кўп миннатдорчилик билди-
риб.

— Нияtingга ет, оқ йўл, айланай!— деб, Мағрифанинг
онаси— барваста, тўладан келган чўзинчоқ юзли, оппоқ
бойвучча ҳам раҳмат айтди.

— Тўрга чиқ, Абиш, ўтири! Бизга хизмат қиламан деб
чарчадингку!— деб Мусабой ўз ёнидан жой бўшата бош-
лади. Мағрифа катта оғасининг меҳмонга кўрсатган илти-
фотини ичидан олқишлигандек, Мусабой томон қўзғолиб,
Абишга ўз ўрнини берди. Абиш уни безовта қилишини
ўнгайсиз билиб, қизга:

— Йўқ, йўқ... сиз қўзғолманг, раҳмат!.. Мен Мусабой
оғамдан пастроққа ўтира қолай!— деди, холос.

Мағрифа ўтирган еридан сурилиб, Мусабой томон
ўтиб олди. Энгашиб ўтирай деяётган Абишга хиёл мовий,
шаҳло кўзлари ялт этиб қараганда, қип-қизил лабларида
ажиб бир дўстона табассум кўринди. Олқишими, ё дас-
таввал кўрсатаётгани соф, маъсумона илтифотими? Ҳар

ҳолда Мағрифанинг шу пайтдаги чеҳраси билан ўзгача кўринган бутун латофати, кўзларидаги кам учрайдиган порлоқ нури шафақдек лоп этиб, Абишнинг юрагини қитиқлаб ўтгандек бўлди. Ўрнига ўтирганида, Дарменнинг унга ўртоқларча ҳазил қилиб, нима деб кулаётганини ҳам англамади. Ранги ўчиб кетган, нечундир бир ҳаяжон ичидა қолгандек кўринарди.

Тонг отгунча Мусабой уйида ўйин-кулги қилиб ўтирганлар, тонг оқариб келаётган пайтда тарқалишиди.

Тўшакка ётиш олдидан бир айланиб келгани эшикка чиқдан Абиш овулдан йироқлашиб, сувни ёқалаб кетди. Бир оз ергача унга эргашиб борган Дармен сув бўйидаги бир тош устида ўтириб, унч утиб қолди.

Суви тиниқ, энсиз наҳр бўйида онда-сонда пастак-пастак ёш тол-тераклар кўзга чалинади. Пастак оқ қайнин учрайди. Наҳрининг Абиш келаётган томони узоқча чўзилиб кетган яшил тепаликнинг этагини ёқалаб кетарди. Сувнинг иккинчи томонида татар овулининг ярмаркага тикилгандек ўрнашган беҳисоб ўтовлари, кўп овуллари ғужғуж бўлиб бир-бирига уланиб келаёттир. Баъзи уйларнинг рўпарасида тонг отар тиним олган итлар эринибгина ҳуриб қўярди. Тонг билан бирга ўйғонган қўзилар, улоқпарниг маърагани эшитиларди.

Абиш шу сингари алоҳида-алоҳида чиқаётган нафасларни, ҳаёт унларини чала эшитади. Кўнглида қандайдир номаълум, ҳозирча оти ҳам, атоги ҳам бўлмаган бир жўшқинлик пайдо бўлган. Еш қалбига ўзгариш баҳш этувчи бир янгилик кирганини фаҳмлайди, холос. Бу нима? Ҳали тилакка айланмаган; армон бўлиб ҳам етишмаган, бироқ, энди қайтиб ўчмас, унутилмас, соғ бир ҳис! Кўзи очиқ келаётган бўлса ҳам, рўпарасидаги оламни кўрмайди. Лекин юраги, идроки билан Мағрифанинг оппоқ юзинигина, қўнғир соchlаринигина кўраёттир. Оппоқ пилтадек бармоқларини битталаб кўз олдидан ўтказаёттир. Гоҳ унинг ёниб турган хиёл мовий, порлоқ нурга тўла шаҳло кўзлари, бир лаҳзада унинг лаъли лаблари кўз ўнгидан намоён бўлади. Дам мулойим кулгуси, майин товуш билан айтган бир-икки оғиз сўзи қулоғига чалинаётгандек бўлади.

Шунинг билан бирга Абишнинг кўнглида бир қарама-қаршилик ҳам бор.

— Сабот керак! Сабр ҳани? Ҳали кўп синчиклаб кўп нарсаларни билиш керак! Унинг кўнгли қандоқ? Унда

ҳам мана шу Абишдаги сингари олиб учайтган дўстона ҳислар борми, йўқми? Яна, Абишнинг ўзида чин ният борми? Қариндош-урур айтгани билан ҳали Абишнинг ўзи қандай қарорга келади? Аввало уйланадими? Уйланса, саҳро қизига уйланадими? Шуларнинг ҳаммаси — ўзининг ҳар бир ишини ўйлаб кўриб, шошмасдан ҳал қила-ман деб юрадиган Абиш учун ечилмаган тугундир.

Буларнинг ўзи бир қанча мажхуллик бўлса, яна биттаси бор. Бу энг каттаси, бу тугун айниқса тийилишга ундаидиган масала! У — Абишнинг эл-юртида, овулида ҳеч кимга изҳор қилмаган, оча олмаган сири. Шу қадар соф кўнгилли маъсум ёш йигитнинг ҳаётидаги оғир бир ҳақиқат. Эркин бошини тез-тез ўйлашга мажбур қиладиган қайғуси ҳам ўша.

Абиш Петербургда шу йил кўкламдан буён ўз ҳаётига тааллуқли бир хавфли ўзгариш сезди. Ҳозирча одамларга сезилмагани билан, ўзигагина маълум бўлган бир қўрқинчли хавф бор.

Петербургдаги катта доктор Абишга кўп эҳтиёт бўлиш кераклигини таъкидлаган эди. У улғайиб кетиши мумкин бўлган оғир бир дардга чалиниб қолганди. Жуда қонсизланиб кетиши билан бирга ўпка касаллигига йўлиқиб қолган. Узини эҳтиёт қиласа, ёшлиқда бўладиган енгил-елпи юришлардан ўзини тийиб юрмаса, сил касалига айланиши мумкин деган эди. Яна ароқ ичишдан ҳам қаттиқ сақланиш зарурлигини тайинлаган оқил доктордан Абиш уйламиш масаласини ҳам сўраганди. Чунки Мағаш билан Какитой ўз хатларида ўша масалаларни ҳам қўзғашган эди. Бу тўғрида доктор ёш йигитга маслаҳат бермади. «Ўзингиз учун ҳам хавфли, оладиган ёрингиж учун ҳам хатарли... Шундай пайтда, шу ёшда мен сизга рухсат этмас эдим» деган эди.

Бу — унинг ҳаётидаги, доим юрагини ғаш қилиб турадиган қайғуси, ёлғиз қолган чоқларида ҳамиша қошлини чимириб, ўзи ўйланиб кетадиган дарди эди.

Ҳозир Мағрифанинг беғубор, соғлом сиймосини тўлқинланиб келган оташин бир ҳис билан кўз ўнгидагавдалантиаркан, ўзининг ҳалиги яширин қайғуси эсига тушиб кетди. Уша ёдига тушди-ю, тўсатдан ўзгариб, юзидағи қони ичига тегиб, ранги бир хил бўлиб оқариб кетди.

— Йўқ, йўқ... буларнинг ҳаммаси бехуда, мумкин эмас! Менга буюрмаган!— деяётгандек, умидсиз хаёлларга боришга ҳам, ёлғиз ўйланиб бош қотиришга ҳам

тўсатдан хотима берди. Орқасига қайтиб, ётадиган уйи тўмон илдам одимлар билан кетди.

Йўлда кутиб ўтирган Дарменнинг ёнига келиб, ортиқча сўз ҳам қотмади. Совуққина қилиб:

— Дармен, юр ётамиш!— деди-да, кета берди.

Эртасига кеч уйғонган меҳмонлар яна бир тушлик қилиб, меҳмондўст, кўнгли яқин овуллардан жўнашди.

Ўзлари ният қилиб чиққан «Қўнғир авлиёғ» тезроқ етиш учун жадаллаб кетишиди.

Гоҳ секинроқ юриб, гоҳ текис ерларда пойга қилиб от чопишиб келаётган ёшлар кун ботмасдан катта Қорасувнинг бўйига етишиди. Бу ерда ўтирган овулларнинг каттакатта оппоқ уйлари кўп эди. Овул атрофини йилқи тутиб ётарди.

Абиш бу овулни билмас эди. Анчадан буён Мағаш билан холи сўзлашиб келаётганди. Энди инисига мана шу овулдан қимиз ичиб кетишни таклиф қилди. Мағаш:

— Бу ер Эсбўлат Қорасуви, мана бу ўтирган овул Уразбойнинг овули!— деди. Абиш чанқаб келаётганига қарамай, «бу овулга тушмаймиз» деди. Ёшлар эллик-олтмиш қулун боғлоқлик турган овулга тушмай, ўтиб кетишиди.

Овулдан чиқиб олганларидан кейин, Абишнинг сўраши билан Мағаш яна ҳозир эл ичида бораётган курашлар, тортишувлар ҳақида сўзлай бошлади.

— Эл ичидаги бало мансабдорларнинг ўз боши билан кетса гўрга эдику-я, уларнинг балоси оч-ялангоч, камбағалларга ҳам урмай қолмайди. Мўмин бўлсанг ҳам, буқиниб ўтиранг ҳам, мана шу қабиҳликнинг сиртмоғидан қутилар кун йўқ. Ўша чорасизлик, ҳатто оғамнинг ҳам доим қўл-оёғини бўғиб, уни ҳам ташвишга солиб, бир кулфатга йўлиқтирадигандек бўлиб туради!— деди.

Бу гапларга Абишнинг кўнгли бовор қилмади. Узгаларни қўйгандан ҳам, худди мана шу балодан Абайни сақлаб қолиш мумкин деб ўйларди. Мағаш бу масалага акасининг юзаки қараётганини англатишга тиришиди. Шундай қилиб, ўз овулларининг атрофида бўлаётган кураш, унга қарши кўрилаётган чораларни айта бошлади.

— Ҳалиги Уразбой овули, бизнинг отамизга қарши, асти битмас-туғанмас душманликнинг бир кўзи ҳисобидаги овул. Ўша йили, Такежон оғамнинг йилқиси қирилганда, ер тагидан Жигитекларнинг қўлтиғига сув пурка-

ган Ўразбой бўлди, деб билди бизнинг Ирғизбойлар. Кейин, у Жигитеклар билан бизнинг овулларнинг думини боғлаб қўйгандек қилиб, бир-бирини титкилаб ейишга тайёр бўлган душманлик — ёвлика етказди-ю, ўзи тойиб чикди кетди. Барча фалокат ўтига Жигитекни итариб юборди-ю, кетди борди Ана энди ўша можаро бартараф бўлгандан буён Жигитеклар билан иккови яна тинчлана олмаётирлар. Яна бир кутилмаган янги фалокатни оғамнинг бошига солсам экан деганда, ичаётган ошини ерга қўяди. Ўзи сингари жанжалчи, золим бўлган Такежонга ўхшашлар билан ёвлашса гўрга эди. «Унинг бир қўш йилқисини қирдириб, тавбасига таянтиридим», — деб билади-да. Энди дарди-фикри, «ўчим, қасдим» деб, оғамга ёпишмоқчи. Успон оғамга ҳам тикка тега олмайди. Уни ёлғиз-яrim дейди. Яна оғамнинг қанотидаги жигари деб билади. Унинг ўзи ҳам шу кунларда бўлис бўлган, яна Ўразбойнинг қофозлари ҳам ўша бўлисга боғлиқ. Шу хилдаги ҳар хил ҳисоблар юзасидан Успон оғам билан очиқ олишмайди. Ўша жанжал бўлаётган пайтда Кунту бошқа бўлисга ўтиб кетса ҳам, Ўразбой бир оёғидан илиниб қолди. Ёт бўлисга чиқиб кетса, довон ошиб, кучайиб кетади деб уни юбормай ушлаб қолган бизнинг Қунанбой болалари бўлди. Буларнинг қилганини ҳам Ўразбойнинг қилмишига яраша дейилгани билан бориб турган душманлик. Бу ишларни таг-туги билан тушуниб олинг деб, ҳар икки томондан ҳам ўтган ёмонликларни батафсил айтиб келаётирман! — деганида, Абиш ўзининг ҳам талаби шу эканлигини билдириди.

Магаш яна Абишни ҳайратда қолдириб, ечилиши маҳол бўлган чигал тугунлар, қабиҳликлар ҳақида сўзлаб кетди.

— Бошқа бўлисга чиқолмай қолгандан кейин, Ўразбой шу элнинг ичидаги ғовға кўтариш, олишиш, тортишишларга олиб борадиган чораларни янгидан йўлга қўйди. Бир томондан Жиренше, Абралидек шерикларини қўлига олиб, маҳкам ушлаб ўтирибди. Иккинчи томондан Қунанбой болаларининг ўз ичидан ўт чиқариб, бузишга жонидили билан киришган. Такежон ўша йили йилқиси олингандан буён оғам билан араз. Ўшанда, сўйил слиб юргурмади. Жигитекнинг, Бозоралининг кўзини йўқотмади деб хафа бўлиб қолган. Кейинчалик Успон билан бирга ўз кеки юзасидан, Ўразбой билан ёвлашган бўлди-ю, яна тўхтаб қолди. Ўғли Азимбой билан иккоеининг эндиғи

топган чораси, шу қунларда Үразбой билан зимдан битишиб олишнинг пайига тушиб юришибди. Үразбой бўлса, агар Такежонни ўз ёнига тортиб олса, олишадиган Үспов ҳам эмас, оғамнинг ўзига ёпишмоқчи. Жиренше иккови кўпдан буён оғамга ўчакишиб юришибди. У кишининг айтадиган одилона гапларини ёқтиришмайди.

Магаш билан Абиш иккови душманлар тўғрисида сухбатлашиб келаркан, қирдаги бўлаётган ишларнинг боисини таг-туғи билан синчилаб кўришди. Ҳозирги сақро ҳокими билан амри-фармон эгаларининг Абайга қаршилиги очилди. Шунда уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини олинса, ҳар гуруҳнинг нияти ҳар кил. Такежон бўлса, жекаги оға Султон Қунанбойнинг ўғли, у: «амри-фармон фақат ўз қўлимда бўлсин. Уни синовчи ҳам бўлмасин, талашиб, тортиб оламан дегувчи ҳам бўлмасин. Ҳалқни қай йўсинг қон қақшатиб есан, ўртага тушгувчи ҳам бўлмасин» дейди. У: «мана шу элнинг жекаги хони, ҳудо юборган ҳокимиман» дейди. «Оқ деганим олқиши, қора деганим қарғиш бўлсин» дейди. «Уша қудратимни ким қувватласа — дўстим, яқин одамим ўша» дейди. Уша қувватловчи қандай муттаҳамдан, қандай безоридан чиқмасин, барибир, ишқилиб керагига яраса бўлгани. Ҳўш, энди ўша йўлига ким қарши бўлса, у ўз жигарларидан бўлса ҳам, қасд душмани. Шундай қилиб, отишгани Абай, толишгани Үразбой бўлса, ҳечқиси йўқ. Ана энди Үразбой бўлса, унинг ўзи ҳоким бўламан, ҳон султон бўламан демайди. Лекин, «ўшаларнинг ҳаммасига кераклик куч бўламан-у, айтганимни оламан» дейди. Агар керагига бир кун улуғ, бир кун ўғрилик ярайдиган бўлса, тап тортмайди, керагига яратади. Унинг танлаб ейдиган таоми йўқ. Пора, фақат, пора керак. Шунинг орқасидан бойлик, шунинг орқасидан обрўй ортдирса бас. Ҳозир шу элнинг энг катта бойи Үразбой эканлиги ҳам тўғри. Ана энди, агар кимда ким ҳалиги сирни очиб, фош қиласман деса, уни диндан ҳам, элдан ҳам чиққан ёвуз душман ҳисоблаб, ўлгунча олишади. Бу тўғрида унинг аяйдиган одами, ишлатмайдиган қуроли бўлмайди. Бетма-бет келганларида оғам уларнинг барча кирдикорини, сирини ҳалқа ошкор қилиб, шарманда ҳам қилади, босиб ҳам кетади. Буни ҳам улар кечира олмайди. Бойиб кетган, атрофига қабиҳлигини ўтказиб ўғонлашиб олган ёвузларда. Оғамнинг ҳалқа қайишиб, ёзадиган шеърларига ҳам душман. Атрофидаги Тўбуқти сингари қанча-

қанча элларга донғи кетиб, обрўйи ошаётганига ҳам асти чидай олмайди. Улуғга ҳам чақади. Мансабдорларга ҳам: «Абай золим, Абай айёр, душманнинг каттаси шу, шуни йиқитиб, шуни йўқотмагунча ҳеч қайсинг кўз очолмайсан» дейди. Улар яна: «Абай бизнинг ота-бободан қолган йўл-йўриғимиздан оздиради» дейишади. «Мусулмончилик динимииздан, авлиё тутган эшон-пиримиздан ажратади» дейишади. «Бугунги наслни, келаси наслларни батамом бузиб, рус қилмоқчи бўлаётир» дейишади.

Бир томондан рус улуғлари орқали Абайнин авахтага қаматса, сургунга юборса деб кўпиришади-ю, иккинчи томондан ҳамма рус халқига, бутун Россияяга ич-ичидан қасдлашиб юришади. Руслардан қозоқ халқига келадиган яхшиликни ола билмагани, кўра билмагани ўзларининг расволикларидан эканлигини ҳисобга олишмайди. Абайнинг ўшани билиб ола билганига, халқига билдирганига ўлгунча ҳасад қилиншади.

Шундай қилиб, кўп безориларни ҳар кун гиж-гижлатиб оғамнинг кетига қўйиш билан шуғулланиб келаётир... Шу йўлда Қунанбойнинг Абай билан тенг ҳуқуқда бўлган, яна ёвузликнинг қай хилидан бўлмасин, бош тортмайдиган ўғли Такежонни ўз томонига тортиб олса, Абайнин йиқитищ осон бўладигандек туюлади. Ана энди Такежонни ёнига тортиш учун унинг ўғли билан икковига кўп қилиб мол берадиган бўлса, шундан яхши савдо йўқ. Шунинг билан худди мана шу кунларнинг ўзида Уразбой Такежонга қайта-қайта одам қўйиб, қуда бўлишни илтимос қилаётир. Азимбойнинг бешикдаги қизини бир набирасига айтдираётган эмиш. Ушанинг «эвазига юзта яхши от бераман» деб, оғиз солибди!

Гап шу ерга келганда, Абиш қовоғини солиб, бош чайқаб:

— Кандай хуни йўқ шумлар-а! Хўш, бу тўғрида Успон оғам нима дейди?— деди.

— У, тутган ерини кесадиган, тўғри сўз, мард одам эмасми, тутган ерда қўли, тишлиған ерда тиши кетадиган киши эмасми?! Такежоннинг оғмачилигига парво қилмай юрибди. Енимдан кетади, кечаги номусни сотади, деб кўнглиға ҳам келтирмайди. Уразбойни босиб олиб, қаттиқ тутмоқчи. Уни четга чиқармай, бу бўлисдан бўлиниб кетишига қофозларини бермай юрибди. Яқинда ҳалиги, Такежонни, Уразбой оғигига бое солиб ўзига тортибди деган гапни эшитган Успон: «булар бош қўшадиган бўл-

са, ёвуэликнинг сафи туташиб, фалокат улгайиб кетади» деб ўйлади.

То у Такежон билан топишгунча бўлмай, Уразбойнинг ёлғиз ўзини четлатиб қувлаб юбормоқчи бўлди. «Ўразбой мен билан ёвлашса, Такежон мени ташлаб қаерга боради» деб ўйлади. Тўғри, йўғон отанинг ўғли, ўзи ҳам мана шу мансабдорларнинг бири, гарчи, уларга ўхшамаса ҳам, тўда-тўданинг тортишувига аралашиб, мана бугун бўлис ҳам бўлиб олган қариндошимиз деб яширамизми? Бу кишининг ҳам халққа қиласидиган жабри-зулми оз эмас. Қозоқ йўли билан бўлган бизнинг бўлислар халқнинг пешонасидаги шўри эканлиги аниқ. Лекин бу киши ҳали биратўла бузилиб кетгани йўқ. Порахўрлик, қувлик-шумликка ўргангудай бўлгани йўқ. Ҳали бироз гўл, гапга дарров ишона қолади. Ҳар қалай, Уразбойни енгса, шу енга олса керак деб ўйлайман!— деб, Мағаш бир оз жим қолди.

Унинг бундай хаёлга боришига жиндек асос ҳам бор. Успон ҳали Мағаш айтганидек, гарчи, бўлис бўлса ҳам, мана шу Уразбойга ўхашаш ўғирлик билан бойиган йўғонлардан бошқа элнинг ҳақ талаб қилиб келган одамларнинг ҳақини олиб берадиган бўлди. Аслида кўп замонлардан буёи огуллар ўртасида кўтариладиган ғалаёнларни ўзи бошқариб юрган Уразбой аввалги бўлисларга унча бўйсунмас эди. Кўп замонлардан буёи Керей, Сибон, Ўоқ, Буро, Қоракесек элларидан қанча-қанча молларни ўғирлатиб олдира-олдира йилқининг сонини мингдан ошириб олди. Кўшни элларнинг ҳақини бермай, сағрига қўл теккиздирмай келаётган эди. Успоннинг ўжарлиги, қаттиқ-қўллилиги бўлса ҳам ўғирлиги, ёвуэлиги йўқ. Бундай жўн ишлардан жирканади. Бир томони кўп элларнинг арзини эшитиб, адолатни ҳам ўйлади. Бунинг устига, аввалги мўлжали ҳам бор. Шунинг билан яқинда ўзига қарашлик бир бўлиснинг барча бийларини чақиртириб, қўшни элларнинг мол излаб келган даъвогарларини Тўбуқти ичиди тўхтатиб туриб, Уразбойнинг старшинида сиёз ўтказмоқчи бўлади. Турган гапки, у сиёзда Уразбой авваллар ҳазм қилиб юборган молларидан қанча-қанчасини қайд қилиши керак эди. Успоннинг қаттиққўллилигини жуда яхши билади. Шунинг учун бошқача бир қаршлик қилиш томонига кўчади. Огулига бўлис ва бийлар тўплана бошлаганда, Уразбой «сиёз бермайман» деб айтиб юборади-да, шаҳарга қочиб қолади. Унинг бу иши-

ни Успон ҳам қасдлик, менсимаслик, бўйсунгиси келмай қилаётган тўнг бўйинлик деб тушунади.

Магаш яна сўзида давом этди:— Шунинг билан мана бир ҳафта бўлди, шаҳарга қочиб кетган Ўразбойни: «ерга кирса ҳам қўймайман — ушлаб келаман, ўз қўлим билан жазосини бераман» деб орқасидан қувганича Успон ҳам шаҳарга кетди. Шу кунгача ўчлик-қасдлик зимдан ишлатилаётган эди. Энди ўша, пишмаётган ғараз яраси пишиб, ҳозир бир катта оғат бўлиб ёрилиш олдида турибди. Ана энди шу ишларнинг оқибати айлапиб келиб, оғир бир калтак бўлиб, сизнинг отангизга тегади. «Бу ишни қилган Успон эмас, уйда ўтирган жойида Абай қилдирди!» деб тутади. Успон тегмаган вақтида ҳам, Абайга атаб ўқ йигиб юрган Ўразбой-да. Энди Успон билан олишиб юлқилашадиган бўлса, душманнинг отини Успон демай, Абай деб атайдиган бўлади. Мана, отангизнинг кўраётган куни мана шундай, Абиш оға! Қиншин ёзин мана шу айтганимдек қабиҳ ёвузликлар гоҳ сусайиб, гоҳ ўт олиб биқсиган сайин яллиги келиб оғамнинг юрагига тегади. Ҳалол меҳнатнинг буюк фазилатлари бўлган санъатнинг устида бир йилгина хотиржамлик билан ўтиrsa, ўшанинг ўзи ҳам кўп оромбахш этган узоқ даврон бўлар эди. Қулоқ солмай, қийналмай яна ўтиромайди. Мансабдорларнинг аҳволи, уларнинг қариндошлиги бир гала қарғалар қариндошлигига ўхшайди. Бу саҳронинг ҳаёти шу сингари чангальзорлардан иборат. Бир четини бир ёнгин, ёки дард чалса, унинг ёйилмайдиган, омон қоладиган жойи бўлмайди... Оғамнинг атрофидаги ёшлар шуни ўйлаймиз-да, бағрига кираберамиз. Эл ичида содир бўлаётган шу балолардан омон қолса экан деб аяймиз. Хосиятли меҳнатини ҳам чин тилак йўлига сафарбар қилгимиз келади. Лекин бизлар озгина, кичик гуруҳмиз. Атрофдаги қабиҳликнинг яланиб юрган ёвузлари қалин ўсган қарғайдек на сони-саноғи бор-у, на шуури. Мен билган аҳвол мана шундай!

Абиш инисининг шунчалик ҳақиқатни очиб ташлаган ҳикоясини ранжиб, кўп хўрсиниб тинглади. Соғиниб келган элидаги озгина кини түғдирган кўп ёвузликтан фазабланиб, тутоқиб кетди. Қисқача қилиб Магишга кескин бир маслаҳат берди.

— Мен шу ишларнинг оғам учун ортиқча дард бўлмаслигини тилайман. Касри уриб, ўша кишининг қўлини бойлаб қўймаслигини ўйлайман. Ноёб меҳнатини ҳар

қандай күч билан, ҳар қанча қурбон беріб бұлса ҳам, қүріклаш керак. Фақат күйіб-ёниб, ғүссага ботиб ўтиришлик билан яхшиликка ёрдамлашган бўлмайди киши. Мен сенга, Какитойга, ҳаммаларингга ҳам оғам учун курашинглар дейман. Атрофни қуршаб турган ёвузилик бўлса, ўшани батамом тутатгунча олишинглар! Адолат сиз томонда!— деб, кескин ва одангдор товуш билан сўзини тамом қилди.

Бу чоқ қуёш ботиб бораётган эди. Йўловчилар отларини елдириб йўртиб жадаллашганича бугун етиб боришга аҳд қилган овулларнга яқинлашиб қолишиди. Ҳозир булар Чинғиз тоғининг нариги сиртини кўндалангига кесиб оқадиган Шоғон сувининг бўйига келишиди. Бу сув баъзи ерда ўт-ўланлари мавж урган ўтлоқлардан ўтса, бир хил жойда тошлоқ, тақир ерлардан ўтарди. Бир хил жойларда кичик оқиш тепаларни тилиб ўтиб, чуқур жарлар ҳосил қилганди. Шу сувни ёқалаб, бир оз йўртиб келган йўловчилар тошлоқ бир тоғининг этагидан ошишлари биланоқ яқин ерда ўтирган кўп уйли овулни кўришиди.

Қўзилари эндигина маърашиб, оналарн томон чоп-қиллаб кетишаётган, итлари ҳуриб чувиллашаётган, қулун тойлари чинқириб кишнаётган, турля-туман товуш беріб гуркираб турган овулнинг устидан циқишиди.

Бу овул Успоннинг катта хотини — Эркажоннинг отаси бўлмиш Бойтосга қаравали овул эди. Йўловчилар қўниб ўтмоқчи бўлиб, шу овулни кўзлаб келишаётганди. Овулнинг уйлари кўрина бошлагач, Кўкбой ҳамроҳларининг ҳаммасига: секинроқ юринглар, деди. Кўкбой овулга тикилиб келаётib, худди ўша овулнинг орқа томонида. сувининг нариги юзидағи оқиш тортиб турган бир баланд чўққини кўрсатиб, Абишга:

— «Қўнғир авлиё» деганингиз мана шу тоғ! Эртаси кун бўйи ходлаганингизча оралаш мумкин, ана яқингнна ерда турибди!— деди.

Эртасига чошгоҳ пайтида «Қўнғир авлиё»нинг ёнига келиб тушган йўловчилар текисроқ, тошлоқ жойда отларини қалмоқча бойлаб қолдириб, ўзлари бир гала бўлиб, ўша тоғдаги форнинг оғзига келишиди. Форнинг оғзи кичик бўлгани учун Кўкбой бошлаган йигитлар кетма-кет қатор тизилишиди. Форнинг тор йўлак сингари бўсоғасидан қайрилишиб бир оз вақт ичидаги ҳаммалари қоронғи фор ичига киришиди.

Қатта горнинг ичи жуда зах — салқин экан. Ҳар ким аввал ҳозирлаб олган чироғини, чийга ўраб олган пилтари ни тутатиб, ёндириб олишди. Энди ҳар ерда бир сўник-сўник милтираётган чироқлари билан қоп-қоронғи ғор ичини жнёл ёритгандек бўлишди. Ҳаммаси бир ерга тўпланишига уриниб, эҳтиётлик билан ҳаракат қилишиб, уёқ-буёққа қараб оҳистагина кетишиди. Борган сайин ғор ичи кенгайиб, қади баландлашиб жуда салқин, жимжит ерга айланди. Шам ёриғи тушаётган тошлар тоғ сиртидаги тошлардек эмас. Қоп-қора, ялтироқ қоя тошлар сингари палахса-палахса бўлиб туташган. Ўнсиз, жимжит ғор ичини оғир сукунат босган. Тош қотиб, қаттиқ уйқуга кетиб қолганга ўхшайди. Йўловчилар қадам қўйган сайин ер остидаги ажойиб, мажҳул бир йўлга равона бўлишади. Оёқ остидаги майдо тошлар сирғаниб, юмалаб, қадамни илдамлаштириб, қора ернинг қаъринга етаклаб бораётгандек туюлади. Авваллар бу ғорга кирмаган Дармен, Алмагамбет ва Қакитойлар билан Мағаш астагина сўзлашиб ҳазил қилишаётган бўлсалар-да, қўрқув ичидаги оёқларини секин босишаётир. Бир-бирларига сиқилишиб, баъзан Мағиш Қакитойни хиёл олдинга итариб, ўзвунинг орқасидан боришга тиришарди. Кўкбой билан Абиш булардан илгарилаб кетиб, атрофии айланиб ҷарх уриб, томоша қилишаётир. Бир оз юрганларидан кейин, олддагилар «сув! сув!» дейишиб, тўхтаб қолишиди. Яна бир оздан кейин ёшларнинг ҳаммаси қоронғи ғор ичидаги катта қора сувнинг бўйига йигилишиди. Тиник, шишадек зилол сув бор экан. Улар овоз чиқариб кўришса, тоғ ичи гумбирлаб, озгина товушни ҳам қаёққадир, янгратиб олиб кетади. Қўлига узун таёқ ушлаб олган Дармен сувнинг бўйини бироз ёқалаб кўриб, чуқурлигини ўлчади.

— Бу катта сув экан! Чуқур, таги йўқ экан. Четининг ўзи ҳам Алмагамбетга ўхшаш пакана қишиларнинг бўйидан ошиб кетади! — деди.

Бир оздан кейин Қакитой билан Дармен ерни пайпаслаб, майдароқ тошлардан топиб олишди-да, қулоч ёзиб сувнинг юзига отиб кўришиди. Куч билан улоқтирилган тош узоққа бориб, шалоп этиб чуқур сувга тушди. Ғор жуда узоққа чўзиладиган кўринади. Тоғ ичидаги кўлнинг ҳам йироқларга кетиб, чўзилиб ётгани билинди.

Шамларининг ёригини сув юзига тушириб ўтириб, ёшлар ҳайратда қолганларини ҳар қайсиси ҳар хил инфа-

далашаётр. Абиш шу сингари ғор ичидаги кўллар ҳақида ўқиганларини ҳикоя қила бошлади. Ёшлар уни қуршаб ўтириб, қулоқ солишиди.

— Одамнинг хаёли шу сингари ғорларга алвон турли ажойиб маҳлуқларни жойлаштиради. Ҳаммамиз ҳам ҳали шу форга кирганимиздан буён бир оз чўчинқираб, нимадандир қўрқаётганга ўхшаб қолдик. Агар шу сувнинг ичидан биз кўрмаган бир жонивор, бир ажойиб маҳлуқ чиқиб қолса, қандай қўрқар эдик-а?! деди.

Абиш Алмагамбетнинг боядан бери қўрқиб ўз-ўзидан буқиниб, товушини қаттиқроқ чиқаришга ҳам юраги дов бермай, пичирлаб сўзлаётганини ўйлади-да:

— Шундай бир маҳлуқ, ё алвости, ё шайтон қиёфасига кириб бизга кўриниб қолса ҳам ажаб эмас-ку! Агар кўриниб қоладиган бўлса борми, бизнинг Алмагамбет қурбонлиққа сўйилган улоқдек қичқиради-да!— деди.

— Ким билади, балки шамнинг ёруғига, бизнинг товушимизга қулоқ солиб, яқинлаб келиши ҳам мумкин!— деб туриб, Абиш тўсатдан ирғиб турганича:— ол ана, келди!— деб бирдан қочиб қолганида, ёлғиз Алмагамбет эмас, Мағашдан бошқа ёшларнинг ҳаммаси ўпирдўпир қилишиб ура қочишиди. Кўпларининг чироги ҳам ўчиб қолди. Бир-бирларига урилиб-туртунишиб кетишиди. Алмагамбет йиқилиб тушди. Дармен қўрқмаган эди. Жўрттага Алмагамбетнинг устига йиқилиб, дамини чиқармай уни эзғилайберди. Ути ёрилиб кетган Алмагамбет товуш чиқаролмай пичирлаб, «ўлдим, ўлдим» деди холос.

Фақат буларнинг орқасидан эшитилган ҳазил, эрмаксимон қаттиқ кулгигина қўрқоқ ёшларнинг эсини йиғедирди. Абиш билан Мағаш ғорнинг ичини янгратиб, қаҳ-қаҳ уриб кулишиди.

Алмагамбетни турғизиб олган ёшлар энди уни суюшиб, қуршаб олганларича кула-кула қайтиб келишиди. Шамларини яна ёқиб олишиди. Қакитой энди ҳазил қилиб, Мағашга:

— Сен азбаройи қўрққанингдан қўзғолмай қолдингку! Нега қочмадинг?— деди.

— Шайтон бўлса, ундан «қочиб қутиламан» дегудек нодон эмасман! «Оятил курси»ни ўқиб турдим. Ҳамманги мен қутқардим-да.

Алмагамбет энди эс-ҳушини йиғишириб, асқияга олди:

— Ҳа айланай **Мағаш**, ишқилиб шу ғордан чиқиб олгунимизча ўша дуойингни унута кўрма! — деди.

Бошқа ёшлар ҳали ҳам уни эрмак қилиб кулишаётганди.

Абиш энди ҳали чала қолган гапини давом этдириб, кўпчилик тушунадиган қилиб:

— Шундай ғорлар энда-сонда баъзи тоғларда учрайди. Ўшаларнинг кўпчилигига мана шундай кўли ҳам бўлади. Яна ўша ғор ичидаги кўлларда қоронғиликда яшайдиган маҳлуқлар ҳам бўлади. У, ғор кўлларининг балиғи деб аталади. Лекин ўзи кўринишда балиқдан бошқача жонивор бўлади. Ранги оқишироқ, териси одамнинг баданига ўхшайди. Узунлиги бир ярим газ келади. Үн уч-ўн тўрт яшар боладек бўлади. Қуёш нурини кўрмагани учун ранги оқиш бўлади. Ўзининг кўзи йўқ, мутлақо кўр бўлади! — деди.

Какитой ҳайрат ичиди ҳазил қилиб:

— Астағурулло! Абиш дейман, мана бу айтаётганинг алвастининг ўзи экан-да!

— Атаманг! Аблаҳнинг юзини тескари қилсан. Мана бу кўлда асти яшамай қўя қолсан, — деди Дармен ҳам ҳазилга олиб. Алмағамбет энди жон титроғига учраб, яна хавфсираб, қўрқоқлик қила бошлади:

— Ҳой, йигитлар! Мана бу охиратни томоша қилиб бўлдик-ку! Энди ўша ёруғ дунёмизга чиқа қолсак нима қиласди! — деди.

Абиш уни умидсизлантириб:

— Нега энди? Бугун кун бўйи шу ерда бўламиз. Мана бу ғорнинг ҳар томонга кетган тармоқлари бор. Ҳозир бўлининиб-бўлининиб, ўша тармоқларни оралаймиз, шопилиш керак эмас! — деди. Шундай қилишга қатъий қарор қилинган эди.

Алмағамбет бошини ноилож чайқади:

— Unday bўлса, **Мағаш**, мен сенинг чироғингни кўтариб юрай. Сен ҳар қалай ҳалиги «Оятил курсини» ўқиб бер! — деб **Мағашнинг қўлтиғига** кириб, орқасига ёпишиб олди.

Какитой Абишдан мана шу ғорнинг нима учун «авлиё» деб аталишининг сабабини сўради.

Серҳаракат, ихчам жуссалик Абиш дик этиб, ўрнидан туриб кетаркан:

— У энг катта масала! Биз ҳозир ўшани ҳал қилишимиз керак. Қани юринглар, энди ўша авлиёни излайлик.

Бу ажойиб ғор билан жумбоқ тошлар орасида авлиёдан қолган из бўлмаслиги мумкин эмас. Юинглар!— деб, сув бўйидан орқага қайтди.

«Қўнғир авлиё» бир узун ғор эмас, унинг қинғир-қийшиқ бўлиб ҳар ёққа кетадиган бир неча тармоқлари бор эди. Абиш ғорнинг катта тармоқларидан бирига тушдида, илдам одимлар билан кета берди.

Мағаш, Қакитойлар бир катта палаҳса тошга ўзларининг отчарини ёза бошладилар. Булар шунга алақсиб қолишганда, Абиш йўлида давом этди. Дармен ҳам унга эргашди. Иккови ғорнинг яна бир тармоғига кириб кетишиди. Ҳозир Абишнинг кўнглида Мағрифа. Унинг гулгун ёниб турган юзлари, порлаб турган жон олгучи шаҳло кўзлари. Мудом кулимсираб, маъсумона беғараз ишонч билан боқади. Шодланиб, шодлантириб турганга ўхшайди. Қоронғи ғор ичида Абиш қўл чўзса, бармоқлари гўё унинг оппоқ юзларига тегадигандек туюлади. Ёнгинасида турганга ўхшайди, Абишнинг қўлидаги милтиллаб турган кичкишагина машъал чироғи сарғиши, кучсиз шуъласи билан икковининг ўртасини бўлниб турганга ўхшайди. Йигит, пуф деб, қўлидаги чироғини ўчириди. Хаёли уни энди Мағрифага юзма-юз яқинлаштириди. Шу чақ орқасида келаётган Дармен ғамхўрлик қилиб гап қотди-да:

— Абиш шаминг сўниб қолди-ку? Қел, ёқиб берай!— деди.

Дарменга англашилмаган бир ҳолда дамини чиқармай серрайиб турган Абишнинг ёнига келиб, унинг ҳаракатсиэ қолган қўлларидаги шамни тутата бошлади. Қеча узоқ вақт йўл босиб келаётганида, Мағашнинг шунча оғир ҳиноялари орасида ва ўтган кечада ҳам Абишнинг кўз олдидан Мағрифанинг нурли чехраси кетмаган эди.

Ҳозир Дарменни яна ҳам ҳайратда қолдириб, тўсатдан гап бошлаб юборди.

— Епирим, қандай гўзал-а!

— Қимни айтиётиссан?

— Мағрифа-чи? Мағрифани айтиётирман! Қандай латиф-а?

Дармен, Абиш яна гапиравар деган эди. У дамини чиқармади, турган жойида қотиб тура берди. Шундан кейин Дармен ўзи кутаётган жавобини сўради:

— Қани, шундан кел. Мен кечадан бери бирор нарса дерсан деган эдим. Маъқул бўлдими?

— Маъқул бўлиш ҳам гапми? Мубтало қилди-ку биратўла!

Дармен кулиб юборди:

— Ҳа... бундоқ дегин! Ундоқ бўлса, вақти-соати ҳам етиб қолар. Насиб бўлса Дилда опамнинг орзулари амалга ошар экан! Омин деб қўйй! — деди Дармен, чин дўстлик билан тилакдошлик билдириб.

Бироқ ўқимишлик йигитнинг юзида бундай шодлик акс этмади. Рангি эса ўчинқираб, совуқнина боқиб турарди.

— Шошмай тур, Дармен! Ундоқ деганинг билан опамнинг орзусига йўл йўқ,— деб тарааддуланиб қолди,— ҳозир мутлақо йўл йўқ! — деди.

— Нега? Нима учун ундан деяётисан?

Абиш бир оз жим қолди. Қўнглида кечаги шубҳаси, изхор этилмаган сири ўзигагина маълум. Ўша қайғули сири яна тош тугундек ағдарилиб келиб, кўнглини чўқтириб ўтди.

Ҳар ишга кўзи етадиган, ғамхўр кекса докторнинг унучилмас гаплари ҳозир ҳам Абишининг қулоғида тақдир буйруғидек ҳеч ўзгартириб бўлмайдиган беомон ҳақиқатни айтиб турибди. «Бу ёшда шу ақволингиз билан уйланиш мумкин эмас. Айниқса рафиқангиз учун хавфли» деган эди.

Абиш ҳам Дарменга шу гаплар билан жавоб берса керак эди. Лекин, қўнглида шу гаплар бўлгани ҳолда, тили бошқача важ қилди.

— Мумкин эмас, мен ҳали ўқишини битирганим йўқ. Уни бу ерда сарғайтира олмайман. Бошини бойлаб, баҳтига зомин бўлолмайман.

Дармен бу гапларни монелик деб билгиси келмай:

— Ийе, айтдириб қўйиб кета бермайсанми? Қаллиқча бўлиб уйида ўтира беради-да, чидайди, ҳали нима бўпти, она сути оғзидан кетмаган ёш-ку?

Абиш қўнглидаги қарорини ўртага ташлаб, баҳслashiб ўтиргиси келмади. Шунинг учун гапни қисқа қилиб, кескин жавоб берди.

— Мени аҳдимдан айнитаман деб уринма, Дармен.

— Еки Мағрифага қўнглинг...

— Йўғе, йўқ!.. — деди Абиш жон аччиғида, — агар уйланадиган бўлсам, ер юзида балки Мағрифадан бошқани демас ҳам эдим! Лекин, айтдин-ку, то ўқишини та момламагунча бу ҳақда ҳеч нарса демайман. Кечадан

бери мендан жавоб кутаётган бўлсаларинг керак. Жавобим шу. Бундан кейин ортиқча қистаб, гап айлантира берманглар!— деб қўя қолди.

Афтидан, бу, Мағаш ва Қакитойларга ҳам, ота-онасиға ҳам Дармен орқали айтдираётган жавоби бўлса керак. Шундан кейин ёлғиз ўзи олдинга қараб кетди. Бир оздан кейин:

— Какитой, Дармен, Мағаш! Буёққа келинглар! Мен авлиёни топдим!— деб, Абиш хурсанд бўлиб товуш берди.

Фор кўлининг чап томонидаги бир тармоғида Абиш буларни кутиб турган экан. Кўлидаги чироғи билан ён томондаги бир катта палаҳса тош бўйини ёқалаб ёритиб, синчиклаб қараб турган экан.

— Мана авлиё! Манави тўшакка ўхшатиб уйилган. тошни қаранг. Мана кўрдингизми, мана бу тош мана бу елка, мана бу узун чўзилган гавданинг ўрни!

Какитой билан Мағаш ҳам бу шаклга ҳайрон бўлиб қарашиб, Абишнинг гапига ишона бошлишди. Дармен ҳам чўзилиб ётган шаклни аниқ кўриб турганини айтди. Абиш энди ўз кашфиётига ишонч ҳосил қилган ҳолда ҳазил қилди:

— Тўғри, бу «Кўнғир авлиё» келишган гўзал қоматлик бўлган эмас!— деб, бир оз ўйланиб гурди.— Бироқ, инсонга зарур бўлган қуввати, орзу қиласидиган жасорати, идроки борлиги пайқалади. Менинг билишимча, қадим-қадим замондаги ёввойи одам ҳам тасаввурга, хаёл-парастликка келганда ҳеч кимдан қолишмаса керак!— деди.

Қоп-қоронғи, салқин ғорнинг ичини баъзан чуқур маъноли гап, баъзан кулги-ҳазил билан акс садо бериб гулдиратиб, янгратиб юрган бир гала йигитлар энди чиқиб кетадиган бўлишди. Олдинда катта ғорнинг кичкина эшиги кўринди. Тилла тангадек ярқираб ёруғ қуёш шуъласи билинди. Қайтиб чиқаётганларнинг олдида паст бўйлик, тўладан келган Алмағамбет келаётир.

У катта-катта қадам қўйиб, орқадан ёв қувгандек, ҳаммадан олдин чиқди-да, терини артиб тош устига ўтириди. Кейингилар чиқиб бўлгандан сўнг қутилганига қувонаётгандек тиржайиб кулганича:

— Бундан кейин бу авлиёнгиз билан ҳеч алоқа қилмасман! Эр Тўстик бўлмай қўя қолай. Ер тагининг гўзалини эмас, мана шу Тўбуқти ичида хоҳлаган қизим қўлимга тегадиган бўлса, менинг эртагим ўша!— деди.

Отга миниб, пастга тушиб келаётгандаридан Абиш қабрларнинг устига тош қаланган катта бир гўристонга қайрилди. Бу қабрларнинг хаммаси бир-бирига ўхшаш, бир кунда пайдо бўлгандай кўринарди. Баъзи қабрларга энгашиб қараб келаётган Абиш, бир неча ерда қабр бошига қўйилган мармәр тошларни кўрди. Уларнинг ҳар бирида ўйиб солинган тамға бор эди.

Орқада келаётгандар билан Қакитой етиб келганда, Абиш мана бу қабрлар кимларнинг қабрлари эканлигини суриштира бошлади. Кўкбой бу мозорниг Тўбуқти мозори эмаслигини айтди... Тамғаларини у аёвал пайқамаган эди. Ҳозир отдан тушиб, ҳайрон бўлганича энгашиб қараб юриб: Арғиуларнинг «қўшғилдирак» шаклидаги тамғасини кўрганини айтди. Қерейларнинг «ашамай» тамғасини, Найманларнинг ишўмиш» тамғасини қайта-қайта учратгач, ҳайрон бўлиб, бош чайқаб қўйди.

— Ўрта юзнииг барча қабиласи бош қўшган мозорни кўрганим шу. Бунда бир катта сир бор бўлса керак, йигитлар! Ўрта юздаги ҳамма элларнинг бир жойга қўйилган мозори бор, деган гапни эшигтан ҳам эмас эдим. Бу қандай бўлди-а? Ажабо!..— деб кўп қабрли мозорнинг ўртасида тўхтаб, чўкка тушиб ўтириди-да, «суннато»ни қироатини келтириб, қуръон ўқиб, фотиҳа қилди.

Бир ерда ичи ғорга ўхшаб ўпиралиб ётган мозор ҳам бор экан. Ўшанинг устига келиб уймалашиб турган ёшларга Мағаш бир бош суягини кўрсатди. Сарғайган бош суягининг чаккасида ўқ тешган жойи бор экан. Кўкбой энди бир янги гапни бошлади.

— Мана шу Орқанинг эли Аблайнинг жанглари ҳақида кўп гапиришади. Ўша замонларда Аблай қалмоқ билан жанг қилган. Ана энди шу ҳақда бир афсона ҳам эшигтан эдим. Аблайнинг лашкари мана шу Орқани бўйлаб, қалмоқларни қувиб жанг олиб бораётгандা, қалмоқлар бир ҳийла ишлатади. Бир тош ғорнинг ичига кириб, буқиниб пистирмада ётиб қолади. Орқасидан қувиб келаётган Аблай лашкарлари «ёв қочди» деб ғафлатда қоладилар. Шунда қалмоқлар ғордан чиқиб, тўусатдан ҳужум бошлаб, Аблайнинг лашкарларини қириб ташлайдиган бўлди дейишади. Бироқ, Аблай лашкари эс-ҳушини йигиб жанг бошлагандан, қозоқлар кўплик қилиб, қалмоқ яна қочиб, ўша ғорга тиқилади. Ўша ерда яшириниб ётиб, садоқ отиб Аблайнинг қўлига тушмайди. Кўп одами қирилиб, юраги ўртаниб кетган Аблай қўл остидаги бо-

тирларга жар солибди. «Кимда ким, мартлик билан маҳорат кўрсатиб, бир илож қилиб мана ўша қалмоқни шу гордан чиқармай қириб берадиган бўйса бундан бўён шкарбошилик вазифасини ўша одамга топшираман!»—дебди. Шунда Аблай билан юрган кўп хотирларнинг ичидан Қорекерей элидан бўлган Қобонбой деган киши чиқсан экан. Кечаю кундуз тиимай жанг қилиб, ғорининг ўзини ўқ билан кўмиб, қалмоқни инидан чиқармай, бир неча кун оч қолдиради. Шундай қилиб, ниҳоят қалмоқни енгуб, Аблайнини ниятига етказади. Шунинг оғасидан ғалаба тўйини қилганда, Аблай Қобонбойни ёнига олиб ўтириб: ҳамма ботирдан сен ўздинг, ёлғиз ўзинг устин бўлиб, ошиб турибсан. Айтганим айтган. Шартимни бузмайман, файрат ва маҳоратниг учун бундан буён жанговар юришларда лашкарбоши сен бўласан! Яна бундан кейин сенинг отинг Қобонбой эмас, «Дарабўз»¹ бўлсин!— депти. Ўша вақтларда Қобонбойнинг ёши қайтиб, соч-соқолига анча оқ оралаб қолган вақти экан. Шунинг учун уни бор афсоналарда «Дарабўз» деб аталади.

Тўпланиб ўтирганларнинг ҳаммаси Кўкбойнинг ҳикоясига ихлос билан қулоқ солишиди.

Кўкбой яна бошқа нарсалар ҳақида ҳикоя қила бошлиди:

— Хўш, энди, бу қайси жанг бўлиши мумкин?— деб ўйланиб, йироқ ўтмишдаги воқиаларни хотирлай бошлиди. Аблай кўп жанглар қилган. Ушаннинг энг машҳурлари «Бўрон жанг», «Хурҷун қоққан» деб айтилади. Қалмоқ билан бўлган сулҳанинг энг машҳури «Қондижой» сулҳи деб аталади. Утган ишларнинг ҳаммаси кўнгилга аён, кўзга равшан эмас-ку, ким бнлади, мана бу қирғин, балки, ўша хилдаги жанглардан бирида содир бўлгандир?— деди.

Шундан кейин Кўкбой Абишга қараб ўзининг Аблай ҳақида достон ёзмоқчи бўлиб юрганини айтиб келди-да, энди муҳим бир қарорга келиб, ёшларга:

— Дамингиэни чиқарманг, мен шу ерда ҳозир ўзим учун катта бир чигал түгинни ечай деб турибман. Энди Аблайнин ёзаман, ёзганда ҳам бир катта достон қилиб, бутун қозоқ боласи Аблайнинг арвоҳидан ўргиладиган қилиб ёзаман,— деди.

Дармен Кўкбойнинг бу аҳдини ножӯя деб билди.

¹ Оқ устун маъносидা.

— Арвоҳдан ўргилмаёқ, ҳақиқатни ёсса ҳам етарлик эмасми? Абай оғам бизга шундай деб маслаҳат берган эмас здиларми?

— Йўқ, бу ҳақда, Аблай ҳақида ҳар қанча мақтаб, кўкларга кўтартсан ҳам Абай оғам нотўғри демайди. Демаслиги керак. Негаки, қозоқнинг ундан ортиқ авлиёси бўлган эмас.

Бу гапга Дарменнинг кўнгли аста бовар қилмади. Кўкбойнинг бундай пайтларда шу сингари тутган жойини кесиб, бир томонга оққанича оғиб кета беришини ёқтирамас эди.

— Авлиё дейсиз, биз Абай оғамнинг тарбияси, ўгити орқасида не-не авлиё-анбиёларни ҳам синчилаб, бирма-бир қўлдан ўтказиб, танлаб оладиган бўлмаганмидик?

Гап шу ерга келганда, Кўкбойнинг жини тутиб:

— Қўй, чироғим, кўп ҳовлиқа бермай Аблай қозоқнинг улуғ хони, унга тил теккизишингни кўтара олмайман,— деб, отининг олдига борди.

Дармен унинг гапидан ҳаколаб кулди. Унинг гапи маъқул тушган Абиш билан Мағаш ҳам кўп қулишди. Дармен Кўкбойга эшилдириб туриб, сўнгги гапини айтди.

— Ҳа, Кўке! Илҳомингиз сувлиғини тишлаб олиб, чап бериб кетаётган экан. Юзингиздан ярлақасин. Хонлар, тўраларнинг гиламига ўтириб, ўша сабил қолгур даврга чочвоқ бардорлик қилишга аҳд этибисиз. Достонингизни битирганингизда кўрармиз. Жиловингизни тўраларга тугқазибсиз-ку; фақат «тўрага эргашган эгарини орқалар» деган ҳалқингизнинг фикри тўғри бўлиб юрмасин яна,— деб, Мағашга қараб қўзини қисиб қўйди-да, сўзини тамом қилди.

Ёшларнинг кўпи Дарменнинг гапини қувватлаб қулишган эди. Шунинг учунми Кўкбой қовоғини солганича жим бўлиб қолди.

Йўл йироқ, вақт қисқа бўлгани учун булар отланишлари биланоқ жадаллаб кетишиди. Олдинда семиз саман отга минган Абиш келаётир. Баъзан текис ерлар келганда, орқасидагиларни эргаштириб, ўзи бошлаб пойга қилиб, ҳеч ерда тўхтамай келаётир. Шу хил унумли йўл босиш орқасидагина булар Абай овулига эл ётар пайтда етиб келишди.

Ёшлар «Қўнғир авлиё»га жўнаб кетишган куни туш пайтида Абай ҳам ёнига Эрбўлни олиб, Жигитек элига, Бозоралининг овулига кеёди.

Сўнгги вақтларда Бозорали бетоб деган гапни эшитиб, кўнглини сўраб келгани боришган эди. Қўкламдан буён кўчилаётган қўйнис-қўйнислардан ораси яқин келган қўйнис шу эди. Абайлар тезгина етишди.

Бозоралининг қариндош-уруғ, ёри-биродарларидан ташкил топган овули кўпигина уйлик, ўн беш хонадондан иборат қашшоқ овул эди. Бу уйларнинг деярлик ҳаммаси кўхна, қора-қура уйлар; орасида йиртиқ наматлик капаллар ҳам бор. Мана шу кичик-кичик кўхна кулбалар ўтасидаги фақат наматигина бутун, енгил ёпилган юпун уй Бозоралининг уйи эди. Бу уйнинг ичидаги ҳам тахлаб қўйилган моли-мулк, сандиқ, кроватлар йўқ. Кўчгудек улови оз бўлган хонадоннинг кўп жойда қўниб бориладиган яйлов сафарига енгил бўлсин учун, жўрттага енгиллаштириб олган уйга ўхшайди.

Абайлар келгач, Бозорали бошини кўтариб, керегега суюниб ўтириди. Ҳозир соқолига анча оқ оралаган, юзларида аввалги гўзал қизиллик йўқолиб, ранги анча кетиб қолган, кенг пешонаси, оппоқ юзлари хасталик ва меҳнат билан кечган ҳаётнинг зардоби сингари заҳил тортган. Кўзларидаги ўт хиёл сўниб, маъюс-ғамгин тортган. Фақат қадрдан дўстлари билан сўрашаётган пайтда кўркам юзиға озгина қизил нур югурди-ю, тезгина сўнди. Ҳаяжонга тушиб бориб ўзини тўхтатиб олгандек, дам ўтмай ранги яна ўчиб кетди.

Абай Бозоралининг юзидан кўзини олмай туриб сўрашаркан, қадрдан дўстининг ҳолига жуда ачинди. Унинг чеҳраси, тутқунда, чўян қалпоқ остида бўлган олмосдек сиймоси сўлғун тортган қиронни эслатди... Тутқун қиронлар онда-сонда бошидаги чўян қалпоқ олингандা, ялт этиб қараганда тутқунга тобе бўлмай, бўйсунмай кўзларидан шу сингари алангали ўт сочар эди. Озод саҳро қушига нисбатан жасоратли, даҳшатли назар ташлар эди...

Абай Бозоралининг касалини, ҳол-аҳволини сўраб ўтишаркан, анчагача кўнглида ҳалиgidек таққослаб ўтириди...

Бозоралининг озғин хотини Ўдек меҳмонларнинг тагига кўрпача ёэди. Қоқлангандек қорайиб кетган чеҳрасида Абайга нисбатан зўр ҳурмат акс этиб боқарди.

Абай билан Эрбўлнинг уй ичи, болаларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида сўраб, хушчирой билан сўрашди. Бозорали Ўдекнинг ўзича ўйнаб-кулиб мана бу меҳмонларни қарши олганига хурсанд бўлиб хиёл чиройи очилди.

Кейинги ҳозирликни эри билан маслаҳатлашмай Ўдекнинг ўзи бошқариб кетди. Эшикка чиқиб чой қўйишга киришди. Катта ўғли Сари билан ивир-шивир қилиб яна бошқа ҳозирликлар ҳам кўраётганини Эрбўл сезиб ўтирган эди. Мол сўйдириб, тушлик овқатнинг ҳаракатини қилаёттир. Бир оздан кейин қўшнилардан сариқ сочли, қизил мағиздан келган, ёшгина келинни чақириб, эшикда — ер ўчоқ ёнидаги ўтин-сувларни олиб келишга буюрди.

Бу ҷоқ Абай билан Эрбўлнинг аниқлаб сўраши орқасида Бозорали қандай дардга мубтало бўлганини айтиб берди.

— Бўғин-бўғинимни тутиб ётипти, сариқ сув йиққанга ўхшайди.

— Сеники бод бўлса керак дейман! — деб Эрбўл ўз фикрини айтди.

— Бод ҳам аслида заҳдан бўлади-да, менинг душманим — намгарчилик, ёғингарчилик... кун исиса одам қаторига қўшилгандек бўламан-у, ҳаво айниса бирга айнийман. Худди ўқтинг-ўқтинг жинлари келиб бўғадиган фолбиниларга ўхшайман! — деди Бозорали, ўз аҳволидан кулиб.

Абай ҳам бундай дарднинг хусусиятини билиб, илова қилди:

— Бу касалингга мана шу тоғ усти, салқин яйлов ҳам тўғри келмайди.

— Қуриб кетсин! Узлуксиз ёғаётган ёмғир, тинмай кўчиш ҳам жуда тинкамни қуритиб юборди.

— Ахир, бир қўнисда ўтира берсаларинг нима қиласди? Ўтлоғи камлик қилиб, моли тўзиб кетаётирми бу оувулнинг?..

— Шуни айт... Йўқ, лекин унга кўнадими? Ана, «Бойдалибойнинг овули кўчибди», «Ана, Жабойбой кўчмоқчи бўлаёттир», «Мана, Бейсемби кўчиб кетаётир» дейишиб, тинчлик беришади дейсанми! Шу касал хусусида-чи, Абай, мана шу кунги кўп қозогингнинг кўчиб юриб кечирадиган ҳаётидан ҳам хафа бўлиб қолдим.

Эрбўл Бозоралининг ўзига хос тиғдор фикри амал қиласа бошлаганига кулди-да, уни гапга солгиси келди.

— Ундоқ бўлса, илиқ иссиғида бориб, ўрнашиб олган Даркембой оғанг зап ақл топган экан-да!

— Албатта, Даркембойнинг ақли билан овулига қўшини бўлсам бу аҳволга тушар эдимми деб ўзим ҳам бармоғимни тишлиб юрибман! Елғиз ўзимга эмас, мана шу

яйловда кўчиб юрган беҳисоб элнинг кўпчилигига жаҳлим чиқади.

Эрбўл бу гапга эътиroz билдириди:

— Ҳа, намат уйлик қозоқни мужик бўл дейсанми, ҳаммасининг ота касбини ташлатаман дейсанми?

— Оббо чироғим-а, ота касби оздириб-тўзириб бўлди-ку. Шу дунёда ким хор, ким қашшоқ? Мана шу беҳисоб қозоқ боласи-ку... Бошқа ҳалқларга ҳам бир қараб қўй-чи! Ҳаммасида ғазалик уй, қўри-қутлик қўра, ҳеч бўлмаса бир бошпанаси бор-ку. Ўзингни, беҳисоб қашшоқ ҳалқингни ҳам ўйлаб кўрчи. Ҳар нечук, бепоён далам, кимсасиз чўлим кенг деб, кезиб юрғбсан ҳали ҳам. Қуюн кувган чўлқовдек юмалаб юрганинг юрган!.. Сойда ўзинг, қумда изинг йўқ. Қўл юзида қалқиб юрган кўпик сингари бугун бу сойда чарх уриб, бир лаҳзада ўчиб йўқ бўлиб, эртага анави адирда гуп этиб яна пайдо бўлиб, яна тўзиб тарқалиб юрганинг йўқми? Азалдан эл бўлиб келаётганингни изи қани? Қут-баракам дегудек нишонанг қани?

Абай Бозоралининг бу фикри, бу гапларини Эрбўлга эмас, ҳалқ номидан худди ўзига тушаётган бир саволдек, синов тарзида қўйилаётган саволдек фаҳмлади. Чорасиз, боши берк кўчага келиб тиқилған ҳалқи келиб, ақли камол топган, илмлик азаматини терговга олаётгандек бўлди. Бу тўғрида ўзининг жавоб беришдан ожизлиги, кучсизлигидан ранжиб қийналиб кетди.

— Фикринг билан сўзларинг жуда етилган заҳардек қаттиқ таъсир қилди, Бозеке!

— Мен етилтирган заҳар эмас, ҳалқингниг бошида етилган фикр! Атрофга қарасанг, миянг ғовлаб кетади.

— Шунга бирор жавоб, амал қилгудек чора топсак эди. Үнча-мунча юпатганимиз бўлмаса, эм тополмай ганиб, фақат ғам-ғуссага ботиб ётибман, Бозеке,— деди.

— Э-э, қайғули чол ҳар ерда ҳам топилади. Жасорат берадиган, иродани кучга киргизадиган гапдан гапир, Абай,— деб, Бозорали кескин товуш билан салмоқли сўз ташлади. Кўзларида сергак фикр акс этган ҳолда Абайга тикилди.

Бу чоқ, чой келтирилиб, уйдагилар дастурхонга яқинлашган эди. Абай ўйланиб қолганича аччиқ чойни хўплади.

Бозорали яна ўз фикрининг бир қисмини давом этди. Энди Эрбўлга қараб сўзлаётир.

— Айб кўчманчиликда эмас дегинг келади. Ўзгани қўйайлик, кеча недоимка, қора солиқ йиққамлар кимларнинг бошига кулфат солди? Тинкаси қуриб, сурати юрган беҳисоб қашшоқларнинг бошига солди. Ўшалар мана шу яйловда бўлмай, жотоқларнинг ичиди, йироқда бўлса, ўша бўриларнинг оғзига, сиртмоғига осонгина илинар эдими? Бойлар кетидан сарсон бўлиб, яйловма-яйлов юраман деб юриб илинди-да!— деб, ўша кунларни хотирлаётгандек бир оз жим бўлиб қолди. Сўнгра:

— Абай, ўша иш сенинг ҳам зардангни қайнатган кўринади! Ўша куни бор йиртқичларнинг тумшуғига зап яхшилаб урибсан.. Хўп хурсанд бўлдим-да. Лекин, беҳисоб элни қақшатиб кетди, барибир. Аттанг, белимни мана бу дард қурғур зилдек босиб ётди-да, бўлмаса, ўша куни ўлиб кетсам ҳам, бир ҳаракат қилиб ўлар эдим,— деб, армон қилди. Қайси бир ҳазинасини аяб, қайсибир ҳосиятини сақлар эди дейсан Бозорали? Шўри аримаган ғамгин элнинг ғазаби жўш ураётган пайти экан. Ўшаларни бошлаб бориб одилона ғазаб билан ҳаққоний ўч йўлида, бир қирғин қилсак деб ўйлаган эдим!.. Чириб ўлганча бир кун бўлса ҳам, эрларча ҳаёт кечириб ўлар эдим,— деди.

Эрбўл хурсанд бўлиб кулди.

— Бозекежон, қасалман дейсан, ғазабинг билан ғайратинг ҳали ҳам қанча-қанча кишига етарлик-ку!

Абай жони-дили билан бу гапни маъқуллаб:

— Рост айтасан, топиб гапирдинг. Ўн икки мучамиз соғ туриб ўэзимизни аллаким ҳисоблаб юрибмиз-у, бирор марта шунга ўхшаб ғайратга, жасоратга эргашиб кўрмабмиз. Бозоралига қараб хурсанд бўламан-да, ўз ишим билан ҳаётимни ўйлаб умидсиэланамаи.

— Қўй, Абайжон! Үндоқ дема, у гапни асти оғзингга олма... Үндоқ дея кўрма.. Мен ким? Мен бир қуруқ ҳай-ҳайсурон қилиб юрган кишиман. Менинг бутун кучим отим билан сўйилимда холос. Сен-чи? Сен баракали дехқоним. Элимнинг дехқони эмасмисан?.. Мева кутадиган, баҳра оладигани сенсан-ку. Фақат ягона тилагим: тўлиб тома бер. Юксалиш сари қадам қўя бер. Беҳисоб халқингнинг ҳақиқий кучини бошлайдиган йўлинг тўғри, кенг текис бўлсин..

Бу гап устида ҳам Абай ўзидан хурсанд бўлмай ҳамон ўзини синовга солиб кўраётган эди... Кейин ўша ҳақда сўзлашганларида, Абай ўзининг кўп шеърларида ифода-

лагән халқ ҳақидаги қайғули фикрларини тұла қилиб гапириб берди.

— Ноәб, ҳалол фикрнинг ҳаммаси ёвузликнинг күчини қирқишига сафарбар қилинаётір. Лекин мана бу яхшилик, мана бу халқ юрадиган йүл, мана бу жасорат вә маҳорат билан олиб бориладиган кураш йүли деб күрсата олганим йүк. Халқ қўлига ушлатган қуролим йўқ! — деган армонини айтди. Кундузги овқат устида ҳам, кеч кириб қоронғи тушгунча ҳам, қадрдан дўстларнинг «эл», «эллик», «азаматлик бурчи» ҳақидаги қимматли, ноәб фикрлар устидаги сұхбатлари узилмай, анчагача давом этди.

Уша куни, Бозоралининг ёнидан кетгиси келмаган Абайлар ётиб қолишиди Тўлин ой булутсиз тиниқ кўк саҳнида ёрқин нурини сочди. Кеч. Тиқ этган шамол йўқ. Ҳаво илиқ, ёқимли, беғубор бўлгани учун Бозорали ўринни уйнинг ёнига, эшикка солдирди. Абайлар ҳам ёстиқлашибрига ёнбошлишиб, саҳронинг тип-тинч, сутдек ойдин яйлов кечасини томоша қилишиди. Бугун айниқса ой ўзгача, У бугун кундагидан бошқача бўлиб, ерга шунчалик яқин келган. Узининг сирли осмонидан мана шу Бозорали овулинга, худди мана шу баланд манзилга атайнин яқин тушиб, энгашиб қараб турганга ўхшайди. Гўё ўзини бугун мана шу овул билан шу ергагина бағишлагандек кўринади. Абай қайта-қайта ойга қараб хайрон бўлиб турганда, овул четидан келаётган куй эшитилди. Болалар, ёш қизлар куйлашаётір. Ора-чора маъсум ёшларнинг кулгиси, ҳазиллари, баъзи-баъзи сўзлари қулоққа чалиниб қоларди.

Сутдек ойдин, кўп сирларга тўла кечанинг тинчини олаётган ёшлар, қўй кузатишни баҳона қилиб, нарироқда аргимчоқ — олти боқон солишибди. Бир нафасдан кейин аргимчоқда учиб, галма-гал янгратиб куйлаётгани куйлар эшитилди.

Йироқ ўтмишдаги бир хотира, ўқинч аралаш иссиқ тўлқин сингари келиб Абайнинг юрагига урилиб ўтди.

— Аттанг, эссиэ ёшлиқ!.. — деганды, Бозоралининг армонли нафаси, худди Абайнинг кўнгли билан сирлашишдан туғилгандек бўлиб чиқди.

Абай энди кўнглидаги кечинмаларни хотирлаганича гуссага ботиб:

— Нима фойда, кетди-ку... биздан бегоналашиб кетди. ку. Ўзимиз ҳам йироқда, унutilган, бегона бўлиб, кўймайдиганга кўниб қолдик-ку, — деди.

Бозорали сиймосида оташин дўстлик, қиёлмаслик акс
этган ҳолда Абайнинг юзига қаради:

— У гапни мана бу Эрбўл икковимиз айтсак бўлади.

— Ҳа, Абай ҳали ҳам ҳув ўша Жанибекдаги аргим-
чоқда учачётир деб ўйлайсанми?—деди Эрбўл ҳазил қилиб.

— Йўқ. Эрбўл, мен ундоқ деяётганим йўқ. Қулоқ
сол-чи, Абай, ўша аргимчоқда учачётгандар сенинг куйла-
рингни куйлаёттир. Шунинг учун сенинг йўлинг бошқа дея-
ётирман. Сен ўша ерга тўпланиб ўйин кулги қилаётган
ёшларнинг ўртасидасан. Қулоқ солинглар-чи!— деб, Бозорали жим бўлиб қолди.

— «Салом сенга, қалам қош!»— деб, Эрбўл хурсанд
бўлиб илжайиб ўтиради.

Анча вақтгача уч дўст жим ўтириб, куйга қулоқ со-
лишиди. «Йироқдан сермаб», «Татьяна», «Кўзимнинг қо-
раси»— ҳаммаси ҳам баъзан Абайнинг эл ғуссаси билан
фарёд қилган, баъзан ёш қалблар дардини ифодалаган
ғамгин созлари... Оға оқиннинг илҳоми кўп йиллар даво-
мида етиштирган мевалари... Гоҳ энди етилиб келаётган
йигитлар товуши билан, гоҳ салмоқли тииик овозли
йигитнинг янгратиши билан яна бир чоқ ҳушфаҳм ўланчи
қизнинг нозик товуши билан тўлқинланаёттир. Абай хур-
санд бўлганидан хўрсиниб юборди Бозорали кўпдан бўён
Абайга айтсан деб юрган бир сирини айтди.

— Биласанми, билмайсанми, Абаӣ, сенинг юрагингда
туғилган шеърларинг билан куйларинг халқингнинг ҳам
кўксига жо бўлиб, оғиздан тушмаёттир. Чин халқингни
айтаётирман. Ана у қора-қура кулбалардаги чумчуқдек
ёшлар, қарғадек кексалар... Сен ўшаларнинг ёши билан
ёш, оғаси билан оғасан... Шунинг учун сени ўшалар билан
биргасан дедим... Айниқса, кечаги недоимка йигилаётга-
да камбағал қашшоқларнинг жонига ора кирганингни
әшигандан бўён мана шу туртки еб келаётган овуллар-
дагиларнинг ёши-қариси сени нақадар паноҳ тутди... Гап-
ларингга қона олмай биратўла шайдо бўлиб қолишиди.
Ўзгаларни қўйиб, ўзимни айтай-чи, соғлиғимда суюнчим
эдинг. Бетоб ётганимда ҳар кеч овулнинг ана у четидан
соқчилар орасида юриб сирлашгувчи ҳамдардим бўлма-
дингми!— деди.

Абай кўп вақтлардан бўён хурсанд бўлиб, шодлангани
шу эди. Лекин бу кайфиятни ортиқча изҳор қилмади.

— Бозеке, от миндириб тuya етаклатган тортиқнинг
қайси бири маја шу гапингга teng кела олади. Ёнингга

келиб, қанотимни бутунлаб қувватга кириб кетгандек бўлдим. Эндиликда ёзадиганим шеър бўлса, сен учунгина ёзаман. Сенинг дардингга малжам бўла олсам армоним йўқ! — деди.

Бу бир алоҳида чуқур маъниоли гап эди. Бозорали деғанда ёлғиз Бозоралини назарда тутмай, уни халқим деб билиб, мақсадим ўшанга кўмаклашиш, ўшанинг керагига яраш демоқчи эди. Афтидан, шеърни ким учун қай йўсинда ёзиш устида ўйланиб қолгандек кўринарди. «Қанотим» деб,— илҳомини шоирлик йўлига сафарбар қиладиган ғайрат ва маҳоратни айтган эди. Ўшанга суюнгудек суюнчиқни бугун халқ қалбидан топганини сездирди.

Бу ўзгача маъноси бўлган гапни Бозорали ҳам тўғри тушунди. Энди фақат унсизгина бош иргаш билан Абайвинг сўзларини маъқуллади.

Эртасига отга қўнаётганда ҳам Абай шу кеча айтилган сирли олқиш таъсирида кўп юпанч ола кетди.

II

Ешлар «Қўнғир авлиё» дан анча хурсанд бўлиб, руҳланиб қайтишган бўлса-да, овлуга келиб Абай билан бир оз сўзлашганларидан кейин, бу ерда катта можаро юз берганини билишди. Ҳамма гапни уларга қисқагина қилиб Абайнинг ўзи айтиб берди. Кечадан бери, ҳеч кутилмаганда янги бир фалокат юз берибди. Яна касри тегадиган можаро экан .Бу янги воқианинг бош омиллари Ўспон билан Ўразбой бўлибди.

Абайдан қисқача эшитишган воқиани бу кеч Мағаш билан Қакитой ҳали ўтовга бориб ўтириб, Эрбўл билан Оқилбойдан батафсил эшитишди. Абиш бўлса, отасининг авзойини кўргандан кейин, унинг қайфуси билан ташвишини сезиб, тинч ухлай олмади. Аввалига ётиб кўрган бўлса ҳам кейин яна туриб кийиниб, Мағаш билан холи ўтириб сўзлашмоқчи бўлди-да, ўшанинг ўтовига кетди.

У ерда Оқилбой, Эрбўл яна Мағаш билан Қакитой тўрттоби сўзлашиб ўтиришган экан. Абиш ҳам шу ерга келгандан кейин, янгидан чой қўйилиб, шу кеча тонг отгунча Абайнинг ёш дўстлари кечадан буён овоза бўлиб кетган хунук хабар тўғрисида сўзлашиб ўтиришди.

Эрбўл билан Оқилбой бири олиб-бири қўйиб гапириб, Абишга батафсил айтиб беришган воқиа шундай эди:

— «Құнғир авлиә»га кетаётгандариде, йўлда Мағаш Абдираҳмонга айтганидек, Үспон Үразбой овулига борган экан. У бир бўлис элнинг бийлари билан элликбошиларини, старшин-у чопарларини ва писерини әргаштириб боради. Эсбўлат элига, айниқса унинг ичидаги Оққўли ўғли Үразбойнинг ўзига салмоғини кўрсатиш учун сиёзни ўшанинг овулида ўтиазмоқчи бўлади. Бу довруқни эшишиб қолган Үразбой тезда шаҳарга жўнаб қолади. Кетаётганида икки ишни пишиқлаб кетади. Унинг биттаси — Үспонга сиёз ўтказишига йўл берилмасин деб бутун Эсбўлат әлига буйруқ йўллайди. Иккинчиси — ўзининг қўл остидаги, икки старшинга бўлинадиган Эсбўлатдан приговор йифиб, хат қилиб, муҳр бостириб, аризани тайёрлаб, Үспоннинг устидан Семей ўязига, жондоролларига чақиқ олиб кетади.

Бундай қилаётганини Үразбой яширмабди ҳам, Үспонга етказадиган кишилар орқали аччиқ-тизиқ гаплар ҳам айтиб юборибди, Үспон бўлса Үразбой билан унинг атрофидаги ўғрилар қўлига сиртмоқ тутқазиб, шунинг орқасида бойиган бир неча йўғон безорилардан йўқотган молинн йўқлаб, бегона элдан келганларинг ҳақини олиб бермоқчи экан. Чинғиз ичидаги, кўпдан буён давом этиб келаётган ғалаёнлар, тортишувлар ҷоғида, бўйнига сиртмоқ илдирмай, чап бериб кетган муттаҳамлар билан расволярнинг таъзирини бериб, тобини олмоқчи экан. Бир томони Қоракесек, бир томони Уоқ билан Керей сингари қўшни элларнинг Үразбойдан кўрган зарари, кўрган зулми кўп бўлганн учун сиёзни аввало шу эл ичидаги энр йўғон безоридан бошламоқчи экан.

Бу — бир қанча елпatak бийларнинг тиши ўтмай келган иш. Лекин Үспон ўзи бўлис бўлганида, кучим етса одил бўламан дер эди. Үразбой сингари тишлиқ-тирноқ-лиларга зарбини ўтказа олсагина бошқа элларнинг ҳам масида унинг сиёзи кўнгилдагидек ўтмоғи керак. Унинг устига, Үразбой билан Жиреншени кўп замонлардан буён ич-ичидан ёмон кўрарди. Бутун Тўбуқтидаги харомхўрлар, тинимсиз фалокатларнинг мудҳиш кўзи, уяси мана шуларнинг тўласи деб биларди.

Бугунги кунда қаноти қирқилган қушдек тўғри бориб, бало домига илинган Жигитек эли сингарн қардош элнинг бошига келган фалокатни ўт олдириб юборишнинг бош омили мана шу Үразбой деб тушуниларди. Бойлиги билан, сурбетлик билан дам ҳазилга, дам қайсарликка олиб

кетадиган ғаломус Үразбой шу күнгача ҳеч кимга бўй бермаган эди. Үспон бу безориларнинг бошлигини тийиб қўйиш йўлида асти раҳм қилмасликка аҳд этган. Гарчи ўз оғаси бўлишига қарамай, Такежонни ҳам шу хилда тийиб қўймоқчи бўлиб юрган эди. Кимга бўлмасин тўғри сўзини шартта юзига отгандек қилиб, тап тортмай қаттиқ айта берадиган Үспон, бўлис бўлмаган чоғида ҳам буларга аямай қаттиқ тега берар эди. «Қорин сочи олинмай келаётган, ҳалқнинг ашаддий душманлари мана шулар!» дер эди.

Үспон бўлисликка унча орзиманда бўлиб келган эмас. Бўлислик мансабига ўзини томдан ташламайди. Шунинг учун әртага ўрнимдан тушиб қолар эканман деб, жон титроғига тушиб қўрқадиган жойи ҳам йўқ. Табиатан ўқтам, тутган жойини кесадиган, дилидаги тилида бўлган Үспон бошқа мансабдорларнинг алдоқчилик, товламачилик, ҳийла-найрангларини синчиклаб кўришга ҳам уринмайди. Бироқ ҳар қандай ман-ман деган маккор, золим, зўравон бўлмасин ундан чўчиб юрар эди. Унинг катта катта кўзларида бир олмос борга ўхшарди. Бутун Тўбуқти ичидаги ҳам баланд, ҳам барваста келган Алломишдек паҳлавон йигит ҳам шу эди.

Үспоннинг ўша гавдасига кўра, кучи-жасоратига ҳам кўпчилик ҳайрат ичидаги суклануб боқарди. Унинг қанчаканча одамга ёлғиз ўзи бас келишидан «туя полвон» ленишиб, шу замоннинг «паҳлавони», «ботири» деб ҳам юришарди. Сузгани келган бир буқани бир қўли билан бир шохидан ушлаб олға силтаганда, чўккалатиб ўрнидан турғизмай қўйганини ҳам ҳалқ афсона қилиб юборган

Одам оладиган катта, қопогон ит қопгани келгандаги, тумшуғига бир чертиб ўмбалоқ ошириб, беҳуш қилиб қўйган эди. Қудуққа тушиб кетган каттакон тайлоқни ёлғиз ўзи иккита ўркачидан ушлаб тортиб олган ҳам эди. Феъли-атвори, жўш урган ғайрати, одамлардан ўзгача улуғ гавдасига бундай паҳлавонлиги қўшилган Үспон дарғазаб бўлиб турганида ҳар қандай одам бетлаб боролмай, чап бериб кетарди. Шу кунга қадар кимни бўлмасин митадек ейишга, харомдан ўлжа бўлиб олишига оғиз солиб кўрмаган Үспон, бу тўбуқтиликлар ичидаги бирдан-бир мирзо, кўп саҳий, қўли очиқ, бениҳоят меҳмондўст ҳисобланарди. Баъзан унинг ҳақида қизиқ ҳикоялар қилиб юрадиган биродарлар унинг меҳмондўстлигини кулги қилишарди. Уйига тушмай, туз тотмай овулининг четидан

ўтиб бораётган йўловчи бўлса, чақириб олиб, ранжиб кетарди:

— Овулимга тушмай, босиб ўтдинг. Менинг сенга ни ма ёзигим бор? Овулим нима гуноҳ қилди? Қани тўғрисини айт-чи!— деб, баъзи кишиларга ҳазил қилиб, кўп халак қилар экан.

— Ҳамма: «меҳмон чиқим бўлади» деб безор бўлса, бизнинг Ўспон «меҳмон келмади» деб йиғлаб ўтиради!— дейишиб, Такежон, Мойбосарлар орқасидан кулишарди.

Уша Ўспон Ўразбой овулига бориб, унинг қилиб кетган қаршилигини ҳамма бийларнинг кўз олдидаг билганида, ғазаби бўғзига тиқилиб, қовоғидан қор ёғилиб кетди. Қоп-қора бўлиб куйиб кетган юзидағи тукларининг ҳаммаси ҳурпайиб типпа-тик турди. Ўразбойнинг уйига кириб ўтириб, ҳайқирганича ғазабини тўкиб солди. «Шу кетганича ер тагига кириб кетса ҳам, Ўразбойни улоқдек бақиртириб, боғлатиб келмагунча тиним тоғмайман» деб отланган эди.

Ўразбой шаҳарга чопганида ўрнига овл эгаси қилиб Испон деган инисини ташлаб кетган эди. Ў Ўспонга қарши сўз қотмади. Дамини чиқармай отдан тушириб, гезарганича чурқ этмай отлантириб юборди.

Бироқ Ўспонни жўнатган он қўш от билан Ўразбойнинг орқасидан шаҳарга одам югуртириди. Ўспоннинг жаҳл устида қилган аҳдини етказди. Юборган одамидан: «Ўспон бўлис сўйлоқ тиши қайрилган қора қобондек бўлиб, пишқириб кетди. Дуч келиб қолгудек бўлса, ёриб кетадиган авзойи бор. Аямасин!Faflatда қолиб, панд еб юрмасин Ўразбой!» деб айтиб юборди. Ўспон бўлса, извошига уч от қўшдириб, худди ўша Эсбўлат Қорасувининг ўзидан тўғри шаҳарга жўнаган эди.

Извошдаги отларни олмошлириб туриш учун ёнига беш-олтита салт отлик, югардак йигитларни ҳам эргаштириб олди. Уларни ҳам ишончли, яхши совитилган, миқти отларга миндириди. Шундай қилиб, ҳар бекатда отларни олмошлириб, навбат билан аравага қўшдириди-да, бир кечаю бир кундуз ҳормай-толмай йўл босиб шаҳарга кириб борди.

Ундан олдин жўнаган Ўразбойнинг шаҳарга етганига фақат уч кунгина бўлган эди. У тилмочлар, адвокатлар орқали қофозларини тартибга солиб, аризаларини русча ёздириб олиб, Казанцев уездининг маҳкамасига эндиғина кирган экан. Ўспон ҳам йўлдан келиши биланоқ Ўраз-

бойнинг барча ҳаракатини суриштириб билиб олади-да, уч отлик извошга тушиб, қирдан қандай келган бўлса, шундай Ўразбой кирган эшикдан орқама-орқа кириб боради.

Шу чоқ Казанцев маҳкамасида йўқ экан. Ўразбой аввал келган бўлса-да, ҳанузгача қовоғидан қор ёғилиб, ғазаб ичидаги ўртаниб тутоққанича узунчоқ, салқин уйда — қабулхонада ўтирган экан. Успон уни кўрган он бир ҳийла ишлатиб, сунъий ҳаяжонга тушди. Ёши катта Ўразбойга салом бериб, қуюқ кўришида-да, димоғи чоғ бўлиб, тиржайиб кулганича бағрига киргудек бўлиб ёнига борди.

Ўразбой ҳайрон бўлиб, қайта-қайта унинг юзига қаради. Успон ғаразини унугубдими? Еки аввал улуғ бўлиб кўрмагани учун олишиб, тортишишларнинг йўлини билмайдиган овсарми!» Ўразбой шунга хайрон бўлиб турдида, бир оздан кейин ўзи ҳам очилиб, кулиб гапира бошлиди. Успон:

— Ўраз ака! Жаҳл оғадан, уэр инидан! Мендан хафа бўлиб кетибди деб эшитган эдим! Мени ўзинг биласан, қозоқ боласига ялиниб, жилпанглаган эмасман. Сендан кўрқиб ўтирганим йўқ. Қўйнинг тўла ариза бўлгани билан Успон ундан чўчиётгани ҳам йўқ. Мен яқиндагика бўлис бўлганман. Улуғ бўлиб қилган қилмишим ҳам йўқ. Халққа қилган гувоҳим ҳам йўқ. Хўш энди, манави сен кирмоқчи бўлиб турган улуғингнинг хотини қўйнидан чиққаним ҳам йўқ. Буни Казанцевнинг ўзи ҳам билади. Худо ҳақи, ҳозир икковимиз бирга кириб кўрайлик-чи шунинг олдига, сенинг гапининг қулоқ солмай, аввало менинг гапимга қулоқ солмаса, қўлингни бер! — деди.

Шу гапларни айтаркан, Успон оппоқ тишларини кўрсатганича кулиб, хушчақчақлик билан гапирди. Шундай қилиб, бир нафасдан кейин Ўразбойга яна:

— Манави уй жуда ҳам дим эканми, кишининг нафаси қайтиб кетаётир. Эшикка чиқиб, салқинда ўтириб сўзлашайлик. Жаҳл устида кетганингни билиб, атайин юрганимча орқангдан келдим! Инилик бир илтимосим бор, ўшангага бир қулоқ солсанг! Шундан кейин мен қайтиб кета бераман. Аризангга аралашай деб келганим йўқ. Юр, эшикка чиқайлик! — деди, Ўразбой учига чиққан маккор бўлса ҳам, Успоннинг орқасидан эргашиб чиқди.

Кўчага чиққанларидан кейин, Успон билан Ўразбой кўчанинг нариги бетида, сояда турган извошга яқин келишиди. Кучер Боймағамбетга «ҳазир бўл» деяётгандек

кўзини қисиб, иягини қоқиб қўйди. Уразбойдан икки ҳисса баланд, барваста қомати билан уни бағрига олиб, паналаб турди. Энди бошқа гапни қўйиб, Уразбойга қаттиқ ўшқирди-да, буйруқ қилиб қолди:

— Соқолингга, сўқир кўппак! Чиқ, жонинг борида мана бу извошга ўтири!..— деб ўт сочиб турган катта-ката кўзларини Уразбойга ўқдек қадаб турди. Қимир этган ҳаракатини кўздан кечириб борди. Уразбой лип этиб орқага ташланиб:

— Вой, кўр бўлгур айёр-е... Нима деб алжиётисан...— деб маҳкама томон аланглади-да, товушининг борича қичқириб, сўзламоқчи бўлди.

Бир ялт этиб қараганида, кўччанинг нариги муюлишида турган ўз кучерини кўриб қолди. Ҳеч бўлмаса ўшани кўмакка чақирмоқчи бўлди. Шу чоқ, Уразбойнинг тихирлик қилишини пайқаб олган Ўспон унинг узун қоп-қора соқоли билан кекирдагини қўша сиқиб эзғилаб юбориб, иккинчи қўли билан шартта елкасидан чанг солиб, ушлаб олди. Іё ўқённи фижимлаган қора бургутдек, чангллаганича Уразбойни ориқ қўзицек тик кўтариб, извошнинг ичига улоқтириб юборди.

Ўша кайфиятда ўзи ҳам иргиб извошга чиқди. Типирчилаётган Уразбойнинг кўкрагига бир қўйиб, ҳушидан кетказди. Боймағамбетга:

— Бўл тезроқ! Ҳайда! Жўна элга!— деди.

Боймағамбет ҳам отлар устида қамчи ўйнатиб, «ну, пошёл!» деб русчалаб буйруқ қилди. Отлар оғир извошни гулдиратганича чопиб кетишиди.

Иртишнинг бу томонига ўтиб, Чинғизга борадиган катта карvon йўлига тушди-да, ҳилват ерга чиқиб олганлари. дан кейин, Ўспон аравадан тушди. Қисқа буйруқ қилиб Уразбойни ҳам туширди.

— Учакишадиган сенмисан... Эсингдан чиқмайдиган итликни, ўзинг қилган қанча-қанча итликларнинг эвазига деб бил! Шарманда қилиб олиб кетаман. Тағиб ташла, манави араванинг орқасига!— деб, ўзи Уразбойни ёш боладек кўтариб олиб, икки буқлаб араванинг орқасидаги кенг жойга отиб юборди. Боймағамбет билан иккови Уразбойни арава соябонига суяб, бели, қўл-оёғини чамбарчас қилиб, танғиб ташлашибди.

Шундай қилиб, элга жўнаркан, араванинг орқасига танғиб ташланган Уразбойни худди шу ҳолатда расвосини чиқариб, сазойи қилиб хўрлади-да, хўп таъзирини бе-

риб, келаси кун кечаси яйловда Шоқпоқда ўтирган ўз овулига келиб тушди.

Ўспоннинг Уразбойни шу хилдаги масхарали жазога дучор қилиб олиб келганини билишганда, Ирғизбойлар ортиқча довруқ солишмаса ҳам, ўзаро қаттиқ ҳаяжонга тушиб, гангиб қолиши. Шундай бўлади, деган гап ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган экан. Ҳамма қардошлар бир оғиздан: бундай иш фақат Ўспоннинг қўлидан кела-ди. Дўстликка ҳам, қасдликка ҳам аралашса, уйни қулат-гудек зарб билан аралашадиган Ўспоннинг иши бу. Шун-да ҳам қасдлашган одамига худди шу йўсунда жазо бер-ган одам бу атрофда бўлган эмас. Бунинг оқибати кўп катта ёвлик, душманликка олиб боради. Катта балоларни бошлиди ҳали, деб юрак безиллаб айтилган гаплар Шоқ-поқ, Жилонди, Керегетос, Бўтақон Ушоғида ўтирган Ир-ғизбой овулларининг ҳаммасига тарқалди.

Абай бу хабарни эшиганида, Эрбўл билан Оқилбойни Ўспоннинг овулига жўнатди.

Уразбой чиндан ҳам ёвуз эди. Шу элда кўпчиликни қақшатган оғзи қон бўриларнинг ашаддийси эди. Ўспон зап яхшилаб таъзирини берибди. Лекин, бундайлар билан олишганда, ҳалқнинг ҳақини олиб бериб, еганини қусти-риб олиб, ҳалқ олдида шарманда қилиб ошкора курашиш керак эди. Ўспон бўлса фақат ўзининг душмани сифатида олишибди. Ўзининг ўчи, қасдлиги бўлгани учун олишган киши бўлиб қолади энди. Турган гап, бундай ишнинг оқи-бати — икки амалдорнинг мансаб талашиб, қилган можа-роси бўлиб қолади, холос. Фақат ёмонликни, душманлик-ни беҳад кўчайтирадиган иш бўлади энди. Балога белидан ботибди дегани шу. Ишни бу хилда олиб бо-риши яхши бўлмабди. Лекин жазолашга хўп яхшилаб жазолабди. Энди бўшатиб юборсин! — деб айтиб юборди.

Ўспоннинг яна бир оғаси Такежон бўлса, бу иш усти-да кўп ҳийлакор мансабдорга хос усталик ишлатиб ҳая-жонга тушди. Бу хабарни эшитиши биланоқ Ўспон овули-га яқинлашаркан, ҳовлиқиб, бақириб-чақириб келди. Ўспоннинг уйига кирмай, отдан ирғиб тушиши биланоқ жон аччиғида Уразбой ўтирган капага ўзини урди. Уйга кирмай туриб, товушининг борича бақириб:

— Бу нима бало?! Қандай машъум иш бу?! Қозоқ бо-ласининг бир-бирига шунча ёмонлик қилганини қайси ота-бобомдан кўрган эдим? Фаразим бўлса ҳам, аямайдиган

қасдлигим бор эдими? Қани!? Қани Үразбой!?— деб ёнидаги йигитига капанинг эшигини очдириб қўйиб, шу гапларни айтиб бўлгандан кейингина ичкарига кирди.

Үразбойнинг тагига эскироқ той тери ташлаб қўйилган. Бошида ястиқ ҳам йўқ. Тўлғониб, ҳолсираб қолганича мук тушиб ётган экан. Такежоннинг товушини эшилса ҳам, бошини кўтармади. Дамини ҳам чиқармади. Табиатан тошдек, жуда қайсар Үразбой тутқун бўлиб Үспон қўлига илингандан буён бирор оғиз сўз айтмаган эди. Иироқ йўлда, икки кечаю бир кундуз йўл босиб келаётганларида, бир қатра сув ҳам тотмади. Боймағамбет йўл-йўлакай сувми, қимизми таклиф қилганида «обор заҳарингни!» деди. Зарда билан жеркиб, итариб ташладида, душманлар қўлидан бир томчи сув ҳам тотмай қўйди.

Бу овулга келганидан буён ҳам ўша кайфиятини бузмади. Ҳам оч, ҳам унсиэ, тош-метин бўлиб қотиб қолган эманга айланган. Фақат кек, алам, ғазаб бўққан ҳолда ётарди. Такежон унинг бу хил қайсарлигини ҳам эшитиб келган. Ҳозир унинг ёнига бориб суяб, бошини кўтариб, ўз қўли билан оғзига муздаккина қимиз тутиб, қўярда-қўймай ичирди. Үразбой эндигина ягона қўзини бақрайтириб очиб, Такежонга қаради-да, қисқагина сўз қотди.

— Қунанбой боласи, ё мени шу ерда ўлдириб қонимни ичасан! Бўлмаса, охиратгача икки қўлим ёқангда! Фақат қиласиганинг ҳаммасини шу бугун қилиб қол! Ашаддий душманим Үспон, Абай. Оғзимга сув томизганинг эвазига сени катта душманим демайман. Бироқ Такежон, бундан буён сенинг ҳам пайингга тушаман. Бор, бошқа гапим йўқ!— деб, яна орқасини ўгириб ётиб олди.

Такежон ёнидаги отбоқар йигитни эшикка чиқариб юборди-да, Үразбойга энгашиб пичирлаб гап бошлади:

— Бало шу ерга етганда, мен ҳам фақат Қунанбой боласи эдим деб, Абай билан Үспоннинг ўтига куя бермасман. Шаҳарга жўнаш олдидаи, Медевдан айтиб юборган гапингни англағанман. Ўламай ўтирганим йўқ. Бир кўришармиз деб юрибман, Үразбой. Шу гапим ёдингда турсин! Бу ерда кейинги гапларни очиб айтишнинг иложи йўқ. Сен қалмоқ эмассан, азалги душманим сенмидинг?— деб энди товушини барала қўйиб қаитик-қаттиқ гапира бошлади.

— Тур ҳозир!.. Шу бўйингча бориб, анови эгарлоғлиқ турган отимга мин-да, ёнингга отбоқаримни олиб кета бер! Тур!.. Мин отга! Қўлимдан сени олиб қоладиган ху-

лонинг қўли чиқиб кўрсинг-чи! Бундай итилкка ортиқ чи-дашга ҳамиятим ҳам, орим ҳам чидамайди!— деб туриб олди.

Жадал ҳаракат қилиб, Уразбойни қўярда-қўймай тур-ғизиб, бошига тумогини кийгазди, белбоғини ҳам бойлаб қўйди. Шундай қилиб, эшикка олиб чиқиб, ўз қўли билан қўлтиғидан олиб, ўзининг семиз жијрон отига миндирди-да, йигитини қўшиб бериб:

— Мана бу Ураз акангни йўлда ўзи тушаман деган овулига тушириб, едириб-ичириб, чарчатмай, уринтирмай ўз овулига етказиб қўй!— деб буйруқ қилди. Шундай қилиб, Такежон қўли билан тутқундан бўшаган Уразбой Эсбўлатга йўл олди. Шундан кейин Такежон Успоннинг уйинга кирди. Уйдаги келин-кечак, бегона одамларнинг ҳам-масини чиқариб юбориб, Успон билан холи ўтириб сўзлаш-ди. Такежон инисига ҳам ғазаб билан ўқрайганича деди:

— «Қўрқит деганда шундоқ қилиб қўрқит деган эдими», бу қилиқ қаёқдан чиқди? «Шундоқ қил» деб сенга ким ўргатди?

— Қўрқмай қўя қол! Такежон, «ўзинг ўргатдинг» деб, сенга тухмат қиласай деб турганим йўқ.

— Ундаи бўлса, Абай ўргатгандир-да?

— Унга ҳам тухмат қилмайман.. Узим қилдим! Сен нега бунча кайфинг учиб, ўтинг ёрилиб келдинг?

— Душманликни шу зайлда кучайтиришини қайси ота-бобонгда кўрган эдинг?

— Қўрмаган бўлсанг, мана, мен қилдим!

— Нега қилдинг?

— Ёвузларни тияман,— деб қилдим.

— Қанча ёвузни тийдинг?

— Барча ёвузларнинг бошлиғи Уразбой. Аввало, унга зарб бермасам, кимга зарбам ўтади?

— Сен ҳали Уразбойни ўқитаман деб юрибсанми? У сени ўқитиб қўяди-я!

— У ҳаромликда мендан ортиқман дейдигандир! Ҳалоллик унинг тотиб кўрган оши эмас. Сенинг ҳам, унинг ҳам ҳалол ошларинг ҳаром. Мен элнинг кўз ёшини тийиб, атрофдаги қўшни элларнинг ҳақини Уразбой билан сендан олиб бермасам битта-яримта ўғридан олиб берганим курсин!

— Вой ўшандоқ қиладиган бўлислигинг билан ҳоким-лигинг қуриб кетсин бўлмаса!— деб Такежон аччиқ истеҳзо билан гапира бошлади:

— Бу ҳам бўлса гўё «адолат», «одамгарчилик» деб Абайдан олаётган бир таълиминг-ку. Етиштирган адолатинг шуми?

— Адолатим шу. Итнинг жазоси итлик бўлмаса, бошқа тилни тушунмайди. Қисқаси, ўзингнинг ҳам ёнбошингга ботаётир-ку, а? Кечагина сени «ёв» деб, Жигитекни ҳайдаб юбориб, қоқ туш пайтида бир қўш йилқингни талатган Уразбойнинг душмани сен эдинг. Бугун алқондозлил қилиб, оформилик йўлига тушибсан-ку? Қани, бунинг тагида қандай сир бор, ўшани айт-чи?

— Мен араз бўлсам-да, безор бўлганим йўқ. Сен бошлиған балога кўэни юмиб эргашавермоқчи эмасман. Кўз бойлоғич ўйнаётганим йўқ, сен етаклаб бориб жарга қуллатадиган!

Такежон ишлатаётган ҳийлани гап шу ерга келганда Успон очиқ англади. Яқинда ўзи эшитган бир совуқ гапнинг ҳақиқат эканлигини энди билди.

— Ҳай, Такежон! Бу алқондозлигингнинг бир учини тунов куни эшиттан эдим. Лекин бунчалик ёмонликка қадам босарсан деб ўйламаган эдим. Кўнглим бовар қилмаган эди. Уразбой билан Жиренше иккови, бир онадан — Улжондан туғилган сен билан менинг ўртамизни бузмоқчи эмиш. Бир гап чиқишини кутиб, қулоги ястиқча тегмай юрипти. «Озфириққа осонлик билан учадигани мана шу Такежон бўлса керак» деб сенга одам қўйиб, ҳар турли гап юриттанини ҳам биламан. Ҳали сен келиб меҳрибонлик билан пилдираб, Уразбойнинг устига мук тушганингда: «Мени тентак қилиб, ўзи эс-ҳушини йиққан оға бўлиб, сиртдан бийлаётгандир. Сазаси ўлмасин» деб, қимирламай ўтирган эдим. Энди билсам, сен Уразбойни жўнатганда, мен билан Абайни сотиб туриб, ўшанинг қанжуғасига бизнинг ор-номусимизни боғлаб жўнатган экансан-да. Сендан олдин ана у қабиҳ ўғлинг Азимбой Уразбойнинг алдоғига учиб юрубди. Үндай бўлса, Уразбойга қилган шу ишни сени синаш учун қилдим. «Қани, ўзагига қандоқ ботар экан! Бир томонига Уразбой тушсин, бир томонига мен турай! Қимга қайишар экан» деб, сени билиш учун қилдим. Ота-онасини сотиб оғзинлик йўлига қадам қўядими, қўймайдими? — деб қилдим. Мана барча сирингни кўриб турибман. Қани «шу ёлғон» деб бўйин товлаб кўр-чи энди! Лекин эндиликда эсингда бўлсин, Такежон. Бундан буён Уразбойни бир кўзласам, сенинг эгри босадиган қадамингни икки кўзлайман. Ўшанинг гапига

учганингни кўрсам, ёлғиз Тўбуқти эмас, бутун қозоқ дала-си қарғиши айтсин, қайтмайман. Хиёнат қилиб. эҳри қадам ташлаб менинг ёнимдан Уразбой томонга кетиб кўр-чи. Ўзинг билан «худди ўша ит ўғлингни» қурбон қилиб, ўз қўлим билан бўғизлаб ташлайман! Бор, энди қўланса гапнингни эшитишни истамайман. Жўна!— деди.

Такежон гапни яна бир оз чўса, Ўспоннинг ғазаби қай томонга қараб қайнашини билмай, қаттиқ шошиб қолди. Кўнглига туғиб юрган ҳамма мўлжалини Ўспон аниқ кўриб, аямай очиб ташлаб ўтирибди. Инисига ортиқ гап қайтармади. Жаҳл билан ўрнидан турди-да, гезарганича чиқиб кетди.

Такежон шу гал Ўспондан эшитган гапдан кейин, авваллар ўзи яхшилаб ҳисобга олмай юрган бир бошқача хаёлга кетди.

— Қандай гап эшитдим! Яна бир довон ошсак, менинг ёвим ётлар эмас, ёнгинамдаи, яқинларимдан чиқай деб турган экан-ку!..— деган хаёлга борди.

Тўғриси, у авваллар ўзини «Оға-султон Қунанбойнинг ўғлиман» дер эди-да, «барча Қунанбой авлодининг ҳисоби асли бир ердан чиқади» деб билар эди. Ҳамон шундай бўлгандан кейин, барча Тўбуқтининг ҳукмрони ўзи. Ўзича шу элнинг хони Қунанбой, султонлари мана шу Такежонлар. Тўбуқтини йиқитиб есин, юмалатиб есин, увол бўлди дейдиган, қўлидан оладиган ким бор эди! Энди ундоқ эмас. Худосини унугланлар, ота-йўлини сотганлар чиқиби, у — Абай, унга эргашган — йўлдан озган Ўспон.

Шундай экан, нима қилмоқ керак, бетинг-юзинг бор демай, қарши курашиш керак. Булар оға-султон Қунанбой йўлигагина эмас, қозоқларнинг обрӯ, инобат эгаси бўлган отоқли оғайнилари — яхшиларнинг ҳаммасига душман экан. Ундай бўлса, ўша Уразбойлардан шуларга қарши чўқмор йиғиш керак. Уразбойларга нима керак?! Уларга йўлига ғов бўлувчиларнинг ҳаммаси билан аямай олишадиган кўмакчи керак. Ўзи бўлса, олишадиган ёв билан курашишни ҳам билади. Келишиб иш тутадиган дўстти билан топишишни ҳам билади Менга худди ўшандай киши керак. Фақат қардошлар орасида, эл-юрт оғзида гап-сўз бўлиб, сиртга чиқмаслиги учун, эҳтиётлик билан боғланишиб, тил биритириш керак, деган хулоса чиқарди.

Уразбой Ўспон билан Абайга кўнглида қаттиқ душманлик сақлаган ҳолда кетди. Бу душманликнинг икки

ўртасида энди қай томонга қадам қўйишини билмай, бироқ ичидан Ўспон билан Абайга ғараз сақлаб, феъли бузилган ҳолда Такежон кетди.

Мана шу воқиа устида, Такежон ўзини шу хилда тутишининг тагида маҳфий бир сабаб ҳам бор эди. Уразбой Ўспонга рўпара келишга юраги дов бермай, шаҳарга қочиши пайтида ўғли Медевга топшириб кетган бир иш бор эди.

Медев олишун-тортишувларда отаси қўллайдиган ҳийлаю чораларнинг ҳаммасини биларди. У, эл ичида ақли билан ғайрати, чечан тили баравар донг таратиб келаётган тўда тузувчи — бало бошловчиларнинг етишиб келаётган бошлиқларидан. У, Уразбой шаҳарга кетиши биланоқ Азимбойга одам юборди. Қадимдан айтилиб келаётган, «бараканинг гапи» бўлсин дебди. «Қунанбой боласи билан Оққули боласининг орасидаги низони йўқотайлик. Шунга Азимбой билан икковимиз сабабчи бўлайлик. Азимбойнинг бешикдаги қизини мен ўзимнинг уч яшар ўғлимга унашиб қўймоқчиман. Эл ўртасидаги фалокатни кучайтиrmай, ёнгиннинг олдини олиш учун жўрттага мана шу кунларда айттаётирман. Такежон билан Азимбой розилик билдирса, бас. Оқсолари¹ учун эртагаёқ Уразбойнинг молидан юз йилқини юбораман» дебди.

Бу хабар Азимбойни ҳовлиқтириб, Такежонни ҳам жуда кизиктирган эди.

Бугун Такежонни тўшагидан чўчитиб, сапчитиб турғизган ҳам, Уразбойни ажратиб олдирган, жиғи-бийроринини чиқарган, илвасин қилиб ташлаган гап ҳам шу эди. Ўспон уларнинг боғ-тузоқларини узиб яксон этди. Шу сингари гуп этиб, бурқиб ўт чипкиб турган пайтда, Такежон қуда бўла олмайдиган бўлиб қолди. Оқсоларга келадиган юз йилқи уни нақадар қизиқтирмасин, энди Такежон қўлига кирмайди. Аммо, орада ҳақиқий душманлик туғилди. Ҳар икки томондаги ёвларнинг кимлардан иборат бўлиши ҳам, кимларнинг қўли ўтда куйиши ҳам очилди. Такежон овулининг бели узилган илондек бўлиб, ҳозирча тинкаси қуриб тургани ҳам маълум. Бироқ аслида шу фалокат чўзилиб кетадиган бўлса, Такежон билан Уразбойнинг бирлашиши. Такежон билан Абайнинг бирлашишидан кўра очиқ бўлиб қолди.

¹ Қалин молига ўхшаш дастлаб олинадиган тұлов.— Тарж.

Душман ичдан ҳам, сиртдан ҳам сафини бириктира-
диган кўринади. Ёшлар «Қўнғир авлиё»дан қайтиб ке-
лишганда, бу ердаги ёмонликнинг қораси шу хилда, гўё
довул булути сингари буркаб келиб турган эди.

Хоҳласа, хоҳламаса ҳам Успон жаҳл устида ёққан
ўтнинг алангаси ҳаммадан олдин Абайга келиб урилиши-
ни ёшлар оғиз очишмасданоқ билишди. Бедорлик билан
оғир хаёллар қийнаётган Абайга Айгеримнинг момиқ тў-
шаги тошдек ботади. Кўп хўрсиниб, ажриққа ағанаш би-
лан уйқусини қочирган Абай бу кечани мижжа қоқмай
ўтказди.

Шу кунларда қисқа муддатга элга келган Абишнинг
шаҳарга қайтиб кетадиган вақти ҳам бўлган эди.

Худди ўша куни чопар Долбой бўлис маҳкамасидан
Абайга бошқача бир қофоз олиб келди. У, Абайнин жа-
вобгарликка тортиш учун ўяз Казанцев маҳкамасига ча-
қирган повестка экан. Чинғиз бўлисида «недоимка» тўла-
мовчиларнинг иши тўғрисидан жавобгар сифатида ча-
қиртирибди.

Бу қофоз келганда, Абайнинг атрофидагилар қаттиқ
безовта бўлишди. Лекин Абай ташвишланмади.

— Шу иш юзасидан чақиртираётми? Чақиртирсин.
Аммо улуғлар олдида берадиган бошқа жавобларим
ичида журъат билан рўйрост жавоб беришга ҳозирман
дейдиган жавобим шу. Нима бўлса ҳам таваккал, ўкин-
май кетадиган сафарга юраман... Менга битта арава
ҳозирлатинглар! — деди.

Абишлар билан бирга жўнайдиган бўлди. Енига Дар-
мен билан Боймағамбетни олди. Абиш Мағаш, Қаки-
той билан ўпишиб хайрлашиб бўлди-да, кўпчилик
олдида катта извошга чиқди. Арава қўнғироқлари жи-
ринглаб, чанг-тўёнсиз, кўм-кўк майса қоплаган йўлдан
Семейга қараб кетди. Уша извош орқасидан трашманка-
га ўтириб Абай, Дармен, Боймағамбетлар ҳам жўнашиди.

Булар кетишганда, ёшларнинг кўпчилиги эл ўртаси-
даги можародан катта бир ғалаён чиқишини ўйлаб, таш-
вишда қолишли.

Бу кунларда Ўразбой битмас-туганмас можаро қўзғаш-
нинг пайида Семей шаҳрида Казанцев маҳкамасидан
чиқмай юрган эди. Успондан еган тепкидан кейин уюри
билан йилқи ҳайдатиб келиб, шаҳарда сотдириб, ўяз,
жондорал маҳкамасидаги, суд атрофидаги тилмочларга
кўп пуллар улашганди. Ўшалар орқали ҳар маҳкама-

нинг катта-кичик чиновниклари учун ҳам бу кунларда эътиборли, яхши таниш аризачи бўлиб олганди.

Уразбой сўнги кунларнинг бирода Казанцевнинг ўзи билан учрашди. Унинг бугунги, бу галги арзи-чақиғи ёлғиз Ўспоннинг устида эмас, айниқса Абай тўғрисида эди. Казанцев ўзининг Тўбуқти масаласини яхши билишини кўрсатиб, аввало:

— Қунанбойларнинг ҳаммаси устидан арз қилаётиссанми? — деб сўради.

Уразбой уларнинг ҳаммаси устидан арз қилмаслигини айтди. Масалан, Такежон ва аввал бўлис бўлгая Шубор, Исҳоқлар билан бунинг муносабати ёмон эмас экан. Олишиб, арз қилиб юрган кишиси ҳам — ўзини жазолаган Ўспон эмас, бўлислик мансаби бўлмаган. элда тинч юрган — Абай.

Шуларни билдирганда, Казанцев Уразбойнинг турли-туман сирларни чангальзор каби ўз ичида сақлаган одам эканлигини пайқади. Бу — олишаётган одамига беҳисоб тузоқ қура биладиган, кўп ҳийлакор одам. Душманликда ҳеч бир йўл-йўриқни, кусумат ва туҳматни ташлаб ўтирамай ишлата берадиган бўри сифат одам бўлмоғи керак.

«Нақд айбини айт!» деганда, Уразбой дарҳол қовоғини солиб, тўсатдан хайрон қолган кишидек бир вазият олди-да, сўзлай бошлади. Пинжида олиб ўтирган қора мўйловли, чўтири тилмочнинг елкасига қоқиб-қоқиб қўйиб, сўзлаётир.

— Ҳа, тақсир, билмайсизми? Айби кечаги «қора солиқ», «недоимка» можаросида очиқ кўринмадими?..

— Уша можаронинг чинакам бош омили Иброҳим Қунанбоевми?

— Худди ўшанинг ўзи! Бўлмаса ўйлаб кўринг, фақат Иброҳим Қунанбоев ўтирган яйловда қандай катта жанжал бўлди? Бошқа ерларда, бошқа яйловларда эса. мисол учун мана мен ўтирган яйловимда, атрофимда оқ подшо солиғига қарши чурқ этган товуш чиқдими, қимир этган ҳаракат бўлдими? Бўлгани йўқ. Абай бўлса, ҳамма қашшоқларни қутуртириб, гиж-гижлатиб, элнинг бўлисинга, сиз юборган мансабдорларга батамом қарши қилиб қўймадими? — деб, бу ҳақда бир томондан Такежон, Жиреншеларни оқлаб, иккинчидан жони-дили билан Абайнин қоралаб, кўп чақиқларни етказди.

Шундан кейин яна Абайни ёмонлаётган пайтда:

— Сиз Абайга ёлғиз менигина қарши деб ўйламанг, элдаги менга ўхшаш инобатли мансабдорлар, обрўли оқсоқол-қорасоқолларнинг ҳаммаси қарши. Бизлар бўлсақ, оқ подшомизнинг ҳалол қулларимиз. У бўлса, ўша подшоҳи аъзамнинг ўзига ҳам қарши гапларни гапирадиган, хиёнаткор одам! — деди.

Казанцев тилмоқ орқали унинг сўзларини эшитиб ўтиаркан, «ўшандай одамлар Қунанбоевнинг устидан ариза ёзиб мана шу Уразбойнинг ўзи сингари подшолик маҳкамасига келиб, Абайга қарши эканликларини айта олишадими?» деб сўради. Уразбой Казанцевнинг бу саволини иш юзасидан берилаётган савол эмас, шунингдек ариза берувчиларнинг бўлишини истаётир, — деб ўйлади. Бу ҳам ўзининг бир мўлжалига керак бўлган, кутиб турдиган пайт экан.

Ҳозир у, Казанцевнинг майлига кўчиб, тездан гапни бир жойга қўйиш ниятида сўзлай бошлади.

— Абай Қунанбоевнинг саҳродағи улуғларга қарши, элнинг яхши одамига қарши, оқ подшога қарши, ундан кейин бизнинг динимизга, халқимизнинг ота-бободан қолган йўлига урф-одатига қарши гапириб, қиласётган ишларини ёлғиз мен эмас, менга ўхшаш кўп одамлар айтиб бера олади, тақсир! — деди.

— Ариза ҳам ёзиб бера оладими?

— Беради. Керак бўлса приговорлар ҳам беради. Ёлғиз сизнинг маҳкамангиз эмас, уни биладиган бошқа катта ҳокимлар, судьялар ҳам бор. Мисол учун, жондоролнинг ўзига ҳам бера олишади. Яна, ўшаларга берса, ўшандек жойларга ариза туширилса дуруст бўладими, тақсир? «Ўзингизга тобе бўлган халқнинг ўртасида бузуқилик қилиб ўтирган фитначи одам бор» деб, ўшандан кўрган жабримизни айтсак, айб бўлмасми экан? — деб сўради.

Шу хил маккорона берилган савол билан Уразбой Казанцевни ҳам Абай билан бўладиган можарода ўзига маслаҳатчи қилиб олмоқчилик кўринди.

Казанцев буни ҳам фаҳмламай қолмади. Уезд начальники энди аниқ билди. Мана бу катта, қирра бурунли, ўтирилганда ғазаб чақнаб турган, қора соқолли қайсар қозоқ, агар Иброгим Қунанбоев сингари кишини айблаш керак бўлса, ҳар қанча ёмон түхматларнинг ҳаммасидан тортинадиган эмас. Лекин ўяз аввал учрашганда ҳам, бугунги суҳбатида ҳам маълум бир қарорга келиб, Уразбойга жавоб бермади. У ҳозирча элдаги норози одамлар,

мана шу Үразбой сингари бой. обрўйли одамлар Абайнинг устидан ариша бериши мумкин эканлигини сездириди. Яна бир ўзининг маҳкамаси эмас, ундан юқори ҳам маҳкамалар, улуғлар борлигини эслатиб ўтди. Ү ҳам бўлса Абайдек, бир томондан ўзининг уезидаги эътиборли одам иккинчидан жазолаш йўли топила қолиши қийин бўлган одамга қарши ўша саҳронинг ўзидан унга душман бўларлик бир қанча одамларни сафга тортишнинг чораси эди.

Бу ҳақда ҳам сўзни, гарчи охиригача очиб айтмаган бўлса-да, Үразбой иккови бир-бирининг ниятини англаб олишди. Шундай қилиб, шаҳарнинг улуғи билан даланинг «доғули». «ғаламуси» Абайга қарши ҳаракат этиш йўлини топишгандек бўлиб айрилишди.

Казанцев ҳозирча Абай устидаги иш юзасидан терговларни шошмасдан ўтказиб, кўп тайёрланмоқчи ва арқонни узун ташлаб қўйиб, бир хулоса чиқармоқчи. Шунинг учун бу галги чақиришида Абайни ўзи текшириб. «қора солиқ» тўғрисидаги жавобларини ўзи эшитмади. Маҳкамасидаги бир кекса тажрибали ёрдамчисига буюриб, Абайни қисқача сўзлатиб, жавобларини ёэдирив қолди. Яна бу гал Абай «шубҳаланмасин» леб. нари-бери тергов ўтказдирди. Барча далил йиғилиб қўлга тушгунча, айблар кўпайиб йиғилгунча, мана бу очиқ кўриниб турган айби ҳақида жўрттага ўзини гўлликка солиб, ёлғондан ишонган киши бўлиб, енгилгина жавоб олдирди. Аслида, Абайга бир катта айни юклаб жазога тортирадиган бўлса, уни юқоридаги улуғлар билан ҳал қиласидан пайтда, бу иш бир катта дастак бўлиб. ҳозирча уезд бошлиғининг кўнглига тугулиб турадиган бўлди.

Абай бўлса, улуққа жавоб бериб қайтгашида, ўз устидаги, буркаб келаётган ҳавф-хатар булутининг нақадар қуюқлашганини фаҳмламай қайтган эди.

Успон ишининг оворагарчи иғи Абайнинг ўзига ҳам, яқин ёру биродарларига ҳам Абишнинг уйланиши ҳақидаги гапни очишга имкон бермади. Йигитнинг Дармен орқали айтдирган жавоби ҳам бу кунларда маълум бир қарорга келишга йўл қўймади. Дармен ҳам, Магаш, Қакитой, Дидалар ҳам яқиъда Абай овулига келиб кетган Ўтегелди ҳам фақат бир нарсанигина билишди холос: Абиш: «Қиз оладиган бўлсам, ер юзида Магишдан бошқани олмайман» деган эмиш. Ҳозирча Магишнинг қулоғига етгани ҳам мана шу қимматли гап, холос. Ү, ўша яхши аҳдгагина умид боғлаб қолди.

Тұқнашув

1

Абиш бу йил ҳам ёэги дам олиш чөғида әлга қайтди. Бироқ бу ёз бутунлай бошқача эди. Болалик чөғидан бүён әлга келиб юриб, оға-инилари, жигарларини ҳам, әлни ҳам ҳозиргидек ҳафақон, ғүссага ботған ҳолда күрмаган эди.

Бу әлларнинг ҳозирги яйлови ҳам Чинғиздан ташқарыда эмас. Салқын увалар, чүзилиб ётган оқар сувлар, тиниқ булоқлар, ям-яшил ўт-ўланлар ҳам йўқ.

Оувул одамлари йироқ яйловларга чиқмай, тоғ бағирларида, Эралида қолишибди. Абишнинг келган пайти июлнинг боши — ёз ўртаси бўлгани учун, даланинг кўмкўк майсаси тақир бўлиб, топталиб кетган. Атрофга кўз солсанг ўт-ўланлар босган файзсиз дала кўринади. Бу манзара мана шу атрофда ўтирган кўп оувулларнинг шу ёздаги ғамгин сиймосига мос келгандек туюлади.

Даставвалги уч кун мобайнида отасининг ёнида бўлган Абиш, ҳозир Абайнинг зўр қайғуга ботганини кўрди. Ёлғиз Абайгина эмас, бу йил шу ерда ўтирган қариндош-уруғлари ҳам, шу атрофга жойлашган кўп оувуллар ҳам чуқур мотамда. Чунки ўтган йилнинг бошида Ўспон вафот қиласкан эди.

У, қиш ўрталарида ўзининг Жидебой қишловидаги Эркежоннинг уйида касал бўлиб қолди. Туғилишидан паҳлавон гавдали ва норғил Ўспон, сўнгги йилларда жуда семириб кетган эди. Қандай касали борлигини билгунча бўлмай, унинг иситмаси зўрайиб кетди. Иситмаси ошган сайн алаҳлаши кучайиб, кўпинча ўзини билмай ётди. Атрофдаги яқин қариндош, жонкуяр ёру дўстларга «Ў-

пон бетоб» деган хабар етиб боргунча беш-олти кун жон талвасасида ётди-ю, тўсатдан ўлиб қолди.

Абай Оқчўққидан: «Успон бетоб» деган хабарни олиб, шошганича Жидебойга етиб қолган пайтда, олдидан чиқ-қан қўш отли чопар Успоннинг қазо қилғанлиги ҳақидаги қайгули хабарни ҳам айтди.

Абиш келганда Успоннинг азасини тутаётган яқин қариндош-уруғлар, овулдаги ёр-биродарлар Эралида анча тўпланишиб қолишган экан. Тўпланишган кишилар оз эмас эди. Эрали бўйида зич ўтирган овулларнинг сони ўтизга яқин бўлиб, уларнинг ўртасида Успоннинг овули ўрнашган. Бошқа: Исҳоқ, Абай, Такежон, Мойбосар, Ирсой, Изиқутти, Фабитхон овуллари Успон овулинни қуршаб, ўртага олиб ўтиришибди.

Успоннинг аёлларидан каттаси — Эркежон. У Заредан, Улжондан қолган катта даргоҳда ўтирган таъзиядор келин.

Иккинчи уйдаги таъзиядор аёл — уста ўланчи Зейнеп эди. У айниқса марсия тўқиб, оҳу зорини ўзи топган куйга солиб айта биладиган гиранда аёл.

Учинчиси — Тўримбола. Бу бошқа аёллардан ёш, катта ҳунари бўлмаган камтарин, камгап, тортинчоқ аёл.

Мана шу уч аёлнинг эрига йиғи бериши Эралида қўниб ўтирган овуллардаги ёшу қариларнинг ҳаммасига аён.

Айниқса Зейнеп йиғи бошлагандан, унинг уйи атрофига келиб, извошга чиқиб ёки уй ёнидаги юкка суюниб, пичирлашиб тинглайдиган ёшлар ҳам бўлар эди.

Зейнеп эски шажарани ҳам билар экан. У йиғига Успоннинг отаси Қунанбой ҳожини ҳам қўшиб айтарди. Улжонни ҳам худди ўз онасидек ардоқлаб, эслаб йиғларди. Успоннинг бобоси Ускембой бийни ҳам атаб, қўшиб, мақтаб кетарди. Баъзан узоқ йиғи бергандা бу овулларнинг қадимда ўтган бобоси Иргизбойни ҳам қўшиб кетарди.

Кўпчилик ёшларнинг «Иргизбой» деган уруғ отинигина билганлари бўлмаса, унинг нима билан донг қозонганини билишмас эди. Ана энди мана бу билимдон, бурро келин, Успонни мақташ учун йиғига унинг паҳлавонлик ва ботирлик хусусиятларини ҳам қўшиб айтарди. Шундай пайтда у, Иргизбой ёшлик чоғида «туяпольвон» ўтганини ҳам қўшиб кетарди. Қозоқлар билан қўқонлилар бир маъракада дуч келган пайтда, Иргизбой бош

полвон бўлиб, Қўқоннинг дабдабали, донгдор полвонини йиқитиб, бешик ёмби олганингача қўшиб айтади.

Зейнепнинг шу хилда йиги беришидан Ирғизбой каттагарининг ҳаммаси миннатдор бўлди. «Кўп вақтлардан буён ҳеч ким Зейнепдек йиги берган эмас»— дейишиб, кўп ёшларга ёдлаб олишни ҳам буюришди.

Улим орқали ҳам ўз авлод-аждодининг зўрлигини, ўзга уруғлардан устунлигини айтиб берадиган келин кўп Ирғизбойларни фаҳрлантириб, руҳлантириб қўйди. Аслида Қунанбой, Үскембой, Ирғизбойларнинг ҳаммасини мақтаб қора қозоқнинг «қадрлиси», «аслзодаси», деб ҳар кун икки маҳал жар солаётган йиғловчи фақат ўлган Ирғизбойларгагина эмас, тирик Ирғизбойларга ҳам кўп хизмат қилаётир, кўкрагини кўтараётир.

Абай Зейнепнинг жуда ширали, таъсири, ғамгин товушига қулоқ солиб ўтиаркан, кўпинча бошқа биртадай хаёлларни ҳам ўйлаб кетарди. Армонда кетган Ўспон буни ҳам неча хил ғам-ғуссага солиб кетди. Лекин шу сингари ташқи кўриниши билан қозоқлар урфи-одатини сақлаб, таъзия тутиб, инисини йўқлаб ўтирган Абай баъзан ўзича икки хил нарса устида хаёлга чўмарди.

Улим кечирим билан келади У ўлган одамнинг фақат яхшилигини айтдириб, айби-нуқсонларини унутдиради. Шунга қарамай, Абайнинг кўнглида бир ранж ётарди. У, ажойиб азамат оқин Абайнинг ўзига ҳам, олис-яқиндагиларга ҳам танқидий назар билан, одилона қарашидан туғиларди. Шунда Ўспон шоирнинг кўз ўнгигда икки хил бўлиб гавдаланаарди. Ўспон ҳам қайсар, ҳам ғайратли эди. Ёшлигидан тутган ерда қўли, тишлаган ерда тиши қоладиган, қай нарсага берилса, бутун вужуди билан бериладиган, тили-дили бир одам эди. Дунёпарастлик, хасисликдан узоқ, дўст бўлган одамига софлилик билан ёндашадиган оқкўнгил эди. Бошқа кўп қариндошлари ичидаги унга тенглашадиганлари йўқ. Абай шу томонларини ўйлаб, Ўспоннинг ўлимига ачинарди. Уша одамнинг очилмай, рўёбга чиқмай қолган армонлари билан бирга, кутган орзусига етолмаган ҳоснити ҳам бўлиши керак эди. Бу масалага келганда, Абайнин қаттиқ қийнайдиган томони: у эл-юртига қадри ортгудек нима қилди? Қайси қилган иши билан халқи аза тутгудек ботирлик кўрсатган эди? — деган сўроқ... Мана шунда Абайнинг кўнгли чўка бошлайди. Бир мартагина ёвузликка, зўрликка қарши ҳужум қилган эди... Унда ҳам Абайнинг умидидан

йироқ тушди. Кечаги ҳоким ўтган Қунанбойниң яна битта зўровон, безориси бўлиб чиқди, Ўразбойдан халқ кекини олар деса, ўз душмани билан манманликка бориб, олишиб кетди, холос. Энди мана, орқасида катта, кечирилмайдиган низо қолдирди. Шу тўғрида Абай ўзини ҳам гуноҳкор ҳисобланади. Үспонга нисбатан Абай оғагина эмас, ота ҳам ҳисобланар эди. Үспон отасидан кўра Абайдек оғасига кўпроқ суюниб, ўсган эди. «Абай нега ўз укасини дуруст йўлга бошламади, нега ўша зўр ғайрат эгаси бўлган одамни яхшилик сари сафарбар қилмади?» деб, даъво қилгудек одам бўлса, Абай ўзини оқлай-олмайдигандек кўринарди.

Шу сингари ўқинчга тўла, қайғули хаёлларга чўмган сайнин, Абай яна ҳам чўкиб, маъюс тортиб кетади. Гарчи ғамгин чеҳраси сокин кўринса-да, тагида шу сингари беҳаловатлик бор эди.

Абиш келгандан буён фотиҳа ўқиш учун Эралига икки кунгача тўп-тўп одамлар келишди. Шу икки кун мобайнинда Абай Үспон уйидан чиқмади. Шунингдек, у Абишга ҳам шу ерда ўтириб, оғасига мотам тутишга ишора қилгандек бўлди. Шу кунларда Абиш отасига узоқ-узоқ тикилиб қарар эди. Соч-соқолининг оқи анча кўзга ташланадиган бўлиб қолган Абайнинг ҳозирги ҳолати, одатларида ҳам қандайдир ўзгариш сезиларди. Бу кунларда у жуда камгар. Афтидаи, мана шу ўлимнинг оқибатида ёлғизликда кўпроқ хаёл суроётгандек кўринарди.

Енидаги дўстларига ҳам бу кунларда шоир Абайнинг тили тутилиб, ҳамма сози сўнгандек туюларди. Бу ўлим қайғуси Абайни шунчалик синдириб: «қалбидаги порлаб ёнган санъат ўтини ҳам ўчириб кетдими!» деган шубҳалар Дармен сингари қадрдон уканинг хаёлига тез-тез келиб туради. Бироқ, кўринишда шундай бўлса-да, қайғули Абай шоир Абайни мутлақо босолмаган эди. Кўпчилик Үспонни ҳар хил қилиб йўқлаб йиғлаган чоқларда, Абайнинг ўзи ҳам шоирлик тили билан ичидан бир қанча марсиялар айтганди.

Үспоннинг ноёб фазилатларини эсга олади. Уни ўйлаб ўтириб, бу кунларда тирик юрган, қатордан хато бўлмаган қариндошларини ҳам ўйларкан, кўнгли мадад топмай, ғазабли қалб аччиқ ҳақиқатни очиқ кўрарди.

Қолган жигарларнинг ичиди дадили, кучлиси ким? Такежонларми? Уларда қабиҳлик бор, одамгарчилик

йўқ. Қоронғу ёвузлик бор, ёрқин чеҳра йўқ. Ким деб суянади, нима деб юпанади? Кўпчилиги ўғирлик-ғарлик пайида. Овул ва уй душманларигина эмас, беҳисоб халқнинг ашаддий душманлари. Эндиги ҳаёт нима бўлади? Ўйлаган билан, синчиклаб кўрган билан малҳам топишнинг иложи йўқдек туюларди. Шу сингари хаёлларга бораркан, у ўзини боши берк кўчага қамалгандек сезарди.

Шу зайил, бор дардини ичига солиб, ғамга ботиб қолган оға оқин тўғрисида ёш дўстлари кўп ўйлашиб, тез-тез сўзлашиб қўйишаради. Абайни юпатиш учун чоралар ҳам излашаради. Узаро бир фикрга келганларида, Абишнинг келиши Абайнинг бу кайфиятини ўзгартирас деб ишонишаради. Лекин Абиш келганига уч кун бўлса-да, Абай ҳали у билан очилиб, ёзилиб сўзлашгани йўқ. Фотиха ўқигани келган қардошлар билан йиғлашиб ўтирас, Абишни ҳам ўша ерда, Ҳспон уйида кўпроқ ўтиргазарди.

Фақат учинчи кун кечга томон Дармен Абишни Ҳспоннинг уйидан, кўпчилик ичидан чақириб олиб чиқди.

Қўёш ботиб бораётган пайт. Гарбий уфқда шафақ балқиб, тўлқинланиб турибди. Бепоён саҳро, олисдаги уфқ устидаги кўк саҳни сокин, бениҳоят кенг.

Сари Орқанинг мулојим шабадаси эсиб турганди. Таъзиядор уйнинг ғам-ғуссасидан бўшаб чиққан Абиш далада кўкрагини кериб, чуқур нафас олди. Икки йигит овулдан чиқиб, тўғри сув бўйига кетишиди. Юриб келаётган Ўйларида чанг йўқ, туташ чим, ям-яшил майса. Товонини майса ялаган этиклар сирғониб, юришинги оғирлаштираётган бўлса-да, ёшлар сўзлашганларича сув ёқалаб, қуий томонга қараб, аинча узоқлаб кетишиди.

Олдинда сув бўйига ёнма-ён жойлашган кўп уйлик қашшоқ овул кўриниб турарди. Ушанга кетишаётир. Дарменнинг Абишга айтадиган гапи бор экан. У ўзининггина гапи эмас, барча ёш-эронлари, Абайнинг ёш дўстлари номидан айтиладиган гап эди.

Четроққа чиқишлиари биланоқ Дармен ўша гапдан оғиз очганда, Абиш сўнгги кунларда ҳаловатидан жудо қылган кўнгил жароҳатини эслагандек, тўсатдан ўзгариб кетди. Бор ҳислари, бутун вужуди билан Дарменга берилиб қулоқ солди.

— Биз сени Абай оғамга, ҳаммамизга ҳам бир малҳам олиб келасан деб ўйлаган эдик, Абиш. Биз уни юпа-

та олмаётгирмиз. Бу ердагиларга далда бер. Мен сенга шуни айтай деб атайлаб бошлаб чиқдим! — деди.

Абиш бу гапга очилиб жавоб қилмади. Сўзлаб келаётган Дарменнинг ўзига ён томондан тез-тез қараб, унинг беҳад самимият акс этиб турган сиймосига хурсанд бўлиб тикилди. Ялтироқ, қоп-қора қошли, катта-катта кўзли, қирра бурун Дармен кўп гўзал йигит эди. Ҳозир юриб кетаётиб, қизғинлик билан сўзлаётгани учун ранги хиёл ўчинқираб, окариб кетган. Кенг пешонасида, қирра бурнининг устида, яна ёноқларида йилтираган бир ёқимили шуъла намоён бўлиб турибди. Бу ранг Абишнинг кўзига ўзгача бир ҳусндеқ кўринди.

Лекин Абиш энди ўзининг ҳозирги вазияти ҳақида очилиб гапирмади. Негаки ғайратли ёш, эркак боши билан ўз ичидаги ғам-ғуссани очиб, ҳасрат қилиб ўтириши ўзига эп кўрмади. Фақат:

— Дармен, отам учун қайғираётгандаринг ўринли. Ҳаммамиз бир бўлиб у кишини овутишнинг пайига тушайлик! — деди.

Абипнинг бунчалик камгап, вазминлиги Дарменга ўринисиз кўринмади. Ростгўй юрак бор. У ўзини амалда, ишда кўрсатади. Қуруқ гап билан ҳовлиқиши, чўзиб ўтириш унинг ўзига ҳам ёқмайди.

Энди сув бўйига яқин жойлашган овланинг икки-учта ити ҳуриб, бир-иккита бароқ, ола-була қанжиқлар олдиларидан югуриб чиқишиди.

Икки йигитни кўриб қолган уч-тўртта болалар ҳам буларнинг рўпараларидан чиқишиди. Ҳаммадан олдин етти-саккиз яшар бир бола салом берди. Дармен ҳам уларни яхши қарши олди.

— Раҳимтой, отанг уйдами?

— Уйда эмас, эшикнинг ёнида ўтирибди! — деб, Раҳим уялиб, тортинибгина жавоб берди.

Абиш билан Дармен ҳам, Раҳимтойнинг ўртоқлари ҳам кулиб юборишиди.

Раҳимтой уялганидан қип-қизариб кетиб, бир қўлни билан иккинчи қўлининг тирноғини тозалаган бўлиб, ўнғайсизланиб қолди.

Шундай уятчан, маъсум ювощ бола Абишга жуда ёқиб қолди. Бурун катакларининг усти терчиган, қоп-қора кўзларини катталарга қия ташлаб, тортинқираб турган, қораҷадан келган боланинг юз туэзилишлари ҳам келишган экан.

Дармен уни бағрига босиб эркалатганда, Абиш ҳам унинг топ-тоза, йилтираб турган, хиёл ўсиқ соchlарини силади.

— Раҳим, сен кимнинг боласисан? — деб энгашди.

Тўра оға Абишни бу овуллардаги болаларнинг ҳаммаси сиртдан билишса-да, яқиндан кўп кўришмаган эди.

Энди Раҳим:

— Отамнинг боласиман! — деди.

— Бизнинг Дакенгнинг кенжаси! Кўп болаларидан тирик қолган ёлғизи шу! — деди Дармен, илова қилиб.

Зийрак бола Раҳимтой бу гаплардан ҳам ўнғайсизланниб турди. У буралиб Дарменнинг қучоғидан бўшаб олди-да:

— Дармен оға, отамга бориб сизларни айтаман! — деб, баҳона қилиб, югурганича уйига қараб кетди.

Раҳим беҳисоб жотоқларнинг кўп уйлари ичидан одиғина, лекин сирти бутун, кичикроқ уйга қараб кетди.

— Дакенгни зиёрат қилиб кетай. Ҳаммадаи олдин ўша кишини кўриш дуруст бўлар. Танқидий фикр эгаси бўлмиш кексанинг ўткир кўзлари яна нималарни кўриб, нималарни пайқаб ўтирган экан?! — деди Абиш ҳазил аralаш.

Даркембой ўз уйининг соясида, қизил той тери устида ёғоч ўйниб ўтирган экан. Қўлидаги ўткир тешасини жадал ишлатиб, катта қайин ҳассанинг соп томонини ўйниб, пардоz қилаётган экан.

Салқин кеч пайтида қаттиқ-қуруқ қайинни ўткир теша билан қарс-қарс уриб, ўйниб силлиқлаш ишchan одамларнинг ҳаммасини ҳам қизиқтирадигаи иш. Бу меҳнат эмас, эрмакдек гап. Айниқса Даркембой сингари уста одам чопгандা, теша ҳам олғир, ҳам енгил қўзғалади. Гўё кўлни ўзи бошлаб олиб кетаётганга ўхшайди.

Абишни очиқ чеҳра билан қарши олиб сўрашган Даркембой ишни тўхтатмади. Унинг эпчил, чаққон ҳаракатига қизиқиб қараётган Абиш ҳам, ёнига ўтириб, кунда кўриб юрган кишидек сўзлаша бошлади.

— Даке, соғлиғингиз, ғайратингиз ҳали ҳам жойидами дейман? Асли ўлжанинг каттаси шу экан! — деган эди, Даркембой Абишга кўз қирини ташлади-да, кулиб қўйди.

— Бўтам Абиш, отанг икковингнинг гапинг бир жойдан чиқди-я. Тунов куни ўзимиэннинг жотоқлардан биттасининг араваси синиб, ўшанинг гупчагига ўқ солаётсан,

Абай келиб: «баракалла, ғайратингдан розиман. Үлжанинг каттаси соғлиғинг билан ғайратинг» деб қўйди. Менга: «қаддингни бўкма, асти бўш келма, ҳатто кексалигингни ҳам бўйнингга олма»... деди. Яхшиларнинг аввало одамга, айниқса бизга ўхшаш камчилик-етишмовчилиги кўп одамга нисбатан тилаги ҳам яхши бўлади! — деб Даркембой ҳассанинг ўёқ-буёғини айлантириб қараганича, ғубор қолдирмай ҳамон силлиқлаётир. Тешаки енгил-енгил уриб ўтириб, Абишдан:

— Ўқишинг тамом бўлдими, Абиш? Энди элга биратула келдингми, ё яна кетасанми? — деб сўради.

Абиш бу йил ҳам Петербургга бориб, келаси йил ўқишини тамомлаб келишини айтди. Ундан кейин яна уйда бўлмай, хизматга киришини, қаерда хизмат қилишига тўғри келса, ўша ерга боришини билдири.

— Яна шу кетганимча кетавераман дегин! — деб, Даркембой бир оз жим қолди.

Абишнинг элда турмай, бошқа ерларга кетиши маъқул тушмаганлиги очиқ кўриниб турарди.

— Мен ўзим Абайнинг гапларидан ўқиш яхши эканлигига тан берган одамман. Айниқса, русча ўқиш кўзни очиб, қалбни равшан этса керак. Қўлни ҳам узун қилади. Мана шу жотоқлардан Абай олиб бориб ўқишига берган бир қанча болалар бор эди. Ўшаларнинг ичидаги русча ўқиганларининг ҳаммаси ҳам одам бўлиб етишиб қолибди деб эшитдим. Анави Мўлдабойнинг ўғли Даниёр, Муздебойнинг ўғли, қўйингчи, шоғонлик қирғизнинг боласи — Үмарбек деганлар ҳаммаси ҳам илм олиб, ишга яраб қолган эмиш. Мусулмонча ўқишига берганлари ҳам бор эди. Садивоққос, Қасен, Самарбой деганлар. Улар ҳам энди секин-секин фойда келтиришаётир. Садивоққос мана шу жотоқларнинг манави Раҳимимдай қора болаларини йиғиб олиб, ҳар қалай, ёзиши бўлса ҳам ўргатаётир. Биз қозоқ ҳалқи ҳамма билимга ҳам муҳтоҷ эл эмасмизми! Қарилигим буёқда турсин, қўлим иш билгани учун менга ҳам муҳтоҷ бўлади! — деб, ўзини-ўзи зермак қилиб қўйди.

Дармен Абишга очиқроқ тушунтириб:

— Бу кишининг ишлари, ўзи назарига илмагани билан, шу жотоқлар учун анча катта бир ҳунар бўлиб қолган, Абиш. Бу киши қишин-ёзин арава, чена, сўқа, омоқ, курак, теша, болта, ўроқларни доим тузатиб берадиган уста бўлган.

— Қозон-товоғигача ямаб-ясқайдиган ямоқчилари бўлдим-ку...

— Қисқаси, қора темирини ҳам, ёғоч асбобларини ҳам тузата берадиган устаси фаранг бўлиб кетган. «Кексай-ганди қари арслон йўрга чиқди-ку» деб бор жотоқлар мақтаб ҳам қўйишади... Ўзи ҳам мақтанишни яхши кўрадиган чол эди. Ёши етмишга келиб қолган бўлса-да, ўша халқнинг мақтовори уни қанотлантириб, ўз кунини ўзи кўриб, бир амаллаб келаётир-ку. Катта илмга эришиш ўёқда турсин, кичкина ҳунарнинг ўзига ҳам қозоқ халқи хуштор деяганинг боиси шунда-да... — деб, Дармен оғасига ҳазил қилди.

Даркембой Дарменнинг ҳазинини фаҳмлади-да, бош эгиб кулиб қўйди. Буларнинг ёши бир-бирларидая кўп фарқ қилишига қарамай, тенгдош дўстлардек ҳазиллашиб, тегжаклик қилиша берар эди.

— Ҳа, нимасини айтасан бўтам, Абишжон! Теша, болға ушлаб ҳаракат қилаётган мени бир чеккага қўя бер... Ҳар қалай, менинг бу ҳаракатимдан яхшими-ёмонми арава, чана чиқади-ку, у эмас, баъзи бирорларнинг дўмбирани тирнаб, «ҳай жоним-эй,войдодей»ни айтиши ҳам бир санъат билиб, телмуриб юрган қозоқлар борку! — деб, Абишга қараб қўзини қисиб қўйди.

Дармен билан Абиш кулиб юборишиди...

— Ётиб қолса ҳам отиб қолишини қара! Ўнг ёнбошига келиб қолсанг ҳали ҳам мижози чалкаш бу чолингнинг! — деб, Дармен оғасига қизиқиб қараб турди.

Даркембойнинг буларга айтадиган яна бир гапи бор экан. Энди Абишга қараб ўшани айта бошлади:

— Үқишлиарнинг кўп яхши-ку ўзи! Бироқ ўқиб олиб элга келмай, ўзим бўлсан бас деб кета берганларинг ёмон-да. Ана, у Мўлдабойнинг ўғли кизмат юзасидан Тошкентга кетибди. Сен бўлсанг яна ўшандоқ қиласман деб ўтирибсан. Шу ишларингиз кўнглимга ўтиришмайди. Сенларни ота-оналаринг ўқитди. Эл-юртинг сенларни пишаётган мевасидек кутди. Хўш энди, нега ҳамманг ўша нози-неъматларингни элингга олиб келиб бермайсанлар!? Ўзларинг билиб, ўзларинггина эга бўлиб, тўқис-ҳолда кета бермоқчи эдиларингми? Қара-чи, ана! Ёлғиз Абайнинг ўзи мана шу атрофга қанча ёруғ нур сочиб ўтирибди. Ҳатто ҳалиги, алифни калтак деб билмайдиган Боймагамбетигача келиб бир кечада ётиб кетса, ёнимдан катта бир дарё оқиб ўтгандек баҳра олиб, сувга қониб

қолгандек бўламан. Атрофига уруғ сочмаган эзгулик,— чўли-биёбонда ёлғиз ўсган дарактдек беъзсон бўлиб қолмайдими? Эга бўлсанглар кўплашиб эл-уругинг билан эга бўлишга тиришсаларинг-чи...—деди.

Энг сўнгги сўzlари Абишни ҳайратда қолдириди. У ҳайрон бўлиб, беихтиёр бош иргаб қўйди.

Ўз кўнглида ҳали отасига ҳам издор этилмаган фикрлар бор эди. Кўпинча ичидан: «Эл ичиди туриб, ёш бўғинни русча ўқитилса нима қиласди» дер эди. Мана бу танқид қилиб айтилаётган гаплар Абишдек азаматга халқ айтадиган, халқ юклайдиган ғоят оғир бир бурчдек туълди... Абиш чолнинг сўzlари маъқул тушганини билдириди. Лекин «Ўзим шундоқ қиласман» деб ваъда бермади.

Шу чақ озгина соғин молларини соғиб бўлгач, ранги заҳил тортган Жанғил эшик олдига келди. Қўлида икки челак сути бор эди. Бу — Даркембойнинг ўзига қараганда ёши анча кичик хотини, Раҳимнинг онаси. Жанғил Бўкенши уруғидан бўлиб, бева қолган эди. Даркембойнинг аввалги хотини ўлгандан кейин, ёри-биродар жотоқлар Жанғилни унга унаштириб икковининг бошини қўшиб қўйишган эди.

Аввалги хотинидан кўп бола кўрган бўлса-да, ўла бериб, Даркембойнинг ҳозирги энг катта армони бола важидан эди. Жанғилдан Раҳим туғилди. Жанғил феъли-автори, муносабати билан ҳам Даркембойга кексайган ҷоғида муносабиб, кўнгилдагидек ҳамдам бўлди. У, эрининг яхшилигини, қардошларига ёқадиган фазилатларини тушунди. Уни беҳад қадрлаб, ғамхўрлик кўрсатиб, чин тилак билан қўшилган дўст бўла билди. Раҳим туғилгандан буён эр-хотиннинг хўжалиги туллаб кеттандек бўлди. Ёлғиз қенжаси ўсиб, «оёқ босиб», одам бўла бошлиған кезда, Даркембой ҳатто қайта яшаргандек бўлиб кетди.

Энди аввалгидек, Абай айтмоқчи куюқ чол бўла бермай, рўзгор-тирикчиликка ҳам, меҳнатга ҳам кўнгил қўйди. Айниқса Раҳим учун, Жанғил учун жони-дили билан меҳнат қилиб, янгича ҳаёт кечиришни ўзига бир бурчдек билди. Табнатан юрагида ўти бор, ғайрати, маҳорати барқ урган, кўп шижаатли Даркембой олтмиш ёшга киргандага белини кўтариб катта фазилатлар кашф этди. Бутун жотоқнинг ишchan устаси ҳар ишни уддалайдиган, ҳормай-толмай ишлайдиган бўлиб олди.

Унинг эндиги ҳаёти шу зайл яшариб, қайтадан янги қанот боғлаганини яқин дўстларининг ҳаммаси англади. Айниқса Бозорали билан Абай очиқ билишди. Шундан сўнг Абай ҳар йили сўядиган бир сўқим ёрдам қилса, ҳар ёз Жанғилга деб битта соғин сигир, иккита-учта бия юбориб турарди.

Хотини келган он Даркембой ишни йиғиштириб қўйиб:

— Жанғил! Уйингга меҳмон келди. Мана кўр, қандоқ меҳмон! Абиш менинг ҳол-аҳволимдан хабар олиб, кўриб келай деб келган-ку. Раҳим билан бориб мол олиб кел. Тезроқ овқат ҳозирла! — деди.

Жанғил ҳам тарафдуд қилмади. Қелиши биланоқ ўйнаб-кулиб Абиш билан сўрашиб:

— Чироғим Абишжон, қуруқ ерга ўтириб қолибсизлар-ку! Қани, туринглар, мен жой қилиб берай! — деб, тезгина уйидан тоза кўрпача олиб солди.

Шу харакат устида эрининг гапини эшитиши биланоқ:

— Уни сиздан олдин Раҳим айтди-ку! Чопганича қўй соғиб ўтирган еримга борибди... «Опа, бўл, қўйингни соғмай қўя қол. Кичик оғам меҳмон билан келди. Бўл тез!» деб, мени қистаб, олиб келди-ку! — деди.

Раҳим уялиб, онасини турткилади-да, «айтма, бўлди, қўй» деягандек ўралашди. Меҳмонлардан юзини яшириб, онасини паналай берди.

Кўнгли яқин, меҳмондўст оила ҳозирлик кўра бошлигар бўлса-да, Абиш буларни чиқимдор қилишни истамади.

— Йўқ, Даке!.. Овора бўлманг, янгажон! Мол сўйишни оғзингизга олманг, қўйинг. Биз кетамиз. Фақат чойпой иссак бўлди. Жуда бўлмаса яхшилаб сут пишириб бера қолинг. Мен гўштдан ҳам қўйингни сутини яхши кўраман! — деди. Дармен ҳам унинг сўзики қувватлаб:

— Даке, янга! Абишнинг гапи тўғри. Келганидан буён отаси билан ҳали дурустроқ сўздашгани ҳам йўқ. Бугун кечқурун овулда меҳмон анча сийраклашиб қолган эди. Абай оғам Абиш билан сўзлашаман деб, кутиб ўтирган бўлса керак. Яхиси, янга, сен ҳозир «Оқ иримчик» қила қол. Унга болқаймоқ қўш... Рост, ўзимизнинг қозоқча «коқлоқ» деган овқатни қилиб бера қол. Менимча, Абиш уни Петербургда ҳар кун еб юрмаган бўлса керак.

Бу гап Абишга кўп маъқул тушди:

— Ўшандан яхши овқат йўқ. Кунда ейиш у ёқда турсин, йилига бир марта ҳам еган эмасман. Ўзи ҳам жуда соғинган овқатим. Янга, ўшанинг ҳаракатига туш! — деди.

Бу уйни у ўз уйидек кўриб гапирди.

Бир оздан кейин кеч кириб, атрофни қоронғи босгач, эркаклар уйга киришди. Уйда кичикрак қозоннинг тагини, қулоқларини ялаб, қуруқ қийнинг ўти гуриллаётган, яллиқ отиб ёниб турган, тўрга эса намат, кўрпачалар солинган экан.

Даркембой эшикда бошланган гапни давом эттирганича кирди. Гап Абишнинг илтимосига кўра, жотоқлар ҳақида кета бошлади.

— Бу жотоқ элингнинг, чирофим Абиш, сўнги икки-уч йил ичида яна тинкаси қуриб қолди-ку. Ўнгдирмай тинкасини қурилди бу икки-уч йил... — деб, Даркембой сўзлаганича бориб, пастгина тўшак ёнига ўтирди.

Абиш унинг ёнига яқин жойлашиб, чолдан кўзини узмай ўтиради.

Хозир у Даркембойдан авваллар сўрамаган бир гапни сўраб қолди.

— Даке, сиздан сўрамоқчи бўлиб юрган бир гапим бор эди. Мана шу жотоқларнинг ёки анави Жигитек қашшоқларининг ўша ҳужум чоғидаги кайфияти қандай бўлди? Оғзидан ўт сочиб турган Такежоннинг беҳисоб молини босиб ҳайдаб келганда, қашшоқларнинг ўзи қандай фикрда бўлди? — деди.

Даркембой Абишга синовчан назар билан эмас, хурсанд бўлгандек қараб қўйди.

— Фикрингни тўғри тушунган бўлсам, «Ўшандай синов чоғида эл деганнинг ҳам таг-туғи билинади-ку. Шуни қандай фаҳмладинг?» деятирсан-ку! — деди-да, бир оз қўзғолиб қозон остидаги ёнаётган ўтни жўнаштириб юбориб, гап бошлади.— Айтиб берай... Айтсам, яна жотоқлардан ёппасига рози бўлганимни айтаман. Қўй-чи, Жигитекнинг Бозоралига эргашиб отланган қашшоқларининг ҳам буюк фазилат кўрсатганлигини айтишим керак. Унинг ўзи бир ўзгача шиор бўлиб чиқди-ку. Ҳақиқий исқирти чиққан қашшоқларнинг шиори эди. Кейинчалик билсам, ўша ҳаракатни Бозоралигина бошламаган экан. Элнинг зардаси қайнаб, ғазаби алангалаңган экан. Мана шу мўмин, меҳнаткаш халқинг ўша иш устида дув силкиниб, қаттиқ ларзага келди-ку!..— деганда, Дар-

кембойнинг кўзларидан ўт чақнаб, учқун отилиб кетгандек бўлди.

— «Бир Такежон эмас, қанча-қанча Такежонлар борку! Мана шу қиши бўйи гувиллаб қўзғолган қаттиқ бўрондек бир тўполон солсак!» деганда, кўп азаматларни ҳатто ўзим ҳам танимай қолдим! Шаҳарда бало улғайиб, ер ҳам ҳай-ҳай сурон, кўк ҳам ҳай-ҳай сурон бўлиб кетгандан кейин, «қўй-қўй» билан зўрға тўхтатиб қолдик. Бозорали бўлса, кўпчилик учун танҳо ўзи борди-да, ёлғиз бошини талашга солди. Орқасига эргашганларнинг бирортасини ушлатмади. Ўзи ҳам қилич дамидек хатар устида юрди. Унинг учун бу дўзахнинг қил кўприги бўлди-ку? Шу жиҳатларини ўйлаб Абулғози икковимиз бости-бости қилиб қўйдик. Бўлмагандан, «бира тўла ўртаб юборайлик-да, сўнг ўртанайлик! Бу лаънати кунга шунинг билан алвидо айтиб қўя қолайлик!» деганда, мана шу жотоқларнинг ёш болаларидан тортиб, чимилидидан янги чиққан келинигача тош-метин бўлиб қаттиқ туриб олса бўладими? — деб ўз атрофидагилардан, айниқса жотоқлардан миннатдор бўлганини муфассал айтиб берди.

Шодлиги ичига сифмаган ҳолда, у, яна Жигитек қашшоқлари ҳақида гапирди:

— Эрни эл туғдиради. Атрофи, яшаган шароити ўтсиз бўлса, йигит ўтни-қаердан олади? Бозорали ҳам жавоб гар, ҳам вакил сифатида ёлғиз ўзи бориб, эл ичига мисли кўрилмаган ҳукмни олиб келди. Такежоннинг ҳар йил қисига иккитадан беш ёшлик от бериладиган бўлди. Ўшани фақат бир кўкламнинг ўзида тўлашмаса, ёлғиз Бозоралигина эмас, қанча-қанча азаматнинг шўри қайнайдиган бўлди. Бу ҳолни кўриши биланоқ Жигитеклар, мана шу жотоқларнинг ҳаммаси бирдек яна тишини-тишига қўйиб, чидаб тура берди. Кўчиб юрган унча-мунча улови бўлганлар ҳам жотоқ бўлиб, ўқ теккандек ер тишлаб ётиб қолди. Лекин чурқ этиб сир бой бермади. Кучкүввати бўлган эр-азаматлар Иртиш бўйлаб, ёлланиб, русларнинг ичига кетди. Аммо, ҳар қалай, эл бирлигидан, қайсарлигидан қайтмади. Мана бу иккинчи синов, узоқ-қа чўзилган ҳақиқий оғир синов эди. Бу камбағаллар уни ҳам кўрди. Кўрди ҳам, кўтарди ҳам. Шу ёшга етгунимча меҳнат аҳлидан бутун вужудим билан рози бўлганим шу. Ростакам, ўринли буюрса, ташланиш керак бўлган ёвни аниқ танитиб берса, бу шўрлик ҳалқ ҳар ишга ҳам чидар

экан. Қенг сағрилик қора норим экан деб қўйдим!.. Ӯшандан буён йўқчилик дарди аригани йўқ. Қайтага йилдан йил баттар бўлаётир. Бироқ бундан ортиқ нима керак, ўша синов белимни синдириб кетмади. Аксинча, белимни кўтариб кетди. «Худога шукур, ҳаётнинг эндиги икирчикир йўқчилик, сиқиқлари гап дейсанми?» — деган таваккалга келдим. Қўйчи, мана шу айтганларим ўзимнинг ҳам сирим, ҳалқнинг ҳам сири, болалар! Ҷумла ётмишга яқинлашган пайтда қўл ҳунарига, ишчанликка бош уриб ўтиришимнинг сири ҳам шунда! — деди.

Абиш Даркембойда бўлган бу фазилатни томоша қилиб ўтириди. Бунинг ҳаммасини ҳалқнинг сифати деб биллиб, ичидан Бозоралига нисбатан зўр ҳурмат сақлади.

Даркембойга дўстларча зўр ишонч билан ихлос қўйтган Абиш, ҳозир рус ҳалқининг деҳқонлар ҳаракатидан, намойишларидан ҳар хил ҳикоялар айтиб берди. Ернинг торлигидан, ҳокимларнинг зўрлигидан, муштумзўр-бўйни йўғон бойлар, ота-оналарини қул билан оқсоқ қилиб олиб кўрсатган ҳўрлигидан тутоқиб, ғазаби ўт олиб, кучли қаршиликлар кўрсатадиган рус деҳқонлари жуда кўп экан. Уларнинг ўз элларидаги устуклари билан ҳокимларига қарши курашлари бир неча юз йиллардан буён давом этиб келаётган экан. Шуларнинг қаторида Екатерина деган хотин подшога қарши Пугачёв курашиб ўтганини ҳикоя қилиб берди. Мана шу сўнгги замониннинг ўзида, худди шу ўн йилнинг ичидаги ҳар уезддаги деҳқонларнинг қарши чиқиб курашганларини айтди. Ҳаммаси бўлиб олтмишга яқин губернада деҳқонларнинг уч юздаи ошиқ қўзғолони бўлибди, деганда Даркембой хурсанд бўлиб, аничагача кулиб ўтириди.

— Асли гап шу-да, бизлар мана бу Бозоралининг ўтган йилдаги ишини «юз йил мобайнида қашшоқлар шу зайлда қаршилик кўрсатган эмас» деган эдик. Қоронғу бир тупконнинг тагида-а, қозоқ саҳроси деганинг ўзи Нимани биламиз? Биз бу ишимизни аллақандоқ бир иш десак, олтмиш губерна деяпсанми, бўтам?! Унинг ўзи бир подшоликдек-ку! Ӯшанда уч юз марта чўқмор кўтариб қарши турганда ҳам, унинг ҳар бири кам деганда бизнинг Бозоралининг ишидек-ку! Мана буни сўз деса бўлар экан! Аслида меҳнат чиққан ердан чидам ҳам, унум ҳам мўл чиққади-ку? Рус ҳалқи ўrnak бўладиган ҳалқ-ку! Абай «билим ва маърифатни руслардан оласан, кеинги насиllар рус деган сўзни юксалиш деган сўз деб

билидиган бўлади» дейди. Бекорга айтмайди-да ўшани, билиб айтади-ку.— деб Даркембой сўзини тамомлади.

Абиш энди Даркембойдан Бозоралининг ҳозирги аҳволини сўради.

Даркембой унинг тўғрисида ҳам, Шуйгинсудаги жатоқ бўлиб қолган қашшоқлар тўғрисида ҳам гапириб берди.

— Такежоннинг ҳамма жаримасини батамом тўлаб қутилган бўлса-да, кўп қашшоқлар то шу кунгача йўғонустун овулларнинг қаҳрли назаридан четда қолмабди. «Нега тентираб кетмайсан?», «Нега эшигимга хайр тилаб келмайсан?» «Ириб-чириб, тўзғиб кетмай, ҳали ҳам эл бўламан деб, нега бош қўшиб ўтирибсан?» дейишса керак. Айниқса Такежон, Азимбой, Мойбосарлар шу кунга қадар уриб-туртиб, нихтаб ўтиб, муштлаб кетиб юрадиган кўринади. У қилиғини бизнинг жотоқларга ҳам қилади. Худога қараганидан эмас, фақат Абайдан сал ҳайнқ-қанидан омон қўйиб юрибди-да. Бўлмаса: «Кеча овумини қўша чопишидинг, бола-чақанг билан хони-монингни ўртаб юборсам арзийди» деган гапни Азимбой ўзимга бир эмас уч марта айтди. Ҳали ҳам еримизни еб, экин-ничанларимизга йилқисини қўйиб юбориб, ҳар қалай зин-ён-заҳмат етказишининг пайида,— деди.

Гап яна бир айланиб Бозорали ҳақида кетганда, Даркембой ундан яна бир хурсанд бўлган жойини айтиб:

— Уразбой деган кўр амалдор бор эмасми! Утган йили Ўспондан кўрганини гўрга кирса унутадими! Бир томондан олишадиган душманини белгилаб, бир томондан унга кўрсатаман деб тиним топмай лашкар тўплаб юрибди дейишаётир. Фақат Чинғиз эмас, қўшни эл Буғилидан, унинг нарёғидаги Шоғон элидан ҳам қўлига чўқмор бўларлик йўғон-йўғон ошналар топиб юрибди. Бу томонга ўтиб, Қўнғир-Қўкшедан, беҳисоб Мамайдан, Мирзажўкендан ҳам тинмай ёнига одам тортаётир. Тўбуқтининг ички чамбарипи ўзиники қилиб олиш ниятида, яна Жигитекларга илмоқ ташлаётир. «Қунанбой болаларининг ўртасини бузсам» деганда, кўкси тарс ёрилади. Шундай мўлжаллардан биттасига ишлатиш ниятида Бозоралига киши юборибди. Яқинда Абулғози келиб кетган эди. Бозорали ўзининг бор жавобини ҳам, душманнинг бор сирини ҳам менга атайин айтиб юборибди!— деб, насвойидан бир чимдим олиб ҳидлади.

Бу пайтда Жанғил овқат ҳозирлаб, чой тайёрлаб юрган эди. Дармен оғасининг гапини Абиш батамом эшиксин дегандек, сұхбатнинг узилиб қолишини истамади. Шунинг учун Абишга Даркембойнинг гапини очиқроқ тушунтириди. Унинг бу тапи оғасига ҳам «давом этдира бер!» деяётгандек ишора бўлди.

— Бозекенг бу киши билан кўп сирдош, ҳамдард, яқин одам-да. Эшиксин, яна Абай оғамга ҳам эшидидиб қўйсин деган бўлса керак! — деди.

Даркембой Дарменнинг зийраклигидан хурсанд бўлиб:

— Дарвоқи, тўғри айттаётисан. Орқасидан қуршаб олиб, банди қилишга ҳозирланиб юрган душман бор. Абай «гафлатда қолиб, панд еб юрмасин» деган бўлса керак. Узи Үразбойга жавоб қилганда: Үразбойга салом айт, мени маймун қилиб ўзи тулки бўлмоқчи-ку. «Тулки маймунни ошна қилиб, сафарга чиқибди. Нима жафо бўлса бирга кўрайлик, қандай таом дуч келса баҳам кўрайлик» дебди. Иккови кетаётса, бир темир қопқон учрабди. Ўртасида қип-қизил гўшт турган экан. Тулки маймунга: «Меҳмонимсан, мен билан ҳамроҳ бўлиб чиққанинг шу, йўл сенини. Ана у гўштни сен ея қол!» дебди. Маймун қопқоннинг сирини билмай, оёқ қўйиши биланоқ қарс этибди-ю, темир қолқон оёғидан шаппа ушлабди қолибди. Гўштни тулкининг ўзи илиб кетибди. Шунда маймун зорланиб: «Нима бўлдим, шўрим қуридику-а!» деса, тулки уни юпатиб, насиҳат қилибди.... «Бахт икки хил бўлади. Биттаси—бошга, биттаси оёққа қўнади. Мана бу сенга қўнгани ўша кейингиси! «Тепкиласа кетмайдиган темир бахт деган шу» дебди. Ўша айтгандай, Үразбой «Жигитекни алладим» деб юрибди-ку. Алдагани рост бўлса, мени ўна темир бахтга эриштирган. Мечал бўлиб элим ётибди. Тўшакка танғиб қимирлатмай белим ётибди. Темир бахтга эришган қашшоқ халқ эди-ку. Мен ўша халқнинг биттасиман. Ҳовлиқмайман, ҳовлиқмагандан кейин балосига ҳам йўлиқмайман. Ошиниб-тошинмайман ҳам. Яна «арауз бўл, ёв бўл» деб менга қарши қўймоқчи бўлаётган кишиси Абайдир-да. Биз Абай билан душман эмасмиз. Қанча-қанча синовлар ўтган. Абайга қарши хиёнат йўлига ўтган эмасман. Ҳали ҳам хиёнат қилмайман. Биродарлар энди мендан овлоқ юрсин!»— дебди.

Даркембой сўзида давом этаркан, «оқ-лоқни» Абиш-

нинг олдига яқин суріб қўйиб, меҳмонларга яхши илтифот кўрсатишни ҳам унутмади. Товоқ-қошиқ йиғилиб, чой ичилётган пайтда яна бир гап айтди:

— Абулғози айтди. Уразбойга шундай жавоб бериб юбориб, «кунлардан бир кун келар, тирик бўлсан, ҳозирги Жигитек боласининг Абайга душманлик қилмай, дўст бўлиб бирлашганини кўрарман. Бейсемби, Абдилдаларга сўзим ўтмас, лекин уларнинг алдашига учиб юрган Жигитек боласининг ахир бир кун эси ўзига келар. Ўшанда менинг насиҳатим кор қилган қашшоқ қариндошлигининг чамбари тулашиб, сони кўпайганда, бутун элим Абай билан ҳамкорликда топишар. Ягона тилак тарзида орқамдан қолдириб кетадиган васиятим ҳам шу. Туғилганимдан буён мана бугун ўлар ҳолатда ётган кунимга қадар, Иргизбой билан Жигитек зўравонлари эл билан элни бирлаштирумай, икки томонга айириб келишди. Уразбой билан Жиреншелар Абайга қарши душман тўплашганда, Чинғиз элининг ичидаги ҳақиқий суюнчим Жигитек эли деб юришибди. Бироқ бугунги Жигитек аввалги Жигитек эмас. Ҳозирги Жигитек мўмин, қашшоқ, меҳнатга берилган Жигитек. Буларнинг душмани Абай эмас. Буларнинг дўсти Даркембойнинг жотоқлари эканлигига ҳам кўзимиз етган»... дебди. Бу гапи Абайга ҳам, менга ҳам ишора қилаётган бир янгилик деб уқдим! — деди.

Эл ўртасида кўп балохўр ғаломуслар ёқиб юрган душманлик ўти бор. Ўшани ўткир кўзи билан кўриб, билиб ўтирган Даркембой, бу гапларни Абиш орқали Абайга билдираёттир.

Шаҳардан келган илм ва маърифатли, янги қувватли, янги ғайратли болага кекса дўст бу гапларни атайин айттаётган экан.

Абиш аҳволни яхши тушунди. Дармен иккови эл ётар вақтида эшикка чиқишиб, Эрали даласидан аста-секин ўтиб келишаётганларида, бу гапларнинг давомини ўзаро анчагача сўзлашиб кетишиди.

Олисроқ ерда ғуж-ғуж жойлашган овулларнинг кечки оловлари кўринди. Сокит жимжит кеча. Ҳатто шабада ҳам йўқ. Фақат хиёлгина намуҳшлик сезилади. Тепада тўлин ой чараклаб нур сочиб турибди. Юлдузлар ҳам йироқдан сочиб юборилган учқундек милт-милт этиб кўринади. Бироқ кўк саҳни бошқача кенгайиб, беспоён жаҳон бор бўйи чараклаб яшнаб турибди. Кўрикка чиққан сиҳрли олам одамнинг заиф фикри ва хаёли билан ўйна-

шәётганга ўхшайди. Кўз косасига, идроқ доирасига сиф-майдиган коинот барча одамларнинг идрокини мана шу тиниб, мароқ билан боқаётган буюк сукунатнинг ўзи билан ҳам кичиклашириб, заррадек эътиборсиз қилиб, ўзи-га тобе этиб тургандек туюлади.

Сутдек ойдин кечак олами одамни заиф, бўлмағур, қимирлаб юрган қурт-қумурсқа сингари қилиб, ожизлаштиргандек бўлади. Астрономиядан анчагина хабардор бўлган Абиш юлдузлардан планеталарни айриб қараб, ҳар бир юлдузнинг ўзи бир қуёш системасидек на ўлчаб, на етиб бўладиган бир оламдан иборатлигини ўйлаб хаёл суриб кетди. Шундай юлдузлар мириада бўлганда, ер фақат ёлғиз бир нуқтадек. Ўйлаган сайин ернинг бошқа планеталар олдида ҳеч гап бўлмай қолишини эсга олди. Ундаги одам-чи? Аллақандай Тўбуки-чи?

Абиш истеҳзо билан жилмайиб қўйди. Ернинг товуши, дами-нафасига озроқ қулоқ солди. Онда-сонда салмоқ билан ҳураётган итларнинг овози келаёттир. Биттаси йироқдан, биттаси яқиндан галма-гал ҳуриб, у четдан бу четга товуш бериб, хабар қилаётган тунги ҳаёт аломатларини билдиради. Онда-сонда соқчи-кузатчи эркакларнинг ҳайқирган овози эшишилади. Ўқтин-ўқтин қиз-жувонларнинг нафис, тиниқ овози, куйлари-кулгилари қулоққа чалиниб қолади. Орқанинг кечалари кўкимтири товланиб турмай, қоп-қора соя ташлаб тургандек, қоронғу бўлади. Бироқ мана шу бугунги кечака ундоқ эмас. Бир ўзгача кўкимтири-оқиш кечака.

Ешлар келаётган саҳронинг ўт-ўланли жоълари қоп-қора сиёҳдек бўлса-да, ёвшон, эрмон билан қопланган баъзи ерлари оқиш тортиб турибди. Ой ёруғи остида кумуш рангга кириб сўнук-сўнук товланаёттир.

Тип-тиниқ кечада, оқиш филғонли дала унсиз, шарпасиз тўлқинланиб турганга ўхшайди. Ой ёруғи остида оқиш тортиб ётган дала ҳароратсиз, шуъласиз, бир хил, хирагина нур беради. Фосфор шуъласидек билинار-билинмас нур сочади. Ёвшон, талҳа, ғоз ўтларининг ҳиди ҳам баъзи-баъзида димоққа урилиб кетади.

Даркембойнинг суҳбатидан оғир хаёлларга ботиб чиқ-кан Абиш овулга етишга шошилмади. Сукут ичида ҳўр-синиб қўйиб, оламни томоша қилди. Соғинган эл, соғинтирган яйлов фасиллари, мана шундай кечалар унга яна қайта бўлмайдигандек, яна қайтиб уни ҳаяжонга солиб энтиктирмайдигандек туюларди. Ундоқ эмас экан.

Агар кўнгилни ғаш қиласидиган хаёллар бўлмаса, бугун Абиш отга миниб олиб, отнинг бошини қўйиб чоптирар эди. Тинмай ўйноқлаб, яйраб, жавлон уриб, қизиқ-қизиқ, номаълум бир тун туманини қувалар эдими! Туш туманидек жумбоқ онни борлиғи билан завқланиб ўтказар эдими! Алланимага, аллакимга дуч келишни қумсар эдими...

Шу сингари бир нафас енгил тортган ёш, жўшқин кўнгил билан Абиш кўпдан буён кўнглидаги қийнаётган гапни сўради.

— Хўш, Дармен, Мағрифа қалай? Нега ундан оғиз очмайсан?

Дармен ўша он:

— Мағрифага нима қилибди, Мағрифа қандай бўлса, шундай ўтирибди, Абиш! Үзарган ҳеч нарса йўқ. Мағашнинг хатидан ҳаммасини ўзинг биларсан деб, индамай келаётирман-да!

— Мағашнинг хатини мен қишининг бошида олганман. Ундан буён етти-саккиз ой ўтиб кетди-ку?

Дармен Абишнинг кўнглидаги шубҳасини дарров англади.

— Ойлар у ёқда турсин, йиллар ўтса ҳам ўрнидан силжийдими? Энди билдик Мағрифа сенга қўйган чин кўнглидан асти айнимайдиган кўринади. Утган йили менга айтган бир оғиз гапнингга ишонч ҳосил қилиб, суюниб қолибди-ку! Үзи сенга жуда муштоқ кўринади.

Абиш унинг гапини бўлди-да. енгилгина хўрсиниб қўйди.

— Лекин мен ҳали ҳам бир қарорга келганим йўқ. Ҳали ҳам саҳро ҳушидек йироқдаман. Олдимда яна бир йил бор. Ундан ўёғига яна ким билади, нима тап бўлади? Белгисиз кутдириш, адолатсизликдек кўринади...

— Рост, ота-она, қариндош-уруглари Мағрифанинг ипсиз боғлангандек бўлиб қолганига сиқилаётган бўлса керак. Лекин бизнинг овуллар унинг бошини очиб, жавобини бериб юбормоқчи эмас. Утган йил бўлмаса бу йил... Жуда бўлмаса, ўша ўзинг айтган эндиги йил бўлса ҳам, ҳар қалай, фотиҳа қилиб қўямиз деб юришибди. Мана энди шу йил Мағашни умидвор қилиб, аҳду паймонни бир жойга қўйиб кетмасанг, униuzeқ вақт қийноқда қолдирган бўласан. Фақат шуни айтмоқчи эдим. Мағрифанинг ҳолини ўйламасанг бўлмас, Абиш! — деб гапни тамом қилди.

Абиш бу гапга қарши жавоб қилмади. Аксинча, бош эгид қўйди-да, нима учундир қаттиқ хўрсиниб, қўлини кўксига қўйди. Дарменга жавоб қилмади. Уз фикрича, «соғ бўлган тақдирда ҳам Абиш худди мана шу пайтда ўзининг уйланиши ҳақида оғиз очолмас эди. Унинг кўнглида бугун кечқурун Даркембойдан, Дарменнинг ўзидан эшитиб билган эл дарди. Отасининг қайғуси яна ёдига тушди. Мағрифа тўғрисида ҳали Дармен айтган энг сўнгги гап ҳам қийнаётир. У ҳақда йигит энди бир жавоб айтишга мажбур.

Бироқ, овул таъзияли, ота кўнгли ундан ҳам ярали. Яна атрофни жоҳил зулм қуршаб турганидан хабарсиз... бу ҳақда ҳам ўйлаш керак... англаш керак. Абиш ғамхўр фикрлар билан қизишиб ошиқади. Кўзига кўрингудек бўлса, кўп чигал тугунлар билан ҳозир ўзи олишгудек бўлиб, ғазабланиб тутоқиб ҳам кетади... Бир вақт унга мароқ билан тикилиб келаётган Дарменни қўлтиқлаб:

— Дармен дейман, бу ёвузликларга ҳеч чора йўқ экан-да. Шўрлик жафокаш бепоён саҳронинг эгасизлигини қарасанг-чи!.. — деб, хўрсиниб қўйди,— эл ичидаги Уразбойни қувватлайдиганлар бор. Яна улар кўпчилик, шундай эмасми-а?

Туманга чулғанган ҳиссиётга берилишни қўйиб, бутунги оғир, ғамгин ҳақиқатга кўчди.

— Дарҳақиқат шундоқ. Абиш эшитдинг-ку... Бироқ Дакенг унча очиб гапирмади. Ундан эшитганларинг бу гапнинг учигина.

— Хўш, Уразбойдан бошқалар ҳам ўшанга ўхашаш ғаломус, безориларми? Бу Чинғизда кимлар шундай?

— Кимлари борми? Ундаилар йироқдан ҳам, яқиндан ҳам топилади...

— Йироқдагиси ким? Яқиндагиси қайси бири, ҳаммасини айтиб бер-чи!

— Мисол учун йироқдагиси — Жиренше, яқиндагиси — қўй-чи, анави уйининг тепаси кўриниб турган ўз овулинг—Такежон.

— Такежон ҳамми? У ҳам тиниб-тинчимай, пай қирқишига тушганми?

— Йўқ, унинг душманлиги бир бошқача. У ҳозир очиқ душманлик қилаётгани йўқ. Ҳар ерда бир нишонга олиб, ўқ узадиган жой ҳозирлаб юрибди... Лекин Уразбой, Жиреншелар нақадар тинмаётган бўлсалар, бу элнинг ичидаги Такежон ҳам худди ўшалардек.

— Хўш, шунда қандай ишлар қилаётир?

— Қандай иш қилаётганига кўп далил келтириб ўтирамай қўя қолай. Фақат битта мисолга қулоқ сол... Мана шу йил кўклам, эл ҳали қистовдан кўчмаган пайтда, Жиренше бир гала одам билан меҳмон бўлиб, Аслбекнинг уйига боради. Кўклам чиқиб келаётган пайтда сур гўшт ейиш, ҳар қаерга бориб меҳмон бўлишлар бор-ку. Асл оғангнинг уйига боришлари билан саломлашиб бўлмасданоқ Жиренше:—Ҳ-а-а, бойқушим. Дамингни чиқармай, қимирламай ётибсанми тош тагида... «тагини ўйлаб ётибсан-ку бой қушга ўхшаб-а!» деб кулиди. «Бойқуш дамини чиқармай, қимирламай кундуз ётиб, кечалари озгина учади. Сен нега қимирламайсан» деб сўраганда, «мен тагини ўйлаб тинч ётаман» дер экан-ку. Қозоқлар шундай деб гапиришади. Асл оғанг буларнинг гиж-гижлатишига учмай юрган, мўмин одамларнинг биттаси бўлса керак. Ўразбой ўша гап билан бизга эргашмайсан деб кесатган-да. Асл оғанг Жиреншега ўша он жавоб берибди. «Ҳ-а-а... сен ҳам юрибсанми, попишагим!.. Ҳар қийнинг тагига бир бориб, попишакка ўхшаб «пис» этиб қўйиб, Улжайни туртиб уйғотиб юрибсанми, попишагим!»—дебди. Кўрдингми, Абиш!? — деганда, Абиш ҳам, Дарменнинг ўзи ҳам хахолаб кулиб юборишиди.

Абишнинг кўз ўнгидаги ола қанотли, соқов кўкак — попишак гавдаланди.

— Ё пирим, буларнинг усталигини қара! Тилини кўр, топган йўлини кўр!... Ҳиёл баҳслашиб бир-икки оғиз гап билак қанча ишларни англата билган иккови-да? Дармен дейман, бу шунчаки гап эмас, усталик билан олиб борилган баҳс-ку. Подшоликлар ўртасида юрадиган катта-катта элчилар бўлади. Уларни дипломатлар дейилади. Ўруш, сулҳ, савдо, турли-туман келишмовчиликлар ҳақида бўладиган бор гапни икки подшолик ўртасида ўшалар олиб боришиди. Кўп чечан, тили ўткир, гапга келганда устихони йўқ одамлар ўшалар бўлади. Мана бу асл оғанг билан Жиренше ўшаларнинг энг чевари, учига чиққанларидан биттаси-ку!..— деб яна ҳайрон бўлганича Абиш кулиб келаётib, ҳалиги сиқинтиликни унтиб бир хуроса чиқарди.

— Оббо, санъаткорлар-эй! Шунчалик ақли, шунчалик моҳир бўлатуриб, қандоқ чидаб ўтирсин! Қани эди бу қобилиятни яхшиликка ишлатса?.. Яхшилик қаёқда? Ҳам авом, қоронғу, ҳам ёввойи, гаранг саҳро ана у. Куни

туғмай юрган шұрлік саңъат... Емонликка ишлатмай ни-
мага ишлатади?! — деб кулиб юборди.

Дармен Абишнинг фикрига, шунчалик синчиклаб му-
лоҳаза қилишига ҳайрон бўлиб келаётир. Унинг назари-
да, Абиш ҳозир маълум фикр эгаси, ҳар нарсани негизи-
гача кўра биладиган одамдек туйилди. Ичидан илм ва
маърифат оқартирган ёш йигитнинг ҳар жиҳатдан нақа-
дар камолга етганлигини ҳис этди. Катта бир дўстлик
яқинлик қилиб, Абишнинг қўлини қўлтиғи билан қаттиқ
қисиб қўйди.

Энди Абиш ундан Такежон ҳақида сўради. Дармен бу
масалага келганда, билганларининг ҳаммасини очиб айт-
мади. Яқин қариндошлар ўртасидаги совуқ гапни кўпай-
тиргиси келмади. Лекин Абишни мутлақо хабарсиз қол-
дириш ҳам тӯғри эмас деб биларди. Анигини Мағашдан
эшитаётган бўлса-да, ҳозир Дармендан кўпларининг ичи-
да сақланиб келган баъзи режаларни билиши керак эди.

— Такежон оғанг режа тузиб юрибди дейишади...
Буни кўз билан кўрмагандан кейин бир нарса дейиш қи-
йин... Ичдан айнишга айниб олган-ку, лекин сиртдан сез-
дирмай, ўзича бир баҳона топилишини кутиб, пайт пой-
лаб юрибди дейишади.

— Бу қандай гап, Дармен? Тушуниб бўлмайди-ку...

— Қисқаси, Абай оғам билан мана шу таъзия кути-
лаётган йилда айрилиш, шармандалик бўлади-да. Ўша
томонларини ўйлаб тортиниб турибди. Иккинчи томон-
дан, Ўразбойлар: «узил-кесил жавобини берсин. Ишимиз
тиқилинч. Қўшилмаса четда қолгани»... — деб шошира-
ётган экан. Энди шунинг учун Абай оғам билан хафала-
шиб, айрилишнинг чорасини излаб, худди мана шу кун-
ларда ўша баҳонани топган эмиш, дейишади.

— Қандай баҳона экан? Яна қандай чир чиқармоқ-
чи?

— Баҳонаси — Ўспоннинг моли·мулкини бўлиб олиш
тӯғрисида!

— Бўлиб олиш?!.. Ўспон оғамнинг ўлганига ҳали йил
бўлмасдан, кўзига тупроқ тўлмасдан-а?

— Нимасини айтасан! «Айрилар дўст эгарининг орқа
қошини сўрайди» дейдилар-ку. Шу тӯғрисидан Абай
оғамга тиқилинч қилиб қийнаб, бир чатоқ чиқариб, шу
баҳона билан душманлар томонига ўтиб олмоқчи дейи-
шади-ку. Уни қандай гап, қандай нарса тӯғрисида чиқа-
ради? Уёгини яқин күнларда рўй берадиган иш ва кай-

фиятдан ўзинг ҳам кўрарсан! — деб, Дармен уёғини очмади.

Абиш ҳам эзмаланиб сўраб ўтирумади. Сир энг чигал тугунга етганда, «қолганини отам билан Мағашдан эшиганим маъқул» деб билди.

II

Куз тушиб қолган. Чинғиз сирти яйловларидағи эл батамом кўчиб Эралига келди. Ёndoш қўнислар, кузевларга ҳам қўшни овуллардан кўпчилиги келиб ўрнашганди.

Успоннинг овулига фотиҳа ўқувчилар яна кўп келиб, дастлабки бир ҳафта, ўн кун меҳмон кутиш билан ўтди.

Успоннинг овули ҳозир Уйқудуҳда эди. Такежон, Абай, Оқперди, Мойбосарларнинг овули ҳам шу ерда. Бу овулларнинг қулунсиз йилқилари алоҳида яйларди. Уларни ёйиш учун мол эгаларидан ёшлари Азимбой, Мойбосарнинг ўғли Аҳмеджон, Оқпердининг ўғли Мусатой яна шуларга ўхшаш бойларнинг болалари куз фаслида катта уйлардан бўлиниб, бўйдоқ йилқини саралаб олиб, Қашқабулоқ, кичик Қашқабулоқ деган, сувга сероб жойларга кўчишган. Бу қўнислар Уйқудуҳдан йироқ эмас, Сариадр Шўлпон деган яssi тоғлиқларнинг ораглиғида.

Яқинда бу водида кўрилмаган бир тўпалон юз берди. Бу воқиа ҳалиги Шўлпон Сариадрнинг нариги бағрида ўтирган қашшоқ деҳқон овулларининг устида бошланди.

Уша иш рўй беришдан бир кун олдин қашшоқ овулларда ҳеч қандай фалокатнинг аломати йўқ эди. Аксинча, жафокаш меҳнат аҳлиниң ҳудди шу кунларда чироий очилган, озгина кунда етишай деб турган ўзгача юпанчиғи бордек кўринарди. У — пишиб чайқалиб турган экини. Бу йил ёғингарчилик бўлгани учун, экин текис чиққан эди. Айниқса мана шу Шўлпон, Қашқабулоқларнинг этагида, Тайлоқбой қудуғининг атрофида жуда ажойиб серҳосил экин ўсади.

Бу ерда олтмиш хонадоннинг йигирматача жойда экини бор эди. Бу йил Бозорали, Абулғозилар ҳам шу ерга экин экишган. Кўп овуллардан бўлиниб қолиб кўчган қашшоқларнинг ҳам ярим ер, чорак ердек ҳиссаси бор. Ўроқ маҳали яқинлашиб қолган пайт, экин теп-текис

сарғайған. Бироқ дәхқон Даркембой:—«яна бир ўн кун туринглар, олтиндең сарғайсін... Чидаб тур, камбағаллар» — деб тұхтатиб турғанди.

Аммо күп уйлар ночор, соғиб ичарлик моллари — битта-яримта қүй-әчки бұлса сутдан чиқа бошлаган. Шунинг учун әкин батамом пишгунча очиққан хонағондарнинг сабри чидамай ўз ерларидаги пишган бошоқлағарни этаклаб териб келиб, құл билан ушалаб, оз-оздан буғдой олиб, ўшани қовирмоч қовириб чол-кампирларға талқон қилиб беришади. Еш болаларға қовирмочдан овқат қилиб берішади... Текис пишмаса-да, пишган-пишганини териб олувчига оз-озгина әқинлари шундай насибаны бера бошлаши катта дармон бўлган. Сўнгги кунларда ҳар уйда гуриллаб ўт ёқилиб, қозонида патрилатиб буғдой қовирилади. Уғир дўқиллатиб талқон қилинади. Ҳар бир оиласа ёш жувон ёки ўғил боласи бўлса, кичкина иниларини, сингилларини эргаштириб бориб, кун бўйи ўша пишган буғдой ичидан бошоқ теришади. Бугун ўша болалар орасида Асан билан Усен ҳам бор. Энасидан рухсат олган икки бола ўзларининг озгина әкиннинг четига кириб келишди.

Бу йил Асан — еттига, Усен — бешга чиққан. Икковиңнинг ҳам юзлари, оёқ-құллари офтобда хўп куйған. Асаннинг кўйлак-иштони бор, Усенда кўйлакнинг ўзи холос.

Әкин ичига киришаётгандарнада Асан укасига қайта-қайта тайинлаб дейди:

— Пишган буғдойнигина оламиз. Сен тегма! Мен биламан, бошингина узиб оламан.

— Ҳеч-да, мен нима қиласман? Энам менга ҳам тер деган.

— Сен пишганини билмайсан. Бўлмайди-да ахир. Иш бузилади, пишмаган буғдойни юлиб олсанг, ғўр бўлади. Ейишга ярамайди.

— Менга сен кўрсатиб бер, пишганини оламан.

— Йўқ дедим-ку, шундай қиласиган бўлсанг энди сени олиб келмайман. Бўлмаса, сенчи, этагингни ушла... Мен узиб оламан, сен этагингга сол, бўптими Усентой?

— Бўпти! — деб келишиб, улар баланд бўйли буғдой-поя орасига эҳтиётлик билан кириб кетишли.

Асан кеча энаси билан териб ўрганганидан, бир иккита бошоқни билиб узиб олди. Усенга бераётib:

— Буғдойимизни босиб ташламайлик, синиб кетса ёмон бўлади. Бекорга нобуд бўлади. Сен бошоғини син-

дириб қўйма, менинг изимдан юр. Битта буғдойни синдириб қўйсанг, бундан кейин энам юбормайди! — деди.

Иккови тинмай сўзлашарди.

— Уйда энам яна буғдой қовиради,— деди Усен қорни очиб. Яна қовирмоқ егиси келди. Ўзи бир бошоқقا қўлини чўзиб, синдириб олай деди-ю, Асанга қараб, қўлини қайта тортиб олди. Асан ҳам унинг ҳаракатини пайқаб қолиб, «стегма!» деди,— яна энамнинг ўзига кечагидек талқон қилиб берамиз... Сутта қорса қандай яхши? Ширин бўлади-а?

— Ширин! — деб, Усен кеча энасидан қолган талқонни еганини эслаб келмоқда. Иккови экиннинг қачон батамом пишиши ҳақида сўзлашади.

— Ук кундан кейин ўрамиз. Даркембой отам айтди!— деди Асан. У энасидан эшитган гапни айтди.

— Ундай бўлса, Дармен оғам яна ўзи келар эканда,— деб Усен Дарменни эслади.

— Ўзи келади. Ўтган куни келиб энамга,— ўн кундан кейин ўзим келиб, ўриб бойлаб бериб кетаман, деб айтиб кетган,— деди.

Асан ҳам Дарменни ўз отасидек, энг яқин одамидек кўради. Дармен Ийс кампирнинг етимларини ўтган йил Такежон овулида бўлган можародан кейин ўз жигаридек кўрарди. Ўзи бўлса, ҳали уйланмаганди. «Шу шўрлик гўдаклар ҳаммадан ғариб бўлишди-ку. Мен бўлсам оёқ-қўлим бутун азамат эканман. Ҳеч бўлмаса мана шу етимчаларга паноҳ бўлайин» деган қарорга келганди.

Юзидан шулар учун қон оқиб, тамға тушганда «қоним ҳам шуларнинг қайғусига қорилди-ку, беҳуда кетмасин!..» деб аҳд қилганди.

Бу оиласи ўша йил кузда Такежон овулидан кўчириб келиб, Даркембойларнинг ёнига ўрнаштирди. Қиши бўйи топган тутганини бўлиб, Ийс кампирникига бир тана, уч қўй, сўқим сўйиб берди. Шаҳарга бориб илгари болалик чоғида ўзлари турган Белоғошдан озроқ озиқ олиб келди. Ўша ерда илгари ёш йигитлик чоғидагидек рус деҳқонларига ёлланиб, куз бўйи ўроқ ўрди-да, ҳақига буғдой олиб, ўлжа билан қайтди. Ўшани Даркембой билан Ийс энага бўлиб берди. Етимларнинг қишлиқ озиқ-овқатини ғамлаб берди. Яна ўша озиқдан уруғлик қолдириб, ярим ерга буғдой, чорак ерга тариқ экиб берди.

Энди, ҳалиги болалар айтганидек, у яқинда яна келиб: «ўроқ маҳалида ўзим келаман» деб кетганди.

Иккита бола бошоқ териб юриб тариқлари ҳақида ҳам сўзлашарди.

— Гўжа бўлади.

— Тариқ гўжа қандай яхши-а!

— Сут қўшилса ундан яхши овқат йўқ-ку! — дейишб болалар кичик бошларига тушган очлик азобининг аламини унутмаганларини сездиришарди.

Шулар сингари болалар билан қизчалар ҳам қатордаги экинзорларда бугунги овқатга етарлик бошоқ териб юришганди. Бу ерда ўтган йил Азимбой, Маниклардан жабр кўрган Қангбоқ, Тўқсон, Жумирларнинг ёш болалари ҳам бор эди.

Бозорали, Абулғозиларнинг уйидан келган кичкина дэхқонлар ҳам кўринарди. Дарҳембойнинг ўғли Раҳимтой ҳам бошоқ териб тўрвачага солиб олган. У ҳам «отамга талқон қилиб бераман» деяётир. У ўзини отасига паноҳ бўладиган азаматдек кўрсатгиси келарди. Ҳаммэ болалар бирга қайтиб келишашётганда тўрвалари, этаклари ёки ечиб олган камзул-чопончаларини тўлдириб, озиқ олиб келишарди. Юзларидаги шодлик акс этиб туарди. Булар ўзларининг кичкина ҳаётларига етарли нарсадан бошқани изламас ҳам эдилар.

Болаларнинг ҳаммаси экин атрофини айланишиб, ҳар бири ўзларининг озгина ердаги экинларидан нари кетишига кўзлари қиймай, қувонч ва умид билан боқишарди.

Асан билан Усендек болалар ҳам, қизчалар ҳам:

— Яқинда экин ўрилади! Буғдой кўп бўлади.

— Гўжа қандоқ-а, буғдой гўжа!

— Бизда-чи, тариқ гўжа ҳам бўлади,— деди Усен.

Аслида тариқни фақат Ийсгина эккан эди.

— Ҳа нима бўпти, тариқдан буғдой яхши-ку! Буғдой гўжа тариқ гўжадан ҳам яхши бўлади!— деб, Тўқсоннинг Айтиш деган кичкина ўғли Усенга ёндошиб келаётir.

— Буғдойдан ун бўлади, кўмоч пиширилади,— деб Үримжон деган кичкина қиз кулиб қарайди. — Бўғирсоқ, чалпак бўлади,— деб айтольмайди, чунки унга мой керакда. Кичкина бўлса ҳам, катта нарса ҳақида беҳуда умид қилмасди.

— Ҳа, менинг энам тариқдан бўтқа пиширади! — деб, Усен ҳали ҳам ўзининг ўзга болаларда бўлмаган тарифи билан мақтаниб келаётir. Раҳимтой бошлиқ бир тўп бола куйлаб ҳам юборишиди. Қатталар буларни эрмак қилиб,

ҳазиллашиб айтадиган ўланлари бор, ўшани айтишаёттир. Улар бирга куйлашиб, кулишиб ҳам қўйишарди.

«Экинчининг боласи, қорабўрбой»!
Экинингни еб қўйди жўжа тўрефай...»

Кичкина сариқ қиз Жамол этагига бошоқ тўлдириб келаётганига қарамай бошқаларни эрмак қилиб кула бошлади. «Ана қорабўрбой», «мана қорабўрбой», «мана бу ҳаммасидан ҳам қорабўрбой» деб елкаси билан ёнидаги Усенни тутиб қўйди. Усенning жаҳли чиқиб:

— Ўзинг қорабўрбой,— деган эди, болаларнинг ҳаммаси ундан кулиб юборишиди. Жамол юргурганча олдинга тушиб, шақиллаб кулди-да, оёғини кўрсатди. Унинг оёғи ҳамма болаларнинг оёғидан оқ, бежиримгина экан. Усен ҳам энди уялиб, ҳам жаҳли чиққанича индамай келаёттир. Фақат қовоқ-димоги осилиб, ҳали ҳам ўйноқлаб кулиб келаётган Жамолга қараб:

— Вой қизи қурғур-ей! — деб қўйди.

Шу зайл ҳазиллашиб, ўлжаларини кўтаришиб келаётган бир гала ёш болалар ўзларининг Тайлоқбой қудуғида ўтирган кўп уйлик, кўхна кулбалик овулларига яқинлашиб келишганда, бир ишни кўриб ғоят ҳайрон қолишиди. Овулнинг ёнида узундан-узоқ чўзилган кўчдек жуда кўп аравалар турганди.

Раҳимтой бошқа болалардан олдин фаҳмлаб:

— Ҳой, болалар! Булар қозоқ эмас. Вой, руслар! Ана руслар, матушкалар ҳам юришибди! — деди.

Бошқа болалар энди билишиди. Отлар аравалардан чиқарилган экан. Бир қанча араванинг устида чодирга ўхшаш соябон бор. Кўп араваларнинг олдида қуюқ соқолли, сочи ўсган боболар, оталар кўринди. Аёлларнинг ҳам кўпчилиги бошяланг ёки қозоқ аёллариникидан бошқача кичкина чорси бойлашган. Айниқса соchlари сапсариқ болалари, кичкинагина қизчалари кўп.

Кичик экинчилар ўз овулларига энди қўрқишиб, сеқин-секин юришиб келишаёттир... Жуда кичиклари йифламсираб, орқага чекинишган эди, Раҳимтой уларни уялтириб:

— Нимадан қўрқаётурсанлар! Булар ҳам ўзимиизга ўхшаган одамлар. Яна буларнинг калачларни бор, нон...

¹ Қора, кирчири маъносида. — Ред.

Нён беради, ана юринглар! Қўрқсаларинг улар хафа бўлиб койишади! — деб ҳамма болаларни бошлаб кетди.

Катта обоз деҳқонларнинг аравалари эди. Булар орасида овулнинг ёш болалари илгари кўрмаган бричкалар, кўкка бўялган, соявонли аравалар кўп эди.

Тайлоқбой қудуғи кўп овулларга қўнис бўларлик, бағри кенг, ҳар ер-ҳар ерда ўтлоги кўп, яна суви ҳам, қудуқ булоқлари ҳам етарлик манзил эди.

Олтмиш хонадон қашшоқларнинг ҳаммаси шу жойда бўлмаса-да, ярмидан ошиғи шу ерда. Булар ўн икки, ўн беш уйликдан бўлиб уч ерга бўлинниб ўтирган жотоқ — деҳқон овуллари эди.

Сувга сероб қудуқ мана шу уч овулнинг ўртасида эди.

Рус обози ўша қудуқ бошини ёқалаб ўтлоқларга жойлашибди... Отларни ўтлоққа қўйишибди, ҳар ерга қозои осиб, тутунини бурқиратиб овқат ҳозирлашиб, дам олишаётган экан. Кўпчилик катта-кичик эркак, хотинларнинг ҳаммаси бошяланггина эмас, оёқлари ҳам яланг.

Ёш болаларга бу ҳолат ажойибдек туюлди.

Аслида Тайлоқбой қудуғи катта йўл бўйида эди. Шунинг учун бу йўловчилар йўл бўйига тушганлари билан ҳайрон қолишимади. Лекин болаларга бир ерда шунча русни кўриш қизиқ туюлди.

Асанларнинг уйи мана шу обозларнинг нарёғидаги овулда эди. Болаларнинг кўпчилиги атрофдаги уй-уyllа-рига тарқалишганда Раҳимтой билан Асан, Усен ҳалиги шўх қиз Жамол — тўрттови аравалар томон кетишли. Шу чоқ олдиндаги араванинг тагида, сояда ётган бир кекса рус мана бу болалар олиб келишсаётган бошоқни кўрди. Русчалаб:

— Буларнинг буғдои бор экан, қандай ўсар экан! Болалар тўхта, буғдоингни кўрсат! — деган эди, болалар унинг гапини тушуна олмади. Деҳқон чол ўрнидан туриб болаларга яқинлашиб келди. Усиқ оқ сочи, узун соқоли ҳурпайган баланд бўйли чолдан болалар аввал кўркинди.

Асан «қочайлик!» деди. Усен билан Жамол «бизни ушлаб олади» деб йиғлай бошлаши. Үзларининг тез югура олмасликларини ўйлаб қўрқиши. Лекин, ҳалиги барваста келган рус болаларнинг қўрқаётганини кўриб, очиқ чеҳра билан кулиб келди.

— Постой ребята! Буғдоингни кўрсат! — деди у келестиб.... Раҳимтой энди ўзини тутиб олиб, бирга кулишиб:

— Узимизнинг буғдой! — деди.

Йўловчи рус буларга «тўхта» деятгандек ишора қилди-да, аравасига қайтиб бориб, телпагини тўлдириб сухари олиб келди. Оқ ноннинг сухариси эди. Болалар буни кўриб энди чолга зўр ишонч билан боқишиди. Чол Усеннинг этагидаги буғдойдан бир ҳович бошоқ олди-да, ўрнига сухаридан солиб берди. Қолганини уч болага тенг бўлиб бера бошлади. Болалар хурсанд бўлишиди.

— Сенлар сухарини олдинглар, мен бу йил бу ерда буғдой қандоқ унганини кўрай,— деб, буғдой бошокларини кафтига солиб уқалади. Шу чоқ болалар қайтиб кетишаётган эди, бир-иккита бошяланг кекса аёл араваларнинг остидан чиқишиб, болаларга:

— Сют, сют! сют бор? — деб қозоқчалаб сут сўрашиди. Уларнинг ҳам қўлларида яримтадан калач ва сухарилари бор эди. Энди айирбошласа керак деб ўйлаб Раҳимтой билан Асан:

— Сут бор...

— Бизникида, энамда сут бор.

— Юр, сут бор... ана эвул! — деб, Раҳимтой билан Асан ўз оувулларига таклиф қила бошлашди. Аёллар болаларга эргашишиди. Олдинги аёлларнинг йўл топганини кўриб, яна бир неча сна билан кекса эналар ҳам нонлари, сухариларини олишиб, бирга кета бошлашди. Ниҳоят, бир гала аёлларни ёш болалар ўзларининг кўп хона-донли оувулларига олиб келишиди.

Аёллар орқасидан ҳалиги бошоқ олган чол билан яна бир-икки деҳқон эргашиди. Ялангбош, қуюқ сариқ соқол-мўйловли одамлардан болалар ҳали ҳам ётсирашиб келишаётир.

Булар мана шу обознинг бошлиқлари эди. Аввал учрашган, соч-соқоли оппоқ чол — Афанасьевич, қолган икковидан бири — барваста келган, яғринли сариқ мўйловли киши — Фёдор, иккинчи, жуссаси ихчамроқ, ўткир мөвий кўзлари ичига ботган, қошлари ўсиқ-ўсиқ оқ сочилиси — Сергей эди.

Болалар буларни эргаштириб келишлари билан оқ ота-оналарига: булар сут сўрашаётир... нон беришади... Сухари берамиз! — дейишаётир. Эна сут беринглар! — деб оналарини чақириб ютуришиди.

Овулда уйлар кўп. Озроққина сутларини олиб чиқсан жувонлар, кампирлар ҳалиги рус аёллари билан аралашиб, қуралашиб кетишди. Рус аёлларининг орасида барваста келган, ажин босган чеҳрасида ғайрат акс этиб турган, қўллари, жуссаси эркакларнидек пишиқ, ўрта яшар она бор эди. У бошқалардан кўра офтобда кўпроқ куйиб, қоратўри тортганди. Обоздаги аёлларнинг ҳаммаси уни «матъ Дарья» дейишарди. Ўша Дарья бошқа аёллар номидан қозоқ аёллари билан эркин сўзлашиб, сухари — нон бердириб сут-қатиқ олдира бошлади.

Ақлли сиймосида сабот акс этиб турган Дарья бир томондан қозоқ кампири Ийсга, яна шунингдек кекса аёлларга русчалаб ҳазил қилиб:

— Меники-сеники,— деб, қозоқча, сўзламоқчи бўларди. Ийс билан Бозоралининг хотини Ўдек ва Даркембойнинг хотини Жангиллар кулишиб, очик чеҳра билан сўзлашишиб: «сут текин, олинглар — меҳмонсизлар!» дейишарди.

Баъзи бир рус аёллари пул бермоқчи бўлишган эди, Жангил кулиб, икки қўлинни силкитиб бошини чайқади.

— Керак эмас, пулнинг кераги йўқ!.. Биз савдогар эмасмиз... Ол, ма сут! — деб текинга бераётганини англатиб, қўлидаги жўмракли чelагидан бир тўп хотинларга сутни ўзи қўйиб берди.

Пул чўзаётган қўлинни қайтариб, бошини чайқагатнича:

— Йўқ, йўқ... — деди.

— Буларни қара, ўзлари қашшоқ... Яна пул олишмайди. Бизларни меҳмон ҳисоблашашётир. Қирғизлар меҳмондўст бўлишади... Шундайми? — деб Дарья Жангилга ва шунингдек муомила қилаётган Ийсга, Ўдекка кўп миннатдорчилик билан қараб туришарди.

Бирга келган эркаклар ҳам Дарьянинг сўзини маъкуллаб, бош иргаб қўйишиди.

Лекин бу эркакларнинг катта бир ишлари бор эди. Афанасьич кулиб турган Жангилнинг ёнига келиб, чалаярим қозоқчалаб сўрай бошлади:

— Овул қозоқники, мужик бор?

— Бу одам нима деяёттир? Битта-яримтандг уқдиларингми? — деб Жангил кулиб, тараддуланиб қолди.

— Бу одам, эркакларни сўраётгандир дейман! — деб Ўдек топди.

Афанасьич унинг гапини маъкуллаб бош иргитди.

Бу кекса одам обоздаги бошқа одамларга қараганда, қозоқ ҳәётини яхшироқ биларди. Чунки, мана шу келаётган тўпдан «ходок — билиб келувчи» бўлиб, Еттисувга бориб у ерда бир йил туриб, ернинг, халқнинг, касби-корнинг ҳамма жиҳатлари билан танишиб, энди мана бу тўпни эргаштириб, кўчириб келаётган эди. Қозоқчага ҳам унча-мунча тушунадиган бўлиб қолган.

Буларнинг эркакларни йўқлаётганини англаган аёллар, энди уйда бетоб ётган Бозорали борлигини айтишди. «Русча ҳам сўзлашади» деб ўйлашди. Абулғози, Даркембойлар ҳам шу овулдаги уйлардан бирида бўлмоғи керак... уларни ҳам эсга олишиб, аёллар эркакларининг отини айта бошлишди.

Лекин буларнинг ичидаги Үдек дадиллик қилиб, Афансъич билан ёнидаги иккита эркакка қаради-да, қўли билан ишора қилиб чақириб:

— Юр!... Бүёққа юр! Эркак бор! — деб эргаштириб кетди.

Уч дэҳқон Үдекнинг орқасидан Бозоралининг уйига келганда, ҳалиги Дарья бошлаб келган аёллар ва бошқа аравалардан идишларини олиб келган ёш болали оналар, эналар шу овулнинг бутун уйларини ёқалаб келишаётганди. Кўп уйларнинг эшигидан қарашиб, қозоқ аёллари билан имо-ишора қилиб сўзлашишарди-да, икки тараф ҳам кула беришарди. Улар буларни, булар эса уларни томоша қилишади. Бири-бирининг кийим-кечагига ҳайрон қолишарди. Рус аёллари қозоқ аёлларининг бос кийимлари ҳақида сўзлашарди.

— Қекса хотинлари ҳам бошяланг, у нимаси? — деб, қозоқ аёллари ҳам ўзаро сўзлашиб қизиқиб қарашди.

Дарья кўп хотинларни эргаштириб олиб, уй-уйнинг эшигидан қараб, тажрибали кўзи билан уларнинг оғир аҳволини кўриб келаёттир.

— Қип ялангоч-а, уйлари илма тешик... ичидаги фақат увада, кийим-кечаги ҳам, анжоми ҳам йўқ,— дерди. Баъзан ўчоқ бошида фақат буғдой қовириб ўтирган оналарни, ёш қизларни кўриб овқатларини қаранглар, қуруқ буғдоининг ўзи,— деб, бос чайқаб келаёттир. Қозоқ аёллари Дарьянинг отини дарров ўзгартириб, Жария қўйиб олишиб. Рус аёлларининг ҳаммаси Дарьянинг сўзига қўшилишиб, сўзлашиб келишарди.

— Бир томчи мой топилмайди.

— Буларнинг сутдан бошқа овқатлари ҳам йўқ.

— Оғ бўлса керак. Лекин ўзлари пул олишмайди.

— Бу қирғизларнинг қишлоғи-ку. Шўрлик, йўқчилик қишлоғи! — дейишиб, аёлларнинг ҳар бири Даръянинг сўзини қувватлашаётир.

— Бизнинг Пенза қишлоқларидағи йўқчиликка ўксайди.

— Худди биздаги оч-яланғочларнинг уйига ўхшайди! — деди дағалроқ товуш билан кескин қилиб, бўйи Даръядек, лекин ундан бўлиқ, пишиқ жуссали Фекла. Аллакимни қарғаб ҳам юборди. Даръя ҳам боядан бери бош иргаб, ўйланиб келаётган эди.

— Эй, ит қашшоқлик, ҳамма ерда сенинг қабиҳ тумшугинг бир хилда-ку!.. — деб аччиқ истеҳзо билан ёнидаги аёлларни кулдириб қўйди.

Бу чоқ Бозоралининг уйига ҳалиги русларгина эмас, шу овулнинг эркаклари ҳам йиғилишганди: Даркембой, Абулғози, Қангбоқ, Тўқсон, Жумирлар ҳам шу ерга келишган эди. Буларнинг ҳаммаси бошқа мәҳмонларни қуршаб олишиб, суҳбат қилишшаётир.

Бозорали ҳали ҳам бетоб. У: бод касалига мубталоман, дерди. Ҳамма ери соғ, фақат белини кўтара олмайди. Ҳозир ёнбошлаб ётиб, руслар билан уриниб-суриниб сўзлашиб, сўз орасида Даркембойларга ҳам қозоқчалаб тушунтириб берадайтириб.

Афанасъичнинг исмини сўраб, уни «Апанас» қўйиб олишди. Апанас Бозоралига ўзларининг оғир аҳволда қолишганини айтди.

— Семейдан чиққанда йўлдан адашиб кетибмиз. Бизларга катта трактага, бекат йўлига бориб тушиш керак. Ӯшанга йўл биладиган, бизларни бошлаб борадиган одам топиб беринглар. Биз унинг хизмат ҳақини берайлик! — деб ўтинди.

Бу гапни билгандан кейин, Даркембой:

— Бўпти, одам топамиз, берамиз... Мана бу Қангбоқ ҳозир бўш-ку... Экинига ўроқ солгунча қайтиб келади, борсин! — деди.

Қангбоқ ҳам норозилик билдирамгандан кейин, уч йўловчи Қангбоққа тўланадиган ҳақ масаласини келишиб олишибди.

Энди Даркембой буларнинг қаердан келаётганини, қаерга кетаётгандарини сўради.

— Кўда пайдўм? Апанас-а-а!? — деган эди, Афанасъич тушуна қолди.

— Семирек... Семирек едем!...

— Бу Семиреги қаер?... Оқирекми? — деб Даркембой тушунолмай, қўшни бўлган Сибон элиниңг қўнисларидан бирининг номини айтди.

— Лепса, Лепса? — деб Сергей очикроқ тушунтиromoқчи бўлди.

Бозорали энди англаб:

— Лепси, Лепси, Шуборағаш. Қополни айтаётир.

— Да, да, Капал... Капальск, Лепса, Капал.

— Э-э-э Еттисув! Э-ҳа, дунёнинг бир бурчаги экан-ку, ўзлари қаердан келишаётган экан? — деб Даркембой яна сўради. Бозорали буни сўрагандা, Афанасьич қўлини йироққа силтаб жавоб берди.

— Россия, Россейские!. Мен Пензадан! — деб, Федор билан Сергейни кўрсатиб, — Томбов! — деди.

Бозорали уларнинг ички Россияядан, жуда узоқдан кўчиб келишаётганларини тушунтириди. Даркембой уларнинг икки ойдан буён йўл босиб кўчиб келаётганларини билганда, бошини чайқади-да, ўйланиб яна сўради.

— Нега кўчдинглар? Туғилиб ўоган ерларнинг яхши эмасмиди? Ота макони манзилингдан қандай зўрлик ҳайдади экан? — деб ҳайрон бўлиб қолди.

Апанас бу савонни англағанда, икки қўлини ёзиб қўйди.

— Жуда ёмон бўлди у ерда... Очарчилик бўлди.

— Ер оз бўлдими? — деганда, Апанас бош ирғаб, ўз аҳволларига хиёл истеҳзо билан кулиб қўйди.

— Баъзи кишиларда ер кўп, бизларга йўқ бўлди.

— Ушанда қанча ерларнинг бўлган эди? — деб Бозоралининг ўзи савол берди.

— Ер мана бу кафтимдек! — деб, бир кафтини ёзи. — Йўқчилик бўлса, мана бу менинг зилунимнинг катталиги-дек! — деганда, Бозорали Апанаснинг гапидан хурсанд бўлиб кулди.

— Кўрдиларингми, нима деяётганини!... Ер кафтимдек, йўқчилик чопонимдек бўлди, — деяётир.

— Оббо шўрлик-е! Келиштириб айтганини қара!

— Сўзнинг пўскалласи! Йўқчилик деган шу-да, — дейишиб Абулғози, Тўқсонлар баравар қувватлашди.

Сиймосида истеҳзо акс этган ҳолда Афанас яна:

— Беда-чи... мана бу сенинг уйингдек! — деди. Бозорали яна унинг сўзига қўшилиб кулганича:

— Бошимизга тушган кулфат ундан ҳам катта. Мана бу сенинг бошингдаги уйингдек бўлди. Қўчмай нима қилайлик! — деяётир, — деди.

Тингловчи қозоқлар Апанаснинг ақлига ҳайрон бўлиб қараб қолишиди.

Даркембой Апанасга зўр ишонч, очиқ чеҳра билан тикилди.

— Тўғри-да, «корқада йил яхши келса, нега олқор кетади?» дейдилар-ку.

— Фақат ўзини эмас, ўзгалар ҳақида ҳам айтаётиди! — деб Қонгбоқ бош ирғаб қўйди.

— Тўғри! Бизда ҳам шу эмасми? — деди Тўқсон, унга бу гаплар маъқул тушди.

— Бизда фақат ер кўп-у, экин экилган жой кафтдек, йўқчиллик билан фалокат ўзимиз ҳар кун кўтариб келаётган бўйинтуруғдек!... — деди.

Бозорали Апанасга жуда меҳр билан қаради.

— Шўрлик эр-азамат халқнинг авлоди-да... Ҳақиқатдан четта чиқмайди. Кўзини очиб кўргани шу, шундоқ демай нима қилсин. «Бадавлат элнинг ўғли-қизиман» деб ёлғонни дўндириб мақтанмайди ҳам! — деб, бир оз ўтирди-да, бир хаёлга келди. Уни аввало Ўдек, Даркембой, Абулғозиларга айтди.

— Сургунда юрганимда русларнинг нон-тузини кўп ичган эдим. Айниқса, қочиб келаётганимда шуларга ўхшаш қашшоқ, камбағалларнинг уйидан ёрдам олиб, элга етиб олган эдим. Булар сафарга чиқсан мусофиirlар-ку. Қайфуси ҳам, гапи ҳам худди бизларникига ўхшайди. Шу ерда Ўдекнинг бир катта қўйиси бор, энг азиҳ мәҳмонимга сўйман деб қўйган эдим. Булардан азиҳ мәҳмон борми? Ҳозир ўшани сўйиб, шу йўловчиларни мәҳмон қилайлик. Абулғози, сен ўшани олдириб келиб, сўйчи! — деди.

Бу гап ўтирганларнинг ҳаммасига маъқул тушди. Бу чоқ Ўдек чой қўйиб юрган эди. Бозорали энди Апанаслардан шошилмай мәҳмон бўлиб кетишларини илтимос қилди. Улар бошларини чайқашиб, ҳайрон бўлишида, миннатдорчилик билдиришиди.

Бозорали яна икки гапни айтди. Аввало Апанас билан маслаҳатлашиб, мана шу кўчиб келаётган ўттиз хонадоннинг кексаларидан яна беш кишини таклиф қилди. Уларни Федор бориб айтиб келадиган бўлди. Сўнгра Бозорали Тўқсон, Қангбоқларга қараб:

— Буларга экинларингни кўрсатинглар. Бизлар ер тирнаганимиз бўлмаса, экин экишни биламиزمи? Ерни қай йўсинда ҳайдаб, қай таҳлитда экишни биладиган шу Апанаслар. Булар меҳнат оғир деб йиғлашмайди, фақат «ер» деб йиғлашади. «Меҳнат оғир» деб йиғлайдиган фақат бизлар. Экин бошига бошлаб бориб, тупроқни кўрсатинглар! Қандоқ ҳайдаш, қандоқ сепишнинг йўлини ҳам сўраб қолинглар,— деди.

Бу маслаҳатни Абулғози билан Даркембойга қаратадайтганди. Уларга ҳам маъқул тушди. Апанас билан Сергей бўлса, бу атрофнинг экинини кўришга ўзлари ҳам қизиқар әдилар.

Шунинг билан кун бўйи Бозорали буларга ўз овулларининг қашшоқлиги, аҳволларининг жуда оғирлигини батафсил айтиб берди. Атрофдаги бойлар, зўравонлардан кўраётган зўрлик, жабр-зулмларни ҳам ҳикоя қилди.

Бозоралининг уйидаги меҳмон бўлиб чиққан Апанаслар ўша куни кечки пайтда ҳаммаси экин бошига боришиди. Экинни уларга Абулғози билан Даркембой кўрсатди.

Деҳқонлар орасида ернинг сирини, экиннинг тилини жуда яхши биладиган Сергей, текис чиққан экинни оралаб юриб, бошини чайқади. Чала ҳайдалган, айниқса кесаклари бутун қолган, мола қилинмаган ерга сепилган экин ёнига келгандаги Апанас қўлига катта кесакни олиб, Даркембой билан Абулғозига кўрсатди.

— Джаман!.. Джалқов! Сенлар джалқов! — деди. Кулиб туриб бошини чайқади. Тўғри сўз, кескин табиатли, паҳлавондек гавдали Шўдир қўшилиб кулди-да, Абулғозининг биқинига туртиб қўйинб, ерга тупирди, тушумласада Апанаснинг гапини такрорлади:

— Джаман... джаман!.. — деб туриб,—чего там джаман!.. Плохо! Ай как плохо сеете! Бить тебя надо Абулғози!— деб, Абулғозининг елкасидан ушлаб силкитиб қўйди.

Лекин шунда ҳам мана бу йигирматача жойда экилган экин бу йил ажойиб бўлиб бўй тортган, текис чиққанди... Бирорта оласи йўқ. Деҳқонлар унга ҳам қизиқиб қарашди. Ҳар ер, ҳар ердан тупроқ олишиб, тоза унни танлаётгандек тикилишиб, ҳавас қилишиди.

Кейин русча биладиган Бозоралининг ёнига келишганда Апанас, Сергей, Шўдир уччови жуда кўп камчиликларни санаб чиқишиди. Ер текис ҳайдалмаган. Сўқа чуқур солинмаган. Айниқса молалаш ёмон.

— Бунчалик ялқовлик билан қилинган меҳнатга, шунчалик ҳосил берган худоинг саҳий экан! — деб, Аланас кулгилликка олди. Экиннинг яхши чиққанини айтаркан Сергей ҳазил қилиб:

— Худоси нимаси! Бу жойнинг ери шундай... Менинг мана бу ҳассамни,— деб узун оқ ҳассасини кўрсатди,— бўлмаса анави араванинг шотисини ерга тиқиб қўйсанг араванинг ўзи ўсиб чиқади! — деди.

Бозорали Абулғозиларга унинг гапини тушунтириб берди.

— Меҳнатинг билан олаёттанинг йўқ, ерингнинг саҳийлигидан олаётисан. Ерингнинг серҳосиллиги шундайки, шотини кўмсанг араванинг ўзи ўсиб чиқади! — деяёттир,— деди.

Абулғозилар бу гапга эътироуз билдиришмади. Лекин улар учун Бозоралининг ўзи гапирди.

— Мола етишмади. Олтмиш хонадонда иккитагина мола бўлди. От-улов ҳам йўқ. Мана шу олтмиш уйлик қашшоқлар, сўқани ўз бўйнилари билан сургагандек, ер ҳайдаб бу экинни экишди. От ориқ, яна бунинг устига оз бўлгани учун сўқага тую ҳам қўшдик. Ҳатто бўғоз сигиргача сўқага қўшилди. Қандай қилиб яхши ҳайдалсин! — деди.

Деҳқонлар шу кеч Бозоралилар билан хайрлашиб, араваларига қайтишди. Улар эртасига эрталаб жўнамоқчи бўлишди. Қангбоқ бош бўлиб уларни Бекат йўлига, Еттисувнинг катта йўлига чиқариб қўймоқчи бўлди. У тонг пайтида отга миниб, обоз олдида ҳозир бўлишга ваъда берип қолди.

Бу чоқ Даркембой Бозоралининг уйида бўлолмади. Унга бошқа бир исабаб бўлди. Русларга экинни кўрсатиб юраркан, кечқурун отга минаётган чоғида Даркембойнинг кўзи Уйқудуқ томондаги яқин тепаликка тушиб қолганди. Ўшанда Кичик Қашқабулоқ томондан мана шу яқинроқ ердаги адрга қараб ёйилиб келаётган йилқини кўрганди. Жуда яқин бўлмаса-да, Даркембойнинг ўткир кўзи тепалиқда ёйилиб юрган йилқини кўриб қолганди.

Шундан кейин руслар билан Абулғозини овулга қайтариб юбориб, ўзи елиб-юрганича ўша йилқига борди. Кун ботиб бораётган пайт эди. Бир неча овулнинг гала-гала бўйдоқ йилқиси бир-бирига туташиб, яйлаб юрган экан. Мол ичида чўпонлар кўп кўринмади. Фақат битта-

тіна ёш йигитча — кундузги йилқичи бор экан. **Ушапга:**

— Чирофим!.. — деб, Даркембой кўпдан кўп тайинлаб: — Мана бу яқин срда кўп қашшоқларнинг унча-мунча экини бор. Оз кун ичидаги ўроқ солмоқчи бўлиб турибмиз. Кечаси йилқичилар ухлаб қолиб, бунчалик кўп йилқи экинга тушиб кетмасин. Шу гапни бутун йилқичиларга тайинлаб қўй, нури дийдам! — деди.

Йигитча йилқичиларга унинг гапини айтиб қўйишга ваъда берди. Узи ҳам Даркембойнинг хавфини яхши тушунгандек кўринди. Шу гапларни уқдириб кекса дех-қон кечаси қайтиб кетди.

Халиги йигитча йилқини кечки суғоришга олиб келгандаги, булоқ бошида ўтирган йилқичиларнинг ҳаммасига ва Азимбойга ҳам Даркембойнинг илтимосини айтди. Азимбой бу гапдан жаҳли чиқиб эзмаланиб сўраб қолди. Бир оздан кейин йилқини тунги ўтлоққа ўзи ёйиб, ўзи бош бўлди да, бор йилқини экинзор томондаги тоғ бағрига ҳайдатди. Узи ҳам бу кеча йилқи кўриқлашга чиқадиган бўлди. У аввалги одатидан қилиб, бу йил куз ҳам тунги кузатчиликка ўртоқларини, йилқичиларини эргаштириб чиқа берарди. Мана шу булоқ бошига кўпгина Иргизбой овуллари жойлашганди. Буларнинг ҳаммаси ҳам бўйдоқ йилқини боқиб юрган Азимбой сингари ёш мирзалар, бойваччаларнинг хонадонлари эди.

Ҳозир Азимбой уларнинг ҳам кўпчилигига «бугун йилқига борайлик», «кечаси далада пойга чопишиб, ўйин-кулги қиласиз, отга мининглар!» дёди.

Шунинг билан қош қорайган пайтда ўн тўдага яқин, гала-гала йилқилар адри қоплай бошлади. Уша йилқиларнинг орқасидан Азимбойга ўхшаб битта-иккитадан йилқичиларини эргаштириб бойваччалар ҳам чиқишиди. Буларнинг ичидаги Оқпердининг ўғли Мусатой, Мойбосарнинг ўзига ўхшаш, безори ўғли Ақмеджон, Усернинг бақироқ ўғли Мақа, ёш, ҳовлиқма Ақлпейис, Тонгпўлпондан Элевсиз деган баримтачи, ўғрилар ҳам бор эди.— Мана шундай ўнтадан ошиқ ёш, муштумзўр Иргизбойлар ўзларига тилсиз чўқмор — сўйил сифатида олиб юрадиган отбоқар-йилқичиларини эргаштириб чиқишиди..

Азимбой бутун ёмон ният билан чиққанди. Кундузи у йилқи қайтарадиган йигитчадан Даркембойнинг сўзларини хўп эзмаланиб сўраб олди. Уша экин ичидаги Бозорали, Абулғозиларнинг экини ҳам бор. Азимбойнинг кўп замонлардан буён қасдлашиб юрганлари шулар. Дар-

кембой бошчилигидаги жотоқлар йилда Азимбойнинг ғазабини қўзғатарди. «Буларнинг экини зап ҳосил беради-да», «бу йилги ҳосилнинг кўплигидан жотоқлар кўчомай қолишади» деган гапларни эшишиб, Азимбой зўр ҳасад қилиб юрганди.

Бир-икки кун илгари Азимбойнинг ўзи ҳам ёлғиз бориб, экинни кўриб қайтганди. Энди тун ярим бўлган пайтда бор йилқини жўрттага йиғиб, ҳайдаб, қалин экиннинг ўрта ерига тақаб олиб келди. Йилқи бўлса, кечаю кундуз қирнинг қовжираган ўтида яйлаб юргани учун, энди кўк ўт излаб тентирди. Айниқса, Такежоннинг минглаб йилқисини бошлаб юрадиган кулранг қашқа айғири пишқириб қўйиб, ўзининг бир катта гала уюрини эргаштириб йўлдаги кўк чўпни юлиб-юлқиб еганича кетаётир. Бошқа йилқиларнинг ҳам кўплари, бор айғирларнинг уюрлари ўз одатлари бўйича кулранг қашқага эргаша бошлишди. Кулранг қашқа бўлса олдиндан ҳид билиб, яхши ўтлоқ борлигини сезиб, чўпга бўйин чўзмай, олға кетаётир.

Йилқининг олдига чиқиб бу кайфиятни фаҳмлаган Азимбой ҳамма миrzалари билан ўртоқларини, йилқичиларини чақириб олиб:

— Қани энди, йигитлар, отдан тушиб сабр қилинглар. Шу ерда ҳангомалашиб ётайлик. Йилқида яйлоқ борми, молда тил йўқ. Қаерга қараб кетганини ким билади!.. Эрталаб йиғиб олармиз! — деб, истеҳзоли кулги билан ёмон ниятини сезидирди.

Биттагина ёш йилқичи:

— Иие, мана бу ерда экин бор, увол-ку! — деган эди, Азимбой уни ҳақорат қилиб:

— Жим ёт, алжимай! Бирор экин экади деб бирорнинг моли ўтлоқдан айриладими? — деди.

Зўравон Ақмеджон билан бақироқ Мақа ҳам аллакимни ҳақорат қилаётir.

— Ер тирмалаб, ота-бобомиз қилмаган касбни топибди! — деб, Мақа сўз бошлади.

— Элнинг кўркини кетказишади, мана шу жотоқ деган шумлар. Буларни туртқилаб кўчириб юбориш керак! — деди Ақмеджон.

— Э-э-э, бир-икки марта меҳнати зойе қилиниб, «итга ўхшаб ер тирмалаб ёмон иримни бошлама!» дейилса, ўзи ҳам кўчади,— деди Азимбой отдан тушиб, жойлашиб ўтириб белини ечаркан. Бошқалар ҳам шундай қилишди.

Отларини тизгини билан қантариб қўйиб, чилвиirlарига ястаниб ҳаммаси ётишди.

— «Кўчиш эмас, типирчилаб қолар, уяси бузилган аридек ғужғон ўйнар, ҳали бу мужиклар!»— деб Ақлпепайис ҳам ҳақорат қилиб ирғишлаб қўйди.

Азимбой шодланиб унинг сўнгги сўзларини қайта-қайта эсга олди. Шунинг билан булар шу ётишда катта бир шумликни ўйлаб ётишди. Эндики уйқулари эса, уйғоқ юриб ер ўртагандан ҳам ёмон. Одатлари бўйича ўғриларни отлантириб юборгандан ҳам, оч-яланғочларни зўрлик билан савалагандан ҳам баттар, одам ўлдириб, ночор огулларни харобага айлантиришдан ҳам оғир бўлган бераҳмлик, ёвузлик уйқусига кетишди.

Хўш, йилқи-чи! Йилқи — тинчлик, хотиржамлик пайтда ювош, бегуноҳ жонивор. Шу сингари бебаҳо фазилатга эга бўлган мол!.. Ҳозир ўзларининг қилаётган ҳайвонликлари ёнғиндан ҳам ёмонлигини.. Даланинг беомон офатига, тилсиз ёвига айланганларини билишадими улар! Мана, энди минг оёқли, сон минг тишли ашаддий ялмоғиз, аждар бўлиб чўзилди. Қора чипор бўлиб атрофни эгаллаб, экинзорга яқинлашди. Ӯша дамига тортгани келаётган аждарнинг ёниб турган ягона кўзидек ярақлаб, кулранг қашқанинг қашқаси ярқираб келаётир. Ҳали ҳам олдинда ўша. Минг йилқини эргаштириб, йигирма жойга экилган экинга бошлаб келиб, ёпирилтириб юборган ҳам ўша кулранг қашқа айғир бўлди. Ўзга чўпдан ҳўлроқ, тун кечада ҳам салқин, ҳам қорамтирикўкиш товланиб турган буғдой кўп йилқининг қисир бияларини ҳам, ғўнан-дўнани, байталларини ҳам бара-вар қизиқтириб ўзига тортди.

Эгалари қасддан ёпирилтириб юборган бу беомон бало ҳозир худди жўрттага ўғирлиқча кирганга ўхшайди. Битта-яримта айғирлар ҳам, ғўнанлар ҳам кишинамади. Үқрайиб, ўшқиришмайди ҳам. Фақат тез-тез пишқириб, мана бу яйлоқقا келганликларини пи chirлашиб, маъқул кўришаётганга ўхшайди.

Киртиллатиб экиннинг бошини юлиб ейиш билан бирга, ўртасидан синдириб, юлиб-юлқиганлар ҳам бор. Еш йилқи келиштириб ейишнинг йўлини билмай, бўйдор буғдойни кўпинча тагидан тишлаб тортиб, илдизи билан қўпориб юлиб олаётир. Буғдойни пояси билан суғуриб олгани билан бошини энгаштириб чайнай олмай, босиб ташлаб, яна тишлайди... Яна юлиб олади. Четидан кир-

ган экинзорни бир томондан босиб пайхонлаб, ҳамма йилқи экин ўртасига ёпирилиб кетади. Қўп ерларда экин ичида ағанашиб, ёки чопишиб, тепкилашиб, ўйноқлаб югуришган ёш, семиз, асов йилқилар беҳисоб эди. Ўйноқлаганда қаттиқ туёқларининг остида ўсиқ буғдой шитирлаб қулаб, эзилиб ёки қўпорилиб пайхонланаётир. Кундузи келган егимчаларнинг кичкинагина ҳолсиз бармоқлари кўп эҳтиётлик билан авайлаб ушлаган буғдой поялари ҳозир ёнғиндан баттар қасдлик, душманлик зарбига учради. Мингларча пичноқдек ўткир тишлар билан тошдек қаттиқ туёқлар янчидан пайхонланаётир. Қашшоқларнинг меҳнати, пешона тери, озгина орзу, умиди, гарид ҳаётин ҳаммаси ҳам мана шу туёқларнинг беомон текиси остида ер билан яксон бўлаётир.

Эрта уйғонган йўловчилар отларини қўшиб жўнашга тайёр бўлиб, Қангбоқни кутиб туришибди. Қангбоқ бўлса тонг отиши биланоқ ўтлаб юрган отини излаб, овулдан пиёда чиққан эди. Экин томондаги тепаликка чиқиши билан ҳалиги машъум ишни кўрган он дод-фарёд қилиб, зор йиғлади.

Шу чоқ эрта уйғониб, буғдойни кўздан кечиргани келаётган Даркембой рўпарасидан чиққан эди. Ийс эна сингари тўрт-бешта чол-кампирлар ҳам эрталабки чойга экиндан бошоқ териб келгани чиқишиганди. Ўшаларнинг тўпи овулдан чиққан замон Қангбоқни кўришди. Бўлган мудҳиш ишни шўрликларнинг ҳаммаси бир лаҳзада тушунди.

Дам ўтмай ҳаммаси бирдан чувуллашиб овулга югуришди. Қўп хонадонли уч овулнинг одамлари баравар югуриб, эшикка чиқишиди. Болалар ҳам уйғонишлари биланоқ йиғлашиб, оналарининг этагидан ушлашиб, фалокатни сеэгандек типирчилашаётир. Тинмай айтилаётган қарғишилар, бақириқ-ҳайқириқлар, фарёд қилиб йиғлаётган ғазабли товушлар овул устида зўр кулфат рўй берганини билдиради.

- Қирилгурларнинг моли!
- Тепангдан уриб, товонингдан чиққур, йиртқиҷлар!
- Уртаниб ўл, Иргизбой!..
- Етти пуштинг йиғлаб ўтсин, бойлар!
- Кўз ёшига қолгур, қасд душман!
- Етимларнинг оҳи тутсин!
- Ев! Ев-ку булар!.

— Бу мудҳиш иш қасдликнинг иши-ку! — деган оҳизор, ғазаб овул ичини тутиб кетди.

Даркембой, Қангбоқ, Абулғозилар ҳам шу сингари ғазаб ва нолиш билан Бозоралининг олдига етиб боришиди.

Ҳозир Бозорали сафарга кетаётган кишидек кийиниб олган. Лекин ўрнидан туролмайди. Ранги ўчиб кеттан. Ҳали оғзидан бирор сўз чиққани йўқ. Фақат эшикда оналар билан болаларнинг, аламга тўлган оталарнинг зорини әшитиб, ерга ёзган тўшагида юз ағанади.

Энди бошлиқлардан бир неча эркак келиши биланоқ ғазаб ичидан гап бошлиди:

— Вой қон қускур душманлар-ей! Шўрлик элим! Шўри қайнаган меҳнаткашларим!. Оҳу-зоринг кўкка кўтарили-я!. Бас, эсингни йиғ ҳамманг! Эсингни йиғ, Абулғози! — деб, Абулғозига ўхшаш бир неча шижоатли йигитларга назар солиб, буйруқ қилиб сўзлай бошлиди.

— Йилқиси экиндан чиқмасдан ҳозирнинг ўзида юган, нўхта, арқон, чилвир олиб боринглар-да, танлабтанлаб ўттизта яхши отни ушлаб келинглар. Бугун ё ўлиш, ё қолиши.. Энди нимадан қўрқамиш? Бу экинлар олтмиш хонадонники эди. Ҳар бир ер бир ярим отнинг хуни. Шунинг учун ўттиз от деяётирман. Олтмиш хонадоннинг иккитасига биттадан от. Ушани ушлаб ўтириб сўзлашамиз. Яна мана бу ишнинг оқибати жанжал-можароми, ёқалашибми, бутун балоси ҳали келади-ку. Ушанда мииадиган уловинг. Қани жўнанглар, шу ишни қилиб келмасаларинг одам эмассаллар! — деди.

Даркембой ҳам бу гапларни маъқул кўрди. Шу билан бир чой қайнагудек пайт ичидан, айттандек, ўттизта яхши от қашшоқ уйларнинг бўсоғасига боғланди. Даркембой тинмай юриб, ўша отларнинг ҳаммасини эгарлатиб ҳам қўйди.

Овул устида ҳамон қий-чув, оҳу иола кўтарилиб турарди. Чол-кампир, бола-чақаларнинг фарёд кўтариб йиғлаши, қарғиши әшитиларди.

Боядан бери бу овул устида кўтарилган шовқин-суронни, тўпалонни англаш олмаган ва Қангбоқни узоқ кутган Апанаслар, энди Бозоралининг уйига келишиб, ҳамма гапдан хабардор бўлишди. Бир оздан кейин обоздаги эркак-аёлнинг ҳаммаси ёри-биродар бўлган қашшоқ, меҳмондўст овулларнинг бошига тушган кулфатни

билишди. Улар ҳам жонлари күйиб ачинишди, ғазаблари қайнаб, кучли нафрат қўзғалди.

Бозорали — «Потрава» дейиши биланоқ, унинг берган буйруғини Фёдор жуда ўринли деб топди.

— Потраванинг жазоси бундан ҳам қаттиқ бўлади! «Мол эгаси бўлган бойларни судга бериш керак!» — дейишиб, Апанаслар кўрганларини батафсил айтишиб, бутун обоздагилар қўл қўйишида, гувоҳлик беришга аҳд қилишиб, обозга кетишиди.

Улар кетиши билан бир оздан кейин қўп салт отликлар овулга босиб келишиди. Улар: Азимбой, Ақмедин бошлиб келган бойваччалар, миразалар билан ўшаларинг отбоқари, йилқичилари эди.

Ҳаммасининг қўлида сўйил. Кечаси ғира-ширада жўрттага уйқуга кетган бу тўда кун чиққунча турмай ётишиди. Фақат олдин уйғонган Мақа экин ичидаги йилқидан бир галасини ушлаб олиб кетаётган жотоқларни кўргандагина: «отлан!» деб бақира бошлади.

Азимбой ўша он, бор кишини отлантириб юборди. Яқин атрофда бўлган бошқа Иргизбой овулларининг йилқичиларини ҳам тездан чақиртириб олди. Шундай қилиб жами қирқтacha ясовул тўплади. Энди чўқмор-сўйилларни шайлаб олиб, қашшоқ овулларга зарбини ўтказмоқчи бўлиб, қўп можароларни бошлаш ниятида келаётир.

Улар овулга етгуналаригача отларининг бошини тортмай, тасирлатиб келишиди. Бу элни оёқ-ости қилиб, айдорлигини кўрсатиб, жўрттага чўчитиб қайтмоқчи. Азимбой четки овулга етиб келган замон от устида ўшқириб, бўйруқ қилди:

— Ҳой жотоқ! Қим бор? Чиқ олдимга! — деди.

Бу овулда Абулғози, Даркембой, Қангбоқ, Тўқсонлар ўтиришганди. Ўшаларнинг боши кўриниши биланоқ Азимбой гап сўэ-у, саломдан олдин ҳайқириб буйруқ қилди.

— Бўшат! Бўшат ҳамманг йилқимни! — деб ўдагайлади.

Уйда бемор Бозорали бу гапларни эшитиб ётибди. Лекин эшикка чиққудек мадор йўқ. Тишини-тишига қўйиб, қийналиб ўнидан қўзғолгуси келса-да, бели силжитмайди. Зардаси қайнаб бораётир.

Миразалар тўдаси овулга етиб қолганда:

— Потрава қилганлар келди.

— Ана, буларнинг господалари!

— Юриглар, кўрайлик, эшитайлик! — дейишиб Апас, Фёдор, кекса Сергей уччови шу овулга қараб кетишиди.

Даркембой Азимбойга жавоб қила бошлади:

— Ёв қилмайдиган ишни қилиб, беҳисоб оч-яланғочнинг фифонини кўкка чиқариб, нима бўлди? Ҳатто қалмоқлар замонида ҳам бўлмаган босқинчилик-ку, бу ахир? — деб юбориши билан Азимбой, Ақмеджон, Мақа, Элевсизлар теварак-теваракдан жеркишиб, ўшқира бошлашди:

— Сен ёвлик қнлмай нима қилаётисан?

— Ухлаб қолибмиз, шунга айбли бўлдикми?

— Нега йилқини босиб оласан?

— Кимни оёқ ости қилмоқчисан?

— Молда тил йўқ. Ҳайвон билан тенглашиб, ҳайвон бўлдингми ҳамманг! Бўшат!

— Гапни бас қил, бўшат йилқини! — деб ҳаммаси заҳрини сочиб, рангини ўчириб, депсиниб туришибди.

Абулғози бир гапни бошлаб:

— Гал берасанларми, арз айтдирасанларми, йўқми? — дейиши билан:

— Мана сенга гап! — деб, Азимбой қамчи билан бошига солиб қолди.

Абулғози унинг қамчисини шартта ушлаб, бир силкишда юлиб олди. Ўэига қайтариб уриб қолганда, ҳовлиқма Ақлпейис уни сўйил билан солиб юборди. Шу бўлдию, ёқалаш-муштлаш бошланди кетди.

Даркембойга ҳам қамчи ёғилаётир. Ҳар уйнинг эшигидан қараб турган аёллар, болаларчуввос солишаётир. Абулғози билан Даркембойнинг ёнида бўлмаса-да, ҳар уйнинг панасида отларни ҳозирлаб, сиртмоқ ва сўйилларини ўзларининг белларига қистириб турган кўп қашшоқлар бор эди. Ўшалар Абулғозининг фақат «отлан!» деган ҳайқиригини эшитган он шартта-шартта отларига қўниб, душман тўдасига қараб:

— Ур, йиқит!

— Ур, йиқит! — деб дув ёпирилиб келишди...

Буларни шу зайл киши билмас қилиб, ҳозирлаб қўйган Абулғозининг ўзи эди. Қашшоқ деҳқонлар орасида ўша бир йили Бозорали, Абулғозиларнинг йўлбошчилиги остида Такежоннинг йилқисига ҳужум қилган эркаклар ҳам бор эди.

Абулғози ўзига ёпирилган сўйилдан аввало бошини қўрғаб, орқага чекинди. Отлиқларга урдирмай, уйларни оралаб айланисб қочди. Шу чоқ ҳалиги йигитлар ҳайқиришганича чопиб чиқишиб, Азимбойларга ташланишиди. Абулғози учиб бориб, овул ўртасидаги ўз уйига етиши биланоқ панада турган Такежоннинг қора човкар отига иргиб миниб, бўз уйнинг белига қистириғлиқ турган қора чўқморни илиб кетди-да, ҳайқирганича Такежоннинг ўғлига қарши чопиб чиқди. Отилиб бориб душман тўдасига ташланди. Чўқморни ўнгга ҳам, сўлга ҳам баравар ура берди. Йигитлар отга мингандари билан душман тўдасидан кам экан. Ев қирқقا яқин бўлганда, булар йигирмадан ортиқ эмасди...

Даркембой ҳали сўйил зарбидан йиқилиб қолиб, бошидан қон оққан ҳолда ётар эди; уни Ўдек зўрға кўтариб, уйга олиб кирди. Ярадор Даркембайнин кўргандада, Бозорали:

— Аҳ, худо шуни кўрсатгунча, шунча хор қилгунча, менинг жонимни олсанг бўлмасмиди! — деб эмаклаб, интилиб эшикка талпинди. Ўдек суяб тўхтатмоқчи бўлган эди:

— Нари тур, ёвим билан олишиб ўламан. Олиб бер чўқморни! — деб, керегеда қистириғлиқ турган чўқморни юлқиб, сургаб олганича эшикдан қичқириб:

— Қир! Яичиб ташла! Қўлида ўл, ўчингни ол! — деб ҳайқирди.

Сўйил еб, боши ёрилиб, энди уйда тўрдаги керегега суюниб, ёнбошлаганича, юзлари оқариб кетган кекса Даркембайнинг ёнига Раҳимтой югуриб келди. Йиглаб юбориб, отасини қучоқлаганича пийпалаётир. Унинг орқасидан кетма-кет югуришиб Исонинг иккита кичкина ўғли: Асан билан Усен ҳам келишди. Даркембой отани улар ҳам ўз отасидек яхши кўришарди. Даркембой бўлса, бу иккита етим болани ардоқлаб, яқин жигаридек доим паноҳ бўлиб юарди.

Уч бола Азимбойлар даст аввал ёқалаш-муштлаш бошлаганда, Ийс энанинг уйи эшигидан қараб ташқарига чиқолмай қўрқишиб туришганди. Қейин Азимбой билан унинг безори ҳамроҳлари қамчи билан сўйилни ишга солиб, Абулғозини ура бошлаганда Раҳим уйдан югуриб чиқди. У ўз отаси учун қўрқиб, жонининг борича юргурганди. Отасини урган ёвни ҳам кўриб, йиғлаганича ҳайқириб юборганди.

— Тегма отамга! Ёвуз! — деб икки кўзидан ёш оти-
либ чиққанди.

Оувуда от устида, пиёда олиб борилаётган жангга
қарамай, орқасидан келаётган Асан, Усен уччови
кушдек учуб боришиб, Бозоралининг уйига етиш-
ганди.

Чириллаб ёнига боласи етиб келганда, Даркембой
тездан эсини йиғди. Ярасига эътибор бермай, гайратга
кирди.

— Кўзимнинг қораси, йиғлама, қўрқма! Ҳеч нарса
қилмайди,— деб Раҳимтойнинг бошидан силаб, бағрига
босди. Даркембой отасига жони ачиб, тишини-тишига
қўйиб, йиғлаб ўтирган иккита етимчани ҳам бошларидан
силаб ёнига олди. Раҳимтой йиғлаганича:

— Отажон, мен катта бўламан. Ўшанда мен ҳам ўша
Азимбойнинг бошини ёраман! — деди.

Асан ҳам унга қўшилиб:

— Тура турсин ҳали булар. Биз ҳам катта бўлармиз.
Ўшанда отамнинг ўчини олиб берамиз! — деди. Бу пайт-
да эшикдаги қаттиқ жангнинг ҳай-ҳай сурони авжига
чиқа бошлаган эди.

Муштлаш-ёқалаш оувуда бўлаётир. Эшик олди, қўра-
нинг ўртаси — ҳамма ерда қасир-қусур жанг бораётир.
Отдан йиқилиб юмалаб тушаётган ёвлар ҳам, жотоқлар
ҳам бор. Ҳайқиришиб олишаётир.

— Қайтма! Қайтма!

— Айрилмас! Айрилмас!

— Ўлdir, янчib ташла! — деган товушлар ёвлар то-
монидан дамба-дам чиқиб турибди.

Бозорали эшикка интилганда, эсини эндингина йиғиб
олган Даркембой Үдекка ҳайқириб:

— Итил, ана унга бор! Суя ўшани! Мени қўявер!—
деди.

Эшикда ёвга етолмаса-да, чўқмор ўйнатиб, ҳайқириб
Жотоқларга буйруқ бериб турган Бозоралини Үдек қу-
чоқлаб, суяб турди.

Худди шу чоқ эл ҳам, ёв ҳам кутмаган бир куч келиб
кушилди.

Ҳалигина шу оувулга келиб кетган Апанас, Фёдар.
Сергейлар Потрава тўғрисида қофоз ёзгали обозга қай-
тиб боришганда, галалашиб келаётган Азимбой тўдасини
кўриб қолишиди. Муштлаш-ёқалаш юз беришини пайқаш-
ди. То улар оувулга етиб келишгунча, ўйлаганларидек

жанг бошланиб кетди. Ўша заҳоти Апанас билан Фёдор товушининг борича қиққириб, бутун обоздагиларга:

— Отларни чиқарнинглар!

— Қаш, ёрдамга! — дейишиб, буйруқ қилиб қолишди.

Шу бўлдию, барча деҳқонлар дарҳол отларини чиқарнб, кўпчилиги тезда араваларнинг шотиларини суғуриб сұғуриб олишибди-да, яйдоқ отларга миниб, чопиб чиқишиди.

Обоздаги Даръя, Фекла сингари аёллар кечаги қашшоқ хонадонларнинг аёллари билан болалари уввос солишаётганларини кўриб, қўлларига болта, курак, паншашалар олишиб пиёда югуриб кетишиди. Апанаснинг ўзи ҳам отга миниб, шотини кўндаланг кўтарганича чопди. Фёдор бундан олдин ёлғиз ўзи от қўйиб келиб, Абулғози билан ёндошган замон ёвга ташланди.

Ақлпейис сўйил билан унинг елкасига бир уриб кетаётганда, Фёдор унинг белига бир солиб қолди. Шошилиб урди. Сўйил билан олишиш йўлинни ҳам билмасди. Қозоқнинг чиниқсан сўйилвозлари бошни, билакни, тиззани кўзласа, бунинг ундей усууллар билан ҳам иши йўқ. Фақат дуч келганини боплаб белига тушира беради. Ёлғиз Ақлпейис бўлмаса, ураётганларнинг бошқалари от устидан тумоқдек учиб тушиб, юмалаётир.

Хозир Апанас билан яна бир қанча деҳқонлар ҳам жангга киришиди. Овулда қирғин-қиёмат бўлаётир. Бу чоққача қашшоқларни қаттиқ зарбага учратиб, уй-уйга сиқиб бориб, ёпирилиб келаётган душман тўдаси, энди худди шу ернинг ўзидаёқ етим-есирнинг қарғишидек ураётган қаттиқ қўлларга йўлиқишиди.

Бир оздан кейин руслар «Ура», «ура!», «урра!», дейишиб, катта жанглардаги сингари ҳай-ҳай сурон кўтарнишиб, эндигина билак ҳордиғини чиқариб, қулоч ёзиб келишаётганди.

— Вой ниятингга етказсин!

— Айланай русларим!

— О-о-о, оқ йўл берсин!

— Бола-чақангнинг эгилигинн кўр! — дейишиб, эрлари таёқ еяётган хотинлар, оналар душманни айритмалар билан урнишиб, эшикда югуриб юришганди.

Даръя билан Фекла ва бир неча ботир деҳқон аёллар бу чоқ овул ўртасига етиб келишибди-да, қозоқ хотинларга аралашиб кетиб, улардан таёқлар олишиб, душманга

ташланишди. Яқинларига келган яхши кийимли ёвларни орқасиға уриб қолишаётир.

— «Анчихрист!» деб Фекла, «окоянние звери» деб Даръя жангга киришиб кетишган. Қўрқиш йўқ.

Бир вақт шу икковининг орасидан чопганича ўтиб қолган бақироқ Мақа сўйил билан Феклани бир солиб қолди.

— Ах ты сукин сын Анчихрист! — деб, Фекла шап этиб, Мақан отинипг сувлиғидан ушлаб олди.

— Айрилма-а-ас!... — деб бақирган Мақани Фекла бир қўли билан юлқиб, отдан туширди. Мақа қулаб тушганда ҳам «айрилмас» деб бақираётир. Лекин Фекла қаттиқ юлқиганда лоп этиб чалқанчасига тушди.

— Эҳ, суккин сын, барантач! — деб туриб Фекла войсаётган Мақани ялангоёқ товони билан қоқ бошига тепиб-тепиб юборди. Уни кўрган қозоқ аёллари севинишиб:

— Шўқлани қара!

— Ҳой, Шўқлани қаранглар!

— Оғзига тепаётир... — дейишиб,чувуллашиб севингларидан кулиб ҳам юборишибди.

Энасига ёлиниб, остонадан жанг бўлаётган томонга қараб йиғлаётган Усен ҳам Мақанинг шарманда бўлганини кўриб турганди.

— Ажаб бўлди! Ана керак бўлса, ажаб бўлди! Ажаб бўлди! — деди.

Ийс кампир Шўқладан миннатдор бўлиб, кичкина етимчасининг сўзиға севиниб, нафаси ичиға тушиб қаттиқ кулаётир. Ёлғиз ўғли Исо ўлгандан буён бу совуқ ҳаётда даставвал кулгани шу эди.

— Айланай, Шўқла! Үғил-қизингнинг роҳатини кўр!. Ажаб қилди, хўп қилди! — деди.

Шу ҷоқ қўранинг ўртасига йиқилиб қолган ёвлардан бир нечтасини рус аёллари билан қозоқ аёллари қамчи билан савалаб ура бошлидилар. Деҳқонлар аралашгандан кейин Азимбой тўдаси зарб еб, чекина бошлишди.

Ёв чекиниб, овул четига чиққан, эндиғи жанг худди Бозорали уйиннинг рўпарасида бўлаётган эди. Абулғози билан Шўдир, Апанаслар ёнма-ён туриб олишиб, ўнлаб мирза билан қарс-қурс уришиб, яқинлаб келишди. Шунда Бозорали кучининг борича қичқириб:

— Янчиб ташла, жонингни аяма! Ташлан, қашноқлар! — Бей! Бей, собак! — деб юлқиниб ҳайқирди. Айтганидек, ўзга жотоқ йигитлари ҳам шу ерга ташланиш-

ди. Худди Бозорали буюрганидек, жотоқларнинг чўқморлари билан обознинг йигитлари Иргизбой мирзаларига қарши хоҳлаганларича жанг қилиб, жазосини беришди.

Шу дамнинг ўзида бемор Бозоралининг аламли ҳай-кириғини эшитган номусли деҳқонлар билан Шўдирлар роппа-расо беш мирзани отдан учирив, юмалатиб юбо-ришиди.

Бозорали ҳамон:

— Янчид ташла, биттаси ҳам омон қолмасин! Бор кучингни аямай — деб ҳайқирав эди.

Унинг товуши бутун овул устидагичуввосни, ўпир-тўпирни босиб кетиб, олғир қирон овозидек янграйди. Қулаган бешта мирзанинг биттаси Ақмеджон, биттаси зўровон Ақлпейис ва айниқса боядан бери бир қанча қашшоқларни қонига белаган зўравон Элевсиз эди. Буларнинг қулаганини кўргандан кейин, Азимбойлар энди қоча бошлишди. Үшани сезиб, ҳуруж қилиб интилгаш Абулғозилар яна бир ташланишганда, жони ширин мир-залар овулдан жўнаб қолишиди.

Шўдир энди роса қизишган эди. У, тўғри Азимбойни кўзлаб интилаётир. Лекин унинг оти етказмай чап бериб кета берди. Энди Шўдир яна ўшани кўзлаб, тепиниб интилганда, Азимбой чиндан ҳам қочиб берди. Тўдаси сий-раклашган ҳолда жўнаб қолди.

Шўдир билан Абулғози уни кўп қувишиди. Лекин ёв етказмади. Абулғозининг оти семизлик қилиб чополмади. Шўдирнинг оти ҳам чополмай қолди. Ҳали ўзи қулаш олдидан зўр ғайратнинг биттаси мана шу Шўдирда экан-лигини англаган Элевсиз, унинг отини қулоқ чаккасига уриб, қулатиб кетаёзганди. Шундан кейин Шўдирнинг «Синқа»си дурустроқ чополмай қолди. Ҳар қалай, мирзаларни Шўдир билан Абулғози адргача тирқиратиб, ўтакаларини ёриб қувлаб боришиди-да, овулга бемалол қайтишиди.

Бу маҳал таёқ еб йиқилганларнинг отлари ушланиб, бойлаб қўйилган эди. Ёвларнинг ичидан эси ўзига келганларини Бозорали бирорта уйга ҳам киргиздирмади, далага ҳайдаб юборди.

Жотоқлардан ҳам ярадор бўлганлар кўп эди. Уларни ўз оиласлари парвариш қилиб, жароҳатларини танғишиди.

Бугунги жанг жафокаш меҳнат аҳлининг ғазабли руҳини кўтарди. Беўрин тортган жазо, хўрлик ачинтирмай қўймасди. Унинг эвазига йўловчи деҳқонларнинг

дўстлиги билан кўмаги ҳам бўлакча бўлди. Мана ҳозир ҳам бой овулларининг ўттиз оти қўлда турибди. Йўғонлар келишиб иш тутадиган бўлишса, буғдойни тўлаб молларини олишар, бўлмаса, қилмиш-қидирмиш бўлади. Шуни қисқачагина ўйлашиб олган Даркембой, Бозорали, Абулғозилар энди ўз элларини руҳлантириб, кўнгилларини кўтариб сўзлашди.

— Бош ёрилса, бўрк ичидা. Қари чол бўла туриб, менинг ҳам бошим ёрилди Үлганим йўқ. Фақат тап тортманглар. Белингни маҳкам боғла! Ҳали олда анча машаққат бор! — деб, Даркембайнинг ўзи уч овулга бориб насиҳат қилиб чиқди.

Бугун икки-уч уйда баравар гўшт пиширтириб, рус дўстларини бўлиб-бўлиб меҳмон қилишди. Хотин ва болаларигача Апанас, Фёдор, Дарья, Феклаларга чексиз раҳмат айтишди. Бутун уйларда ёшу қарининг оғзидан буғуиги қизиқ воқиа — Мақанинг Фекладан тепки егани тушмади.

— Бошига тептираётуб, бақ этади-да, «айрилмас!» деб қўяди! — дейишиб, аёллар кула-кула гапиришарди.

Бугун кечга қадар ёв овуллар томонидан тиқ этган шарпа келмади. Шу куннинг ўзида Апанас билан Бозорали маслаҳатлашиб, обоздаги бутун одамлар қашшоқ ҳалқа кўмаклашиб, катта бир гувоҳлик қофозини ҳозирлатишди. У «потрава» тўғрисида берилган гувоҳлик акти эди. Экиннинг миқдорини, яхши унганлигини, бой овулларнинг минг йилқиси ўша экинни қай йўсинда босиб янчиб еб кетганини айтиб ёзишди. Шундан кейин ҳам Потрава, ҳам босқинчилик қилинган йиртқичлик, зўрлик батафсил тасвирланди. Бу ишнинг қасддан қилинганлиги айтилди. Бу ҳолларни холисона кўриб, ноилож шоҳид бўлган ўттиз хонадонли, янги кўчиб келаётгандар Семейнинг уезд начальнигига бор билганларини маълум қилишди.

Ёзганларининг ростлигини тасдиқлаб, бутун обоздаги эркагу аёл қўлларини қўйиши. Шу сингари қонуний ёрдамни яна кўрсатган янги кўчиб келувчилар кўп қўллар кўйилган катта тахта қофозни Бозоралига топширишди. Копияси билан икки нусха қилиб беришди. Апанас бунинг биттасини шаҳарга юбориб, биттасини кўлда эҳтиёт қилиб сақлашни айтди. Кейинчалик ҳам кўп марта керак бўлиши мумкинлигини эслатди. Шунинг билан йўлдан қолиш энди ҳеч тўғри келмаслигини айтишиб,

дўст йўловчилар жўнашга ҳаракат қилишди. Жангда юзи ярадор бўлиб, боши шишиб кетган бўлса-да, Қанг-боқ ўша яраларини танғиб олиб, обознинг олдига тушди.

Энди уч овулнинг эркагу аёли, болалари чувиллашиб келиб, йўловчилар билан узоқ-узоқ хайрлашишди. Икки тараф ҳам бир-бирларига кўп-кўп раҳматлар айтишиб, бир-бирларини қия олмай айрилишди.

Шу билан кеч кирган пайтда обоз йўлга тушди.

Бой овулларнинг тинч қўймаслигини ўйлаган дедқонлар кенгашиб, икки ишга қарор қилишди: аввало дедқонларнинг гувоҳлигини қўшиб, шаҳардаги улуққа ариза юборадиган бўлишди. Бу ариза билан шу кечанинг ўзидаёқ шаҳарга аралашиб юрадиган, пишиқина йигит Серкеш жўнатиладиган бўлди.

Иккинчидан — Даркембой билан Абулғози бўлган ишларнинг ҳаммасини ўз оғизлари билан айтиш учун Абайнинг ёнига борадиган бўлишди.

Шу қарорга кўра, икки тарафга одамларини жўнатиб, қашшиси овуллар келаси кунни кутиб қолишишди.

Даркембойлар келишганда Абай овули ҳали кечки овқатини емаган эди. Айгеримнинг уйида Абай, Мағаш, Дармен — учковигина ўтиришган экан. Мәҳмонлар билан эсон-омонлик сўрашиб бўлганларидан кейин, Айгерим дастурхон ёзиб қимиз шопиртириди.

Абай кундузи бўлган ишни батафсил эшитиш устига, ҳали туш оқсан пайтда Мағаш билан Дарменни юбориб, пайхон бўлган буғдойнинг қай аҳволда эканлигини кўриб келишга буюрганди. У иккови ҳаммаси бўлиб йигирма ерга экилган экинни хўп оралаб, батамом ишдан чиққанлигини билиб келишганди. Ерга тушиб, синиб, янчилиб ётган бошоқлардан қолгани бор. Лекин уни йигиб олиб бўлмайди. Аввало унча пишиб етмаган, ҳом эди; иккичидан — тупроққа қорилиб расво бўлган эди.

— Битта қўймай тозалаб, текислаб ташланган!

— Ер билан яксон қилиб янчиб ташлабди! — дейишиб келишганди Мағаш билан Дармен.

Абай уларга:

— Жотоқларнинг овулита кирманглар. Ҳозир ўртадаги холис қардош бўлиб, фақат ишнинг ҳақиқатини билиб турайлики! — деганди.

Бу гап «келажак тортишувда айблайдиган бўлмасин» деб айтилган гап эди.

Мағашлар ёвуз душманнинг кўп зараар етказганингини айтганидан буён Абай қаттиқ қийналиб, тинчлана олмади. Бир вақт унсиз хўрсиниб, кўнгли нолишга тўлиб кетганда, Ўспонни ёдига олди...

«Ҳар томонга пайқамай оғиб юрсада қувватим, суюнчиғим экан-ку! Ўша бўлганда ҳозир мана шу итлик қилиб ўтирган бутун Иргизбойларнинг безори-каззоб мирза бўйлисларини сургатиб келиб, «дастравалги жазо шу» деб, бир бошдан дарра урдирган бўлардим. «Йиртқичликнинг эвази йиртқичлик» деб, асти эсидан чиқмайдиган қилиб, сўйдирар эдим!» — деб, бор вужудини ларзага солаётган кучли ғазаб устида ўтирганди.

У гоҳо кўпдан бери вужудини қамраб олган ҳалқ қайғусига чўмиб кетарди.

— Ҳаётни қаердан бошлаган бўлсам, ҳали ҳам ўша жойда тургандайман. Золим ёвуз билан олишган сайин етти бошлиқ илонга ўҳшайди. Битта бошини чопсам, яна биттаси пайдо бўлади. Қаерда, қани қутилиб кетадиган йўл? Эл роҳатини қачон кўраман! Умрим шу билан ўтганими? Кўп ниятларим бор эди, эришолмай кетганимми? Юртим дейишга уялмайдиган бўламанми, йўқми?

Шу сингари буюк тўлқин бўғзиға тиқилиб келган дардек бўғдими? Юрагига тош тиқилгандек нафасини сиқиб юборардими?

Отасининг бугун ўзгача ғамгин аҳволини эшитган Абиш, кечга яқин Абай ўтирган холи уйга атайнин ёлғиз ўзи келди. Ҳафа эканлигини Абай бугун Абишдан яширади. Шунга яраша ўғли ҳам ўзича бир қарор билан келган экан, ўша фикрини айта бошлади.

— Оға, бу галги ёвузыликда ёвуз ҳам ёнингиздан чиқиб ўтирибди. У, туғишган оғангизнинг ўғли қилган хиёнат, йиртқичлик бўлгани учун, сиз бир томондан номус қилиб қийналётисиз. Индамай ичингизга солиб ўтириб эзилаётисиз. Менинг айтмоқчи бўлганим,— деб Абиш Абай томон силжиди. Абай ҳам бугун Абдираҳмондан «аниқ суюнчиқ бўлгудек маслаҳат», кўмак кутиб, тикилиб қаради.

— Сиз мана шу саҳронинг ҳокимларидан, устунларидан, бой-киборларидан, золимларидан мўмин ҳалқни ҳиомя қиласман дедингиз. Шунинг учун душманларингиз ҳам баттар ўчакишиб, шиддат билан зарба беради. Жотоқقا текканлар жўрттага, сизга тегаман деб қилди-ку бу ишни. Шундай эмасми?

— Рост айтасан.

— Хўш, сиз-ку «кўп халқа қўшилдим» деган йўлни-гиздан қайтмайсиз? — деб, Абиш жавоб кутаётгандек қа-раб қолди...

— Қайтмайман, қайтмай ўламан! Бу менинг аҳдим билан ақидам...

— Шундай экан, ўша йўлда жасорат билан иш олиб боринг. Айниқса халқ учун қилган бундай ишингиз ўша халқни уйғота боради. Руҳлантириб курашга тарбиялай-ди. Рус халқидаги ишчилар тортишувини, деҳқонлар қўз-ғолонини олсак, подшонинг тўраларига қарши, кўп халқ билан тилақдош бўлган яхши одамларнинг ҳаммаси ҳам, шу сингари олишишларда бутун кучини сарф қиласди. Улар виждан билан аралашади. Шу пайтда ўша ишни сиз ҳам қўллаб-қувватлашингиз керак! — деди.

— Хўш, нима қил дейсан, мен ҳам сўйил кўтариб от-га минайми?

Афтидан, Абай худди шундай қилишга «вақтим ўтган, ёшим улғайғанлиги бу ишга халақит беради» деб ўйла-ётганга ўхшайди.

— Керак бўлса, ҳатто ўшани ҳам қилинг! — деди Абиш қатъий қилиб. — Бундай ёвузлик, зўрлик, ўзига қарши чиққан кескин жасоратни кўргандагина қўрқади. Бозорали, Даркембойлар ўшани бошлаб қўйишиди. Энди сиз ҳам уйда ўтириб қайғира бермай, отга миниш керак бўлса, отга миниб, ўзингизни кўрсатинг. Сизга дўст бўлган халқингиз кўп. Ўша жотоқлардек мазлумлар билан ҳуқуқдан маҳрум кўпчиликка мурожаат қилинг! Қани, сизга ким эргашмас экан! Ана душманларнинг ўшандагина ўти ёрилиб, бош тортади. Фақат шу йўл билангина халқни ҳам, ўзингизни ҳам тинчитасиз! — деди.

Абай ичидан ўғлининг бу фикрини кўп мәъқул кўрди, энди чуқур хаёлларга бориб, кескин ҳаракат қилиш ўйлини излай бошлади.

Шу кайфиятда ўтирган Абайнинг устига Даркембойлар кириб келишиди. Абай булар билан гапни чўзиб ўтирамади. Фақат кескин курашга чоғланган ҳолда, қатъий жасорат билан:

— Ҳозир овқат ичиб, уйингизга қайтинг. Эртага бо-шингизга қандай фалокат келса-да, бор ғайратим билан билганларим сенларники, мен сенларнинг ёнларнингда бўламан. Гапим шу! — деди.

Дарменнинг ёнига иккита-учта чапдаст йигитчаларни

қўшиб, жотоқлар томонига юборди. «Эртага эрталабдан бошлаб қандай янги тап, янги иш бўлса, менга одам юбориб хабардор қилиб тур» деди.

Овқат ичиб бўлишлари биланоқ Даркембойлар билан Дарменлар отланиб жўнаб кетиши.

Шу чақ Такежон овулида катта-кичик Иргизбойлар нинг кенгаси бўлаётганди. Улар кун бўйи югуришиб, энди ўрдали бўрилардек улишиб, бир-бирлари билан то-пишаётганди.

Эртасига, чошгоҳ бўлар-бўлмас, қашшоқ овулларига Иргизбойлардан Оқперди келди. Ёнида битта ёш йигити ҳам бор эди. У ҳам гапни қисқа, кескин буйруқсимон қилиб гапирди.

— Иргизбой тўласи буйруқ қилаётир. Ушлаб олингтан йилқини ё бугун кечга қадар батамом келтириб оёғимизга йиқилсин, ё бўлмаса эртага чошгоҳда жанг майдонинн тайин қилсин. Бор Иргизбой отга минади. Худди овулнинг устига бориб, чанғароғини тушириб, вайрон қиласмиш! — дебди.

Оқперди Бозоралининг уйига келиб тушганди. Даркембой билан Бозорали, Абулғози уччови холи ўтириб маслаҳат ҳам қилишмади. Жавобни Бозорали берди:

— Балони мен бошлаган эмасман. Балонинг ўзи келиб ямлаб юта бошлагандан кейин савалаганим рост. Индамай қўя қолсам ҳам ўлганим. Оғзимдаги насибамдан маҳрум қилганлар аяб қўяди деб ўтирганим йўқ. Исканжага олиб кўз очирмай аёздек бўралай бераман деяётиссан-ку! Инглаб ўлмайман. Улдирсанг ҳам, қирсанг ҳам ёқангга тармашиб ўламан! Узим излаб бормайман. Агар тиклаб келадиган бўлсанг, келиб кўр! Усиз ҳам тирикчилиги хонасалот бўлган оч-яланғочларим бор. Ҳар қалай, ўлган эканман-ку!.. Лекин зойн кетган ёшлигимни ола ўламан. Бор, жўнаб қол! — деди.

Иргизбойлар бу гапни эшитган замон яна югуришиб, кун бўйи куч тўплашиди.

Дармен жотоқлар овулига келиб Ийс энанинг уйига тушганди. Булар кечаги Азимбойдек, озиқ тиши олти қарич келадиган, қуролланиб келган ёв билан олишган қашшоқлар тўпи. Буларнинг кўпчилиги билан Дармен танишгина эмас, қадрдан дўст ҳам. Уша элнинг бошлиғи, мустақил одамлари бўлган Бозорали, Даркембойларгина эмас, Абди, Қангбок, Сержан сингари кўп азаматлари билан ҳам бир-икки оғиз сўз билан сирлашишиди. Уларни

қандай мустаҳкам, жасорат бирлаштириб енгилмас кучга айлантирганини билди. Тишини тишига қўйиб, мардлик кўрсатишга аҳд қилиб, билак шимартирган жасоратни кўрди.

Ҳатто Ийс энанинг кечада кўрганларини гапириши, бақироқ Мақанинг шарманда бўлганини кула-кула сўзлаши ҳам, шу зайд қаршилик кўрсатиш орқасида бу элнинг сергаклашиб, қаддини ростлаб олганини кўрсатарди. Номус ва ғайрат қачондан буён букулиб қолган қадларий бир нафасда ростлаганга ўхшайди. Ийс эна билан Дармен ачагина суҳбатлашиб ўтирди. Даркембой иккита кичик боланинг кечада ўзига ачиниб йиглаганини ҳам, «биз катта бўлганимиизда отам учун ўч оламиз» деганини ҳам айтуб берган экан. Дармен Асанни ёнига чақириб, эркалатиб орқасига қоқди.

— Яхши, азамат бўласан. Эр-азамат бўлиб етишасан, бўтам. Отанг Исо ботир эди. Сен ҳам ўшанга ўхшаб ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, асил азамат бўлиб етишасан,— деди.

Дармен оғанинг ёлғиз Асанни мақташига кўнмаган Усен Дарменнинг бағрига киаркан, унинг тиэзасига шаппалаб қўйиб, норозилик билдириди:

— Ҳа, Дармен оға, мен-чи? Битта Асанми? Мен ҳам азамат бўламан, оғамга ўхшаб мен ҳам ботир бўламан!— деб Ийс эна билан Дарменни кулдирди. Узи аччиғланиб қовоғини очмай, жиддий сўзламоқда эди.

Дармен энди тушунди. Усеннинг юзида Исога ўхшаган жойлари кўп экан. Қовоғи, кўзлари, бурни — ҳаммаси ҳам айниқса бу йил отасига жуда ўхшаб кетибди. Дармен Ийс энага шуни айтди-да:

— Айланай Усенбой, рост айтасан. Сен ўшандай бўласан, бўлишинг турган гап! Мен сени унугтаним йўқ, Усен ҳаммадан бошқача бўлади деб, атайнин сени алоҳидан атайман,— деб кулиб қўйди.

Усеннинг отасига ўхшашлигини айтиш билан бирга, Дармен Исонинг ўзини эслаб, жим хаёлга чўмиб кетди. Кўнглида:

«Бугунги кунларда Исо бўлса, қанчалик ғазаб билан олишар эди. Одилона кек учун чўқмор урган бўлар эди. Азимбойга, Такежонга Исонинг берган зарбаси қабиҳга, ёвузга берилган зўр жазо бўлар эди-да! Аттанг, кечаги жангда ҳеч бўлмаса, ёвнинг бошига қора чўқморини яхшилаб бир уриб, сўнг ўлмади-да» деган армон уйғонди.

Шу билан бирга Дарменнинг кўнглида: «мана шу кўҳна кулбалар ичидаги етим-есирлар ҳақида, бегуноҳ, покиза одамлар ҳақида, улуғ бир фикр пайдо бўлди. Афсоналар ҳақида достон ёзишнинг нима кераги бор? Абайдан маслаҳат олиб, Исонинг ҳаёти, ўлими ҳақида достон ёзиш маъқул эмасми?» деган қарорга келди.

Ҳозирги серҳархаша, ғалаён кунида шундай фикрга келган бўлсада Дармен бу ишга берила олмади. Йргизбойларнинг ҳужумга, жангга чиндан ҳозирлананаётганини билиб, яна Абайга одам югуртириди.

Дарменнинг йигитлари бир неча бор Абайга хабар олиб келишди.

Йргизбойларнинг кун бўйи қилган ҳаракатини эшигандан буён Абай ҳам тайёрлик кўра бошлади. Ёнидаги Эрбўл, Оқилбой, Мағашдан тортиб, ҳамма қўшниларини йиғдириб келди.

— Қўзғол ҳамманг, боринглар. Шу атрофдаги бутун қашшоқ овуллар, мазлумларнинг ҳаммасига менинг ноҳимдан салом айтинглар. Ҳозирдан бошлаб тун бўйи, эртага чошгоҳгача улови бўлганларнинг ҳаммаси жотоқ овулларига ёрдам учун етиб борсин. У ерга етолмайдиганлари менинг ёнимга, менинг овулимга йиғилсин. Йргизбой кўпми, халқ кўпми? Бир кўрсатиб қўяй уларга! Пиёдаман демасин, дуч келган уловни миниб, қуролини шайлаб, фақат шу икки ерга тўплансин! — деди.

Айтганидек, шу кечак ҳамма йигитлар тезлик билан атрофга тарқалишди. Уша куни тонг гира-шира отгандан буён Уйқудуқ, Киндиқди, Кўруқ, Шўлпон, Эралидан, бутун атрофдаги қўнислардан ҳамма қашшоқлар жотоқлар овулуга йўл олди. Ораларида от минганлар ҳам бор эди. Айниқса туюга, ҳўкизга минганлар кўп эди. Лекин ҳамма эски чопон, ранги сариқ камбағал азаматларнинг қўлида сўйил чўқмор бор. Қалбларида ўзгача жўш урган номус, ғазаб, жасорат қайнаб тошарди.

Кутилмаганда жотоқлар сафи шу зайл орта берди. Бу ишларни қилаётган Абай эканлигини билганда, Бозорали дардини ҳам сидириб ташлагандек бўлди. Севинчдан кўзларни чақнаб кетди.

— Кела бер!.. Қашшоқ элим... Кела бер! Ҳақсан!.. Ота-урони бирлаштирмай, ота хўрлиги бирлаштирган ҳамдамим, куч-мадорим! — деди.

Йргизбойлар бўлса, чошгоҳ пайтида отларга қўнишди. Катталари ҳам, ёш мирзалари ҳам сўйил-қуролни

шайлаб олишибди. Ёнларида юз элликка яқин терилган жангчилар... буларнинг орасида кеча зарб еб кетган мирзалардан ҳам бор. Улар обоз жўнаган-жўнамаганини билиб келишни жотоқларга юборилган Оқпердига тайинлаб юборишганди. Чунки Шўдирнинг шотисидан шикаст еган талончи мирзаларнинг унга яна дуч келишга асти юраклари бетлай олмайдиган бўлиб қолганди.

«Бугун мужиклар йўқ» деган гапни эшитишгандан буён ўша мирзалар жотоқларни ҳақорат остига олиб «қўйворчи-қўйвор» деяётгандек ўдағайлаб, гердайишиб йўртиб кетишаётир.

Кечаги: «Жанг майдонини тайин қилсин, бўлмаса овулнинг устига бориб чанғароғини туширамиз» дегани шарт билан Иргизбой лашкарлари шошилмай юриб, ҳайбат билан келиб ҳам қолишли. Сўйилларини қўлтиқларига қистиришган, тумоқларининг боғини сиқиб боғлашган эди; башараларидан бераҳмлик аломатлари bemalol кўриниб турарди.

Жотоқлар томонидаги барча азаматлар мингудек от бўлмаса-да, қўлларида борини йиғишириб, эгарлашиб, сўйилларини олиб тайёrlана беришли. Айниқса туяга, ҳўқизга минган ва пиёда қуролланганлар кўпайиб қолди. Ҳаммаси Бозорали, Даркембойларнинг уйи олдига тўпланиб, ёвни кутиб туриши.

Уловнинг йўқлигидан, пиёдалиқдан анави қора тўда бўлиб дабдаба билан секин бостириб келаётган отлиқ, уловлик, қуроллик душман олдида буларнинг кўриниши жангчиларга ўхшамай қолди.

Лекин шу чоқ икки тараф учун ҳам кутилмаган бир иш юз бериб, тўсатдан бир кўриниш намоён бўлди. Қашшоқ овулларнинг экини томонда пастаккина тепа бор эди. Уша тепадан ошиб, қашшоқлар тўпига қўшилгани келаётган юзга яқин қуролли отлиқлар кўриниб қолди. Булар елиб-югуриб яқинлашиб келганларида, олдинда келаётган Абайнин таниб қолишли. Қашшоқлар шодланиб қичқиришиб:

— Абай!!

— Абайнинг ўзи ҳам бор!

— О-о-о, барака топкур, суюнган тогим! — деб Даркембой Абайнинг олдидан чиқишига ҳаракат қилди.

— Мана, Даке, қошингдаман... келиб кўрсис, энди олиб кўрсин ёв! — деганида, халқ чувуллашиб миннатдорчилик билдириши.

Ирғизбойлар яқинлашиб келиб, бу аҳволни кўрганларидан кейин, отларнинг бошини тортишиди. Олдинда келаётгав Оқперди, Такежон, Исҳоқ уччови дарғазаб бўлишса-да, эсларидан адашгандек:

— Бу ким экан?

— Абай-ку!?

— Кечадан буён шунинг учун дамини чиқармай ётган экан-да!

— Хўш, бу қандай гап бўлди? Қунанбойнинг икки ўғли бир-бирига қарши жанг қиладиган бўлдими!?—деб, Такежон бақириб Абайга сўз қотди.

Абай шошмасдан отини тепиниб, олдинроққа чиқди. Абулғози ёнидаги кўп йигитларни бошлаб Абайга эргашди. Абай товушининг борича ҳайқириб:

— Қайт ҳозир, хўроэлик қилмай! Сен Ирғизбой бўлсанг, бу ерда беҳисоб халқ бор!.. Булар менинг иним, жигарим, дўстим! Ёвга чоптирмайман, эсинг борида жўнаб қол! Бўлмаса, Қунанбой боласи аввал мен билан олишасан! — деди.

Такежонларнинг орқасидаги Ирғозбойлардан кўпчилиги ҳайқиб, ноиложликдан ҳаяжонга тушишиди.

— Қўйинглар, шармандалик бўлади-ку!

— Жотоқ учун жонини фидо қилади-я бу Абай!

— Қараб туриб, ўзимиз ўзимизга ҳужум қиласми? — деб жанг қилишдан айниб қолишиди.

Абай бу кайфиятни фаҳмлаб, яқинроқ борди-да, уларни ерга уриб сўзлай бошлади.

Сиймосида жангга кирадиган ғазаб йўқ. Лекин кўринишида ҳукм чиқариб, қаҳрини сочиб турган одил қозининг шихоат ва жасорати акс этиб турарди.

— Ҳой, Ирғизбой, мана бу халқни кўрдинг-ку!.. Улмагунча қайтмайди. Уларга мен уқдиридим. Қани, тегиб кўр-чи, Ирғизбой, шарманда бўласан. Мана шу тургандар ҳамманги шилиб, қип-қизил қон қиласди. Бошларингга қонга белангтан дўппи кийиб, башарангларга ўчмас тамға тушириб қайтасаилар. Шундай қилишни мана бу бечора, бегуноҳ халқимга мен буюраман!.. Яхшиликча ҳозир орқангларга қайтинглар-да, сўзлашгани ораларингдан уч кишини сайлаб юборинглар! — деди.

Ирғизбойлардан биронта киши ҳайқириб жавоб қиласмади. Улар яна ҳайқиб қолишиди. Кейин орқага чекинишди-да, анча ерга боришиб бир оз маслаҳатлашгандан кейин, уч кишини юборишиди. Исҳоқ, Оқперди, Шубор

келди. Буларнинг уччови ҳам — юзма-юз келишганда, Абайдан ҳайиқиб юрадиган қариндошлар эди.

Буларни кўргандан кейин Абайнинг ўзи ҳам отдан тушди. Бошқалар ҳам кейинроқ чекикиб, отларини боғлай бошладилар. Абайнинг ёнида фақат Даркембой билан Дарменгина қолди.

Исҳоқлар ёшлари кичик бўлгани учун отларидан тушиб, Абайга салом бериб келишиди. Абай энди буларни аччиқ истеҳзоли кулги билан қарши олди.

— Отга миниб, сўйил кўтариб Абай чиқмайди. Мард, ўғил бола туғилган фақат бизларгинамиз, деб ўйладингларми? Йўқ, сенлар шу мартабага етишган бўлсаларинг, мен ҳам шу даражага чиқдим. Сенлар ўтказган алам худди шу бугун мени гўримдан ҳам турғизгудай бўлди. Халққа қилган мана шу зўрликларингни фақат кўрибгина кўя қолсан, хўрликдан ўлганим бўлар эди. Буларнинг ҳақини олиб бермагунча тинмайман!..

Битимни ҳам, ҳукмни ҳам, мана, Исҳоқ, Шубор ўзларинг айт! Яширмай юзимга айт!.. Ҳозир шу ернинг ўзида айтасан! — деб бўйруқ қилди.

Шу зайилда бошланган гап кечга қадар чўэйилган тортишувга айланди. Лекин бутун Абай тош-метиндеқ бўлиб қайсалик билан қаттиқ туриб айтган сўзидаи қайтмади.

Шу билан кеч кирган пайтда қилинган қарорга кўра, ўттиз от таланган қашшоқ овулларида қолдирилди. Успоннинг йилини бериш олдидан Қунанбой овулларини шу сингари бир катта тўқиниш остин-устин қилиб ўтганди.

III

Бугун эрталаб бўлис чопари Абайга бир даста хат, қофоз олиб келди. Ҳозирги вақтинча бўлис, Ўспоннинг кандидати Шаке эди. Унинг чопари новча бўйлик, келишимсиз, қотма, қора тўридан келган ёш йигит — Бегдали Абайга қофозларни топшириш билан бирга, бўлис айтиб юборган яна бир гап ҳам борлигини билдириди.

Уйда Эркежондан бошқа аёллар ҳам бор эди. Поки-зот, Авбакир сингари ёшлар ҳам ўтиришганди.

Абайнинг ёнида ўтирган Магаш чопарга: «ўша гапнингни айта бер!» дегандек бир вазият олса-да, Бегдали:

— Абай оға, Шаке ўзингизга холи ўтириб, битталаб айт, деб юборган эди! — деди.

Абай түнини елкасига ташлаб, бошига енгилгина оқ мўйна тумоғини кийди-да, эшикка чиқди.

Холи ерга бориб ўтиришлари биланоқ ўйчанлик акс этиб турган катта-катта кўзларини Бегдалига тикканича индамай қулоқ солди.

— Шакенинг айтиб юборган гали яна бир алоҳида қофоз тўғрисида, Абай оға. Манави, сизни чақиртираётган қофоз экан. Ўяз маҳкамаси юборибди деяётир. Шу билан бирга, бўлисга ҳам алоҳида буйруқ келибди. Унда Абай оғам чақиртирилаётган мана шу жойга боришлиари мажбурий экан, «сизнинг ўша ерга вақтида етиб боришингизнинг жавобгарлиги бўлис билан тилмочга юкланди» деган мазмун англашилади, деяётир. «Устидан тушган чақиқ бўлиб, афтидан, улуғнинг мўйлови ўша чақиқ туширганлар томонга оқсанми деб қолдим» дей гу монсираётир. Шаке... «Бориб айт» деган гали шу эди...— деб, Бегдали сўзини тамом қилгандা, Абай индамай ўрнидан турди-да, уйига қараб кетди.

«Бирор оғиз сўз қотмади. Чурқ этмай кетгани қандай бўлди? Улуғлар билан кўп ишлашиб, ўрганишиб кетганими? Еки, менга зарда қилиб кетганими?» — деб Бегдали ҳайрон бўлганича ўтирган жойида қола берди.

Абай уйига кирганда Абиш конвертларни очиб, бор қофозу хатларни ўқиб чиққан экан. Отасининг сўрашига кўра айтиб берди.

— Мана бу битта қофоз Семей уезининг начальниги-дан. Биттасини Федор Иванович ўзингизга ёзибди. Менга ёзган хати ҳам бор экан...

Павловнинг хатини эшитганда Абайнинг қовоғи очи-либ, юзида шодлик акс этди-да, хиёл жилмайиш кўринди. Бироқ ҳалиги Бегдали айтган гап ёдида бўлгани учун, Ўяз юборган қофоз ҳақида яна қайтадан аниқлаб сўрай бошлади, ўша қофозни ўзи ҳам ўқимоқчи бўлиб қўл чўзди.

Абиш бу қофоз важини уйдагиларга билдириласлик учун отасининг ёнига яқин келиб, пицирлаб ўқиб берди.

«Ўяз Ибрагим Қунанбоевдан маълумотлар, жавоблар эшитмоқчи. Губернатор маҳкамаси ҳам шуни талаб қиласди. Чақиртиришда яна «недоимка»чилар иши юза-сидан жавобгар сифатида чақиртирилаётир» дебди. Яна ўтган йилги иш. Абай ўтган йилдан бўён уезд маҳкамама-

сига уч марта чақирилиб, кўп жавоблар бериб, терговдан ўтганди. Энди иш жондорол маҳкамасининг терговига тушибди. Ўяз орқали Семей жондороли чақирираётир. Балки ундан юқори жойлар ҳам бордир. Чунки кўкламдаги терговда бу ишни Омскдаги корпус генерали — губернатор маҳкамаси ҳам сўраётир, деган гапни Абайга бир таниш чиновник эслатиб ўтганди.

Сентябрнинг бошида Қорамўла деган ярмарканинг ўрнида Семипалатинск, Уст-Каменогорск, Зайсан уездларининг биргалашиб ўтказадиган фавқулодда съезди бўлади. Уша ерга Қунанбоевнинг бориши мажбурий. Келмай қолишига йўл йўқ, деган мазмунни англатибди.

Федор Иванович ҳам хатида Абайнинг устидан тушган аризалар кўплигини айтибди. Унинг ўзи шу кунларда илмий текшириш важидан Иртиш бўйини кезиб юрган эди. Яқинда Семейга келиб, эскидан таниш чиновниклар билан учрашганди, ўшалар унга дўсти Абайнинг устидан чақиқлар тушганлигини айтишибди. Павлов бу хабарни ёзиб келиб, Абайга: «Аполлонга қурбонлик келтириш ўрнига, сиздан саҳронинг сутяжниклари — қозивозлари билан губернатор маҳкамаси «адолатга», бошқача қилиб айтганда, порахўрлик деб аталадиган тангрига қурбонлик келтиришингизни талаб қиласидиган кўринади. Менинг маслаҳатим шуки, чақирирадиган бўлишса, қай дараҷа, қай мансабдаги чиновник билан бўлмасин, ўзингиз юзма-юз кўришиб, тап тортмай очиқ сўзлашинг. Бу кунларда саҳро ҳалқи олдида сизнинг қадри-қимматингиз жуда ошган. Уни мен Зайсан, Уст-Каменогорск уезларининг қозоқлари билан сўзлашганимда кўп пайқадим. Айниқса шунинг учун беҳад шодланиб, фаҳрландим. Ҳалқингиз сизнинг қошингизда. Тириклика одам учун бундан улуғ мукофот йўқ. Ҳаёт бўлса — кураш деган гап эканлигини икковимиз англаган эдик-ку» дебди.

Шу хатни Абиш ўқиб бераётганда, Абай энтикиб уйғонгандек бўлди. Зилдек оғирлигини солиб, унинг елкасидан босаётган вазминлик қаддини букиб, ҳаётнинг ўзидан ҳам совутиб юбораётганга ўхшаб турганди.

Павловнинг дўстлиги билан унинг шу сингари кучли, букилмас иродаси, ботил фикри уни қўлтиғидан суягандек бўлди. Қабиҳликларни чуқур фикр, файласуфларча донолик енга олади. Ушангагина қўл чўёсанг турли-турман разиллик, беомон ёвуэлик, қасдликлардан баланд туриб, юксалиб, юқоридан қаращ мумкин. Ушанда уймала-

шиб, биқсиб ётган ҳасад, мақрга тўла ёмонлик, кундошликларнинг ҳаммаси тўпигингдан келмай, заррадек эътиборсиз бўлиб қолади.

Абайнинг фикрига шундай жасур сергаклик бахш этган Павлов, унинг энг содиқ дўсти эди. Шу сингари дўстликнинг ўзи, фақат шугина, шоир қалбини умидли шуълага тўлдирди.

Абиш Павловнинг ўзига ёзган хатини ҳам ўқиб берди. Павлов ўз ҳаётидаги сўнгги ўзгариш ҳақида ёзибди. Кўп йилларча ҳукм сурган ғовлар билан жандармлар маҳкамаси барпо қилган қамал йўқолибди. Ниҳоят, Федор Иванович ўзининг севгилиси — Сашага уйланиди.

Саша қаллиқлар орасида йўли улуг, ўзгача қаллиқ. У Павлов сургун қилинган Харьковдан, ўша ердаги университетдан Павлов билан бир вақтда ҳайдалган эди. Жасур революционер қиз навқирон ёш боши билан Сибирь сургунини, нақадар мудҳиш, нақадар машъум жойларни кўрса-да, ҳориб-толмоқ у ёқда турсин, парво қилмаган ҳам эди.

Сургун қилиниб Тоболда турганларида, иккови дўст бўлиб топишганди. Қейинчалик Павлов сургун устига сургун бўлди.

Абиш ҳозир Федор Ивановичнинг бу сирларини уйдагиларга атайин, тафсилий равишда айтиб берди. Кўп қайгулиниң қайғуси, кўп азият чекканларнинг азияти — ҳаммаси ҳам ғайратлик, ақллик, ноёб одамга дуч келса, ҳеч гап бўлмай қолади. Павлов билан Сашадек ўтли ёшларнинг ҳаёти шуни кўрсатади,— деяётгандек қилиб, ўрнак бўларли мисол тарзида гапирди.

— Бир жазо берилган кишига яна иккинчи ҳукм ҳам чиқариладими! Нега энди Федор Иванович устма-уст сургун бўлган? — деб Мағаш савол бергандан кейин, Абиш Павловнинг иккинчи марта ҳайдалишини аниқроқ айтиб берди.

— У ҳайдалишнинг сабаби нима десанг-чи!? Ана ўша Павлов қилган ишни Россиядаги йирик революционерларнинг бир нечтасигина қилган. Бу иш шараф саналади. 1881 йилда, Александр II ни ҳалқ ғамхўрлари отиб ўлдирган кунларда, янги подшо бўлиб, учинчи Александр таҳтга ўтиради. Ўша кунларда бутун Россия ҳалқини ва улар ичida, айниқса тутқунда, турмаларда, сургунда юрган революционерларнинг ҳаммасини қасам ичиради.

«Янги подшога қасд қилмаймиз, ҳалол ният билан тобе бўлдик» деб, қасам ичиш керак эди. Ўзи сургунда юрган Федор Ивановичга бундай талаб айтилганда, у:

— «Мен ўзим озодликда юрган одам эмасман. Ёш умрим подшолик зулмида ўртанган одамман. Бир подшодан бундай ишни кўриб, энди яна ўшандай иккинчи подшога қандай қилиб мен ишончлик одам бўлар эдим? Барибир ишончсиз одам эканман, менга қасам ичдиришнинг нима ҳожати бор. Менга берилган жазо ўзгариб, оқланганим йўқ. Шундай бўлгандан кейин, подшонинг эскиси ҳам, янгиси ҳам бир, менга берилаётган азоб ҳам ўзгармайди. Ҳамон шундай экан, нима учун мен ўзгаришм керак!» дебди.

— Оббо шўрлигей! Зап айтибдими-а, зап гапирибди-да?

— Бўлмасамчи, бошқа нима ҳам десин? — дейишиб. Мағаш билан Қакитойлар ҳам Павловнинг гапини қувватлашли.

— Бироқ, Павлов айтган мана шу гапни сургундаги-ларнинг кўпчилиги айтолган эмас. Ҳаммасига ҳам қасам ичдирган. Фақат бир яхши рус ёзувчиси Короленко шундай қилибди. У сургунда эмас, озодликда ўтирибоқ қасам ичишдан бош тортган. Шунинг учун уни ҳам Сибирга ҳайдапиби. Павлов омон қоладими? Уни Тобольскдан Омсекка, ундан Семейга ҳайдалиби, иккинчи жазонинг туғилиши ҳам шундан бўлибди. Уша пайтларда уни яхши кўрадиган Саша Тобольскда қолади. У, шунинг хотиниман деб ариза берса ҳам, икковини бирга ҳайдамабди. Кейин ўзини ўтга-чўққа уриб, Павловнинг орқасидан боришга ҳаракат қилгани билан Саша рухсат ололмабди. Уша Саша кейинчалик қамоқдан чиқади. Аммо шунда ҳам қайтмай, ҳормай-толмай, энди сургунда қолиб кетаётган Павловнинг орқасидан ихтиёрий равишида тутқун бўлиш чорасига киришади. Орадан неча бор берилган аризаларни суриштириш, текшириш ойлари ўтади. Ниҳоят, яқиндагина жандарм маҳкамасидан рухсат олишиб, иккови бутхона йўли билан зўр-базўр никоҳ ўқитдиришибди.

Абишнинг ҳикояси бу ердаги дўстларга ғоят қизиқарли кўринди. Бўлакча ҳаёти, тақдири бўлган «оташин ёш» — Сашани ҳам мақтаб кетишиди.

Мағаш Ўяздан келган қофоз важидан анча безовтавланиб, ўша ҳақда маслаҳатлашиб олишни зарурроқ деб

билганди. Нима учундир унга Абайнинг ўзи қаршилик сездирди.

Яна Павлов ҳақида гап очди.

— Павлов узоқ умр кўрса, юксак даражада ўсадиган одамга ўхшайди. Бизнинг қозоқ Россияни билади дейсизми? Бошқаларни қўйиб, ўша менинг устимдан ариза ёзиб юрган Уразбойларнинг ўзи нимани билади? «Оқ подшо», «Корпус», «Жондорол», «Ўяз» — уларнинг билгани шу-да.

«Рус деса» — урядник, стражникларни эсга олади.

Улар Павловни ким деб билишади дейсан, ўйлаб кўрингларчи! Ўғри, қароқчи, таловчи деб билишади. Такежон билан бирга юрадиган, тиним топмайдиган ўғри, босқинчи Соптоёқ, Қусен, Мингяшар, Серикбойлар деб билишади... — деганда, ёшлар беихтиёр кулиб юборишди. — Шунда гўё одам сифат бўлиб юрган ўзларининг бор фазилати ҳалиги — «ўғри-қароқчи» деб юришган Павловнинг бир тола тукига арзийдими?

Энди истеҳзоли олғир фикри уйғонган Абай илҳомга тўлиб, тили ўткир, кўзлари ҳам чароқлаб жўшқин бир вазият олди. Ўзи кулмайди, ранги ўчинқираган, кўзлари катта-катта очилиб, ялт-ялт ёниб қарайди, порлаб, ўт ёниб турганга ўхшайди.

— Шукур, минг маротаба шукур! Битмас-туганмас ҳақиқий ҳазинаси бўлган, чин санъатга, илғор фикрга, юксак ғояларга тўла ҳазинаси бўлган эл — руслар эди. Менинг элим ҳориб-толиб, озиб-тўзиб, «яланг оёқ чувуринди»¹ бўлиб унинг паноҳига келган эди. Қоронгулика қолган авом юрти, тилсиз гунг саҳроси билан келган эди. Ўша саҳронинг даставвалги элчиси, жарчиси бўлиб Олтинсарин умр кечирибди. Мен унинг қудаси, оғайниси эмасман, пора орқали дўстлик топганим йўқ. Бахтимга ноёб руслар билан учрашдим. Ҳақиқий русларнинг чин яхшилигига суюндим. Ўзимгина суюнганим йўқ. Мана, худога шукур, озми-кўпми баҳра олиш билан сенлар ҳам суюнаётиссан. Бизларнинг ҳаммамиз аввал уйғонгандар миз. Бироқ биздан, сиздан кейинги насилларнинг толенни айтсангчи! Улар борганда кўплашиб, халқ билан халқ сифатида қучоқлашиб топишади. Тарих кучи шу

¹ Яланг оёқ чувуринди — XVIII асрда, жунғорларнинг жабридан Сирдарё бўйидаги қозоқлар шимолга, Орқа саҳроларига кетишган ва узоқ йўлни пиёда, азоб-уқубатда ўтишга мажбур бўлган эди.

томонга йўл тутади. Шу гапим рост эмасми, Абишим?!— деди...

Абиш бор ихлоси билан унсизгина маъқуллаб, қайта-қайта бош эгди.

Ёшлар Абайнинг авваллар кўп айтилмаган катта бир тугунили гапини фаҳмлаб, жим бўлишида, оғир ўйланиб қолишиди.

— Уша ноёб юксалишга қараб кўчган эл карвонинг кўч бошловчиси бўла олсан мөҳнатим беҳуда кетмаган бўлади. Ҳатто мөҳнатим ҳам — ўлжам бўлади. Бирор бўлмаса бирорга «роҳат осонлик билан топилмайди», «изланиш билан, қийналиш билан топилар экан» деган фикрни англатар. Буни ҳам ўша ноёб русларнинг ўрнагидан минг мартараб кўриб ўтирганларинг йўқми? Мен даставвал дўст тутган кишиларим,— Пушкин, Лермонтовлар нималарни кўрмади? Герцен, Чернишевскийлар қандай жаҳаннамларда, қандай заҳар-завқумларни тотиб ўтмади? Мана Павловлар ўзлари кўраётган қувгин-сургунни оталари мерос қолдириб кетган бир насибадек билишади, ўшалар ранжиб чурқ, этадими? Зўр матонатни, қайсарлик, саботликни ҳам рус азаматлари кўрсатади. Қозоқнинг ҳам сенлардек ёш бўғинидан, кейинги наисларидаи, ўғил-қизларидан мана шундай таълим-тарбия оқибатида одамгарчилиги камолга етган авлод чиқади-ку! — деб, бир оз ўйланиб ўтирди-да, кейин илова қилиб сўнгги сирини ҳам айтди:

— Мен ўз ҳаётимда унга етмасман... У кунларни кўрмасман. Лекин келажакда замон ўзгариб, жамият мутлақо бошқача даврда ўтар. Бошқача қонунлар яратилиб барча халқ баравар улуғ баҳт-саодатга эришган кунлар бўлар.

«Ўша келажак, порлоқ кунларни бир бино деб ҳисобласак, шу бинога биттагина фишт қалаб кетсан, беармон кетардим». Агарда сен халқингни ўша баҳтли-саодатли кунларга яқинлаштириш учун бирор кўмак етказган бўлсанг, ўзингни мангу барҳаёт, баҳтли деб ҳисоблашга ҳақлисан. Шундай қилиб, бизнинг мусулмон уламоларимиз узоқ асрлар давомида «охир замон», «маҳшар куни» деган гапларни қулоқقا кўп қуйиб келган бўлсалар, мен ёнимда ўзимга энг «коқил замон», «яқин замон» қўл чўзиб тургандек кўраман... Ёшларга халқингни, жамиятингни ўшанга ҳозирлай беришни бил, дегим келади! — деди.

Сўнгги, «охир замон» га қофиядош қилиб, «яқин замон»нинг нақадар моҳирлик билан айтилишидан Дармен, Қакитойлар жуда хурсанд бўлиб кетишиди. Улар ичларидан маъқул кўрганларича Абайдан кўз олишмай, яна гапиришни ўтинаётгандек тикилиб ўтиришарди. Бироқ Абай сўзини тамом қилганди. Узун қора нос қовоқни салмоқ билан қоқа-қоқа кафтига бир отим нос солди-да, отиб юбориб, атрофдагиларга бир назар ташлаб олгач, индамай ўтира берди.

Катта бир дарс тинглагандек бўлган ёш дўстлари бир оз вақт унинг билан бирга жим қолишиди. Дармен, Матғаш, Қакитой уччови бир-бирларига қарашганда, ҳаммасининг кўзларида ҳам ҳозирги сўзлари учун Абайга миннатдорлик билдираётгандай аломат кўринарди.

Булар кўп вақтлардан буён оға оқиннинг ҳалигидек оқилона фикрларини, ноёб насиҳатларини эшитолмай қолишганди.

— Тилагингни бергур, Федор Иванович, хатларининг ўзи билан ҳам фикрингизни жўш урдириб юборди. Кўпдан буён айтилмаган сўзлар туғилди-ку! — деди Қакитой.

— Оға, шу сўзларингизни ёзиб қолдирса ҳам бўладиган экан... Бу ахир келажак билан сўзлаша оладиган фикрлар-ку!.. — деди Абиш, энди отасини ёзишга ҳам ундаётгандек кўринди.

Сўзсиз ҳаракат, жиддий вазият, маъноли кўз қарашлар билан бошқа ёшлар ҳам шу гапни маъқуллаётгандек бўлишиди. Бироқ Абай совуққина, қисқа жавоб қилиб:

— Буни аввал айтган мен эмасман-ку! Абиш ўзини биласан... — деб ёнида турган Пушкин томини силади-да:

Товарищ, верь: взойдет она,
Звезда пленительного счастья...

деб, Пушкин айтиб кетган эмасми? — деди.

— Айтишга айтилган-ку. Бироқ кимнинг қай таҳлитда айтишида ҳам кўп гап бор-да. Яна русларда кўплар айтган бўлса ҳам, бизнинг қозоқда ҳали шу сингари юксалишга ундовчи, умид баҳш этувчи фикрни келажакка бағишлиб айтган одам йўқ-ку! — деб, Абиш яна гапни айлантириб келиб, илтижо қилди. Абай жавоб қилмади.

Абиш шу фикринг узилиб қолишини истамай, энди Павловнинг ҳатига қайта тикилди-да, яна гап бошлади:

— Шу сингари улуг фикрни қайта-қайта айта берилса-да, ҳеч эскирмаслигини Павлов ҳам эслатган экан. Ү ҳам ҳалиги оғам айтган Фикрнинг бир тармоғини жуда яхши тасвирлабди. Мана буни қарангларчи! — деб хатни ўқиб ўтириб қозоқчалаб:

— Ибрагим Қунанбоевич, бугунги меҳнат, айниқса сизнинг шоирлик меҳнатингиз келажак учун қилинаётир. Келажакка етади — дебди.

Уша келажакда ҳалқлар баҳтли, гўзал ҳаёт кечиришади. Уша замон келади. Қелмаслиги мумкин эмас. Ҳеч қандай кишин, жазо, қаҳр-ғазаб деган нарсалар ғов бўла олмайди. Үз ҳалқингиз билан ёш авлодни ўшанга ҳозирлай беринг. Ушалар нечоғлиқ ҳозир бўлишса, келажакнинг мевасидан кўпроқ тотади,— дебди. Мана кўрдингизми, оғамнинг худди ҳалиги фикри билан чирмасиб кетган эмасми? — деди.

— Жуда яхши! — деб, Абай ҳам хурсанд бўлди.

Павловнинг хатини ҳали қўлига олгани йўқ эди. Энди бир қанча вақт индамай, хатта тикилиб қолди...

Уша куни кечқурун, қош қорайган пайтда Абай ўз овулига келиб отдан тушди-да, Айгерим уйининг эшигини очди. Уй ичи қоронғу экан. Ҳеч ким товуш бермади. Эшикда ҳам Абайнин қарши олиб, отдан туширган киши бўлмади.

Абай қоронғу уйининг ичига бошини суқиб:

— Айгерим?! — деди.

Шу он уй ичидан, тўшак ёнидан илдам қўзғалиб Айгерим жавоб берди.

— А-а-б-а-й! Сизмисиз, Аба-ай! — деган товуш тўсатдан шунчалик қувониб кетиш алматидек эшитилди. Майин, латиф товуш борича яқин шарпа билан жон тортаётгандек иссиқ туюлди.

Абай эшикдан отилиб кирганда, Айгерим ҳам унга томон юриб ёнига келиб қолган экан. Эрининг қўлига томон чўзган узуклар ва билакузукларга тўла юмшоқ кичкина бармоқлари иссиққина бўлиб мулойим тегди.

— Соғиниб қолибман-ку, Айгерим! Товушинг қандай майин чиқди. «Абай» деб отимни атаганингнинг ўзини ҳам, куйдек чўзиб айтдингку-а. Товушингдан ўзим ўргулай, кўнгил ғам-ғуссага тўлиб келди... Қани, юпатчи мени иситчи шу латиф нафасинг билан, ҳозиқум!.. — деди.

Айгерим Абайнинг елкасига қўл ташлаб, барваста гавдасини қучоқлар экан, алангаланиб кетган юзини эрининг кўкрагига босди... Нозик ипак толасидек майин товуш билан астагина сўз қотди:

— Ўзим ҳам жуда соғинган эдим. Қуёшим!..—деди. Шундай деганига, қалбини очганига уялиб, Абайн қаттиқроқ қучоқлаб, бағрига кириб кетди...

Успон ўлгандан бўён Абай ҳам, Айгеримнинг ўзи ҳам мотам тутишди. Кўпинча Эркежоннинг ёнига бориб, фотиҳа ўқувчилар кўп келаётган кунларда Айгерим ҳам узоқ-узоқ ўтириб, бирга йиғи беришиб келарди.

Абайнинг чеҳраси очилиб, ғам-ғуссага тўлган кўнгли ёзилган эмасди.

Лекин шунда ҳам иккови ўзларининг бир-бирларига берилган, ҳануз алангали ҳисларини сусайтиришмаганди. Аксинча, сабот билан чидаб, фақат кўз қараашларидан, муштоқлик акс этиб турадиган чеҳраларидан ички сирларини англашарди. Узлари тутиб-тежаб юрган кўнгиллари ҳам, ишончли, садоқатли дўстлик ҳам, кучли ва содиқ муҳаббат ҳам ўз-ўзидан ўт олиб, туташиб кетарди... Алангали иссиқ онларни хотирлаш, соғиниш кучайган... Шу бугун ўша соғиниш Айгеримнинг жуда тинкаси ни қуритиб, енган эди. Шу сингари кечқурунлар у бедор ётиб, ёлғиз ўзи бўлишни истарди.

Хизматкор хотинни эрта бўшатиб юбориб, уйни холи қилиб ёлғиз ўзи қолди. Ҳали Абай келиш олдидан, баъзан кўп кунлар айрилиб қолиб, йироқ сафардан келган қоқларида, эрининг қанчалик соғиниб келишини ўйлаб ётганди.

Бу он икки юракда ҳам қилдек ғашлик йўқ.

Овулдаги майда гап кампирлар, баъзи бир ивир-шивирларни яхши кўрадиган овсинлар, Успоннинг бева қолган хотинларини гап қилишаётир. Орқаваротдан ўзича жўплаб қўйишлиар, сояга қараб тўн бичишлиар ҳар кимда ҳам бор-да.

Бу овулдагиларнинг ўзларигина эмас, ҳатто бутун Тўбуқти миқёсида миш-миш тарқатиб, астар пахтасини ағдариб, гап қилиб ўтирадиган чоллар, оғзи катта кампирлар ҳам «Успон ўлгандан кейин оқибати қандоқ бўлишини» гап қилмай ўтиришмасди.

Шундай пайтларда ўзларининг жўплаб кўришларига кўра: «Успоннинг уч хотини қолган бўлса, унга яраша уч оғаси ҳам қолди. Уччовига уч келин мос келиб

турибди. Талашнинг ҳожати борми? Фақат қайси бириниң қайси биттасини олар экан? Гап шунда!» дейишиб, ма-роқ билан ўтириб гапиришарди. Шундай гаплар Успоннинг йили тўлиб келаётган сайин кундан кун кўпаймоқда эди.

Шу йўсинда оғизга тушиб кетган майдагаплар Айгеримнинг ҳам қулоғига етмай қолмасди. Лекин у ўзининг шу кунга қадар биронта ажин тушмаган, нурланиб турган оппоқ юзини яшнатиб куларди-ю, индамай ўтира берарди. Қисилиб, қимтиладиган бу эмас, шубҳага соладиган Абай эмас. Бу юраклар содиқ дўстликнинг юзига губор қўндирадиган юраклар эмас.

Бугун кечқурун Айгерим Абайнинг соғиниб қарши олганда, унинг ҳам ҳалигидек айланиб-ўргилиб қучогига олганини кўрди. Бир лаҳзада Айгеримнинг бор юрагини соғ, порлоқ ишонч-олқишига тўлдириб юборди. Шунинг учун Абайнинг уни «ўзим ўргулай», деб боласидек қилиб бағрига босиши янгилик бўлса, Айгеримнинг ҳам «Қуёшим» дейишида ўз осмонининг чин қуёшини ҳис этгандек ишонч бор эди.

Соғиниш шарпаси ҳукм сурган алангали ондан кейин, Абай мулойнимгина қилиб Айгеримга:

— Айгерим, бир оздан кейин ёшлар шу ерга келишмоқчи. Уй ичидаги баъзи маслаҳатларни холи ўтириб сўзлашай деб Мағаш, Абишларни шу ерга айтиб келдим. Сен ҳозир бориб мол сўйдир, чой ҳозирлат! — деди.

Айгерим катта чироқни ёқиб, кенг хонтахтани Абайнинг олдига қўйди-да, қалин қилиб кўрпача солиб, баланд кроватдан иккита катта-катта оппоқ ястиқни олиб эрининг ёнбошига ташлади. Энди чиқиб кетаётган эди, Абай тўхтатиб:

— Лермонтовни олиб берчи! — деди.

Лермонтов китоби Айгеримга оилада кунда керак бўлиб турадиган нарсадек таниш эди. Анча эскириб қолган томни Айгеримдан олган заҳоти Абай маълум бир саҳифасини очди-да, ўшанга энгашиб тикилиб қолди...

Ёшлар келганча Абай қитобнинг очиқ турган саҳифасига тез-тез кўз ташлаб, ёлғиз ўтирганди. Сўнгги мисралар ўзини ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди. Жўш уриб келган илҳом устма-уст тўлқин отиб, қуйилиб келаётгандек бўлиб:

...Ким билади бу ёзган мунгли сўзим
Утказмай, кўп тутар унинг кўзин.
Иўловча бўй устида туриб, боқиб —
Томоша қалгандек бир гумбазни...

Кундуз ёшларга айтган сири — хаёлининг бир тармоғи шу зайдилда Байрон, Лермонтов нидолари билан ҳамоҳанг бўлиб чиққандек туйилди. Кескин товуш билан ботил нидо ташламади. Фамгин кеч пайтида мулойим, мунгли соз хиёл чертилгандек нафис садо бериб босиляди. Гўё келажакдаги ўқувчиларга ишора орқали сиполик билан қисқагина салом йўллагандек бўлди. Ушанда ҳам хушфаҳм, ҳушёр, идрокли ўқувчи билан «мунгли сўз», «гумбаз» деб, хиёл кўриниш бериб ўтиб, тортинибгина сўзлашгандек бўлди.

Ёшлар бир гала бўлиб, гангур-гунгур сўзлашиб ҳазиллашишди-да, бу уйга қувоняч ола келишди.

Абай улар билан ўтириб, Айгеримнинг қўлидан чой ичди. У сўнгти йиллардаги одатига кўра, чойни оз ичарди. Павлов унинг юраги ва соғлиги ҳақида ташвиш тортиб, маслаҳат бергандан буён Абай суюқ овқатни камроқ истеъмол қилишга тиришарди. Айниқса чойхўрликдан ўзини тежаб юрарди.

Магаш бу ўтиришда отам биздан бир маслаҳат кутаётир деб ўйлаган эди. У ишида «кундуз ўяздан келган қофоз вожидан маслаҳатлашсак керак» деб ўйлаганди. Уша қофоз келгандан буён ўзи ич этини еб, кўп безовта бўлаётганди.

Отасига қаттиқ ачиниб, раҳми келаркан, «жароҳат устига жароҳат» тушгандек бўлиб, катта бир қасдликнинг нишони кўринди. «Энди оғамни қандоқ қилиб ҳимоя қиласиз, унинг кўнглидаги ранж, озорнинг дамини қайтаҳлитда кессак бўлар экан?» деб ўзича турли-туман чоралар ўйлаб келганди.

Хозир Абайдан фақат ўша ҳақда гап чиқар, деб ўтирганида, унинг хаёлига мутлақо келмаган бошқа бир янги гап очилиб кетди. У гапни шу ёшлар ўртасига солиб, маслаҳат қилиш учун Абайнинг ўзи бошлади:

— Хўш, чироқларим, мен бугун сизларнинг олдингизга ўзимизнинг қариндош уруғлар бошлаётган, менга ҳам айтиб юборилган бир гапни ташламоқчиман. Бугун эрталаб Эсиргеп келди. Уни мейнга Такежон билан Исҳоқ юборибди. Биттаси акам, биттаси укам. Улар гапни бир

жойга қўйиб, энди мени ҳам маслаҳатларига тақлиф қилишаётир! — деб, хиёл тўхтаб қолди.

Қакитой ўз отаси Исҳоқнинг номи Такежон номи билан бирга айтилганда, Абайга озор бўлиб тушадиган бирор гап борми деб ғоят сиқилиб кетди. Унинг ўзи Исҳоқнинг ўғли бўлгани билан Абайнинг тарбиясида ўсиб, ўз боласидек бўлиб кетганидан Исҳоқнинг гапи, иши, баъзи кайфиятлари бўлса, уларнинг ҳаммасига ҳам аввало Абайнинг кўзи билан қараб баҳо берар эди. Ота-онаси билан борди-келдиси ҳам кам эди. «Абайни безовта қиладиган гаплар, ишлар Исҳоқ томонидан содир бўлмаса экан» деб ич-ичидан ҳадиксираб, жонсарак бўлиб юрарди.

Абай бир оз тўхтаб қолганда, Қакитойнинг сиқилиб ўзгариб кетганини сезди-да, уни юпатиб гапирди.

— Қайси кунги, жотоқлар можаросига тааллуқли яна бир қўланса, низолик гапни қўзғашадими деб ўйлаган эдим. Гаплари учча ножӯяга ўхшамайди. Уй ичига, мана шу овулга тегишли гап бўлгани учун атайин сизларнинг ўртангизга ҳам ташлаётирман. Такежон билан Исҳоқ Успоннинг йилини берсак дейишаётир.

Мағаш ўзи кутаётган маслаҳат бу эмаслигини ўйлаб, одатдаги ҳозиржавоблигига бориб:

— Ийе, Успон оғамнинг ўлганига йил тўлмай турниб уларпинг бунча шошганлари нимаси? — деди.

— Шошилишида ўриили бир далил борга ўхшайди,— деб, Абай Мағашга бир қараб қўйди-да, сўнгра кўпчилик ўртасига ташланәётган маслаҳатдек қилиб гап бошлади. — Успоннинг йили тўлишини кутсак, декабрнинг ярмига боради. Қаҳратон қишиш бўлиб кетади. Қистовда, тор жойда ош бериб бўладими? Ҳали қишиш қай таҳлитда бошланади? У ҳам маълум эмас. Ҳозир бўлса, эл ҳам бир жойда, жамоат жам. Тиқилинч келиб турган тириклик иши ҳам йўқ. Яна бир ўн беш-йигирма кунларда йилини бериб улгuriш мумкин. Ундан кечикадиган бўлсак, кузнинг ёғин-чочини ҳам келиб қолади. Үтин-сув важидан ҳам анча қийинчилик туғилиб қолади. Элдан эл айрилиб, ҳаммаси қистов-қистовига тарқалиб кетади. Энди қолган икки-уч ойнинг нима фарқи бор? Шу сингари кенгроқ ерда ўтирганимизда йилини бериб олайлик дейишибди! — деди.

Аввало ўтирганларнинг ҳаммаси ўйланиб қолишиди. Абай сабр қилиб улардан қандай маслаҳат чиқишини кутиб турди. Бир оздан кейин Кўкбой томогини қириб олиб:

— Абай оға, менинг фикримча, ўшалар тұғри айтишаётірмі дейман. «Ош бериш» дeng, «йилини бериш» дeng, әр қалай, бир тумонатдек одамни күтиб жұнатыши керак. Үнинг учун шу пайтдан қулайроқ вақтни мен ҳам тополмай турибман! — деди.

Абиш ҳам, Қакитой ҳам унинг гапини қувватлашди. Ниҳоят Абайнинг ўзи ҳам қаршилик билдирмади. Шунга қарор қилғандек бўлиб, Кўкбойга эртага бориб, Такежонга шу гапни маъқул кўрганларини айтишини ҳам топширди. Отаси маъқул кўргандан кейин Мағашлар ҳам қарши бўлишмади. Фақат ўзининг одамгарчилиги, хуш феъл кўнгилчанлиги орқасида ҳалиги қарорга маслаҳатомиз қўшимча қилиб:

— Шу қарор дуруст бўлар, оға,— деб ўйланиб Абайга қаради-да,— фақат эндиги гап-сўзларни ўртага одам қўйиб, элчи юборишиб сўзлашмай, оиласвий маслаҳат тарзидан ўтказиб қўя қолинса яхши бўлмайдими? Катталарнинг ҳаммаси Ўспон оғамнинг уйларига йиғилишиб, анави учта келинингизнинг ҳам бошини қўшиб, яна уларнилг болалари: Авбакир билан Покизодни ҳам ёнингизга олиб ўтириб, гапни бир жойга қўйиш яхши бўлар эдими дейман! — деди.

Бундай қилиш Абайнинг эсига ҳеч келмаган экан. Бу гап кўп маъқул тушибди-да, дарҳол маъқул кўрди. Ўзларнинг камчилигини тузатган Мағашдан жуда хурсанд бўлди.

Оппоқ юзли, кўсароқ Мағаш ҳам ихчам, матолгина бўлгани билан одамгарчилиги яхши, кўп хушёр йигит эди. У доим бошқаларнинг қош-қовоғини, руҳидаги заррача ўзгаришларни дарҳол фаҳмлайдиган кўп зийрак йигит эди. Үнинг Абай қадир қиладиган, яхши кўрадиган ноёб фазилати ҳам шу эди.

Ўспон ҳақидаги гап шунинг билан тамом бўлди. Мағаш энди бошқача бир маслаҳатга кўчди.

— Хўш энди, бугун кечқурун қилинадиган ишнинг каттаси Ўядан келган ҳалиги қоғоз масаласи эмасми?— деб, Абишга қараб, — ўшанинг бир маслаҳатини қилсак дуруст бўлмайдими? — деди.

Абиш ҳам бу масалада отасининг бепарволигини англай олмагандек:

— Шуни айт. Билмадим оғам қандай фикрга келиб, нимага қарор қилганини мен ҳам ҳали эшитолмадим,— деб, жавоб кутаётгандек Абайга қаради.

Абай энди ишчанлик, кескинлик билан қаттиқ-қаттиқ тапира бошлади:

— Э-э-э, у ҳақда ўйлаб, қарор қилиб ўтиргудек нимаси бор? Федор Ивановичнинг хати ҳал қилиб қўйди-ку? Иигилишига бораман. Улуғлари билан кўришиб, қандай гуноҳ ортишларини кўраман. Тұхмат билан ҳам, тұхматчилар билан ҳам ўша ўзлари тайин қилган майдонда курашаман. У масала боя ҳал қилиб қўйилган,—деганда, кундузи хат келгандан бүён ичига чироқ ёқса ҳам ёримай юрган Магашнинг кўнгли таскин топиб, чиройи очилиб кетди.

Бошқа ёшлар ҳам бу масаланинг ечилиши маҳол бўлган бир чигал тугундек кўриб юришган экан. Энди улар ҳам Абайнинг шунча осонлик билан ҳал қилиб қўйган жасурона қарорини маъқуллагандек бир вазият олишида, бошқа гап қотишмади.

Абайнинг кўп қабиқлар билан майдонда олишиши очиқ кўриниб туради. Шу билан оға дўст ўзининг таваккал қилганини, чидамини билдириди. Шу сингари синов, тиқилинч бир пайтда ёш ва кучсиз тўпга оғирлиқ солмай, маслаҳат ҳам қилмай, танҳо ўзи туриб беришга бел боғлаб турибди. Балки Абайнинг тарбияси ёшларга дарсдек бўлганидан, буларни баъзи бир машъум ишлардан четда, пок сақлагиси келаётгандир. «Бундай ишлар ҳақида кўп ўйлатиб, буларнинг кўнглини бузмай соф қалбига гард қўндиrmай» деяётгандир. Абайнинг бу ишидан Кўкбой шундай хулоса чиқарди.

Такежон билан Исҳоқнинг бу ишни бошлашининг тагида шу ердаги ёшларнинг ҳаммаси сезадиган қандайдир бир сир бор эди. Абай уни ҳам очмади. «Кейинчалик ўзлари кўриб, англашсин» дегандек қилиб қўя қолди. Фақат чақиртириқ билан боришга қарор қилганий айтиш билан бирга, апчадан кейин:

— Қорамўлага жавобгар тарзида боришдан олдин Успоннинг йилини бериб улгуришнинг ҳам бир маъноси бор экан. Ҳали бир ой вақт бор-ку!..— деди. Бу гапи ўзи ичida ўйлаётган гапларнинг давоми бўлса керак. Аввалги гапларига алоқаси бўлмаган бир тахминга ўхшайди.

Абиш бу гапга тушуна олмаганини ҳаммадан олдин айтди.

— Бу икковининг бир-бирига қандай алоқаси бор, оға?

— Алоқаси...— деб Абай йироққа қараётгандек күзларини қисинқираб турдида,— алоқаси бўлмасга жуда соз... Ҳар қалай, бошиқалар билан тортишадиган бўлсам, бу томондан кўнгил хира бўлмасин... Бу ергагиларнинг кўнгли таскин топсин! — деди.

Бу гапи, четин бир сир ҳақида тортиниб айтилган такминга ўхшайди.

Дармен бўлса, хушёрлиги орқасида ўзича, кўнглидан: «Такежон мана шу Ўспон важидан бирор баҳона тополмайдиган бўлсин. Ўшанинг оёғига тушов урилиб, ёвлар томонга ўтолмайдиган бўлсин!» деяётир,— деб, Абайнинг чақиртириқ билан Ўспоннинг йилини бериш масаласини бир-бирига боғлашидан шундай хулоса чиқарди.

Келаси кун Ўспоннинг катта уйида бор қариндошларнинг йиғилиши бўлди. Унга Ўспоннинг хотинлари билан асраб олган иккита боласи қатнашди. Катталардан: Такежон, Абай, Исҳоқ бўлди. Ёшлар бу йиғилишга қатнаштирилмади. Улардан ёлғиз Абишнигина маслаҳатга қўшишли.

Эркежон билан Зейнеб, Такежон бошлиган бу гапни ҳали ўринсиз кўриб, аввал унча хуш кўришмади. Лекин Абай тушунтиргандан кейин индамай қолишиди.

Жотоқлар ишидан бўён Абайнинг Исҳоқ билан Такежонни бетма-бет кўргани шу. Бироқ мана бу иккита акаука ҳозир у можорани бутунлай увудиб юборганга ўхшайди. Бирор ҳаракат, вазият билан ўшандаги низо важидан сир беришмайди.

Бу жиҳатини улар яширган сайин Абай уларга ишонч-сизлик билан қарайди. Аммо, ичидан билиб ўтирган бўлишига қарамай, Абай ҳам сир бермасликка тиришади. «Булардан садоқат, соғдиллик, тўғрилик чиқ-қанми ҳеч?» деб ўйладида Ўспонни ёллади. Яхши кўрса ҳам, нафратланса ҳам, ишни ўринлатадиган ўша эди-ку. Усиз мана бу жигарлар отаси ёт, сири бегона нарсаларга ўхшайди. Шундоқ деган билан илож йўқ. Энди шулар билан бирга ўтириб, бурчим бўлған ишларни бирга адо этишим керак. Айниқса у, Ўспонни хотирлаш иши... Шунинг билан Абай эндиги ишларни қариндошлари билан довсиз, жанжалсиз, иложи бўлса, ҳатто, дамини ҳам чиқармай ўтириб, адо этмоқчи бўлди.

Шундай қилиб, шу ерга йиғилганлар бир қарорга келишди-да, яна йигирма кундан кейин Ўспоннинг йилини

берадиган бўлишди. «Ош берилади» демай. «йили берилади» деб хабар қиласидиган бўлишди.

Аслида «ош бериш» деган одат, сўнгги бир қанча йиллардан буён бу элнинг таомилидан чиқиб, қолиб келаетган эди. Шунинг оқибати бўлиб, Қунанбой ўлганда ҳам бу овуллар ош беришмади.

Шунинг учун орқаваротдан Абайни айблаб, гап қилювчилар кўп бўлса-да, Иргизбойлар эндиги ўлимнинг ҳаммасини «ошсиз» ўтказадиган бўлишган.

«Йили» деб қарор қиласидигандан кейин, унга чиқариладиган молнинг миқдори, чақириладиган одамнинг сони ҳам белгиланди. Барча Иргизбой Успондан фойда кўрган. Шунинг учун Такежон билан Исҳоқнинг гапига қараганда, уларнинг ҳаммаси чиқимни баравар кўтиришга ҳозир экан.

Одам ҳам кўп айтиладиган бўлди. Шундай қилнб, Успоннинг ўз молидан, Қунанбой болаларининг молидан ва кўп овуллик Ускенбой, умум Иргизбойлардан баравар мол чиқариб сўйиладиган, бериладиган моллар ҳозирланадиган бўлди. Абай билан аёллар бундай сахийликка қарши бўлишмади. Абиш бўлса хўп қулоқ солиб ўтирида-да, ўз фикрини ҳам айтди.

— Ош маъқул бўлмаганда мана бу ишнинг «ош» дан қандай фарқи бор? Икковида ҳам ёру дўстларгина келмайди. «Ош еб, от чоптириб, полвон кураштириб, ўйинкулги, томоша қиласман» деган бедард кўпчилик йиғилади. Ўлган одамни эслайдиган, унинг арвоҳини хотирлайдиган ўша кўпчиликми? У эмас! Уларнинг ичидаги юздан биригина ўшани ўйлади. Мол-дунё сочилади. У ҳам ўринисиз. Бир куннинг товоғи, томоғи учунгина қирилади. Шундай қиласидиган кўра, бошқа бир улуғ эзгулик иштобиб, сон-саноқсиз молни ўшандай ўринилек, фойдалилк ишга, самаралик бир яхшиликка сарф қилиш яхши эмасми? — деди.

Такежон Абишнинг гапига ҳайрон бўлмади. «Русча тарбияда ўсгани учун тушунмаётир» деб, уэрсимон хиёл кулимсираб қаради-да:

— Оббо чироғим-эй, қозоқ йўли шу эмасми? Бундай кор-хайрда мол сарф қилиш ўринилек, асли шунга ишлатиш керак-да. Бу иш ҳатто шариатимизга ҳам хуш келади! — деди.

— Шариатга хуш келганда, ғарибларга, мусофири бечораларга берилса хуш келадигандир! — деб, Абиш

ўзининг ҳамма ишни билиб, ўйлаб кўриб сўэлаётганини билдиришга уринди:

— Шариатда тўқни тўйдириб, қимиз билан қиздириб, гўшт билан кепчит, демайди-ку. Менга қолса шу гал чи-қариладиган мол батамом сарф қилинсин. Сарф қилинганда ҳам ҳақиқий муҳтоҷ, ноchorларга улаштириб берилсин... Уликка бериладиган хайри-худойи шу зайлда берилса, шараф учун, донг чиқариб мақтаниш учун эмас, эзгулик учун берилган бўлади! — деди.

Абишнинг бу хилдаги ўзгача фикрини Абай очиқроқ англағиси келиб сўради:

— Кимларга бериб, қай таҳлитда сарф қилинса, дуруст бўлади дейсан?

— Қими борми? Атрофимиизда йўқчилик хароб қилган эл озми? Аввало, мана бу беҳисоб қашшоқ жотоқларга бериб, ўшаларнинг юпун хўжаликларини оз бўлса ҳам тиклаб кетилса бўлмайдими? Улар ҳаммаси мана шу овулларнинг кўп йиллардан бўён мол боқари, чўпони бўлиб хизматдаги қўшнилари эмасми? Ҳатто ҳақиқатга келинса, ота-оналаридан тортиб, узоқ йиллар давомида меҳнат қилган. Елкаси яғир бўлиб, озиб-тўзган бечораларга ҳеч бўлмаса шундай пайтларда ёрдам берилса нима қиласди? Сизлардек юрт устида юрганлар онда-сонда бир ўйлаб қўйса увол бўладими? — деди.

Унинг гапи Такежонларга бўлакча кўрингани билан келтирган далили тўғри кўринди. Абишнинг ўзи кутмаган ҳолда нотиқларча гапирди. Абай шу жиҳатинингина наzarда тутиб, боласининг гапидан янги бўғиннинг янги нидосини эшитаётгандек бўлди.

Ўз ичиде Абишга қарши даъво қилмади. Лекин Такежон учун унинг «чўрт кесар» гапи фақат бир юзаки, енгилтаклилек туюлди. Бу сўзлар устида унинг ўйлаб ўтиргиси ҳам келмади.

Хушламай, пиқ этиб мийиғида бир кулиб қўйди-да:

— Жотоқ-потоқ деб, нима қиласан, Абдураҳмон. Қашшоқлар десанг, қашшоқ ўзимизнинг ҳозирги хизматдаги қўшниларимиздан ҳам истаганингча топилади. Керак бўлганини эслармиз ҳали! — деб, энсаси қотиб, юзини бужмайтириб, Исҳоққа қаради.

Исҳоқ ҳам Абишнинг сўзи устида тўхтаб ўтиришни истамади. У ҳозирча икки оғасининг гапига қулоқ солиб, дамини чиқармай ўтирган бўлса-да, энди Абишни гапиртирмаслик ниятида, гапни қисқа қилиб қўя қолди:

— Иили берилганда хайри-садақа учун мол ҳам бўлинар... Ӯшанда кўрилар, ҳозирча у ҳақда сўзлашиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? — деди.

Абай ҳозир оғиз очмади.

Ҳамма иш ҳақида маслаҳат қилиб бўлгаш қариндошлар кеч кирган пайтда тарқалишди.

Абай ҳам Абишни эргаштириб ўз овулига қайтди. Отга минмай, иккови битта-битта босиб сўзлашиб кетишиди.

Ҳозир Абай бир қўлини Абишнинг елкасига ташлаб келаётсиб, унинг ҳалиги гапларини эсга олди:

— Сен ҳали дуруст гап гапирдинг, Абиш... Оч-яланточ жотоқлар ҳақида айтган гапларинг, шунчаки айтилган гап эмас, маъноли, дуруст гап. Бироқ, шу гапни китобдан уқсан фикринг орқасида айтдингми ёки жотоқларнинг ҳол-аҳволини билганингдан айтдингми?

— Китобдан уқсаним ҳамда жотоқларни кўзим билан кўриб билганим учун айтдим.

— Жотоқлар томонга борган эдингми? Ё бўлмаса, Даркембойни кўрдингми?

— Даркембойни ҳам кўрдим... Ҳар кун пиёда айланниб юрганда ҳар уй, ҳар уйга бош суқиб зеҳн солиб юрибман.

— У ишинг жуда яхши, Абишим... Даркембой билан ҳамсуҳбат бўлганинг ҳам дуруст. Сен билан мен китобдан ўқиб билгандарнинг кўпини Даркембой турмушда бошидан кечириб, кўзи билан кўриб билган...

Ўз оғзи билан тотиб ҳам кўрган...

— Чиндан ҳам аччиғини тотиб билган, оғирини орқалаб билган. Асти ечилемас, туганмас тугунларнинг кўпини ақлли боши билан ўйлаб, синчиклаб билган. Унинг билан дардлашиб, сўзлашсанг, ҳақиқий халқ нидосини ҳам, халқ дарди-ҳасратини ҳам уқасан... Бироқ сендан яна бир гапни сўрамоқчиман... Ҳўш, Ӯспоннинг «Иили» деб мол чиқардик. Ӯшани майдалаб кўп жотоқларга бир қора-ярим қорадан бўлиб бердик. Тўғри, сен айтаётган таралла-бедодларга сарф қилинадиган беҳуда чиқимдан кўра бу анча фойдали. Ҳар уйга биттадан мол тегса, бирор ойга бўлса-да ҳарна мадор, катта ўйжа бўлади. Лекин беҳисоб қашшоқ халқнинг оғир муҳтоҷлигига нима дейсан? Мана бу қилмоқчи бўлаётган ишинг уларга ҳанчалик мадад бўлади? Бир қисмигагина, заррадек, арзимайдиган ёрдам-ку бу... Ҳўш, сен қоронғуликда ётган

юртингнинг даст аввалги мададкори экансан. Уша беҳисоб қашшоқ ҳалқингга атаган бошқа бир фикринг, атаган яхшилигинг борми?... — деб, Абай боласига тикилиб, синовчи назар билан қаради.

— Мен ҳали ўқиши битирганим йўқ-ку,— деб Абиш аввалига ўз фикрини бир жойга тўплай олмай ҳам қолди.

— Тўғри, ҳали тамом қилганинг йўқ. Яқинда тамом қиласан. Мен ёлғиз сени айтаётганим йўқ. Қозоқнинг ўқиши тамом қилган бошқа болалари ҳам бор-ку. Эши-тишимга қараганда, Қарқаралидан, Үмби, Қораўткелдан яна ундан иари Оренбург, Тройскийдан, Кичик юздан ҳам ўқиб юрган қозоқ ёшлари чиқа бошлади. Янги йил қуши сенларсан. Янги давроннинг олдинги элчилари бў-ласизлар. Хўш, ҳалқ тўғрисида, унинг ҳозирги оғир аҳво-ли тўғрисида ўйлайдиганларинг, ўшани англаганларинг борми? Буни мен бир сенга эмас, сен билан бир қаторда барча ўқимишлиларга айтаётирман. Рус тилида илм маъ-рифат олишга, тўғри йўлга тушгандарнинг ҳаммасига, барча қозоқ ёшларига айтаётирман... Қани, шунга жавоб берчи! — деди.

— Аввало, бир ишнинг бошини очиб гапирайлик, оға. Ҳалиги сиз санаган, кўп ерлардан келиб ўқиб юрган кўпгина қозоқ ёшлари салгина ўқиб, давом этдиромай ташлаб кетишаётир...

— Тўғри... тўғри,— деди Абай Абдираҳмоннинг сўзи-ни бўлиб,— давом этдиромай ташлаб кетаётгани йўқ. Улар галалашиб бориб, тилмоч, мириз бўлиб юришибди. «Қозоқ ёмони рус бўлмас, рус ёмони қозоқ бўлмас» деган гапни бизнинг ҳалқ ўшаларни кўриб айтади-да. Бу нима деган гап? Менинг билишимча, жуда чуқур ўйлаб, синчилаб айтилган гап. Яъни, аввало, яхши қозоқ бўл-май туриб, яхши рус бўлолмайсан. Еки яхши азamat бў-либ ўз атрофинидагиларга, ўз ҳалқиянгга одамгарчили-гингни кўрсата олмасанг, бошқа элнинг одами бўлиб ҳам ёлчитмайсан, деган гап. Ана энди бизнинг чала-саводлар ярлақаганда яхши чиновник бўлар экан. Сал-тиков-Шчедрин билан Толстой ҳажв қилиб, ҳамма сири-ни фош этган маккор тўрачаларга ўхшасанг, бўлмай қўя қол,— деб ўйлайман.

— Биламан. Сизнинг «Интернатда ўқийди» деган шеърингизни менга Петербургда, Омскда ёдга ўқиб бериб, кўп маъқул тушганини айтган ёшлар бўлган эди.

— Маъқул тушган бўлса, улар анча идрокли, уёқ-бу-

ёқин ўйлайдиган ёшлар экан. Танқидни кўтара берадиган фазилатга молик одам бўлгани-да у. Хўш, энди ўша ёшлар бўлиб, сен ўзинг бўлиб, ҳалиги гапимга қандай жавоб қиласанлар?

— Жавоби ҳозирча биттагинами дейман, оға... — деб, Абиш ўйланиб, сал тараддуланиб гапирди. Жавоби: «Ўқиши битирамиз-да, хизмат қиласми! Уша хизмат юзасидан ҳалқа фойдали бўламиз» дейишаштирир улар.

— Хизмат юзасидан жондоролнинг, Ўязнинг, суднинг маҳкамасими? Ундайларни кўриб ҳам юрибмиз-ку. Янги бир йўл, бошқача юксалиш топиб, ўшангага ҳалқингни тортиш йўлида хизмат қилиш керак эмасми? Бўлмаса, рус доноларидек ҳалқнинг ғамини еб, ташвиқот қилиб, юрганлар борми?

— Билмадим, ҳали ундайлар йўқдир... Илми, маърифати у даражада ошиб, етишганлар йўқ...

— Дарҳақиқат, қозоқлардан ўшандай ўқимишлиларни кўрмаётirmиз... Мен ўшани қутган отанинг бири эдим... — деб, Абай бу гаплардан бир қаноат ҳасил қиломади-да, индамай қолди.

Бу чоқ Абишнинг эсига бир иш тушди.

— Ҳозирги ўқиганларнинг ичидаги ўйлаган одамни тополмадим. Лекин қозоқ ўқимишлиларининг ичидаги шүсингари кўзга кўринарли юксалишга қадам қўйган биринкита одам бўлган экан. Эшитмаган бўлсангиз, ўшалар ҳақида гапириб беради.

— Улар кимлар экан?

— Уларнинг биттаси — бундан йигирма беш йил муқаддам, ёшгина чоғида вафот қилиб кетган Шўқон Валихонов деган одам дейишади. Иккинчиси — Оренбург атрофидан чиққан — Ибрай Олтинсарин! — дейли. Абай, Олтинсарин отини эшитган экан. Шўқон Валихоновни билмади..

Абиш улар ҳақида ҳурмат билан батафсили гапириб кетди. Шўқон ҳақида Сибирнинг анча йирик одамларидан кўп мақтолвлар эшитганини айтаб берди.

— Фақат китобларини, қолдирган асарларини учратадим. Ўзи қозоқ ҳалқига ғамхўрлик қилишда кўп ноёб гаплар гапириб, ёзиб кетган экан, деган гапни уни билувчилардан иккининг бири айтади! — деди.

Абай ҳам, Абиш ҳам у одамнинг навқирон чоғида кетганига ва қолдирилган асарларининг йўқолганига қаттиқ ўкинишиди.

— Ана энди, Олтинсарин бўлса, Русско-киргизский мактаб очган, ўз билимини қозоқ ёшларини ўқитишига сафарбар қилган. Кўп ерларда мактаб очдириб, орқасида шогирдлар қолдирган. Яна китоблар, шеърлар ёзган. Халқи учун хизмат ҳам, насиҳатлар ҳам қолдирган, ҳақиқий самарали меҳнатга берилган одам экан! — деди Абиш.

Абай Олтинсаринни хотирига олди. Қозоқлар учун русча интернатлар, мактаблар очишда унинг ҳақиқатан ҳам катта хизмат қилиб кетган ғамхўр, азamat эканигини айтди. Гапининг охирида Абишга қараб:

— Хўш, мана Олтинсаринде меҳнат қилса чакки бўладими? Ўшандан бир ибрат олинса дуруст бўлмасмиди? Бунга нима дейсанлар? — деди.

Даркембой билан кейинги учрашганидан бўён Абишнинг ўз кўнглида сақлаб келган муҳим бир ният бор эди. Ҳозир отасига ўшани айтди. Боядан бери қўзғалаётган гапга Абай ўзининг ҳозирча берадиган жавоби тарзида ишонч билан сўзлади:

— Албатта, жуда катта ўрнак. Агар барча ўқиган, илмга эришган қозоқ ёшларининг ҳар бири ўз элига, уездига бориб ўша ерда Олтинсаринга ўхшаб, биттабитта русча мактаб очса, ҳозирги ҳаётимиз учун катта иш бўлмасмикан?

— Дарҳақиқат... ҳамма муҳтоҷликни шунинг ўзининг ҳал қила олмас-ку! Бироқ, кўп йўқчилигимииздан ҳозирча энг мушкули — илм ва маърифатдан четда қолганлигимииз-ку!

— Ундоқ бўлса яна бир гапни ҳам айтай, оға. «Ўзимнинг келажакда қилмоқчи бўлган умидим шу!» — деганда, Абай индамай Абишнинг белидан қучоқлаб, бутун ихлоси билан қулоқ сола бошлади.

Абишнинг ичда сақлаб юрган яна бир шубҳаси бор эди. Отаси унинг билан сирлашиб келаёттир. Шу сингари камдан кам холи қолишадиган пайтда атайнин унинг юрагидаги чин сирларини очиб сўзлашга ундаётганга ўхшайди. Шу жиҳатларини Абиш ҳалигидек остин-устин келаётган кўп ҳислар билан бирга англади-да, энди ўз кўнглида бўлган бир гусса ҳақида гап бошлади. У—шу кунларда ўқиётган ўқиши тўғрисида эди. Абиш анави ғили ноилож кирган ҳарбий ўқиш, бу кунларда ўзига ёқиас экан. У ерда бериладиган таълим-тарбия қадим замонларда рус ҳарбий мактабларида бериладиган таълим-

тарбиядан мутлақо бошқача бўлиб кетган экан. Ҳозирги ҳарбий таълим фақат подшоликнинг беомон қудратини, тожи-тахтанинига қўриқлайдиган қўпол, шафқатсиз кишиларни тайёрлар экан. Бу мактабда ҳалқ ғамхўрлиги, озодлик фикр деганинг сояси ҳам кўринмас экан. Абиш мана шу артиллерия мактабининг бугунги тарбиясидан ҳам, келажакдаги хизматидан ҳам қутулиш орзу-сида экан. Шу мақсадини очди...

— Худди шу Эрали, Оқшўқига келиб мактаб солдириб, унда шу атрофдаги барча болаларни русча ўқитишга киришсам деб юрибман. Ўша куни Даркембой: «билиган билимингни қўйнингга солиб олиб кетма.. Элингга ёғду олиб кел. Орқангда илмга интилаётган жигарларинг, ўсмирларинг бор. Уларни ҳам ўзингдек русча илмдай баҳраманд қил» деди. У фақат Даркембойнинг гапи эмас, ҳалқнинг тилаги эди. Бугуннинг ҳам, келажакнинг ҳам мендан кутаётган бурчи шунга ўхшайди. Тўғрисини айтсам, ҳали анави оқсоқоллар билан сўзлашганда жуда очиб айтмадим. Тўғриси, мен Успон оғамга атаб чиқарилган молни сарф қилиб, жотоқларга мактаб солиб берса деган хаёлга ҳам борган эдим... Бу йил шу ишга қаттиқ аҳд қилиб юрибман. Бунга нима дейсиз? — деб Абиш сўзини тамом қилди.

Абай боласига дарҳол жавоб қилди:

— Бунга мен олқишидан бошқа нима дейишим мумкин, Абиш!.. Мана, сен йўлингни топдинг... Эндиғи ўқишингда ҳам, ундан кейинги талабингда ҳам мана шу ниятинг етакчи бўлсин. Сен элингга келиб, жотоқлардек кўп элнинг молбоқар-хизматкор бўлиб юрган камбағалларидан ғайратли азаматлар етишириб чиқара олсанг, ўзингнинггина эмас, менинг ҳам ҳалқ олдидаги кўпгина бурчимиň ўтаган бўлмасмидинг? Шу элнинг ёш бўғинига сен устоз бўлиб, таълим бериб ўстирсанг, армоним борми! — деб, товуши негадир қалтираб эшитилди.

Отасининг сўнгги сўзлари Абишни қаттиқ ҳаяжонга солди. Отасининг кўксидаги энг зўр орзуси ҳалқ учун шунчалик ғамхўрлик қилиш эканлигини англаганда, Абишнинг қалбida ўз отаси учун хиёл фахрланиш уйғонгандек бўлди.

Шунга яраша, Абай ҳам ўз боласининг шу сингари танқидий фикрлари борлигини шодлик билан қабул қилди. Ўтган йилги ва бу йилги суҳбатларида Абишда ҳам рус ҳалқининг илғор фикрли одамларига яқинлашиб юр-

ғанлик, ўзгача фазилатли ғоя борлигини кўриб, курсанд бўлди. Энди ўғлидан шу жиҳатларини сўрай бошлади. Мактаб бермаётган бўлса, Абиш идрокига сингдираётган бу озодлик фикрларни кимдан олаётир. Русларда Герцен, Чернишевскийлардан кейин бу кунларда ўз даврийинг қийинчиликларига қарши янги йўл кўрсатаётган, янги ғоя эгалари бўлган жамият борми? Еки Абишнинг эндиgi тарбия ва талабида ўшалардан ўтган таъсир бормикин? Шуни сўради.

Абиш бу ҳақдаги жавобини, аввало, Павловга раҳмат айтишдан бошлади. Питерда у одамнинг яқин кишилари ва эски дўстлари бор экан. Абиш улар билан кўп алоқа қилиб, кўп тарбия, ҳаёт шуъласини ўшалардан олаётган экан.

Павловнинг илгариги революцион жамияти ўзгариб, юксалиб бу кунда кўп олдинга кетган экан. Шуларни айтиб келиб, ҳозир подшога қарши кураш ўтли, ёш жамият қўлига, ишончли қўлларга ўта бошлаганини билдириди. Бугунги куч русларнинг фабрика-заводларидағи меҳнат эгаси бўлган беҳисоб меҳнаткашларга суюнишини айтди. Ўшаларнинг орқасида бутун меҳнат аҳли, фуқаролар ҳам, ҳатто аслида подшоликдан зўрлик-хўрлик кўрган, қозоқлар сингари кўп эзилган халқлар ҳам ёруғликка чиқиб, порлоқ кунларга эришажагини айтиб берди.

Абай жамиятнинг раҳбарлиги, меҳнати қай йўсинда ёйилиб, тарқалишини сўради. Абиш у жамиятнинг қаниоти кундан-кун бақувват тортиб, қатори тобора ўсиб келаётганини айтди. Лекин бу ишларни бошқараётган бошлиқларнинг ўзи билан таниш эмас экан. Шундай бўлса-да, ўзи оладиган эндиgi ҳамма билими, халқпарварлик ғоялари ўшалар берган таъсир орқасида рўёбга чиққанлигини сездирди.

Тафсилий равишда айтиб бергани: эндиgi кураш мутлақо бошқа йўлдан, мутлақо зўр юксалишга чиқиб кетаётир. Чунки Россиядаги чин кураш эндигини келажакнинг чин эгаси бўладиган беҳисоб кучга суюнади. Бунда биргина подшони ўлдириб, иш битирамиз демайди. Барча подшоликнинг бутуя томир-томирини тузуми билан бирга, бира тўла йўқотамиз, дейди. Беҳисоб халқка озодлик, ҳуқуқ, тенглик олиб берадиган ва барча мазлум эллар билан халқларга жигарлик, қардошлиқ келтирадиган йўл шу жамиятнинг йўли эканлигини билдириди.

Бугунги Россияда мардоналиқ билан олиб борилаётган зўр кураш, Чернишевский йўлидан ҳам илгари кетди. Беҳисоб меҳнат аҳли тинмай уйғонмоқда, кундан-кун кўтарилимоқда, деди.

Абай шу сингари янгилик бўлган сирни изҳор эттан ўғлидан ниҳоятда миннатдор бўлди.

— Абишим, янги замоннинг элчисидек бўлдинг. Ўзим учун ҳам, дунё учун ҳам янгидан отадиган тонгнинг шабадасини сезгандек бўлдим. Ўзимни қозоқ сингари шўри аримаган, қоронғуда адаштан элнинг чорасиз, кучсиз етакчисидек кўтарар эдим. Эндиги бўғиннинг, янги авлоднинг бошлиғи бўладиган азамат, тўралик билан подшоликнинг қошида, ўшанинг паноҳида қолмас дер эдим. Уша кўпчилик билан тилакдош бўлишинг яхши фазилат. Нима топсанг ҳам, ўқинмай, бўйин товламай, бундан буён ҳам шу йўлингдан излагайсан! — деди.

Ҳозир икковининг пиёда сайр қилиб юришлари тамом бўлиб, овулга етиб қолишганди.

Абай энди яна Ўспон уйида бўлган гапларга кўди.

— Хўш, энди, ҳозирча бўлса ҳам, Ўспонга атаб чиқарилган мол-мулқдан жотоқларга улаштириб бериш керак, деган гапинг ўринли. Бу гапни эртага айни тақсим чоғида мен ҳам қувватлайман. Мол берилганда уни таратадиган Такежон, Исҳоқ учловимиз бўламиз. Шунда менинг ихтиёrim билан ҳам оз мол улаштирилмас. Балки уларга қараганда мен кўпроқ улашарман. Шунда сенинг гапингни амалга ошириб, жотоқларга борича кўп қилиб бердираман! — деди.

Бу пайтда иккови Айгеримнинг уйи олдига етишганди. Абиш сал энтикиб, кўкрагини ушлаганича тўсатдан тўхтаб қолди. Абай унга қараб тўхтади-да, нима бўлганини сўради. Абиш қошларини хиёл чимириб, қўлини кўкрагидан олди-да:

— Кўкрагим бир санчиб кетдики. Кечакечаси юпуроқ ёпиниб ётган эдим, совуқ тегиб санчиқ туриб қолибди! — деди.

Ўзининг кўнглидан қандай гаплар ўтгани ҳам маълум эмас. Лекин ҳалиги ноқулай ҳаракатни оддий бир гапдек қилиб гапирди. Элга келгандан буён шу сингари алоҳида бир аломат бўлмаган эди. У, санчиқ деб тушунтиргани учун бу гап Абайга ҳам у қадар қўрқинчли туюлмади.

Орадан етти-саккиз кун ўтди. Бугун туш пайтида Дармен, Абишлар билан сўзлашгани Ўтегелди келибди. У алоҳида бир топшириқ олиб келган эмас. Лекин кўнглидан Мағишга қаттиқ ботиб юрган жиҳатларини яхши билиб юрарди. Ёлғиз Мағишгина эмас, тотор овулининг катталарига ҳам мажхул бўлган бир қийинчилик бор эди. Аслида, қозоқнинг қайси овули бўлмасин, булар билан куда бўлишини орзу қиласарди.

Шу ёэ икки жойда Мағишга совчи ҳам келганди. Фақат у ўтган йил кузда Абайдан олдин Дилданинг ўзи Туройга ва Мағрифанинг онасига зимдан айтиб юборган гапи бор эди.

«Кўнглинин бузиб, бошқага бўлишиб қўймасин. Худо қўшса Абиш билан Мағрифанинг орзу ҳавасини кўраман, деб қилган ниятим, ният. Фақат сабр қилишларини сўрайман» деб юборган эди.

Ушандан буён бирор оғиз янги гап бўлмади. Ипсиз боғлангандек, Мағрифа ўтирибди. Тотор овулининг бу йил қудалик важидан бирор гап кутадиган вақти ҳам етган. Лекин «Успоннинг вафоти, шундан бери Абайнинг ғам-ғуссага ботиб қолиши, мотам тутилаётган бир даврда янги бир шодлик кўнгилга ҳам сиғмасди. Шу маҳалгача гап бир жойга қўйилмади, деб айблаш мумкин эмас» деб юришганди.

Энди Абиш келгандан буён ҳам, ҳеч бўлмаса, Мағрифанинг ўзига аталган бирор оғиз салом келмаётганидан аёллар, ёш янгаларнинг кўнгли хира бўла бошлаганди. Ўтегелди бу кайфиятларни ҳам жуда яхши биларди. Мағрифанинг ўзидан норозилигини билдирадиган бирор оғиз гап чиқмаганини ҳам биларди. Аслида, бу ҳақдаги сирнинг ҳаммаси Ўтегелдига маълум эди. У Мағишга шу кузга қадар юпонч бўлиб келган сабабни ҳам билади. Ўтган қишининг бошида Дармен билан Ўтегелди бири олиб, бири қўйиб, Мағашга айтиша-айтиша, Абишга инилик йўли билан Мағрифа ҳақида хат ёздиришиди. Шунда Абиш Петербургдан жавоб ёзди.

Ёлғиз Мағашнинг ўзига эмас, шу иниси орқали Мағрифага ҳам хат ёзган эди. Вазминлик, сипоҳлик билан, одоб сақлаб хат қилганди. Уша хат келган пайтида Дармен билан Мағаш Ўтегелдини чақиртириб, хатни шу орқали Мағрифага юришганди. Ўтегелди бўлса: «куруқ хат ташувчигина бўла олмайман. Ийе, янга билмайдиган ҳам сир бўлар эмишми? Вой шўрим, у нимаси? Аввало

хатни мана, менинг ўзимга ўқиб бер! Шундан кейин лобаримга ўзим олиб бораман» деганди.

Шодланиб, ўйноқлаб, шўхлик қилиб ўтириб, хатнинг бор мазмунини уққан эди.

«Оладиган ниятим бор, Аҳди-паймон қилайлик. Менга рози бўлсангиэ кўнглингизни билдиринг!» деганга ўхшаш гапларни ёзгандир деб, умид қилганларнинг ҳаммаси ҳам, Абишнинг хатидан ёлчишмади.

Фақатгина: «АЗИЗ дўстим, мен сизни унуганим йўқ. Сизга нисбатан кўнглим садоқат ва ҳурматга тўла. Сизга шуни билдириб, салом йўллайман!» дебди холос.

Бундай хат, бу хилдаги назокат, сипоҳгарчиликларга Утегелдининг иши тушиб кўрмаган эди.

— Бу тўранг нима деяётир ўзи-а? «Мен сенга мубтломан, ошиқ бўлдим. Сал кунда овулингга совчи боради, менга ҳалол жуфт бўламан деган ваъдангни берсанг экан» деган гапни худо шунинг оғзига нега солмайди-я? Тўғрисини айта қолса, бирор тўнини ечиб оладими? Бу нима қилгани? Яна ўша мужмаллик, яна овораи сарсон. Мен энди оладиган бўпти деб бораманми? Йўқ, айтдирмайдиган бўлибди, шунчаки салом айтиб юборибди, деб бораманми? — деган эди.

Ҳалиги гапларнинг ҳаммасини товушини хиёл ўзгартириб, аразлаётган боланинг товушига ўхшатиб гапиракан, Мағаш билан Дарменга кўз қири билан қиё боқиб ўтириди-да, азбаройи бўғилиб кетганидан йиғлагудек бўлиб, қизғинлик билан гапириди.

Абишнинг хати Мағрифага келиб етганда, унинг шодлиги ичига сиғмади. Бир неча кунгача Утегелдига Мағрифанинг кулгиси тез-тез эшитилиб турди. Қиз доим майин товуш билан ҳиргойи қилиб, турли-туман куйларни куйларди. Ўша кунларда Абайнинг қўллёзма китоби яна қўлидан тушмай қолди. Неча хил куйларга солиб, нозик ҳисларни ифодаловчи муҳаббат қўшиқларини ўқиди. Айниқса Татьяна! Шўрлик Татьяна, ёш қалбининг тўлқинларини нақадар жўш урдириб айта билган! Баъзан Мағрифа товушини баралла қўйиб, қайта-қайта такрорларкан, Утегелдига ҳам эшидириб куйларди:

Чидар эдим ёниб, ўртаниб,
Ойнда бир бор курсам ҳам.—

деб, ғам-ғуссасини босиб, айтиб кетади.

Еки яна бир нафасдан кейин:

Ошигингман, тақдир араз,
Ишқингда ёндим найлайин.—

деб маъноли қилиб айтилган ўланни ҳазин куйлаб ўтади.

Шунинг билан бирга Абишдан келган хиёл ишорани ишонувчан кўнглидан беҳад шодланиб қабул қилди. Уни кўрган сайин Утегелди Абишдан норози бўлиб, ўз-ўзидан сабрсизланарди-да, фижиниб қўярди.

Мана энди сабри ҳам, чидами ҳам охирги чегарасига етганини ўз оғзи билан айтмоқчи бўлиб келган эди. Анвало Дармен билан сўзлашди. Дармен уни бу кеча шу ерда олиб қолди-да, ўша куни кечқурун Абишни бир чеккага олиб чиқиб, кўнглидаги бор гапини айтди.

Абиш бу гапни ҳам чўзиб ўтирамади.

— Утегелди келибди. Мағиши шунчалик умид билан мендан бир оғиз сўз кутади деяётурсиз. Менинг бир сирим бор. Ўша сиримни Мағрифанинг ўзи билсин! Унга мен ўз оғзим билан айтиб, ўтинаи. Ранжитсам, жафо чектирасам, ўзим уэр сўрай. Утегелди икковингдан менинг бирдан-бир ўтинчим шу. Мен сени олиб, кечки пайтда татар овулига борай. Ўша куни мени бир соатгина Мағрифа билан учраштиринглар,— деди.

Абишнинг Мағрифа билан учрашиши жуда зарур эканлигини Дармен Утегелдига осонгина уқдириди. Шунинг билан Утегелди тўғри татар овулига қараб кетди. Мағрифанинг ўзи билан, сўнгра Мусабойнинг хотини билан сўзлашиб, уч киши бўлиб, Абишга жавоб қилишиди.

Икки кун ўтиб, учинчи кун кечқурун Утегелдининг ўтовида Абиш билан Мағишини учраштирадиган бўлишиди. Утегелди бу хабарни ҳам Дарменга етказди-да, ўзи ваъда қилинган кечаси булар билан овул четида учрашадиган жойни тайинлаб, қайтиб кетди.

Айтганларидек учинчи куни эл ётар пайтда Абиш билан Дарменга татар овулининг рўпарасида, чўлоқ адраги сўқмόқ, тошлоқ йўлда Утегелди йўлиқди.

Куз туни салқин бўлса-да, сутдек ойдин, ёқимли, соқит кечалардан бири эди. Абиш билан Дармен Эралидан одамларга сездирмай чиқишиди. Улар мол кечги ёйишлидан қайтадиган пайтда, от устида юришлар унча кўзга ташланмайдиган бир чоқда отланиб кетишиди. Ҳали Успоннинг йили берилмаган, овулдаги қариндош-урулар таъзиядор. Шундай бир вақтда қаллиқ-қудалик де-

ган ишларнинг ҳаммаси тугаган бўлганда ҳам Абиш ўзи-
га эп билмасди. Ҳозир айниқса сирни четга чиқариш тўғри
келмасди. Шунинг учун бугунги бориш-келиш сирига ҳеч
кимни аралаштирамади.

Утегелдининг ёшлар ўртасида танакор бўлиб турга-
ни бугунгина эмас. У ўзининг бу иши ҳақида «ота кас-
бим шу» дер эди. Устига кулранг чопон кийиб олган,
остидаги оти ҳам оқиш кўк. Оқиш ернинг рангига ўхшаш
экан. Тақир ерда келаётган отнинг туёқ товушидангина
лайқаб. Дармен «келаётир!» деди.

Кузги ўт-ўланлар ҳам ой ёруғида оқиш товланиб, ку-
муш рангга кирган. Кечалари бу зайдилда юришларни
кулайлаштиришнинг йўлини биладиган эпчил йигитнинг
устн-боши, оти ва эгар-жабдуғигача ўша рангда.

«Келаётир» деганда Абиш ишонмаган эди. Фақат от-
ларнинг тумшуқлари бир-бирига тегаёзгандагина сирдош
йигитни кўриб, қувониб кетди:

— Оббо Утегелди-ей, ер тагидан чиқдингми, деб қол-
дим? Сиҳр қилиб олганмисан? Ҳеч кўринмайсан-ку!—
деди.

Утегелди елкасини ҳазилнамо қоқиб олди-да, кейин
отининг ёлига ёпишиб ётиб, пастдан мўралаб Абишга:

— Мана қараби! Ҳақиқий ўғрининг ўзи эмасманми!
«Ит сезмас» деган ўғри биз бўламиш! Ҳозир овулга кир-
сам қандай зийрак қанжиқлар бўлмасин чурқ этмай қол-
лади! — деб, мақтаниб олди. — Мана энди айни вақтида
келдиларинг. Овулдагиларнинг кўпчилиги ётиб қолган.
Энди икковинг аста-секин силжиб, анави сарик юлдуза-
га қараб йўл олинглар! — деб, ғарбдаги бир юлдузни
қамчиннинг учи билан икки йигитта кўрсата бошлади. —
Ўша юлдузни нишона қилиб отларингнинг түғинигина
қимирлатиб, секин-секин кета беринглар. Овулнинг қо-
раси кўринганда тўхтанглар. Мен ўзим қайтиб кела-
ман,— деди.

Кейин улар адашиб кетмасин деб, ҳалиги юлдуздан
бошқа иккинчи бир белгини ҳам тайинлади.

Татар овулининг четида баланд чўққили Дўғаланг
деган тоғ бор эди. Ҳозир йигитларга ўша тоғнинг занжир
каби қаторлашиб ётган тошлоқ чўққиси аниқ кўриниб
турганди. Тоғнинг этаклари тун туманига чулғанган.
Бенидоят кўк саҳни ҳам ой шуъласи остида оқиш тортиб,
кўкимтири туманига ўхшаб турарди. Шу сингари чексиз,
уфқиз фира-шира олам орасида аниқ қилиб ўйиб, илон

изи қилиб чизилгандек қорамтири тоғ сиртлари кўриниб турарди. Ҳалиги сариқ юлдузнинг худди тагида бир қоя тош алоҳида қад кўтариб кўзга ташланиб турганди. Утегелди қамчин билан яна йигитларга ўша тошни мўлжал қилиб кўрсатди.

— От бошини ўша тошга тўғрилаб юринглар. Хўп энди мен кетдим! Отни елдириб бориб, уларга хабар қилиб, «кел» дейдиган вақтини аниқлаб келаман! — дедида, отини чоптириб кетди.

Шундан бир соат кейин йигитлар отларини овлоқ ерда қалмоқча боғлаб қўйиб, қаттиқ уйқуга чўмган овулга келишиди.

Мағрифа билан янгасининг сўнгги қарорига кўра, учрашадиган уй Утегелдининг ўтови эмас, Мусабойнинг уйи ёнидаги меҳмонхона, оқ ўтов тайин қилинибди.

Абишлар кирганда уй ўртасига тегарак хонтахта қўйилган, катта чироқ ёқилганди. Меҳмонлар учун тўрга қалин кўрпачалар ташлаб қўйилгак экан. Мағрифа билан янгаси ўнг томондаги баланд кровать ёнида туришган экан. Мағрифанинг эгнида камзул, устидан қалин қора шоҳи пешмат, бошида ўтган йил Абиш кўрган ва қишиш бўйи хаёлидан бир нафас нари кетмаган тилло зар тикилган, укипар тақилган дўппи. Ҳозир Мағрифанинг сиймосида кучли ҳаяжон акс этиб турарди. Шунинг учун ҳам ранги жуда ўчиб, оппоқ бўлиб кўринарди. Яна ўтган йилги даставвал етилган тўлалик бу йил бир қадар қайтган. Унинг эвазига учи хиёл кўтаринки, қисқароқ, бежирим қирра бурни тўғри, кўзга ташланиб турадиган бўлибди. Қатта-катта, хиёл мовий кўзлари ҳали ҳам зийраклик билан порлаб нур сочиб турарди. Меҳмонлар кирганда, оқариниб кетган юзи, энди ёнига Абиш келиб, шаҳар таомили билан қўл чўзиб сўрашганда, бирдан қизарип, алангали иссиқ тўлқин отди.

Мусабойнинг хотини Абишга опа ҳисобида бўлгани учун, очиқ чеҳра билан иссиққина сўрашди. Уйда самовар қайнар турган экан. Янга ўзи хизмат қилиб, чой қуидида, Мағиши ҳам, Абиш билан унинг ҳамроҳини ҳам иззат билан сийлаб, уларга чой узатди.

Чой устида бу эслик янга Абишдан қанча вақтга келганини, яна қанча ўқиши қолганини, ўқиши битгандан кейин қаерда бўлишини ётиғи билан сўраб олди. Уйдагиларни гапга солиб, орада сўз юргизиб, бир оз ҳазиллар ҳам қилишга журъат этди; даставвалти учрашувнинг одаги

тий такаллуфларини, ўнғайсизлигини осонгина кўтариб ташлади.

Абишга опалик йўли билан унинг нияти, фикрини билишда ўринсиз кўринадиган ҳеч гап йўқ. Аксинча, жуда ўринли. Ўзи билмоқчи бўлиб сўраётган гапларнинг ҳаммаси Мағишнинг ҳам кўнглидаги гаплар. Шунинг билан кўп дилдор янга икки ёшнинг ўртасида муносиб тана-корликни жуда мулозимат билан бажарди.

Чой ичиб бўлгандан кейин, Ўтегелди билан Дармен «от-пот» деган баҳона билан чиқиб кетишиди. Янга ҳам дастурхон, чойнак, пиёла йигишириган бўлиб чиқиб кетди.

Абиш холи уйда қолган Мағиш томон хиёл ўгирилиб қаради-да, бир оз ҳаяжонли товуш билан гап бошлиди.

— Мағрифа, бир кўришишни ўтинган эдим. Аввало ўтингчимни қабул қилганингиз учун раҳмат!

Мағиш жавоб қилмади. Сал ўнғайсизланиб жилмайди-да, ялт этиб Абишнинг юзига кўз ташлаб қўйди. Йигит нима демоқчи бўлиб келди? Мағрифа бугун унинг оғзидан қандай гап эшигади?! Шу кунга қадар ҳаётида бирорта йигит билан шу сингарни холи ўтириб, сирлашиб кўрмаган, кўнглига ғубор қўнмаган, маъсум гўзал, уялиб ва ўнғайсизланиб, чўчиб қаради. Айниқса бу йигит шу кунга қадар қилаётган муносабати, бугунги гап-сўзлари билан ҳам Мағиш учун чин жумбоқ. У шундан кейин уялиш-ийманишданми, ё бўлмаса Абишга кўнглидаги бор гапларни айтдириб, батамом эшитиб олмоқчими? Ҳар қалай, жавоб қилмай ўтира берди. Онда-сонда Абишга бир кўз ташлаб қўйиб, унинг гапларига қулоқ солди. Шунинг эвазига Абишнинг ҳар бир гапига ўз ичидаги ҳислари, жавобини кўнглидагина гапириб, айттаётгандек бўлиб ўтирди. Абиш бир оз ўлланиб ўтириб, яна гап бошлиди:

— Азизим Мағрифа, мен шу келишимда аввало уэр сўрагали келдим.

Мағрифа ичидан: «нега уэр деяётир? Менинг олдимда айбор бўлтими?!» деб қўйди.

Абиш яна давом қилиб:

— Шунчалик узоқ вақт бир қарорга келмай, ипсиз боғлаб ўтирганим учун мен сиздан уэр сўрамоқчиман.

Мағрифа ўзига-ўзи: «мен айبلاغан эдимми?» деб қўйди.

Ҳозир унинг икки юзи гул-гул ёниб, қип-қизил шафақ отиб турарди. Йигит нимадандир қийналатгандек, қошларини бир чимириб қўйди. Ранги ҳам бир хил бўлиб, ўзгариб кетди. Бироқ бу ҳолат ҳам шунчалик латиф, гўзал Мағрифанинг юрагига иссиқ тегди.

— Узр сўрашимдан мақсад бугун мен қатъий бир қарор билан келган бўлганимда «Иғиликнинг кечи йўқ» дейиш ҳам мумкин эди. Бироқ бугун мен сизга отам билан онам, оға-иниларимдан бирортасига изҳор қилмаган бир ҳақиқатни, фақат ўз кўнглимдагина сақлаб келаётган бир сиримни олиб келдим. Ҳақиқатим шуки, мен бугун ҳам қатъий бир қарор билан келганим йўқ!... — деганда Мағрифанинг ранги ўчиб, тўсатдан оқариб кетди. «Ундоқ бўлса, нимага келди!?»

— Ростини айтсан, сирим шу, Мағрифа! Мен сизни ўтган йили бир кўрганимдан буён кўнглимдаги энг қалрли, бебаҳо, азиз одамим деб билган эдим. Лекин дунёда сизни ҳаммадан ортиқ кўришимга қарамай, ҳамон бир катта тўсқинчилик олдида турибман. Сиз билан сўз бернишиб, аҳду паймон қилиб ўртага ота-оналаримизга «қула бўлинглар» дейишга менда ҳад йўқ. Фақат ўзинингзагина изҳор қиласамай деган сирим билан олдимдаги тўсқинчиликни айтай.

Бу чоқ Мағрифанинг кўнглида оғир бир ғусса, шубҳа ўйғонди. У энди очиқдан-очиқ иорозилик акс этиб турган кўзларини Абишнинг юзига тўппа-тўғри тикиб ўтиради. Кўнглида «Сирим дегани, бопқа бир одам билан ваъдаси бўлса керак. Бошқа бир севгилиси бордир. Унинг бўлмаслиги мумкин эмас! Шундоқ йигитни севадиган қиз ёлғиз мен бўлмасам керак? Тўсқинчилик деб ётгани ўша билан қилгая ваъдасидир! Шундоқ экан, энди уни айниқса менга айтишининг, изҳор қилишининг нима ҳожати бор экан?» — деди.

Лекин, Абишнинг чехрасида шу қадар гуноҳсизлик, садоқат акс этиб турарди. У дам қизариб, дам оқарганича сўзлаёттир:

— Тўсқинчилигим, сирим деб айтганим билан иккови битта нарса!

Мағрифа ҳам ичилан: «Албатта биттадир, бу нарса эмас, қиздир» деб ўйлади.

Ҳозир ўшаннинг «отиними, бошқа бир жиҳатиними эшиятман-ку» деб хиёл ўйланиб қолганида. Қизнинг юраги титраётгандек бўлиб, ичи музлаб, қаттиқ қийналди.

— Уша айтаётганим бошқа нарса эмас, менинг дардим... Мағрифа...

— Қандай дард? — деб, Мағрифа биринчи марта Абишга тездан савол берганда, юзи яна дув этиб қизарыб кетди.

У Абишнинг гапидан чўчишини ҳам, шодланишини ҳам билмай қолди. Бунинг кутгани мутлақо бошқа эди. Ҳаётга қадам қўймай туриб, худди бир баҳтини талашувачи бордек ҳис этган содда кўнглини энди ўзи айблётгандек: «Касаллик бўлса, албатта бошқа гап! Бироқ мана бу Абишни шу туришида ўша дарди билан ҳам ётсинар эдимми? Яна, яна... Билиш керак».

Энди Абишга мутлақо бошқача, очиқ чирой бериб, борлиги билан тикилиб қараб қолди.

— Ўтган йилдан бўён, Петербургдаги докторларнинг айтишига қараганда, ўпкам дардга чалиниб келаёттир. Чўзиг ўтиришнинг нима ҳожати бор. Қисқаси, мени даволаб юрган катта доктор менга ҳозирча уйланиш мумкин эмас деяёттир. Айниқса, оладиган ёрингизга сизнинг дардингиздек дарди бўлган одамга тегиш мумкин эмас, деди. Мана, Мағрифа, бор сирим, тўсқинчилигим шу. Бугун сизга келтирган, ўзингизгагина айтмоқчи бўлгани гапим шу эди! — деди.

— Фақат шугинами, Абиш!

Мағрифанинг икки юзида иссиқ қон ўйнаб, каттакатта кўзлари порлаб ёнган ҳолда қаради. Абишга шу қадар зўр ишонч билан, шодланиб ва қадри ортиб яқинлашаётгандек бир вазият билдириди. Йигит Мағрифанинг сиймосида олқиши акс этиб турганини кўраётгандек бўлиб ҳайрон қолди.

— Дардим юқумли дедим-ку! Орамизда икковимизни кўшмай турган оғир сирим, энг зўр қайғим, беомон тақдирим ўша дедим-ку!

Енгилтаклик билан эмас, соғ ва содиқ қалби билан катта бир қарорга келган Мағрифа энди ўз-ўзини танимаслик даражада эркинлик билан очилиб ганирди. Бошқа вақтда, бамайлихотир ўтириб ўйлаганда, шу қадар чин ва кескин қарорга келмаган бўлар эди.

— Дардга чалинганингизга ачинамац, Абиш. Лекин тўсқинчилик деганингиз ўшагина бўлса, уни мен учун ўйлаб, мени сақлаш мақсадида тўсқинчилик деяётган бўлсангиз, мен ўз жавобимни айтай. Ҳаёт, чин муҳаббат боғлаган одам билан жонингни шодликларга ҳам, хавф-

хатарга ҳам баравар қўшганингдагина ҳақиқий ҳаёт бўлиши керак. Мен Абай оғамнинг китобларидан уққаним рост бўлса, шундай эди. Жонини фидо қилишга тайёр турган дўстликни излайман. Сизнинг бошингизга нима келса, ўшани бирга кўтариб, бирга яшаб ўтсам армоним йўқ!

— Жоним, Мағрифа, сиз мени шунчалар севаман дедингизми!

— Ўша севги йўлида менга ҳеч нарса хавфли эмас!

— Жоним, Мағрифа, тушуниб-билиб айтаётисизми? Орамизда ўлим турибди-ку? Ажал-а! Агар менинг дардим кучайиб кетса, сизга ҳам юқади-ку?

— Фақат шуми?

— Ўлимга бирга олиб кетаман-ку, ажал-ку бу ахир!

— Сиздан айрилган куним тилаганим ўша ўлим бўлсин,— деди-да, Мағрифа иссиқ кўз ёшларини тўкиб-тўкиб, йиғлаб юборди.

Абиш ўзи севган гўзалнинг қалби нақадар соф, ноёб эканлигини кўрди.

Хозирги айтилган гаплардан чин баҳт топгандек бўлди. Бор эшитганини жони-дили билан маъқул кўрди. Энди йиғлаб юборган Мағрифани қандай қилиб қучогига олиб, қай таҳлитда унинг ёшлик кўзларидан, ёшланган юзларидан ўпа бошлаганини ўзи ҳам билмай қолди. Бу ҳаракатга қаршилиги бўлмаган, аксинча, шу чақ кўз ёшлари ичида орзусига эришиб, баҳт-сасдатини топган Мағрифа ҳам, оппоқ узун-узун бармоқли қўлларини Абишнинг елкасига ташлади.

Икковининг ҳам шу он бир-бирнга шунчалик бағрини ёзиб интилиши ҳеч кутилмаганда рўй берган бир ҳол бўлди. Лекин бу ҳолатлари жуда қонуний эди. Ҳалигидек биридан-бирини йироқлаштириб айириб турган «дард», «тўсқинчилик», «тақдир», «ажал!» деганларнинг ҳаммаси ҳам умид соҳилига бориб урилиб қайтди. Қийналиш онлари ўзгариб, чин муҳаббат энди бирини-бирига англатиб, ўнг қаратганда, беихтиёр, иссиқ аланга билан қовуштирди.

Шундан кейин бир қанча вақт жим қолишиб, шодлик ичида мароқ билан бир-бирларига унсизгина тикилиб ўтиришди. Иккови ҳам чин кўнгилдан бир-бирини англаш топишгандек, ҳажрида алам тортиб етишганлар унсизгина кечирадиган баҳтли онларни кечиришди.

Лекин, айрилиш пайти етиб қолганди. Абиш дарҳол тапни бир жойга қўйди.

— Яқинда Үспон оғамнинг йили берилади. Үшандан кейин қариндошларим қуда тушгани сизнинг овулингизга келишади. Мағрифа, энди менинг ҳаётдаги энг яқин одамим, азизим, маъшуқам ҳам, ёрим ҳам сиз! — деди.

Шу сўзлар билан ўз баҳтини ҳам ифодалади. Мағининг ҳам қувончига-қувонч қўшгандек бўлди.

Тонг отган пайтда отларига қўнишаркан шу ерда қоладиган Үтегелдига ҳам, Дарменга ҳам қандай қарорга келганини айтди.

— Кўп хурсандман, икковингдан ҳам беҳад миннатдорман! Буюрса Мағрифа менинг ёрим бўлади. Ҳамма гап ҳал бўлди. Үспон оғамнинг йилини бериб бўлгандан кейин, бизнинг овуллар қуда бўлишади! — деди.

— Ҳа, мундоқ дегин, куёвжон, оғэзингдан айланай! Бормисан, ҳа деб тўралиқ қила бермай, бундоқ менинг йўлимга ҳам юрчи бир! — деб, Үтегелди бир томондан табрик қилгандек, яна «аввалги ишлар ўринсиз» эди деб айблаётгандек кўнгил билдириди.

Абиш билан Дармен бундан кейин татар овулига куёв бўлиб келишга аҳд қилишиб, қувончлари ичларига сиғмай, шод-ҳуррамлик билан қайтишиди.

Қамалда

1

Үспоннинг йилига келадиган меҳмонларни кутишда Қувандийнинг барча овуллари қатнашди. Меҳмонлар кўп бўлгани учун ҳамма овулларнинг ўтирган жойлари эскирнб, ўт-ўланлари тамом бўлди. Энди жойни янгилаш керак эди.

Уни ҳаммадан олдин ўйлаган Исҳоқнинг таниоз, димоғдор хотини Манике бўлди. Эрининг инон-ихтиёри қўлида бўлган эрка бойвучча ўринни янгилаш, бошқа жойга қўнди. Жўрттага Такежон овулининг пинжига келиб ўрнашди.

Энди Такежон, Қоражонларнинг Исҳоқ билан тизза тиравиб ўтириб, маслаҳатлашиб қиласидиган ишлари бошланди. Такежон шу жиҳатларини ўйлаб Исҳоқ, Маникларни, уларниң овуидаги барча эслик-хушлик катталарни қўни-қўшнилари билан зиёфатга чақирди.

Тушлик овқатни еб бўлгандан кейин катта уйдаги эркаклар тарқалишди. Такежоннинг ўзи Исҳоқни бошлаб, холи бир капага кирди. Бирга келган ҳамма эркагу хотинларга Манике қўпол товуши билан буйруқ қилиб:

— Қани, бизнинг овулдан келганлар! Аҳкемнинг зиёфатини еб бўлдинглар, еярингни еб, ичарингни ичдинглар (Аҳкем деб у қайноғаси Такежонни айтар эди). Энди овулга жўнаб қолинглар. Иш-ишингга жўна ҳамманг! — деди.

Шундай қилиб, Қоражоннинг уйи меҳмонлардан бўшаганда, холи ўтириб, сўзлашмоқчи бўлиб икки овсин қолишли.

Очатқи, гезарид туралган Қоражон бу кунларда кексайиброк қолган. Манике ундоқ эмас. У — тұладан келган, қорачагина, бақбақали, күркем юзли аёл. Құнғир күзларыда доим құғдек үт күриниб туради. Қисқароқ, хиёл күтарики ва думалоқроқ бурни билан ҳар чоқ кесатиқ, әрмак қилишларга ҳозир турған сұлым лабларыда, әнгагиу бақбақасыда бу хотиннинг ўзгалардан бошқача-роқ саботи, такаббурлиги билиниб туради.

Кийимни ҳам бу атрофда Маникедек олифта, озода киядиган қиши йўқ. Лачак, чорси, кўйлакни ҳам ҳар доим синъкалаб, қотириб кийиш мана шу Маникедан чиқдан. Қалин қора шоҳи камзулуда қимматбаҳо тошлар ўрнатиб ишланган катта-катта кумуш тутмалар ҳам бодрайиб туради...

Манике болани кам туқсан. Ҳозир унинг ёлғиз биттагина қизи бор. Исҳоқнинг иккита ўғели — Қакитой билан Аҳмедбек унинг аввалги хотинидан қолган. Уларнинг онаси ўлиб, Манике Исҳоқнинг суюкли хотини бўлиб қолга.

Эрига эрка бўлиб, уни биратўла бийлаб олишига Маникенинг фақат танинзлиги, такаббурлигигина сабаб бўлган эмас. Шу билан бирга, у гапга уста, ҳар нарсани синчилаб кўриб, тўғрисини айта берадиган ўқтам хотин. Ӯша эркаликнинг оқибати бўлиб, бу хотин сўнгги йилларда бу элда йўқ бир расвогарчиликка ўрганган: эрига қўшилиб афюн ейдиган бўлган.

Тошкентлик карвонлардан афьюон, наша олдириб, уйнда ўзича бир хурсандчилик қилиб, «кайф чоғлиқ» ўтказади. Шундай эркин, талтайиб кетган чоқларыда Исҳоқقا бўлсин, бошқа камтар қўни-қўшини меҳмонларга бўлсин, ҳамиша шаддотлик билан галиришга одатланган.

Табиатан сўзамол, эси-ҳуши жойида, бунинг устига манманлик ҳам қўшилгач, бу хотин ўзини унтиб, билармон бўлиб, кимни бўлмасин әрмак қилишга устихони йўқ, оғизига келганини қайтармайдиган бўлиб кетган. Бунинг зарбига аёлларгина эмас, Иргизбой, Үлжайларнинг кўп эркаклари ҳам бетма-бет келолмай, чап бериб кетишар эди.

Мана шу янгасининг босар-турарини билмай, кундан кун такаббурлиги ортиб бораётганини эшиштан Ўспон, ўладиган йили уни ҳазил тариқасыда беомон танқид остига олиб, хўп таъзирини бериб қўйганди.

— Сен эрингга эга бўлиб, биратўла гердайиб кетдинг. Озодалигининг, танинзлигининг ер босиб юрганларнинг ҳам-

масидан устун. Айланай, фақат бир нарсани айтчи. Ўзинг-ку ҳаммамиздан ортиқсан, ҳеч кимни менсимайсан, негаки туғилишда, яратилишда бизлардек бўш-баёв қозоқларнинг ҳаммасидан бошқача яратилгансан. Сени одамзод эмас, кўп латиф, кўп нозанин паризод деб биламиз. Хўш, энди сен ҳам мана шу бизларга — гуноҳкор бандаларга ўхшаб, бўйингдан најис чиқарасанми, ё бўлмаса, саройингга сиғмай қолган ортиқча зотлар, ҳур қизларники сингари ипорга айланиб, тарқалиб кетадими? — деб кулган эди.

Бу — ҳазилнамо заҳархандалик билан айтилган гап эди. Елғиз Манике эмас, кўкрагини керган ҳамма такаббурларнинг ҳам кўкрагини босадиган, ўйлаб айтилган ўткир ҳажв эди.

Маникенинг тилидан озор топган катталарнинг ҳаммаси бу гапнинг ҳар бирини эргиликка олиб, бундан ҳам қўйполлаштиришар, ҳар нарсани ўз оти билан атаб, сиртдан кулиб юришарди.

Манике Исҳоқ учун, юзини сидириб ташлаб, жаҳл қилиб ўдағайлашларга ҳам уста. Фазаб билан кекни ҳам қаттиқ сақлайди.

Шундай феъли-авторини ҳаммага ишлатгани билан, Маникенинг ҳам тиши ўтмайдиган битта одам бор. У — Абай. У қайни бўлса гўрга эди, яна қайноға. Манике уни кичиклиги, келинлиги туфайли ноилож «Айнаке» деб атайди.

Манике қалбидан Абайнини хуш кўрмайди. Ҳоли ерда Исҳоққа, молбуқар қўни-қўшниларга Абайнинг овулини, Абайнинг болаларини, ҳатто Абайнинг баъзи ишларини ҳам ёқтиромай, орқасидан муқатиб гапираверар эди. Узи яна Абай айтди деган ҳамма гапни эшитиб, ёдида сақлай билади. Бироқ, унинг яхши гапига бирор марта хурсанд бўлган эмас.

Агар уни синчилаб кўрувчи идрокига хиёл қўйполроқ сезилиб, қаттиқроқ тегадиган гап бўлса, лабларини чўччайтириб, буриб, кесатиб-муқатиб гапираверарди.

— Оббо, қўйсангчи, ўша бир ўтиб кетган гапни айтмаёқ қўя қол... Оддий киши эмас, ҳатто Айнекем шундоқ депти деганда, кўнглим айниб кетади! — деб, ёки, «қусгим келади» ҳам деб юборарди,— биларманд бўлгани, ақлли, донишманд бўлгани шуми? Шундоқ ақлли одам ҳам янгишаверар экан-да! — деб қўярди.

Баъзан Абайнинг «Манике келин шундай кесатиб ўти-

рибди» деган гапларини эшигандан, Айгерим қиқирлаб кулиб юборарди. Унинг учун хижолат тортгандек қипқизариб кетарди. Бир кун бу ҳам одоб сақлаб, усталик билан эрмак қилди:

— Бир Ажекенгга,— деб, қозоқ урфи-одати бўйича Ирғизбой деган қайнотасининг отини атамай,— икки бирдек доҳо қандоқ қилиб сиға олади! Абай биларманд бўлса, бизнинг Манике келин ундан ҳам ошиб тушади. Бир қозонга икки зўравон қўчқорнинг калласи сифмаётгани шу-да? — деди.

Бир томондан «келин» деб, бир томондан Маникедек латиф, серноз жувонни «зўравон», «қўчқор» деб шунчалик қарама-қарши қўйиш — тўсатдан ўқдек тегадиган масхаралаш эди.

Ҳозир ўша Манике овсини Қоражон билан бир катта маҳфий сир ҳақида сўзлашмоқда. Гап эркаклар ҳақида. Улар ўзларининг эрлари билан Абай тўғрисида сўзлашмоқда. Ҳамма гап Ўспондан қолган мол-мулк билан, унинг бева қолган хотинлари ҳақида кетаётиби.

Аслида бу икки овсин ақлли, ўқтам бойвучалар бўлишлари устига, яна эрларининг бор инон-ихтиёрларини қўлларига слиб ўтиришлари устига, молпараст, бадавлат хотинлар ҳам эди. Шўрими ёки рўзими, ҳар қалай, яна бир бошқа томонлари шуки, жуда номусли кишилар. Ўша номусни яна аёлларча ўйламай, эркакларча, ҳатто ўша эркаклар учун ҳам ўзлари ўйлашади.

Шу хусусиятлари туфайли бу иккови бирлашиб, Ўспоннинг йил ошини бермасдан олдин, бир гап юзасидан келишиб, сўзни бир жойга қўйишган эди. Гап — эрларига ўзлари буйруқ қилиб, ўз устиларига хотин олдириш хусусида. Урфи-одат бўйича эрлари олиши шарт бўлган, Ўспондан қолган беваларни эрларига ўзлари танлаб олдиришмоқчи.

Ўша куни Ўспоннинг йилини эртароқ бериш зарурлигини Такежон билан Исҳоқقا икки жойда шу икки хотин буюришган. Улар келажакда бўлинадиган мол-дунёдан хавотир олиб шундай қилишган.

Бундай хавфни даставвал Азимбой билан Манике эсга олди.

Отасига Исҳоқни доим шерик қилиб, уларни ҳамина бирлаштиришни Азимбой «бу йилги катта мақсад» деб биларди. Ўспоннинг меросхўрлари унинг уч акаси бўлганда, уларнинг иккитасининг гапи бир жойдан чиқиб

турса, булар бақувватлик қилиб кетишади. Азимбой уйда Такежон билан Қоражонни аврашдан ташқари, Исҳоқнинг ўзига айтиладиган гапларни, ҳисоб ва режаларни аввало Маникега айтар эди. Бу йил Азимбой билан мана шу янганинг холи ўтириб қиласидиган ивир-шивири кўп бўлди.

Шундай суҳбатнинг бирида Азимбой Маникега:

— Янгажон, мана шу бизнинг кишиларимиз нима қилмоқчи ўзи? Катта уйга Абай жойлашиб олди-ку. Булар йили тўлсин деб, анграйиб юришибди... Улар бўлса, Успоннинг боласи деган бўлиб, бир ўғил бир қиз набирасини эга қилиб қўйишган. Энди Абай эртаю кеч Эркежоннинг уйидан чиқмай қолди. Бола-чақасию, навкарларидан тортиб ўша уйдан чиқмайди. Шунинг жони бормикан дейман? Эртага бўлинадиган мол-дунё ҳақидаги гапни ер тагидан пишитиб юрибдими? Бунга кимнинг кўзи етади... Нима дейсиз? — деди.

Шунда Манике Азимбайнинг гапини қувватлаб, Абай томонини кесатиб, бурнини чийирганича гапира кетди:

— Оббо хумпар-ей, мен уни аллақачон билганман...— Ҳам ақлли, ҳам мағрур Манике гапни ҳамиша «ҳа, мен уни аллақачон билган эдим» деб бошлигувчи эди. — Айнекем мотам туваётган ҳам ўзи, ғамхўр ҳам ўзи бўлиб, тўрини тўқиб юрибди. Эркежонни сиҳрлашнинг пайида. Бўлмаса, у азадор хотин эмас, катта уйдан ёзин-қишин иега чиқмай қолди, деган гап аллақачон кўнглимга келган эди! — деди.

Азимбой ҳийла ишлатди-да, Маникенинг билағонлигини мақтаб:

— Бизнинг оқсоқол билан Исҳоқ оғамга худо шу ақлни бермаса нима дейсиз! Эртага оғизлари очилиб, қора ерга ўтириб қолишгаңдагина билишади. Шундай қилиб бир ўқинса экан! Гўллигидан, ҳалоллигидан бир панд еса эди шулар!.. — деб авради.

Отасининг мол-дунё ҳисобига мутлақо «гўл» ҳам, «ҳалол» ҳам эмаслигини билса-да, Азимбой бундай гапларни тилининг учida айтаверарди. Абай билан унинг яқинлари бу гапларни чин кўнгилдан тез-тез айтишса, Азимбой жўрттага ҳазиломиз, разилона қилиб айтарди.

Манике унинг ҳалиги сохта соддалигини англамади. Еш бўлгани учун буни ҳам фўр деб билди. Шунинг учун:

— Дурустсан... Сен ҳам қойил қилдинг. Кўрган-билиманини оғаси билан отасига айтиб, маслаҳат берар десам... Сен ҳам «панд еса экан» деб, юрибман дегин. Ушанда бор мол-дунё қўлингдан чиқиб кетганда, сенинг ордириган ўлжанг нима бўлади? — деб, бунинг ҳам табобини тортиб қўйган бўлди.

Азимбой макр ишлатаетир. У бир-икки кун Маникени шу зайилда гапга солиб, ўзини унинг олдида «гўл» кўрсатиб юрди. Янгасидан ўзини эрмак қилаётган гапларни ёшитган сайин, ўзини гўлликка сола берди. Шундай қилиб, ниҳоят, Маникенинг гапини эндиғина аңглаган киши бўлди-да, бир кун унга:

— Энди шу ақлингни Исҳоқ оғамга, менинг отамга, анов овсинингга ўзинг уқдир! — деб топширди.

Аслида Азимбой ўз отасининг Қоражондан қўрқишини яхши билгани учун яна бошқа бир хавфга ҳам тушиб юрганди. Отасининг Қоражондан қўрқиб, Успондан қолган бевалардан биронтасини олнишга ботинолмаслигидан чўчиради.

Агар меросхўр қолган бевалардан бирини олмас экан, мол-мулкка ҳам қўл чўза олмасди.

Азимбой кўнглига тугиб юрган хавфнинг каттаси шу эди. Бўлмаса Такежоннинг йўли улуғ бўлгани учун олдин ўша танлаб олмоғи керак. У ҳолда Эркежон билан катта даргоҳ аталадиган — катта уй буларнинг ҳиссасига тушмоги керак. Азимбойнинг бутун орзуси ҳам, талашадигани ҳам ўша катта уй. Абайнинг катта уйга сеरқатнов бўлишидаи хавфланишнинг боиси ҳам шунда эди. Шунинг учун Такежон бевалардан бирини олмоғи керак. Бордию отаси бу ишдан бош тортиб қоладиган бўлса, бутун мўлжал — ҳисоб барбод бўлади.

Шу жиҳатларини ота-онасига тикка айтишга иечанича марта оғиз жуфтлаб кўрди. Лекин бу хилдаги таомилда йўқ гаилар билан ота ва онанинг ўртасига суқилишининг ҳисобини тополмади. Шундай қилиб, Маникени йироқдан гузоққа илмитириб, унинг маҳтаҷоқлянигидан фойдаланааркан, ўзи унинг назарида бироз вақт аҳмоқ бўлиб қўриниб, мушукчасига ўйнашиннинг тагида шундай гап бор эди. Маникенинг яна бир яхшилиги — сир тута билади. Уй ичини, қариндош ўртасини бузадиган сирларни зинҳор четга чиқармайди. Мана шундай харомзодалик билан келган Азимбой Манике орқали бир талай мақсадларини, ташвиқотларини ер тагидан юргизиб келди.

Манике орқали Қоражонни ҳам устига хотин олдиришга кўндиради. Ўспоннинг йилини вақтидан олдин бердирди. Энди бугун янги жойга кўчиб келиш муносабати билан берилаётган зиёфатда Исҳоқ овулини яхшилаб кутиб, бошга кўтариб иззат-икром қилишни ҳам, дамини чиқармай Азимбойнинг ўзи бошқарди.

Ҳозир ҳам икки овсинни холи қолдиртириб, эндиги янги бир гапни эркин сўзлаштириш учун сиртдан уйча тиклаб юрган ҳам Азимбойнинг ўзи.

Манике билан Қоражон холи қолган заҳоти Азимбой сиртмоққа соп йўнган киши бўлиб уйнинг ёнига, остонаяга яқин ерга ўтириб олди. У ўзининг хотини, лўпигина, қопқора жувон — Матишни чақириб олиб:

— Мана бу уйга, опамларнинг устига ҳеч кимни киргизма, анави капачада оғамлар ўтиришибди. Уларнинг ҳам устига бирор кириб сўзларини бўлмасин, ўзинг қараб тур! — деб, қовоғидан қор ёғилганича тўнғиллаб қўйди. Қунанбой овулида бошланадиган янги тортишувларнинг ички танобини Азимбой шу йўсинда қўлига маҳкам ушлаб олган эди.

Қора қарғанинг қанотидек, ёки кўмирдек йилтироқ, қоп-қора, ясси пахмоқ соқолли, ялпоқ қизил юзли, қовоғи қалин Азимбой шу йўсинда тўр қуриб қўйиб, ўзи ташқарида сиртмоққа соп йўниб ўтиради. Фикри-зикри ички тортишувнинг режаларида... У қисиқ кўзлари билан баъзан ер тагидан қия мўралар, ўз мўлжалидан мамнун бўлгандек, мийигида кулиб ҳам қўярди. Кўз ўнгидан Қунанбойнинг катта даргоҳига қарашли мингларча «қизил жийрон»лари, ўйноқлаб турадиган йилқилари «биз сеники!» деб юнгларини йилтиратиб, қатор-қатор ўтиб бораётгандек бўларди.

Бу чоқ Манике Қоражон билан сирлаша бошлаган эди.

— Янгажон, Аҳкем нима деяпти? Энди гап бошлаймиз деяптими, йўқми?

— Ким билади. «Нега бунча шошаяпти. Или тўлмай туриб ҳали нима бўпти» деб, анавилар билан хотинлар гуноҳкор қилишадими деб иккиланиб юрибдими, дейман.

— Дарвоқи... «Катта бўлса ҳам, шундоқ дейди-ку»— деб, аллақачон ўйлаган эдим. Бу киши ҳам бизнинг уйдаги қайнингизга ўхшаган мўмин-ку... Иккови ҳам ялҳак эмасми! Айнекемнинг авзорига қарамай, овқат ичадими ҳаммани қўйиб..

— Ўзи нима гап, келин, булар қуруқ қолишаётими?

— Йилини бермай туриб ёнбошлаб олган киши, энди ойга боқиб юрибдими?

— Хўш, нима бўлаётган экан! Зимдан олиб бораётган гаплари эшитиляптими? Хабаринг борми?

— Ундаидай гапларни эшитдиради дейсизми? Йилини эрта беришга кўнган киши кетини ўйламади деган эдингиэм? Бу кишиларнинг хаёлига келмаганин улар бичибтўқиб қўйишган-ку. «Булар йилни эрта бердирса, мен унинг нарёғини тайёрлаб қўяй» деб, катта уйнинг остидан ит, устидан қуш учирив юрмагандир дейсизми? Уёғини айтсангиз, ўша Эркежоннинг уйида Айнекемга тарафдор бўлмаган киши борми? Уруг-аймоқ, молбоқар, хизматкор қўшнилардан тортиб, ҳаммасини ўзига оғдириб қўйгандир. Икки бирдек набирасини эга қилиб ўтирибди. Ҳатто, тумшуқ сиққудек жой қўймаслик учун ҳамма болалари, ёр-биродарлари билан ўша катта даргоҳни қуршаб чирмашиб ётгани йўқми?

— Кенжанинг ўзи ҳам кўзи тириклигига қариндошларни ичида ёлғиз ўша Чироққа топиниб кетди марҳум. Ўша вақтларда ёқ атрофига тўплагани фақат Чироқнинг тарафдорлари бўлди...

— Энди унинг устига, мана шу кунларда ўша кишиларнинг ҳаммасига ўзининг сўзини маъқуллатиб юрибди. Уларни ҳам ер тагидан ўз ниятига оғдирмай қўяди дейсанми?! Уёғини сўрасангиз, ўзи индамай ўтириб, аввало ўшаларга гапиртириб, ишни пишитаётгандир.

— Ўшаларнинг ичида сенниг боланг ҳам юрибди-а!

— Янгажон-э, Какитойни бизнинг бола деб нимасини айтасиз! У Айнекемнинг қанжуғасида эмасми? Ўша кишининг ўзи билан болаларининг аврашига учиб юрган оқ қўигил, содда шўрлик-ку...

— Шўрлик эмас, Чироқнинг гапини қувватлаб сўйилини ҳам кўтариб юргани йўқми?

— Бироқ Какитойнинг қўлидан нима келарди дейсанз? Бу кишиларнинг иккови бир бўлгандан, Айнекемнинг ёлғиз ўзи бўлади. Болалар, набираларга тегишли гапу ҳисса борми?

— Ҳа, шундоқ демасанг... Какитой отасига қарши чиқиб, Чироқ томонни кучайтириб юрмасин тағин. Шундан боҳабар бўл, келин. Айниқса бу гапни эрингга уқдириб қўй! — деди.

Бу ҳам Қоражоннинг ўзидан чиққан гап эмас. «Мани-

ке билан сўзлашганда, Какитой тўғрисида тайинлаб қўй» деб Азимбой топширган эди. Ўйланиб қолган Маникега Қоражон ўз сўзини батафсил англатди.

— Бу иккови бир бўлиб туришса, сўзлари устун чиқади. Азалдан иккита «соқ сарнқ» бир, иккита «қора тўри» бир эди. Бугун қора тўридан ёлғиз Чироқ қолди. Ҳалиги ўзинг айтган гапларнинг ҳаммаси ҳам дидимга ўтиришади. Ҳаммаси ҳам ўринилек. Чироқнинг катта уйи атрофига тўр қуриб сўзлаётганига шубҳа йўқ-ку? Бироқ унинг ҳаммасини енгдана, бу иккови ўзларининг иккита бўлиб турган бирлиги билан енгади. Унинг устига, буларнинг биттаси катталиги билан йўл тутаман деса, ким қарши тера олади? — деб, мулк бўлганда Такежонининг йўли бўлак эканлигини уқдириб, бошидан соқит қилиб олди.

— Чироқ бўлса, ўртанчи... Ундан сизнинг уйингизнинг йўли улуғ... эндиги қолган уччовининг кеяжаси тўрам-ку,— деб Исдоқни ҳам кўтариб қўйди. — Ишқилиб, Какитойдан бир гап чиқиб, орани бузуб юрмасин! — деб сўзини тамом қилди.

Иккала овсинни шу хилда гиж-гижлаб қизиштирган жонли суҳбат эндиғина тугунили ерга келиб тақалди.

Бу икковини бир-бирига ҳам totук, тилақдош қилиб ҳам баъзи масалаларда бир-бирини илинтиришининг пайига тушириб, чалкаштириб қўйган ҳам Азимбой.

Азимбой ҳар бир гапни қисқа қилиб, томдан тараша тушгандек тарс этиб айтиб қўя қолади. Шунда ҳийла-сини ҳам, балосини ҳам англатмайди. Қўрс, тўғри сўзли киши бўлиб кўрина билади. Доим қовоғидан қор ёғилиб, жиддий гапиради.

Мана шу одатлари орқали ўз гапиянинг ростлигини ҳам, ҳазил-аския эканлигини ҳам билдирамайди. Ёшлик чоғидан буён ичи билан сиртини бўлак тутиб, моҳир ўйиничидек чиниқиб қолгани учун, бошқаларни эрмак қилиб алдаганда ҳам ҳеч сездирмасдан ютиб чиқар эди.

Икки қўшнини бир-бирига чақиб аразлатиш, икки молбоқарни қимизга қиздириб олиб ёқалаштириш, уччи-га чиққан икки ээмани жўрттага гап талаштириб, олиши-тириб, кечирилмас дов-жанжалларга олиб бориш Азим-бойнинг ёшлик чоғидан буён қиласидиган одати эди.

Мана бугун устамон ва ҳийлакор иккала онани ҳам беғараз кўнгил билан учраштиргани йўқ. Шунчаки, эрмак учун эмас, ўзининг ҳожатига керак бўлганидан шундай қилди.

Маникени ёрдамга олиб, керагига яратиш билан бирга, бир томондан унинг ўзини ҳам бир хатар билан чўчи-тиб қўйганди. У — Эркежон масаласи.

— Янгажон, онам кўнмагандаги нега кўнмайди дегин?.. У киши устига кундош олдираман дегандаги ҳам ҳудди ўша Эркежондан қўр қади. Нега десангиз, Эркежон бор мол-мулкнинг, ҳазинанинг ўртасида ўтирибди. Уидай хотинга қандай эркак бош урмайди? Яна ўзи чиройли, хушфеъли. Эрга ҳам, элга ҳам ёқа билади. Уни олган куёв, боши олтин эркак бўлгандаги ҳам, айланиб-ўргулиб, гирди-капалак бўлиб, пинжидан чиқмайдиган бўлади-да! — деб, Азимбой бу жиҳатини бўртдириб гапирди. Бу гап Қоражонга эмас, Маникенинг ўзига ҳам ўқдек тегди...

Ранги ўшиб, тамшаниб қўйди. Икки кўзи олайиб бақрайганича тикилиб қолди... Оғзи ёмон ўргантган ўша ода-тидан қилиб:

— Ҳ-а-а, мен аллақачон... — деб қолди-ю, ёлғон айттолмай дами ичига тушиб кетди.

Азимбой айттаётган гапларни ўзи «аллақачон эмас» шу онгача ҳам ўйламабди... Қоражонга деб айтилаётган хавф, бунинг ўзи учун ҳам шу сингари хавф эди. «Шу маҳалтacha нима қилиб бу ишни ўйламай юрган эканман?» деяётгандек қаттиқ ҳаяжонга тушди. Унинг шу ҳолатта тушганини зидан боқиб ўтирган Азимбой, яна пайқамаган киши бўлиб, бу хавфли кучайтира борди.

— Эркежон эса, Зейнеп, Тўримбола деган гап эмас-да. Улар сизларнинг икковингизнинг ҳам паноҳингизда юра беради. Мана бу суйик хотин бўлиб қолган ёшгина Эркежон ҳали ҳам суйик хотин бўлгиси келмайди дей-сизми? Бизнинг отамиз бўлса, хотинининг райига кўнган, мўмин киши! — деб қўйди яна.

Бу Такежонни эмас, аслида Исҳоқни ўйлаб, ўшанинг ўзига тегизиб айтилган гап... Манике ичидан аввалгидан ҳам кучлироқ даҳшатга тушди.

— Фақат, онамнинг ўзидан туғилган менга ўхшаш азамат ўғли бор, юпанчиғи ўша бўлади дейилмаса, кўниши қийин. Унинг устига, сизга ўхшаш ёш ҳам эмас, тўхталиб, эрдан ҳам чиқиб қолган эмасми?

Бу гапларнинг тагида ҳар хил маъно бор. Маникеда Азимбой жўрттага маъно бериб айттаётган: «Ўзидан туғилган» ўғил бола ҳам йўқ. Шундай бўлгандан кейин, Исҳоқ Эркежонни оламан деб қолса, ёшроқ деб у ҳам

Исҳоқни ҳоҳлай қолса, Маникенинг куни нима бўлади? Қоражондек кексайиб ҳам қолган эмас. Эрнинг ҳузур-ҳаловатидан Манике ҳалитдан нега умид узсин?! Шундоқ Исҳоқни қандоқ кўзи қийиб, бирорга раво кўрсин?

Азимбой бу томонларини ҳам Маникега сездириб хўп тушунтириб олди. Шунинг билан у, аввало мана шу ўйинга аралашаётган меросхўрнинг биттасини, яъни Исҳоқни Манике орқали оқсадти. Узи ўқтам, эрка Манике энди ўлса ҳам Эркежонни олдирадими?! Шунинг билан талаш-тортишдан Исҳоқ ҳам четга чиқди.

Иккинчиси бу хавф Маникени тинч қўймайди. Шунинг учун Эркежонни Такежонга жуфтлашга жони-дили билан ҳаракат қилади. Ана энди Қоражонни мана шу Маникенинг сўзи билан бир эплаб кўндирилмаса, Такежон ўз ихтиёри билан «Эркежонни оламан» дейишга ботинолмайди.

Азимбой учун отаси Эркежонни олмай, чап бериб, Зейнепга ёки Гўримболага кўз тикса, унда ҳалиги катта даргоҳ буларнинг ихтиёридан кетган бўлади.

Қоражоннинг Какитой ҳақидаги паст-баланд гапи айтилиб бўлгандан кейин, Манике эндиғи гапни, Азимбойнинг боягидек авраши бўйича, айлантириб келиб, ётиғи билан Эркежон зиммасига юклади:

— Ҳўш янгажон, энди: «Қайси биттаси қайси биттасини олади?» — деган бир чигал масала бор-ку! Бунга нима дейсиз?

— Ўзинг нима деб юрибсан. Қани сен айт-чи! — деб Қоражон аввало Маникенинг муддаосини билмоқчи бўлди.

— Қайдам, талашсизини оламан дейишса, бизнинг кишилар анови иккита кичик хотинни олар. Лекин талашсиз бўлгани билан бу ишлар бебунёдлик ҳам-ку. Бу ерда ҳаммасининг талашадигани Эркежон-ку. Ӯша бўлмаса, гапириб ўтиргудек нимаси ҳам бор дейсиз! Ӯшанда йўли ҳам улуғ, ёши ҳам улуғ Аҳкемга Эркежондан лойиғи борми? Бошқаларда талашгудек ҳад борми! — деб Қоражонга синовчи назар билан тикилиб турди.

Гап шу ерга келганда, Қоражоннинг заҳраси учиб, қовоғини согланича дами ичига тушиб кетди.

Ичида турли-туман хаёлларга борди. «Ўз наслига тесса экан» деган мол-мулқ, ҳазинасига ҳам қизиқади. Эркежон хавфини ҳам ўйлайди. Ҳаяжонга тушиб ўтириб:

— Хўш, ўша Эркежонни олмасданоқ мол-мулкдан бўлиб олинса нима қилади? — деб кўрган эди, Манике у ҳақда оғиз очирмади.

— Вой янгажон-еў? У нима деганингиз? Бошқа хотинларни олганда, уларнинг ўз энчисига тегадиган моли бор эмасми? Ушанинг ўзини беради қўяди-да. Эркежоннинг мулкини, у уйдаги мол-дунёни бўлишига йўл қўядими! «Ўртада турсин» дейди-да, қўл урдирмай қўяди. Ана ундан кейин Авбакир бир эга, уёғига Айнекемнинг ўзи бир эга бўлади қўяди-да...

— Шундоқ бўлади дейсан-да, а?..

Манике овсинининг нақадар ичидан зил кетаётганига зеҳн солиб ўтириб, энди энг сўнгги оғир гапни айтди:

— Сизнинг Азимбойдек ўғлингиз бор. Бири ака, бири уканинг ўрнини босади. Худога шукур, «ўвалик-жўвалик, баҳтли» она эмасмисиз? Эркежон нима? Мол-дунёнинг ичиди ўтиргани билан сўққа бошку?! Аҳкемнинг ҳам ёшлари сиз қизғонадиган вақтдан ўтган... Шундай ишлар устида сиз «йўли бўлсин» деб юбормасангиз, бор катта даргоҳ ҳам, ундаги мол-мулк ҳам Айнекемга кетади!. Ушанинг авлодига ем бўлади... Узимнинг болам қуруқ қолди деяверинг... Мен буни аллақачон... билганман!

— Шуниси бор... Шуниси бор? — деб Қоражон ияига таянди-да, чорасиз тўлғониб, маъюс ўтириб қолди.

Узундан-узоқ ҳаётда баъзан қитимир-ҳасис, баъзан ихтиёткор қурумсоқ аталиб юргани ким учун эди? Ёлғиз Такежоннинг номи чиқиб, обрўйи ортиши, ҳаёти учун шундай бўлибди. Ундан бошқа, унинг болаларидан бошқа бирор одам ҳақида ўйлаб кўрган эдими? Ҳам хиёнат-сиз, ҳам ишод, совуқнина кечган умрини Такежон деб ўтказганда, бирорта ўзга эркак бор экан деб ўйлаганими?.. Энди мана ҳуснidan айрилиб бўлганида, азалги дўст айниб ўтирибди. Эрини ўз қўли билан, ўзидан зўр... Зўр бўлмаганда нима, ҳам бундан чиройли, ҳам бундан ёш, мол-мулки ҳам беҳисоб бўлган кичик хотинга жуфт қилаёттир.

Қоражон анча вақт индамай ўтириб, ниҳоят бирданига тарс ёрилиб кетгандек, ўқсиб-ўқсиб йиғлаб юборди... Аччиқ-аччиқ йиғлаб олди-да, куч билан ўзини зўрға тўхтатди.

— Марҳума семиз бойвучча,— деб Улжонни хотирлади,— бир кун куйиб кетганидан айтган эди-я... «Хотин кишининг кўрган куни қурсин... Эрка бўл, ўқтам бўл, эр-

нинг кўнгли сендан бошқага оққан куни эски патакча қадрятг бўлмайди» деб. Эркагинг сендан юз ўтириб, кичик хотин билан бўлиб олганда, сен кўчиб кетган юртида, эсидан чиқиб қолган кучукдек ҳам бўлмайсан-да, а? Сен ўртнарсан, ёш тўкарсан... У бўлса янги ёрнинг қизил юзига қизиқиб кета беради... Шу-да!.. — деб яна йиғлади.

Манике энлиги гапни бас қилиб, фақат Қоражоннинг кўнишини кутиб ўтирди. Ўртансин, ёш тўксин... Бироқ Қоражон энди кўнадиган бўлди.

Манике шундан негадир шодланиб, мамнун бўлди. Овсипига кўрсатмай, лабларини бир кўтариб, чўччайтириб ҳам қўйди. Уз гапи ўтгани учун, гашт қилиб ўтирибди.

Ақлли, кўп уста, сўзамол бўлгани билан бу хотинда бир эриш кўринадиган даражада ҳисдан маҳрумлик бор эди. У ҳам бўлса, киши қайғусини англамаслиги эди.

Аслида кўз ёшлари йиғловчигагина оғир эмас, кўрувчига ҳам оғир бўлади. Уни севиб, томоша қилиб бўлмайди. Фақат англаш керак. Инсон бошига тушган қайғуга шерик бўлишлик ҳар бир шафқатли, раҳимдил, чин инсоннинг хусусияти. Йиғлаб ўтирган одамнинг юзи ҳеч кимга ҳам гўзал бўлиб, ҳўнгирлаган товуши эса нафис оҳангдек бўлиб кўринолмайди. Уйдан юзни яхши кўришинг ўзи ҳам қийин. Манике бўлса, шу тахлитда йиғлашлардан, кўз ёшлардан жирканниб ўтиради. Елғиз ўзи билан фақат ўз хонадонидаги йиғловчилар бўлмаса, ўзгалирнинг йиғисига қайишиш эмас, олдиндан энсаси қотарди.

Шунинг учун хизматдаги қўни-қўшниларнинг боласи ёки катталари ўлиб, қайғуга ботган уй ичи йиғлаётганда, бу тошбағир, буйрутини қайтариб бўлмайдиган бойвучча бориб йиғлаш ўрнига, ўша уйнинг келини борми, қизи борми жеркиб уришиб, босиб қўярди. Кўнгил сўраш ўрнига уришиш билан тиярди. Узи «аллақачон билиб» қўядиган билимдон бўлгани билан, шу сингари чин ҳисга келганда ўлгудек тўмтоқ, бефаҳм эди. Уша Манике Қоражоннинг қайғусига ҳам сиқилиб қайишгани йўқ... «Нима қилсанг ҳам кўнасан-да!» деган қарор билан кетди.

Катта уйнинг соясида ўтирган Азимбой ҳам кечки салҳин тушгая пайтда турди. Йиғичка қайн сиртмоқнинг солини йўниб, борини тақиб бўлганди. Уйдан онасининг

Йиғлаётган товуши эшитилганды, у ҳам сиқилмади. Аксинча, «Маникенинг омади келган кўринади, бу яхши аломат» деб, ўрнидан турди. Ёғочдан йўнилган пайраҳаларни икки баридан қоқиб турди. Қоражондек ёлғиз онасининг кўз ёшларидан ҳам «этагини қоқиб», «менга мутлақо кераги йўқ кўз ёшлари» деяётгандек орқасини ўгирди.

Йилтироқ қоп-қора мўйловлари остидан қип-қизил лаблари илжайиб, оппоқ тишлари кўринди-да, Маникега эргашди... Унинг билан Исҳоқ овулуга қараб пиёда бораркан, уйда бўлган маслаҳатга қулоқ солиб кетди.

Капада Такежон билан Исҳоқ орасидаги, холи ўтириб қилинган маслаҳат эрта битганди. Улар хотинларини қай таҳлитда бўлиб олиш ҳақида гап очишмади. Бир томондан, у, ҳали ўз ичларида ҳал бўлмаган чигал масала. Иккинчидан, гапни бундан бошлаш лозим эмасдек, ҳали эратдек туюлди.

Икки меросхўрнинг ҳозирги гапи: «Қандоқ қилиб Абайнин маслаҳатга қўшамиз, тўғри ўзи билан сўзлаша берамизми, ёки ўртага киши қўямизми?» «Одам қўядиган бўлсак, кимни кўмакка оламиз?» деган гапдан бошланди. Бу тўғрида улар ўртага одам қўйиб сўзлашишни маъқул кўришди. Анови кунгидек Абайнинг ўзи: «Бирга ўтириб ҳал қиласлил» деса, уни ўшанда кўрармиз. Ҳозирча холис ёру биродарлардан энг яқин кишини кўмакка олайликда, даставвалги гапни ўшалар орқали ҳал қиласлил» дейишиди.

Уларнинг аввал айтиб юборадиган гаплари — Успоннинг мол-мулки, хотинларини ҳозир бўламизми, йўқми, деган мазмунда эди. Орага кимни қўйиш ҳақида бу иккенинг сўзлашиб, хўп танлашди. Ниҳоят, манзур кўрганлари Шубор билан Эрбўл бўлди.

Икковининг ҳисобига кўра, аслида бир норозилик чиқса Абайдан чиқади деб билишарди. У ҳали «мол-дунё бўлишни қўя турайлик» деб қолиши ҳам мумкин. Үнга далил ҳам топади. Хотинларни ҳам осонгина йўлга солади. Иккинчидан, буларнинг фикрича, катта уйнинг мол-мулкига набиралари орқали эга бўлиб ҳам ўтирибди. Шунинг учун бўлинадиган энг катта мулкни яна кўп сабаблар кўрсатиб, асраб туриши мумкин. Учинчидан, Манике, Қоражон, Азимбойларнинг айтишига қараганда, ўзи ўша мулкка катта уйга ёндошиб юрганидан, њеч шошилмасдан пойдеворини мустаҳкамлаб кўмиб олишнинг пайида. Шу сабабларга кўра, Абай мол бўлишни

жўрттага кечиктириб, чўзиб юборишга киришмоғи керак эди.

Шундай бўлгандан кейин, энди Абайга юбориладиган кишиларни унга сўзи ўтадиган дўстлардан, яқин одамларидан олиш керак бўлади. Эрбўлни мана шундай мўлжал билан танлашди. Шуборни бўлса, иш бориб ҳақиқатга келганда, Абайга эмас, ўзларига ён босади деб ишонишарди. У ҳийла ишлатиб Абайга ёқишини ҳам билади. Унинг устига, ўзи энг яқин қариндошларнинг биттаси. Мол-мулкни бўлишда унинг четда қолиши тўғри ҳам келмайди. «Сен нега аралашасан?» деб, айловчилар ҳам бўлмайди деб ўйлашди.

Шундай қилишга қарор берганларидан кейин, ўша куннинг ўзидаёқ Эралига одам югуртириб, Эрбўл билан Шуборни Исҳоқ овулига чақиришиди.

Эртасига эрталаб Шубор билан Эрбўл Исҳоқнинг уйида бўлишди-да, тушлик овқатни еб ўтириб, бор гапни батафсил эшишиб олишди. Элчилик вазифасини адо этишга иккови ҳам норозилик билдиришмади. Ўспоннинг йили берилиб бўлгани учун, Такежон бошлаган гапни ўринсиз ҳам кўришмади. Фақат Эрбўл ичидан: «Абай хурсанд бўладиган гап эмас, Ўспоннинг доғини яна ҳам кучайтирадиган бир жароҳат-ку бу. Лекин унинг бундан қутилгудек чораси борми? Унинг бошига шу сингари мушкул иш тушганда, мен ўзимни четга тортаманими? Бирга кўтаришиб кўраман-да, қўлимдан келса, бирор ишда кўмагим тегар» деб ўйлади.

Манике кундузи бир қулай пайтни топиб, Шуборни холи бир жойга чақириб олди. Шунда бу тарафнинг маслаҳати тариқасида: Эркежонни Такежонга жуфтлаш кераклигини айтиб қолди. «Ийл ҳам ўшаники! Унинг устига Исҳоқнинг ҳам талаби шу. Қоражон бўлса рухсат берди. Уч бевани оладиган уч меросхўрнинг иккитаси шунга қарор қилгандан кейин, бошқаси бу қарорни бузмас. Яна дунё деб бир оғаси билан бир инисининг дилини оғритмас. Буларни ранжитмас» деб, бир қанча далиллар келтириб, даъвосини ҳам айтиб юборишиди.

Сўнгги кунларда Маникенинг нуқул ёпишгани, олишгани Абай бўлиб қолган... Ҳали отини атайди, ҳали шу хилда отини атамай, унга тегизиб аччиқ-тиззиқ гаплар гапиради, ҳар ҳолда сўйиб сота берарди. Ҳаммасининг ҳам ёпишгани, олишгани ёлғиз Абай бўлиб қолган. Илгари Қоражон Абайнинг ёқтиргмагандага, «Такежонга яхши

қарамайди» деб хушламас эди. Мана бу Манике Абайни ёқтирганда, түғридан-түғри ҳасад қилиб, юзи қоралик билан ёқтирганди. Абай нега яхши? Нега бунинг эридан ортиқ? Нега эл-юрт ўшани «билимдон донишманд» қилиб олди? Аввало Маникени Абайнинг шу жиҳатлари ўртайди.

Шуборнинг кўнглидаги бор сирини ўзи биладиган Манике, ҳали уни ёлғиз олиб ўтириб, олддаги мақсадни жўрттага билдириб қўйиш зарур деб ҳисоблади. Шу билан Азимбой Такежондан бошланиб, Манике Қоражонлардан ўтиб, Исҳоқни ҳам қўшиб олган хупия маслаҳат, ҳозир Шуборни ҳам илаштириб олди. Сафи туташиб келаетган тортишувнинг чўққиси ҳозирча шу таҳлитда кўриниб турганди.

Шу ҳийлагага, макрга тўла оғир иш билан машъум феъли-атворлар энди ўзининг бутун кучини, маккорлик салмоғини йиғиб, Абайга осилмоқчи бўлиб келди.

Лекин ивир-шивири кўп, ўзи мўл можаро бўлиб кўрингани билан, бу иш Абайга етиб келганда, уни гангита олмади. Шубор билан Эрбўл келиб, холи ўтириб гапирганларида, Абай совуққонлик билан қулоқ солиб, қисқагина жавоб қилди қўйди.

Эрбўл Абай ёнига киришдан олдин Мағашнинг уйидаги нафас ҳаяллаб, ўша ерда Мағаш билан Оқилбойга бу ишларни айтиб берди. Уларга: «Балки Абайга бирор маслаҳат беришингиз зарур бўлар. Ёнда ўтириб бизнинг гапимизга бирга қулоқ соласизларми, нима қиласизлар?» деганда, Оқилбой бундай можароларни ёқтиргани, эл ўртасидаги можаролардан доим холи бўлгани учун, бу гапни эшитган он тортинди;

— Йўғ-е, мен нима қиласман!.. Абай оғамнинг ўзи бир гап қилар... Мағаш чиқмаса... Мени нима қиласиз!..— деди.

Мағаш отаси учун анча ачинди:

— Яна бир беҳаловатлик бўлибди-да, оғамнинг бошига... Қорамўлага жавобгар бўлиб кетаётганида, тиқилинч қилишмаса бир нарса бўлар эканми, а! — деди у, бу гапга аралашишни ўзига эп кўрмай. — Катта қариндошлар билан оғамнинг ўзлари биладиган ишлар-ку. Биз аралашадиган гап эмас. Ёлғизлигига ачинганимиз бўлмаса, «мол улашади, мерос талашади» деб, ор-номусдан хатлаймизми? Мени ҳам, ҳатто бизнинг атрофимиздаги ёшларнинг ҳаммасини ҳам бу ишдан авлоқ қолдиринг.

Дўстингизнинг юкини ўзингиз орқалайсиз-да, Эрбўл оғал Бизларни бу маслаҳатга қўшмай қўя қолинг!—деди.

Сўнгги вақтлар ёшларнинг ғоят қизиқарли меҳнатга, санъатга берилган кунлари эди. Энди шоирлик санъатига берилишган. Янги яратилган шеърлар, достонларни муҳокама қилишда ғоят қизиқ ва қизғин баҳслар ўтка-зиларди.

Эрбўлдан айрилиб кетганларидан кейин, Мағаш билан Оқиљбой ўзларининг ўша дўстлари ёнига кетишиди. Чоққина ўтов ичи қизғин суҳбатга, кулги ва баралла чи-қаётган товушларга тўла.

Уй ўртасида ловуллаб ўт ёниб турибди. Унинг устига гўшт пиширилаётир. Уй ичига гир айлантириб қалин на-мат, шолча, гиламлар ёзилган, гул кўрпалар тутилган. Оқ санг-санг пўстаклар, узун мўйнали олқор терилари ташлаб қўйилган. Ёшларнинг устларида кузга мос тийин, сассиқ кўзан синғари енгил терилардан камзулга ўхшатиб, ихчам қилиб тиктирилган иссиқ кийимлар.

Мажлис аҳлиниң ичида шоирларнинг ўзларидан бошқа тингловчи дўстлари ҳам бор. Ўртада Абиш ўтирибди. Яқинда шаҳардан чиқиб буларни шодлантириб етиб келган Павлов ҳам бор. Ҳозир у ҳам мана шу уйдагилар сингари қозоқча енгил пўстин кийган. Оёғида қора духоба сирилган иссиқ пайпоқ. Устидан қўнжи узун янги қора этик кийган. Бошига Тўбуқти нусхасида қилиб тулки тумоқ ҳам тиктириб берилганди. Бироқ қимиз ичиб, қизишиб ўтирган Павловнинг тулки тумоқда боши қулоғи ғивирлаша бергандан кейин, тиззасига қўйиб, бошга кийишнинг ўрнига икки қўлини тумоқ ичига тиқиб иситиб ўтирибди. Яна бирорздан сўнг қалин этик оёғини димиқтириб юборгандек бўлди-да, ечиб остига босиб олди. Энди онда-сонда тулки тумоқнинг ичига оёғини ҳам суқиб иситиб қўяди.

Павловнинг бу овулга келганига икки кун бўлганди. Аввалги бир кечаю, бир кундузни Абай билан Павловнинг иккови холи ўтириб, узоқ-узоқ суҳбатлашиш билан ўтказишиди. Бир-бирини жуда яхши кўрадиган ва жуда соғинишган дўстлар холи ўтириб суҳбатлашганларида, галма-гал савол беришиб, кўп масалаларни сўрашарди. Бор садоқатлари билан биридан-бири ҳеч нарсани яширмай батафсил очиб айтишганди. Бир вақт Абай Семейга сургун бўлиб келган янги одамлар ҳақида сўради. Ушалар орқали ички Россиянда эндиги курашда қандай янгиликлар борлигини суриштирди. Рус халқининг янги чиқ-

қан жасоратли йўлбошчилари ҳақида, энг сўнгти, ноёб китоблар, қимматли журнallар ҳақида, янтидан чиқсан ёзувлilar, шоирлар тўғрисида сўради. Ниҳоят, Семейдаги Гогол кутубхонаси олган, ўзи олдириб ўқиса бўладиган қимматли китоблар тўғрисида ҳам аниқлаб сўради. Икковининг суҳбати подшолик маҳкамаси устига кўчганда, Павлов бир нечта поражўрлар, мансабпарамлар, лаганбардорлар ҳақида Салтиков-Шчедрин ҳикояларидаги сингари қанча-қанча кулгили ишларни айтиб бериб. Абайни неча бор хўп кулдирди. Павлов ҳам саҳро ҳаётни ҳақида кўп нарсаларни синчиклаб сўради. Қозоқларнинг меҳнатга берилган кўп ҳалқи тўғрисида Абай пайқаган қандай ўзгаришлар бор? Ушаларни сўради. Яна ўтрок ҳаётга кўчиб, деҳқончилик билан шуғулланаётган жотоқлар тўғрисида ҳам қизиқди. Уларнинг илгариги ҳукмрон, мансабдорлар билан қай йўсинда олишаётгандарини билишга қизиқди. Шу сингари меҳнат аҳлининг онгисавиясида энди қандай янгиликлар кўрилаётганини сўради. Қозоқларнинг саҳродаги қашшоқлари орасидан шаҳарга бориб, бирор ишни касб қилиб, ҳаётини ўзgartирган кишилар қанча эканлигини сўради. Саҳро ҳалқининг болаларини русча ўқишга беришга ота-оналарнинг онгидаги ўзгариш қандай, қай даражада янгилик бор, буни ҳам алоҳида билгиси келди. Абай дўстининг саволларига жавоб бераркан, кўп фикрларни ўзи ҳам энди англаб, сезаётгандек бўлди. Павловнинг саволлари қозоқ ҳалқининг меҳнат аҳли бўлган беҳисоб кўпчилигининг ташвишини тортаётган ғамхўр дўст эканлигини билдиради. Ушани англаған сайин, дўстига нисбатан Абайнинг миннэтдорлиги, ҳурмати орта борарди. Қозоқ ҳалқи тўғрисида қилган хаёли, орзуси ўзи билан бир оқимга кетаётган ҳалол дўстини, жигар дўстини топгандек бўларди. Икки дўст шундай суҳбат билан кечаю кундузларни ўтказишганларидан кейингина Абай Павловни Абиш бошлиқ бўлган ёшлар орасига юборди. Кечадан буён ёшлар орасида ўтказилган мажлис ҳавомида Павлов булар билан ҳам дўстлашиб кетди.

Унинг ҳалигидай қилиб ўтиришига Абиш билан Дармен узр омиз кулиб қўйишарди.

Кучли бўлиб етилган қуюқ қимиз мажлис аҳлини анча қизиширган пайт. Тегарак хонтахтанинг атрофини ўраб ўтирган шоирлар ичida Қакитой, Муқа, Дармен, Алмагамбетлар бор.

Ез бўйи элма-эл юриб келган Боймағамбет ҳам ҳозир шу ерга келиб ўтирганди. Унинг бугун шоирлар ёнига келиб ўтиришининг тагида гап бор эди. У ёз бўйи уйига бир келмай юриб, кеча кечасигина келганди. Бугун эрталаб, ноңушта чоғида кўриб чиққани борганида, Абай уни эрмак қилиб кулганди.

Бу куиларда ажойиб ҳикоячи-эртакчи бўлиб ҳолган Боймағамбет беҳисоб элларга кўп қадрли одам бўлиб кетган. Қайси қистов, қайси яйловга борса-да, уни шодланиб қарши оладиган ота-оналар, ёшларнинг ҳисоби йўқ эди. Шунинг учун Боймағамбет овулдан бир чиқиб кетса, кўп вақтгача қайтиб келмасди. Уйидаги хотин-боласи қолади. Унга ҳам парво қилмайди. Рўзғор ишлари ҳам унутилади. Абай унинг йўлига кўз тутиб, баъзан соғиниб юради. Кўп кечиккан чоғларида, жаҳли чиқиб, орқасидан койиган ҳам бўлиб кўяди.

Бугун эрталаб Боймағамбет Абайнинг уйига кирганда, Абай унинг саломига алик олмай туриб, ялт этиб юзига қараганича бироз вақт жим қолди. Боймағамбет каттакатта, чақнаб турадиган ўтирилган мовий кўзли, қовоғининг туклари ўсиқ, ҳурпайиб тушган, юз-кўзини узун, қалин, сап сариқ соқол босган, кўринишдан анча салмоғлигина одамга ўхшайди. Йекин бепарво-бедардлиги ҳали эси кирмаган болага ўхшарди. Дўстидаги шу сингари қарама-қаршиликни ўйлаб, Абай кулиб юборди.

Боймағамбет ҳадиксираб:

— Ҳа, нега кулаётисиз? Нега кулдингиз? — деди.

Уйда Айгерим чой ҳозирлаб бўлиб ўтирганларга эндиғина узата бошлаган эди. Самовар ёнида кўркам, гўзал юзли Злиҳа ҳам ўтирганди. Уйда булардан бошқа одам ҳам йўқ. Абайнинг уйи бугун одатдан ташқари холи эди. Шуни ҳам назарда тутган бўлса керак, Абай энди Боймағамбетга юзма-юз туриб, тегишиди.

— Бақо, сен билдингми! Анави куни сен йўғингда уйиннинг ёнига борсам, Қора хотин бир ўлан айтиб ўтирибди! — деди, Боймағамбетнинг хотинини эслатиб,— ўзи, илҳоми жўши урган шоир экан-ку! Бу нима деяётир экан, деб яқинроқ бориб ҳулоқ солсан, ҳиргойи қилиб, сенга марсия айтаётган экан:

Ҳожининг тузук қизи эдим,
Ёлчитаман деб олди!
Ёлчитгани шу экан

Бошида мени нега олди?
Ховлиқдани-ховлиқсан,
Жинни сариқ йўқолди.
Оҳ-вое қилган бўлайни,
Йўқламасам уволди! —

—деб дарбадарлигингни қўшиб, сенга йиги бериб ўтирибди! — деган эди, Боймағамбетнинг юзидаги туклари ҳурпайиб кетди-да, лол бўлиб қолди.

Абай унинг юзига қаради-да, тентаклик қилган инига узромиз боқиб, бутун гавдаси билан селкиллаб кула бошлади.

Нафис товуш билан пиқирлаб Айгерим ҳам анчагача кулди.

Злиҳа эса кулгидан сиқалиб, юзини эшик томон ўғирганича икки елкаси дириллаётир. Боймағамбет буларга зеҳн солиб ўтириб, ғазабдана бошлади.

— Нима бўпти? Хотинлар ҳам кулаётир! У нимаси?— деб юборди.

Абай «Нима қилар экан!», «қандоқ жавоб қилар экан!» деяётгандек, қараб турганда, Боймағамбет ғижиниб ўтириб, бир оғизгина гап топа олди.

— Хўш, «бўриклининг номуси бир», ўшанда мен учун ўзингиз бир оғиз гап айтмадингизми? — деди.

Абай бу гапга жавобан нари-бери, шу онда туғилган бир бандли ҳажвий шеърни яна айтиб юборди.

Қора хотин деганда, қара хотин,
Узиб-юлқиб олавер қаноатин!
Ез бўйи эринг сира уйда ётмас!
Нетасан қозоқнинг бу шариатин! —

—дедим мен унга, бу гапимга нима дейсан?

— Ҳа, жуда соз бўпти! Ҳалқа етган ақлинг, Қора хотинга келганда шу бўпти-да! Жуда соз бўпти, яхши қилибсан! — деб Абайдан аразлаб бир пиёлагина чой ичдию, пиёлани тўнкариб қўйганича тез чиқиб кетди.

Ҳозир шоирларнинг уйига келганда, шуларнинг битасига илтижо қилиб, Абай билан Қора хотинга қарши шеър тўқитиб олмоқчи эди. Бироқ ҳозирча ўз илтимосини айтишдан тортиниб ўтирибди. Бу гапни кўпчилик ўртасига солишга хижолат бўлаётир.

Павлов бу ёшларнинг ҳаммасига қараганда тажрибали, эслик одам. У кулимсираб, сиполик билан ўтирганди.

Кўп идрокли, ўйчан одам бўлгани учун, ёнида ўтирганинг боқаркан, ҳайрон қолди. Одамнинг юзига синовчи, сергак назар билан боқувчи Павловга бу одамларнинг деярлик ҳаммасининг сиймоси ҳам фоят қизиқарли, ўзгача янги бир жамиятдек кўринди. Мана шу ерда ўтирган кишиларнинг кўп типларини, ҳаммаси қозоқ бўлган тўпни кўриш, уни ўша қозоқ халқи ҳақида ҳам ҳайратда қолдирадиган хаёлларга олиб борди. Ўзи табиатшунос, бунинг устига медицина ходими бўлиб бир илмий текшириш йўлида юрганига ҳам кўп йиллар бўлган. У, одам бош суягининг тузиляшидан, андозасидан, турқидан ҳар элнинг антропологик типларини текширади. Шу жиҳатдан зеҳн солиб қарайдиган одати билан, мана бу бир қанча одамни бир ерда кўрганда, қозоқ деган халқнинг этникалик жиҳатдан ўзгачаликларини ҳам беихтиёр ўйларди. Бу кўриб турган қозоқлар тузилиш, андоза жиҳатдан неча хилга ўхшайди. Соқоли сариҳ, кўзлари мовий Боймагамбет бир бошқа. Новча бўйли, юқорига томон ғўзинчоқ бошли, оқ-сариқдан келган, қўй кўэли, қирра бурун Оқилбой — бир тип. Унинг соқол-мўйловлари ҳам сийраккина, кўсалиги юзидаги бир ўзгача аломатни билдириб турарди. Кулча юзли, косасидан хиёл иргиб чиқсан, ялт-ялт ёниб турадиган ўткир кўэли, кичкина танқа бурунли, лекин иссиққина қора тўридан келган Какитойнинг типи ҳам бошқа бир элнинг вакилига ўхшарди. Дўндиққина, кулча юзли, қизил мағиздан келган ёш қиз — Покизод эса қалмоқларга ўхшаб кетар, у ҳам бошқа бир тоифадан дарак бериб турганга ўхшарди. Буларнинг орасида Абиш билан Мағашнинг андозаси мутлақо бўлакча. Оппоқ, қошлари ингичка, лаблари юпқа ва нафис, соқол-мўйловлари сийраккина бўлган бу икки йигит, бутунлай бошқа бир тоифага ўхшарди.

Қуюқ-қуюқ ялтироқ қошли, катта-катта қора кўэли, улкан қирра бурунли, андоэланган чиройли мўйловли, қора тўридан келган Дармен Павловнинг кўз ўнгидагавказ типларидан биттасини гавдалантирди.

Оқилбой билан Мағаш Эрбўлдан айрилиб, шу уйга келишганда, Шубор ҳам булар билан бирга келади. Уйда куйга солиб айтилаётган шеър янграб турганди. Қўлига дўмбира олиб, шираги, мунгли овоз билан янгратиб куйлаётган Дармен экан.

У елкасига духоба, қайтарма ёқали сирма тўн ташлаған. Янги тикилган тулки телпагини хиёл чаккасига ҳўй-

ганича хонтахтага яқин ўтириб олибди. Олдига қўлёзма китобини очиб қўйиб, ўшани куйга солиб жўшқинлик билан айтаётир.

Оқилбойлар уйга киришган он, ҳам чуқур маъноли, ҳам чин илҳом орқасида туғилган сатрларни эштишиди. Илдам одимлар билан тўрга чиқиб, жимгина ўтира қолишиди.

Абиш билая Кўкбойларга ўхшаб, булар ҳам бутун борлиғи билан берилиб, хурсанд бўлишган ҳолда Дарменнинг оғзига тикилиб қолишиди. Гўзал шоирнинг шеърида, гоҳ аламли дард терандан тўлқин отар, гоҳ ғазаб жўш уради. Қуюлиб келаётган зўр илҳом тинмай отилиб борарди:

Тинчлигидав шеър туғилмас бўлар дамлар,
Ҳасратидан ўй жўш урар баъзи онлар.
Чайқалиб, денгиз отган марвариддек
Найза каби сўз туғилар ўша овлар.

Ажалнинг оч ҷангалии кўриб келган,
Ҳасратда кетгандарнинг зорин терган,
Эскининг айбини оч, танқид қил деб,
Неча бор оқин оғам йўл кўреатган.
Во-ей!

Мен кўрдим ўтмишдаги эл аламин,
Кўп кездим оҳин тинглаб паст-балачин.
Зор йиғлаб қуёш билан бирга ботган
Ёш ўғлоннан аямаган эл бийя ким?

Мен кўрдим қон йиғлаган икки ёшни,
Ноласи тутаётир тоғу тошни.
Қовишган қучогидав лаъват уқдим,
Ўз зорим ўша зорга аралашди.

Мен кўрдим ёмон куннинг Қабан бийин.
Ошкор этай, шу сирни савқла, йиғин!
Ривож берди оқни Абай ижоднинга,
Азиз оға, тияглагин ушбу куйим. —

— деб яна бироз куйлаб, қизишиб бориб тўхтади.

Павлов Дармен достонига шоирларнинг ихлос билан шодланиб қулоқ солғанларини пайқаган эди. Энди унинг илтимосига кўра, Абиш достоннинг қай таҳлитда тамом бўлишини аниқлаб айтиб бера бошлади.

Мағаш, Қакитой, Муқа билан Алмағамбетлар шоирга дўстларча шодликларини изҳор қилишди. Гарчи достоннинг бошини эшишмаган бўлса-да, ўзи келган вақтда айтилаётган жойидан айб топган Шубор қандайдир совуқ чеҳра билан гапирди. Бу уйга у озгина вақтга кирганди. Белини ҳам ечмаган, қўлидаги қамчисини ҳам ташламаган. Ҳозир ўша тўбилғи сопли, бошига қалин жез қоплаган қамчисини икки буклаб олиб, Дарменнинг қўллэзмасини кўрсатиб гапирди. Қисқа бўлса-да, турткидек заҳарханда қилиб:

— Бунинг санъат эмас, оғу-ку! «Қобон бий» деганинг бир тоифа элнинг муқаддас ҳисоблайдиган арвоҳи! Санқиб, нималар деб алжигансан? Эртага халқ эшишса, мана шу кундаги тирик авлодлари билса, юраги сескансин дейсанми? Абай оғамни «маслаҳатгўйим» деб атабсан. Бироқ у кишининг муқаддас ўтиларига бусиз ҳам ўчакишиб юрган тўнг бўйин, нодон душманларининг ҳаммасини яна ғазаблантириб, баттар ҳуришга келтириб юборрасан. Бундай гапни тарқатмай, йўқотиш керак! — деди.

Бу уйда ўтирганлар ичидан ёши каттаси ва эл ўртасидаги гапларга аралашиб юрадигани шу. Қариндошлар ичидаги ҳозир иш билармони ҳам, эътиборлиси ҳам мана шу Шубор эди. Унинг гапига тўсатдан жавоб қайтарган одам бўлмади.

Лекин ҳалиги гапга ичидан бутунлай қарши бўлиб, ўйланиб қолган Абиш энди Шуборга ғазабланиб қаради.

— Шубор, сиз шу гапни шунчалик қизишиб, жаҳлинигиз чиқиб айтдингиз. Аслида-ку жон жонингиздан ўтиб кетди-я бу гап! — деди.

Шубор дарҳол жавоб қилди:

— Жаҳлим чиқиб айтдим, жонимдан ўтгани рост. Бугун эл арвоҳи бўлган бийини, эртага қадрли хони — сultonини эрмак қилиб, ундан эл юртни бир бездирсак, авом қоронғу йўл деб, ота-бобонинг йўл-йўриғидан яна бездирсак, эртага шу зайнилда диндан, исломият йўлидан оздирсак, шунинг ҳаммасини «рус», «қибла русда», «яхшилик русда» деб қилсак, қаерга борамиз асти! Бугунги халқни, келажак наслни қаерга, қаерга олиб борамиз? Бу овул нима бўлиб кетаётир ўзи. Қаёққа қараб кетаётир! — деди. Аслида бу гаплари кўпдан ичидагағазак бўлиб, оғуга тўлиб юрган катта бир тугун бўлса керак.

Абиш ўшани фаҳмлади-да, чин ҳамият билан ғазабланди. Шуборнинг ҳалигі кинояси кўпроқ Абайга қарата айтилаётган ҳаршилик эканлигини англаған сайнин, Абишнинг номуси билан ғазаби ўт олиб кетди. Лекин Шубор Абайнинг отини атамай гапирди. Бу ҳам сопини ўзидан циқариш таъбирига мувофиқ қилиб:

— Шундай қилиб, бу овул сизга фитначи, йўлдан адашган овул бўлибди-да! Йўқ, қариндош! — деб Абиш кўнглидаги русча гапни қозоқчалаб айтди. — Бу овул қибласидан адашган эмас, саҳронинг ҳақиқий кўпчилик ҳалқига чин қиблани излаб, ўшани кўриб турган яккаю ягона... овул. Сиз руслардан чўчитмоқчи бўласиз. Русларнинг подшолигидан кечагина қўлга бўлислерни олиб, кўп йиллар ҳузурини ҳам кўриб, ўлжаларни ҳам ҳазм қилган ўзингиз эдингиз-ку.

— У тириклий үтсин учун! Ишим тушганликдан.

— Йўқ, сизнинг ишингиз ҳеч қачон тушган эмасди. Елғиз сиз эмас, қозоқ саҳросида ўтган замонда ҳам, бугунги кунда ҳам худди мана шу сизга ўхшаш йўғонлар, зўравонлар бўлган. Бир томондан ҳокимликни олиб, элнинг елкасига миниб ўтиради. Иккинчидан мусулмон, ислом, ота-бобо йўли деб эскилийка — хурофотга тортиб, ҳалқни орқага сургаб юради. Сиз сингари кишилар — ҳаёти сохта йўлда бўлган, икки юзламалик билан юрадиган кишилар ҳам ҳалқини алдайди, ҳам улуғни алдайди. Ҳеч кимга ҳам садоқати йўқ. Кўзлагани ўз манфаати, жигилдони-ю, мансаб-мартабаси. Мана бу овул билан яна бошқа бир янги йўлдан бораётган қозоқ ҳалқининг ғамхўри бўлса, аввало мана шу сизга ўхшаш кишини ҳалқнинг шўри деб билмоқ керак.

— Ҳой, нима деяётисан?

— Дейман-да. Уразбойларнинг, Такежонларнинг ақлига келмайдиган гапларга сизнинг тилингиз келиб, шу сингари маломат қилиб ўтирганингизда, менинг ҳам қаттиқ айтмаслигимнинг чораси йўқ! — деб, Абиш одилона ғазабдан оппоқ оқариб кетди.

— Хўш, ўзинг ҳам русларни яхши кўрасан-ку? Узинг қай тўмонга қараб кетаётисан? — деб Шубор энди пайпаслаган бўлиб, кесатиб гапирди. Товуши ҳалигидан бўшроқ чиқди. Абишни ғазаблантирган гап Абайга бориб етадими деб, энди ўзини босиб, секингина гапирди.

— Мен ҳам, шу овул ҳам русларни яхши кўрамиз. Лекин қандай русни дўст деб биламиз? У Үяз Казанцев билан жондороллар эмас. Авом ҳалқимиизга, тилсиз қоронғу садрого билим, санъат, маърифат, нур олиб келадиган русни севамиз. Ундан бошқа, чиндан ҳам ундан бошқа дўст ҳам йўқ, қибла ҳам йўқ. Шунинг учун илгариги билан ҳозирги нодонликнинг оғмачи, бели бардам ҳомийларининг ҳаммасининг номини атаб, айбини очиб бериш керак. Бир томондан ҳалқнинг кўзини шундай қилиб очиш керак. Дармен тўғри йўлда, менинг отам ҳам ўша тўғри йўлда! — деб, сўзини тамом қилди.

Шубор энди жавоб қилмади, чатнаб кетгудек бўлиб, отилиб турди-да чиқиб кетди. Шубор Такежонлар топширган иш билан келганини эндиғина эслади. Қовоғидан қор ёғилган ҳолда кетди.

Шу билан у беомон ҳукм айтиб кетган бўлса-да, бу ўйдагилар унинг гапига парво қилишмади.

Абиш Павловга достон мазмунини айтиб берди. Павлов кўп хурсанд бўлиб, қулоқ солди-да:

— Жақси Дармен! Джигит, жақси шоир! Молодец! — деб интилиб, Дарменнинг қўлини олди-да, қаттиқ қисиб анчагача силкитди.

— Шеър, поэзия ҳақиқатни шу сингари тап тортмай, ғазаб билан айтмоғи керак! — деди.

Абиш унинг фикрини қозоқчалаб Дарменга тушунтипаркан, ўз сўзини ҳам қўшиб:

— Мана шундай қилиб «янги замоннинг янги жарчиси туғилади» дейилади. Шоир ёвузлик, нодонлик, зўрлик ва турли-туман зулмлар билан курашмоғи керак. Ҳалқ номидан курашсин! Бегуноҳ кўпчиликнинг одилона ҳукмини айтсин. Унинг қаттиқ қаршилигини, нафратини тап тортмай, яширмай айтиши шарт. Номус эгаси бўлган шоирларнинг бирорнинг бийига, бир элнинг хонига, ёки бир юртнинг подшосига қарши айтиб келган гаплари мана шундай жанговар минбардан айтилган бўлиши керак. Ҳалқнинг олтиндек сақладигани, наслдан-наслга етказиб, қадр қиласигани ҳам мана шундай шеърлар бўлади! — деди.

Павлов ҳам ўз фикрини аниқлаб:

— Дармен, Мағаш, сенлар мана шу ўз турмушларингда бўлаётган қанчалик оғир қабиҳлик-ёмонликларни ҳам, қизиқ тортишув, жасур ҳаракатларни ҳам ёзишла-

ринг керак. Масалан, анави йил, ўз элларингда бўлган Бозоралияниң ҳаракатини ёёсангиз бўлади. Айниҳса, кечагина бўлган жотоқлар тортишувида Бозорали яна қандай ақлли, сабот ва чидамли бўлиб чиқди. Ўзи бемор бўла туриб, шу йўсинда йўлбошчилик қилиш... О-о-о, унинг фазилатларидан меҳнат аҳлияниң келажаги кўриниб турибди-ку. Мана шуни ҳалқда кўрсата билиш — энг ноёб бурч-ку, шоирлар,— деди.

Дармен бу гапларни жуда яхши англаганини билдириб:

— Федор Ивановичниң гаплари кўп маъқул тушди. Ҳалиги Шубор жириллаб кетди-ку. У Қенгирбойниң ўғли — авлоди бўлгани учун номус қилди. Хўш, Абиш ҳали ўзинг айтган гап билан Павловнинг гапи чиндан тўғри гап бўлса, унда мен ҳам кечагина Қунанбой бегуноҳ қонини тўккан Қўдарнинг ўғли, авлоди бўлсам нима қилибди? Ғазабли кек билан куйласам тўғри бўлмас экани? Омон бўлсам, ўша Қўдар кўрган жабр-зулмни куйлаш менинг бурчим, Федор Иванович, яхши эсимга солдингиз. Бозорали ҳам мен куйлайдиган азаматларимнинг бира эканлигига шубҳа йўқ! — деди.

— Елғиз Бозорали эмас, анови жотоқ бўлган барча қашшоқлар, ҳуқуқдан маҳрум меҳнаткашлар билан менинг қоним ҳам бир, жоним ҳам бир эмасми? Борлар нимани гапиради? Йўқларга қилган зўрлигини гапиради. Йўқлар нимани гапиради? Борлардан кўрган жабр-зулмни гапиради. Бозорали билан жотоқлар кўрган, ўзимниң кўз олдимда содир бўлган ёвузликларни эсга олсам, олтмиш икки томирим ларзага келиб, қоним жўш урмайдими? Шундай қилмасам, мен азамат бўлмаганим бўлсин!

Хозир Дармен аввалги илҳоми барқ уриб турган ҳолда қизғин, самарали бир фикр толиб, ўсиб кетгандек бўлди. Ҳалқ ўғлони-идрокли шоир ўша ҳалқнинг ғазаби, номуси билан қаттиқ қизишиб кетгандек бўлиб, олишишга чиқкан жасур қирон сингари бирдан силкиниб олгандек кўринди.

Абиш, Мағаш, Қакитойлар Дармендаги кайфиятни яхши англашди. Унинг ҳали ўқиб берган достонини ҳам, айтган сўнгги фикрини ҳам баравар қувватлашиб, бир овоздан қабул қилишди.

Абишга энди Дармен ҳаммадан қимматлироқ, қадирлироқ бўлди ва зўр санъат эгаси бўлиб кўринди. Унинг

устига, энг яқин дүстдек ҳис этди. Фахрлантирадиган дүстлик. Ҳозир Абиш уни табриклаб баҳтини, шодлигини бирга манзур кўраётгандек бўлди. Бу кунларда Абдираҳмонни Мағрифа билан қовиштирган энг ҳадрдони ҳам Дармен эди.

Қиз билан йигит орасига абадий ҳижрон тушай деб турган пайтда, Абдираҳмоннинг барча тўсқинчиликларни енгншига ёрдам берган ҳам шу Дармен бўлди.

Ўспоннинг йили берилиб бўлгандан кейин Оқилбой, Кўкбой яна Дарменнинг ўзи бўлиб, татар овулига боришида, қуда тушиб олиқ-солиқларни битиришиб, фотиҳа қилиб келишди. Унга озгина кун бўлди. Дармен ўша боришида Мағрифага Абишдан ҳат олиб бориб, бу ёш йигит учун беҳад қимматли бўлган жавоб ҳатни ҳам олиб келганди. Мағрифанинг ҳатдаги тили ҳам жуда но-зик, ифодали тил эди. Чин қалдан туғилган, жуда гўзал ёзилган оташин салом эди.

Мағаш «Ҳозирги ҳаётда, атрофда бўлаётган воқиалар ҳақида ёзиш керак» деган гапни хотирлаб, мажлис аҳлига янгилик бўлган бир гапни гапирди. Эрбўлдан эшитгани Такежон овулида бўлаётган турли-туман ҳийлаю макрга тўла чораларни айтиб берди. Яна эркакларгина эмас, бугунги гапда ҳамма бало Манике билан Қоражон сингари бойвуччалардан чиқаётганини билдириди. Федор Иванович бунга нима деяр экан? Мана шундай ишларнинг атрофида ҳам яққол кўриниб турган қанча-қанча қабиҳликлар бор-ку, ўшаларни ҳам ёзинглар дейдими?— деб Абишга маслаҳат қилди.

Павлов Абишдан Маникеларнинг қилигини эшитаёт-гандан, кулиб ўтириб, қулоқ солди.

— Қизиқ, жуда қизиқ! «Тарих саҳро ҳаётида секин қўзғолади, ўзгармайди» дейсиzlар. Мана шу айтиётганинг ўзи ҳам катта ўзгаришнинг аломати эмасми? Яқиндагина, Қунанбой оға-султон бўлиб турган чоғида, Ӯскенбой овулида бирорта бойвучча мана шундай гапларга аралаша одармиди? Мана бутун гапнинг боши, асли даъвогарлар шулардан чиқаёттир. Тўғри, нодон, қабиҳ, қўпол бир тарзда чиқаёттир. Бироқ шунинг ўзига ҳам бир қанча замон бўлиб, илгари хәёлга келмайдиган янги феъли-атворлар, тортишувлар рўй беряётгани кўриниб турганий йўқми? Оға-султон оиласи бир ҳукмронликдан бир қанча майда-майда ҳукмронликларга бўлинәтири. Ҳар қандай «султонлик», «хонлик» доим худди шу

хил емирилади... Ана энди айнан шу сингари хотинларни жуда яхшилаб ёзиш мумкин. Лекин уларни ёзганда, албатта, Бозоралидек азаматларга ўхшатиб, фахрланиб, кўтариб ёзиш эмас, нафратланиб ҳажв қилиб ёзиш керак. Кулгили қилиб бор макрини фош этиш керак. Оҳ! Орангизда ҳозир энг зарур бўлган ёзувчи — фақат биттагина одам дер эдим. У Салтиков-Шчедрин. Нақадар зарур! Шчедрин ҳозир сизлар учун қанчалик қимматли, керакли ўrnаклар берар эди! — деди.

Абиш бу гапларнинг ёнига ўзидан ҳам қўшиб, тафсилӣ равишда тушунтириб берди. Халқ ҳаётидаги баъзи эриш кўринадиган ярамас ишларни кулги қилиб ёзиш — «асл санъат, қимматли санъат!» деган гапни эшитганда, Магаш билан Какитойлар Павловга қозоқларда шу сингари ҳажвий, эрмак гаплар кўп тарқалганлигини айтишиди.

Фикри секин амал қилса-да, кўп ишларни чуқур тушундиган Оқилбой ҳалиги Маниклар тўғрисида ўйлануб қолган эди. У энди шу ҳақда ўзининг бир тахминини айтди.

— Уша бойвуччаларни шундай аҳволга туширган ким эканлигини биласизларми? — деб, уйдагилардан сўраб қўйди-да, ўзи жавоб қилди:

— Иккенини ҳам алдаб, гиж-гижлаб қўлтиғига сув пуркаётган, менинг билишимча, худди ўша Азимбой! — деганда, уйдагиларнинг ҳаммаси унинг галини қувватлашиб, кулиб юборишиди.

— Рост, унинг ота касби шу-да!

— У ҳамиша бирор биласизларни олишириб, ғажиштириб ўтирмаса, еган-ичгани ичига тушмайди. Қовоғини солиб ўтириб алдашга келганда, тинч оқар қора сувга ўхшайди.

— Алдоқчиликка, бирорни эрмак қилиб ўйнатишга келганда, уччига чиққан маккор-ку! — дейишиб, Какитой, Оқилбой, Магаш — ҳаммаси ҳам Азимбойнинг фитналиги, бирорни гиж-гижлатишга устихони йўқлигини эсга олишиди.

— Икки кишини ёқалаштиришга усталигига қойилман! — деб қўйди Алмағамбет ҳам.

— Ийе, унинг устозини билмайсанми? Унинг устози Қолдибой-ку? — деб, Какитой бир янги одамнинг отини айтганда, кўпчилик ўша одамнинг ўзларига маълум бир кулгили воқиасини эслашди.

Абигү энди ўша Қолдибой ҳақида сўради.

Какитој иккى кўзи қулимсираб ўтириб, товушини баралла қўйдиди, бир қизиқ ҳикоя айтиб берди.

— Қолдибой деган киши, кўринишига қарасангиз кўп совлатли, кам гап, анча беозор, мўмин одамга ўхшайди. Ўзинг қўшнилари орасида хиёл эси пастроқ бир йигит бўлса керак. Қолдибой йигитнинг ўзига сездирмай, уни ҳар кимга гиж-гижлаб, ёқалаштира берар экан. Бир куни қўшни овулдан ўшанга ўхшаган, ўзини ундан ҳам зўравон фаҳмлайдиган яна бир йигит келиб, Қолдибойнинг уйида чой ичиб ўтирган экан. Шу чоқ ҳалиги, ўз овулидаги йигитнинг Қолдибой уйига яқинлаб келаётгац шарпаси эшитилиб қолади. То у эшикни очиб, ичкари киргуича Қолдибой ҳар икки йигит эшиштарлик қилиб, лекин хотинига айтиаётган бўлиб, бир оғиз гап ташлайди:

— Ё пиrim, шу икковини бир-бирига қарши дейиштүвчи эди, олишиб кетмаса гўрга эди!

Шунда уйда ўтирган ҳовлиқма йигит, анавиниси кириши биланоқ:

— Ҳой, сен нега устимга бостириб кирасан? — дейди.

Униси ҳам шартта:

— Ҳа, устингга кирмаганда отангни... — дейиши биланоқ Қолдибой гапни илиб кетиб:

— Айтмадимми, бу иккови энди ёқалашади! — деб қолади.

Шу шу бўладиую, ўтирган йигит:

— Сен нима деяспан ўзинг, отангни... — деб иргиб ўрнидан туради.

Шунда Қолдибой дарҳол дастурхоннинг бир четини қайриб:

— Ол хотин, энди булар ёқалашадиган бўлди! Байбай, оёқларининг тагида қолмасак дегин ҳали, вой-вой! Йиғиштирип ишлаларни, ол ана муштлашди! — дейди.

Энди икки тентак йигит бир-бирига таппа ташланади. Ёқалаша бошлашади. Шу топда Қолдибой хотинига:

— Бу иккови ҳам зўравон одамлар. Биз икковимиз ажратса олмаймиз, нари тур! Буёзқа чиқ! — деб, ёқалашаётганларга уйни бўшатиб беради.

Ҳалигилар муштлаша бошлашади. Шунда ўзи кўрпачага чиқиб бемалол ўтириб олган Қолдибой:

— Айтдим-ку биз ажратса олмаймиз деб, ҳой хотин, югур! Сен бориб узун оёқ Мусани айтиб кел, ўша ажрат-

син! Ажратишга менинг кучим етмайди! — деб ўтириб олади.

Хотинин юбораётган Узун оёқ Мусанинг уйи ярим чақирим ерда экан. Хотини кетаётганды, товушининг борича қичқириб:

— «Келсин деяёттир» деб айт! Бўлмаса, бу икковининг муштлаши босилмайди! — деб қўяди. Шундай дейди-да, ўзи яна жимгина ўтира беради.

Икки йигит муштлаша беради, ажратадиган одам йўқ. Орачаловчи киши бўлмагандан кейин, ўз-ўзларидан тўхташга иккови ҳам ор қилишади. Тўхтаб қолишиса, енгилганидан тўхтади дейишмайдими, ахир! Шу билан ҳолдан кетгунча муштлашади-да, туриб-туриб эсларини йиғиб олиб, яна муштлаша беришади. Хўп тинка-мадорлари қуриб кетади. Шу толда Узун оёқ Муса келса, икковининг ҳам тинкалари қуриб, ҳарсиллашиб, шунчаки хўжа кўрсинга бир-бировларини қўйиб юбормай, ёқалашиб туришган экан.

Узун оёқ Муса эшикдан кирмасданоқ, «орача» демасданоқ ҳолдан кетган икки зўравон бир-бирларини қўйиб юборишиб, икки томонга таппа-таппа ташлашади! — деди.

Какитойнинг ҳикоясини энди эшитган Абиш ичак-бағри узилгудек бўлиб, кула-кула тинглади. Кейин хушчақ-чақлик билан Павловга ҳам батамом айтиб берди. Павлов ҳам хўп ҳузур қилиб кулди. Бошини чайқаб, ҳайрон бўлди-да:

— Мистификатор! Ловкий мистификатор! — деб кулди.

Бироздан кейин мажлис аҳли яна шоирлик меҳнати ҳақида гап бошлишди.

Ёшлар кечга қадар шу сингари, мазмун жиҳатидав ноёб бўлган узоқ бир дарсдек мажлис ўтказаётгандарида, Абайнинг ёлғиз ўзи янги чиққан ғавғо билан овора бўлиб ўтирганди.

Абай Такежонларнинг гапини етказган Шуборнинг сўзига қулоқ колаётганды, совуққина синовчи назар билан унинг юэзига қараб ўтириб:

— Улар-ку шундай дейишибди. Хўш, бу гапга ўзинг нима дейсан? — деди.

Абай товлама гапларни ёқтираслигини Шубор яхши биларди. Яна ундоқ эди, бундоқ эди, деганинг билан унинг фаҳмига етмай қўймайди. Шу жиҳатларини назарда тутган Шубор, ўз фикрини ҳам айтди,

— Иили берилгандан кейин бошланаётган гаплар да. Бирор ой шошмай туришса ҳам бўлар эди. Лекин гап бошланиб қўйилгандан кейин, уни чўзиб ўтирган билан нима чиқарди деб ўйлайман!..— деди

Абай ҳам шу томонларини ўйлагандек бўлди.

— Ундаи бўлса, бориб айтинглар, ихтиёр ўзларида. Шу ишни лозим топдик деб у иккови қарор қиласа, мен уни бузармидим? Гапларини бошлай беришсин!..— деб, бир нафас индамай ўтириб қолди.

Успонга юраги ээлиб, ғам-ғуссага ботиб кетди. У ўлиб, бугун унинг мол-мулкини бўлиш деган машъум ишнинг чиқаётгани мана бу.

Ўйлаб кўрса, умрида Успон билан Абай учун Такежон билан Исҳоқ жигар эмас, бегона кишилар бўлиб ўтишган экан... Энди Успон йўқ. Булар бўлса, бир туки хато бўлмагандек, сергак, эслик бўлиб, дунёга ҳирс қўйиб, жониқиб ўтиришибди. Келган Шубор ҳам ўшаларнинг гапини, қилаётгани чакки деяётгани йўқ.

Абай мана шу жигарлар орасида ўзини ёлғиз, ёппа-ёлғиз ҳис этди. Бироқ бу унинг ўрганиб қолган ҳолати. Эндиги ҳаётда у ёлғиз. Шуни эслаш ўзинию, эсини йиғиб олишга мажбур қилиб, ич-пчидан ғамгин этди.

— Ягона ўтингчим — бундан кейин юзма-юз ўтириб сўзлашайлик. Бошидан охиригача сен икковинг бирга бўл. Яна улар ҳам Успоннинг бизга ўхаш жигарлари эди-ку. Исмоғул билан Шакени ҳам айтдириб юборишсин,— деди.

Уша куни туш оққан пайтда бор қариндошлар Успон уйига йиғилишди. Яқиндагина жотоқлар можаросида Абай нақадар қизғин, битимга келмайдиган қайсар даъвогар бўлса, бугун жуда суст. Бошқаларнинг жониқи мол-мулк, мерос-ку. Бу унга парво қилаётгани йўқ. Шунинг учун кейинги гап-сўзларга ҳам анча совуққонлик билан аралашди.

Абай даставвал Такежоннинг ўзини сўзлатди. Такежон анча гапириб: «Ўлганинг орқасидан ким ўлибди», «тирик банда тирикчилигини қиласади» деб келиб, аввал унинг мол-мулкини бўлиш бир онадан туғилган учта жигарнинг ихтиёрида эканлигини айтди. Исҳоқ билан ўзи гапни бир жойга қўйганини сездирди. Мерос олиш тўғрисида ҳали ҳам бирор фикрини изҳор қилмаган Абай бўлгани учун, энди унинг ўзидан кўнглидаги ниятини сўради. Абай ўзининг бир ҳафтадан кейин Қорамӯла Шер-

бешнайига¹ жўнашини эслатди. Йўлга икки-уч кун керак. Унда бу ишларни бартараф қилишга тўрт-беш кун вақт бор экан,— беш кунда битмайдиган гап бўладими? Фақат кўнгилдаги бор ният билан қарорнинг ҳаммасини очиб айтиб, ўртага ташлаш керак» деди.

Узидан кутилаётган даставалги жавоб мол-мулк, мерос бўлиш важида бўлгани учун, Абай:

— Мерос бўлинсин. Менинг қаршилигим йўқ,— деди.

Такежонга: «Қандоқ бўламан дейсан? Бор молики, қистов, уй-жой, рўзгорини ўзинг эсга олиб, ҳисоб қил-да, ўзинг бўл. Узинг бийла!» — деди.

Шунинг билан биринчи кун барча қариндошлар, Успоннинг бугунги кунда қўлда бўлган ҳамма йилқиси, қўйи, тая ва сигирларини ҳисобга олиш билан бўлишиди.

Успоннинг уч хотини, уч қистов, яъни уч қишлоғга эга эди. Катта уй, Эркежон қистови Жидебой бўлгандা, унинг кун чиқиш томонидаги уч-тўрт чақирим жойда бўлған Мусақул, бу кунларда Зейнебнинг қишлоғи эди. Такежон Чинғизда катта қишлоғ солиб, ўша ерга кўчгандан кейин, Успон билан келишиб Мусақулни унга берган. Учинчи қишлоғда Успоннинг кичик хотини Тўримбола турарди. У Қишлоғ Бароқ деган жойда, Жидебойнинг ғарб томонида. Бу ҳам беш-олти чақирим жойда эди...

Ҳозир ўша қишловлар билан ёз яйлайдиган, куз кузлайдиган, ерлар, яйловлар ҳам, сўнгги йилларда Успон овули ўтирадиган қудуқ, булоқлар, кўл, оқар сувлар, қуруқ пичанзорлар — ҳаммаси ҳам ҳисобга олинди.

Дастлабки кунда бўлган гап-сўзлар Қоражон билан Маникенинг қулоғига келиб етганда, улар тамшанишиб, ҳайрон бўлиб қолишли. Абай «мерос бўлинсин» дебди. «Ҳамма нарсани ўзинг бўл... Сен каттасан» деб Такежонга йўл берибди. Ўзи, афтидан, можаро қилмайдиган кўринади... — дейишганларида, Манике:

— Айнекемнинг бундоқ қилиши чиними, сирими! Ким билади... Оқибатини кутайлик... Хўш, ихтиёри Аҳкемга берибди-ку, бергани рост бўлса, эртага Аҳкем мероснинг каттасини ўзи олишини айтсан қўйисин-да, нимасига андиша қиласди? Бирор орқали айтдириб нима қиласди? Уч жигар бирлашиб, бичиб тикамиз деган экан, энди ўз қўлига бериб қўйилган чилвирни ўзи бийласин, бўшатмасин! — деб маслаҳат берди.

¹ Чрезвычайный съезд.

Бу маслаҳат кўп маъқул тушган Қоражон Азимбой билан холи ўтириб сўзлашди. Ўҳам, «шундан яхши гап йўқ» деди.

Шу билан «уй ичидагиларнинг қариндошларнинг маслаҳати шу» деб Қоражон қарорини Такежонга айтди.

Эртасига бош қўшилган пайтда, Такежон ёши улуғлик йўли билан мероснинг каттасини ўзи олмоқчи эканлигини айтди. Абай унга ҳам қарши бўлмади.

Шунинг билан кузак, кўклам кўчиладиган жойлар, яйловларда Такежон билан Исҳоқ оладиган ерлар ҳал қилинди. Молни Такежоннинг ўзи оғзига сиққунча, ётиғи билан айтиб олди. Ўзининг, Исҳоқнинг ҳиссасини айтди-да, Абайга: «Сен нима олмоқчисан, шуни ўзинг айт» деди.

Абай: «Тақсим қилинаётган мол-мулк, қўнис ва ўтлоқлардан, Успоннинг уйидан ҳеч нарса олмайман» — деди.— Бу уй отамнинг, кечагина ўтган онамнинг уйи. Урни йўқолиб кетмайди. Йўқотишга бизнинг ҳеч ҳақимиз йўқ, ҳамма мерос батамом бўлиниб олингандан кейин ким эга бўлсада, катта даргоҳ қолади. Қайси биринг катта уйга эга бўлсаларинг ҳам, менинг ҳақим йўқолмайди. Икковинг менга қарамай, оладиганларингни олаверинглар! — деди.

Шундан кейин Такежоннинг уйида бўлган гапда энди қандай ҳийла ишлатишни отасига Азимбойнинг ўзи айтиб берди.

— Абайнинг сизга ҳавола қилгани рост бўлса, катта уйга ўзим кираман денг, яна гапни Эркежондан бошламасангиз, қолган гапларингизнинг ҳаммаси шувчаки «ҳийлаш-шаръий-ку!» — деб тўнғиллаб қўйди.

Сўнгти кунларда ота-онасининг ўртасидати сирга сиртдан аралашиб, эти қотиб ҳолган ҳаромзода йигит, энди қандай ҳаромлик бўлмасин, бошлай берадиган, сира тап тортмасдан гапира берадиган даражага етган. Учинчя кунги маслаҳатда Такежон янги гапни, асил мақсадини айтди.

— Йўлимнинг улуғлиги рост бўлса, Абай, Исҳоқ икковинг бир бўлиб, инон-ихтиёрни менга берганларинг рост бўлса, эндиги гапнинг каттаси қишлоғ масаласи экан. Яна асосий гап уйлар, бевалар масаласи экан. Ўша масала ҳал бўлса, бошқа гапларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ўспондан қолган уч бева бор, шунга яраша

уч аменгер¹ бор эканмиз. «Ушалардан кимни ким олади?» Бу ишни атрофдагилар ҳам, ўзимиз ҳам шу маҳалгача ҳал қилмай келдик. Энди менинг сўзимга кирсаларинг ўша бевалар ҳақида сўзлашайлик! — деди.

Исҳоқ бу гапга қарши эмаслигини Абайдан олдин айтди. Абай жавобида бунга ҳам қаршилик билдирамади.

— Хоҳлаган беваларингни айтинглар, оғизга олинглар! — деди.

Энди қариндошларнинг асиш мақсадини эшитмоқчи эди.

Такежон сирини яширмади. Узининг Эркежонни олиш ниятида эканлигини очиқ айтиб қўя қолди.

Абай энди «бу хусусда қандай вазият олар экан» деб Шубор ҳам қараб турган эди. Эрбўл ҳам, бошқа қардошлар ҳам унинг қаңдай жавоб қилишини билишмаган эди.

Абай бу тўғрида ҳам дарҳол жавоб қилди. Инон-ихтиёр Такежоннинг ўзига берилганлигини яна айтиб келиб, энди танлаб олишни ҳам унинг ўзига ҳавола қилди.

Шунинг билан ҳамма гап-сўзлар ҳал бўлди. Яна бир оз ўтирганларидан кейин, Такежонга тегадиган бор ҳиссанинг аниқланмоғи кераклиги матьум бўлди. У оларини олиб бўлгач, қолган икковиники осонгина ҳал бўлади.

Хўш, Такежон оладиган мероснинг каттаси Эркежондан бошланаркан, энди у билан сўзлашиш керак. Шуни оғизга олган Исҳоқнинг гапини Шубор билан Эрбўл қувватлашди. Шу чоққача сўз қотмай, фақат тингловчи бўлиб ўтирган Шаке энди гапга аралашиб:

— Ёлғиз Эркежон эмас, уччови билан ҳам сўзлашиш керак. Асли ўзи, бу гапларнинг бошидан охиригача нега у одамлар четда қолаётир? — деб қўйди.

Исҳоқнинг кўнглидаги гап бундай эмасди.

— Б-е-е, ҳаммаси билан сўзлашиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Эркаклар ўртасида ҳал қилинадиган ишга хотинларни аралаштиришнинг нима кераги бор? — деди Исҳоқ, энсаси қотиб.

Шаке бу жавобни мутлақо ўринсиз топди.

— Оҳ-ҳо, у нима деганингиз, Исҳоқ оға! Узлари билан маслаҳат қилмай, сиртдан буйруқ қилиб, улаша бerasizmi? Булар шунчалик бегона, ёт одамлар эдими? Ўлжа мол улашилгандек қилиб бўлишадиган бўлдими ҳали? Ўз ихтиёрлари ўзларида, ўз тилаклари бор одам-

¹ Эски урф-одат бўйича, ўлга ака ёки уканинг хотинини ёдам унашилгав қизни қолган ака-укалари олар эди.

лар эмасмиди? Ешлари ўн етти — ўн саккизда эмас. Ҳаммаси ҳам эс-ҳушини йигиб олган... — деди.

Қариндошлар ичиде Шаке қўпинча Абайнинг насиҳатларидан, қилган ишларидан ўрнак оламан деб юрган яқинларининг бири эди. Ҳозир у, гарчи аввал ҳеч ким билан маслаҳат қилиб олмаган бўлса-да, Такежонларнинг ниятида зўрлик билан иодонлик борлигини англади. Икки-уч кун мобайнида фақат тингловчи бўлиб қелиб, ўзи гапга аралашадиган пайтни шу дақиқа деб билди.

Унинг сўнгги сўзига парво қилмай илож йўқ эди. Ичларидан уни ёқтиришмаса ҳам Такежон, Шубор, Исҳоқларнинг дамлари ичларига тушиб, анча қўнишиб тараддувланиб қолиши. Абай буларнинг авзойига бир-бир қараб, кўнглидаги гапларни ҳамон очиқ айтмай, синовчи назар билан боқиб ўтирганди.

Шакенинг гапи Абай айтадиган, унга кўп маъкул тушадиган гап эканлигини Эрбўл ҳам билиб ўтирганди. Шу чоқ у ҳолис биродар тарзида шартта айтди қўйди:

— Баракалла Шаке, баражалла, Шакенинг гапи тўғри. Бу аёллар ҳаммангизга ҳам яхши келингина эмас, инингиз-жигарингиздек бўлиб кетган. Уччовининг олдидан ўтиш—мана шу ўтирган ҳаммамиэнинг бурчимиз. Ҳамма гапни шу йўсинда ҳал қилиш керак!—деди.

Такежон Абайга ҳаради:

— Сен нўм: дейсан?

— Мен фақат бир ишга қаршиман. У—зўрлик! Қандай қарорга келиб, қай таҳлитда улашсанг-да, ўша аёлларнинг райига қарамай ҳал қилмайсан, Такежон... Ундан бошқасини ўзинг билавер. Инон-ихтиёр ўзингда!..—деди.

Ҳамма иш шу билан равшан бўлиб қолди.

— Ундан бўлса, уччовига ҳам гап ташлаб кўрайлик. Қани Шубор, Эрбўл, икковинг эндиги гапни ўшаларга етказ!—деди Такежон. Ичидан: «Бу масала бузилса, шу ердан бузилади» деган шубҳага борди. Шубор билан Эрбўл кетаётган пайтда:

— Аввало бир гап юзасидан уччовининг ҳам олдидан ўтинглар. Ота-она йўли, шариат йўли буюрган. Кўзи ҳаёт аменгерлари бор. Ҳаммаси ҳам эр қиссин деган қарорга келди. Аввало шу ишга розилик билдиришсин!—деб, бир оз индамай ўтирди-да, сўнгра Шуборга қараб, яна бир маслаҳат берди:

— Бирини-бири қора тортиб, бир-бирига солади-ку. Гапни Тўримболадан бошланглар. Бошқаларга нисбатан ёши кичик. Бу ерда ўша бошлаб ўрнак кўрсатсин! — деди.

Шунинг билан Шубор, Эрбўл иккови учта бева билан сўзлашгани кетишиди. Даставвал Тўримболанинг ёнига боришиди. У дуруст жавоб қилмади. Шубор зўр бериб тушунтириб, авраб кўрса-да, Тўримбона маълум бир жавоб қилмай қўйди.

Ҳозирча дудмол қилиб:

— «Мен Эркежон билан Зейнебнинг олдига тушмайман. Ўшаларнинг гапига қараб жавоб қиласман, ҳозирча мени зўрламанглар!» — деди.

Бундан кейин икки элчи Зейнебга боришиди. Шубор унга кўп гапирди. Жуда узоқдан айлантириб келиб, айниқса унинг йўл биладиган, донолик қиласдан бева эканлигини ётиғи билан гапирди.

У сўзлаётган пайтда кўркам, хушёрлик акс этиб турадиган чеҳрасини эркаклар томон яқъол буриб ўтирган Зейнеб киприк қоқмай, ўйланиб қулоқ солди. На ранжи-ди-ю, на ҳайратда қолди. Эрбўл ичидан: «Зейнеб бу гапларни аввал эшитган кишидек қулоқ солаёттир. Ёки бу аёллар икки-уч кундан буён бўлаётган ивир-шивир гапларни эшитиб ўзаро маслаҳатлашиб қўйганмикин? Ундай бўлганда бу ҳам Тўримболанинг жавобини берадими?.. Эркежонга соладими?» — деб ўйлади.

Бироқ Зейнеб гап бошлагандага у ўйлагандек бўлиб чиқмади.

Иил бўйи Ўспонни йўқлаб йиги берган шу эди. Ҳамма қариндош-уруғ билан фотиҳа ўқигани келганлар: «Байбай, Зейне-б-е-й, шўрликнинг фигони фалакка чиқаётира!», «унинг дарди-алами, унинг кўз ёшлари, унинг гийрандалиги — ҳаммаси ҳам чинакам содиқ ёр эканлигининг аломати-ку!», «бу дунёда ким армонда кетмайди. Лекин орқандага мана шу Зейнебдек фарёд чекиб ёд этгувчи бўлса, ўлсанг ҳам армонинг борми?» дейишиб, ҳатто бегона кишиларгача орзу қилиб кетишганди.

Зейнеб Успоннинг йилини эрта беришга ҳам қарши бўлганди. Даставвал ўша гап ҳал қилингандан бошлаб, худди йили бериладиган кунгача йўқлашни яна бошқача қилиб олди. Кунинга икки маҳал эмас, ҳатто уч маҳал йиги берадиган бўлди.

Шубор бунинг олдига келганда: «Қийини шу бўлади-

ку», «Қайғусини кўпга фош қилган шу эди. Ҳали ҳам эрининг доди нари кетгани йўқ-ку!» — деган гапларни қўнглидан ўтказганди. Даставвал гап бошлаганида кўп эҳтиётлаб ётиғи билан гапиришининг сабаби ҳам шу эди. Энди ўша Зейнеб икки элчини ҳайратда қолдирди.

Чинлаб бир-икки оғиз гап айланмасданоқ кўна қолди. «Ота йўлидан озмайман. Айтганингиздан чиқмайман. Қарорни бузмайман, биродар! Қолганини ўзинг билавер»— деб ўтирибди.

Кўринишдан сездирмаса-да, ичида уни сал эрмак қилган Шубор: «оббо бола пақирей!» деди-ю, индамади.

Зейнебнинг булар кутмаган яна бир гапи ҳам бор экан. Товушини баралла қўйиб, уни ҳам айта қолди. Узи серғайрат, зийрак, тўғри сўз шаддот хотин бўлгани учун, шундай пайтларда эркакларнинг гап ташлаб, эзмаланиб ўтирадиган одатларини ёқтирас мансаби бўлди. Бугун шу топда Шуборлар айтмагани билан эртага буларнинг яна келишини, ўзларининг олдиларига қўндаланг қўйиладиган яна бир гап борлигини ҳам билиб турганди. Ушани ҳам айтди:

— Билиб турибман. Бугун айтмаганингиз билан эртага ўша гапни ҳам очасизлар-ку. Уни ҳам айтиб қўя қолай. «Киминг кимга теккинг келади» деб ҳам сўрайсизку ҳали. Менинг жавобим эсларингда бўлсин, у масалани ҳам ўзларингга ҳавола қилдим. Уч бева қолган бўлсан, худога шукур, уч аменгер қолибди. Кексайиб, ер тираб ўтирганлар улар эмас. Менинг ҳам тўлишиб, ўн еттига эиди чиқдан чоғим эмас. Уччовининг биттаси бешолти ёш катта, биттаси беш-олти ёш кичикдир. Қирқнинг ичи билан эллик ўртасидаги эркакнинг «униси ёш», «буниси қари» дегулиги борми?! Ҳаммаси ҳам ўрта яшар, ҳаммаси ҳам етилган одам. Қаричдан эллик кичик, деб нима қиласман! Ўзларинг ҳал қила бер.

Шубор бу жавобни эшитиб ўтираркан, бир ҳазил ҳам қилиб юборгиси келди. Ичидан: «тегмайман» деб ғашғаша қиладими десам «ол» деб, машмаша қиладиганга ўхшайди-ку. Ҳали ҳам бир эрни олиб емоқчи-ку!— деб эрмак қилди-да, хиёл жилмайиб қўйди.

Зейнеб сезиб, жаҳли чиқиб кетадими деб, чеҳрасидаги бу қўнгилли вазиятни тездан йўқотди.

— Янгажон, ақлингдан айланай. Одоб сақлаган бўлиб, андиша қилган бўлиб ўтирунг, тўғрисини дангал ай-

тиб қўя қолганинг қандай яхши бўлди, а! — деб кулиб қўйди.

Эрбўл иккови Зейнебнинг уйидан йироқлашиб олганидан кейин, bemalol сўзлашиб, кулишиб кетишид. Шубор ҳазилга олиб:

— Тилагчи нигни бергур, олдимга ўзи тушиб йўрғалаб кетди-ку. «Берадиган эринг қани! Қайси бири бўлса ҳам ярай беради. Фақат олиб келиб қўлимга бир тутқазчи!» деб ўтириби.

— Рост, а, жуда ҳам... ўқтамда... тап тортмайди!

— Ҳ-а-а, ўша ўқтамлигидан эрни ҳаммадан олдин олаётганини кўрмайсанми, маккор қизил тулкидек...

— Шуни айтгин, бошқалардан олдин чўққига чиқиб, мана бу аменгерларига бўй кўрсатаётир-да.

— Жилва қилиб, саробдек тўлғаниб, кўз тортади-а-а, мен бу ердаман деб!.. — Шубор чиниқан овчиларнинг тили билан Зейнебни маккор тулкига тенгглаштириб ҳажв қилганича кулди.

Сипогина, кам гап, оғир ва босиқ Эркежон, булар билан совуққина сўрашди. Қотма, баланд бўйли, қадибости келишган матолгина Эркежоннинг юз тузилишлари ҳам қозоқ аёллариникидан бошқача эди.

Пушти ранг товланиб турадиган оппоқ юзларидан, хиёл кўтаринки, узунроқ, бежирим бурнидан, катта-катта, сурмадор қўй кўзларидан, чўэчинчоқ келган юзидан ҳар наслнинг аралашидан туғилгандек кўринарди.

Уйни холи ҳилиб олган Шубор, Зейнебга гапирганидек бунга ҳам анчагача сўзлади. Бироқ у гапни тамом ҳилмасданоқ Эркежон йиғлаб юборди.

— Мақсадингни англадим, мулла йигит! — деб ёшга тўлган кўзларида ғазаб акс этди-да, Шуборга қаради. — Тушунтирмаёқ қўяқол. Шўрлик бўлган ҳолимни мой билан силаб тузатаман деб эдингми! — деди-да, ўкириб йиғлаб юборганича, юзини ёнидаги ястиқقا босди. Бағрини ерга бериб ўқсиб-ўқсиб йиғлаганича ётиб қолди.

Шуборнинг гапи ноилож бўлинниб қолди. Кейин Эркежон ўзини бир оз тутиб олгани билан, кўнглидаги алаами, ғазаби асти камаймади.

— Мен эр излаётганим йўқ. Кенжа ўлган куни, — деб Үспонни оғзига олди, — аҳд қилган эдим. Узи билан иккавимиэ йўргагидан олиб, бағримизга босиб ўстирган жўжаларимиз бор. Авбакир билан Покизод бор. Мен бефар-

занд хотин эмасман. Шу икковининг тилагини тилаб, Кенжанинг чироғини ёқиб, дунёнинг бошқа орзу ҳавасларини йиғиштириб қўяман деб, қилган аҳдим бор. Уч қайноғамга шу гапимни айт. Қатта уйдан сургаб ташласа ҳам, энди эрга тегмайман. Бўлмаса, шу даргоҳни кечаги онамнинг, Кенжанинг уйи қилиб, қўзғолмай ўтираман...—деди. Гап шунинг билан тамом бўлди-да, Шубор билан Эрбўлни яна қайта оғиз очирмади. Саботли, ғамгин сиймосида кескин қарорга келиб, қаттиқ аҳд қилгандек бир гайрат акс этди.

Шубор яна қайта бирор нарса дейишга ботинолмади. Ниҳоят, Эркежон кўз ёшларини тийиб, Шуборга яна бир тикилди-да, бу ҳақда гап очмасликни буюрди.

Бу уйдан иши ўнгмай чиққан элчилар яна Тўримболанинг ёнига боришли. Шубор унга фақат Зейнебнинг жавобини, қилган қарорини айтаркан: «Кўниш керак»—деган гапни қатъий қилиб гапирди. Тўримболанинг ёшлиги, мўминлиги бор. Эркежондан хафа бўлиб чиққан Шубор энди бунга жўрттага салмоқ солиб, буйруқомиз гапиди.

Зейнебнинг гапини қайтадан сўраб, англаб олгандан кейин, Тўримболова ҳам кўнди.

Аёлларнинг жавобини Шубордан батафсил эшитишганда, Такежонлар индашмай гангиг қолишли. Барча хисобни ёлғиз Эркежон бузәтири. Ҳамон у кўнмайдиган бўлгандан кейин, мерос бўлишнинг нима ҳожати бор? Маккор Такежоннинг кўнглида энди бир ишончсизлик, шубҳа туғилди. Абайни синамоқчи бўлди. Шунинг учун аёллар масаласини қўя туриб, Абайнинг ўзидан гап олиш ниятида:

— Хўш, беваларни бўлиб оламиз дедик. Мен тилағимни айтдим. Исҳоқ ҳам бева олишга тайёр. Бор мақсадимизни қардошлар олдида очиб айтдик. Хўш, Абай, сен нима дединг? Сен кимни олмоқчисан? Шуни айтчи!—деди.

Абай тарааддул қилмади. Салмоқ билан Такежоннинг юзига тикилиб қаради.

— Мен нима дедим? Танлайдиганим ҳам, талашадиганим ҳам йўқ. Мен бева оламан деган эдимми? Мен ҳеч қайсисини олмайман.

— Ийе, бу нима деганинг?

— Бу қандай гап?— дейишиб Такежон билан Исҳоқ баравар савол беришли. Шубор, Ислам, Шакеларга

ҳам Абайнинг жавоби кутилмаган гап бўлди. Улар ҳам Абайнинг юзига тикилиб қолишиди.

— Мен сенларнинг қай таҳлитда бўлишингларни кўрай деб ўтирибман. Хотин олгани келди деб эдингларми?

— Бу гапни қўй, биз олганда сен нега қоласан? Аменигерлик бурчинг ҷани! Олмайман деган гапни гапирма!— деб Такежон инисига буйруқ қилаётгандек гапирди.

Абай истеҳзо билан кулиб:

— Нима, менга зўрлаб хотин олиб бермоқчи эдингми?

— Йўлдан чиқаман десанг, ўзинг биласан. Бўлмаса: «иҳтиёр» ёки «эўрлик» деб ўтирасар эдими ота йўли.

— Ота йўли... Замон ўзгарган сайин, йўл ҳам ўзгаради. Ота йўлини тутадиган бўлсанг, қон ютиб ўтирас эдингми шу кунларда! У йўлнинг ҳам қанча-қанчаси бузилиб, қанча-қанчаси ўзгарган...

— Ие, ундоқ бўлса бу гапларимиз беҳуда экан-да... Абай, қўйсангчи асти шунақанги уя бузар гапларни.

— Мен ҳали сенинг уянгни бузганим йўқ... Ер улашаман дединг, қарши бўлдимми? Молини оламан дединг, йўқ дедимми? Хотин улашаман дединг, қўй дедимми? Хоҳлаганимни оламан дединг, қарши чиқдимми, талашдимми? Қачон буздим сенинг уянгни? Нима десанг хўп деб, дамимни чиқармай ўтирибман-ку.

— Кўнганинг чин бўлса, сен ҳам бева оласан.

— Йўқ чирофим, у эркалигингни кўтара олмайман. Ихтиёрига қарамай, зўрлаб қўйнига бева хотинни солиб қўядиган Абай деганимидинг? Бу нима деганинг?— деб Абай зарда билан Такежонга қаради.

— Нега олмайсан?

— Олмайман.

— Даставвал бева олаётган сенми?

— Йўқ. Даставвал бева олмайдиган мен.

— Қани, сабабини айтчи бўлмаса?

— Сабаби шу, севган ёrim бор. Ундан бошқа ёр топиб, эндиғи ҳаётда ҳузур-ҳаловат изламай қўя қолдим. Олгиларинг келаётган экан, ўзларинг бўлиб олаверларинг!..

Бу гапдан кейин ўтирганлар довдираб қолишиди. Бир оздан кейин Такежон гапни яна аёллар ҳақида бошлади.

— Абай кўнмаса ихтиёри. Лекин кўнмаганинг ҳаммаси бошини олиб кета бермас. Хотинлар ҳақида гапиринглар! — деб Исҳоққа қаради.

Исҳоқ унинг ниятини англаб, Эркежоннинг «эрга тегмайман» деган гапини нотўғрига чиқарди. Такежон иккови бири олиб, бири қўйиб, Эркежонни кўндириш керак, кўнмаса ҳам эрга тегдириш керак. «Кўнаман» деб аёлларнинг ҳаммаси ҳам айта бермайди. Йиглаб ўтириб ҳам бўйсунга беради,— деган гапини келтира бошлиши.

Лекин ҳамон ҳалиги фикрда турган Шаке бу гапга қарши чиқди. Исмоғул ҳам:

— У, сиз ўйлаган аёллардан эмас, Эркежонни бу таҳлитда кўндириб бўлмайди!— деди.

Абайнинг фикри айтмаса ҳам маълум. Шунинг учун Шубор ҳам айни Эркежонни ундаи қилиб олиш мумкин эмаслигини айтди. «Авваллари бундай чоқда зўрлик ишлатилса, фақат ёш келинларга ишлатилар эди. Аммо ўзи бир овулнинг, яна унинг устига катта даргоҳнинг эгаси бўлиб, бағрига бола босиб, эл онаси бўлиб қолган аёлга нисбатан бундай қилишни осон тутиб бўлмайди!» деди.

Шунинг билан Такежон, Исҳоқ бир тараф, бошқаларнинг ҳаммаси бир тараф бўлиб қолди. Гап бир жойга қарор топиб тинчимади. Шу сингари ҳар дам хаёллик билан йиғилганлар яна тарқалишиди.

Сўнгра Такежон газабланиб, норози бўлди-да, қовоғини согланича индамай чиқиб кетди.

Уша куни кечқурун, туни билан Такежон ва Исҳоқларнинг ўйида галма-гал маслаҳат бўлди. Азимбой билан Манике, Исҳоқ билан Азимбой, Такежон билан Исҳоқларнинг жон талошига учраб, қилаётган ивири-шивирлари тонг отгунча босилмади.

Эрта эмас, индин Абай жўнаб кетади. Сўнгги куни ҳамма гапни ҳал қилиб, юзни ёруғ қилиб қолиш керак. Тонг отарга яқин бир нафас тинчиган меросхўрлар бугун нонуштани ҳам эрта қилишди. Чошгоҳга бориб бия бойланадиган пайтда Шубор ҳам шу ерга келди-да, ҳамма гапдан хабардор бўлиб олди.

Такежон овулига Эрбўл ҳам чақиртирилган эди. У кечикиброқ келганида, бу ердаги гап-сўзлар тамом бўлиб қолган эди.

Энди Такежон билан Исҳоқ аввалидек Абай билан юзма-юз ўтириб сўзлашмайдиган бўлишди. Олдиларида чигал тугун турибди. Бундай пайтда учқун отиб чиқсан гапдан аланга олиб кетиши мумкин. Яқин қариндошлар

қизиниб кетиб, нари-бери сўзга боришиб қолмасликла-
ри учун, энди орага одам қўйиб сўзлашишни маъқул
кўришди.

Аслида эса Такежон билан Исҳоқ, Абайнинг аямай,
тўғрисини шартта-шартта айтишидан, илиб кетиб, чўрт
кесадиган чечанлигидан чўчишарди. Холис биродарлар-
нинг ҳам булардан олдин оғзидан гапини олиб қўядиган,
ўзига оғдириб кетадиган қуввати ҳам бор. Сўздан ютказ-
зилса, йўлдан енгилиш ҳам қийин эмас. Уша ҳисоблар-
га кўра, бошқалар орҳали йироқдан отишиб харомлик
билан кураш олиб бораётгандек, «тиргович тираб» қўйиб
олишадиган бўлишди. Абай чалиб йиқитмасин деб, ўзла-
рининг ёнбошларини узоққа ташлаб курашадиган бў-
лишди.

Эрбўл билан Шубор бу ердаги қардошларнинг тала-
бини эштишаркан, Абайнинг ёнига бориши учун отга
минадиган бўлишди. Иккови кермадаги отлар ёнига ке-
лишганда, Азимбой ҳам отга минай деб турган экан.
Енида ёшгина отбоқар йигити ҳам бор. Афтидан, йироқ
сафарга жўнайдиган кўринади.

Шубор унга қараб:

— Нима гап, сен бирор ерга жўнамоқчи бўлаётир-
санми? — деди.

— Ҳа, жўнамоқчиман! — деб, Азимбой қоворини сол-
ди-да: — Бу ердаги қариндошларнинг гапи қўнгилни
айнатаётир. Шуни кўрмай деб, бошимни олиб қочиб
кетаётирман! — деди.

У, гўё соғ юраги сесканиб, ҳалоллик-оқлигини сақлаб
қолиш учун тез йўл олаетганга ўхшайди.

— Қаерга кетаётирсан?

— Ҳа, ҳалиги Медев дўст бўлайлик дегандан кейин,
бир қирон бургут топиб бер деган эдим. Уша «бургутни
олдириб ҳўйдим, келиб олиб кетсан» деб салом айтиб
юборибди. Ушанга кетаётирман деди.

Эрбўлга ҳам, Шуборга ҳам сир маълум бўлди. Азим-
бой жўнаб кетмай, жўрттага Эрбўлларни кутиб, шу бу-
гун кетишини гўё шунчаки айтиб кетмоқчи эди. Оддий
бир ишдек қилиб гапиргани билан бу кетишининг тагида
тортишув бор. Бугун ўрттага ташланадиган оғир масала
устида Абайнин жўрттага ҳайиқтириб қўймоқчи. Медев
Уразбойнинг ўғли. У овул Такежонни домга илинтириб,
ўзига тортишнинг пайида юрган овул.

Азимбой ўшани пеш қилиб иш тутаётир.

Унинг қаерга кетгани ҳозир Абайга етади. Жигарлари қиммат бўлса, Абай Такежоннинг бугунги айтиб юборган гапларига кўиади. Кўнмаса, у вақтда ажралиб, Ўразбой томонга ўтиш учун Такежон билан Азимбойнинг қўл-оёғи ечилади.

Шубор бу вазиятларнинг ҳаммасини англаш билан бирга, айни замонда Такежоннинг Ўразбой билан топишишини маъқул кўрмайди. Ичдан бир-бирларини англашиб, келишолмай турган ҳолда Азимбойга:

— Бе, шошилиб нима қиласан. Мана бу гаплар бартараф бўлсин. Овулдагилар хотиржам бўлсин. Бургутингни ундан кейин олмайсанми? — деди, чиндан ҳам кетишигарай ишлаб.

Азимбой жавоб қилмаёт, индамай турди-да, отига миниб кетди.

— Аразлаган-да!.. Яна ўпкасини орқалаб бораётirkу анави! — деди Шубор Эрбўлга тушунтириб.

Бу гапда ҳам бир мўлжал бор. Ўзидан кўра Эрбўлнинг Абайга яқинроқ, сирдошроқ эканини ўйлаган Шубор, Эрбўл жўрттага Абайга бориб: «катта бир фалокат рўй берай деяётганини айтсинг» деб гапирди. Шу билан Азимбойни ғаломус, фитна демай, бегуноҳ, фақат «аразчи» гўдакдек қилиб, жўрттага унинг қилмишининг устини ёпиб енгиллаштириб гапираётir.

Абайнинг ёнига келганда Эрбўл ҳалиги кўрганини яширмади. Оддий гап гапираётгандек қилиб, Азимбойнинг Ўразбой овулига жўнамоқчи бўлаётганини билдириди. «Жўнаб кетди» дегани йўқ. Сабаби, Эрбўлнинг англалича, ҳали Шубор айтган сўнгги сўздан кейин, Азимбой индамай кетганда, бугун жўнамай, бўладиган гапларнинг оқибатини кутишга кўниб кетди. Уни Эрбўл билиб қолмасин деб, Азимбой жўрттага жавоб қилмади. Қош-қевоқча қараб зеҳн солиб ўргангани учун Эрбўл ҳам бу ишларни Абайга оддий бир хабар тариқасида гапирди. Уни кўпиртириб, лоф уришнинг ҳожати йўқ. Фақат бир хабар тариқасида Абайга етказиб қўйгани маъқул. «Абай турли-туман ҳаракат, вазиятларни билиб турсин. Қайси ишда қандай сир борлигини, қандай хуласа чиқаришни Абайнинг ўзи ҳам билади» деб ўйлади. Дўстининг зийрак, сергак кўнглига доим ишониб келган Эрбўлнинг ўзи ҳам унга мос келадиган саботлилик кўрсатди.

Абай Азимбойнинг хабарини эшитганда, индамай бошини бир оз қуий солиб ўйланиб қолди-да, кейин тез ўзгарди. Бир ишга қаттиқ аҳд қилгандек вазият олиб, қизишиб кетди. Ялт этиб Шуборга қараб:

— Қани, Такежоннинг тилагини айт-чи! — деди.

Такежонлар кенгаши Абай олдига икки хил талаб қўйишибди. Биттаси — «Эркежон билан Абайнинг ўзи сўзлашиб, Такежонга тегишига кўндирисин» дебди. «Бўлмаса иккинчи қарорни қувватласин. Агар Эркежон тегмайман деган гапидан қайтмайдиган бўлса, жамийки аменгер бир бўлиб, зўрлик билан кўндирамиз. Райига қараб ўтирамай, Такежонга тегишига мажбур қиласмин. Шу масалада Абай биз билан бирга бўлсин» дебди.

Абай бу гапларнинг икковига ҳам кўнмади. Шундан кейин кун бўйи Такежон овули билан Абай овулининг икки ўртасида әлчилар тинмай қатнашди. Абайнинг қатъий сўзи:

— Мен ўзим Эркежонни олмайман. Оламан деган Такежондан қизғонмайман. Бироқ зўрлаб олмасин. Ундей қылса, қарши чиқаман. Зўрлик қилдирмайман! Одам қўйиб сўзлашсин, кўндириб келишсинга, ола берсин! Шундан бошқа гапим йўқ. Энди мени ортиқ қийнаманглар.— деди.

Кейин Эркежонга яна киши юборилди. Исҳоқни юборишиди. У бор гапларни айтиб, ялиниб-ёлвориб ҳам кўрди. Эркежон қаттиқ қаршилик кўрсатиб, кеча Шуборга берган жавобидан қайтмай туриб олди. Гап яна боши берк кўчага тақалди.

Шу чоқ Такежон уйидаги маслаҳатда энг сўнгги, бешафқат, разил гапни гапирди. Бу Эркежон билан Абайга нисбатан баравар қилинган қасдлик эди. Шу гапни Шубор билан Эрбўл орқали йўлларкан, Такежон ҳақиқатан ҳам совуқ бир сирни очди:

— Ака-ука ўртасига низо тушай деб турибди. Агар шу паллада бир-биrimizni англаша олмасак, Қунанбой болаларининг ўртаси бузилгани. Бунга сабаб Эркежон билан Абай деб биламан. Оқибати қандай бўлса, ўз гиналари ўзларида. Бироқ бир-биrimizга ғаниматмиз! — деб, кўнглидаги бутун гапни тўкиб солди.

Бу гап билан бирга қўйган талаби: «Эркежон эрга тегмайман деса, ўша жойида ўтирсин. Лекин уйи, молмулки, Қунанбойнинг, Улжоннинг ҳамма болаларига баравар тегишли уй бўлиб ўтирсин. Ҳозир Абайнинг иккиси

та набираси Эркежоннинг қўлида экан, биз бу уйни ҳам-мамизнинг ҳаддимиз сиғадиган уй деб билмаймиз. Абай-нинг иқболида ўтирибди деб биламиш. Эркежоннинг айт-гани бўлсин. Лекин Авбакир билан Покизодни уйдан чиқариб, Оқилбойнинг ўзига берилсин!» — деди.

Бу хилдаги машъум гаплардан Абайнинг руҳи туш-гандек қийналди. Аслида у Авбакир билан Покизодни «ўз набирам» деб умрида ўйламаганди. Ҳамма овуллар, эркагу хотин, қўни-қўшни ўша иккита болани Ўспон билан Эркежоннинг ўз боласи деб билишарди. Лекин Тажежон айтдириб юборган гаплар илоннинг заҳридек бў-либ оғу сочиб турибди.

«Эртанинг ўзидаёқ душманнинг томонига ўтиб кета-ман» деб ўтирибди. Абай шу тўғрисидан қаттиқ қийна-либ, ўйланиб қолган бўлса-да, бўш келмади.

— Мен бунчалик зулм қилолмайман! Эшитгим ҳам келмайди. Боринглар, нима деса ҳам ўша Эркежоннинг ўзидан эшитинглар, жавобини ўзи айтсан! — деди.

Эркежон бугун, зўрлик ишлатилаётган пайтда ёш тўқмади. Олишишга биратўла бел боғлаб, дидаси қотиб қолган экан. «Бу ишлари менга қилинаётган қасдлик-ку. Мени катта даргоҳдан кетсин дегани-ку. Майли, буниснга ҳам кўндим. Кетай, шу овулнинг бир четига бориб, битта кулба тиклаб, холироқ ўтирай. Мен Кенжанинг суйик хотини эдим, менга тегишли озроқ мол-мулкимни бўлиб беришсин... Бу уйдан кечсам ҳам, Кенжанинг арвоҳидан кечмайман. У болам деб бағрига босган икки-та етимчасидан айрилмайман. Ўшаларни олиб, бу уйни / ташлаб чиқиб кетаман» деди.

Кўп тортишиб, неча кун савдолашганлари билан Тажежонлар бу гапдан ҳам ютиша олмади. Айтганлари ўт-майдиган бўлди.

Бундан кейинги қарорни кўнгилсиз бир тарзда нои-лож вақтинча келишиб туришга тақашди. Аввало, мерос бўлиш деган гаплар шу билан тўқтатиладиган бўлди. Такежон билан Исҳоқ иккови ҳам Ўспоннинг хотинлари-ни олмай турадиган бўлишди. Хотинлар олинмайдиган бўлгандан кейин, мол-мулкни бўлиш ҳам кейинга қолди. Ҳали ҳам бўлса ётиги билан Эркежонни кўндирадиган бўлишди.

Гап шунга келгандан кейин, эндиғи янги бир қарор-лари:

«Ўспоннинг уйи ўрнида турсин. Эркежон аввалгидек

кatta даргоҳда ўтирсин. Лекин у уйда фақат Абайнинг наслигина бўлмасин. Мол-мулкка бош-қош бўлишга ҳали улар ёшлик қилишади. Бошқа иккита жигари ҳам катта уйга баравар кўз бўлиб турадиган бўлсин. Шундай қилиб, Исҳоқ билан Такежон болаларидан биттаси яна Эркежоннинг қўлига бола бўлиб кирсинг дейишиди.

Абай бу гапга мутлақо қаршилик билдирамади. Эркежон ҳам осонгина кўнди. Лекин ўз хоҳиши билан оладиган бўлса, қўлига Исҳоқнинг ўғли Қакитойни бола қилиб беришларини илтимос қилди.

АЗИМБОЙ ТАКЕЖОННИНГ ёлғиз ўғли бўлгани учун, Қоражон уни юбормайман деди. Шундай қилиб, мерос можароси кейинга қолдирилди-да, вақтинча тинчлик барпо қилиш учун Қакитой ҳам бош-қош бўлиб турадиган ҳамда асранди бола бўлиб, Ҳспоннинг уйига кирадиган бўлди.

Тўрт кунга чўзилган оғир тортишув шу билан кеч кирган пайтда тамом бўлди.

Абай эртага Қорамўлага жўнамоқчи бўлиб, ёшларни Айгеримнинг уйига йиғди-да, сўнгги бир беғалва кечда жони тинчигандек бўлди.

Аввалги кунлари бўлаётган беҳаловатликни ёшларнинг ҳаммаси эшитишганди. Абай ўша кунларда рўй берган қабиҳ ишларнинг ҳаммасидан нафратлаганидан, ҳатто эслагиси ҳам келмай, фақат қисқагина қилиб:

— Менинг Қорамўлага жавоб беришга боришим билан Ҳспоннинг йилини беришимизни Такежон жўрттага бир вақтга тўғрилади. Ушани сезиб ичидаги бор гапни айтсин, деган эдим. Қандай баҳона топиб душман томонига ўтар экан? Уни гиж-гижлаб, менга қарши қутиришига чиндан ҳам журъат этармикан? — деган эдим. Энди ҳамма сир очилди, ҳал бўлди. Такежон Ҳразбой билан гапни бир жойга қўяди. Ҳразбой бўлса, Такежон билан ҳамнафас бўлиб олиб, менга қарши одамларини кўпайтиради. Мерос даъвоси орқамда қолаётгани йўқ. Энди Ҳразбой орқали мана шу Қорамўлада йўлимга ғов бўлишга уринади! — деди.

Эртасига Абай ўнтача ҳамроҳ билан Қорамўлага жўнамоқчи бўлди.

Уша куни Такежон овулидан Азимбой ҳам отланиб, тўппа-тўғри Ҳразбой овулига кетди.

Абай Қорамўлага кўп ҳамроҳ билан кетмади. Ёнига Эрбўл, Қўкбой, Боймагамбетларни олди. Ёшлардан: Мағаш билан Дармен кетди. Қакитой билан Абишнинг ҳам бирга боргиси келган эди, лекин Абай уларнинг иккенинг ҳам овулда бўлишларини лозим топди.

— Сен кўп керак бўлар эдинг,— деди Абай Қакитоига,— бироқ, қариндошларнинг кечаги қарорига кўра, сен Ўспоннинг уйига бола бўлиб кирасан. Ўша ерга жойлашмай, яна менга зргашиб кетадиган бўлсанг, ивир-шивир гап авж ола беради. Сен ўша ерга бор! — деди.

Абишга бўлса, кўп далил келтириб ҳам ўтирамади:

— Сен ўқишдан дам олгани келган одамсан. Саҳронинг тортишуви билан талаши, менга қарши ёвлик-қасдлиги бугун бошланиб, бугун тинаётими! Сенинг ёрдаминг қалдирғочнинг қаноти билан сув сепгандек гап, қабиҳлик ёнгинини ўчира олмайди. Уз бошимга тушганини ўз елкам билан кўтариб кўрарман, бўтам. Сен беҳаловат бўлмай, дам олгин-да, куч йигиб тиниқчин! — деди.

Абай саҳронинг ғалаёнидан ҳам, ҳатто ўз ишидан ҳам Абишни овлоқ тутиб, омон қолдиргиси келганини шундай деб билдириди. Абиш бўлса, аслида отасининг шу галти сафари учун сўнгги ҳафта ичидаги кўмак-хизмат қилганди. Лекин у ҳақда Абайга билдирмай, фақат ёш дўстлари, Павлов билан маслаҳатлашиб, ўшалар билан биргалашив қилганди.

Аввало шу гал Қорамўлада, жондорол олдида бериладиган жавоб озмунча хатар эмас. Шундай шубҳали пайтда закончи, қофозвоз, аризавоз маҳкамага билан ҳокимларга ғов бўладиган далил қофозлари керак. Абайнинг устидан берилган чақиқларнинг ҳаммаси ўшандай қофоз юзида... Бунинг суюнчиғи фақат адолат, ҳалоллик билан беҳисоб халқга дўстлик бўлса — чиновниклар бозорида уларнинг қиммати йўқ. Айниқса оғизда, кўнгилда юрса, фақат кўринмас кўмак.

Шу масалада Павлов билан маслаҳатлашиб, аниқ билган Абиш кўп қофозлар ёзишга киришди. Бунда ўтган йилги недоимшчиклар иши нимадан келиб чиққанини, қандай хиёнат қилиниб, бўриларча иш олиб боришдан меҳнаткаш халқнинг қон-қора қақшатилганини ёэди. Халқ номидан ёэди. Ўша ишда Абайни «қора солиқ» йиғувчилар билангина олишган қилиб кўрсатилди. «Агар

Абайнинг ёрдами бўлмаса, ўша кунларда саҳрода катта ғалаён кўтарилиб, қашшоқ, молбоқар, хизматкорларнинг чопарлар, старшиналар билан қаттиқ тўқинишига боришларига шубҳа йўқлиги айтилди. «Шу сингари ҳалқа, саҳронинг қашшоқ ҳалқига кўп ёрдам қилувчи жонкуяр, кўп адолатли бўлгани учун, бутун қозоқ саҳросидаги беҳисоб ҳалқ уни яхши билади, севади, яна улуғлар олдида оқлади»— шунинг ростлигига Чингиз бўлисининг ҳамма овулнайларидаги кўпчилик ҳалқ қўлларини қўйишади деб,— ёэди.

Абиш бундан бошқа яна бир ариза ҳам ёэди. Унда: жотоқларнинг экинини пайхонлаган потрава, яъни нобуд қилиш ҳақида ёзилди. Ҳалиги аризага қўшимча қилиб Абайнинг ювош меҳнаткашларни ёввойи, кўчманчи золимлардан мудофаа қилгани айтилди. Бу ишнинг нимадан келиб чиққанига, ҳақиқатда қандай бўлганига қозоқлар эмас, ҳатто холис гувоҳ рус крестьянларининг ҳам алоҳида акт ёзишиб, кўрсатиб кетганларини далил қилиб келтирилди. Крестьянлар ёзган актнинг копиясини ҳам Абиш бир неча нусха кўчириб ҳозирлаб қўйди.

Шунинг билан бир неча кун ичida Абиш, Дармен, Мағаш ҳаммаси бўлиб, ҳалқ номидан ёзилган аризага Абайни ёқловчи ҳалқнинг қўлини қўйдириб чиқишиди. Бу кунларда Кузевларда тифиз ўтирган Эрали, Ўйқудук, Қиндикти сингари жойларда Чингиз бўлисининг ўн беш овулнайига қарашли ҳалқ бор эди. Ҳалиги йигитлар ўшаларни оралаб юриб, ҳақиқий ҳалқ талабини кўрсатиб, қўлларини қўйдиришди. Аслида Ўяз, суд маҳкамасига иш тушарда ҳалқ ичидан шундай гувоҳлар йиғилиши бу саҳродагилар ўрганиб қолган одат. Лекин нлгари ҳалқ номидан ёлғон гувоҳлар тўпланаарди. Бунинг устига, бирорни жазолаш, қоралаш, саргардон қилиш учун йиғиладиган «гувоҳлар» бўларди. Уларни тўплаганда ҳам бўлис, бийлар, ғаломуслар галалашиб, улардан бегуноҳ одамларни ярадор қилишга фойдаланар эдилар. Бу галги «приговор» Абайга нисбатан ҳалқ тилагини билдирадиган беғараз гувоҳлик бўлди.

Бу қоғозлар билан жотоқлар ичига Дармен келди. У уйдан-уйга кириб юриб Ийснинг, Жумирнинг, Қангбок, Тўқсон, Серкешларнинг ўзларининг ҳам, аёлларининг ҳам қўлларини қўйдирди. Даркембой, Бозорали, Абулғояилар бу ишда чин муқаддас талаб борлигини англашди. Узлари ёлғиз бошларининг қарзидек ҳисоблашиб, «Абай

учун қўлим эмас, қоним керак бўлса, тап тортаманми!»— дейишди.

Жотоқнинг ёш болалари Раҳимтой, Асан, Усенларгача Абайга керак бўладиган қофоз деган гапни ўқишиб, она-ларидан қўлларини яхшилаб қўйишларини ўтиниши. «Абай оғамга керак», «Абай учун кўмак», «Абай оғамнинг улуққа берадиган жавобига керак», «Бизнинг жотоқ учун жавобгар бўлиб кетаётир. Оқ ўйл берсин!»— дейишарди.

Даркембойнинг ўзи келиб, Абиш билан маслаҳатлаши-ди-да, Абайнинг ёнига жотоқлардан Серкешини қўшиб беришни лозим топди. Яна ўзининг кекса дўсти, Абай кўп қадр қиласидиган қашшоқ оқин Бойкўкшени ҳам атайин Қорамўлагага жўнатадиган бўлди. Бутун қўллар қўйилиб, бир даста аризалар, актлар ҳозирланиб бўлгандан кейин, Абиш бир тўп қофозни Алмағамбет орқали Семей жондоролининг ўз маҳкамасига жўнатди. Яна бир тўп копияларини Қорамўлагага, ўша жондоролнинг олдига, эл юрт номидан Бойкўкше билан Серкеш олиб борадиган бўлди.

Мана, Абай ўзича Абишнинг беҳаловат бўлмаслигини ўйлаганда, Абиш ҳам отасининг сафарига ўқимишли боласининг шу сингари ёрдамини бирга йўллаганди.

Отланай деб турган пайтда, Абайнин холи ерга чақириб, маслаҳатлашган одами — Павлов бўлди. У Абайнинг гапига қулоқ солишдан олдин, сирдош дўстларча бир гап устида ундан узр сўраб, олдидан ўтди.

— Ибрагим Кунанбаевич, кўнгилсиә сафарга кетаётирсиз. Вақт ҳам тифиз. Баъзи бир майдачўйда гапларни айтилмаса ҳам бўлар эди-ку, бироқ энди яқин ўртада кўришамиэми, йўқми? Шунинг учун айтиб қолай дедим. Мен сизни, сизнинг овулингизни ўзимга шу қадар яқин дўст кўриб қолибман. Мен келганимдан буён сиз доим машаққатли, қайгули кунларни кечирдингиз. Сиз Успонга ош берганда ёрдамим тегмаса-да, сахро таомилидаги бу ишларни кўрдим. Ундан кейин сизнинг саҳрова янги чиққан Салтичха, Қабанихалар солган беҳаловатлик, оворагарчиликларни ҳам кўрдим!— деди. Манике билан Қоражоннинг феъли-атворларини эсга олди. Бу гапга Абай ҳам кулди.

Павлов ҳамон кулганича:

— Мерос бўлишда Қунанбойнинг яна битта ўғли Федор Иванович бўлмагани учун унда яна аралаша олмадим. Мана энди ҳозир кетаётган сафарингизга ҳеч бўлмаса баъзи бир гаплардан ёрдамим, маслаҳатим керак-

дир. Мендан нима ҳақда бўлса ҳам сўрай беринг! — деди.

Абай Павловнинг ёрдам беришга шунчалик тайёрлигига, содиқ дўстларча қилаётган ғамхўрлигига раҳмат айтди. Шундан кейин:

— Семейнинг генерал-губернатори шу гал Қорамўла-га келиши керак. Илгари мен дуч келмаган одам. Феъли-атвори қандай чиновник у? Яна у билан қай таҳлитда сўзлашишимни маслаҳат кўрасиз? Маҳкамасидаги баъзи одамлар орқали сўзлашайми? Ёки ўзим юзма-юз туриб сўзлашайми? Устимдан душманларим бераётган ариза кўп. Сон-саноқсиз тұхмат, ёлғон чақиқлар бўлса керак. Ёки бирорта адвокат ёллаб олайми? — деди.

Павлов бу ҳақда теэгина жавоб қилди.

— Семейнинг ҳозирги губернатори янги келган одам. Шаҳардаги адвокатлар билан йирик чиновникларнинг орасида юрган фикрларни эшигтан эдим. Унинг бир одати: «ўзидан қўрқиб ҳайиқадиган одамга раҳм қилмас экан», — лекин «жасурлик билан тикка туриб тўғрисини айтадиган одамларнинг баъзан улар ўйламаган, кутмаганлари ҳолда гуноҳларидан ўтиб юборади» дейишади. Шу жиҳатлари ёдингида бўлсин! — деди.

Аба!: бош иргаб қўйди.

— Буни айтиб қўйганингиз яхши бўлди.

— Иккинчи — сизга яна бир тайнилаб қўймоқчи бўлган гапим подшонинг қандай чиновниги бўлмасин, қозоқ сахросини «ёввойи, авом, нодонлар сахроси» деб билади. Энди сиз уларнинг қайси бирига дуч келсангиз ҳам, ўша саҳрода Ибрагим Кунанбаевич бор эканлигини англатиб қўйинг! Билиб ҳўйишсин! Шу элда туғилиб шу ерда ҳаёт кечириб юрган, одамгарчиликни, адолатни, ҳақиқатни ва поэзияни, маданиятни ўша чиновникларнинг ҳаммасидан яхши тушундиган, севадиган Ибрагим Кунанбаевич борлигини билдиринг! Ҳамият билан кўрсатинг, ғазаб билан билдиринг. Ахир бу, сизнинг халқингизнинг ор-номуси-ку! — деди.

Ҳозир Павловнинг юзлари қизориниб, қовоғи осилиб кетганди. Катта-катта мовий кўзларида жўшқин, одилона ғазаб алангаси акс этиб турарди. Абай ичидан: «Сургунда, азобда юрса ҳам оддий бир сайилда юрган кишига ўхшайди. На тортинади, на ҳайиқади» деб русларнинг тутқундаги, сургун, каторгадаги сон-саноқсиз халқ фарзандлари, жасур азаматларини хотирига олди.

Шу чоқ усти-боши шалдир-шуллур қилиб, гурс-гурс қадам ташлаб, буларнинг устига бир киши бостириб келиб қолди. Иккови ялт этиб қарашса, ёnlарида ер тагидан чиққандек сариқ-ола жез қинли қилич таққан, қизил ҳошияли кийим кийган, ўрта ёшлар чамасидаги бир жандарма турибди. Овулда, саҳрова ҳақиқий — яроқ аслали жандармал

— Господин Павлов, его превосходительство Семипалатинск полицмейстерининг алоҳида топшириғига биноан, сизнинг рухсатсиз қирғиз саҳросига чиқиб кетганингиз учун тезда топиб, туқинга олиб, шаҳарга етказиш буйруғи билан келдим. Ҳозир олдимга тушинг! — деди.

Абай ҳайратда қолиш билан бирга ғазаблангандек бўлди. Павлов бўлса, парвойи палак, ҳалиги ўдағайлаб, шалдираб турган жандарма тўрага худди бир арзимайдиган, бўлмағур кишига қараётгандек тикилди. Бунчалик тўсатдан келишидан бир нафас бўлсин саросимага ҳам тушмади. Кўзларини хўёл қисинқираб, қўполроқ товуш билан бамайлихотир туриб жавоб қилди:

— Ҳозир сизнинг олдингизга тushiб кета бермайман! Үни сиз яхши билишингиз керак! — деди.

Полиция ходими дўй қилган бўлиб:

— Йўқ, бир нафас бўлсин хаёллашга вақтим йўқ! Ҳозир олдимга тушинг... — дейиши биланоқ Павлов кучли истеҳзо аралаш кулди:

— Ҳозир сизнинг олдингизга тushiб, Семипалатинска, юз чақирим ерга пиёда бормаслигимни яхши биласиз. Аввало, от топдириб эгарлатинг! Үзингизда от бўлмаса, шу овулнинг эгаларидан одоб билан,— деб, сўнгги сўзларини таъкидлади,— менга атаб от сўраб олинг. Мана, мен бу йил сўнгги марта тўйгунимча яхшилаб ҳимиз ичиб оламан! — деди.

Шундан кейингина Абай иккови шошмасдан ўринларидан туришди. Уша куни тушга яқин Абай жандармапинг кўз олдида Павлов билан қучоқлашиб, ўпишиб хайрлашди. Ёшлар тўпи бу азиз меҳмонни ноилож отлантириб юборишди. Улар йироқлашиб кетганларидан кейингина Абай ҳам отга минди.

Худди шу купларда Бозорали ҳам кўпинча от устида бўлди. Азимбойлар билан бўлган жанг соатида уйидан сургалиб чиққан Бозорали, ўша жангнинг охирида қизишиб кетиб, қаддини тиклади-да, чўқморини ўйнатиб, азбаройи ғазабдан ҳайқириб, ўзи ҳам олишгудек бўлди.

Кейин, кучли курашнинг кўп салмоғи ўз бошига тушганда, белининг дардини унута бошлади...

Уша кунларда Абай аралашиб, жотоқларнинг иши бир паллага етгандек бўлса-да, ўнгидан келгани учун унинг кўнгли ҳам кўтарилиб, қадди ҳам тиклана бошлади.

Белининг бодини бўлса, Даркембойнинг маслаҳатига кўра, мана шу ўтган ёз бўйи қунт қилиб даволаганди.

Тайлоқпой қудуғининг ёнгинасида Ушқора деган шўр кўл бор эди. Ушанинг шўр балчиғи бод касалига жуда даво деган генни кўп эшигтан Даркембой, дўсти Бозоралини ёз бўйи ўша балчиқдан тўлдирилган новга солиб эмлаганди.

Уша даволашнинг оқибати бўлиб, авваллари қўрқоқлик қилиб ётган Бозоралини қаторга қўша бошлади. У томонини Бозоралининг ўзи ҳазилга олиб гапиради.

— Э-э-э,— тулки кўрганда учишга қўрқиб буқина берадиган тўрғайдек, шунчаки, буқина берсам қутилар эканман, деб ўша касалдан бекорга қўрқиб ёта берибман-ла...

— Шўрга тушиб шифо топдингми?

— Шўрнинг ўзи даво бўлди-ку! — деганларга ҳам ҳазил қилиб жавоб берарди.

— Нимасини айтасизлар, мен азалдан яйраб, пар тўшакда ётиб ҳузур-ҳаловат кўрган киши эдимми! Ушандай шўрдан, туртқидан, жабрдан роҳат топаман деган жони сабил киши эмасманми? — деярди.

Ҳозир Бозоралининг отга миниб, яқин ўртадаги беҳисоб овулларни тинмай оралаб юришида бошқа бир маъно бор эди.

У энди Абай учун хизмат қилишга киришганди. Бу ишни Дармен жотоқлар ичига келиб, Абайнин ёқлайдиган «приговор»¹ йиққандан кейин бошлади. Ушанда Дармен холи ўтириб сўзлашиб, шу гал Абайга қасдлик кўплиги, хатар борлигини билгач, Бозорали жотоқларга «приговор» бердиришдан ташқари, ўзи ҳам бир қарорга келди.

Дармен билан сўзлашганда, у яна анов кунги можародан кейин Такежонлар бир оғиздан Абайнин «Қунан бойлиқдан, Иргизбойлиқдан чиқди, отадан кетди, ота йўлидан озди... Арвоҳга қарши, қариндошга қарши, ота ўғлига қарши бўлди» дейишибди.

¹ Имзо тўплаш маъносида. Тарж.

Абай тергаладиган катта ишнинг бири — ўтган йилги «қора солиқ», недоимка масаласи. Ушанда «қашшоқларни қаршилик кўрсатиш йўлига бошлади» деб ҳам айбловчилар бор... Йироқда ўтиrsa-да, Абайга илондек ииштарини қадаб, тикилиб турган Уразбой бор. Ҳалиги гапларнинг ҳаммаси унинг жони-дили... деб Дармен бу томонларини ҳам сўнгги сир тарзида айтганида, Бозорали ўйланив қолди.

— Қунанбойнинг ўғли эмас, ундан кетди деса, ота йўлидан озди деса,— тўғри айтибди. Уша кетишнинг ўзи нуқсол эканми? Кетгани рост, лекин ҳалққа суюниб кетди... Бир отадан тарқалган бўриваччаларга қарши ҳалқ учун олишиди-ку. Шунинг учун энди жавобгарликка, судга илишади-ку... Ундей бўлса, дамингни чиқарма. Бу ҳам ҳалқ жонини тикадиган, борини берадиган бир пайт экан. Сен Абайнинг ўзига айтмай қўя қол... Мана, мен энди отга миндим... Кўп элдан кўлдек қофоз йиғаман-у, ўз йўлим билан Абайкинг йўқловчиси бўламан! — деганди.

Шундан кейин, яқиндаги кўп кузевларни бир ҳафта тинмай оралади.

Бозоралининг касалдан тузалиб, қайтадан азамат ҳолига келганига оддий хонадонларнинг катта-кичиги баравар қувонишиди.

Яқинда бўлган Азимбой билан юлқилашиш можаросини батафсил эшигтан ҳалқ, Бозоралининг хулқи билан ишидан яна шодланиб, қанча-қанча афсоналар айтиб юришган экан... Кузевда тифиз ўтирган Мамай, Кўкшелардан бошлаб, Жуантайёқларгача ҳаммасининг овулдида қўниб, тушлик қилиб юриб оралаган Бозорали, қайси овулда бўлса ҳам Абай ҳақида ўзича дўстона кўнгил билан сўзлаб юрди.

— Абайнинг қанча-қанча ерда кўпларимизга ён босиб, қилган яхшилигини айтамиз. Қани, бизларнинг Абайга қилган бир яхшилигимиз, дўстлигимиз борми? — «Мана бу ўшанинг эваэзига!» деб, баъзи овулнинг приговорини шунинг билан йиғди. Яна бир овулда: «Улуғ билан элдаги йўғонлар бирлашиб, Абайга қарши шиор ташлабди... Бу ерда туҳмат ортиб беради, у ерда улуғ ушлаб олади. Ҳалқа қайишдинг деб қаҳрини сочади. Улар шу зайлда бирлашганда, энди ҳалқ ҳеч бўлмаса Абай учун ғалаён қилмаса бўладими?!» — дейди.

Яна баъзи овулларнинг меҳнаткаш, мўмин қашшоқларини йиғиб олиб сўзлаганда:

— Абай халқ учун, халқ Абай учун олишади. Ҳақиқий оқ йўл билан олишадиган жасоратли сафари шу бўлади. Бахт йўлида бундан ортиқ олишган одамни бу саҳронинг қозоғи билган эмас! — дейди.

Мана шундай ўз ихтиёри билан бошлаб, ўзи йиққан хуржун тўла приговорларни олиб Бозорали ҳам бир ўзи алоҳида сафарга чиқди.

Шундай қилиб, озгина ҳамроҳ билан кетган Абай Қорамўла шербешнойига етишга унча ошиқиб кетмади. Йўл-йўлакай ўзини яхши кўрадиган ёр-биродар, меҳмондўст овулларнинг бирида тушлик қилиб, бирида қўниб уч кун йўл юрди. Фақат тўртинчи кунигина бу йўловчилар Қорамўланинг рўпарасига етиб Шар сувини бўйлаб кетишди.

Кеч кириб қолган бўлса-да, бугун сентябрь ойининг ўзгача иссиқ, очиқ кунларидан бири. Ҳали унча салқин тушган эмас. Отларга ҳам, одамларга ҳам ёқимли мулоҳим шабада эсиб турибди. Энсиз Шар наҳри илон-изи бўлиб кўм-кўк, тиниқ суви узилмай секин оқарди. Соҳилнинг баъзи жойлари жарлик бўлса-да, кўп жойларида кўм-кўк майса, сўрқилдоқ ўт-ўланлар қулп уриб турарди. Наҳрнинг таги майда, тоза шағал бўлгани учун, сувн ойнадек тиниқ оқарди. Куз кириб, соҳилда хиёл сарғайган чўпларни ёқалаб, гоҳ сўрқилдоқ ўтларни аста силкитиб шилдирайди. Бу ўлканинг далалари пайзини анча йўқотган. Йироқдаги адир, увалар ҳозир оқиш тортган. Лекин ўт-ўланлар яшил рангидан ҳали бутунлай айрилган эмас. Куз ёмғири қайтадан етилтириб, оқиш эрман бағрида қайта ғовлаб чиққан сўрқилдоқ ўтлар ҳам бор. Ҳар туп гиёҳ оқиш, сарғиш, баъзан оч-яшил бўлиб кўринади.

Кузга атаб, шошмасдан яхшилаб семиртириб минилган катта отлар сув бўйидаги кўм-кўк майса бўйлаб тез-тез пишқириб, сувга томон бўйинларини чўзиб, аста босиб келишаётир. Шар сувини ёқалаб келаётганларидан бери йўловчилар бу сувни икки йўл кечиб ўтишганди. Энди учинчи марта яна кечиб ўтадиган бўлнишди. Ясси майсанни, кенггина ўтлоқни оралаб келиб, йўловчиларнинг катталари Шар сувининг ёйилиб оқадиган текис бир жойига дуч келишиди.

Олдинда: Бойкўкше, Абай, Эрбўллар келишаётир. Буларнинг отлари Шарнинг тиниқ сувига сувлиқлари билан бўйин чўзиб қолишиди. Йироқ сафарнинг таомили, одат-

ларини яхши биладиган Бойкўкше йўловчиларнинг ҳам-
масига катталик йўли билап буйруқ қилди:

— Отларнинг сувлиғини олинглар! Шардан яна қай-
та ўтмаймиз. Қечаси тонг ошади-ку. Эл ётар пайтда бо-
риб қолармиз. Отларни бир оз совитиб, дам бериб олай-
лик! — деди.

Йўловчиларнинг ҳаммаси отдан тушмай туриб, отла-
рининг сувлиғини олишди. Абай билан ёнма-ён келаётган
Эрбўл, Абай энгаша бошлаганда унинг тўлалиги, оғир-
лигини назарда тутиб, олдинроқ энгашди. У аввал Абай
отининг сувлиғини олди. Абай унинг ҳаракатидан хур-
санд бўлса-да, енгилгина ҳазил қилди:

— Ё пирай, ҳеч бўлмаса: «ўз отини ўзи суғоришга
ҳам ярамайди», демайсан ҳам. Кап-кatta бошинг билан
ўзингдан олдин мени ўйлаш одатингни асти қўймадинг-
да, Эрбўл!

Эрбўл кулиб қўйди.

— Э-э, азалдан суюкка сингиб кетган ёмон одат-да.
Сенга: «бундай ишлар қўлидан келмайди, уқуви йўқ шўр-
ликнинг» деб ачиниш одат бўлиб қолган-ку!

Барваста, кўркам, қобилияти Абайга иисбатан Эр-
бўлнинг «шўрлик», «ачиниш» деган гаплари қизиқ ҳазил
эди. Ҳамроҳлари ҳам кулиб юборишиди.

Бойкўшиенинг оти бошқа отлардан сал ўзиб, сувнинг
ўрталиғига борган ва тиниқ сувдан ичаётганди. Бойкўк-
ше Абай билан Эрбўлга кўзини шинграйтириб, жилмайиб
қўйди.

Чўққи соқоли бу кунларда бутунлай оқарган Бойкўк-
шиенинг ажин босган юзида каттароқ бурнигина кўркам-
лик бериб турарди. Қовоқлари салқиган, кўзлари ўнгиб,
оқиш тортиб кетган. Унинг шинграйиб қараб турган кўз-
ларида шамдек ярқираб, учқун отиб турган хушёрлик
аломати сезиларди. Абайга кулиб боқаётган кўз қорачи-
фида жуда олис, лекин ёруғ юлдузнинг милт-милт қилиб
сошиб турган шуъласи борга ўхшарди.

У икки дўстга қараб, ҳазил қилди:

— Ҳой, бу нима гап ўзи! Бир-бирларингга ачиниб
нима деяётисанлар!? Чўлоқ билан кўрнинг ҳамроҳ бўл-
ганидек, икки гариф бўлиб, суюишиб қолганларинг нима-
си? Олдимизда тумонат одам турибди. Ғовлаган даъво,
ловуллаган ўт турибди. Паҳлавонларни ўша курашга ту-
шираман деб келаётсан икковинг ҳам Алпомишдек гав-
данг билан шундай қилиб мажруҳланиб, маймавиб қол-

ганларинг нима қилганларинг ўзи? — деди икковини қаттиқ танқид қилиб, тутишиб уйғотаётгандек бўлиб.

Отларнинг силкиниб, пишқириб сувлиқ-юганлар, эгаржабдуқларни шиқирлатишиб, тинчликни бузиб туришига қарамай, Бойкўкшенинг ҳазилини ҳамма эшилди. Кўпдан бўён индамай келаётган оға йўлдош ҳалиги гапларни кўп сергаклик билан ўйноқи ҳазил тарзида гапирди.

Ҳамма енгил тортиб қолди. Оти сувга қониб бўлган Бойкўкшеше узангига чиқадиган сувнинг у юзига ўта бошлади.

Абай икки томонда кетаётган Эрбўл билан Дарменга қаради-да, олдиндаги Бойкўкшени кўрсатиб:

— Авзойига зеҳн солдингларми? Кучли илҳом уйғонгани сиймосидан кўриниб турибди. Мен билсам, бу кексанинг жини қўзиб келаёттир. Ҳозир ўлан айтади, кўрасанлар! — деди.

Дармен индамай, Абайнинг юзига қараганича келаёттир. Дармен, авваллар пайқаган тажрибасига кўра, Абайнинг бундай пайтлардаги сезирлигини яхши биларди.

«Абай кишининг ичидаги санъатни кўра билади. Баъзан ўша санъатнинг иссон юзига бўртиб чиққан машъалини кўра билади!» — деб, баъзи ёшларга илгарилар ҳам айтган эди.

Ҳозир у индамади-да: «Абай шу гал янгишдими, йўқми?» деб, ўйлади. Иккинчидан, «Абайнинг пайқагани рост бўлса, Бойкўкшенинг илҳоми қай таҳлитда жўш уриб чиқар экан?» деб ҳайрон бўлиб келаёттир.

Ўзи ҳам жўшқин, кучли илҳом эгаси бўлган шоир Дармен шоирликнинг ҳеч кутилмаганда, тўсатдан тез туташиб чиққан чоғини ўз кўзи билан кўришга мудом ошикарди.

Орқадаги тўпдан ўзиб кетган Бойкўкшеше сувнинг ёқасида битган бир туп эрмоннинг четига тушибди. Отининг сувлиғини олиб, чилвиридан ушлаб ўтлатиб турган экан.

Абайлар ёнига келишганда буйруқ қилди. Овози боягидан ҳам сергак, ширалик чиқди.

— Қани, ҳаммаларинг отларга дам беринглар! Тушинглар! — деди.

Ҳамма индамай қўниб, отдан тез-тез тушишаркан, стларни чилвир билан ўтга қўйишиб, ўртага Бойкўкшени олиб қуршаб туришди. Ҳамон сиймоси тўлқинланиб тур-

ган Бойкўкше бошидаги тумоғини олди-ю, «оҳом!» деб хастароқ, лекин ҳами ширали овози билан илҳомга тўла бир соз бошлади.

Шинграйиб қараб турган узунчоқ қисиқ-қисиқ кўзларининг қорачиқлари шамга ўхшайди. Кўз косасидан шуъла порлаб сочилиб турибди. Қовоғи солинган, ранги ўчинқираб кетган кекса шоирнинг чеҳрасидан даҳшатли қаҳру ғазаб акс этиб турганга ўхшайди. Оғиз очиши биланоқ сўзлари жаранглаб, тингловчиларнинг ҳисси-онгига тўппа-тўғри тегиб, қўзғалишга ундаётир. Қуюлиб келаётган эркин, гўзал, таъсири шеърнинг мазмуни ҳам бўлакча. У Абайга қараса-да, чин фазилатга тўла, чип илҳом билан тўлган олижаноб юзини кўкка кўтариб қарайди. Абайга юқоридан кўз ташлаб сўзлайди. Ўзининг разм солишига ишонганд, кўзи пишган одам сингари сўзлайди. Келажакни пайқаб, тахмин гапдан бошлади. Ўтган кечада туш кўрибди.

Тушида: бепоён саҳрода, Абайнини ёлғиз турган ҳолда кўрибди. Туман, қоронғулик босган кун экан. Эртами, кечми англамабди. Қандай макон эканини ҳам билмабди. Фақат фира-ширада сароб ичида, ёлғиз ўзи турган Абайнини кўрибди. У сақланиб, бир нарсани кутуб турган экан. Шу чоқда бир тўс-тўпалон, ур-йиқит кўтарилиб кетибди.

Энди англаса, Абайга теварак-атрофдан яроқли йиртқичлар ҳужум қилаётган экан. Биттаси қопогон қора итдек. Биттаси — биқини ичига ёпишган оч бўридек, яна биттаси — қон ҳидини сезиб, яланиб юрган тулкидек. Ёли қора қоплонми, алланарсалар атрофини ўраб исканжага олган эмиш.

Яна бир тўс-тўполон, ур-йиқит бўлиб кетади. Алаҳчалаҳ ҳолат Бойкўкшенинг кўзидан йиртқичларни ҳам, Абайнини ҳам яширади. Юраги шифиллаб кўзларига ёш келади. «Абай!» — деб қичқириб юборади. Юраги бетламасдан яна бир марта ўша хатарли майдонга қараса, дунё ўзгариб кетибди. Қуёш чақнаб турган экан. Ҳалиги йиртқичларнинг ўртасида энди Абай эмас, бир арслон хуружга келиб турган эмиш. Кўкка сапчиб, теварак атрофига қулоchlаб ўт сочайтгандек ҳаракат этиётган экан. Қора ит, кўк бўри, айёр тулки, сўйлоқ тишли қоплонларнинг жуни билан қонини ҳалиги арслон атрофига сочиб, бўралатиб тўкяпти. Бели синган, илиги узилган, бошкўзи қонга беланган, қонхўр, қабиҳ ёв энди тор-мор

бўлибди. Ҳар ерда ғингшиб, ингиллаб ўласи бўлиб, ўз ярасини ўзи ялаб ётиб қолишибди.

Жанг босилган. Энди баланд ерда танҳо ўзи турган арслон «яна ёвинг борми?» деб турган эмиш. Тақир тошни тармашлаб сўйилдек думини ерга уриб, ўз орқасини ўзи савалаб, даҳшат билан ҳужум қилишга тайёр турган эмиш.

— Кўрган тушим шу, қани йигитлар, отларингга ҳўн! — деб, Бойкўкше сўзини тамом қилди-да, отига мина бошлиди.

Дармен, Магашлар анграйишиб, ҳайратда қолишибди.

Улар энди: «Аттанг арслоним», «Айтганинг келсин, дуогўй оғиз!» «Асилим, айтганинг келсин!», — дейишиб шодликларини айтиб битириша олмади.

Абай билан Эрбўл индамай Бойкўкшенинг орқасидан кетишибди. Кеч кириб қолган. Қўниб ўтгудек жойга анча юриб бориб етиш керак. Бойкўкше энди орқадагиларни қаторига яқинлаштирумай, олдинга тушганича бели бақувват бўз отига қамчи бостириб, гурсиллатиб елдириб кетди.

Орқадагиларнинг ҳаммаси тирна қатор бўлиб чува-лашиб, отларини қаттиқ ҳайдашга мажбур бўлишибди. Бойкўкше олдинда келаётисиб, эндигина жилмайди. У тенгдоши Даркембойни эсига олганди.

Даркембой бундан тўрт қун бурун уйида Бойкўкшени мөхмон қилиб ўтираркан, бор гапларни батафсил айтиб берганди. Ўшанда Абайнинг Қорамўлагага чақиритирилиб кетаётганини ҳам айтди.

— Қирда — қозоқнинг кўнгли қора зўравонлари бў-либ, қалада — порахўр тўра, улуғлари бўлиб, ҳаммаси бирлашиб, Абайнин қамамоқчи бўлишаётир! Шу сен бирга бор. Пайтини топиб, Абайга қанот битир, жасорат бер! Худди шу кунларда ўзганинг гапи эмас, сен иккала-миз мадад беришимиз керак. Елғиз Абайнин суюйдиган кунимиз келиб турибди! — деганди. Бойкўкше бу сирини йўловчи ҳамроҳларидан бирортасига очмаганди. Кул-ранг отининг икки томонида қаппайган хуржун ҳам бор. Үнда эҳтиётлаб сақлаб келаётган нарсаси — беҳисоб ҳалқнинг Абайнин оқлайдиган аризалари, приговорлари, актлари бор.

Бойкўкшенинг нияти — шу қофозларни олиб, жондо-ролнинг олдига ўзи кириш эди.

Шунингдек сақлаган сирлар, кўнглидаги ҳар бир тўл-қинли ўйлар, хавф билан умидлар туташган ҳолда, ҳамма

йўловчи ўша куни кечқурун Қорамўлага етди. Абайлар тўпи билан келиб, Айтқози тикиригган меҳмонхона ўтвига тушиши.

III

Шундан бир кун олдин Қорамўлага Үразбой ҳам келиб тушганди. У бир қанча одамларни олди-да, соғила-диган, сўйиладиган молларини ҳайдаб, уйлар кўчириб келиб ўрнашганди.

У Қорамўла сафарига Абайдан бир кун кейин чиқдан бўлса-да ҳеч ерда ҳаялламай, бир кун олдин келиб тушди. Қорамўла шербешнайида Үразбойнинг зўр бериб, пайдида юрган мўлжаллари кўп. Энг катта муддаоси — шу гал қирда қозоқ, қуйидаги улуғ душманлигини бирлаштириб туриб, қандай бўлмасин Абайнин нобуд қилиш.

Шу хилда юраги ҳовлиқиб, қизишиб кутган Йигинга кечикиб келишининг ҳам сабаби бор эди. Яқинда Эралида Қунанбой болалари ўртасида Ўспондан қолган мерос юзасидан бўлган тортишувнинг оқибатини кутганди. Уша тортишув орқали шояд Такежон келиб, қўлимга тушса, деган умиди бор эди.

Уз овулида ётган бўлса-да, тиниб ўлмай, тиқ этса тинглаб, Такежон билан Абай ўртасидаги низонинг ошкора рўй беришини кутаётганди. «Бугун», «эрта» деб, Такежон ҳам қатъий жавоб беролмай, Үразбойни Қорамўлага жўнатмай, тўхтатиб турганди.

Нихоят, Такежон билан Абай келишолмай, орани очиб кетишиди. Кўпдан «Үразбой овулига бораман» деб юрган Азимбой, сўнгги кунларда чиндан ҳам ўша ерга борди.

Үразбой билан Медев у келган куни кечқуреноқ холи олиб ўтириб, сирини сўрашди. Лекин Қунанбойнинг маккор, такаббур, зўравон набираси Үразбой зўр бериб сўраган сирларнинг кўпини очиб ташламади. Камгаплик қилиб, сир тутиб гапириб, ҳамма сирнинг бир учинигина чиқарди.

Фақат: «Абай Такежон билан Исҳоқни хафа қилиб қўйди. Обрўйини пеш қилиб, ҳийласини ишлатиб, Ўспоннинг мол-мулкини, меросини ўз чангалидан чиқармай босиб қолди. Йўли улуғ бўлса-да, Такежон мўминлигидан жафо чекди. Ҳозир тегишли ҳиссасини ололмай, Абайдан ранжиди-да, гап-сўзни тўхтатди» деб қўя қолди.

Бу гапларнинг орқасидаги ички зиддият, тортишувларнинг бирортасини айтмади. Лекин Үразбойга кераклигини сездириди.

Такежон Абайдан хафа бўлибди. Демак низо туғи-
либди. Абай билан ўртаси бузилса, тескари бўлса, Таке-
жоннинг ахир бориб Ўразбойни топиши илгари ҳал бўл-
ган гап. Азимбой шу хабарни олиб келди. Унинг устига
бу овулга ўзи келибди. Буниси ҳам катта гап.

Ўразбой Азимбойга тикилганича унинг оғзидан қит-
мирлик билан чиққан гапнинг ҳаммасини кўнгли билан
ҳам, ягона ўткир кўзи билан ҳам ўзига сингдириб ўтириди.
Тўгри, камгап, эҳтиёткор йигит унинг сўзлатгиси келиб,
етаклаган томонларининг кўпига юрмади. Шуни фаҳмла-
ган Ўразбой энди Медев билан Азимбойни холи қолдирди.
Ўзи кун ботиб бораётган пайтда отга миниб, жели¹ боши-
га селдек қоплаб Қора сувга ёприлиб келаётган кўп йил-
ки ичига кириб кетди. Қани энди бир жойда ўтиrolса.

Ели тўкилиб турадиган сағри кенг, қуёндек оппоқ,
шоҳ ташлаб юрадиган бўз оти кечки пайтда елпиллаб
турибди. Ёнида ҳеч ким йўқ. Елғиз ўзи, очиқкан эркак
бўридек изғиб, бир жойда қарор тополмай, хаёл сураёттир.

Ўразбой боққан «мингларининг» кўпчилиги бўз эди.
Донг чиқариш, мақтаниш учун бу бой ёз кунларида бия
бойлаганда қаторлаштириб узун-узун қозиқ қоқтиради.
Юзга яқин қулун бойлатади. Деярлик ҳаммаси бўз бия-
лар бўлади. Иилқисининг кўпчилиги — от-айғир, катта
биялар, дўнан, беш яшар отлар, умрида юган-сиртмоқ
кўрмаган асовлар. Бир бошдан ҳаммаси ҳуркагич, тутқич
бормайдиган, ёввойи йиртқицлар тўдасидек югуришиб
юрадиган даҳшатли асовлар.

Маълум бир мақсадсиз ўз молининг орасида изғиб
юрган Ўразбой ўз мўлжалларининг режасини ўйлаёттир.
Остидаги оқ бўз отининг тўқими ёпигигача оппоқ. Ўзи
ҳам юпқа оқ репсдан кенг, яланг қават тўён кийган. Боши-
да юпқагина оқ қуён телпак. Упирилиб, чўкиб кетган кўр
кўзини онда-сонда қуён телпаги билан артиб ташлаб, ўзи-
ни-ўзи қамчилётгандек қийналиб ўйланади.

Ичида шодланиб ўйланётган мўлжали ҳам бор. Уша
уни қизиштириб, хирсини ортдирганга ўхшайди. ёвлик
билан кеки бўлгап Қунанбой эмас, бу кунларда ёлғиз
Абайга тикилиб олганди.

Албатта, бу кунларда тирик бўлса, унинг қирқ пичоқ
бўлиб ёқалашадиган ёвининг биттаси Ўспон бўлар эди.

¹ Жели — соғин бияларнинг қулуналарини қатор боғлаш учун
тортиб қўйилган арқон.

Кучли кек сақлайдиган, қайсар, беомон Үразбой «киройи ёвлик қилса, Қунанбойдек қилиш керак» деб биларди. Шунда асти кечирилмайдиган кеки ҳозир Абайга қарши қаратилганидан у сүнгги икки-уч йил мобайнида доим Абайнинг бошини домига илинтиришнинг пайида юрганди. Шаҳардаги қанча-қанча улуғлар ва тилмочлар Үразбойни кўп айғир-уюри билан йилқига чиқимдор қилишиб, пораларини ейишганди.

Үразбойнинг ўша томондан қурган тузори бўйни чўзид бориб, Қорамўла шербешнайига ҳам етиби. Унинг устига, Үразбойнинг тузори яна бутун Семей уездиди билан шу шербешнайига келадиган Ўсть-Қаменогорск, Зайсан уездларининг ҳаммасигача чўзилиб етиб борганди.

Сиёз бўладиган ўлкадаги Керей, Матай бўлислари, бойлари, ҳожилари «Үразбой» дейишиб, унинг номини оғизларидан туширмайдиган бўлишган. Иртишнинг ҳам икки томонидаги «Илдий бўйи» деб аталадиган Үоқ, Бура, Найман, Басентин элларининг ҳам бой-бадавлатлари сўнгги йилларда Үразбой билан топишиб, оғиз-бурун ўпишиб қолишган. Шаҳарнинг сармоядор бойлари ичидан ҳам Үразбой қуда бўлиб, ёри-биродар бўлиб, анча олди-берди қилиб қолганлари кўп. Хўш, саҳрони олинса, беш бўлис миқёсидаги Тўбуқти зелининг ярмидан ортиғи бу кунда Үразбойнинг чангалига келиб тушган.

Шу хилда йироқдан тўрга илинтириб келинаётган сафнинг туғиладиган жонли ери энди Қунанбой овулига келиб тақалганди. Абайни қамалга олган ёвларнинг яна бир қаторини «ўзининг овулидан, бир отадан тарқалгая жигарларидан чиқарсам» деганда, Үразбой ичиб турган ошини ерга қўярди.

Такежонни қарши қилиб, оила ичидан ўшани гиж-гижлатиб қўйса, Үразбойнинг макрга тўла мўлжали бўйича, Абайнинг аёвлик жойига санчилай деб турган қазонинг ўқи ўша бўлади.

Үразбойнинг «Тўрт шайтон!» деб, Успон мероси ҳақидаги гапни эшитишга жониқишининг боиси шу эди. Бугун ўша суюнч ҳам қўлига келиб тегди. Энди аямай, ҳаялламай ҳаракат қилиш керак.

Бундан бир кун илгари ўзи билан Қорамўлага бирга бориш учун бир неча йўғонларни чақирганди. Оқ кийимили, оқ бўз отли Үразбой сон-саноқсиз йилқи сувга қониб, тунги ўтлоққа кетгунча отдан тушмай аланглаб юрди.

Боядан бери овулига гала-гала кишилар келиб туша-етганини ягона кўзи илғаб турганди. Абрали, Мўлдабой, Жиренше, Бойғулоқ сингари, деярлик ҳаммаси, салмоқли шериклари бўлиши керак. Меҳмонлар Ўразбой уйида кечки чойга ўтиришаётган пайтдагина Ўразбойнинг ўзи ҳам келиб, отдан тушди.

Унинг овулига келган эл устунларига пешвоз чиқиб, очиқ чеҳра билан ҳурматлаб, хурсанд қилаётган Ўразбойнинг пишиқ ииниси Испон экан.

Қўсароқ оппоқ Испон, Ўразбой келганда ўрнидан турди-да, унинг қўлидан қамчи, телпагини олиб, тўрдан жой бўшатди.

Бу кеча Ўразбой мана бу сирдош казо-казоларнинг ҳаммасига Абайнин ёмонлаб чиқди .

— Қозоқлар Ибройни¹ «одил» деб, «доно» деб ада-шишини қўядими? Мана кўрдингларми? Уша «одил Абайнинг» қилиб ўтирган ҳаромзодалигини. Бошқа қозоқларни қўйиб, бир ота-бир онадан туғилган Такежон билан Исҳоқни қон қора қақшатиб ўтирибди. У икковини меросдан бира тўла маҳрум қилиб, Ўспоннинг мулкидан. Қу-нанбойнинг катта даргоҳидан ҳайдаб чиқариб, ҳаммасини ўзи босиб олибди. Одиллиги шуми? Яхшилиги шуми? Бугун ҳаёт юрганларга, кеча ўтган ўликларга, келажак наслларга ҳаммаси-ҳаммасига ҳаромлиги, зўрлигини батамом ўтказиб ўтиргани йўқми? «Мана шу Ўспоннинг мероси Абайнинг обрўйини айрондек тўкар!» деган эдим, айтганим келди. Халқни йўлдан оздириб, уй ичининг, бир уянинг баракасини тўэздириб ўтирган Абай шу. Кимга хиёнат қилмаётир? Ота йўлидан ўзи ҳам озди, гапига, ўйтларига, орқасига эргашганларнинг ҳам ҳаммасини оздириб ўтирибди! — деб, оғир жиноятларни юклаб, иккиланиб гапирди.

Унинг Ўспон мероси ҳақидаги гапи бу ердаги меҳмонлар эшитмаган янги гап экан. Мўлдабой қовоғини солиб, Ўразбойга шубҳали назар ташлади-да, «ёлғон айтаётир!» деб ўйлади. Шу гап рост бўлса, у ҳам Абайнин ичидан ёмон кўришлиги, баҳиллиги, зидлиги орқасида айблашга ҳозир эди.

Абрали, Бойғулоқлар ҳам эшитишмаган экан. Фақат бу гапнинг хиёл шарпасигина Жиреншенинг қулоғига чалингандек бўлганди. Мўлдабойнинг кўнглидан ўтган

¹ Абай демоқчи.

шубҳани Абрали, Бойғулоқлар шартта айтиб қўя қолишиди.

— Шу рост эканми?

— Шу айтганинг ҳақиқатми, Уразаке! — дейишиб баравар сўрашиди.

Уразбой ўтирганларга шижаот билан қараб, тўғри, ҳақиқатчи киши сингари бир вазият олди-да, жиддийлик билан:

— Ийе, ёлғон гапириб мени қора босдими? Худо бор-ку! Мана дастурхон турибди... Шу гапнинг ростлигига имоним комил! — деб юборди.

Шундан сўнг чойдан кейин узоқ вақт ўтириб ичилган қимиз устида ҳам, кеч пишган қулун гўшти устида ҳам Тўбуқтининг йўғон-зўравонлари бор айбни Абайнинг устига ағдариб, туҳмат ортиб, қоралаш билаш банд бўлишиди. Қимиз ичилаетган пайда бир гап келиб қолганда: «Шу Абайни қозоқлар нега яхши дейишади? Олис яқиндагиларнинг ҳаммаси нега унинг оғзига тикилиб қолишган!» деган гап туғилди. Бу гапни, аслида, серфикроқ киши — Бойғулоқ бошлаганди.

Унинг гапига Уразбойнинг энсаси қотиб, қўлинни силтаб, тескари қаради. Серғараз уста Жиренше бўлса, Бойғулоқнинг ҳалиги гапини жавобсиз қолдиргиси келмади. Кулиб ўтириб, кесатиқ аралаш эрмак қилиб ўз фикрини айтди:

— Э-э-э, Абайни «доҳо» деб юришибди, «нотиқ» деб юришибди. Бизларни бўлса, унинг бошидаги ўша олтин тоғисига баҳиллик қилаётган «билимсиз, нодон» деб юришибди-да! — деб, Уразбойнинг қитигига тегиб, ўзиининг эрмак қилиш одатига кўчди.

Уразбой ғазаб билан аччиқ истеҳзодан қизишиб, сапчиб тушгандек бўлди-да:

— Доҳолик... Ҳаром эмасми! Билимдон бўлиб нимани билибди?! «Ота ёмон, бобо ёмон, қозоқнинг қора йўли ёмон» дейишилик билимдонлик бўладими?! Еки «бўлис ёмон», «бий билан бой бузуқи», «дин ўргатган мулло-сўфи ёмон» дейишилик билан бўладими?! Наслни отадан, халқни қадимги ота-бобо йўлидан оздириб, адаштириб ўтиришлик «донаишмандлик» бўладими?! Санъат, маърифат сочиб ўтиргани йўқ, заҳар сочиб, тиниқ сувими ни лойқалатиб, ер ўртаб ўтириби демайсанми ахир, бор кечдим ўша «донаишмандлик, билимдонликлардан!» — деди.

Жиренше ҳали ҳам қиқирлаб кулиб, елкаларини учирив ўтирибди. Үразбойнинг қитиғига тегиб, жинини қўзитмоқчи.

— Б-е, бу гапингни уққан қозоқни, ёшу қарини кўролмаётганимиз йўқми? «Абай сўзи» деб ола қофозни биладиганнинг ҳаммаси қўйни-қўнжига ўшанинг ҳалиги бир. қофиядор-шилдироқ сўзини тиқиб юргани йўқми? Манз шу болаю жигарларнинг ҳаммасига сенинг гапингдан олдин ўшанинг ер ўртайдиган гаплари стаётган бўлса. қандоқ қиласан, Үразаке! Қани шу гапимни ёлғон деб кўрчи, қани? — деб ўтирганларга қараб қўйди.

— «Абай шеъри, Абай сўзи» деган гапни бола-чақа батамом ўқиб, куйловчи, дўмбирачилар батамом айтиб келишаётир. Куйланиб эл ичини тутиб келаётган бир бало борлиги рост! — деб Абрали ҳам шубҳасини айтди.

Абай ҳазиллашиб, унинг ўзини ҳажв қилиб айтган шеъри шу йил қулоғига етиб. Абайнин сиртдан ёзғириб юрганди.

Унинг гапини Үразбойнинг ўз иниси Испон ҳам қувватлади:

— Үразаке-ей, йўғонлик билан, зўравонлик билан писанд қилмаган бўласан-да! Лекин, ўша Иброҳимнинг гапи, худди шу бу йил ёзда, ўзингнинг анов ўтовингда ўтириб, дарс ўқиётган набираларинг, иниларингнинг китобидан ҳам чиқмадими? Ушанда ўзингиз қандай тutoқ-қан әлингиз, эсингиздами!? — деб кулиб қўйди.

Бу чоқ Үразбой яна дарғазаб бўлиб, зардаси қайнаб гапирди. Кимнингдир отасини ҳам эслаб қўйди.

— Шу ерда Жуантайёклардан бир мулла олган эдим. Болаларга имон ўқит, номоз ўргат, қўл хатини билдири деб олсан, ўзи бир эси паст каллаваранг бўлса керак. Асли ўзи кўп ўқиб, кўп уринган кишининг мияси айниб, алжиб ҳолади, кўпинча! Ўша мияси айнигана бир хом калла экан. Бу нима ўқитаётир деб уйнинг ёнида қулоқ солиб ўтирсан, болаларни чувиллатиб Абайнинг бир бўлмагур гапини ёдлатаётир. Бўлисларни масхара қилибди. Мана шу Мўлдабойни ёзган-ку дейман.— деб, индамай ўтирган Мўлдабойга қараб, истеҳзо билан кулиб қўйди.

Элни бийлаётган яхшиларнинг ҳаммасини расво қилиб, булғалабди қўйибди. Қўлимда қамчи бор эди, шундай жиним чиқиб кетдики, ҳалиги Жуантайёқ мулланинг орқасини тилишлаб-тилишлаб пиёда ҳайдаб юбордим,— деб, шу қилмишини катта бир ўрнак тарзида гапирди.

-- Кўп эркалатмай, тийиб юриш керак. Эл оғаси халқ ўртасига келган шайтанот билан олишмайдиган бўлса, халқ йўлдан озмай нима қиласди? Ҳар замоннинг ўзида бир азозил чиқади дейилган эмасми? Абайни яхши деб юрибсанми? У — мана шу замоннинг «яхшилик» деган ёлғон тўн кийган озини. Мен олишганда элнинг ёш-қарисини ўшанинг азозиллигидан сақлайман деб олишаётганим йўқми? Мана дастурхон турибди-ку, бўлмаса! Абайдан мол олай, ўлжа туширай деб юрибманми? Е ўз бошимни оқлай, омон олиб қолай деб юрибманми? Отабобомнинг йўли учун «ўшанинг душмани» деб, олишаётгиман. Кўрарсан, мана шу мен айтган гапни эртага худди ўша оқ подшонинг улуғигача айтади. Қирдаги қозоқ билан қуйидаги қозоқ батамом бирлашиб айтади. Ёлғиз Тўбуқти эмас, шу кунларда Абайнинг заҳри сочилиб етадётган ерлардаги яхшиларнинг ҳаммаси йифилиб туриб айтади. Ўяз шу гал қофоз юбориб чақиртираётир. Тилмочдан хабар келди. Унинг ўзи мен билан тилакдош одам. Ўша айтибди: «Менинг пайқашимча, Ўяз билан ундан катта улуғлар ҳам Абайга қаттиқ ғазабли кўринади. Шу гал Абайнинг шамол учирган чўлқовдек учиб, сургунга кетар» дебди. Биз Қорамълада ўша Абайнинг ҳайдалганини кўзимиз билан кўриб, орқасидан тош отиб қолгандек бўлармиз. Мен ўшанга отланаман, ёронлар!— деди.

Мехмонларнинг кўпчилиги жимгина ўтириб, бош иргаб қўйишиб, Уразбойнинг гапини маъқуллаганларича тинглашганди. Фақат Жиреншегина Уразбойнинг сўнгги сўзларини яна бир янги гап билан қатъйлаштириш ниятида:

— Эл яхшилари билан улуғлар бирикиб, шу гал Абайнинг бошини ҳақиқий исканжага олмоқчи бўлиб турган экан! Энди мен бир ишни айтай. Мана шу гал Абайни арвоҳларнинг қарғиши ҳам урмай қолмас! — деганда, Уразбой билан Абрали икови ялт этиб Жиреншега қарашиди.

Жиренше асабийлашиб, ўзини қизиштирган ғазаб билан сўзлади.

— Кеча шу ерга жўнаш олдида Шуборнинг ўз оғизидан яна бир машъум гап эшидим. Шуборнинг ўзи Абайнинг атрофида юргани билан, аслида, кирса бор, чиқса йўқ одам. Кеча ўша Абайнинг овулидан жаҳли чиқиб келиш сабабини айтди. Асли ўзи Абайнинг овули жин бази-

ми-ку. Ҳайдалган русми, оқ подшонинг душманими! Уланчи, масқаравоз, шилқим-шилдирнинг ҳаммаси ўшанинг атрофида бир уя бўлишиб, ўралашиб юришади. Ушаларнинг биттаси, ҳалиги Дармен дегани, ҳали Уразбой айтганидек, маза-бемаза гапни шеър қилиб тўқибди. Ушанда Қобекенгни, арвоҳ ҳисобладиганимиз — бобом Кенгирбойни «порахўр, ўз боласини ўзи еган бўри, қобои» деб, масхара қилиб гапирибди, деди. Шубор ўшани эшитиб, ёқасини ушлаб келди. «Умидимни узиб қайтдим. Абайнинг ўзи ҳам тентираб, йўлдан адашиб юрибди. Бошқаларни ҳам қутуртириб, ҳалак қилиб юрибди» деб келди. Мана, кўрдиларингми! — деди Жиренше ҳамон қовоғини согланича.

Ўразбой яна ошиниб, қизиб кетиб:

— Кўриб турибман! Ўғилни отадан, қизни онадан, халқни шарофатли бободан, отам қозоқ йўлидан адаштириб кетаётган озғиннинг ўзи! Кўлдан келса, бор кучни сарф қилиб четлатиб, ҳайдашдан бошқа гап йўқ! — деди.

Ўразбой ҳамма дўстлари, узанги йўлдошлари шерикларини шу аҳдга мойил қилиб эргаштириди-да, келаси куни тонг фира-шира отиб келаётган пайтда йироқ сафарга жўнади.

Эл устунларидан, йигит-ялангларидан қирқ-ўттизта ёрдамчиларни эргаштириб олган Ўразбой, овулдан чиқиши биланоқ отни қаттиқ ҳайдаб, жадаллаб кетди. Орада бир қўниб, Қорамўлага Абайдан бир кун олдин келиб тушганда, у яна бир мўлжал билан келганди. Ярим кун олдин борса-да, Абайдан олдин бошқа эллардаги устунларнинг муддаосини билиб, ўзига қаратиб олмоқчи эди. Абай ҳақида олдинроқ сирлашиб, гапни ҳар томонлама бир жойга қўйиб, ниятларини билишиб юрган ўзи сингари ғаломус-маккорларнинг авзойини билмоқчи эди.

Ўзидан олдин кўчиртириб юборган иккита катта уйда борган куниёқ бир қулун, катта-катта қўйлар сўйдириб, бир гала меҳмон чақирди. У ерга келган кишилари фақат Семей ўязининг саҳродағи бўлисларидан келган тараффорлари, тилакдошлари эди. Эртасига Қорамўлага йигилган бўлис, бий, бой, барча йўғонлар орасида тонг чогидаёқ «Тўбуқтилик Ўразбой бойнинг» номи оғизга кўп олина бошлади.

Ўша куни чошгоҳда Ўразбой катта бия сўйдириб, ўз уйларининг ёнидан, Аршалининг бўлиси Рақишининг

овулидан олдириб, яна иккита оппоқ-оппоқ уй тиктириди. Меш-меш қимиз олдириди. Йигит-ялангларни ҳоригунча ишлатди. Чошгоҳ пайтида семиз бўз бияни узун сиртмоқ, тор нўхта билан олдириб келди-да, фотиҳа беришларини сўраб, бугун йиғилган кўп дўстларининг олдига кўндаланг қилди.

Ёнидаги Тўбуқти устунларидан ёши улуғи Бойғулоқ эди. Ушандан фотиҳа олди. Бўзқашқани сўйидирди. Бугун кечаги меҳмонлар устига яна Семей уездининг шаҳар атрофидаги бўлисларини, Иртиш бўйининг бўлисларини таклиф қилибди. Унинг устига, Ўскамен — Ўст-Каменогорск, Зайсан уездларининг шу ярмаркага келган бир қанча устунларини, бой-бадавлатларини ҳам қўшиб чақирибди. Юқори Наймандан келган Қурбон дегап бой ҳам бор. Иртиш, Олтой юқорисидан, Қоратой элидан келган Эркежон ҳам таклиф қилинибди. Керей-Матой элининг, Мурин, Сибон элларининг ҳам қанча-қанча мирзалари, тўралари, отоқли аъёнлари айтилибди. Буларнинг ҳаммасини зиёфат қилаётган Уразбой эди.

Уразбой бугун ҳам енгилгина кийинибди. Устида ўша оқ тўн, бошида оқ қуён телпак. Лекин ўзи тўрга чиқиб ўтириб оқ оралаган қаттиқ қилли, узун қора соқолини силаб қўяркан, ҳар бир гапни қатъий товуш билан ўзи бошлаётир. Кеча ҳам, бугун ҳам «бу ерга йиғилгалар бир бўлисга яқин халқнинг дов-жанжали, ҳақи-пули, беозор халқнинг ҳиссаси» деган гапларни оғизларига олишмади.

Аслида бу шербешнай беҳисоб халқ, кўп фуқаронинг сон-саноқсиз кўз ёшларининг аризаси бўйича чақирилган шербешнай эди. Уразбой уйига йиғилган, мана шу ўтирган йўғонларнинг безорилик, ғаломуслигидан вужудга келган қанча-қанча ўғирликлар, баримта босишлар, ҳар хил зўрликлар, одам ўлдиришлар ҳам бўлганди. Лекин қазо билан жазони чеккан буларнинг ўзи эмас.

Қани, энди чин адолат тарозуси қурилиб, халқнинг арзи-доди тингланадиган бўлса, худди мана шу саралangan мирзалар-устунларининг ўзларидан кўпчилиги жавобгар, айбордor бўлар эди-ку.

Уч уезднинг начальниклари келишади. Семей уездининг ҳарбий жондароли келади. У улуғ қандай буйруқ қилиб келади, буларга маълум эмас. Лекин шундай пайтда бир-бирларини ўқца тутиб бермаслик учун сафларини бирлаштиришаётир. Бўзқашқанинг қони билан, шўрваси

билин тотувлик топишади. Шербешнайни ўз бошларидаң соқит қилиб ўтказишади.

Буларнинг гапи бир жойдан чиқса, улуғ қаҳрига олса ҳам, қоғозига илинтира олмайди. Шунинг билан йироқдан кайфиятга боқиб, сирларини билишган кўп ширлатонларнинг ҳар бири Ўразбойнинг бўэқашқасига эҳтиёткорлик билан қарашни ўйлаб келишган.

Қимиз, овқат устидаги қисқа маслаҳатларида ҳалиги-дек хупия тугунларини очишмади. Бир уйга йигилиб бош қўшиб, бир чорадан шўрва тотишларининг ўзиши «етарли бўлди» деб билишади. Бу шербешнайда булар бир-бирини ёмонлашмайди. Ярадор ҳам қилишмайди. Аксинча, биттаси илиниб кетадиган бўлса, қолганларининг ҳаммаси бирлашиб, ўшанинг йўлида олишиб, жонбозлик қилишиади.

Шундай қилиб, булар бир мўлжалда иш кўриб, бир ёқадан бош чиқаринса, ҳалқнинг ҳақи, кўп мўмин одамларнинг анчадан бери сурғалиб келаётган арзи-доди, ғуссаси, стол тортмасига тушиб, аҳамиятсиз бўлиб, эсга олинмай қолиб кетади. Ўразбойнинг зиёфатига йифилгандар эртага келадиган улуғ ҳақида, уларнинг орқасидан келадиган қозоқ тўраси, тилмоchlар тўғрисида сўзлашишди.

Энди Ўразбай ўзининг ғарази, қасдлиги, жоҳиллиги орқасида пайтини топиб туриб, гапни Абай устига кўчирди.

Қунанбойнинг ўғли Иброй тўғрисида бутун Семей бўлиси батафсил билар экан. Унинг гапи, ўгитлари етаётган эллар ҳам кўп экан. Ўразбой Абайнинг номини даставвал оғэзига олганда, зиёфатда ўтирган йўғон-устунлар эмас, хизматда юрган оддий, беозор оқсоқоллар, битта яримта бошқа одамлар шодланиб хотирлашгандек бўлишди. Лекин Ўразбой гапни тезда тескарисига олиб кетди. Аввало: «Абай улуғ ғазабига олган, хатга илиниб турган киши» деб ўзларини амалдор ҳисобладиган, хушомадгўй, мансабпараст бўлислар, тўраларни бир чўчишиб қўйди.

— Семей уезди ғазабига олиб, Абайнин шу ерга чақиритириб келди. Область суди уни кўп ишлар юзасидан терговга оладиган кўриниади. Яна, айниқса, жондарол маҳкамаси қаттиқ дарғазаб бўлиб, Абайга тикилиб турибди дейишаёттир. Шу гал Абай нобуд бўлмай иложи йўқ! Эртага мана шу ҳаммамизнинг олдимиизда жавоб

ғладиган кўринади деб, жондарол билан уяз, яъни уезд маҳкамасининг тилмочлари бизга хабар қилишибди!— деди.

Бу гапларига қараганда, Ўразбойнинг ўзи душманми, ҳолис қариндоши? Қандай кўнгил билан айтаётганини билдиromoқчи эмас. Лекин кейинчалик, бир-икки оғиз гап айланганда, йўғонлар орасида Абай учун ранжигандек вазият олувчилар бўлмади. Аксинча, ҳаммасида ҳам Абайга, унинг обрўй, донғига баҳиллиги келиб, ҳасад қилаётгандек бир ҳолат кўринди. Шуни фаҳмлаб, яна баъзиларининг учқунланаётган гапларини эшитиб олгач, Ўразбой энди ўша гапнинг тагини очди.

Шундан кейин Ўразбой Абайни оқ подшога қарши деб ёмонлади. Ҳалқни мусулмончилик йўлидан, ота-бобо урфи-одатидан айнатувчи деб ҳам айблади. Қозоқ одати билан ёндашиб келиб, ўзга йўғонлар бугунгача эшитмаган янги бир туҳматни яна ортди. Қунанбой болаларининг ўртасида қолган меросни Абай ўз жигарларига бермай тортиб олибди. Ҳөзир шундай зўрлик қилиб ўтирибди!— деган гапни бошлади.

Шунга боғлаб Абайни хасис, тамаъгир, молпараст қилиб ҳам кўрсатди. Ушанга далил қилиб: «Отаси Қунанбой ўлганда юртга ош бермаганини кўрдингми!» деб ҳам юборди. Бу ҳақда йўғон устунларнинг ҳаммаси баравар гапга аралашиб, бир оғиздан Абайни айблашди.

Қимиз ичиб, қизишиб олган сибонли тўралардан бири қўлига дўмбира олиб, динғиллатиб ўтириди-да, бир банд шеър ҳам айтиб юборди.

Салом айтгин Ибройга¹ бўлам² эди,
Купакамга³ ош бериб сийламади.
Меҳмон қилиб қариндошин рози қилса,
Озгина харажатдан ўлармиди?—

деб, тўхтаганда, ҳаммалари завқ билан ҳаҳолашиб кулишиди.

Бу тўра Абай сингари, Қоракесек Бўшанинг жияни эди. «Бўлам» деганда ўшани хотирлаб айтганди. Шеър-

¹ Абай демоқчи.

² Ҳолавачча.

³ Қунанбой.— Ред.

нинг сўнгги қоғиясини келиштиrolмай «ўлар эдими» деган гапни «ўлармиди» дейишининг ўзини жуда ўринлатгандек қилиб кўрсатди.

Уша бир нўноқ гапини айниқса баланд овоз билан айтиб, ҳаммадан олдин ўзи шарақлаб кулди.

Абайни ёмонлаш йўлида ҳамнафас бўлган йўғонларнинг орасидан бир вақт Керей-Рақиш ўдағайлаб чиқди:

— Шу дейман, отадан бола ортиқ туғиладими-а?— деб, жавоб кутаётгандек ўтирганларга қараб турди.

Кўпчилик «отадан бола ортиқ бўлиб туғилмайди» дейишга мойилдек кўринди.

Рақиш бу кайфиятни англаб, Уразбойнинграйига ром бўлиб ўтириб, Абайни ёмонлаб кетди:

— Қани, шундай экан, мана шу Абай кечаги минорадек бўлган, беҳисоб қозоқ ичидан баравар обруйга эга Қунанбойдан ўзини «ортиқ туғилдим» деб ўтирибди-ку. Отасининг кўзи ҳаётлигига ёқалашиб, юлқилашиб ўтган эди. Ўлганидан кейин ҳам ўша отанинг обруйи-донғи ошиб кетмасин деб, ўзи тагига босиб ўтирибди. Шунинг учун ош бермади-да! Уша отадан қолган мол-мулкни бошқа ўзи билан тенг ҳақли бўлган жигарларининг каттасию кичигига бермай, жоҳиллик, йиртқичлик қилиб, яна ўзи босиб ўтирибди. Шунинг ўзи ҳам ота билан боланинг ўртасидаги ўтган давр ичидан замоннинг айниб, бузилиб бораётганини кўрсатиб турмайдими? Кўзига тупроқ тўлмай туриб, отасига хиёнат қилиб ўтирибди! Яна бу ишларни ҳаддидан ошиб ошкора қилиб ўтирибди!— деди.

Уразбой бу гапни илиб кетди.

— Баракалла, Рақиш тўғри айтиётир. «Беҳисоб қозоқ ҳалқининг ичидан сўзларим ёйилаётир, мени танқид қилмайди. Мен нима қилсан ҳам йўл-йўриқ бўлади» деб, қадимдан элнинг бурчи ҳисобланадиган қоидасини бузиб ўтирибди. Ёмон-ёмонлик қилса, уни тиядиган қонун бор. Энди мана шундай ўзи «яхшиман» деб чиқиб, ўзи ёмон йўл-йўриқка бошлаб ўтирган, кечаги чин яхшининг бағридан чиқкан, ҳалқни бузувчи-фитначига нима чора кўриш керак? Ҳеч бўлмаса, мана шу ўтирган, ўзларингдек эл яхшилари шундайларни орадан ситиб чиқармайдиган бўлса, яхшининг яхшилиги қанию, фазилати қани?— деб, кўп маломатларни Абайнинг устига тўнкарди.

Шунинг билан Бўзқашқага таклиф қилинган ҳамма йўғонларга, улуғ ва мансабдорларнинг ҳаммасига Ўраз-

бой ўз ниятини билдириб; уларнинг олдидан ўтиб олди. Унинг эндиги мўлжали бўйича мана шу йиғинда бўлган одамлар билан холи учрашиб, алоҳида-алоҳида сўзлашиб, гапни бир жойга қўйишгина қолди. Бугунги йиғилишнинг ютуғи кўп. Уч, тўрт дуоннинг¹ казо-казоларида Абайга ҳомийлик қилиб, унинг ўртасига тушиб, бир оғиз гап қотгудек майил йўқ.

Иккинчидан, эртага Ўразбой бош бўлиб, улуққа арзачақиқни кўпайтириб берса, шу ўтирганларнинг ичидан кўплари ёлғиз-ёлғиз тергалганда, Ўразбойнинг сўзини қувватлаб чиқиши шубҳасиз.

Учинчидан, мана шу кўп ўлкадан йигилган бой-бадавлатлар орасида Ўразбой найзанинг уни бўлиб кўринишга ярайди. «Ўразбой — бой» деган, Ўразбой — эндиги Тўбуқтининг сўз эгаси бўлган бардам-бақувват устуни» деган овоза тарқалди. Унинг устига, Ўразбой шаҳар тилмочларини ҳам порага учириб олиб қўйган.

Меҳмонларни жўнатиб, кечки салқинда, ташқаридан қимиз шопиртириб ичиб ўтирган Ўразбой, ўзи қуриб қўйган тузоқ-домларнинг ҳаммасидан хурсанд, кўнгли тўқ бўлиб ўтирганди.

IV

Қорамўлага Абай худди шу кеч оз киши билан ғовур-ғувурсизгина келиб тушди. Унинг келганидан Ўразбой ўша оқшомдаёқ хабардор бўлди. Илгари Абайга «халқ ҳурмат қилиб, бий бўлиб кетадими», «кунимиз қоладими» деб, бошқа эллардаги мансабдорларнинг кўпчилиги мулизимат қилиб туришарди. Ичларидан душманлик қилиб юришса-да, унинг синовидан, одил қозилигидан чўчиб юришарди.

Шунинг учун Абай борган йигинларда унга «салом берамиз, кўриб келамиз» деб, келадиган тўралар кўп бўлар эди. Бугун Абай ҳузурига фақат фуқаролардан арзи-доди бўлган кўп одамлар келишди. Мансабдорлар — ўйғонлардан бирорта киши келмади.

Сийраккина тўп билан келган Абай, ўзининг озгина ёр-биродарлари орасида биринчи кечани ўзгача тинчлик билан ўтказди.

¹ Дуон — уезд маъносида.— Тарж.

Эртасига туш пайтида уч-тўрт дуоннинг бўлислари, зўравонлари улувлар тушадиган оқ уйлар томон тез-тез кўз тикишиб қарашиб туришарди.

Бўлисларнинг бўйниларида жез занжирга ўрнатилган катта-катта жез нишонлари бор. Илгари оталари тортиқقا олган нишон тақилган чопон, тўн кийганлар ҳам бор. Оталари ўз даврида олган тортиқ тўнларни бугун ўз қадри тушган авлод, наслларнинг баъзилари атайин кийиб олишибди.

Кенг яйдоқ ерда гардиш-гардиш бўлиб давра қуришиб, тўдалашиб туришибди. Бошқа вақтларда қозоқ йиғини доим ўтириб сўзлашадиган бўлса, ҳозир улуққа пешвоз чиққанлари учун типпатик туришибди. Номозда сафга турғандек ноилож туришибди. Норозилик, ҳориб-толғанликларини билдирмай, ҳаммаси ҳам чидашга тиришади.

Ўрганиш бўлиб кетган одатлари бўйича улуғлар бу йиғиннинг олдига келишга шошилмади. Бўлисларнинг оёқ устида туриб кутишаётганларига бир соатдан ошган бўлса-да, оқ уйларнинг яқинида юрган чопарлар, қизил телпакли стражниклар, улардан нарироқда турган майда тўралар, ясовуллар қаторида шошилинч ҳаракат йўқ.

Кун қиёмга келган пайтда, Қорамўла ярмаркаси устида қийғос-сурон,чуввос, ур-йиқит-тўпалон кўтарилиди. Чангитиб чопганларича юзларча ясовуллар от қўйишиб келишаётир. Қўнгироқлари жиринглаб, катта извошларнинг тройкалари тўп-тўпи билан келаётир.

Худди шу галгидек, турна қатор бўлиб кетаётган катта куч сингаричувалашиб, чопганларича чанг-тўзонни бурқиратиб келаётганларни ҳалиги турган бўлисларнинг кўпчилиги «илгари кўрмаган эдик» дейишлиди. Бу гал улуғлар дабдаба, даҳшат билан келишаётир. Бош қўшиб келаётганларнинг ўзи ҳам ҳазилакам эмас. Аслида икки-уч крестьян начальниги билан биттагина Ўяз бўлиб, эл ичида бош қўшганда ҳам катта бесаранжомлик бўлар эди. Бу ерга уч Ўяз келди. Уларнинг ҳар бири қўл остида бешдан-олтидан крестьян начальниклари ҳам бор. Ўшанга яраша уларни сақловчи пристав, урядниклар яна ҳам кўп.

Мана шундай уч уезднинг катта-кичик улуги бўлиб, областнинг ҳарбий жондаролини қуршаб олишган. Жондарол бўлса, шу каби юришларда ўзининг донғини ошириб, дабдабани хўп ўрнига қўядиган, уста одам. Шу гал унинг мана шу қозоқ орасига чиқишига бошқача маъно

бериб, область полицмейстер маҳкамаси оддий пристав, урядник, стражниклардан ташқари, бир қанча жандарм офицерларини, алоҳида полицияларини қўшиб юборган.

Тилмоchlар билан ҳар маҳкаманинг хат юритувчиларин, яна ҳар хил даражали маслаҳатчилар, яширин маслаҳатчилар ҳам кўп эди. Подшоликнинг мана шундай бюрократ, мансабпараст, хилма-хил тўдаси Қорамўладек кичкина ярмарканинг атрофини селдек босишиди. Извошларнинг ўзи узилиб-уланиб беш-олти чақирим ерга чўзилған.

Улуғларнинг шунингдек дабдаба билан келиб тушаётганини эшитганда, ўз боши балога йўлиқмаган, аксинча, улуғ билан зиддан, енг ичидан алоқаси бўлган бўлислар билан йўғонлар йироқдан туриб шодланишаётир.

Абай тўдалашиб турганларнинг ўрталигига келиб, олдинроққа чиқди-да, бўлажак ҳолатни бамайлихотир кутиб турди.

Шундан сал олдинроқ ўз ишининг қай ҳолатда эканлигини пайқамоқчи бўлиб, бир таниш тилмоқ орқали янги келган Лосовскийга салом йўллади. «Мен билан бир нафас учрашиб кетса экан!» деб ўтинди. Шундан сўнг Лосовский ўзи тушған уйдан лоп этиб чиқиб, қовоғини солганича Абайнинг олдига келди-да, кўп қўпол, кўнгил қоладиган иш қилди. Корпус маҳкамасининг бу кундаги яширин маслаҳатчиси — аввалги Лосовский эмас. Абайнинг устидан тушған кўп арзларни Ўязга қўшилиб, Абайга қарпи ишлатадиган нияти борга ўхшайди. Фақат, жондаролнинг қандай қарорга келиши номаълум бўлгани учун, Лосовский ўз сирини дангал очиб айтмади. Лекин шунда ҳам Абайнинг сўраган гапига жавоб бермай, қулоқ ҳам солмай, жеркиб, гапни қисқа қилди-да:

— Ибрагим Қунанбоев, ҳозирча сизнинг ишингиз ёмон, жуда ёмон. Нега ёмон эканлигини мен айтмайман. Чунки, сиз ҳамма нарсани биладиган, билимли, тажрибали одамсиз. Кўп билимли одамсиз! Ўша, жуда кўп билганингиздан айбингиз айниқса катта бўлиши мумкин. Менинг сиз билан шундан бошқа сўзлашадиган сўзим йўқ. Кўришунча хайр! — деб қовоғини очмасдан, орқасига қайрилиб кетганди.

Абай шу учрашувдан кейин ёнида бирга борган Боймағамбет билан Дарменга ўз иши ҳақида шу гал ёмон бўладими деган шубҳага борганини айтди.

— Лосовский думини товоққа солиб қолибди. Бу кунга қадар адолатли, дуруст чиновник деб, умид қилса бўлади-

ган кишининг бири шу эди. Мен эсон-омон юрган чоғимда, анча хуш кўрадиганга ўхшарди. Ҳозир улуғ маҳкамаси тескари қарай бошлагач, бу ҳам бузилиб қолибди-ку,— деб Лосовскийдан жуда кўнгли қолди.

Бор майли-ю ихтиёри катта улуғлар томон оғиб кетган, бошқа одамга назар солиб, диққат қилолмай аланглаб юрган бўлислар Абайни пайқашмади. Яқин ерда турганлардан битта-яримта таниғанлари бўлса-да, лабининг бир чети билан сўрашди. «Улуғ», «Улуғ», «Жондарол», «Ўяз», «Бизнинг Ўяз», «Халиги бизнинг...» дейишиб, тинчлана олмай, юраклари ҳовлиқиб юришарди.

Абай яна бир оз туриб, бўлисларининг ҳалигидек авзойини пайқаган чоқда, улуғлар уйи томондагилар юргур югар қилишиб, ҳаракатга тушиб қолишиди. Жез қиличлар, ялтироқ тугмалар, зарҳал погонлар ярақ-ярақ қилиб, бўлислар кўзинга ўтдек иссиқ тегаётир. Саф тортиб турган қозоқ бўлисларининг ҳаммаси бир зумда ивир-шивир қилишиб, бир оғиз, ярим оғиз сўз айтишди-да, питирлашиб қолишиди.

- Ана, келаётир!
- Улуғ келяпти!
- Ўязлар!
- Ҳозир жондарол чиқади!
- Бай-бай! Шу улуғнинг ҳайбати-я!
- Хушомадгўй навкарларини қараби!
- Кўзнинг гавҳарини олади-ку!
- Қандоқ қилиб, хайиқтириб ларзага солмасин!
- «Улуғнинг саловати босади» дегани шу-да! Орқам-гача музлаб кетди-я! — деб, ўзлари бўлис бўлмаса-да, бир йўғоннинг фармонида хушомадгўй бўлиб юрадиган бийлар таскин тополмай юришибди.

Яна бир оздан кейин ясовул, жандарм, урядникларнинг дув чиқишган тўдаси, бўлислар сафинынг икки четидан келиб, икки томонга бўлиннишди-да, саф тортиб қолингтиди. Шундан кейин мана шу иккига бўлинган тўпинг ўртасида кўпдан бери кутиб турилган улуғлар — меҳмонлар кўринди. Катта нишонлар, крест медаллар таққан, кийимлари ярақ-ярақ қилган олифта тўда чиқиб келди.

Олдинда кўкраги керилган, баланд бўйли, сочининг олди тўкилиб, тақирланган, юзини қуршаб олган қўнғир соқолли тўра келаётир. Кўп серсавлат киши. Икки елкасида янги эполет, кўкрагида янги ҳошиялик аксельбант. Белида йўғонроқ қорнини тортиб боғланган камар. Кўк-

рагидан қийғоч тушган чиройли боғичга илингган, қора сув югуртириб ишланган кумуш сопли, чиройли қилич тақ-қан. Бошқа хушомадгүйларнинг ҳаммаси бу улуғни олдинга солиб олишган. Унинг орқасидан полковник чинидаги уч-тўрт ўяз келишаётир. Уларнинг орқасидан штатский қора фрак, сюртуклар кийган маслаҳатчилар, чиновниклар қўзғолнишиди. Бўлислар қаторида «Жондарол! Жондарол!» дейишиб, пичирлаган товушлар шувуллаб ўтди. Қамич бошини ел аста тебратиб, шувуллатиб ўтгандек, қисқагина бир шарла қозоқ тўпини тугал айланиб чиқди.

— Жондарол!

— Оқ жондарол!

— «Оқ жондарол» деса, дегундек!

— Ўзи ҳам оппоқ, сўлим одам экан-ку! Шижоати ҳам, савлати ҳам келишган экан! — дейишиб, ҳалиги хушомадгүйлар ҳамон тиним топиша олмаётир.

Жондарол жандармлар қаторидан чиқиши биланоқ, ўнг томондан бошлаб қозоқ бўлисларининг нишонли кишилари билан бир бошдан қўл бериб кўрниша бошлади. Жондаролнинг чап томон пинжига пилдираб, «Керак бўлиб қоламанми?» деб, паст бўйти, семиз япасқи жуссали, танқа бурун, қисиқ кўзли қозоқ тилмоч ҳам келаётир.

Даставвал улуққа қўлни чўзган, Керейлардан чиқкан бўлис — Рақиш бўлди. Тепаси чўзинчоқ қора элтери тумогини кўксига босиб, елкасидан ўқ егандек тўсатдан қадди букулиб, икки оёғи титраб, маймашиб кетди. Ўрта яшар киши бўлса-да мадори қуриб бораётгандек, бўғинларини тўхтатолмай қалтираб кетди. Тили ҳам тутилиб қолди. Оғэзига келган бор жўялик гапи: «Здрастий, тақсир!» бўлди холос.

Ундан кейинги бўлислардан ҳам ўзини тўхтатиб, эс-хушини йиғиб ололгани бўлмади. Булар ҳам типирчилаб, тумоқлари, телпакларини кўкракларига ёки қоринларига босишлиди. Эгилишиб, букилишиб қолишлиди. Бамисоли бир қорин оғриққа йўлиққан кишидек, ҳаловатларидан айрилишиб, худосига ёзиқли бўлиб, пилдирашиб туришибди. Уларнинг ҳам оғизларидан фақат ўша Рақишнинг «здрастий, тақсир!» деган гапи чиқди холос.

Жондаролнинг орқасида келаётган тунт юзли ўязлар мийигларида кулиб қўйишиди. Жондарол қозоқ тўдасини оралаб ўртага келди. Шу чоққача «Здрастий, тақсир» дан бошқа бир дурустроқ гап толған қозоқ бўлиси бўлмади. Бирортаси жондаролга ўзларининг отини-кимлигини ай-

тишга ҳам ботина олмади. Бир вақт жондарол Абайга яқинлашиб келди. Унинг бўйнида нишони, эгнида уқали чопони ҳам йўқ. Лекин шаҳар нусхасида яхшилаб тикилган узун пешмат, устидан юпқа симови тўн кийганди. Кўркам юэли, ўйчан симоли Абай ёнига жондарол келгандага эркин-бамайлихотир туришдан хиёл бўлсин ўзгармади. Жондарол қозоқлар тўпининг ҳаммасидаи бошқача, кўркам симоли бўлган бу қозоқни кўриб, ҳайратда қолгандек, бир дақиқа кўз ташлади. Абайга ҳам бош эгиб, қўлини чўзиб сўраша бошлади. Шу чоқ Абай ҳам саботини сақлаган ҳолда, тарбияли одамларча бош эгди-да:

— Зздравствуйте, Ваше превосходительство! — деди. Шунинг билан бирга жондаролнинг қўлини қисиб сўрасаркан: — Ибрагим Кунанбаев! — деб, номини айтиб танишитирди.

Аввалига тўхтамай келаётган жондарол Абайдан ярим қадам орқага ташланди-да, ялт этиб қараб:

— Кунанбаев! А-а, ҳалиги ҳалқ ичида ғалаён кўтараётган Кунанбаев сизми? — деди.

Шундан кейин Абай билан иккови бир-бирларига тикилишиб туриб, русчалаб савол жавоб қилиб кетнишиди.

Абай дарҳол жавоб берди:

— Ҳа, ўша менман, Ваше превосходительство.

— Ҳўш, сиз нега ундан бўлдингиз?

— Мен курашаман! Сабаби шундай...

— Нега курашасиз?

— Курашиш — ҳаёт қонуни. Дунёдаги бор нарсанинг ҳаммаси кураш орқасида такомиллашади! Менгина эмас, ҳатто, сизнинг ўзингиз ҳам курашасиз, Ваше превосходительство.

Жондарол сал ўйланиб тўхтаб қолди. Яна бир қадам чекинди. Абайнини бошдан-оёқ кўздан кечирнб, ўрайиб қараб чиқди. Бир нафас қаттиқ ғазабланди. Бошининг туки тўкилган жойигача қип-қизариб кетди... Шу хил дабдаба билан чиққанида, шунча ҳалқ олдида аллақандай саҳройи бир қирғиз ундан тап тортмай, қисилиб қимтингимай жавоб қилаётир. Яна жавоби қандоқ!? Жондарол ўзига маълум бўлган баъзибир чақиқ қоғозларга суюниб, «бу қайсар қирғизни ушлатиб қўйса нима қилади?» деган ҳаёлга ҳам борди.

Лекин унинг ҳалиги гапига яраша ғап, муомаласига яраша муомила қилолмай, таппа ушлатиш мана бу ҳалқ олдида очиқдан-очиқ можаро чиқариш, қўполлик қилиш

бўлиб чиқиши ҳам мумкин эди. Шунинг учун энди қаттиқ жеркиб гапирди.

Янада ўқрайиб:

- Сиз нима билан, кимга қарши курашасиз?
- Мен ёвузлик билан курашаман.
- Нега сизни кўпчилик ёмонлайди?

— У ҳам ажаб эмас... Ҳаётда ёвузлик кўпми? Яхшилик кўпми? Менинг билишимча, ёвузлик билан ёвузлар кўпроқ... Шундай экан, уларнинг товуши кўпроқ чиқиши ҳам турган гап...

Атроф жимжит, ҳамма жим бўлиб қолган. Үразбой турган томондан қозоқча ивир-шивир гаплар эшитилиб турибди. «Сўзлашиб қолишиди-ку!», «Улуғ бўгун ғазабдан тушган кўринади-ку!», «Сўзга қулоқ солса, эвини қилиб кетадими?» дейишиб Мўлдабой, Абрали, Жиреншелар шубҳаланиб, ҳаяжон ичидаги савол беришаётир.

«Уришаётирми?», «Тергаётирми?» дейишиб, гаранг кишидек аланглаб, ёмонлик тилашаётган бўлса-да, шаҳди қайтиб турган Үразбой, тиқилинч қилиб, ўзи сингари русчани мутлақо билмайдиган Жиреншедан жавоб кутаётир.

Жондарол ҳамон Абай ёнида, ҳамон кетмай турниб қолди.

- Сиз шундай дейсизми?
- Шундай дейман, Ваше превосходительство!
- Шу айтган гапларингизни сўз билан, иш билан тасдиқлай оласизми?
- Тасдиқлай оламан деб, қаттиқ ишонаман.
- Ну... кўрамиз! Юринг менинг орқамдан! — деб, жондарол буйруқомиз сўзлагандек бўлди-да, олдинга қараб кета берди. Абай барча қозоқлар қаторидан чиқиб, салмоқли одимлар билан жондаролнинг орқасидан кетди.

Оддий қозоқларгагина эмас, тилмочларга ҳам жондаролнинг ҳалиги энг сўнгги гапи билан муомаласи англашилмай қолди.

Абай «кураш» деган гапни шунчаки айтибгина қўя қолган эмасди. Худди шу дамда ўша «кураш»га ўзи тайёр ҳам турганди.

Шу йўсинда курашга маҳкам бел боғлаб, жондаролнинг орқасидан кетди. Мана бу улуғнинг ҳали, сўнгги дақиқада нияти қандай бўлганини Абайнинг ўзи ҳам аниқ билиб, англай олмай келаётганди.

Лекин тез-тез олиб борилган савол-жавобда Абай ўзининг бир неча бор жондаролни тўхтатиб қўйганини энди

хотирига олди. Нечоғлиқ қаҳр-ғазаб билан жазо берса-да, бу улуғ билан олишиб қолмоқчи. Ғазаб ичидә қайсарлик-ка кетиб, аҳд қилиб келаёттир.

Қаддини тиклаб, кўкрагини кўтариб келаётган Абай, ҳозир бир кўркамлик кашф этган. Қатор турган улуққа қўй қовуштирган хушомадгўй бўлислар ёнидан Абайнинг ўзи ҳам улуғларча гердайиб, қадам ташлаб ўтди. Бу чоқ тўсатдан Абай учун фойлали, ўзгача бир ҳаракат пайқалди. Жондаролнинг қандай мақсад билан Абайнин эргаштириб кетаётганини фаҳмлаган киши бўлмаса-да, кейинги бўлислар билан бийлар Абай ёнларидан ўтаётгандага бир бошдан унга ҳам ҳурмат билдира бошлишади. Аввало жондаролга таъзим қилишади-да, унинг орқасидан тезда Абайга ҳам қўлларини чўзишиб, хушомад қилишади, улуғлаб, ўтказишади. Лаганбардорлик билан сўз қотишиб: «Мирза, оқ йўл бўлсин», «Обрўй берсин, мирза» дейишиб жилпанглашади. Абай индамай келаёттир. Лекин жондарол бу кайфиятни беихтиёр пайқади. Ўзи ғазаб билан эргаштириб келаётган қозоқни бўлислар кўп эътиборли одамдек хушомад қилиб, ҳурматлашаёттир. Абай бу кайфиятга ичидан истеҳзо билан бокди. Жондарол уни қўрқитаман деб эргаштириб, энди ундан барча ғаломус ўйғонларни қўрқитиб қўйганини ўзи ҳам англамай қолди. Улуғларнинг шу хилда алғов-далғов бўлиб, саросимага тушиши чинлан ҳам кулгили эди.

Жондаролнинг қозоқ бўлислари билан учрашуви мана шу икки-уч минут давомида бир қатордан кўришиб ўтиш билан тамом бўлди.

Жондарол тўдани айланиб чиқди-ю, изига қайтиб, тўхтамай кета берди. Тўпланиб турганларнинг орасидан чиқканда, орқасига қайрилиб Абайнинг келаётганини пайқаркан, ўшанга бир-икки оғиз сўз айтиб кетаётгандек бўлди.

Улуғ кетиши билан Уразбой, Жиреншелар интилиб олдинга чиқишиди-да, Абайларнинг орқасидан қараб туришди. Буларнинг шўрига жондарол орасидаги бошқа йўлдошларига, улуғ навкарларига қарамай, ҳамон Абай билан сўзлашиб кетаёттир. Сўнгги бир пайт сирини очса керак эди. «Абай жондарол уйига кирадими, ёки эшик олдига борганда улуғ уни бошқа бир кишисига топширадими!» деган энг сўнгги умид бор эди.

Жиренше жондаролнинг ҳаракатига қараб туриб, иккни буклаб олган қамчини билан сонига бир солди. Жон-

дарол ўзи учун қурилган саккиз қанотли оқ уйга Абайни бошлаб кириб кетди. Яна бошқа улуғлардан бирор киши бу уйга кирмай, эшик олдида қолишли.

Жиренше билан Үразбой кўз олдиларидан ўтган ҳалиги сиртқи кўринишга қараб, ичларидан «иш тамом» дегандек бўлишса-да, ҳамон турган жойларидан кетиша олмади. Икковининг дамлари ичларига тушганича «Нима бўлар экан!», «Нима қилар экан!» деб туришибди. Бир умид, бир шубҳа билан гангиб, жондарол уйининг эшигига тикилиб қолишли.

Орадан бир қанча вақт ўтди. Икковининг ёнига яна бошқа қозоқлар ҳам келишибди. Уларнинг вақтлари чоғ бўлиб, нимадандир шодланиб сўзлашаётган одамларга ўхшардилар. Жиренше билан Үразбой баравар қайрилиб ўнг томонларига қарашса, буларни оёқ ости қилгандек кулишиб турганлар Абайнинг одамлари экан.

Улар: Дармен, Боймагамбет ва жотоқларнинг ёш йигити Серкеш эди.

— Душманлар бира тўла таҳтага олинди-да, ановини қара! — деб, Серкеш жондарол уйи томонга ишора қилиб, Боймагамбетга яна бир яхши белгини кўрсатди.

Қисиқ-қисиқ кичик кўзларини шинграйтиаркан, оғзининг таноби қочиб, кулиб туришибди. Боймагамбет ҳам ҳозир буларнинг кўзига тушган, арзимаган бир ишга чиндан кўнгил бўлиб, шодланиб гапирди. Дарменни туртиб, оқ уйларни кўрсатиб:

— Анов урядникни кўрдингми, Дармен! Патнисга қўйиб, икки стакан чой олиб кетаётгани йўқми? — деганда, Дармен ҳам севиниб кулиб юборди.

Жиренше билан Үразбойнинг бу арзимаган ишдан англашгани ўзларига қаттиқ калтак бўлиб тушди. Иккови ҳам қўл силтаб, қовоғини солганича орқага қайтиши.

Абайнинг уч йўлдоши мана бу душманларнинг бира тўла тинкаси қуриб бораётганини дарҳол фаҳмлашиб, жўрттага ҳовлиқиб сўзлай бошлашди. Дармен қайрилиб кетаётган иккита йўғоннинг елкасига ўқ узгандек қилиб, улар учун қазодек бўлган хабарни атайин кулиб айтиётир.

— Жондарол Абайни ҳайдатиш ўёқда турсин, ардоқлаётир. Устига ўязни ҳам киргазмай, ёлғиз Абай билан ўтирибди. Абай оғамнинг обрўйи ҳамиша шундай ошсин! Ҳасад қилгувчи ёвузларнинг қораси ўчсин! — деди.

Шеър билан айтиётгандек, кўп ёвузларга лаънат ҳукмини ўқиётгандек қилиб гапирди.

Ўразбой билан Жиренше унинг кўп гапларини эшитиб турган бўлсалар-да, эшиитмаган, парно қилмаган киши бўлиб қўя қолиши.

Худди шу чоқ Ўразбой, Жиреншеларнинг улуғлар уйига қараб туришганини пайҳаб, ҳали жондаролни икки букилиб қарши олган бир-икки бўлис ҳам яқин келишди. Биттаси — сўзамол, сертажанг, кўп уста бўлис — Рақиш эди. Улар Ўразбой билан Дарменларнинг орасига киришаркан:

— Хўш, нима гап, бирор нарсани билдиларингми?

— Ҳалиги Абайни қаерга олиб кетди! — дейишиб сўрашди.

Дармен билан Боймагамбет шу орада бир-бирига қараб, секингина ияқ қоқишиб, кўзларини қисиб қўйиши. Уша он «қани» деб олишгандек, иккови бири олиб, бири қўйиб, ҳозирнинг ўзида ўзлари тўқиган миш-миш гапни баралла гапира бошлашди.

Жўрттага Рақишлиар билан уларнинг нарёғидаги Жиреншеларга эшитидириб, ҳамма гапдан хабардор бўлган, ўшанга кўлириб, шодланиб сўзлаётган кишилардек бир вазият олиши. Аввало, Дармен гап бошлади:

— Ҳа, жондарол шу гал Абай билан келишади! — деган гап бекорга айтилга дейсанми?

— Тўғри, ўша хабар аниқ бўлди.

— «Бошқа қозоқни киши қаторида кўрмайди. Жондарол бўёқда бўлислар бор экан дейдиган эмас. Уларнинг нишонини тозининг бўйнидаги боғичдек кўрмайди!» деган гап ҳам тўғри чиқди! — деб қўйиб, Дармен орқасига қайрилди. Кўкракларида нишонларини ялтиратиб турган Рақишлиарни гўё энди кўрган кишидек хиёл ўнғай-сизланган бўлди-да:

— «Бўлис — бўлис эмас. Ҳамма бўлисларнинг улуғи шу гал Абай бўлади» деб, маслаҳатчининг ўзи ҳам айтибди-ку, — деб қўйди. Боймагамбет гапни тезликда илиб кетиб:

— «Жондарол билан кўп сўзлашса бўлади, Абай ҳатто бош бий ҳам бўлади» дебди советник!

— Бу гапинг тўғри. Худди шу бугун Абай ўша уйдан бош бий бўлиб чиқади, мана кўрарсан!

— Тўғри экан-да. Қора қозоқнинг гапи эмас, катта улуғнинг маҳкамасидан чиққан гап бекор бўлгувчи эдими? Кўраётиссанми, ана! Жондарол уйида фаҳат жондаролнинг ўзи билан Абайгина ўтирибди!

— Дамингни чиқарма, гапни бир ерга қўйишаётир!— деб, қайрилиб кетаётib қарашса, Рақишилар имлаб чәқирган уч-тўрт бўлис ҳам Дармен билан Боймагамбетнинг орқасида туришган экан. Ҳалиги гапларнинг ҳаммасини эшишиб туришган экан.

Тинкаси қуриган Жиреншегача яқинлаб келибди. Итдан қўрқан тақадек соқоли билан иягини ёқасига тиққанича икки кўзини бақрайтириб қулоқ солаётир.

Дарменлар бўлисларни энди кўриб қолгандек, гўё сир бермасликка тиришаётгандек бўлишиб, гапни тўхтатишиди.

Рақишилар билан ёшроқ, кўсароқ бир бўлис манави икки йигитга яқинлаб келишиб, ҳалиги эшишган гапларини қайта сўрай бошлишди.

— Ҳой, нима дедиларинг, чироқларим! Абайга улуғ шундай хабар юборган эканми?

— Советникдан шундай хабар келган эди дегин! Оббо, бизнинг қозоқ ҳам нодон-да! Уша Абайнинг обрўйини кўролмай, қасдлик қилиб, ит бўлиб юрганлар ҳам бор-ку! Уни сенлар билдингларми?!— деб, шу сўнги сўзни Рақишилар билан ҳам Дармен билан Боймагамбетга ёқиш ниятида айтди.

Дармен кулиб юборди. Рақишилар кечагина Уразбой уйида Абайни кесатиб-муқатувчининг биттаси эди. Энди сал вақт ўтмасданоқ «Шамол шу томонга эсиб қолдими?» деб, икки томонга оғиб турибди. Дарменларни Абайнинг чин тилакдош одамлари деб билади. Ушалар Абайга Рақишиларни яхши деб боришин деган ният билан гап ташлаётир.

Уни Дарменгина эмас Жиренше, Уразбойларгача фаҳмлашди. Иккови ҳам қўл силтаб, ранги бир хил бўлиб, қорамтири товлаб кетганича ноилож орқага қайтиб кетишиди.

Шу дамларда Абай билан жондарол ўртасида бир қанча зидлашиб, пай қирқишишадиган гаплар ўтаётганди. Жондарол кўпчилик олдидағи баъзи бир саволларини тақрорлаш билан бирга яна аввалгидек ғазабланиб кетганди. Энди холи жойда Абайга зарда билан даҳшат қилиб, ўшқириб гапирди.

— Курашаман, курашаман!.. — деб, Абайни эрмак қилиб, унинг сўнгги сўзларини тақрорлади. — Саҳродағи биринчи сорт фитначисиз. Ҳамма бўлислардаги инобатли, улуғлар олдида ишончли одамлар сизга қарши ўтинчлар,

аризалар ёзишган. Ўшалар бекорга ёзган эмас. Сиз саҳронинг тинчлигини бузувчи бўлганингиз учун ёзган. Сизнинг ўрнингиз саҳро эмас. Сиз ундан улоқтириб ташланадиган одамсиз. Мен сизнинг ўзингизга ростини айтдирмоқчи, айбингизни бўйнингизга олдирмоқчи бўлиб эргаштириб келдим. Яширанги, осонлик билан оқлана-ман десангиз янгишасиз! Яна бугун қўлимда турган далиллар билан ҳозир шу ернинг ўзидан ўн икки соат ичидан сизни Семей турмасига юбориб, ундан Сибирнинг энг узоқ каторгасига, қозоқ саҳроси яна қайтиб сизнинг номингизни эшифтайдиган жойга юборсан бўлади. Тўғрисини айтинг, сиз саҳрова нима қилмоқчисиз? Нега сиз, биз қўйган ҳамма ҳокимлар билан аразлашиб, олишиб келаётисиз?

Эшикда жондаролни дастлаб кўрганидан бўён Абай унинг симосидан умид этарлик аломат кўрмаганди. Мана бу гапларидан эса ўз бошига тушадиган аниқ хавф борлигини фаҳмлади. Лекин ҳали эшикда, жондаролнинг орқасидан келаётисб, курашишга қилган аҳди ҳамон ўзгармаганди. Сесканиш, чўчиш эмас, бадтар ғазабга тўлди. Ҳозир улуғ унга баджаҳл кўринадио, лекин ақлсиз, ҳовлиқма нарсага ўхшайди. Феъли-атвор, ақл билан одамгарчилик фазилати, куч билан олишишга келганда, Абай ўзининг жондаролдан анча устун турганини ҳис этди. Вазиятини бузмай, ҳайиқмай жавоб қилди.

— Ваше превосходительство! Мен у кишилар билан сизлар ҳоким қилиб қўйганингиз учун олишмайман. Айтдим-ку, улар ёвуз бўлгани учун олишаман!

Жондарол ер тепиниб, бармоғи билан столни қаттиқ урди:

— Аввало, сиз шу гапингиз учун жавоб беринг! Ҳоким бўлиб сайданган одамларни «ёвуз» дейишга қандай ҳакингиз бор?

— Уларнинг аслида нима эканлигини билсангиз, мен эмас, ўзингиз ҳам ёвуз дейишгина эмас, кўпларига жазо берар эдингиз.

— Шу гапингизга далил келтиринг! Е сиз, кўп волостной управителларнинг қилмишларига далил келтириб, исботлаб берасизу, шу ишга мени ҳам ишонтирасиз. Е бўлмаса мен сизни шу уйдан чиқарганда, ёнингизга жандармларни қўшиб, турмага жўнатдираман.

Абай шунда ҳам шошиб қолмади. Ўйчан, совуқ назар билан жондаролга тўғри қараб турди-да:

— Хўп, Ваше превосходительство! Фақат кўнглимдаги бор гапни айтдириб, қулоқ солишингизни ўтинаман, — деди.

Абай шу сингари бир вазият олиб, шу хилда жавоб қилгандан кейин, жондарол ялт этиб бир нафас унга қараб хийла ўйланиб қолганича, қаттиқ тикилиб турди. Туриб-туриб, кейин анчагача дамини чиқармай, уйнинг у бошидан бу бошига юра бошлади.

Шу пайтда Абай ҳозир мана шу Қорамўлада шербешнай съезд чақиришига сабаб бўлган катта-катта дов, жанжалларни, қирғин-қиёматларни, баримта босишларни, катта ўерилик сингари жиноятларни санаб ўтди. Бу улуғнинг Абайнин яхши билиши ҳали даставвал учрашган пайтнинг ўзида билинди. Албатта, аввало, у Ўразбойларнинг хусумат орқасида берган аризалари юзасидан билади. Лекин шугина эмас, мана шу Қорамўлага жўнаш олдидан маҳкамасида шу сафарига керак бўладиган қоғозларни йигиштириб қараётганда, шу ёз Алмағамбет топширган кўп қоғозлар ҳам кўзига тушганди. Ҳатто кўп қўллар қўйилган приговорлар бир овулнай эмас, бир қанча овулнайларнинг одамлари бош қўшиб, яқдиллик билан ёзганликларини кўрсатади. Ҳамма қоғозларда «Ибрагим Қунанбоев» нинг номи қайта-қайта айтилган. Бу аризаларни саҳронинг қадимдан келаётган одатдаги аризалари деб, аввало юзаки қаралиб, сипириб ташланганди. Бироқ русча равон тил билан очиқ, англашиларли қилиб ёзилган илтимос-ариза сатрлари беихтиёр унинг диққатини жалб қилганди. Шунда Абайнин қозоқларнинг оқлаши ўёқда турсин, кўчган крестьянларнинг берган акти яна Абайнинг жотоқларга ҳомий бўлиб қилган сўнгги иш-ҳаракатининг ўзи ҳам бир ердан чиқиб турибди. Бу ерга жўнаш олдидан шу жиҳатлари жондаролни Абай ҳақида анча тараффудлантириб, қаттиқ ўйлатиб қўйган эди.

Энди Абайнин аниқ англаб, унинг фикри, ниятини батафсил билмоқчи бўлганди. Баъзан Абайга саволлар ёғдириб, жўрттага унинг мақсадини, кўнглидаги гапларини очиқ сўзлатадиган йўлларни изларди.

Абай ўз фикрини айтаётир:

— Жиноятнинг ҳаммаси қофоз юзига тушган сонсиз кўп оғир ишлар бўлгани учун Ўязлар тиялмай, мировой судъялар ҳақиқий фитначи, ёвувларга жазо бера олмай қолди. Энди мана, уч-тўрт дуоннинг қанча-қанча бўлис-

лари ўртасидаги тортишувлар областни бошқарувчи маҳкамага ҳам тушди...

Ўзингиз ҳам ўша кўп аризаларга ноилож қўнгил бўлиб, қабиҳлик, ёвузликлар билан курашиш ниятида келиб ўтирибсиз. Жиноятларнинг номини атаб чиқсан: ўғирлик, ёлғон гувоҳлик, талон-торож, одам ўлдириш, катта-катта шайкалар тўплаб бир элдан иккинчи элга бориб, мол талаб қайтиш. Унинг нарёғида ҳар бир бардам, бақувват одамларнинг суюши, ёвуздарни ёмош йўлдан қутқазиб, оқлаб олиши, ёлғон ишга приговор ёзиши, хусумат орқасида бирорвга туҳмат ортишлар бор,— шу ишларнинг ҳаммаси устида пора, ғайри қонуний, нотўғри ҳукм, кўп ҳалқни, беозор ҳалқни ем қилиш, беҳад чиқимдор қилишлар бор. Мана, шу сингари ишларнинг ҳаммасини йиғиб келганда ёвузлик деб аталади. Қабиҳлик деб аталади.

«Шу ишларни қиласидиган ким?» десангиз, кўпинча эл ичида моли кўп, йигити кўп, яна керак деса, қўлида ғазнанинг печати, маҳкамаси ҳам бўлган, ҳар бўлисда ўтирган отоқли ҳоким кишилар. Ана энди барча тинибтинчимайдиган, бениҳоят кўп ёвузликлар натижасида молидан айриладиган, ҳақини ололмай қоладиган, адолат тополмайдиган кўпчилик ҳалқ беозор ҳалқ бўлади. «Ҳалол меҳнат билан тинч тирикчилик қиласман» деган меҳнат ахли ҳалиги бардам, бақувват ёвуздардан доим зўрлик кўриб, тенглик тополмай, жафо чекади,—деди.

Абай бугун бир областни бошқарувчи катта ҳокимга даставвал бетма-бет келиб қолгандан кейин: «Оқибати нима бўлади?» деб ҳам ўтирамади. Ҳалқ номидан улуққа билдириш зарур бўлган, ҳалққа ботадиган ишлар билан беҳисоб муҳтожликларнинг ҳаммасини айтиб қолмоқчи бўлди.

Шу айтган танқидий гапларини, кўпчиликнинг арази, оҳи-зори сингари гапларни жондарол англай билса, Абайнинг ким билан ёвлашаётганини аниқ биладигандек туюлди. У ўзини оқлаб ёки ўзи билан олишиб юрган кишиларнинг номини ҳам атамади.

Жондарол Абайнинг сўзларига қулоқ соларкан, бу одамнинг «оддий бир аризаларда, бир хил приговорларда юрадиган қатордаги маккорлардан эмаслигини англади. Шуни англаган сайин ич-ичидан Абайга зидлашиб, шубҳаланиб қаради. Бу қирғиз жондаролнинг саҳрода «учратаман» деб кутмаган одами. Узида «ҳалқ ғамхўри бўла-

ман, унинг гапини гапираман, ҳомийси, курашувчиси бўламан» деган жасорат сезилади. Бир вақт жондарол ўз ичида Абайдан чўчиб ҳам ҳолди. Мана бунинг айтаетган гаплари ҳалиги «озодлик», «халқпарварлик», «социалистик» ғоялар билан боғлиқ программа эмасмикан?» деб ҳам чўчиди.

Бироқ кейин «у ишлар саҳродан йироқда булиши керак, мана бунингдек қирнинг қирғизига ундан фикр-ғоялар етмаган бўлиши керак» деб бу хаёлига хотима берди.

Шундан кейин Абайни яна гапга солиб, бор сирини очиқ айтдиришга аҳд килди.

— Қунанбоев, нима учун сизнинг ҳалиги гапларингизда ёмонлаётган одамларингизнинг ҳаммаси бизлар сайлаб қўйган судъялар, волостной управителлар ва ҳар хил эътиборли, инобатли одамлар бўлиб чиқади? Шу билан сиз кимни ёмонлаётганингизнинг фаҳмига боррасизми? Бизлар қирғиз саҳросига ҳокимларни танлаб туриб сайлаймиз. Сиз уларнинг ҳаммасини ёмон дейсиз, ёвуз одамлар дейсиз. Ундан дейишингизга сабаб, агар мен тўғри тушунган бўлсан, бошқалардан кўра бўлакча убежденингиз борлити эмасми? — деди.

Абайга совуқ назар ташлаб, синчиклаб хўмрайганича сўзлаёттир. Бу гапларнинг тагида «элдаги ҳокимлар ёмон бўлса, уларни сайлаб қўйган биз ҳам ёмон бўламиш-ку! Шундай демоқчисан-да?» деган маъно бор эди. Ўзи Абайнин айлашга мойил бир вазият ҳам олганди.

Бу пайт — зидлашишнинг чиндан ҳам энг оғир, ҳатарли пайти эди. Абай айтадиганини айтди. Ичидан «Эндиликда бир хулоса чиқариш ҳокимнинг ўз бурчи» дедида, ҳудбин, золим улуғ билан ортиқ очилиб, ҳақиқатини айтиб сирлашгиси келмади. Маънолик қилиб бир қараб қўйди-да, кулиб юборди:

— «Ваше превосходительство! Сиз сиңгари катта ҳоким билан умримда биринчи марта учрашувим шу бўлгани учун, сиз бийлаётган саҳродаги чиндан ҳам оғир аҳволларни айтиш зарур деб билдим. Тўғрисини айтсам, ҳалиги мен баён қилган кўнгилсиз ишларни ёлғиз мен эмас, сўраб кўрсангиз, саҳронинг барча беҳисоб ҳалқи ҳам айтар эди. Сиз билан учрашишда ўзим учун адолатдан бошқа ўтинадиган нарсам йўқ. Мен ҳоким бўламан дейдиган киши эмасман. Сиз бўлсангиз зўр ҳокимсиз, қўлингизда кўп қудратли куч бор. Емонлик, ёвузликларни тияман десангиз қўлингиздан кўп ишлар келади. Сизга бўлса,

бизнинг саҳродағи ҳақиқий аҳволнинг кўпи маълум эмас, деб биламан. Ўшанинг озроғини бўлса ҳам, сиз билиб кетсангиз экан деб атайнин айтдим!» — деди.

Бу гап жондаролга маъқул тушмади. У Абайнинг гапини ёқтиирмаслиги устига, ҳали хаёлига келган бир сабаб — баҳона билан Абайнинг ўзини ҳам ёқтиирмаётир. Унда қозоқ ҳалқи фақат қўпол ёввойиликнигина биладиган, улуққа омийлик орқасида, мавҳум қўрқинч ичидаги бўлиш, топинишнигина биладиган ваҳший эл деган тушунча бор эди. Жондаролнинг ўша фикрларининг ҳаммасига мана бу саҳро қозоги Ибрегим Қунанбоев ўзининг бор жуссаси, кўриниши билан, савияси, фикри билан биратўла қарама-қарши келиб турибди. Русча илмли одамдек сўзлашади. Жондаролдек улуғдан ҳайиқмай савияси, тарбияси тенг одамдек сухбатлашади. Эгнидаги пешмати ҳам жуда чиройли рангда, қиммат баҳо сукнодан тикилган. Уни ҳам шаҳар машиначиси тикканлиги кўриниб турибди. Бу жиҳатлари ҳам Абайнин нодон эмас, тенг одам қилиб кўрсатиши жондаролни яна хит қилди.

Шу чоқ Абайга совуқ назар ташлаб ўтирган жондарол зшик томонга боқиб қовоғини солди. Тўрга қарши ўтирган Абай ҳам қайрилди.

Ўйда, эшик ёнида тумоғини қўлтиғига қистирган Бозорали билан ўрта яшар, чиройли соқолли, юпунгина кийинган бир рус турган экан... Абай Бозоралининг бу ерда пайдо бўлишига жуда ҳайратда қолди... унинг ёнидаги русни ҳам энди таниди. У, қозоқ тилига уста, семейли соатсоз Сабелей — Савельев экан. Ўзи ҳамиша қозоқларнинг аризасини ёзиб берадиган ўязу бўлис маҳкамаларини яхши биладиган, пасти-баланд улуғларнинг отинию, ўзларининг кимлигини биладиган, яна айниқса маҳкамалар қошидаги стражник, урядник, иш юритувчи, тилмоқ—ҳаммаси билан яқин таниш, улфат одам эди.

«Кўп адвокатдан Сабелейнинг қўли енгил» деб мўмин, беозор қозоқларнинг ҳаммаси аризасини шунга ёздириб, уни ҳомий тутиб юришарди.

Жондарол устига бостириб кирган арзачиларга ғазабланиш билан бирга, ҳайрат ичидаги боқди. Биттаси рус, биттаси қозоқ — икковининг ҳам қўлтиқлари тўла дастадаста қоғозлар. Қозоги новча бўйли, қадди-басти келишган... Чиройлик қўнғир соқолли, оппоқ кенг пешонали, истараси иссиқ, анча хушрўй одам...

Буларнинг орқасида, эшик олдида, унга нисбатан анча

юпун кийимли, арз қилгани келган ёввош одамлар уйга кирмай бошларини эгиб очиқ эшикдан жондаролга қараб туришибди. Ҳаммаси ҳам уйга кирган Бозоралига ўхшаш ўрта яшар, дуруст-дуруст одамлар.

— Бу нима?.. Кимлар? — деб юборган жондаролга, Сабелей тезгина муомила қилди.

— Ваше превосходительство, булар Семипалатинско уездининг ҳар бўлисидан арз билан келган қозоқлар. Буларнинг ҳаммаси ҳам ҳозир сизга фақат битта илтимос билан келишди. Ҳаммаси ҳам приговор олиб келган. Мана бу қорозлар ўша. «Сизга арзимизни айтиб бер!» деб, менга илтимос қилишди. Ўзлари русча билмаганларидан кейин...

— Арзлари нима тўғрисида? Нима сўрашаётир?

— Булар, Ваше превосходительство, ўзлари учун ҳеч нарса сўрашаётгани йўқ. Сиздан қозоқ шоири — оқини, ҳалқ якши қўрадиган одами Ибрагим Қунанбоев ҳақида илтимос қилиб келишибди,— дейиши билан жондарол индамай қофозларга қўл чўзди.

Сабелей билан Бозорали илдам қадам ташлаб келишиб, қофозларни жондаролнинг столига қўйди.

Жондарол Абайга кўз қирини ташлаб «шунинг ўзи қилдираётирми» деган хаёлга борган эди, лекин Абайнинг сиймосида қаттиқ ҳайратдан бошқа ҳеч қандай аломат кўринмади. Бозорали бўлса, бу чоқ Абайнин мутлақо кўрмаган, ҳеч танимайдиган кишидек боқиб, жондаролга ўз ҳолича уриниб, туртениб, русчалаб арзини айта кетди. Тили, ҳаракатлари жуда қизиқ кўринган, анча келишган қозоқнинг сўзига жондарол ноилож қулоқ солди. Бозорали бўлса ўзининг янги бир санъати билан Абайнин жуда ҳайратда қолдириб, русча сўзлаётир:

— Қирғиз степ слапой тақсир,— деб, узун-узун оппоқ бармоқлари билан бир кўзини босди. — Токмо ўдин глаэ ес, он Қунанбоев! Қирғиз степ глухой, тақсир,— деб бир қулоғини ҳам ҳалиги бармоғи билан босганда, жондарол беихтиёр жилмайди. Арз қилиб келган бу қозоқ кўп сўзамолга ўхшайди. Бозорали товушини дадилроқ чиқарди. Бармоғини иккинчи қулоғига олиб борди-да, токмо один ух ес, он Қунанбоев! Он не бойдит,— деди, ўзи бу гапларни Абайнин кўрмаган кишидек гапиаркан.— Не можно!— деб, бир лаҳзада сиймосида жиддий норозилик акс этганича бош чайқади.— Степ томной, глухой бойдет!— деб яна бошини чайқаб,— не можно! — деди.

Энди Сабелейнинг ўзи ҳам кулимсираб, Бозоралининг тапини русчалаб жондаролга англатмоқчи бўлган эди, жондарол қўлини кўндаланг силтаб аралашмасликка ишора қилди-да, Бозоралига қараб турди. Бозорали сўзида давом этиб:

-- Қаспадан кубрнатр, нобай шалабек! Наш пиргўар много... много степ послал... много-много степ просит. Наш пиргўар поскай пойдот санату, министр, белий... сарь Степ просит пустит нас министр, Петербор... Сарь... все пойдом! Тода пойдом!.. — деди.

Гап шу ерга етганда, жондарол яна қовоғини солдида, Бозорали билан Сабелейга «тушундим, кета беринглар!» деган ишорани қилди. Очиқ чеҳра билан жавоб қилгани йўқ.

Арзга келгандар орқалари билан юриб, битта-битта чиқиб кетишиди.

Бозоралининг ҳалиги сўнгги сўзлари жондаролга чиндан ҳам қаттиқ таъсир қилди. Шу сұҳбат устида жондаролнинг Абай ҳақидаги фикри бир неча бор ўзгарди. Энди билса, саҳродаги беҳисоб нодон ҳалқ ичидаги Абайдек ягона одамни жазоласа, унинг оқибати осон гап бўлмайдиганга ўхшайди. Приговорларга қўйилган қўлларга қараганда, буни ёқлайдиган ҳалқнинг кўп эканлигига шубҳа ҳам йўқ. Қанча-қанча бўйисларга нисбатан бунинг эътибори ҳам катта бўлмоғи керак. Ким билади, буни қамасанг, мана бу беҳисоб приговорлар сенаттага; подшоннинг ўз маҳкамасига ҳам кетар. Бошқараётган областдан кўп ариза тушиши, яна даставвал хизматга келган йили тушиши жондаролга обрўй олиб бермаслиги ҳам мумкин...

Худди шу чоқ советник Лосовский дасталанган бир қанча қоғозларни қўлтиқлаб, жондаролдан рухсат сўраб кирди. Лосовский олиб келган қоғозларнинг ҳаммаси Абайни айблайдиган «дело»лар эди. Жондарол ҳали Абайга айланишиб қолган пайтда, Лосовский ўзи тушган уйга бориб, шошганича ахтариб, «Қунанбаев Ибрагимнинг иши» дейилган аризалар билан уни айловчи қоғозларнинг ҳаммасини тездан тўплаб олганди. Аслида Лосовский Абайни қораловчи қоғозларнинг ҳаммасини йиғедириб ола келганди. Бу қоғозлар Омскига, корпус маҳкамасига тушган, хусумат орқасида түхмат ортиб ёзилган чақиқлар. Шаҳардан Лосовскийнинг олиб келгани ҳам, ҳозир жондарол ҳузурига олиб бораётгани ҳам мана шу ўз зиммасига олган ишлар... Ана энди жондарол маҳ-

камасида ва шу ўртада йиғилган қоғозлардан Лосовскийнинг хабари йўқ эди. Уларни жондарол маълум бир сабаб билан Лосовскийга айтмаганди. Ўзига қаравши областнинг ишини бошқа бир чиновникнинг келиб текшириши жондаролнинг мансаб даражасига, улуғлик ҳамиятига тегадиган иш эди.

Шунинг учун Абай ишида у, Лосовскийни жўрттага кўмакка олмади. Бир оздан кейин жондарол фақат совуққина қилиб, бош ирғаб қўйди-да, Абайнин ҳам бўшатиб юборди.

Жондарол Лосовскийнинг қандай иш билан келганини англаб, кулимсираб қўйди. Дарҳол буўруқ қилиб:

— Бунинг ҳозир ҳожати йўқ, господин советник! Олиб кета беринг! — деди.

Ўша куни кечқурун жондарол жўнаб кетди. Советник Лосовский уч ўяз билан бирлашиб, эртага очиладиган шербешнай съездини ўтказиш вазифасини ўз зиммасига олиб қолди. Абай масаласини ҳам жондарол шуларга топшириди.

Ичдан Абайга қасдлашган бўлса-да, лекин сиртдан унинг обрўйидан барча ўязлар билан бирликда ўз маҳкамасини босиб кетган саҳро дов-жанжалларини ҳал қилишда фойдаланиш керак деган қарорга келди. Ичдан ўша ожизлигига ҳам ғазабланиб, бундан буён Абайнин Семей шаҳридан, элдан холи жойда яхшилаб эсга олмоқчи бўлиб қўйди.

Ўша куни кечқурун Лосовский уч ўяз билан бош қўшиб сўзлашганда, «эртага очиладиган шербешнайда ҳалқ ишини текширишга эътиборли одамлардан бийлар сайлаб олиш керак» деган гапни айтди. Ўша маслаҳатда ҳалқ ичдан сайланадиган бийнинг биттасига Ибрагим Қуононбоевни тайинлаш керак, деган қарорга келишган эди.

Жондаролнинг бугун кундуз Абайга қилган илтифоти ҳаммага батафсил етиб, аниқ маълум бўлганди. Иккинчи томондан, ўяз Қазанцевга бугун эрталабдан буён Қорамўлага йиғилган фуқаро ўзларининг кўп тилак ва орзуларини маълум қилишганди.

Шуларнинг ҳаммасида ҳақи, пули, ҳалол молларини, ҳиссаларини йўқлаб, арз қилиб келганлар: «Ҳалқнинг довжанжалини ҳал қилишга, адолат билан бартараф қилишга ҳалқ олдида эътиборли, ишончли бўлган Абай сингари одамлар бий бўлиб сайланса экан» дейилган эди.

Халқ арзи-додини текширувчи бийнинг биттаси Абай бўлиши шу кеч маълум бўлиб ҳолганди. Тилмочларга берган поралари орқали ивир-шивирларнинг олдини олиб, билиб юрган эҳтиёткор, маккор бўлислар бу янгиликни ҳаммадан олдин билишибди.

Абайнинг ўзи ҳали бу ишдан мутлақо хабарсиз эди. Фақат унинг ҳамроҳлари бугун ярмарка бошида, арз қилгани келган кўпчилик орасида ўз ҳолларича сухбатлашиб юришганди. Эрбўл билан Боймағамбет ўша ердан эшишиб келиб, бу ишни Абайга ҳам айтишганида, Абай ортиқча парво қилмади.

Унинг эвазига бир оздан кейин Дармен келиб, энг сўнгги хабарни айтганда, Абай чиндан шодланди.

Ҳозир ярмарка бошидаги Абайга тилақдош бўлган барча халқ ўз ҳолларича шодлик тўйини қилишаётган экан. Булар Абайнинг омон қолганига чин кўнгилдан қувонаётган ҳақиқий, беозор, мўмин халқ эди.

Атайнин: «шундай қиласайлик, бошласайлик» деган одам бўлмаса-да, халқ ўз-ўзидан йиғилибди-да, бошлаб юборибди. Йиғилганлар орасида Бозорали, Бойкўшелар бор экан. Ушалар энди Дарменни Абайга юборишиб, «айтиб кел, халқ ичида бўлсин!» — дейишибди.

Абай энди Дармен, Боймағамбет, Эрбўлларни олиб, Қорамўланинг орқасидаги, кун ботиш томондаги ўт-ўланлари сарғиш тортган тепаликка чиқди. Кутимагандаги, катта бир тўйга келгандек кўп халқ йиғилибди. Мана шу ярмаркада бўладиган шербешнайга қанча-қанча арзлар билан, кўп оҳи-зор билан, йўғини йўқлаб, барча эллар билан бўлислардан келган фуқаро халқ, беозор кўпчилик йиғилишибди.

Буларнинг ҳақиқий, беҳисоб халқ эканлиги, беозор меҳнат аҳли эканликлари кўринишларидан билиниб турибди. Аввало, минган отларининг кўпчилиги ориқ, эти бориб устихонига ёпишган отлар. Баъзилари чўлоқ, баъзилари ориқлигидан туллай олмаган, ёлғиз-ёлғиз уловлар. Эгар-жабдуқлари ҳам эски. Йиртиқ кўрпача билан ёки ўртасидан узилган узанги боғи билан, эски қайиш югани ва жез, қора темир, ҳатто ёғоч узангилари билан ҳам ҳол-авҳолларини маълум қилиб туришибди. Булар орасида духоба кўрпача, кумуш юган, қора сув югуртириб ишланган кумуш қуюшқон деган нарсалар йўқ. Эски тўқимлар орасида бирорта чарм сирилган, ўйиб мовутдан гул босилган тўқим ҳам йўқ.

Бу ерга йигилган калқнинг кийимлари ҳам юпун, жомакор. Бошларидаги ҳар уруғнинг нусхасида тикилган тумоқлари ҳам эски элтеридан, санг-сангдан.¹ Тумоқларнинг авраси арzon чит, ёки титилиб кетганидан тумоқнинг юнги чиқиб қолган эски латта.

Шу сингари ҳақиқий қашшоқ, беҳисоб фуқаро бугун Абайни ўз ўқлонидек чин қалбдан, шод-хуррамлик билан кутаётир. Буларнинг ҳаммаси Абайни қувонч билан ўртага олишаркан, шодликлари ичларига сифмай кўришиб, чин кўнгилдан қутлуқ бўлсин дейишаётир. Тепаликда Бозорали билан Бойкўкше отдан тушиб кутиб туришган экан. Абай отдан тушиши биланоқ бу дўстлари қучоқлашиб кўришишди.

Абай ҳазил қилиб Бозоралига:

— Бозаке, жар тагидан олиб чиқдинг-ку. Бу гал мен ўз санъатим билан тўрга баттар ўралиб қолмасам, қутилишим маҳол эди. Сенинг бугунги гапинг барча сўзамол, барча нотиқ адвокатнинг сўзидан ҳам ошиб тушди-ку. Қандай гапирдинг? Бошимни кўкка етказдинг-ку,— деди.

Бозорали йигилганларга «ўйин-кулги қилинглар, шунинг ўзи Абайнинг омон қолиб келганига бағишланган бир тўй бўлсин» деганди.

Шу орада ҳалқ икки бўлинниб, говрил-говрил полвонларини чиқариб, тўй таомилига мувофиқ куфаш бошланди. Отлар саналсиз дейишиди-да, улоқ чопишга хозирлакиб, бир гала отлиқлар саралана бошланди. Ердан танга оладиган, отдан ағдаришадиган моҳир йигитлар ҳам тартиб билан шайланба бошладилар.

Шу сингари «ўйин-кулги бошланаётган пайтда, Абай Бозоралидан:

— Қандай қилиб йўл топдинг? Жондаролнинг уйига киришга ким рухсат берди? Қандай қилиб киргизди?— деб сўради.

— Оббо, Семей улуғларининг эшиклари ичита Сабелей икковимиз очмаган эшик қолдими?— деб, кейин Абай аниқлаб сўраганда, Бозорали ростини айтди.

Чиндан ҳам жондаролнинг уйига уни киргизиш кимга бўлмасин осон иш эмасди. Устига сахро қозоги эмас, Ўяз билан чиновникларнинг кўпчилигчни киргазмай ўтирган жондарол ҳузурига ариза эгаси Бозоралининг йўл топиб кириши хаёлга келмаган нарса, мумкин бўлмаган иш эди.

¹ Қўзи терисидан тикилган тумоқ. Ред.

Лекин Бозоралининг ростини айтишига кўра, унга йўл очиб берган пул — пора бўлибди.

Жондаролнинг уйини қўриқловчи катта жандарм тўрасининг биттаси билан Сабелей худди бир соат сўзлашиб, икки отнинг хунига баравар пулни қўлига қистиргандан кейингина йўл очилганлигини Бозорали энди билдири.

Арз қилгани келган кўпчилик номидан қоғозлар ёзиб, тўп-тўп одамларни кундузи Казанцев сингари ўязларга йўллаган ҳам Сабелей экан. Эртата бошланадиган тергов ишига Абайни аралаштирсак экан, деган тилакларини айтганлар ҳам мана шу тепаликда турган жасур азатлар экан.

Шу жиҳатларини эшита-эшита ўтириб, Абайлар, аввало, курашни томоша қилишди. Ҳозир курашиш усули, куч-қуввати билан ҳаммани завқлантираётган йирик жусали, бўлиқ келган қора тўри йигит — Абди. У қаторасига уч полвонни озод кўтариб урди-да, қўлига олган туғунчадаги соврун билан тиржайиб кулганича, Абайнинг ёнига келди.

— Абай оға, ёвлар билан олишганда, шунингдек кўтариб урсин деб, ҳозирги бор кучимни ўзингизга бағишлаган эдим. Сиз учун шодланганимдан йиқитдим. Мана бу ўлжани ҳам сизга тортиқ қилдим! — деди.

Абай Абдини олқоплаб, тортиқни олди-да:

— Ҳа, виждон эгаси бўлган ҳалқимдан шу сингари ақл ҳам чиқади! Олишганни йиқитишини сендан ўрганай, Абди! — деди.

Атрофдагилар кулганларича бу гапни қувватлашди.

Шундан кейин от қўйиб келиб танга олган йигитлар, отдан ағдаришда енгган азаматлар, улоқда ўзиб чиққан, йиртиш олган беҳисоб элнинг Абди сингари йигитлари тортишувда енгиб олган ўлжаларини «Абайга атадик!» дейишиб, чопганларича келишиди-да, ҳаммаси ҳам Абайга тутишди.

Бу йиғилиш ҳалқ билан Абайнинг ўзгача бир шодлик, хушчақчақлик, чин кўнгил билан қучоқ ёзишиб топишган йиғилишидек бўлди.

Бу жиҳатини Бойкўкше ўша ердаги йиғинда ўзича баён этиб берди.

Бойкўкше, Абай билан Бозорали сингари ёши каттароқ одамлар орасида туриб, янграган, ширали овози билан кўп бамаъни гап бошлади.

— Эй халойиқ, бу бир бебаҳо йигилиш бўлди. Чин шодлик, халқнинг беғараз шодлиги. Шундай экан, бир томондан Абай учун қувонамиз! Узимизнинг Абайимизни хатардан қутқордик деб қувонамиз. Ана энди мана бу шодликнинг иккинчи бир томони ҳам бор. У ўзимизнинг эл эканлигимиз учун шодланиш, шарафли иш учун бирлашиб, аҳллик билан тилакдош бўлиб, ўз тилагига етган ҳалол, беозор ҳалқ учун қувонмай бўладими? Бу ҳақиқий ҳалқ йўли эди. Ҳамиша шу сингари халқнинг йўли бўлсин! Омин! — деди.

Бу гапдан ҳамма хурсанд бўлди. Кекса шоирга қўшилишиб, товушларини барада қўйишиб «Омин, омин!» деб фотиҳа қилишди, қувончли кулги, қаттиқ ҳаяжон билан янграётган товушлар эшитилди.

Кечки чой йиғилмасдан Абайнинг уйига ҳеч хаёлда йўқ кишилар кела бошлишди. Булар — Абайнинг ҳам, йўлдошларининг ҳам бу уйда кўрармиз, деб ўйламаган кишилар. Булар: ҳали кундузи типирчилаб, жондаролни қарши олган, бўйинларига нишон таққан бўлислар.

Ораларида Семей ўязининг беш-олти бўлиси бор. Уларни Рақиши бошлаб келибди. У, ўтган куни Ўразбойнинг уйида ўтириб, Абайнинг орқасидан кесатиб муқатган, унга қаттиқ ўчакишган бўлиснинг бири. Уст-Каменогорск, Зайсан бўлисларидан ҳам уч-тўрт киши келибди. Энди ҳаммалари бир бошдан гўё Абайни ҳозиргина таниб, унинг олдида гўё унга тарафдор бўлишаётир. Советник-советник эмас, ўяз-ўяз эмас. Бамисоли бир «ярлақаса улуғ қилиб, қарғаса ер билан яксон қиласиган» ярим подшо Абай бўлиб қолибди-да. Ҳаммаси ҳам: «Сизга салом бергани келган эдик», «сафарингиз бехатар бўлсин, дегани келган эдик», «кечадан бўён улуғни кутиб, қўл тегмади, бир оз бамайлихотир бўлиб келайлик деган эдик», «сиз билан кўришишини Қорамўлага жўнашдан олдин ўйлаган эдик», «сиз сингари барчага баравар, эл оғаси билан дийдор кўришиш, сарқитингизни ичиш бизлар учун бир ғанимат-ку» дейишаётир.

Ҳаммасининг гапи ҳар хил тил билан айтилгани билан фақат бўямачи, икки юзламачи, лаганбардорларининг ёмон югурдақлари эканликларини кўрсатарди.

Абай буларнинг бирортаси билан рўйхуш бериб, очи-либ сўзлашмади. Меҳмонларга қимиз тортилган пайтда, ўз хаёллари билан тўлғанаётгандек бўлиб турди-да, чукур маъноли гапларни бўшлади.

Ҳеч кимнинг юзига қарамай, ўйчанлик акс этиб турган кўркам юзини хиёл юқори кўттарганича сўзлади.

— Қозоқ деган халқнинг шўри кўп. Беҳисоб йўқчилиги, ғам-ғуссаси кўп. Ўша шўрнинг биттаси — ўзини бийлаб ўтирган зўравонлари эмасми? Амалдори, бўлиси, беги билан бийи, хони билан тўраси эмасми? Қуйида улуғ хўрласа, ҳоким аёздек исканжага олса, уйдан хуриб чиққан итга ўхшаб, эл ичидаги ғаломус, порахўр, турли-туман мансабпаст чиқади. Ёлғизгина ўз манфати, теги-тахти, бойлиги, амри-фармонидан бошқани, халқ ғамини ҳам ўйлайдиган бирорта мансабдор бормисан? — деди.

Ғазаби ўт олиб, ҳамияти жўш уриб қизиши. Давра олиб ўтирган бўлисларнинг ҳаммасини койиётгандек, нафрлати назар билан қараб чиқди. Қалби тўла илҳом. Ғазабли илҳом! Ҳозир ўшанинг учқун ота бошлаган ўтидан бир ажойиб фикр, юксак ғояли гаплар туғиладиганга ўхшайди. Шоирларнинг оташин шоирлик илҳоми билан кўйдириб айтадиган қанотли сўзи. У мансаб хусусига аталганди:

— Мансабнинг ҳаммаси ҳам хўрлик эмас, эзгулик учун ўзини қурбон қиласидиган мансаб, одамга фазилат баҳш этса керак. Сен одам бўлсанг, ундаи мансабни ит хўрлигига, улуғнинг товонини ялаб юриб топмас эдинг. Халқнинг ўртасида қадринг ошган, яхши бўлсанг, ундаи мансабнинг ўзи сени излаб келиб топса бўлади! — деб келиб, шеър сингари қилиб доноларча катта бир гап гапирди.

— Баланд мансаб — баланд қоя тош. Унинг бошига суръат билан учиб қирон ҳам чиқади, эринмай сургалиб илон ҳам чиқади. Мана шу ўтирганлар, ўшаларнинг қайси бири бўлдинг? Қирон бўлмасанг, халқнинг учун илон бўлдинг эмасми? — деди-да, қовоғини солганича бошқа сўз қотмай ўтира берди.

Абайнинг гапи бўлисларнинг ҳаммасига, ҳамчи билан бошларига ургандек, оғир калтак бўлди. Бу гапни тушуммай қолган бўлис бўлмади. Зимдан қасдлашишга уста, чиниқкан бўлғанлари билан, бунингдек катта, одил қозининг олдида очиқ ҳақиқат йўлида қадам боса олмайдиган ҳарамзода ҳокимлар Абай билан баҳс-жавоб қилишмай, қовоқларидан қор ёғилганича жим қолишиди. Кўплари ғазабларидан гезариб, қаттиқ ранжиб, дамлари ичларига тушганича ўтира беришди.

Абай ҳам буларни меҳмон тутиб, иззат-икром қилиш ниятидан йироқ эди. Бир оздан кейин чопонини елкасига ташлаб. Боймағамбетни эргаштириб эшикка чиқди кетди. Бошқалар ҳам тарқалишди.

Эртасига «Абай ўзини кўргани келган, салом бериб чиққани борган бийларни масхара қилибди. Юзига ургандек айблаб гапирибди!» деган гап чиқди. Лекин бу гапни кўпчилик эшитгани йўқ. Рақиш сингари баъзи бўлислар Абайдан койиганлари учун Уразбойга арз қилишиди.

Уразбой истеҳзо билан кулганича ўз фикрини айтди:

— Ажаб бўлибди, хўп бўлибди, таъзирингни едингми. Абайпараст бўлислар, сенларга шу керак. Бундан ҳам каттаси керак эди. Сенлар Абайга сажда қилишни қўясланларми асти, ҳали кўп марта йўлларингга ғов бўлади. Ҳали ундан кўпларинг кўп панд ейсан. Қачон айтган эдинг демантлар!— деб, ўзининг ҳам тинкаси қуриган ҳолда сўзига хотима берди.

Шу кунга қадар ҳийлаю макр ишлатиб кўрган қамали билан домларини Абай бир ҳаракат қилишда вайронталқон қилиб юборгандек бўлганди. Шунга Уразбой ҳам ғазабли, ҳам ҳасратли эди. Лекин у, Абайнин қулатадиган жар бира тўла йўқолмаслигини айниқса шу гал аниқ билib, кўриб олди. Абайга қасдлашган бўлислар, йўғон-эўравонларнинг ҳаммаси билан бош қўшиб, оғиз-бурун ўпишиб қолгандек бўлди.

Бугун мана шу Қорамўлада йиқитолмасада, «Абайнин ахир олиб бориб бир қулатадиган жарнинг ўртасини топдик» деб ичидан ўшанга умид боғлади-да, шербешнай сиёзининг оқибатини кутиб қолди.

V

Бу йил қишининг боши одамга ҳам, молга ҳам жуда қулай келди. Декабрнинг ярмига бориб қолган бўлса-да, ҳали қор қалин тушгани йўқ, қаттиқ совуқ ҳам турган эмас. Булутсиз чараплаган очиқ кунлар кўп бўларди. Қиши аломати яқинда тушган момиқдек қордан ва баъзи кунларда турадиган сал аччиқ аёздангина билинарди.

Қиши кечикиб бошланганидан Оқшўқидаги Абай овули бу йил сўқимни шошилмай сўя бошлиди. Омбор, шўшала, донхоналарга Айгерим эртаю кеч қишилик озиқларни жойлаётир. Бир вақт у кулиб қўйиб, Злиҳа билан Боймағамбетга кўнглидаги бир истагини айтди.

— Фақат, сарғижом бўлиб олгунча меҳмон камроқ келса эди! Озиқ-овқат қўядиган жойлар, ошхоналар тиқи-либ ётганига Абай оғанг қарайдими? Қирқта меҳмон келса ҳам юбормайди-ку,— деди.

Лекин Айгеримнинг истаги бўлмади. Худди ваъдалаш-гаидек, шу бугун қирдан, қўйидан, теварак-атрофдан меҳмон келиб боса бошлади.

Бир гала ўртоқлари билан Бойғабилдан Оқилбой келди. Абайнинг таклифига кўра, сўнгги йилларда «шоир» деган ном олган Керей — Уайис, Тўпайлардан Бей-сембой деган шоирлар ҳам келишиди. Бу меҳмонлар тушдан буён Абайнинг ёнига киришиб, салом беришиб, тушлик овқатни, чойни ўша ерда ичишли. Ҳозир ёшлар ўтовлар, меҳмонхоналар, қўшни уйларда ётиб турадиган жойларини тайинлашаётир.

Кечака «меҳмон келмаса экан!» деган Айгерим бугун меҳмонларни одатдагидек очиқ чехра билан қарши олди. Майин, ёқимли кулгиси узилмай, уларни қабул қилди. Злиҳага тўғрисини айтиб: «Меҳмон келмаса экан деб нима қилар эканман! Айтганимнинг тескариси бўлганини кўрмайсанми. Энди сир бой бермай, қовоқдан қор еғдирмай кута беринглар! Қелинларга, қўшниларга ҳам айтиб қўй! Ошпазлар ҳам сўйилган ёш молнинг юмшоқ-юмшоқ, яхши жойларидан кўп-кўп қилиб солишин. Тайинлаб қўй!» деди.

Бугунги келаётган меҳмонлар билан бирга қизиқ ўйин-кулги, кўнгилли санъат ҳам бирга келишини Айгерим яхши биларди.

Тўғриси, бугун Оқшўқига ўзларининг сўнгги санъатлари, ютуқларини олиб келган санъаткорлар оз эмасди.

Абай келган оқинлардан кун бўйи уларнинг ишларини сўраш билан банд бўлди. Куздан буён Оқшўқида ёзув-чиズув билан бўлган Мағаш Африкада, Нил дарёси бўйида бўлган катта бир қаҳрамонлик ишини шеърга олибди. Бераҳм бойнинг мард қулдан тортган сазосини бадиний ҳикоя қилибди. Сўнгги кунларда ўша достон Оқшўқи, Қўриқ, Қиндикти, Шўллон сингари яҳин ерлардаги огулларда кўчирилиб, ёд олинниб тарқалаётганди. Дарменнинг Оқшўқида туғилиб, бундан олдин тарқалган «Энглик — Қебеги»га Мағашнинг сўнгги достони «Медҳад — Қосим» жўр бўлиб тушганди.

Серҳосил кузнинг охирларида кўп шоирларнинг ютуғи бугун шу ерда учрашди. Бунинг сабаби бор эди.

Қорамўладан эсон омон қайтгандан кейин, Абай ўз дўстларининг ҳаммасига ёзда Павлов билан Абиш айтган маслаҳатларни яна эслатганди. Меҳнатга, санъатга ундаш билан бирга, ҳар бир шоирнинг қалбидаги орзуси, шоирлик ғоясини ҳам билганди. Ўшанда берилган баъзи бир темалар ҳам бор эди. Гарчи Айгеримнинг ҳабари бўлмаса-да, бугун келган оқинларнинг ҳаммасига Абай маълум кунларни тайин қилган экан: «Шу йил Оқшўқидаги бизнинг овул сўқим сўядиган кунларда шеърларингни тамомлаб, хуазуримга етиб келинглар» деган экан.

Илгарироқ келган шоирлар кундузи иккитадан-иккитадан бўлиб, холи ўтиришиб, ўзаро шеър, достонларини ўқишиди. Бирин-кетин «Энглик-Кебек», «Медҳад-Қосим», «Қўзи-Қўрпеш» сингари достонларни Абай ҳам кундузи бир-бир эшитиб ўтди. Лекин ҳозирча ҳеч кимга фикрини очиқ айтмади.

Кечқурун ҳамма Абай билан Айгерим уйига йиғилади. Ҳали ҳам келиб етмаган шоирлар бор. Янги достон, янги шеърлар ҳам шу ерда ўқилади. Дарменнинг шу кечага атаб айтмай юрган бир достони ҳам бор эди. У, ўз достонини бошқа достонларнинг ҳаммаси ўқилиб бўлгандан кейин ўқиб бериш орзусида эди.

Уша куни кечқурун шоирлар энди йиғилиб ўтиришган пайтда бошқа меҳмонлар ҳам келишиди. Булар — Бозорали билан Кўкбой эди. Иккови бугун кечки пайтда шу овулнинг четида йўлиқишиб, бирга келишганди. Абай айниқса Бозоралининг келганига шодланиб, кулиб сўрашди-да, очилиб-ёзилиб кетди.

Бу гал Абайнинг чақириғи билан эмас, бошқа бир иш билан ҳам эмас, Бозорали ўзича Абайнинг ёнида бир оз ўтириб кетиш ниятида келган эди. Абайнинг ёнига шоирлар йиғилишиб, янги достонларни ўқиб беришади, деган гапни яқинда Эрбўлдан эшитиб, атайин келганди.

Бозорали келиши биланоқ уй ичини ёрқин юзи, ҳазилкулги аралаш сўзлари билан руҳлантириб юборди. Абай уни ўзининг ўнг томонига, юқорига ўтиргизди. Баланд кроватдан иккита ястиқни ўзи олиб бериб, қалин қилиб кўрпача солдирди. Мажлис аҳли ичиди ёши улуғи ҳам, Абайга беҳад ҳадрлиси ҳам бўлгани учун, ҳозир ҳамма фақат Бозоралининг оғзига қаради.

— Йўл узоқ, чарчаб келдинг, Бозеке, ёнбошлаб ўтир! — деб, Абай Бозоралининг ёнбошига оқ ястиқларни

ташлаб қўйди. Бозоралининг кўнглидан бир иш ўтиб, жилмайди-да:

— Чарчашнинг хонаси эди-ку, фақат бугун кўрган бир қизиқ иш кун бўйи йўл озигим бўлиб, чарчаганимни ҳам билмадим! — деди. Ўйдаги ёшлар ҳам, Айгерим ҳам энди Бозоралидан қизиқ бир ҳикоя чиқишини кутишиди. Абай тегарак хонтахтага тирсагини тираганича гавдаси билан Бозорали томон ўғирилди-да:

— Қани энди, айтмайсанми, Бозим,— деб теварак-атрофдагиларга кўз ташлади,— сени кўришса, қизиқ гап кутиб ўтирадиган ёшларинг-ку булар,— деди.

Бозорали ҳам ноз қилиб чўзмади. Ястиқдан кўтарилиб ўтирди. Катта уй яхши иситилган, тегарак хонтахта устидаги, ёруқ нур сочиб турган чироқ уйни янада кўнгилли қилиб турибди.

Совуқдан келиб, иссиқ уйда яйрагандан кейин, Бозоралининг оппоҳ чехрасига хиёл қизиллик югурибди. Ҳали ўзи айтган ҳикоясини бошлиш олдидан Бозорали ёшларга қараб, улардан узр сўраётгандек гапирди.

— Бугунги мажлис шоирларнинг гали эканлигини билиб турибман. Абайнинг ёнида ўтириб, мен ҳам бирга әшитай деб келган эдим. Шундан олдин ҳали ўзим бе-сабрлик қилиб бошлаб қўйган ҳикоямни айтиб берай бўлмаса,— деди.

Мағаш қистаётгандек қилиб:

— Бозекежон, сиз сўзлассангиз шоирлар гапимни олиб қўйди демайди-ку,— деди.

— Мен бугун Чинғизнинг ёнбағридан чиқдим,— деб Бозорали гапини бошлиди.— Йўл йироқ бўлгандан кейин, тоңғ ғира-шира отиб келаётгандан отланган эдим. Ҷошгоҳ пайтида Кўлқайнарга келиб, Жуман овулининг ёнидаги адирга кира берсам, бир тепалик бошида уч ухласанг ҳам тушингга кирмайдиган бир қизиқ тўда турибди.

Қандай тўда десангчи? Тўда деганим — тўртта така билан Жуман турибди. Бир тўп чангала тўртта такани қантариб бойлаб қўйибди-да, ўзи уларнинг домласига ўхшаб, рўпарасидаги ясси тошга ўтириб олиб оқ таёғини силтаб қўяётир...

Мажлис аҳли бу ҳикоянинг кутилмаган бир ишдан баҳс этишини англаб, тикила бошлишди. Бозорали товушини баралла қўйганича ҳикоясини сўзлаб кетди.

— Шамол эсиб турган эди, мен елга қарши томондан

келдим. Орқасини ўғириб ўтирган Жуман, ёнига келиб етгунимча шарпамни сезмади. Кейин фаҳмласам, Жуман таёгини силтаб сўзлаётган экан. «Э-э, бу ерда Ирғизбойнинг бир катта маслаҳати бўляпти-ку асли..»— деб, Бозорали ўтирганларга бир бор қараб чиққанда, ҳамма дув кулиб юборди. Абай бор гавдаси билан селкиллаб, қиқирлаб кулди. Айгеримнинг нафис кулгиси эшитилиб, ўнғайсизланиб қизорганича қаттиқ кулди. Бозоралининг ўзи кулмай сўзида давом этди.— Қўй, буни ташлаб кетишм Бозорали бошимга уят, гуноҳ ҳам бўлар. . . Ҳеч бўлмаса, оз бўлса-да ақл ўрганай. . . Эндиғи қолган Ирғизбойларнинг бу ҳам бир каттаси-ку деб, отимни тушовлаб қўйдим-да, секингина орқасидан бориб, қулоқ солиб ўтиредим.—Кулгисини тиёлмай ўтирган мажлис аҳлига Бозорали эндиғи кўргани билан эшитганларини айтаётир.

Бўлган воқиа бундай экан. Жуман қўйда юрган ўғлининг ёнига борса, ўғли мана шу такаларнинг қўйга тинчлик бермаётганидан шикоят қилибди. Такаларга парда бойлашга кечикканлигини энди сезган Жуман, чўпонларга тўрт такани ушлатиб, чангалга бойлатиб қўйибди. Такалар бошларини қуий солиб шохларини ўхталиб туришибди. Қўзларида айини билиб турганлик аломати йўқ. Аксинча, бақрайишиб, Жуманнинг соқолига қарашиб, «шуни бир сузсак» деб туришганга ўхшайди. Бу кайфиятни кўриб усиз ҳам жаҳли чиққан Жуман, тўртта такани ёлғиз-ёлғиз ҳам, тўпи билан ҳам койиб, уялтириб ўтирган экан. Бозорали келиб ўтирганда, Жуманнинг узун таёғи аввало бир йўла тўртта таканинг тепасидан ўйнаб ўтди.

— Ҳой, тўрт така, бир қўра қўйга фитна солмадим де-чи, қани, безор қилмадим, деб кўр-чи! Қўй деса асти қўйдиларингми? Худодан, арвоҳдан уялдиларингми? — деб энди катта можаро чоғидагидек тутақиб кетди. Бир вақт таёғи билан тақ эттириб ёшроқ қора таканинг шохига солиб қолди-да:— Қора така, ёшлардан чиққан, тиним билмайдиган фитначи сен бўлдинг, деганда, қора така соқолини селкиллатиб, сапчиб отилиб, Жуманга ташлангиси келгандек ҳаракат қилди. Жуман баттар бўғилиб кетди:

— Буни қара, зўравон ҳам ўзи, ўжар ҳам ўзи? Эшигина бошидан соқоли ҳам пахмайиб кетибди, Азимбойнинг соқолига ўхшаб,— деди-да, ўзининг ҳозирги хаёлидан завқланиб, хе-хелаб кулиб олди. Дарҳақиқат ҳозир

унинг кўнглига қаёқдаги бир тасаввур, қизиқ хаёл кебиди. Азимбой дейишгина қолган экан. Ундан уёғига такалар тaka бўлмай, бир бошдан киши бўлди қолди. Қора тaka Азимбой бўлгаңда, шу таканинг отаси сариқ тaka қатор турганди, уни Жуман ўша он Такежон қилиб олди. Унинг нарёғидаги маккор кулранг такани — Жиренше деб, энг сўнгги, шохи типпатик, бўйни йўгон баджашл зўравон такани — Ўразбой деб қўйди.

Жуман билан такаларнинг шундан кейинги суҳбати Бозоралига чиндан ҳам бир қизиқ томоша бўлиб кўринганди. Азимбайдан бошлаб Такежон, Жиренше, Ўразбой бўлган такаларнинг парда тутилмаган ҳолдаги бесабр, инсофисиз бебошлиги терилиб саналди. Ҳаммаси ҳам тинч юрган қўй-эчкиларни эртадан оқшомгача қирқ бўлак қилиб, тирқиратиб, тўс-тўполон қиласар экач. Ўша қиликларини юзларига солиб, Жуман яна бир марта қаддини ростлаб олиб, гапириб кетганда, Ўразбой, Такежон, Жиренше, Азимбой — ҳаммаси бирлашиб халқ тинчлигини бузганда, ёлғиз Абайга қарши қасдлик қилиб юрганларига кўчганди. Жуман бир нафасга ўзини Абай фараз қилиб, ҳам тўртта такани айблади: «Ҳалқнинг қарғиши гардонларингда... Мен беозор одамларни йиглатма, халқ ичиди фитна кўтарма деганим учун сенларга ёзиқлик бўлдимми. Лекин халқнинг кўз ёшига қоларсан!» — деб ҳам қўйди... Шуни Бозорали неча хил оҳангга солиб, жуда моҳир, ўйноқи артистдек айтиб берганда, тингловчилардан кўпчилигининг ичак-бағри узилиб, ўзларини тутолмай хахолаб кулишди.

Баъзилар товушларини чиқаролмай, кўкарғанларича қотиб кулишди. Абайнинг ҳам кўзларидан ёш чиқди-да, кулгидан тинкаси қуриб, Айгерим иккови бир-бирига суюнишиб кулишди. Бозорали ҳамма гапни айтиб бўлдида, кейин:

— Етмиш беш ёшга киргунча эзмалана-эзмалана, ниҳоят, шу сингари ақл топган Жуманни кўрганим йўқ. Худо ҳақи, бу гапи қайси бир Иргизбой эришолган гап?... — деб ҳикоясини тамом қилди.

Оқилбой ҳикоя оҳирига етмай қолди-ку, деган хаёлга борди-да:

— Сизни Жуман кўрмай қолдими ўзи? — деб сўради. Қолган гапни Бозорали қисқа қилди.

— Сўзи тузалиб, бутун фикри англашилгандан кейин, елка томонидан йўталиб юбориб, ўрнимдан тура қолдим.

Шунда ялт этиб қараб, мени кўриши биланоқ ўнғайсиз-ланиб қолди-да: «Ҳа, Қовменнинг муғомбири, сени ким чақирди?.. Сен қаерда эдинг?» деб шубҳаланиб қолди. Хижолат тортмасин деб, сир бой бермадим. Лекин, шошиб қолдими, билмадим, тезгина ўзгариб, яна ўша бемаъни эзмалигини башласа бўладими! Юлиб олгандек қилиб: «Ҳой, сен кўпни кўриб, кўп нарсаларни билсан-ку. Анови турган Дўғалангнинг қоя тошини кўраётисанми, ўша, сенинг билишингча, неча пуд келади, шуни бир айтиб бер-чи!»— деб сўради.

Утирганлар бу гапга яна дув кулиб юборишиди. Бозорали ҳикоясини давом этдира берди.

— Оббо Жумака-ей, худди шунга ақлим етмай турибди. Ўзингиз билмасангиз... Кайдам... Ўзингиз айтиб кўринг-чи,— деган эдим, «мен билсам, кўз тарози — кўнгил қози. Мана шу Дўғалангнинг чўққиси беш минг пуд деса бўладими.» Шундан кейин сонимга бир урдим-да, отимга қараб кетдим,— деб Бозорали ҳикоясини тутгатди.

Дўғалангдек тоғнинг оғирлигини ўлчаш, уни беш минг пуд дейиш қандай бошга келадиган, бўлмағур хаёл эканлиги ёшлиарни яна бир қанча ҳазил-аскияга етаклаб, кўп кулгини узлуксиз давом этдирди.

Айгерим билан Злиҳа чой ҳозирламоқчи бўлишган эди, хонтахта атрофига ҳамма бирдан сиғмайдиган бўлғандан кейин, Абай хонтахтани олдирди. Гиламга узун катта дастурхон ёзилди. Кенг уйда ўтирган кўп меҳмонлар энди баравар давра қуриб, дастурхон атрофига ўтиришди-да, чой ича бошлашди.

Кўкбой чойни бошқалардан олдин ичиб бўлган эди. Шуни фаҳмлаган мажлис аҳли теварак-атрофдан секин-секин «достон бошланса» деб илтимос қилиб қолишиди.

Бозорали шундай пайтдаги одатидан қилиб, дўмбирани олди-да, Кўкбойга тутди.

Шундан кейин тингловчиларни кўп ўтингтирмай, Кўкбой ўз достонини куйлай бошлади. Бамайлихотир ўтириб ичиладиган чой йиғилмаганди. Бироқ катта самоварни янгилаб келгани олиб кетишганда, достонни давом этдиришнинг хонаси эди. Кўкбой бир қанча вақт достонини куйлаганда, Облайни мадҳ қиласи. Энди самоварни яна олиб кирилган пайтда, Облайнинг наслларига кўчиб, ўшаларни мақтай бошлаган эди. Худди шу чоқ Бозорали Кўкбойнинг сонига урди-да, «тўхта-чи» деяётгандек ишо-

ра қилди. Кўкбой Абайга қараган эди, анчадан буён қовоғини солиб, эшитаётган Абай ҳам тўхташини маъқул кўргандек, бир вазият олди.

Кўкбой ноилож тўсатдан жим бўлиб қолди. Энди Бозорали гапни илиб кетди:

— Олдин гапирди деб айбга буюрманглар, йигитлар. Шу ерда мендан бошқа ҳамманг, бошлиғинг Абай бўлиб шоир экансанлар. Энди, Хўжа Насриддин айтганидек, «шунча товуққа бир хўроz ҳам керак эмасми!» Кўп айтувчига бир тингловчи бўлсан, фикримни айтай,— деб Кўкбойга совуққина қараб қўйди.

Абай Бозоралининг бу гапини маъқул кўриб, айтиши ни ўтиндига:

— Айтсан, Кўкбой «улуг» дединг, «асил ҳоним» дединг, «арвоҳингдан айланай» деб ҳам ялвораётисан. Ниҳоят, Облайдан ўтиб наслига ҳам сажда қиласидиган кўринасан. Тўғрисини айтсан, бунинг менга ёқмайди, Кўкбой. Мана шу ҳон-султонларни қўмсаб, мақтаб, қанча-қанча нодон оқинлар ҳам ўша замонларнинг ўзида эскиртириб бўлган эди-ку, Абай? Биз Абайнинг гапла-рини эшитгандан кейин, шуни унутсан дуруст бўлмас эдими, дидимга ўтиришмайди, негаки, кўнглимга ёқмайди. Қани ҳақиқатни ўзларинг айт-чи! — деб, Бозорали Абайга қаради.

Утирганлар мана бу танқид бошлангандан буён чой ичишни тўхтатиб, диққат қилиб тинглашаётган экан. Абай Бозоралининг сўзини қувватлаб, ўйланиб ўтирганича бош иргаб қўйди-да:

— Шу гап ҳақиқий, одилона гап. Айтиб қўйганимиз бўлсин, айтмаганимиз бўлсин, ҳаммамизга ҳам етарлик танқид экан,— деб ўйлаб ўтириб Кўкбойга совуққина назар ташлади-да: — Қани, Новрўзбойлар кўпларнинг шўрини қуритган эди. Ўша беомон, шафқатсаз, безори-ликлари учун ҳам одилона жаёзога учраган эди. Кўпчиликка жафо солгани учун кўргилигини кўрган фитначи, бебошлар эди. Айниқса, ўша одат учун ордоқламассанг ҳам бўлар эди! Қозоқ русни қирди, деб янга Янги Ҳазрат Алини топмоқчи бўлибсан. Уни беҳисоб қозоқ ҳалқининг ҳомийси сифатида кўрсатмоқчисан. Елғон! Ҳаммаси ҳам ёлғон! Кўз алдовчи бўёклар! Қозоқнинг ғамхўри эмас, аксинча, ўша қозоқни, ҳалқни сотган сотқин, озгина тўда, хиёнаткор тўда. Ҳон-султонларнинг ҳомийси эди. Бу кунларда, бугунги наслларда қозоқни русларга ёвлашти-

рувчи одам қозоқ ҳалқига дўстлик қилмайди. Ўша русларнинг чин фазилатларини нечоғлил билиб, ўзи учун янгилик бўлган билим-маърифатини тез ўзлаштирмагунча, қозоқнинг кўзи очилмайди. Бундан бошқа юксалиш ҳам, бундан бошқа ҳақиқат ҳам йўқ. Мана бу достонинг ҳам ёлғон, ҳам нотўғри. Менинг умр бўйи тутган йўлимга бутунлай қарши, тескари йўлдаги достон бу. Шундай демасликка чора йўқ,— деб Абай ғазабли дағал товуш билан сўзлаб, Кўкбойдан беҳад норози бўлган ҳолда сўзини тамом қилди.

Энди чой бутунлай ичилмай қолганди. Уйдагилар, Абайнинг энди айтадиган фикри қай йўсинда ривожланишини кутиб ўтиргандек, жим қолишганди. Абай ўйланниб ўтириб, энди бамайлихотир сўзлай бошлади. Ҳозир оқариб кетган бўлса-да, сиймосида ҳаяжонли қизғинлик акс этиб туради.

— Қаҳрамонни, қизни-гўзални, интиқ-ошиқни топибсанлар! Шеръларинг ҳам, сирларинг ҳам оз эмас, орзуларинг ҳам янги!— деб сўзини бошлади. Бугунги барча достонларнинг ҳаммасини назарда тутиб гапирди.— Ёзарсанлар... Езинглар. Лекин бу оз! Оз — деди қаттиқина қилиб.— Ишнинг сўзи эмас, тушнинг... Ширин тушнинг сўзи... Сенларгина эмас, менинг ўзим ҳам етмаган жой, ёзмаган оҳи-зор бор. У — бу кунларда,, худди шу кунларда қошингда, беҳисоб элнинг бошида турган ҳол. Қоронғулик — омийлик кулгили бир нодонлик, жоҳилона жабр-зулм... Кўпчиликни ғам-гуссага кўмган хўрлик!... Ҳаммаси ҳам адир-адир бўлиб олдда ётибди. Ҳалқа борадиган йўлни, истар орзусини, кураш усулини билдирганимиз йўқ. Рус ҳалқининг юксак ғоя згаси бўлган одамлари, жасур-азамат ўғлонлари мана шу йўлни топиб, ҳалқа кўрсатиб келаётир. Шу йўлда олишиб, жонини фидо қилаётир. Бизлар бўлсак тўқликда, тинчликда сайраётган кўнгил очарлармиз. Бизлар курашувчилар эмасмиз. Курашга чақирувчилар ҳам бўла олмай келаётимиз. Эндиги кучни ўшангага сафарбар қил! Үrnакни рус азаматларининг худди шу кунги илғор фикридан ол, демоқчиман!

— Ҳозир гапни шунинг билан тўхтатди.

Ёшларнинг ҳаммаси англади. Абай бирорта шеър, достонни маъқул кўрмади. Кўкбой дамини чиқармай кўпчилик ўртасидан турдида: «Бошим оғриб турибди» деб чиқиб кетди. Эшиқдан чиқиб кетаётганда, гупчакдек йў-

ғон елкасига қараб туриб Абай унинг хафа бўлиб кетаётганини англади. Шунга кўра, ўзининг ҳам зардаси қайнаб кетди.

Қовоқлари очилмай қолган шоирлар ичидаги энди тоқати тоқ бўлаёзиб ўтирган Дарменгина бор эди. Ҳозирги кучли танқидий назарлардан хавфланаётган бўлса-да, жасур, ўқтам кўнгли ҳайиқмаганди. Уша мадад бўлди-да, Дармен Абайдан илтимос қилди.

— Абай оға, танқидий жиҳати тўлиқ бўлиб, айтган ердан чиқади демайман, лекин менда янги бир достон бор эди. Ўзини ҳали инсон боласига ўқиб берган эмасман. Ўшани эшитиб, танқидий назар билан муҳокама қилиб берсаларингиз қандай бўлар экан! — деди.

Абай Дарменга ялт этиб умид билан қаради-да:

— Ўқичи, сен ўқиб кўр-чи! — деди.

Шундан кейин юзи ҳаяжондан оқариб кетган, қуяск чиройли мўйловлари эндигина сабза отган, кўзлари ўтли, қарчиғайдек жасоратли шоир йигит жадаллаб ўз достонини ўқий бошлади. Мажлис аҳли Абай сингари диққат қилиб қулоқ берди.

Бу достон бошланишидаёқ шу уйда ўтирганларнинг ҳаммасига таниш қўйнисларни, қишловларни атаб келиб, Шуйгинсув, Аэбергенга юз тутди.

Қорли довули қақшатиб турган беомон кун, совуқ куз бугун кечкурун фалокат олиб келаётир. Қўк саҳнини қоплаган ҳора булатлар аллакимга офат ҳайдаб келаётир. Зўрлиги билан қабиҳлиги кучли бўлган бой овули ҳамои бўз уйни паноҳ тортиб ўтирибди. Уша овулнинг четидаги кулбада озиб-тўзган, касалманд она бағрида икки гўдак кийимсиз қалтирайди. Улар Асан, Усен... Оҳ-зор чекаётган кекса, шўрли эна — Ийс. Кун бўйи бой молининг кетида юриб совқотиб, титраб қайтган азамат Исо!. Уша кеча кучайиб кетган довул, изиллаган совуқ кулба, титрашган оч-яланғочлар, беозор, бегуноҳ оила... Шафқатсиз жоҳил бой билан қобондек ўжар, йиртқич бойвачча. Исонинг калтакланиши. Иўқолган қўй... Унинг кетидан кетаётган Исо... Унга ўчакишгандек, қақшатиб қутираётган довул, қор аралаш совуқ ёмғир... Ундан кейин бўри... Бўрилар!... Исонинг мардлик жасорати, ботирлик ғайрати... Жонталаш!.. Сўнгти эркак бўри билан яккама-якка кураш.

Шоирнинг сўзи шу жойларга кўчганда, мажлис аҳли дамини ичига олиб, жим бўлди. Эриб қулоқ солди. Фақат

онда-сонда хўрсиниб, чўчиб пицирлаётган Айгеримнинг гина товуши чиқиб қолади.

Еш шоирдан чиққан, сира ҳам хаёлга келмаган бу янги достоннинг барча ҳаяжонлик тўлқинлари барча одамларнинг кечагина ўзларини ғам-ғуссага кўмгаи аламли доғларини янгилаб юракларини янада сиқиб юборгандек бўлди.

Моҳир шоир олмосдек ўткир сўздан, оташин ҳисдан қудратли шеър яратиб, мафтун этиб бораётир. Азамат Исо, қимматли ўғлон, мардлардан мардининг қўлидан келмайдиган маҳорат кўрсатди. Нега кўрсатди? Ким учун кўрсатди! Хасис, аяшни билмайдиган, мард-азаматнинг қадрига етмайдиган душман учун кўрсатди, эссиз азамат!.. Исо бетоб... Дарди қаттиқ, болалар даҳшатда. Она оҳи-зор чекади, ёри дард тортади... Ўй аҳволи... Оила оч... Исонинг кўкси тўла армон, битмас-тутганмас армон. Зор қақшаб онам, етим бўлиб болам, тўшак тортиб ёrim қолаётир-а! Одам ҳам эмас, йиртқич бўрининг ини оғзида қолаётир-а!..

Шу жойга келганда, Айгерим йиғлаб юборди. Елғиз Айгеримгина эмас, Абай ҳам кўзларига ёш олган, Дарменнинг кўзларига ҳам ёш кўринганди. Алаҳлаш... Бўри... Бўри эмас, олишаётган Азимбой. Шунинг билан зўр қалбдаги кучли ўт сўнди... Кетди асл ўғлон!.. Зор йиғлаб қолди қўш етим Асан, Усен. Виждони бўлганга, ҳайвон эмас одам ўғли бўлганга, оғага ўтичга тўла жовдираган кўзларига заиф умид билан боқиб ҳолди шўрликлар!..

Шундан кейин Дармен достонини тугатмай, рўмолчанини кўзларига босганича ёш тўкиб ўтирди. Ҳамма жимжит. Гўё чиндан ҳозиргина дунёдан ўтган Исонинг бошинда ўтиргандек мотамда... Ҳамма ғам-ғуссага ботган... Абай ҳам икки кўзи ёшга тўлганича бошини қуий солган. Нафаси қалтираб чиқиб, оғир-оғир хўрсина беради. Борлиғи, кенг кўкрагигача қалтирайди. Анчагача шу таҳлитда ўтиргандек мотамда... Ҳамма ғам-ғуссага ботган—қисқагина сўз қотди.

— Некрасов, мана бу Некрасовнинг индоси. Рус халқининг чин оҳ-зори билан армон-ҳасратда ўтётганларини кўрсатган Некрасов кўнглимдан нари кетмайди. Бунга мен эришган эмас эдим... ўзим эришмасам, етолмасам, ўшанга етгувчи, ўшани топгувчи бўлса дер эдим... Оқ йўл бўлсия, жигарим, Дармен!— деди.

Абай Некрасовни ҳозир шунчаки тилга олган эмасди. Овул қистовга жойлашгандан буён Абайнинг ўзи Некрасовга ўзгача кўнгил қўйиб ўқиётганди. Яна мана шу куз кунларидан бирида, холи ўтирган чоқларида Дарменга ҳам Некрасовнинг бир неча шеърлари, достонларини гўзал ҳикоя қилиб, чевар тил билан айтиб берганди. «Деҳқон-фуқаро ҳалқнинг ҳаётидаги ҳақиқатни, кўнглидаги норозиликни, қайғули ҳолларини тасвиirlашда энг зўр ўрнак берадиган шоир мана шу» деб таъриф қилганди.

Уша кунларда Дармен борлиги билан берилиб, Абайнинг сўзларини тингларкан, кўнглида Исо тўғрисида яна бир марта қизғин, иссиқ хаёл тўлқинлари жўш уриб кетганини сезганди. Дамини чиқармай, ўлланиб ўтирган Абайнинг бир оздан кейин хаёли уйғонди. Кўнглига оталик, шоир оғалик ҳисси билан бир бошқача тасаввур келди.

— Қаҳратон аёзда, ёлғиз баланд қояда, қуруқ тош устига тухум қилган олғир қирон, она бургут... Ҳалқ шундай деб афсона қиласи, тўқсон тушганда она қирон ўша тухумларни қилиб қўйиб, қиш бўйи бағрига босмай жутар экан. Ўшанда қиш совуғига дош беролмай, битта тухум ёрилади, иккинчиси ҳам ёрилади, учинчиси ҳам ёрилади. Омон қолса, биттасигина қолар экан. Иссиқ, яшнаган кунлар келганда, ўша қолган биттасини, ёлғизгинасини қирон она бағрига босиб бола очар экан. Баъзи йилларда биронта тухуми омон чиқмай, батамом ёрилиб, она қирон умидини узаркан-у, бола очмай ўтар экан.

Абай энди бир нафас ҳалқи билан ўзини ҳам ўша она-дек ҳис этди. Бунинг ҳам теварак-атрофига шундай аҳвол йўқми? Беомон ҳаёт совуғига дош беролмай ёрилаётган тухумлар озми? Ерилган тухумнинг биттаси — анави Шубор бўлса, у ёрилигина қўймай, атрофига чирик, ифлос дард ҳам тарқатиб, ўлакса қуртини кўпайтириб ёриланга ўхшайди. Яна бир тухум — ҳалиги кетган Қўкбойми? Ҳеч бўлмаса, мана буни эшитмади ҳам. Узоққа бормайдиган, ёриладиган тухум аниқ ўша. Мана бу ўтирганлардан, қолганлардан ҳам қанча-қанчаси насл бўлмас... Ерилар ҳам, битар ҳам! Фақат ягона орзу, ҳеч бўлмаса биттаси... Биттасигина бўлса, қолса дер эди она кўнгли! Энди ўша биттаси — мана шу Дармен бўлармикин? Шуку! Орқамдан мен етолмаганга етиб, мен истаган ерларни истаб, учарсан олисга! Етармикансан ўша яхши ерларга?

Мен учган ердан нарига учадиган бўл! Мен билгандан
ортиқни бил, кейинги халқнинг кўрадиган баҳтиёр ҳаёт-
манзилини кўзла! У ўша, сен бугунги ҳаққониятни қал-
бинг билан кўра билган манзилда!

МУНДАРИЖА

Абай оға	3
Кек йўлида	70
„Қора солик“	159
Ўқинч	206
Тўқнашув	264
Қамалда	356

На узбекском языке

МУХТАР АУЭЗОВ

ПУТЬ АБАЯ

Роман

Перевод с казахского.
Изданиес Казгослитиздата. 1952.

Гослитиздат УзССР – 1957 – Ташкент

Редактор И. Муслим

Рассом И. Икромов

Техн. редактор Я. Пинхасов

Корректорлар М. Рустамов ва М. Мирзаидов

* * *

Босмахонага берилди 15/Х 1956 й. Босишига
рухсат этилди 7/II-1957 й. Формат 84×108^{1/3}
Босма л. 14,5. Шартли б. л. 23,58 Нашр. л.
25,23. Тиражи 30000. Индекс: и а. УзССР Да-
лат Бадий Арабиёт нашириёти. Тошкент.
Полиграф кўчаси, 74. Шартнома № 179—51

* * *

ЎзССР Министрилкаги Ўзгланиздати-
нинг 1-босмахонаси. Тошкент. Ҳамза кў-
часи, 33. 1956. Заказ № 857.
Баъсси 9 с. 60 т